




*Toхир Малик*

# ШАЙТАНАТ







«Шарқ» нашриёт-матбаа  
концернининг  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1994



*Тоҳир Малик*

# ШАЙТАНАТ

Қисса

Биринчи китоб



«Шарқ» Нашриёт-матбаа  
концернининг  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1994

## Безакловчи рассом *Хуршид Зиёхонов*

Катта шаҳарга донғи кетган қўшикчи тунда уйнга қайтади-ю, қўксига ничоқ қадалган хотинини кўради. Гарчи котилликка алоқаси бўлмаса-да, зўбни ўз бўйнига олади. Отншга ҳукм этилиб, ўзинб кетишни истайди. Аммо жиноягчилар тўдаси бошлиғининг аралашуви билан у отувга ҳукм этилмайди. Қамоқдан юрагида қасос ўти аланга олган холда чиқади. Ва... қасос ола бошлайди.

## ТОҲИР МАЛИК ШАЙТАНАТ

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
концернининг  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1994

Мухаррир З. А. Мирзоҳакимова, бадий мухаррир М. М. Аъламов.  
техник мухаррир Е. Р. Лукъянова, мусаххих Н. Г. Мухамедиева

Теришга рұхсат берилди 29.10.93 й. Босишига рұхсат этилди 01.02.94 й. Формати  
 $84 \times 108\frac{1}{2}$ . Адабий гарнитура. Офсет босма. Шартли босма листи 20,16. Ішарнёт хисоб  
листи 21,72. Тиражи 75 000. Буюртма № 2474. Бухоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси  
700083, Тошкент ш., «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг  
Бош таҳририяти, 1994.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَقَالَ الشَّيْطَنُ لِمَا قَضَى الْأَمْرُ إِنَّ اللَّهَ وَعَدَكُمْ وَعْدًا  
الْحَقَّ وَوَعَدْتُكُمْ فَأَخْلَفْتُكُمْ وَمَا كَانَ لِي عَلَيْكُمْ مِنْ  
سُلْطَانٍ إِلَّا أَنْ دَعَوْتُكُمْ فَاسْتَجَبْتُمْ لِي فَلَا تَلُومُونِي  
وَلَوْمُوا أَنفُسَكُمْ مَا أَنَا بِمُصْرِحٍ بِحُكْمٍ وَمَا أَنْتُ بِمُصْرِحٍ  
إِنِّي كَفَرْتُ بِمَا أَشْرَكْتُمُونَ مِنْ قَبْلِ إِنَّ الظَّلَمَيْنِ لَهُمْ عِذَابٌ

أَلْيَمُ (سورة إبراهيم ٢٢ - آيت)

”شيطان غالب ، جان بিраде شاشдим منا“

احمد يسوي

Бисемиллахир Рохманир Рохийм.<sup>1</sup>

Яратганга минг-минг шукрлар бўлсинким, Сиз — азизларга айтмок учун дилимга яна бир гап солди. Оллоҳнинг ўзидан мадад сўраб, қўлимга калам олдим. Умид шулки, айтар сўзларим сизларни бефарқ қолдирмас...

Оллоҳ субханаҳу ва таоло бандалариға «шайтон йўлидан юрманглар», деган. Надоматким, хақ йўл тур-

<sup>1</sup> Мазмун будир: «Качонки (бу) иш тугагач (яъни жаннат ахли жаннатга сазовор бўлиб, дўзахийлар дўзахга хукм қилингач), шайтон деди: «Албатта Оллоҳ сизларга хақ ваъда қиласиган эди. Мен эса (ёлғон) ваъдалар бериб, сизларни алдаган эдим. (Лекин) мен учун сизларнинг устингизда хеч кандай хукмронлик йўқ эди, илло мен сизларни (куфр йўлига чакиришими билан (оқ) ўзингиз менга итоат этдингиз. Энди мени эмас, ўзларингизни маломат қилингиз. Мен сизларга ёрдам бера олмайман, сизлар ҳам менга ёрдам бергувчи эмассиз. Албатта, мен сизлар илгари (Оллоҳга) мени шерик қилганингизни инкор килурман. Албатта, золимлар (яъни кофирилар) учун аламли азоб бордир...» (Иброҳим сурасининг 22-ояти.)

«Шайтон фолиб, жон берарда шошдим мано».

Аҳмад Яссавий

ганида шайтон йўли бизга дурустрок кўриниб, шу томон оғамиз. Оёкларимиз яхшилик эмас, зулм сари юришни маъқул кўради. Пешонамиз деворга урилганда эса, «шайтон йўлдан оздириди», деб қўксимиизни доғлаймиз.

Шайтон ҳам киши билмас улуғ кудрат эгаси. У ҳасад, риё, жаҳолат, разолат, хиёнат, газаб, шахват, сафоҳат, ҳасосат, анонийят, намимат, кизб, зулм, тана салтанатларининг сұлтони. Унинг салтнатни курғокчиликни билмайди — у эккан уруғларга Сиз билан биз сув бериб, ўзимиз англамаган ҳолда холис хизмат қилиб ётамиз. Шу боис унинг салтнатида қадалган ҳар бир уруғ ниш бериб, униб чиқади, усиб, мева тугади...

Ён-атрофимизда шайтон салтанатининг фуқароси кўпми ё иймон ва виждон сўзига итоат килгучи тобунларми? Албатта, шайтонни енга олганлар кўп. Аммо шайтон йўлидагилар кўзимизга кўпдай кўринаверади. Чунки улар эккан ёмонлик дарахти тез шоҳлайди, мўл мева беради. Мен шу ёмонлик дарахтининг илдизини излаб топарман деб яна сизларга мурожаат этяпман, вактингизни оляпман. Уни топмокка бир одамнинг акли косирлик кильмоғи аник. Қўплашиб фикрлашайлик-чи, иншооллоҳ, тўғри хулоса чинкариб олсак.

Ҳаёт турфа ранг. Қўзни яшнатиб, дилга кувват бергучи чиройли ранглар ҳам, кўнгилни вайрон килгучи кора ранг ҳам бор. Авваллари кора рангни ишлатишга бир томондан ижозат, иккинчи томондан журъат йўқ эди. Коранинг ёнида албатта оқ, пушти, зангори... ранглар бўлиши шарт эди. Замон берган эркинликдан фойдаланиб, турмушимизнинг кора кўчаларига киришга жазм этдим. Ёзганларимни ўқиб, чор атроф зими斯顿-ку, деб вахимага берилманг. Ёруғ кунда барча яхши нарсаларни кўриб турамиз. Қоронгида эса кўрмаймиз. Урилиб, сурилиб, кокилиб юрамиз. Алкисса, ёруғ куннинг кадрига етмок учун коронғуликни ҳам кўриш лозим эмасми?

Асанни охиригача ўкий олсангиз, бунга сабрингиз ва вактингиз етса, бир канча одамлар билан танишасиз. Улар балки кўшнингизга, балки дўстингизга, балки кариндошингизга ўхшаб кетар. Шу хол юз берса, «фалончини ёзибдилар» деб юрманг. Бу шунчаки тасодифий ўхашликдан бошқа нарса эмас.

Хеч бир инсон ёмонлик учун яратилмайди. Инсон

дунёдан лаззатланиш, бу дунё синовларидан ўтиш учун келади. Одам ерда юради. Шоир айтмоқчи:

*Самодаги тузок нима билмагай,  
У ҳеч кимга итоат ҳам қилмагай.*

Афсус, оёклар остида тузоклар кўп. Бу тузок одам боласининг ҳаёт йўлида ҳал килувчи восита ҳам бўлиши мумкин. Мен асарда сизга ҳамроҳ бўлгучи фукаронинг айримларини аввалдан танишитирай. Шу максадда бироз ортга кайтишимизга тўғри келади.

### ЭЛЧИН

1978 йил, 8 сентябр.

У момик булутлар устида сархуш сузарди. Бирдан булут чоки сўклиб, пастга караб шўнғиди. Юраги шув этдию кўзини очди. Чиндан ҳам булут устида сайдир килардими, чиндан ҳам пастга шўнғидими — дафъатан идрок этолмади. Ҳаёлини жамлашга уринди. Кўриб тургани — нақш билан безатилган шифт — демак, ўз ўйида. Ажаб, уйга қачон, ким билан кайтди экан?

«— Мен ҳазил ўйин деб уйлабман...

— Киморда ҳазил бўлмайди, эркак.

— ...Тўлайман... факат бугун эмас. Бир-иккى йил ичидা.

— Пулни-ку, тўларсан-а, хотининг-чи? Хотининг-ни ҳам тикворгансан-ку».

Бу хирилдок овоз бошига гурзи бўлиб урилиб, сапчиб тушди. Беихтиёр:

— Ноила! — деби бакирди.

Жавоб бўлмади. «Олиб кетишдими?!» деган фикр вужудини парчалаб ташлади. Бу сафар жонхолатда бакирди: «Ноила!!!» Айвондаги кафасда мудраётган тўтикуш патирлаб, бир чуғурлаб кўйди-ю, тинчили. Ташкарида ит улиди.

У сесканиб, атрофга олазарак боқди: ўнг томондаги ётк эшиги кия очик. Ичкарида чироқ ёни. Ноила ёлғиз колган тунлари чирокни ёқиб ётарди. «Ўида экан...» — шу фикр унинг парчаланган вужудига жон кайтарди. Эшик томон юрди. Остона хатлади-ю, тошдай котди: икки кишилик каравотда, умрининг энг

ширин дамлари ўтган ўринда ғоила соchlари паришон холда ётарди. Агар чойшаб конга беланмаган, чап күкрагига пичок қадалмаган бўлганида уни ширин уйқуда деб ўйлаш мумкин эди. Ачомлашган узун киприклар пастки қовоғига соя ташлаган, бежирим лаблари кимтилган, калдирғоч қанотидан нусха олган кошлари эса тараплангашган. У хозир хотинининг на кипригига, на кошига қарайди. У хозир Ноиланинг бўйни, бақбақалари тишланганини хам кўрмайди. Унинг кўзин хозир кўкракка қадалган пичокда. Дастаси кийик шохидан ишланган пичок жавонда сакланар эди. Уни ким олди? Ким ғоиланинг кўкрагига санчди?

У бир неча дакика телбаларча турди. Сўнг, эси ўзига келгач, шошилиб бориб кўкракдаги пичокни суғуриб олди...

## АСАДБЕК

1949 иил, 31 декабр.

Тонгга якин онасининг инграётганини эшилди. Кейин отаси нимадир деди. Танча совуб қолган, бадани совукдан жунжика бошлаган эди. Оташкуракни олиб кулни титиб кўйса-ку олам гулистон, аммо эринчоклик совукдан устунлик қилди. Бу юмушни эрталаб онаси бажаар эди. Учовлон танчанинг уч томонида ётишарди. Хозир онаси нариги уйда инграятти, отаси нимадир деяпти. Совук уйда нима килишяпти экан?

— Уйғондингми, тойчок? — деди дадаси остоңада туриб. — Туракол, аянгни касалхонага ташлаб келаман. Бугун корбобо сенга хам чана, хам ука олиб келадиганга ўхшайди. Сен яхши бола бўлиб ўтириб тур.

Аяси дадасининг калин ёкали катта оғир пальтоси ни кийиб олибди. Унинг назарида аяси пальтонинг оғирлигидан кийналиб инк illaётганга ўхшарди. Аяси танча олдида тўхтади. У турди. Аяси уни ўпиб, йиғлади.

— Дадаси, танчанинг чўгини очиб кўйинг. Тойчоғингиз совқотибди, — деди. Дадаси энгашиб, кўрпанинг бир томонини кутарди-да, кулини титиб, чўғни очди.

Кейин чиқиб кетишли.

У жойига ётди. Аввалига ёлғизликдан бироз кўркди. Сўнг ухлаб колди. Бу сафар ошқозон таталаб

үйғонди. Сандал устини қоплаб турган тұрт бурчак-ли катта патнисда бир бурда нон, бир сиқим туршак бор эди. Туриб, ювинишга эринди. Құлинни чўзиб нонни олди.

Құча томондан болаларнинг күвнок қийқириқлари келди. Ңон билан туршакни еб бұлгунча «күчага чиксам дадам уришадилар», деб үзига үзи сұз беріб үтириди. Корин ғами бироз аригач, дик этиб үрнидан турдию аяси тикиб берган пахталиктин әгнига илди.

Ана шу пайтда құча әшиги очилиб, икки киши кириб келди. Айвонга чиқиб оёқларини тап-тап уриб, корни кокишли. Сүңг әшикни очиб танчали уйга киришиди.

- Уйда ким бор? — деб сұради паст бүйли киши.
- Отанг қаерда? — деб сұради новчароғи.
- Дадам аям билан кетдилар.
- Қаёкка?
- Ука олиб келгани.

Улар бир-бирларига ғалати караб олдилар.

— Жойингда қимирламай үтири, — деб буюрди паст бүйли киши.

Құрқиб кетганидан қимирлашга ҳам ҳоли қолмади. «Булар үғри, яхши ҳам нонни еб қўйганим», деб үйлади.

Улар этикларини ечмай, эски кигиз устида из колдириб, токча томонга үтишли. Китобларни титкилашди. Кейин сандикни очишиди.

У титрай бошлади.

- Танчага үтири, — деб буюрди паст бүйли киши.

У совукдан эмас, қўркувдан титраётган эди. Танчага үтирганда ҳам қалтироғи босилмади. «Ҳеч нарса топишолмаса, мени үлдиришади», деган хаёлга келиб, йиғлаб юборди.

— йўимага йиғляяпсан, қўрқяпсанми? — деди новча одам.

Тили гапга келмай, бошини ирғади.

— Қўрқма, биз үғри эмасмиз. Биз халкни үғри, муттахам, душманлардан химоя киладиган одамлармиз. Сенинг отанг ҳам душман! Оддий эмас, халк душмани!

— Болага бу гапларни гапирманг, фойдаси йўқ.

— Фойдаси бор. Билиб қўйса чакки бўлмайди.

Тинтуб тугагач, биттаси патнисни суриб қўйиб, кур-

си устига, иккинчиси дераза токчасига ўтириб, папироc тутатди.

Улар узок кутишиди. Нихоят, кўча эшиги оғзида дадаси кўринди. Кўлида чана! У суюнганидан ирғиб туриб, ташкарига югуриб чикиши керак эди. Аммо ўрнидан жилолмади. Ўғлининг пешвоз чикмаганидан дадаси ҳам ажабланиб, «Тойчок, уйдамисан?» деб қўиди. Эшикни очиб, танчали уй ичкарисига бир одим ташлади-ю, ҳайратланиб тұхтади.

— Сиз камокка олиндингиз, — деди паст бўйли одам, унинг оркасига ўтиб.

— Халқ душмани сифатида, — деди новча одам, унинг рўпарасига туриб олиб.

Дадаси индамади. У «Дадам иккаласини уриб-уриб кўчага отворсалар эди», деб жуда-жуда истаган эди. «Нимага урмаяптилар, кучлари етмайдими? Мен борман-ку!»

— Дадамга тегманг! Тегманг дадамга! — дафъатан келган хайкирикни тұхтата олмади. Ирғиб туриб узун бўйлининг елкасига тирмашди.

— Жим бўл, илонвачча! — у шундай деб итариб юборди.

— Болага тегманг! — деб бакирди дадаси.

— Бўлди, томоша тамом, юр, — деди паст бўйли одам.

— Биродарлар, — бу сафар дадасининг овози титраб чикди, — ахир бугун янги йил, ўғлим ёлғиз. Эртага тоңг сахар айтган ерингизга ўзим етиб бораман.

— Мумкин эмас, юр.

Дадаси уларга бошқа ялинмади. Факат «Ўғлим билан хайрлашиб олай», деб изн сўради. Рухсат теккач, уни бағрига олиб, юзини юзига босди. Шунда юзига дадасининг кўз ёши тегиб, у ҳам йиғлаб юборди.

— Йиғлама, ўғлим, Жалил ўртоғингникига чикиб ўтир. Мен эрталаб кайтаман. Аянг сенга ука олиб келади. Отини Самандар деб қўямиз. Эсингдан чикмасин — Самандар!

Дадаси шу кетганича кайтмади.

## ЗОХИД

1980 йил, 10 июн.

Улар тўрт киши эдилар. Ака-ука уларга бас кеполмасди. Кочдилар. Кўча узун, гўё адоксиз эди. Хаммаси худди тушдагидай кечди: жонхолатда тез югурамиз дейдилар-у, югуролмайдилар — қочоклар билан кувлоклар орасидаги масофа тобора кискаради. Ана, уч қадам колди... икки қадам... Оркадаги ларнинг хансирашлари якъол эшитилади. Сўнг ўнг чаккасига орка томондан мушт тушди. Оёклари чалишиб, мувозанатни ушлолмай колди — мункиб бориб дераза токчасининг киррасига калласи билан урилди. Кўзлари тиниб, аъзойи бадани бўшаши. Шу ахволда эканида акасининг ихраганини эшитди. Кейин акаси жони борича бакирди:

— Зоҳид, коч!!!

У ҳам «ака, кочинг!» деб бакирмокчи эди, овози чикмади. Факат лабларини аранг кимирлата олди.

Касалхонада ўзига келиб, бўлган воқеаларни эслади: шанба оқшомида ака-ука дарсдан чиқиб, кишлокка кайтдилар. Онаси тандирга ғўзапоя қалаб, нон ёпишга хозирланарди. Совчилар ишни пиширишган, эртага кизнинг уйида нон синдирилади. Карабсизки, ёзги имтиҳонлар оёклаши билан тўй бошланиб турибдида. Ака-ука эртага бўладиган шодликни билишса ҳам билмаганга олишади. Факат ука айёрлик билан кўз кисиб, акасига караб кўяди.

— Ўртоқларинг келиб кетишиди. Афзалинг ҳарбийдан кайтибди. Ўша ерда ўтиришаркан, — деди она бўлажак күёвга меҳр билан бокиб.

Ака ўша ёкка отланди.

— Хай, ўртоқларингга қўшилиб ичмагин-а! — онаси шундай деб уни ҳам акасига қўшиб меҳмондорчиликка юборди.

Жўралар кучоклашиб кўришдилар. Бир кўчани чангитиб улгайган йигитлар фотиха тўйидан дарак топишган, улар учун Афзалинг ҳарбийдан қайтгани бир шодлик бўлса, улфатларидан бирининг бўйдоклик кўргонини бузиб уйланаётгани ўн шодлик эди. Чин шодлик шишалар бўшатилгунча экан. Бир-бировларига битта гап кам, иккитаси ортиқча даражага етишгач, барчаси унутилди. Акасининг қайси гапи жўрабошига

ёкмади — у эслолмади. Зиёфат тугаб, кўчага чикишиди. Ана шунда жўрабоши:

— Хали нима девдинг, қуррук! — деб ёкасига ёпишди.

Акаси ҳам ҳайрон. Нима дегани эсида йўқ. Уларни ажратиб қўйиншди. Ака-ука тинчгина кетишашётган эди. Йўл яримлаганда орқадан тўртталаси кувиб келди...

...Фотиха тўйига аatab ёнилган нон жанозага келганлар учун ёзилган дастурхонга қўйилди. Мурда ювиладиган уйга гуллар сочили. Чимилик тутилди...

Бу пайтда у касалхонада ҳушсиз ётарди.

Тўртта эди улар. Кора курсида эса ёлғиз жўрабоши ўтирибди. У ака-ука билан муштлашиб, «бехос уриб ўлдириб қўйибди». Жиноят қасдан қилинмаган. Давлат кораловчиси ҳам, окловчи ҳам шу фикрда.

Судхонага акасининг суратини олиб киришди. Жўрабоши йиғлаб туриб, суратни олиб қўйишни илтимос килди. Гувоҳлар ҳам ўтиниб сўраши. «Ха, буларда инсоф бор экан-ку», деб ўлади. Лекин жўраларнинг барчаси ёлғон гапиришди. Мархум хотираси ҳам булғаб ташланди. Тўртовлон акасини ураётганда мард эди. Энди, жавоб беришга келганда номард кимсага айланишди. Жон ширин экан. Шу ширин жон учун хонинлик килиш осон экан, жуда осон экан.

\* \* \*

Баён қилганим — уч воеа уларнинг ҳаётидаги алғов-далғовнинг бошланиши холос. Шу воеалардан сўнг уларнинг ахволлари не кечди, бошларига яна не савдолар тушди?.. Ана энди муқаддимани якунлаб, асосий муддаога ўтсак бўлар.

Асарни сўнгги нуктасигача ўкиб чикишингизда яратгандан Сизга сабр тилайман.

Ассалому алайкум ва раҳматуиллоҳу ва баракотух.

## I БОБ

1

Кишлоқда тонгни ҳўрзозларнинг кичкириғи, қушларнинг чуғури, ниҳоят, эшакнинг ҳанграши уйғотади.

Рухий хасталар шифохонасида эса деразалариға темир панжаралар махкамланган хоналардаги жинниларнинг ҳайқирган овозлари тонгни бир титратиб сўнг уйготади. Янада аникроқ айтсак, бу овозлар шомдан тонгга кадар тинмайди. Бу бакириқлардан безор бўлган тун бу ерлардан тезрок кочмок истайди. Учинчи қаватдагилар туннинг ожизлиги ўзларининг кудратларидан масрур — гўё улар тонгни уйфотиш учун бетиним хизмат килиб чиқадигандай. Анвар буни биринчи келган куниёк фахмлаган. Гаплари алмойи-алжойи одамлар билан ҳамхона бўлгач, «чиндан ҳам менинг эсим оғанми?» деб ўйлади. Унга меҳрибонлик кўрсатганларнинг чин максадини англамок ниятида хаёлнинг турли кўчаларига кириб чиқди. «Меҳрибон»лар сафининг бошида «ҳалқ отаси» тургани аниқ. Умрини мактov эшитишу чиройли киз-жувонлар билан айш килишга тиккан идора бошлигини Холидий эмас, балки киноя билан «ҳалқ отаси» деб аташ расм бўлган эди. Холидий «ҳалқ отаси» деган сўзни эшитганида заррача ранжимасди, балки унвон сифатида қабул қилишга кўниkkанди. Аникроғи, бу «унвон» унга жуда хуш ёқар, вакт ўтган сайин чиндан ҳам ҳалқ отаси эканига ишониб борарди. Холидий хорижга кўп сафар килгучи эди. Агар туғмас хотинлар делегацияси чет элга борадиган бўлса ҳам бу одам рўйхатнинг бошида турарди. Мабодо рўйхатга кирмай қолса, «ахир мен ҳам туғмаганман-ку», деб даъво килишдан тоймас эди. Сафардан қайтгач эса албатта идора ходимларини тўплаб, бир неча соат давомида хотираларини сўзлаб берарди. Ҳалқ тарихини ўрганиши лозим бўлган илмгоҳ асосан Холидийнинг хизматини ўташ билан машғул эди. Навбатдаги сафардан кайтган Холидий хотирағўйликларнинг бирида «мажлисдаги ажнабийлар нуткимни эшитиб, «сиз оддий олим эмас, ҳалкнинг отаси экансиз!» деб олкишлашди» деб бир яйради. Бу гапни эшитиб Анвар «шу одам ота бўлган ҳалкнинг падарига лаънат!» деди. Ёнидаги ҳамкаслар аввалига бу бурама гапнинг мағзини чакишимади. Кейин тушуниб колиб, кулиб юбориши. Шубха йўкки, Анварнинг гапи Холидийга етиб борган. Бироқ, уни жиннихонага юбориш учун бу гап кифоя эмас. Холидийнинг шогирди диссертация ёқлаётганида Анвар бу илмий иш эмас, лўттивозлик деб фикрини исбот қилишга уринган эди. Унинг гапларини барча маъқуллаган, лекин уни ҳимоя килмаган эди.

Диссертация яхши баҳо олди. Холидий истаса Анварни ўша куниёқ ишдан бўшатар эди. Бунака идораларда «штат қискариши» деган гаплар бўлиб туради. Анвардай чўрткесар олимнинг баҳридан ўтиш Холидийга чўт эканми? Лекин у Анварни ишдан ҳайдамади. Яхши муомалада бўлиб юраверди. Яхши муомаласини дариг тутмаган холда жиннихонага жунатди. Аммо нима учун бундай килди — Анвар учун ҳам, унинг атрофида гилар учун ҳам сир эди. Анвар биринчи кечада шу жумбокқа жавоб топишга ҳаракат килди. Ўса кеча учинчи қаватдан тараляётган овозларни эшишиб, юраги сикилди. «Мени бу ҳаваскор жиннилар хонасиға келтиришга куч топган одамлар учинчи қаватга ҳам кўта-ришга қудрат топарлар?» Анвар тунлари ижод килиб ухламас эди. Бу ерда эса дам ваҳимали, дам аянчли овозлардан ухлай олмади. Аввалига даҳлизда юриб чикди. Ҳамширалар норози бўлавергач, каравотида шифтга тикилиб ётишни одат килди.

Бу тун ҳам шу зайлда кечди. Тонгга яқин ўрнидан турди. Даҳлизга чикди. Ҳамшира стол устига қўлларини ковуштириб, билагини болиш килиб уйқуга кетибди. У bemорларнинг телба-тескари гапларига, учинчи қаватдан келаётган бакирикларга кўнишиб колган. Эшикнинг ташқари ойнаванд табакасини махкам ёпган, ичкариги табака — темир панжарага кулф урган — бу ёғи хотиржамлик.

Анвар темир панжарага яқинлашиб, ташқарига тикилди. Учинчи қават ҳам жимиб колиб, ҳаммаёқни ўлик сукунат копласа, бу ер янада ваҳимали бўлса керак. Ҳархолда «жиннихона» деган номи бор. Ҳар ким ҳам юрак бетлаб яқинлаша олмайди. «Мен эсам улар билан бирга яшаяпман. Биз уларни «жинни» деймиз. Улар-чи? Улар бизни нима дейишар экан?.. Уларнинг кўзига биз жинни бўлиб кўринсак керак. Бу дунёга кип-яланғоч холда келамиз. У дунёга кетишимизда ҳам хеч нарса олмаймиз. Бир одамга икки қулоч сурп кифоя. Ана шу келиш-кетиш орасидаги бир чимдим умримизда нималарни талашамиз? Бир-биримизга хоинлик қиласиз, ҳасаддан куйиб-ёнамиз. Ҳатто... ўлдирамиз! Обру топмокчи, пул йиғмокчи, шухрат орттирмокчи бўламиз. Барчасига эга ҳам чикамиз. Шоҳсупада талтайиб ўтирганимизда ҳазрат Азроил келадиу паттамизни қўлимизга тутқазади. Биз — эси соғ одамлар буни тушуниб етмаймиз. Улар — жиннилар балки шу

хакикатга етиб боргандар учун бизнинг кўзимизга руҳий хаста булиб куринишар? Ахир улар орасида мансаб талашишлар, майшат, ҳасад, хоннлик... йўкку?..»

Анвар шуларни хаёлидан кечириб, юраги тошиб кетди. Темир панжарани бузиб учинчи каватга чиқкиси келди. Панжарани силтаб тортди. Темир шараклаб кетиб, ҳамширани чўчитиб юборди. У уйкусираган ҳолда шошиб бошини кўтарди-да, атрофга аланглади. Анварни қуриб, ўрнидан турди.

— Сизмидингиз? Қўркиб кетибман, — деди.

«Демак, мендан қўркмайди. Демак, менинг эсим соғ. Бу яхши», деб ўйлади Анвар.

— Хавотир олманг. Келажаги порлок хаваскор ёш жинниларингиз ором қўйнида жавлон урмоқдалар, — деди у ҳамширага, ҳазил оҳангидা.

— Нимага унака дейсиз! Қўйинг, ҳамма тузалиб кетади, — деди ҳамшира, соддадиллик билан.

— Ҳамма тузалиб кетса сиз ишсиз қоласиз. Одамларга ҳам қийин бўлади. Ким соғ, ким жинни — ажратолмай эзилиб кетади.

— Гапларингиз қизик.

— Жинничами?

— Йў-ўқ. Ҳечам унакамас. Сизни нимага чикариб юборишмаяпти, ҳайронман. Сизга яна янги дорилар буюришибди.

— Кучлирокми? Яширмай айтаверинг. Кучлирокдори буюрган. Кеча бошлиғингизга караб туриб: «Сизни сўйса етмиш кило гуш чикса керак», девдим. Қўркканидан кўзи олайиб кетди.

— Нимага шу гапларни айтасиз-а?

— Қимгадир китмилик килишим керак-ку? Қелинг, қўйинг, бу гапларни. Дафтaringизга «шу кучлидори билан эмлаб қўйдим» деб белгилайверинг. Бунинг эвазига битта латифа айтиб бераман.

— Яна жиннилар хакидами, керакмас.

— Сиз эшитинг, бу янгиси. Ҳуллас бир жиннихонада жиннилар тузалдими ё йўқми, билмокчи булишибди. Жинниларни самолётга жойлаб осмонга учишибдида, кўлларига буш шишалар тутказишибди. Бир маҳал карашса, салонда бир киши ўтиргани кетишиди, дебди. Сен-чи, деб сўрашса: «Нима мен жинниманми бугун душанба, магазин ишламайди», дермиш.

Ҳамшира кулиб, юзини четга бурди.

— Агар мени олиб чикишса, шартта ташлаб юборар эдим, — деди Анвар.

— Қўйинг-е, — деди ҳамшира. Назарида Анвар чиндан ҳам осмондан ўзини ташлаб юборадигандай туюлиб чўчиб тушди. — Кириб бироз дамингизни олинг.

Анвар унга маъюс тикилди. У белгиланган дориларни ичмаслик, эмлатмаслик учун ҳамшираларнинг кўнглини кўтаришга, кулдиришга харакат килар эди. Кейин эса ўзининг масхарабозлигидан ғижиниб, ранжирди. Хозир ҳам шундай бўлди. Ҳамширани кулдирди-ю, ўзи эзилди. Энди ортиқча гапга ҳожат йўқлигини англаб, хасталар ётоғига караб юрди. «Агар осмонга олиб чикишса, ўзимни ташлардим, худо ҳақки, ташлардим. Бу ердан кутулишнинг бошка чораси йўқ», деб ўлади.

## 2

«Сизни йўқлашяпти» деган гапни эшитиб ажабланди. «Ким йўқлаши мумкин? Якшанбадан бошка кунларда бу ерга ҳатто Азроил ҳам киритилмасди-ку?» Табибошининг хонаси томон юришгач, Анварнинг хәёлига «халқ отасими?» деган фикр урилиб, тўхтади. «Нима хунар курсатаркин? Мени бу ердан бўшатадими ё учинчи қаватга йўллайдими?»

— Юраверинг, — деди ҳамшира, унинг тўхтаб колганидан ажабланиб.

Остона ҳатлаб ичкари кирди-ю, кўзларига ишонмади.

Элчин!

Ўн йиллик айрилик жиннихонада бархам топар, соғинган кўнгиллар шундай жойда коникар, деб ким ўйлади?!

Анварнинг Элчинга ёзган ҳатлари жавобсиз колаверди. У дўстини кўриш илинижида ҳатто Учқудукка ҳам борди. Бирок, Элчин у билан учрашишни хоҳламади. Кейин уни Сибир томонларга жўнатишиди. Анвар: «Ошнам мендан каттик хафа экан-да», деган холосага келишдан ўзга чора топмади. Ана шу дўсти, ҳатларига жавоб кайтамаган, кўришишни истамаган кадрдони

жиннихона табиббоисининг хонасида унга жилмайиб караб турса!

Хархолда узок айрилувдан кейинги бу дийдор күришув айтарли ширин кечмади. Элчин унга согинч тұла күзи билан тикилар, Аңвар эса бу карашга үзгача маъно бериб, «согманми ё ростдан жинниманми, шуни аникламоқчими?» деб үйлар эди. Шу хаёли үзи учун ҳакиқат туюлиб үзини жинниликка солди:

— Мана, ошна, — деди у кулиб, — шу оромгохда давлатнинг текин овқатини еб ётибман. Беш кун ишламаймиз, икки кун дам оламиз. Келажаги порлок хаваскор жиннилар юксак онглилик намуналарини күрсатмоқдалар. Халигача бирорта дүхтири尼 еб қўйишгани йўқ, — у шундай деб табиббошига қараб қўйди. — Мен бу ерда дунёнинг тузилиш формуласини ишлаб чиқдим. Биргина масала колди: шу опамни сўйсам неча кило гўшт бераркин? Чамамда етмиш кило. Їима дейсан? Калла-почалари бунга кирмайди.

У шундай деб дўмбоккина, оппоккина табиббошига кўзларини лўқ килиб олди.

Элчин унинг бу ахволига ишониб-ишонмай бироз үзини йўқотди. Сўнг табиббошига қараб, илтимос килди:

— Мен ошнам билан гаплашиб олай, малол келмаса сиз чиқиб туринг.

Табиббоши малол келганини яширмай чимирилиб қўйди. Элчин буни сезиб энди катъйрок, буйруқ охангода деди:

— Сиз ҳужжатларни тўғриланг, хозир кетамиз.

— Мен дарров чиқара олмайман, яхши йигит. Маслаҳатлашиб олишим керак.

— Маслаҳат пишган! — деди Элчин овозини бир парда кўтариб. — Асадбек иккита гапни ёқтирамайди.

Табиббошининг ранги бўзарди. Лаблари титради. Бинойи кийинган, хушсурат бу йигит кириб келганида табиббошининг тош юраги юмшаган эди. Бу коракош йигит кўзларини сал сузиб қараса, унча-мунча аёл зоти дош беролмай коларди. Олти йилдан бери беваликнинг тахир ошидан безган табиббоши учун биргина шундай караш етарли эди. Аммо «Асадбекнинг истаги билан келдим», деган гапдан баданига муз югурди. Асадбекнинг кимлигини, қўлидан нималар келишини ҳеч ким билмаса ҳам шу аёл билади. Бевалик унвони ҳам унга шу Асадбек истаги билан берилган. Асадбек турган

жойда «халқ отаси»нинг сарық чақалик қадри йўклиги ҳам табиббошига маълум. Бу хушсурат йигит, хотинини ўлдириб қамалиб кетганидан кейин ҳам шухрати сўнмаган бу машхур қўшиқчики Асадбек билан боғлик экан, кичкина жиннихонанинг бошлиғига тайсаллашни ким қўйибди?! Табиббоши ношуд, бефаҳм аёллардан эмас эди. Буни дархол тушуниб етди. Рангининг бўзаргани, лабларининг титраши ғазабдан эмас, кўркувдан эди. У ортиқча гап айтиб юборганини сезди. Ўзини оклаш, Асадбек истагига зид иш кўриш нияти йўқ эканини маълум килиш учун гапни бошка томонга бурди:

— Ўртоғингизни билмаган одам ҳозирги ҳазилларини эшитса, ростданам... — «жинни» дейишга унинг тили айланмади, — ҳалидақа деб ўйлади.

Элчин аёлнинг мақсадини англади. «Бу бечора бир ижрочи, дилини вайрон қилиб кетмай», деган фикрда жилмайди, орадан совук гап ўтмагандай ҳазил оҳангидда деди:

— Бу ошнам шунака ҳазилкаш. Асли артист бўлиши керак эди-ку, худо уриб олим бўлиб қолган. Яна шоирлиги ҳам бор. Эсингдами, Анвар, мактабда «Тумов бўлган ошиқ» деган шеъринг бор эди. Ўқиганда кулавериб ичаклар узиларди.

— Сен ҳам яхши бола эдинг, худо уриб ашулачи булиб қолгансан.

Анвар бу гапни жуда совук оҳангда айтди. Элчин унинг кўзидағи совук нурни кўриб, нафаси қайтди. Ўзини мажбуrlаб кулиб, табиббошига тушунтирган бўлди:

— Бунга гапиринг-у, кочинг. Гапи шунака, жонни суғуриб олади. Зўр-да, зўр. Ҳа, сиз хужжатларини тўғрилайверинг.

Табиббоши ҳам зураки жилмайиб, чикиб кетди. Ҳоли қолишгач, Элчин гапни нимадан бошлиғни билмади. Орадаги сукутни Анвар бузди.

— Мени худо ургани рост. Лекин сен айтганча эмас. Олим, балки бироз шоир бўлганим учун урган. Мен бу дунёдан ҳакиқат топарман деб юрган эдим.

*Шоир бўлиб тугилмасайдим,  
Кўрмас эдим бунчалар хўрлик...*

— Анвар, қўйсанг-чи, ҳазиллашдим-ку? Шунча йиллик айрилиқдан кейин бир ҳазиллашсам...

— Мен сени соғиндим... Хатларимга нима учун жавоб бермадинг? Мени қўришни ҳам истамаган эдингми?.. Энди нимага келдинг? Мен сени кутқаришга ожиз эдим. Энди сен мени озод этмоқчимисан? Уналасам-чи?

— Анвар, хатларингга жавоб бермай, Учқудуқда қўришишга чикмаганимнинг сабабини бошқа сафар айтиб берай. Мана бу еримда, — Элчин кўкрагини муштлади, — жон қолмаган, зардобга тұла. Дардим тўлиб-тошган, сенга айтмасам кимга айтаман?

— Ноилани сен ўлдирмаган эдинг. Бунга ҳамманнинг ақли етиб турувди. Сен унинг рухига хоинлик килдинг.

— Мен қамок муддатини ўтаб кайтдим. Ўзим чиқарган ҳукм эса ҳали ижро этилгани йўқ. Жазоимни тортиб юрибман. Агар ўшанда отишга ҳукм килишганида биратўла кутулар эдим... — Элчин шундай деб хўрсинди.

Анвар унга тикилди: соchlарига оқ тушган, мижжалари атрофини ажин босган. Руҳини тетик қўрсатишга интилаётган бўлса ҳам, кўзларидан нур кочган. Қарашларида илгариги жон йўқ...

— Отишганида хоин сифатида ўлиб кетардинг.

— Жон ошнам, мени кийнама. Ҳозир менга ёрдаминг керак.

— Ўз кучинг билан мени бу ердан чиқариб кетганингда раҳмат айтардим. Сен бир боши бузукнинг марҳамати билан менга озодлик бермокчи бўлибсан. Миянг айниб колибди. Мен ҳали сенга дунёning формуласини топдим, дедим. Бу сен ўйлагандек жиннича ҳазил эмас. Чиндан ҳам топганман. Эшит: ҳақиқат деган нарса бу нўл! Дунёни кўзга чиройли қўрсатиб берувчи никоб, чойшаб. Ўликнинг устига гули чойшаб ёпиб кўйганинг билан мурда чиройли бўлиб колмайди-ку, тўғрими? Ҳаётда ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Факат чойшабнинг номи ўзгариб туради. Чойшабнинг хозирги номи нима, биласанми? Қайта қуриш!

— Анвар, қўй, бу гапни кейин гаплашамиз.

— Йўқ, эшит, менинг нимадан жинни бўлганимни билишинг керак. Демак, дунёning формуласи: ҳақиқатни икс деб турайлик, — Анвар стол устидаги қофозни, чиройли қаламни олиб тез-тез ёзди-да, Элчинга узатди. — Мана, кара:

X (ҳақиқат)=хиёнат+риё+(хасад+очкұзлик)+  
+адоват+ғийбат+нифок+шұхратпарастлик+ман-  
сабпаастлик—виждон+иймон+хаё=0

Әлчин қоғоздаги сатрларга узок тикилиб қолди.  
Сұнг уни икки буклаб стол устига ташлади.

— Үрісларда бир мақол бор: Американи иккінчи  
марта кашф этмайдилар. Оддий ҳақиқатни кимга исбот  
этмокчисан? Дунёда ҳамма нарса нисбий. Мен фалон-  
чига нисбатан инсофліман, сен эса менға нисбатан, яна  
бир одам сенға нисбатан инсофліроқ. Ҳар биримиз  
ҳақиқатни үзимизча тушунамыз.

— Бизнинг нодонлигимиз ҳам шу тушунчалардан  
сув ичиб күкаради.

— Бўпти, сен ҳақсан. Баҳлашган билан корин  
тўймайди. Нарсаларингни йиғиштири.

— Мен... кетмайман. Менга шу ер ёқиб қолди.

— Жиннилиқ килма.

— Йўқ, шу имкониятдан фойдаланмасам, чиндан  
ҳам жинни бўламан.

— Бу ишга Асадбек аралашганини билмасанг ин-  
дамай чиқардинг. Мен атай айтдим. Билиб кўйишиңг  
керак буни... Сени бу ерга жўнатган одамга фақат  
Асадбек бас кела олади, — Элчин шундай деб бошини  
эгди. Худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандек давом  
этди: — Қайтган кунимок сеникига бордим. Ўлардай  
соғинувдим. Сұнг... айтадиган гапларим кўп эди сенга.  
Мен энди пулга мухтож бўлмайман. Болалигимизда сен  
кучли эдинг. Мени ҳимоя қилардинг. Ҳозир бу ҳимояга  
мухтож эмасман. У томонда орттирган ошналарим бор.  
Сен ёнимда бўлсанг бас. Нафасингни ҳис килиб турсам  
бўлгани. Менadolатга сифинай десам, қайга бораман,  
ҳақиқатга сифинай десам қайга бораман? Эзгуликка-  
чи? Билиб кўй, мен учун ҳаммаси — сенсан! Қейин, мен  
сени бу ҳолда ташлаб кўймайман. Мен хунхўр одам-  
ман. Ҳа Ноилани мен ўлдирмаганман. Лекин у менинг  
аблахлигим туфайли ҳалок бўлди. Шунинг учун жазо  
олишим керак эди. Бу — бир. Иккинчидан, бегуноҳли-  
гимни исбот қила олмас эдим. Улар бунга йўл кўймас  
эдилар. Биламан, ўлим жазосини ўшалар бекор қи-  
лишган. Менга яхши бир сабок беришмокчи эди. Сабок  
олдим. Лекин улар мўлжаллаган хулосага келмадим.  
Энди менинг суратим одам. Аслида эса мен илонман!  
Уларни бўғиб қийнайман, сұнг конини сўраман. Мен  
уларнинг кўзларини ўяман, тилларини суғураман, кўл-

ларини синдираман, кулоклариға күрғошин қуяман. Умримнинг мазмуни ҳам, тотадиган лаззатим ҳам шу! — Элчин хўрсиниб, Анварга каради. Унинг кўзида ёвузлик ўти чакнади. Энди у ёш дилларни вайрон қилувчи «лирик хонанда»га сира-сира ўхшамас эди. Анвар унинг сўзларини эшишиб, кўзларига тикилди-ю, бир сўз айтмади. Элчин ундан жавоб кутмай гапини давом эттириди:

— Сен менга кераксан. Рад этишга ҳаккинг йўқ. Бу дунёдаги умрим ўлчовли, мени ранжитсанг гуноҳга ботасан, билиб қўй.

Анвар жавоб кайтартмади. Оғир кулфат тоши елкасидан босиб тургандай букчайганича ўтираверди. У дўстининг максадини тушунди. Асадбек ҳузурига бош эгиб боришининг маъносини ҳам англади. Элчин жонини тикиб, хавфли ўйинга кирган эди. У уч бошли аждахони енгиш қасдида чиккан уловсиз, яроғсиз паҳлавон холида эди. Бир пайтлар бу аждаҳо кўзига фаришта бўлиб кўринган эди. Анвар «Адашяпсан!» деб уни йўлдан қайтаришга кўп уринди. Аммо ҳаракати зое кетди. Энди-чи? Энди нима килсан? Яна йўлдан қайтаришга уринсанми? Илгари Элчиннинг кўзлари ожиз эди. Энди кўрабила туриб, ўлимга рози бўлиб кетяпти.

Анвар бир карорга кела олмай доғда эди. Шу боис бошини кўтариб ўйчан кўзларини дўстига кадади.

— Сенинг оркангда тоғ бўлиши керак. Мен... афсус, тоғ эмасман. Бир тошчаман. Ҳаёт мени эрмак килиб ўйнаб, истаган пайтда улоктириб ташлаши мумкин. Менга ишонма.

— Яхши, буни кейин гаплашамиз. Бу ер масала сўкишадиган жой эмас. Тур, лаш-лушларингни йиғиштир.

Анвар ҳазин жилмайди.

— Мен кетмайман.

— Истасанг, сени бу ерга жўннаттирган ит эмгандарнинг ҳаммасини ҳайдаб келиб, қаршингда тиз чўктираман.

— Бундан нима фойда? Шу билан инсофга келишади, деб ўйлайсанми? Ўзингни ҳам, мени ҳам кийнама, оғайни.

Элчин тиззасига уриб, ўрнидан туриб кетди.

— Қайсаарлик ҳам эви билан-да... — у бироз жим колди. Сўнг Анварга яқинлашиб, уни елкасидан тут-

ди. — Хеч бўлмаса бир кунга чиқарсан. Тўйимга борарсан, куёвжўра бўларсан?

Бу гапдан кейин Анварнинг кўзларига инсоф нури кайтиб, юзига кизиллик югурди.

— Уйланяпсанми? Кутлуғ бўлсин. Шуни олдинрок айтмайсанми? Хўп, бир кунга чиқаман. Кимга уйланяпсан, сир эмасми?

Элчин янгиликни эшитиб қочиб кетмасин, дегандек Анварнинг елкасини янада маҳкамроп ушлади:

— Асадбекнинг кизини оляпман, — деди дўстига тикилиб.

Элчин «жодугар кампирга уйланяпман» деганида Анвар бунчалик ҳайратланмас эди. Лекин Асадбекнинг кизига уйланиш!!! Тўғри, Элчин хушсурат йигит, аввалги шуҳрати ҳам унчалик сўнмаган. Энг лобар қиз ҳам унга жон-жон деб тегиши мумкин. Лекин Асадбекнинг кизи?.. Киз хоҳлаган такдирда ҳам, Асадбекнинг рози бўлиши?.. Анвар учун бу ечими оғир жумбок эди.

### 3

Аслида эса бу жумбокнинг ечими унчалик оғир эмас. Ечимга Ноила ўлдирилган тунда киришилган бўлса-да, ҳал килувчи палла деб 1988 йил 31 декабрни белгилаш мумкин.

Отасини олиб кетишганидан бери, ўттиз биринчи декабр, насарий хисобидаги янги йил кечаси Асадбек учун мотам тусини олган эди. Улғайиб, уйланиб, болачакали бўлганидан кейин ҳам, атрофида одамлар тўпланиб, кудратли кучга айланганидан кейин ҳам йилнинг сунгги кунида ёлғиз колар эди. Бу куни уни ҳеч ким безовта килмасди. Аникрок айтсак, бу куни унга бирор юрак ютиб бетлай олмасди. Бу куни у энг мухим ишларини ҳам четга йиғишитирарди.

Олди пешайвон, икки хонали ўша эски уйига бориб, чироқларни ёқмай, танчага чўғ ташламай тонг оттирарди. Янги йил кечаси унинг энг сара, энг содик тўрт йигити учун ҳам ҳаром эди. Уларнинг иккиси кучанинг у бошида, иккиси бу бошида сергак турарди. Шу тун кор тугул тош ёғса ҳам, совук минг даражага чиқиб кетса ҳам бу ҳол ўзгармас эди.

...Асадбек ўша кеч отасининг айтганини бажармади — кўшниси Жалилларнига чиқмади. Назарида

ҳалиги одамлар ҳазиллашгандай, дам ўтмай отаси қайтиб келадигандай туюлди... Ана, күча эшик «ғийт» этиб очилди. Ана, дадаси ҳалига икки киши билан бирга кулиб кириб келди. «Калайсан, тойчок! Менинг ўғлим азамат, хеч нарсадан күркмайди, десам, булар ишонишмай мен билан гаров ўйнашган эди. Синаб күриб юткизишганини тан олишди. Қойилман сенга, уларни бопладинг!» Шундай деб дадаси уни ўпди... Күча эшигига илҳақ тикилиб ўтирганида кўзига кўриндими ё бир зумгина мудрок енгган чоғида ширин туш кўрдими — фарклай олмади. Ҳархолда дадасининг кайтишига каттиқ ишонди. Танча совуди. Чирокни ёкмади. Кўркмади. Ишонч кўркувдан устун келди. Нигохи коронгулик бағрини титиб, тимирскланиб кезди. Ой кутарилгач, ҳовлини қоплаган кор оппоқ оқариб атрофни ёритди. Ой нури синган кўзи ўрнига қофоз копланган дераза оркали уйга ҳам кирди.

Күча эшик эрталабгача килт этмади. Дадасининг кетиши ҳазил эмас, чинга айланаётган дамда күча эшик очилди. «Дадам!» У иргиб ўрнидан турди-ю, эшик оғзида ошнаси Жалилни кўриб ўша заҳоти жойида котди. Жалил ҳовлига кириб, бир-икки қадам босгач, тўхтаб атрофга аланглади. Унинг бунақа одати йўқ эди. Тўғри уйга кириб келаверарди. Ҳозир эса бир нарсадан кўркиб тўхтади.

— Асад!

Жалил ҳовлига кириши билан шундай деб бақириб кўйиб, уйга караб юрарди. Бу сафар паст овозда, бирорни чўчитиб юборишдан кўрккандай аста чакирди. Жавобни кутди. Сўнг яна ўша овозда «Асад» деб кўйди.

Асадбек ўртоғини кўриб йиғлаб юборай деди. Баданидан ўтган совукни ҳам энди сезди. Кўркув ҳам энди исканжага олди.

Жалил яна чакирди. Жавоб бўлмагач, изига қайтмоқ учун ўгирилди. Шунда Асадбек жонхолатда «Жалил!» деб бақириди-да, ҳовлига отилди. Жалил ранглари оқарган, кўзлари киртайган, кўкарған лаблари титраётган ўртоғини кўриб бақрайиб қолди. Кейин югуриб келди-да, кўлларини ушлади.

— Совқотдингми? — деди соддадиллик билан.

Асадбекнинг кўзларидан тиркираб ёш чиқди. Ҳўнграб юбормаслик учун пастки лабини каттиқ тишлади. Ўзидан қаттароқ ёки зўрроқ боладан калтак еса ёхуд

ўйин чоги йикилиб у ер бу ери оғриса йиглаб юборарди. Кузда бирданига ўн еттиға ёнғоқни ютқизганида ҳам аламидан йиглаб юборувди. Ҳозир ўзини йифидан тутди. Вужудида ўзи ҳам англамаган күч үйғониб ундағи йифини бўғди. Ҳозир дадасини олиб кетганларини, янги йил кечаси коронғи, совук уйда бир ўзи ўтирганини айтиб йигласа ҳам ўртоғи айбламасди, калака ҳам килмасди. Бу ҳолатни у кейин, улғайған чоғларида кўп эслади. Йифини бўға олган қандай күч экан, деб ўйлади. Аммо ўйлаб ўйига ета олмади. Бу ғойиб кучи уни факат йифидан тўхтатмай, ожизлигини ҳам енгган, сирли кудрат ҳам берган эди. Ўша онда у мутелик кишанини ўзи билмаган холда парчалаган эди. Шу билан бирга инсон боласига хос энг покиза туйғуларни қувган ҳам эди. Коронғи кечада унга қўрқув яқинлашмади, лекин митти юрагига ёвузлик тухум қўйди. Ёвузликинг биринчи овозини ўртоғи Жалил эшилди:

— Уларни ўлдираман!..

Титроқ, йиги аралаш овозда айтилган бу сўзни эшишиб, Жалил қўрқиб кетди. Кўчада жанжаллашиб колишганида «караб тур, ўлдираман сени» деб кўп марта айтишган. Ўлдириш қанақа булишини билишмас, шу боис ҳам бу пўписадан чўчишмас эди. Аммо Асадбекнинг лабидан учган ҳозирги сўзлар... Булар пўписа эмас, амалга ошиши ҳак бўлган хукм эди...

Ўшандан бери янги йилнинг биринчи куни Жалил бу хонадонга киради. Асадбекнинг онаси вафот этган йили ўттиз биринчи декабр оқшомида чиккан эди, «менинни холи қўй», деб изига қайтарди.

1949 йилнинг 31 декабри Асадбекка «ҳаёт бешафкат, ҳаёт нак урушнинг ўзи, оғзингни очиб лалайганинг — ўлганинг», деган ҳакиқатни ойдин қилиб берган эди. Ўша куни у урушга кирган эди. Орадан йиллар ўтиб, урушда мутлак ғолиб бўлдим, деган тўхтамга келиб эди. Фалабасига ишонган эди. Кутилмаганда мутлак ғолиб эмаслиги маълум бўлиб колди.

Икки кун бурун кизи ўкишга кетди-ю, қайтмади. Йигитлари шаҳарнинг тити-питини чиқариб ҳам топишолмади. Қиз ўкишда бўлган, танаффусдан сўнг эса дарсга қайтмаган. Ота-онадан хафа бўлиб ёки бирон кўнгил қўйган йигити билан кочди, деган фараз Асадбек учун бехуда эди. Асадбек ғанимлари учун тошбагир, фарзандлари учун ғоят меҳрибон эди. Аммо меҳрининг чегарасини билар, болаларини эркалатмасди. Шу

боис кизининг енгилтаклик билан қадам босишига ишонмасди.

Ганимлари билан ҳар кун, ҳар соат олишувчи, ҳар дақика бирор фалокат рўй бериши мумкинлигини хисобда тутиб яшовчи одам нохуш дамларда тез фикрлаш, тез холоса чиқаришга одатланади. Асадбек ҳам тезда бир тўхтамга келди: унинг ҳокимлиги туздан ясалган қаср экан. Ёмғир ёккан маҳали касрнинг эриб битишини хисобда тутмаган экан. Кизининг ўғирланиши (айнан ўғирланганига Асадбек шубҳа қилмайди) ана шу ёмғирдан нишон эди. Кизининг ўғирланиши яна бир нарсадан — шаҳарда янги тўда пайдо бўлганидан ҳам дарак эди. Асадбек фақат шаҳардаги эмас, бутун ўлқадаги йирик тўдаларни билади. Барча тўдабошилар «Асадбек!» деганда унинг ҳурматини жойига кўйишиди. Айримлар эса қўркувдан зир титрашади ҳам. Асадбекка қарши бирор иш килиш у ёқда турсин, шаънига мос келмайдиган хунукрок сўз айтишдан ҳам чучишиди. Уларга «худо бор» десангиз ишонишмас, лекин «деворнинг қулоғи бор», десангиз ишонишади. Уларнинг назарида дараҳтларнинг, ҳатто ўт-ўланларнинг ҳам қулоғи бор. Тилдан учган ҳар бир ножӯя сўз Асадбекка етиб боришини билишади. Улар Садиркиморбозга ўхшаб ўлим топишдан қўркишиди...

...Садиркиморбоз водийда бели бақувват йигитлардан эди. Бир кечада бир ярим миллионни ютиб олиб, катта зиёфат берди. Шунда манманлиги тутдими ё ажал тилини қичитдими «Асадбекларинг менга куллук қилиб келсин. Истасам олдига бир бурда нон қўяман, истасам суяқ ташлайман», деб юборди. Садиркиморбоз бу сўзларни кайфнинг кучи билан айтди-ю, унудиди. Икки кундан кейин кўчаларида асфальт босадиган машиналар, эгнига пушти камзул кийган ишчилар пайдо бўлишди. Ўтган хафта у ижроқўм раҳбарларидан бирига «бизнинг кўчага ҳам сон битадими ё йўқми», деган эди. Кўчадаги ҳаракатни кўриб, «бизнинг гапимиз ҳам ерда қолмайдиган бўлибди», деб гууруланиб қўйди. Кўни-кўшнилар «пулнинг кучи шу-да, киморбоз бўлмаганида кўчамизга ит ҳам, бит ҳам қарамас эди», дейишиди. Узун кўча икки кунда асфальтланди. Ўша кундан эътиборан киморбоз ҳам кўринмай колди. Киморбоз «сафар»га кетса, бир-икки ойсиз кайтмас эди. Буни кўни-кўшнилар ҳам билишарди. Лекин бу гал беш-олти кундан кейинок «киморбоз ҳе»<sup>1</sup>...

йўкмиш», деган мишишлар таркаб колди. Ўн кундан кейин эса Садирқиморбознинг уйи сотиладиган бўлди. Унинг хотини уйга харидор чиқишини ҳам кутмай «Садир акамлар катта шаҳардан жой олибдилар», деб кўч-кўронини юклаб жўнаб кетди. Ҳамшираликка ўкиб, турмушга чиққунича бир йилгина ишлаган аёлнинг катта шаҳардаги жиннихонага бошлиқ бўлиб қолганини эшитган кўни-кўшнилар хайратдан ёқа ушлади. Айримлар «пулнинг кучи шу-да», деб кўйишиди. Шу кўчадан кўп қатнайдиган аравакашлар киморбознинг уйига якинлашганда отларининг хуркишидан бир нимани сезишди-ю, аммо «астағфируллоҳ!» деб кўйишидан нарига ўтишмади. Ҳаммага ҳам жон ширин-да!

Асадбекни билганларга шу воқеанинг ўзиёқ қифоя эди. Унинг кудратига ишонқирамай турганлар ҳам таъзим киладиган бўлишди. Чунки Асадбек манмансираган ғанимдан бу атрофлар учун бутунлай янгича бўлган, ғоятда ваҳший тарзда ўч олган эди.

Шундай экан, Асадбекка ким қўл кўтара олиши мумкин? Қўл кўтаргандан ҳам пичокни дуч келган жойга эмас, юракни мўлжаллаб урибди. Асадбек ҳар бир тўданинг имконияти, иш усулини фикр ойнасидан ўтказиб, «йўқ, улар журъат этишолмайди», деган қарорга келди.

Бу иш тасодифан рўй берган эмас. Пухта ўйланган. Узок вақт пайт пойланган. Балки ғанимга Асадбекнинг якинларидан бири ёрдам бергандир? Киз куппа-кундуз куни, кўпчилик орасидан ўгиранган. Демак, кизи кўчага чикиб, машинага қадар ҳам ўзи юриб борган. Кизи танимаган одамининг орқасидан юриб бормайди. Кизининг дугонаси ҳам ном-нишонсиз йўколгани маълум бўлгач, Асадбекка калаванинг бир учи кўрингандай эди. Ана шунда Асадбек кейинги бир йил ичидан қамоқдан қайтганлар билан кизиқди. Элчиннинг ҳам қайтганини билиб ўйланиб колди: «Орадан ўн йил ўтибдими? Икки ойдан бери нима қилиб юрибди экан, нима учун менга рўпара келмади? Отувдан олиб қолганимни аниқ билади. Била туриб келмагани кизик...» Асадбек йигитларига Элчинни, қамоқдан қайтган яна беш одамни қаттиқ назорат остига олишни тайинлади.

Кўнгли нотинч бўлганига қарамай ўттиз биринчи декабр куни эски уйига караб кетди.

Асрдан ўтиб, шомга якинлашган пайтда кўча эшининг "илиб, хотини кўринди.

Дадаси ҳам худди шу пайтда кириб келган эди. У эшикни шарт очиб, ичкари кириб, «тойчик!» деб суюнчилаган эди... Хотинн эса эшикни охиста, худди синдириб күйишдан авайлагандай очди. Ховлига хорғин-хорғин қадам ташлаб кириб келди.

Дадаси күринганида болалигига бориб, ёт кишиларни бир нафасгина унугиб, иргиб ўрнидан турган эди.

Хотини күринганда эса... тош котди. Иссик жон ёёк-кўлларини тарк этиб, баданига совуклик югурди. Дастьлаб хаёлига «қизим топилиби!» деган хушхабар келди. Аммо бу фикр умри яшин умридан ҳам қиска бўлди. «Шум хабар келтирган!» — шу фикр унинг та-насидан жонни қувиб чиқара бошлади.

Манзура — эрининг кўзига бирон марта бўлсин тик қарамаган, бирон марта бўлсин ишига аралашмаган, «нима қиляпсиз, пулни қаердан топяпсиз» демаган, «вазифам эримни суйиб-эркалаш, бола туғиб бериш, уйни саришта тутишдангина иборат» деб билганин аёл ёстиқдоши учун муқаддас бўлган бу кунда уни бежиз безовта килмас эди.

Кўча эшикдан айвонгача ўн беш қадам, айвон икки қадам. Асадбекнинг назарида Манзура бу йўлни бир неча соатда босиб ўтгандай бўлди. Аввалига «тезрок юр!» деб бакириб бермокчи эди. Аммо совук хабарни бир сония бўлса-да, кечроқ эшитганим маъкул, деган яширин ўй бунга йўл кўймади.

Манзура остона ҳатлаб қадам кўйишга журъят этмай, эрига бакрайиб караб қолди. Унинг карашида изтиробдан кўра қўркув зохир эди. Асадбек у билан салкам ўттиз йил бирга умр кўриб, бирон марта урмаган, сўкмаган эди. Шунга қарамай хотини ундан кўркарди. Одамлардан Асадбекнинг ёвузилиги ҳакидаги гапларни эшитиб юрак олдирган десак, бу овозалар кейинроқ чиқди. Асадбек чимилдикка кириб келганида унинг кўзидағи ўтни кўргану юраги шув этиб кетганди. Ҳолбуки у дамда Асадбек кўзида ёвузилик эмас, куёвлардагина бўладиган хирс ўти мавжуд эди.

Манзуранинг отаси баджахлроқ эди. Онаси эса худа-беҳудага калтак тушиб колишига кўнишиб кетганди. Эр зоти хотинини мана шундай ураверади, деган тушунча Манзура онгига сингиб кетган, шу боис эрининг бир кунмас бир кун каттик дўппослаб колишидан кўркиб яшарди. У баъзида ўзича «бунака кўркиб кутгандан уриб юборганлари минг марта яхши эди. Кал-

так еб үладиган бұлса, онам аллақачон үлиб кетардилар», деб құярди.

Асадбек хотинини беҳад хурмат килади, бошига құтариб юради, десам, сизни алдаган бұламан. Асадбекка мұхаббат бегона, десам сиз ишонинг. Ҳаётдан аламзада юрак күзлари ёвузылар пардасида түсилган, мұхаббат отлиғ покиза фазилат бундай биқік ва коронғи бүшлиқда яшай олмас эди. Лекин шунга қарамай, хотинига бир буюм ёки үйинчөк сифатида ҳам қарамас, Манзуранинг айрим қиликлари, ишлари ёқмаганда ҳам қаттық гапирмас эди. Манзуранинг ҳатто «овқат тайёр» дейишига күркіб туришидан аччикланиб, «болаларни үзингга үхшаби муте килиб қўйма» дерди.

Сезиб турибман. Сиз бу гапларимга унчалик ишонмадингиз. Одамни үлимга ҳукм этганида юраги жи兹тиб қўймайдиган Асадбекнинг уйда мусулмоншева булиши сиз учун ғалати туюлиши мумкин. Лекин мен сизга Асадбекнинг онаси ҳақида ҳали сўзлаганим йўқ. Тўнгич фарзанди эмаклай бошлаганида эрини урушга кузатган, икки ойдан сўнг кора хат олганига қарамай, беш йил йўлга кўз тиккан, оғзим ошга етди деганда эса боши тошга теккан, иккинчи ўғлини туғиб чиққанида эрининг қамалаганини эшишган, сўнг «дада» деб тили чиқкан Самандарнинг ўпкасини совукка олдириб, эгамга топширган, ҳар сахар туриб, самовар кўйиб эрини кутган мушфик аёл ҳақида кейинроқ сўз очаман. Кани, айтинг-чи, онасининг дардли ҳаётини кўриб улғайган одам аёлга қўл құтариши ёки ҳақорат қилиши мумкинми? Шунинг учун ҳам Садирқиморбознинг хотинини ёлғиз ташлаб қўймади, шунинг учун ҳам Йоилага пичок санчган йигитни сургун килиб юборди, десам ишонарсиз? Хозир бу гапларнинг ўрни эмас. Хозир Асадбекнинг эски ховлисидамиз. Асадбекнинг ўзи нимкоронғи уйда, хотини эса оstonада турибди.

Асадбек оstonада туриб колган хотинига «ишқилиб хушхабар айтсин» деган илинжда тикилди. «Тезроқ гапир!» деди ички бир ҳайқириқ, «Йўқ, индамай турсин!» деди бошқа бир овоз.

Эр-хотиннинг бир-бирига унсиз тикилиб туриши учтүрт нафас давом этди. Аммо Асадбекнинг назаридан сониялар соатлар каби кечди. Беихтиёр: «Гапир!» деди. Бироқ, овозини ўзи ҳам эшишмади. Ҳатто тили ҳам музлаб қолгандай ғўдиранди. Манзурага бу овоз фо-

Йибдан эшитилгандай бүлди. Гапиришга мадор то-  
полмай ютинди.

Асадбек үзини құлға олишга ҳаракат қилди:

— Топилдими?

Манзура «ха» дегандай бош ирғаб, йиғлаб  
юборди.

— Тирикми?

Асадбек нима учун бундай деб сұраганини үзи ҳам  
билмади.

— Худога шукр, тирик... — Манзура шундай деб  
лабини тишилади.

Шу сұз Асадбекка жонини қайтариб берди. Шарт  
үрнидан туриб хотинига яқынлашды-да, уни иккі елка-  
сидан тутиб, силкиди:

— Үнда нимага йиғлайсан, нимага вахима киласан?

Манзура бошини эгиб, йиғлаб юборди. Асадбек, шу  
пайтгача хотинини чертмаган одам, тарсаки құйғанини  
үзи ҳам сезмай колди.

— Гапир, деяпман!

Үзини құлға олиш учун Манзурага шу тарсаки  
кифоя эди.

— Менгина үлай... кизингиз... айттолмайман, да-  
даси...

— Гапир, худди бүғиб ташлайман, — Асадбекнинг  
овози таҳдидли, бу шунчаки бир пүписага үхшамас эди.

— Кизингизни бир ахволда ташлаб кетиши...

Асадбек нима гаплигига тушунди. «Бундан күра  
үлдиришгани яхши эди, — деди үзига үзи, — бу шунчаки  
тасодиф эмас. Қим бұлса ҳам мени үтмас пичок  
билан сүйди. Ыла-үлгунимча ит азобини тотишимни  
истаган одам килган бу ишни. Ыч олишни биларкан.  
Мени үлдириб кета колганда лаззат ололмасди. Энди  
азобда тұлғонишимни күриб, лаззатланмоқчи... Йү-  
үқ... чучварани хом санабди. Лаззатлана олмайди. Мен  
үзим юрагимни сууриб олиб чайнаб ташлашим мум-  
кин, лекин у күзларимда азоб учкунини күрмайди. Бу  
мени жангга чақирдими, демек курашаман!!»

— Унингни учир! — деди Асадбек дағал овозда. —  
Уйга бор, овозингни чикарма. Битта-яримта сұра-  
са... аммасиникида эди, де.

— Вой... — Манзура эрига ажабланиб каради. — Аммаси йўқ-ку?

— Хе, ношуд, — Асадбек шундай деб ғижинди. «Бу лалайган хотин эплаб бир баҳона тополмаса...» — аммаси бўлмаса... кўчада машина сал туртиб кетибди, де, касалхонада экан, де... Бор... Тўхта, ким билан келдинг?

— Жамшид билан.

— Сени ташлаб, Жалилни олиб келсин.

Жалил хозир шаҳарнинг кунчикар томонидаги кўпкават уйда туроди. Укалари улғайнib, сиқилиб колишгач, Асадбек шаҳар ижроқўмига биргина имо билан тўғрилаб берганини ўзи билмайди. Ишхонадагиларим лутф кўрсатиши деб қувониб юрибди. Асадбек шаҳар марказидан, фиштли уйлардан олиб бериши мумкин эди. Бу ҳолда Жалил дарров сергакланиб, ҳомийси ким эканлигини англаб қолар ва бу марҳаматдан, шубҳасиз, воз кечарди. Қайси бир ўзбек ишчисига шаҳар марказидаги фиштли уйдан насиб этибди — Жалилнинг бунака икир-чикирларга фаҳми етади.

Жалил шом чоғи кириб келди. Асадбек қоронғи уйда, писиллаган танчада қунишиб ўтиради. Дўстининг саломига жавобан бир қараб қўйиб, лом-мим демай ўтирган ерида қўл узатди. Жалил Асадбек йўқлаётганини эшитибок ноҳуш воеа юз берганини сезган, «Нимага? Нима бўлди?» деб ўтирмай, норин тўғрашни хам йифишириб, чаккон отланган эди. Ошнасининг қунишиб ўтирганини кўриб, хунук воеа юз берганига ишонч хосил килди. Шу сабабли хам Асадбекдан ранжимади. Бошка пайт бўлганида «Азроилнинг қавмидан бўлсанг ўзингга, мен билан одамга ўҳшаб сўраш!» деб бобиллаб берарди. Асадбекка бу ёруғ оламда шу Жалил бас келиб тик гапира олади. Жалил кези келса отасини хам аямайдиган, гапирганда хам ҳамиша баланд пардада оладиган тоифадан. Бурни бироз пучук, юзи думалоқдан келган, қалин кора қошли бу одам хунук кўринса-да, бежирим бурун, бежирим лаб, бежирим юзли одамларга нисбатан истаралироқ эди. Лекин у Асадбекка яқин бўлгани учун аъёнлар хам астойдил уни ҳурмат килишади, десак адашамиз. Хурматнинг сабаби бошка: ҳаётнинг қалтис ўйинларида иштирок этаётган, ҳамиша тиф устида юриб, эртага кимнинг қаҳрига учрашию кимнинг фатвоси, кимнинг қўли билан умрларига нукта қўйилиши-

ни билмай хамиша хатарда яшайдиган аъёнлар бу беғубор одамнинг рост гапларини эшигандаридан узларини дунё ташвишларидан бироз фориғ бўлгандай ҳис этардилар. Аммо худонинг бу адашган бандалари инсон умри факат яхши гаплар учун, яхши ишлар учун берилганинги англаш етмас эдилар. Асадбекнинг юрак кўзини алам, қасос ўти кўр килган, уларнинг аксари эса ҳасаддан, шуҳрат, майшат илинжида ожиз эдилар. Жалил буни билгани учун ҳам уларни аямас эди. Тўғри, бაъзан у қуюшкондан чикади. Уларнинг, ҳатто Асадбекнинг ҳам ҳамиятига тегади. Шундай бўлса-да, уни кечиришади. Бошка одам Жалилнинг тилидан учган гапларни айтиб юборсами — хукм тайин. Аммо Жалил бу даврада, уз ибораси билан айтганда «шайтонсарой»да, мозий ёдгорхонасининг кирилиб кетаётган покизалик рамзи сифатида сакланувчи анжоми каби асралади.

Асадбек кўпинча, дам хурсандчилигида, дам кўнглига кил сиғмай қолганида Жалилни йўқлатарди. Йўқлов боргандаги «хўжайнингнинг кайфияти қандок?» деб сўрайди. «Аъло» деган жавобни эшилса, «мени кўрмокчи бўлса, ўзи келсин» дейди. «Чаток» дейилса, «Сен кетавер, мени онам машинада туғмаган, автобусда бораман», деб йўлга отланади. Асадбекнинг бугун — 31 декабрда чақириргани уни ҳам ажаблантириди, ҳам бироз ташвишга солди. Шу сабабли юборилган машинага ўтириб келаверди.

— Ха, укам, тинчликми? — деди Жалил, фотиха ўқилгач.

Асадбек аста «ҳа» деб бош иргаб кўйди. У Жалилни чақиришишга чақиритиб, гапни нимадан бошлишни билмай гаранг ўтиради. У дардини факат шу ошнасига айта оларди. Уни шунинг учун ҳам чақирирган эди. Фанимлар кизининг эмас, ўзининг номусини булғаганини англашани учун ҳам дардини айтиш оғир эди.

Ташкарида кор бўлмагани, ой кўтарилимагани учун атроф тезда зимиstonга айланди.

— Самандар ўлмаганида киркка қадам кўярди, — деди Асадбек, ҳорғин овозда. Жалил бу ҳорғинлик замирида титрок ҳам сезди. Жуда кўп йиллардан бери ошнасини бу ҳолда кўрмаган эди. Шу сабабли дарров жавоб кайтаришга сўз тополмади.

— Ха, энди... умри калта экан... Ҳур кетди, — деди.

— Бу оламда на акам бор, на укам... ёлғизман...

— Гапинг уйингдан ҳам совук, а? Одам ҳам ёлғиз бўларканми? Факат худо якка! Сенинг бола-чақанг бор, акам йўқ дейсан, мен кимман, катта холангнинг эриманми?

Ярим пўписа, ярим ҳазил оҳангидаги бу гап орадаги совуқликни пича кўтаргандай бўлди.

— Акамсан, сен акамсан... — деди Асадбек ўзини жилмайишга мажбур қилиб. Лекин бу ҳазин жилмайшини қоронгулик ютиб юборди — Жалил ҳам кўрмади. — Самандар тирик бўлганида...

— Тўхта! Гапни чайнама. — Жалил унинг тиззасига шап этиб урди. — Дипломим бўлмаса ҳам миям ишлаб туради. Ўзингни қийнама, буладиган гапдан гапир. Самандарни худо раҳмат қилсин. Сен билан мен бир қоп-бир қоп гуноҳни орқалаб борамиз у ёқقا. Самандар эса бегуноҳ кетди. Бу дунёнинг ғалваларини кўрмай кетди. Ҳудонинг суйган бандаси экан. Энди у дунёда ҳуру филмонлар билан айшини суриб юргандир.

Жалилнинг баланд овозда айтган бу гаплари Асадбекка кувват бергандай сергаклантирди. Ўзидан ўзи нафратланди. «Бу қанақаси, мишики боладай пингиллаб қолдими? Энди унга кўз ёши қиласми? У мени юпатсинми? «Кўявер, бунақалар кўп ҳозир» дейдими ё «Сен бирга бўлган кизларнинг ҳам ота-онаси шундай кўйгандир» дейдими? Мен... ҷарчабман... кучдан қолибман... Бу яхшиликка олиб бормайди. Менга карши уруш очдилар... Мен эса пингиллаб ўтирибман...»

— Жалил, — бу сафар Асадбекнинг овози дадилроқ янгради, — сен кетавер.

Жалил «нимага чакирдинг-у, нимага ҳайдаяпсан?» демади. Тушунди шекилли. Индамай ўрнидан турди.

— Машина кутиб турибди, — деди Асадбек.

— Ойим мени машинада туғмаганлар. Беш тийин тұласам ғирр этиб олиб бориб кўяди.

— Эрталаб келиб, овора бўлиб ўтирма.

— Ўзинг биласан.

Асадбек ўрнидан туриб, уни кузатиб чиқди. Муюлишга қадар бирга борди. Жалил хайрлашиб, қўналға томон юрғач, Асадбек олча дарахти панасида тұхтаб турған кўк «Жигули»га яқинлашди. Эшик очилиб, жингалак сочли йигит түшди.

— Элчин деган отарчини ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келларинг.

Асадбек шундай деб йўлида кетаверди. Бу ҳолат

ташқаридан күзатған кишига гүё жингалак сочли салом бергану у алик олиб үтгандай туюлиши мумкин. Асадбек уч кадам күймай күк «Жигули»нинг мотори үт олиб, жойндан худди пойгачи машинадай учеб күзғолди.

5

Элчин ёнбошлаган ҳолда телевизор томоша қиларди. Құзи телевизорда, хаёли эса үзга томонда эди. Қамоқдан қайтганига түрт ой бўляпти. Қамоқнинг дастлабки кунлари, ойлари зах ҳужраларга, сассик баракларга кўниши қанчалик оғир кечган бўлса, уйга қайтгач, шинам хоналарга, юмшок ўриндикларга ўрганиш шунчалик оғир бўлди. Тўғри, юмшоқ ўриндикда тан роҳатланади, аммо рухи тиканаклар узра ётгандай азобда.

Бу уйда ўн йил бўлмади. Ноиласи ўн йилдан бери бу уйда нафас олмайди, юрмайди, ширин кулгиси, пи-чиirlab айтuvchi эҳтиросли сўзлари эшитилмайди. Қамоқнинг биринчи йиллари у Ноиласи билан бирга эди. «Мархумни сўнгги марта кай ҳолда кўрсанг, уни шу ҳолда хаёлингга муҳрлайсан. Мархум сенга кулиб қараган бўлса, умринг бўйи уни шу ҳолда тасаввур эта-сан...» дейдилар. Чиндан хам аввалига кузлари юмук Ноила билан сұхбатлашарди. Кейинрокка бориб хаёлидаги Ноиласи кузларини очди. Лекин бу Элчин суйган кулиб турувчи кузлар эмасди. Бу нигоҳда «Гунохим нима эди?» деган ажабланиш зохир эди. Элчин бу савол назарига жавоб беришга мажбур эди. Ўзини, факат ўзини айблаб жавоблар кайтарар, бирок, Ноиланинг ажабланган нигоҳи бундан таскин топмасди. Мана шу холат, шу нигоҳ таъкиби Элчин учун олий жазодан баттар эди.

Учкудук қуёшида жизғанаги чиқиб кетай деганда хам, Сибир ўрмонларидаги қаҳратон кишнинг совук нафасларнда музлаб колай деганида хам бунчалар азобланмас эди. Рух азобини душманингга хам раво кўрмасин экан.

Оқловчи сўнгги сұхбатда «яхши одамлар орага тушиб сизни отувдан олиб колишиди. Гиёҳвандлик, қотиллик олий жазога лойик эди. Сиз менга эмас, ўша одамларга куллук килинг», деганди. Элчин, рухи кий-малаинган кезлари, «яхши одамлар»нинг «марҳама-

ти»ни эслади. Бу «мархамат» уни азоблардан халос килмай, балки бир умрлик жабру жафоларга хукм килганини англаш етди. Шунда «Пичокни суғуриб ўз юрагимга санчмайманми!» деган ўйда афсус чекди.

Камок муддати яримлаганда Йоиланинг нигоҳидаги «Гуноҳим нима эди?» деган савол «Ўч олинг!» деган ундов билан алмашди. Ўч олиш фикри унда ўша мудхиш куннинг эртасигаёқ туғилган бўлса-да, «мен бир кучсиз ашулачи бўлсан, улар бакувват бир туда, кўлимдан нима келарди?» деб бечоралигидан куярди. Камокда турли тақдирли, турли феъл-атворли одамларни кургач, «Мен ҳам эркакман. Уларга бас кела оламан!» деган ишонч туғила борди.

Элчин камоқдан шу ишонч билан қайтди.

Камок азоби тугаб, руҳий азоб хуруж килганини уйга келибок хис килди. Озодликнинг бүчалик беаёв кечишини у тасаввур этмаган эди. Биринчи тунни худди жиннидай алаҳсираб ўтказди. Кейинги тун яримламай, кўчага чиқиб кетди. Кўчаларда тентирали. Эрталаб уйига қайтиб, узини лаънатлади: «Йоиланинг руҳи мени бу ўйда ўн йил кутган эди. Мен уни ёлғиз ташлаб, кўчага қочдим. Йоиламнинг руҳидан қўркиб қочдим-а?! Ўзимни эркак деб юрибманми, хали?!»

Агар кўкрагида қасос ўти бўлмаганида бу руҳий азоблар уни эзиб ташларди. Вужуди уч-тўрт кун мобайнида жанггоҳга айланди. Бир томондан хотира изидан эргашувчи руҳий кечинмалар уни эзишга чоғланади, иккинчи томондан эса қасос ўти аланга олиб бу кечинмаларни қувишга харакат килади. Алқисса, қасос ўти ғолиб чиқиб, у қаддини ростлашга муваффак бўлди.

Қасос олишнинг турлари кўп. Қамоқдан чиққан куниёқ «яхши одам»ларнинг бирини ёки бир канчасини сўйиб ташлаши ёки уйларига ўт қўйиши мумкин эди. Лекин бу осон йўл Элчинга маъқул тушмади. У ниҳоятда узун, ниҳоятда хатарли йўлни танлади. Элчин «яхши одамлар» тұдасига кириши шарт эди. Шу ниятда камоқдан чиққан куниёқ уларнинг оёқларига бошурса олам гулистон бўларди. Лекин у бундай ҳам килмади. Янада бошқа йўл тутди. Хатар кўчасининг эшигини очиб биринчи қадамини кўйди. Энди «яхши одамлар»нинг ўзи чорлайди. Элчин бу чорлов икки-уч кун орасида бўлар деб уйлаган эди. Бирок, янги йил

киришига ярим соат қолганида Асадбекдан элчи келиши унинг учун кутилмаган ҳол бўлди.

Жингалак сочли йигит — Жамшид гапдан кўра ишни маъкул курадиган йигит эди. У билан ўн кун туриб, бирга юриб турттагина гап сурасангиз, хушига келса иккитасига жавоб кайтарар, хохламаса шу иккита гап ҳам йўқ эди. Индамас бу йигитни кузата туриб, ёрилиб кетмаётганига ажабланасиз. Бунинг ёшидаги йигитлар ўйнаб-куладилар, асқия киладилар. Жамшидинг кулганини курганман деган одам дунёда йўқдир-ов. Лекин унинг жилмайганини кўриш шарафига муяссар булган баҳтиёрлар бор. Бунга ишонинг. Камгаплик ҳеч замонда, ҳеч ерда фожиа саналмаган, балки фазилат хисобланган. Шундай экан, сиз ҳам асардаги янги танишингиз Жамшидинг камгаплигини асосий фазилат деб билаверинг. Бир воқеа сабаб булиб меҳр, лутф, ҳаё қаби тушунчаларнинг яқинига ҳам йўламай кўйган бу йигитдан ўзга фазилат кидириб овора бўлмайлик. Ҳа, дарвоке, садоқатни унутибмиз. У Асадбекка садоқатли эди. У ўша воқеадан кейин кучли, шафкатсиз одамларни яхши кўриб қолган. Асадбек унинг назарида энг кучли одам. Гарчи ундағи садоқат бизнинг назаримизда яхшиликка эмас, зулмга хизмат кильса-да, ўзига хос фазилат деб кабул килишимиз мумкин.

Элчин бу йигитни зимдан биларди. Яқинлари билан бирга Асадбек хонадонини кузатганида уни бир неча бор кўрган. Шу сабабли Жамшидни дарров таниди. Жамшид ўзбекларга хос лутф билан салом бериб, «Сиз фалончи акамисиз?» «Сизни фалончи акам йўклаптилар» деб латта чайнашни ёқтирмас эди. Эшик кия очилиб, Элчин кўриниши билан «Сизни Бек акам чакириптилар» дедию машинаси томон юрди. Элчин унинг феъл-атворини билмагани сабабли тўнг муомаласидан таажжубланди. Кўнгли ёмонлик юз берганини сезди. «Асадбекка маълум бўлдими? Ким сотиши мумкин?» Кийинаётганида ҳам, мошинага чикиб ўтирганида ҳам хаёли шу савол билан банд эди.

Жингалак сочли йигит гапиравермагач, Элчининг юраги тошди. Уни гапга солиш учун:

— Чаксам майлими? — деб сўради.

Жамшид йўлдан кўз узмаган ҳолда «Ҳа» деб кўйди.

— Бек акангиз саломатмилар, кўрмаганимга ҳам ўн йил бўлди, — деди Элчин. Жамшид унга бир қараб олди-ю, индамади. «Демак, ахвол чаток, — деб

ўйлади Элчин. — Агар Асадбекка маълум бўлса... Нимага хузурига чақиртирди? Бу йигитга «олиб кел», демай, «ўлдириб кел» деса иш осонрок пишарди-ку? Ўн йил аввал ўлимдан олиб колган эди. Энди нима килмокчи?»

Элчин Асадбек салтанатига карши уруш очганида дадил эди. Ҳозир нима учундир чўчияпти. Учқудуқда эканида камоқ ахлини ётқизиб-турғизадиган маҳбуслар унга озор беришмасди. Кейинрок ўзига маълум бўлишича, у «Асадбекнинг одами экан». Бу таъриф Сибирда ҳам уни қийноклардан халос этган эди. Тўғри, у ёқларда Асадбек, десангиз бирор билмас эди. Лекин «Ўқилон» кўпчиликка таникли эди. Элчин умрида ўқилонни кўрмаган, бирор, ўзи кичкина бўлган бу илон ўқдай учиб юради, одамга дуч келса товонидан тешиб, миясидан чикади, деб эшитганди. Асадбекка «Ўқилон» деб лакаб қўйган одам шуни назарда тутганми?

Элчин овозаси узокларга кетган ана шу даҳшатли Ўқилюнга карши чикди. Биринчи қадамни қўйди. Бу ҳам биринчи, айни чокда сўнгги қадам бўлиб колмасмикин?

— Оғайнин, танишиб олайлик, исмингиз нима эди? — Элчин бу йигитни аввал яхши таниган-у, шудамда исмини унутиб қўйгандай суради.

Жамшид жавоб бермади. Караб ҳам қўймади. Элчин: «Тирик бўлсанг билиб оларсан, деганими бу?» деб ўйлади.

Мошина эски шаҳар томон бурилганида Элчиннинг ташвиши ортди. У Асадбекнинг болалиги ўтган ховлини, унинг одатини билар эди. Коронги ховлига, сўнг коронги хонага кирганида «курагим остига ҳозир пичок санчилади» деб кутди. Йўқ, у ўлимдан кўркмади. Элчин ўлимни бўйнига олиб, шу йўлга кирган эди. У йўл бошидаёқ панд еганидан, муддаосига ета олмаганидан аламда. У неча йил қасос ёғида қоврилди. Энди эса... У ўзини қафасга тушиб қолган қўёндек хис этди. Лекин бир неча дақиқадан сўнг эса бу ожизлиги учун ўзини ўзи лаънатлади.

Элчин кураги остига пичок санчилишини кутди. Бунинг урнига қоронгуликдан Асадбекнинг овози келди.

— Ха, ҳофиз, эсон-омон чикиб келдингизми?

Асадбекнинг овозида пичинг ёки таҳдид өҳанги йўқ эди. Элчин бундан енгил тортири. Хавотири бекор эканини англаш, овоз келган томонга караб салом берди.

— «Келдим» деб ҳам күймайсиз-а, ҳофиз, — деди Асадбек саломга алик олиб. — Ҳархолда мен сизга бегона эмас эдим. Ака-укалигимиз бор эди, а?

Асадбекнинг «сизни отувдан олиб қолган мен бўламан» демокчи эканини Элчин фаҳмлади. Кўзи кронгуликка ўрганиб, уйнинг чап томонида дўппайиб турган танчани, деворга суюниб ўтирган одам корасини илғади. Учрашув нима учун коронгида бўлаётганига тушунмади.

— Камоқдан қайтган укадан хабар олиш акадан лозим, деб ўйлабман, — деди Элчин гина оҳангида.

— Келганингизни билганимда учиб борар эдим, — гап оҳангида энди киноя сезилди. Сўнг оҳанг кескин ўзгарди: — Ҳофиз, чайналмасдан эркакча гаплашайлик. Хотинингизнинг ўлимида менинг заррача айбим йўқ. Сиз менинг зиёфатларимни гуллатар эдингиз. Сизни йўқотишдан мен нима наф кўрарканман? Аксинча, зарап кўрдим. Сиз кимгadir ёқмай колгансиз. Жаллодни бизнинг ичимиздан эмас, ўзингизга ўхшаган отарчилар орасидан кидиринг. Бир-бирига сурма ичириб овозларини бўғадиган отарчиларнинг кўлидан бундан баттар ишлар ҳам келади. Айбни бўйнингизга олиб, аҳмоқлик килдингиз.

Чиндан ҳам котиллик Асадбекнинг ихтиёрисиз содир бўлган ва у айборни беаёв жазога тортган эди. Ҳозир буни айтмай, гуноҳкорни отарчилар ичдан кидириш керак, деб кўя колди.

Элчин учун Асадбекнинг гаплари янгилик эмас эди. Қамоқда ўтирганида гумонлар кўчаси уни ҳамкаслари томон ҳам бошлаганди. Тўғри, «фалончи ҳофиз фалончи ашулачининг чойига сурма кўшиб ичирибди», деган гапларни кўп эшигтан. Бирор, ўз кўзи билан кўрмаган, бундай воеага шохид бўлмаган. Мана-ман деган ашулачи иккита-учта бўлса шундай килиши мумкиндири. Ҳозир кунда бир арава қўшиқчи ёғиляпти. Микрофонни тумшуғига тираб кучанади. Овози бор-йўклигини ҳам билиб бўлмайди. Аммо ҳар бири ўзини зўр ҳофиз деб фаҳмлайди. Латифа килишларича, бир тасодиф билан юзта ҳофиз ҳарбийга чикирилибди. Зобит уларни сафга тизиб «бир чеккадан сананглар» деб буюрибди. Саф бошида тургани бир дебди, иккинчиси «икки» дейиш ўрнига у ҳам «бир» дермиш. Учинчи... киркинчиси ҳам «бир» дермиш. Зобит аччикланиб турганда саф бошидаги унга аста тушунтирибди. «Ўр-

тоқ бошлиқ, биз ашулачилармиз. Бизда иккинчи деган гап йўқ, хаммамиз биринчимиз». Хоғизлар майда қабиҳликларни қилас-у, лекин бегуноҳ аёлни зўрлаб, сўнг юрагига пичок санчишга журъат этишолмас. Элчин бунга қаттиқ ишонади. Шу сабабли ҳам Асадбек-нинг гапларини беътибор эшилди. «Ўша воқеадан олдин одамларингиз мендан бож талаб килишди. Ҳар ойда фалон минг сўмдан тўлаб туришим лозим эди. Рад этдим. Шунда ҳазиллашдик, деб мени зиёфатга олиб бориши. У ерда ҳазиллашиб қимор ўйнадик...» демокчи ҳам эди, лекин «Тўғри, улар ҳазиллашишганди» деган жавобни эшитишини билиб, индамади.

— Мендан бир ҳатолик ўтган: ҳасадгўйларингиз кўплигини ҳисобга олмаганман. Сизни химоя қилишим керак эди. Бир ашулангиз бор эди:

«Ўйнамаса ким ўзганинг найига,  
Шум ният-ла тушадилар пайига!»

Сиз энди ўша найчини кидиряпсиз, биламан. Қидирмаганингизда сизни ўғил бола демас эдим. Йайчи билан... аллақачон ҳисоб-китоб түғри бўлган. Сиз уни ўйламанг. Сиз... ўйландингизми?

— Йўқ.

— Тириклилик нима бўляпти?

— Ўзбекнинг тўйи бор экан, хор бўлмаймиз.

— Тўйнин ҳам тўйи бор. Ким айтса бораверсангиз обрўйингиз колмайди. Сиз энг зўр ашулачи бўлингиз керак. Одамлар «хўп» дейнингизга маҳтал бўлиб ҳафталақ останангизда ётади. Бу ёғини менга кўйиб беринг. Телевизор, радио факат сизнинг ашулалингизни беради. Шералию Ғуломларингиз сарик чака бўлиб колади. Сиз ашула айтганингизда Ортиклар «амма-холаси ҳаводор» деб этак очиб ўтиради.

— Раҳмат, Бек ака, буларнинг эвазига мен нима қилишим керак? Ҳарҳолда «ҳисобли дўст айрилмас», деганлар. Сиз кўп сурамайсиз, биламан. Йаари борса сизга қул бўлишим керак-да, а?

Асадбек Элчиндан бунака игнали гапни эмас, балки самимий миннатдорчилик кутган эди. Асадбек лоғ урмайтган эди, айтганингизни албатта рӯё қиласарди. «Бу отарчи нимасига ишониб катта кетяпти?» Асадбек бир гижиниб олди. Кимда ким зид сўз айтса, у гапини калта қиласарди. Унинг нима хукм чикаргани бир ка-

рашидаёк аъёnlарига маълум бўларди. Асадбекка ботиниб гап қайтарган одамнинг шўрига шўрва тўкилиши аник эди. Элчин буни биларди. Била туриб беихтиёр ножўя гап айтди, деган гапимга ишониб чалғиманг. Элчин била туриб айтди, бу гапни. Унинг мақсади Асадбекнинг канотига кириш эди. Лекин муте бўлиб эмас, каддини фоз тутиб кирмоқчи эди. Хозирги мархаматга жавобан миннатдорчилик билдириш яна мутелик жандасини кийиш билан баробар бўларди. У холда Асадбекнинг атрофидаги парвона фохишалардан фарки қолмас эди. Элчин шу учун азоб чекибдими, шу учун пайт пойлабдими, режа тузибдими?!

Асадбек Элчинни аввал ҳам дурустрок билмас эди. Элчин Асадбек учун бир қўшикчи, пул кистирганда иршайиб куллук килувчи отарчи эди. Асадбек ман-ман деган ашулачини ҳам одам қаторига кўшмас эди. Унвони, шухрати улуғ ашулачиларни эса кўпчилик олдида мазах килишни, камситишни ёқтиради. Тўйда викор билан юриб ўртага чикарди, ашулачига якинашиб чўнтағига кўл соларди. Агар марҳамат қилса иккита юзталиқни чикариб ашулачининг икки елкасига «погон» килиб кўярди. Кайфияти чатокрок бўлса — ёқасига кистирарди. Асадбекнинг изидан чиккан бошқалар ҳам факат юзталиқ кистирарди. Шунинг учун ҳам ёқасига пул кистирилган ашулачи ўзини камситилган деб ҳисобламас, балки «акахон»нинг ҳазиллари деб билиб, иршайган холда таъзим киларди. Элчин биринчи марта Асадбекнинг қаҳрига ӯшандай холатда дуч келган. Асадбек ёқасига пул кистирмоқчи бўлганида бўй бермаган эди. Ўша куни енгил жазо олди — икки йигит яхшигина дўппослаб, торини мажаклаб ташлади.

Асадбек хозир ўша воқеани эслади. Эслаб туриб «камокда ҳам акли кирмабди бу баччағарнинг», деб қўйди.

Коронбуликни титратиб чиккан Асадбекнинг қаҳрили овози орага тушган бир дамлик сукунти бузди.

— Менинг қулларим ажиб-бижиг ётибди. Сендан дурустрок кул ҳам чикмайди. Сен... ашуллангни билсанг бас. Бошка ишларга тумшуғингни сукма.

Элчин Асадбекнинг сенсирашга ўтганидан билдики, у ғазаб отига минди.

— Сен мол эмассан. У ёқдан бурнингни оқизиб келмагансан. Тишингни қайраб юрибсан.

— Бек ака... — Элчин «менинг ҳеч кандай ёмон ния-

нинг ўз-ўзидан тинчишига ишонарди. Бошлиқ Зохидни «менинг кўричагим», деб пичинг киларди. Осонгина ташрих туфайли бу озорли дарддан қутулганига шукр килди. Лекин Зохид кўричак эмас, буйракдаги тош экан. Ўқтин-ўқтин кўзғаб, безовта қилиб туриши мумкин экан.

Зохид прокуратурада вазифасини ўташга киришган куниёк унинг кўлига шу депарага оид иш берилди. Кеча тантана билан кузатилган лейтенант бугун яна бошлиқ хузурида пайдо бўлди. Илгари бошлиқ унга бакириб, ҳатто чиқариб юбориши мумкин эди. Энди эса жилмайиб кўришишга мажбур. Бошлиқ Зохидни бутунлай йўқ булиб кетади, деб ҳисобламаган. Бирок бунчалар тез келар, деб ўйламовди.

Усти чойнак изларидан доғ булиб кетган битта стол, ошик-маъшуғи аранг илиниб турган китоб жавони турган тор хона Зохидга мерос булиб қолди. Стол тортмасида «ВТ» сигаретасининг буш кутиси, бешолти дона чупи колган гугурт бор эди. Зохид уларни олиб симтўрхалтага ташлади-да, стол устини чангдан тозалаш учун уч-тўрт бора каттиқ пуллади. Шу пуллаш оқибатида қўккис уйғониб кетгандек телефон жиринглади.

— Шарипов,— деди у, телефон гўшагини қулоғига тутиб.

— Лола кўчасидаги ўн еттинчи уйдан кора дори топилган. Кидиув гурухи жунади. Бу иш сизга топширилади.

Буйрук киска ва қатъий эди. Зохид шишилиб ўрнидан турди-да, гўшакни жойига кўйиб, ташқарига йўл олди. У Лола кўчасини биларди. Ўзи хизмат килган милиция булимига якин, маҳалла гузаридан чапга бурилишдан шу кўча бошланарди. Бу маҳалла тинч, йилда бир-икки муштлашиб булиб туриши ҳисобга олинмаса жиноятдан анча йирок эди. Маҳалланинг осойишталиги милиция бўлими якин жойлашгани учун эмас. Милисахона кучиб келмасидан олдин ҳам маҳалла тинч эди. Бу ерадигиларнинг айтишича, биз тилга олган «бир-икки муштлашув» ҳам милисахона кучиб келганидан сўнг бошланган. Бу канчалик тўғри ё нотўғри — яратганга маълум. Маҳалланинг осойишталигига сабаб бу ерадаги одатларга на «турғунлик» деб ном олган йиллар таъсир ўtkаза олган, на кайта қуриш деган гаплар. Маҳалла азалдан кариялар хукмига бўй-

сишиб келган. Умри адосига етган қариялар энг яхши одатларни ўзлари билан олиб кетмай, ортларида колаётганларга мерос колдиришган. Кимга ёлғон, кимга чин, шаҳарда бўкиб ичиб, оёқда туролмайдиган даражага етган одам ҳам маҳалла худудига қадам босиши билан сергак тортиб коларкан. Саломни канда қилмай гузардан ўтиб, уйига етиб оларкан.

Зоҳид маҳалланинг одамларини яхши билгани учун ҳам боши қотди: корадори билан ким шуғулланниши мумкин?

Бирон жойда жиноят содир бўлса қидиувчиларнинг кўз олдига дастлаб якин орада камоқдан қайтганлар келади. Бир уйни ўғри уриб кетган бўлса аввал ўғирлик усули билан кизикишади. Ёзувланинг ўзига хос услуби бўлганидек, жиноятчиларнинг ҳам ўз услублари мавжуд. Али ўғрининг иши хеч маҳал Вали ўғрининг ишига ўхшамайди. Баъзан жиноятчиларнинг ўзлари милицияга ёрдам беришади: услугуб кимники эканини айтишади. Қора дорининг топилиши ҳам шундай «холис хизмат» окибати бўлиши мумкин.

Пола кучасидаги ўн еттинчи уй олдида иккита енгил ва бир тез ёрдам машинаси туарди. Хангоматалаблар ҳам тўпланишиб қолишган эди. Уй ташки томондан караганда харобгина кўринади. Ёндаги иморатлар кўрак кериб тургани учунми, чиройли пештоксиз бу уй оддий бостирмаға ўхшарди.

Зоҳид ичкари кирди. Узунасига эллик қадамча келадиган ҳовли ишкомдан иборат эди. Ташкарисидан ғарифгина кўринган уй ичкариси ҳам шу ахволда экан. Ўртада дахлиз, дахлиз тўрида обрез. Чап томонда кичикрок уй кимёғарликка оид турли-туман идишларга тўла. Ўнг томонда каттарок хона — ётқ ҳам, емакхона ҳам шунда мужассам.

Жиноят қидиув бўлиманинг ходимлари — Зоҳиднинг кечаги ҳамкаслари шу ерда. Ўртада думалок стол. Стол устида оқ қуқунли шаффоф ҳалтачалар — таниш манзара. Дераза ёнидаги курсида ёш жувон бошини ушлаб ўтирибди. Йиғлайвериб шишиб кетган. Хона тўрида — диван. Диванда бир йигит бехуш ётибди. Қидиувчилар бошлиги — Ҳамдам Толипов ахборот берди:

— Уй эгаси Шариф Намозов. Анави ётган йигит вино заводида бош мухандис экан. Бир халта портфе-

лидан чиқди. Қолғанлари нариги хонада. Тажриба-хонаси эмиш.

— Ўзи мастми?

— Фирт маст. Билагида игна изи бор. Ҳозир қон олишди, натижасини айтиб қолишади. Анави аёл хотини экан. Ҳеч нимани билмайман, дейди.

— Изига қандай тушдинглар?

— Иккита гиёхванд йигитни тутувдик. Қаердан олдиларинг, десак, шу ерни айтишди.

— Осонгина айтишдими ё қийнадингларми?

Ҳамдам «мени биласан-ку», дегандай кулимсираб кўйди. Зоҳид бўш стулни олиб, аёлнинг рўпа расига ўтириди-да, ўзини таништириди.

— Исмингиз нима?

— Насиба,— жувон шундай деб унга нажот кўзи билан тикилди.

— Эрингиз нима иш қиласидилар?

— Вино заводида ишлайдилар. Икки ойгина бўлди, кўтаришувди. Португалияликлар бу кишининг ишларини сотиб олишгандан кейин одамларнинг ўзлари сайлаб қўйишиди. Кўнмасалар ҳам зўрлашди. Бошлиқ бўлишга сираям тоқатлари йўқ эди.

— Португалияликлар канака ишни сотиб олишди?

— Мусаллас қилишнинг янги усулини топганлар. Беш йилдан бери сарсон эдилар. Ўзимизникилар ҳеч ўтказишмади. Улар қаёқдантир эшишиб қолишиб, атай келиб текшириб қўришиди.

— Эрингиз кўп ичармидилар?

— Йў-ўқ, бунақа ичмасдилар. Синаш учун бир ҳўплам-бир ҳўплам ичардилар холос. Бунака аҳволда ҳеч кўрмаганман. Ўзим ҳам қўрқиб кетдим.

— Соат нечада келган эдилар?

— Ўн иккilarда. Бунака кеч юрмасдилар. Тўйга борсалар ҳам вактли қайтардилар.

— Ўзлари юриб келдиларми?

— Билмадим,— Насиба ўйланди.— Мошинада келдилар шекилли. Ҳа, аввал мосина тўхтади. Кейин кўнгирик чалинди. Чиксам, деворга суюниб ўтирибдилар. Ўйга зурға олиб кирдим.

— Булар қаердан келди? — деди Зоҳид стол устидаги халтачаларни кўрсатиб.

— Билмадим... Булар келишди. Ўйни титишиди. Мен анкайиб туравердим.

Зоҳид ўрнидан туриб даҳлизда чекаётган Ҳамдамга яқинашди.

— Тинтувга рухсатномангиз бор эдими? — деди. Ҳамдам кулиб қўйди.

— Рухсатнома олгунча булар кутиб утиришмайди. Тинтиб, топиб қўйибмиз-ку?

Зоҳид унинг иш услубини биларди: Ҳамдам ҳамиша шошилиб ишларди. Баъзан қонун-қоидаларга риоя ҳам килмас эди. Жавобдан буйин товлаётган жиноятчининг қорнига бехос мушт тушириб қолишни яхши кўрарди. Мушт еган одам букчайиб, ихранаётганида у хотиржам сигарет тутатарди. Зоҳидга унинг бундай усуллари ёқмас эди. Лекин ҳалоллиги, жиноятчига бешафкат бўлгани учун уни хурмат киларди.

— Гиёҳвандларнинг сурати борми?

Ҳамдам кўкрак чўнтағидан бешта сурат чиқариб, иккитасини ажратди:

— Мана булар. Курсатдим, танимади.

— Бу ерга қачон келишган экан?

— Уч кун олдин.

Зоҳид суратни олиб, изига қайтди.

— Мана буларга диккат билан қаранг. Шошилманг. Биронтаси уйингизга келганми?

Аёл синчиклаб қараб, бош чайқади.

— Яхшилаб эсланг. Балки биронтаси уч кун олдин келиб эрингизга учрашгандир?

— Келса билардим. Адасига учрашишлари мумкин эмас. Уч кун олдин у киши Ереванда эдилар.

— Қачон келдилар?

— Кеча эрталаб келиб, чой-пой ичиб кейин ишга кетдилар.

— Бу ерга нотаниш одамлар келиб туришармиди, масалан, бир нарса сўрабми?

— Йўқ, одам кам бўлади уйимизда. У киши доим иш билан бандлар. Бекордан бекорга гаплашиб утиришни ёқтирмайдилар.

— Мусаллас сўраб келишмайдими?

— Қўни-қўшнилар чиқиб туришади.

Даҳлизга оқ ҳалатли аёл кириб, Ҳамдамга нимадир деди. Ҳамдам ичкари кириб Зоҳиднинг қулоғига шивирлади:

— Конидан кора дори топилган.

Зоҳид ўрнидан туриб даҳлиз томон бошлади.

— Гиёҳванд йигитларнинг қаерда?

— Ўзимизда.

— Юринг, улар билан гаплашишим керак.— Зохид шундай деб ташқарига йўналди.

Гиёҳванд йигитлардан бирининг пастки лаби осилган, кузлари чакчайган, иккинчисининг карашлари соувук, ўнг юзида узун тирик бор эди.

— Билагингни кўрсат,— деди Зохид тирикка.

У «шу ҳам ишми?» дегандай эринибгина курткаси ни ечиб, кўйлагининг енгини шимарди. Лаби осилган йигитнинг билагида ҳам игна излари бор эди. Уларнинг гиёҳвандлигига Зохидда шубҳа қолмади.

— Куқунни қаердан олардиларинг? — деб сўради Зохид.

— Брatanга этғанмиза, қаёқдан оғанувзани,— деди лаби осилган йигит.

— Менга ҳам айт.

— Лола кўчасида... ўн... еттинчи уйда турадиган Шариф ака деган киши.

— Икковинг бирга борғанмисан?

— Бир хил пайтда ман борардим, бир хил пайтда у борарди, бир хил пайтда иккалавуза борардик.

Зохид ҳали Ҳамдамдан олган суратларни чўнтағидан чикариб, учтасини ажратиб олди-да, стол устига ёйиб, лаби осилганни чакириди.

— Қара, Шариф аканг кайси бири?

Йигит ўрдакка ўхшаб лапанглаб келиб суратларга узок тикилди-да биттасини кўрсатди.

— Жойингга ўтири,— Зохид шундай деб суратларнинг жойини алмаштириди-да, тирикни чакириди. У бошқа суратни кўрсатди.

— Охириги марта қачон борувдиларинг? — деб сўради Зохид.

— Уч кун бўлди.

— Балки тўрт кундир?

— Веӣ, братан, ман ўзим борғанман. Соққа йўғиди, карзга берган. Ништак одам у. Ўзини лабораторияси бор. Айн момент тайёрлаб беради.

— Лабораториясига кирғанмисан?

— Кирғанманде. Шундок чап томонда.

— Айвондан ўтгандами?

— Ҳа-де, билиб туриб сўруврасизми?

Зохид «бу ёғига нима дейсиз?» деб Ҳамдамга каради.

— Айвоннинг олди ромми?

Лаби осилган йигит ўйланиб қолди.

— Ром бўлса керак,— деди иккиланган холда.

— Ёлғон гапирма! — деди Ҳамдам бакириб.

— Братан, алдавотганим йўқ.

Ҳамдам унга яқинлашиб, ёқасини чанғаллаб ўрнидан турғизди.

— Ёлғон гапирма, хунаса, уйида бўлмагансан. Айвони йўқ унинг.

Лаби тиরтиқ бирдан тутканоги тутган одамдек бақириб юборди:

— Қўйворинг! Мен кечаси борганман. Айвонига карабманми, ўзи зўрга турувдим.

— Борганмисан?!

— Ха, борганман!

— Уч кун олдинми?

— Ха, уч кун олдин.

— Жуда яхши! — Ҳамдам уни кўйиб юборди.—

Менга шу керак эди. Ёзиг кўйинг, ўртоқ прокурор. Борганини тан олди. Энди билиб кўйларинг: уч кун олдин у уйида ўлдирилган!

Иккала йигит аввалига «хато эшитмадикми?» дегандек қараб олди. Сўнг худди келишиб олишгандай Ҳамдамга бараварига даҳшат билан боқишиди.

— Йўқ! — деди тиরтиқ жон ҳолатда.

— Їима, йўқ? — деди Ҳамдам ғолиб кишининг мулоийм овозида:

— Бормаганмиз.

— Ўртоқ прокурор, бунисиға нима дейсиз?

— Сокчини чақиринг, олиб кетсин.

Гиёҳвандлар чикиб кетишгач, Ҳамдам диванга ўтириб, оёқларини стол устига чалиштириб кўйиб олди.

— Ҳамдам ака, дарров топганингиздан ажабланмадингизми? — деди Зоҳид унинг ёнига ўтириб.

— Ажабланишга вакт бўлмади. Ана энди ўзинг, мазза килиб ажабланаверасан. Мен топдим. Сен төргайвер. Оператив ишлаганим учун оқаҳонинг раҳматнома эълон киласи, менга.

— Юварканмиз-да,— Зоҳид шундай деб елкасига аста уриб кўйди. Қейин жиддий оҳангга кўчди:— Буларни ким ишга солган бўлиши мумкин?

Ҳамдам дарров жавоб бермади.

— Вино заводида нима гап экан? — деди у маънодор килиб.

— Мен ҳам шуни ўйлаб турибман.

— Ўйласанг ўйлагин-у, аммо винзаводга осила кўрма.

— Нимага?

— Кимга карайди завод биласанми?

— Озиқ-овқат вазирлигигами?

Хамдам кулиб, тиззасига шапати урди.

— Эй, прокурор, кўзингни оч! Шунча йил угро да сакич чайнаб юрган экансан-да, а? Вин завод Асадбекнинг тасарруфида-ку?! Буни кучадаги мишики бола ҳам билади, сен билмайсанми, кишлеки?

Зоҳид ҳам эшитган бу гапларни. Завод директори Асадбекнинг тавсияси билан қўйилади, ҳатто коровул ҳам унинг рухсатисиз ишдан бўшолмайди, деган гаплар юради. Халк оғзидаги миш-мишнинг қандайдир асослари мавжуд. Бирок, Асадбек ҳакидаги гаплар кўпинча гирт ёлғон бўлиб чиқади. Зоҳид ўтган йили бунга ишонди: кутилмаганда бир гап тарқалиб одамлар бехаловат бўлиб колишиди. Эмишки, бир одамни кўшиниси машинасида каергадир олиб бориб кўйини лозим экан. Машина айтилган томонга эмас, булак ёкка бурилибди. «Нимага бу томонга бурилдинг?» деб сўраса, машина эгаси «жим ўтираверинг, кўрасиз» дебди. Хуллас, машина гадой топмас кўчалардан юриб, шахар ташқарисига чиқибди. Бориб-бориб йўл қамишзорга такалибди. Машина эгаси ўтириб туринг, деб фойиб бўлибди. Ҳалиги одам кўркиб, машинадан тушибди. Қамишзор оралиб караса, бир чукурда алланча мурдалар ётганмиш. У «мени ҳам ўлдириб ташлашар экан-да» деб ўйлаб, ўликларни суриб, тагига тушиб ётаверибди. Бироз вакт ўтгач, беш-ўнта одам пайдо бўлиб, уни кидиришибди. Кейин «бизни алладингми, ҳали» деб машина эгасини дўппослашибди. Тонгга яқин ҳалиги одам ўликлар орасидан чиқиб караса, узокда бир чирок милтиллаб турганмиш. Бориб караса, бир козок чўпоннинг уйи экан. Козок уни уйига олиб кириб, ювинтириб, узиннинг тоза кийимларини берибди. Гапнинг кискаси, ўша одамлар Асадбекка тегишли экан. Шу вахима гаплар кучая боргач, текшириб кўриш Зоҳидга топширилди. У бир хафта уриниб,чувланган ипнинг учини, ўша одамни топди. У одам ўн етти йилдан бери руҳий хасталиклар шифохонасида рўйхатда тураркан. Зоҳид бир караса, унинг гапи ба-

<sup>1</sup> Жиноят кидириув.

маъни, бир караса, ғалати эди. У кўшнисини кўрсатди. Кўшни ажабланди. Устига-устак унинг машинаси йўк. Ҳалиги одам камишзорни кўрсатаман, деди. Зоҳид кўнди. Қадимда «Хотинқўприк» деб аталган жойга бошлаб борди. Камишзор йўк. Ҳаммаёк кўпқаватли иморат эди. Ҳалиги одам мўлтиллаб турб, сўнг йиғлаб юборди. Зоҳид уни уйига эмас, шифохонага элтиб қўйди.

Бу воқеага бир йилдан ошибди. Зоҳид ўша одамнинг мўлтиллаб туриши, йиғлаб юборишини ўқтин-ўқтин эсларди. Ҳозир винзавод ҳакида гап чикканида яна ёдига тушди. Ён дафтарига «жинни одам, Хотинқўприк» деб ёзинб қўйди.

— Демак, бу иш Асадбекка бориб тақаладими? — деди у дафтарчасини чўнтағига солиб.

— Бўлиши мумкин,— деди Ҳамдам.— Лекин бу иккни галварсдан гап оламан, деб овора бўлма. Ўлар Асадбекни билишмайди. Шариф Намозов билан сухбатлашсанг кўп нарса ойдин бўлади. Олимлиги бор экан. Бунака одамлар ҳакиқатпараст бўлишади. Адолат қиласман, деган бўлса, копконга туширишган. Энди истасанг-истамасанг, камоққа оласан. Кони текширилиб гиёҳванд деб турилибди. Уйидан кукунлар чикди. Юз минг сўмнинг нари-берисидаги мол-а! Юз мингдан кечишибдими, демак, иш катта.

— Агар сиз айтгандай Асадбекнинг йўлига тўғанок бўлса, осонгина йўқ кишлишмасмиди?

— Майдароқ одам бўлганида балки сен айтган йўлни тутишарди. Намозов бирон-бир масалада очикчишига карши чиккандир. Умуман... Юз минг сўм уларга трамвай паттасидай гап. Агар Намозовни камоққа олишга рухсат бермасанг, эртага уйингга беш юз минг ташлаб кетишлари мумкин. Үнда ҳам кўнмасанг...

— Ўлдирадими?

— Йўқ, ўлдирмаса керак. Лекин йўлинни топади. Хархолда иш Асадбекка бориб тақалса, у билан ўча-кишма. Сендан зўрлар ҳам эплаша олмаган уни. Биз сен билан комиссар Катани бўлолмаймиз. Лекин Асадбек адвокат Теразинига дарс бериши мумкин. Сенга маслаҳатим: Намозовни қамаш керак. Қамасанг, унинг жонини саклаб коласан. Ўйлаб кўр.

Ҳамдамнинг таклифини ўйлаб кўришга улгурмай депара ички ишлар бўлими бошлиғи капитан Мирсултонов кириб келди.

— От айланиб қозигини топаркан. Биздан кутулиб бўпсиз! — у шундай деб Зоҳид билан қўшкўллаб кўришди.— Яхши, яхши. Ишни ўзимиздан бошлаганинг яхши булибди. Қийналмайсиз. Мана, бу ёқда биз бор. Бориб кўргандирсиз? йима килмокчисиз?

— Ҳали тайин бир холосага келганим йўқ.

— Бу кўп ўйлайдиган иш эмас. Қамокқа олиш хақида санкция бераверинг.

Зоҳид ўзини қувноқ тутишга уринаётган капитанга қараб ажабланди. «іамозовни қамокқа олишимга бунча қизикиб қолди? Яна эски ҳаммом, эски тос десангчи? Ашёвий далил бор, сохта гувоҳлар бор. Мен қамокқа оламан, у ёқда ҳакамлар енг шимариб шай туришибди. йеча йилга ҳукм килишни яхши билишади. Ресторанда машшоқларга уч сўм бериб истаган куйни ҷалдиргани каби пул ташлаб истаган одамни истаган муддатга каматиш чут бўлмай қолди. Мен адолат қиласман, десам, булар «овора бўлма, қулингдан келмайди. Сен уч сўмлик ресторан машшоқисан», дейишмоқчими?» Зоҳид хаёлидан шуларни ўтказиб, асабийлашди. Ҳамдамдан сигарет сўраб олиб тутатди. Бошлиқ столни ноғорадай чертиб, жавоб кутарди.

— Туғри айтасиз,— деди Зоҳид, унга синовчан тикилиб,— қамокқа олиш керак. Аммо бу ерда эмас, шаҳар турмасида ўтира туради. Ҳалиги иккита гувоҳ ҳам уч-тўрт кун қамокда ўтирса, анча ўзига келиб колади.

«Ҳалиги иккита гувоҳ» деган гапни эшишиб, Мирсултонов сергакланди:

— Гувоҳларни... мажбурий даволанишга юбориш керак,— деди у Зоҳидга.

— У ёкка юбориш вакти ҳам келади. Аввал терговни тугатиб олайлик.

Бошлиқ Зоҳиддан тайинли гап ололмаслигини билib, Ҳамдамга савол назари билан каради.

— Гувоҳлар сохтага ўхшайди,— деди Ҳамдам бошлиғига. Кейин Зоҳидга юзланди.— Менга қара, прокурор, мижғовлик қилмай тўғрисини айтиб қўя колмайсанми,— у яна бошлиғига каради.— Бу бола винза-

водни хам кавлаштиrmокчига үхшайди. Феълини биласиз-ку?

Мирсултонов яна столни чертди.

— Яхши, яхши,— леди у Зохидга карамай.— Феълини биламан, бу ўжарнинг. Аввал гапирсам, инсофга чакирсам амалидан ажрашдан қўркади, дерди. Энди амалидан қўркадиган бошлиғи бошқа,— у бошини кўтариб Зохидга каради.— Букирни гўр тўғирларкан. Сен кўзингни очиб юр. Букир бўлсанг ҳам шу ёруғ дунёда юравер. У ёкка шошилма. Сенга «Чоксунла»ни айтиб берибмидим? — бошлиқ кулимсираган бўлди.— Бир тажанг уйғур йигит сочини устарада кирдириб яйраб келаётган экан, каёқданам ари учиб келибдию нак бошини чакибди. Йигит арининг изидан югурибди. Етиб, караса, эски пахса девор ёриғида отнинг калласидай келадиган ин бормиш. У шартта чўп олиб арининг иинин обдон кавлабди, ари роса тузигандан кейин ёрикка бошини тутиб, «Чоксунла эмди, одаш!» деган экан.

Одатда бошлиқ буни латифа оҳангода айтиб, мирикib куларди. Бу сафар ҳазил аралаштиrmай, жиддий туриб айтди.

— Сен ўша «чоксунла»га үхшайсан. Лекин сен арининг эмас, нак ўлимнинг уясини кавлашни ният килибсан. Жонинг текинга келган бўлса ҳам кадамнингни ўйлаб бос. Бола-чақанг борлигини эсадан чиқарма. Мени кандай тушунсанг тушунавер. Куркок дейсанми, олчок дейсанми — нима десанг деявер. Мен осмондаги ҳакикатдан ердаги жонимни азизрок биламан. Ҳар куни ҳакикат, адолат деб жавраётганларга ҳам жон ширин. Сен уларнинг гапларига учма. У ҳакикат деб бошимизни айлантириб, бизни күшхонага бошлайди. Ўзи қўнғирокли серка сингари ўтиб кетади. Пичокка сенга үхшаган лақмалар дуч келади.

Зохид собик бошлиғининг гапларини токат билан эшилди. Авваллари бирон масала хусусида гап талашгудай бўлса, бошлиқ қўрс муюмала килар, силтаб силтаб ташларди. Ҳозирги муюмаласи, синикрок оҳангда, насиҳат тарзида гапириши Зохид учун янгилик эди. Бошлиқнинг асл киёфаси қайси — ҳозир жонли одамдай куйиб гапиришими ё аввалги темир одамдай терслигими — Зохид фаркламай колди. У собик бошлиғига «ҳа» ҳам, «йўқ» ҳам демади. Қишлоққа ҳар борганида онаси ҳам шундай гапларни кўп айтарди. Ўзингни

ўкка, чўқقا ураверма, деб илтижо қиласарди. Онаси-ку унга куйганидан айтарди. Бошлиқ-чи? Наҳот, Зохиднинг тақдирига у ҳам куйинса?

Зохид сиз билан биз каби дунёдан адолат изларди, ҳакиқат топмок истарди. Унинг назарида ҳакиқат қаердадир кул остида ёки бир уюм ахлат остида ётган хайкалу уни топиб, тозалаб, тиклаб қўйса олам гулистон бўлади. Мана шу кучли истак уни ён атрофидағи одамлардан руҳан узоқлаштиради. «Излаб овора бўлма», деганлар у учун ожиз маҳлукка айланарди. Бу одамлардан фазилат излашга ҳаракат қилмаёқ қўйган. Собик бошлиқни ҳам шулар қаторига қўшган эди. Бошлиқнинг ҳам одам эканини, озгина бўлса-да, инсоний фазилатлардан баҳраманд эканини уйламасди. Собик бошлиқ уни ёмон кўргани билан тақдирига бефарқ қараёлмас эди. Мана, ўзингиз тасаввур килиб кўринг: сиз ҳам кимнидир ёмон кўрасиз. Ҳа, ҳа, яширмай бўйнингизга олаверинг. Барчани бирдай яхши кўриш мумкин эмас. Хуллас, сиз ҳам кимнидир ёмон кўрасиз. Лекин ўша одамни ўлдириб кетишса ачинмайсизми? Ачинасиз. Ҳатто уни ёмон кўриб юрганингиз учун, саломига алик олмай қўйганингиз учун ўзингизни лаънатлайсиз. Агарчи бу фожиадан кувонсангиз, «ўлдириб кетишгани яхши бўлибди», десангиз у ҳолда сиз одам эмассиз. Шу ўринда «одам эмассиз, ҳайвонсиз», десам қўполлигим учун ранжийсиз. Аммо бошқа бир сабаб билан «ҳайвон» дея олмайман. Буни айтсам ўша бегуноҳ жониворларни ҳакоратлаган, балчикка булғаган бўламан.

Чекинишни бас килиб, яна депара ички ишлар бўлимига қайтайлик. Энди сизга Зохиднинг туйғуси кисман маълум. Собик бошлиғининг гаплари у қулогидан кириб, бу қулогидан чиқмайди. Бу гапларни сўнгги нафасда, жон таслим қилаётганида ҳали эслайди...

Зохид эрталаб идорасига кирмай Шариф Намозов билан гаплашиш учун шаҳар турмасига келди. Темир тўснклардан ўтиб, тергов хонасига кирди. Беш-ўн дақиқадан сўнг эшик очилиб, соқчи кўринди-да, маҳбус олиб келинганини маълум қилди. Сўнг қулларини орқасига килиб олган Намозов кирди. Унинг оёқларига

кишан урилмаган, лекин қадам босиши занжирбанд маҳбусларни кидай оғир эди. Озғин, сийрак соchlари түзғиган бу одамнинг думалок кўзлари ич-ичига ботган, карашларида эса кишининг раҳмини уйғотувчи илтижо зоҳир эди. Елкасидаги дунё юки оғирлик қилаётгандай бироз букчайган. У ерга маҳкамланган каттик курсига ўтириб, бошини хам килди.

Зоҳид чекмаса хам ёнида сигарет олиб юради. Маҳбусга бир неча нафас тикилиб тургач, чўнтағидан сигарет чиқариб, унга узатди.

— Чекинг.

Шариф индамай кўл узатиб, титрок бармоклари билан кутидан битта сигаретни ажратиб олди. Зоҳид унга гугурт узатди. Шариф аввал гугуртга, кейин Зоҳидга қаради. Сўнг сигаретни стол устига кўйди.

— Узр, чекмайман.

Чиндан хам Шариф чекмас эди. Ҳозир нима учун сигаретни олганини узи хам билмади. Қайфи тарқаган бўлса хам у ҳануз қарахт эди. Турмага қандай қилиб тушиб колганига ҳайрон, хаёл уни турли кўчаларга ҳайдарди. Берк кўчаларнинг бирига кириб, тентираб, ундан чикарди-да, сўнг яна бошқа берк кўчага рӯпара бўларди. Унинг эсида колгани — бошқонга<sup>1</sup> шартта шартта гапиргани, «фош килиш қўлимдан келади!» деб катта кетгани. Бошқон «осмон қўлингда бўлса ташлаб юборавер», деди. Шариф «энди бошқон билан юз кўрмас бўлдим», деб ўтирганида, пешинга яқин хонасига кириб келди. Бошқон иши бўлса уни хонасига чақиртиради. Шариф унинг кириб келганини кўриб «гапим жонидан ўтибди-да», деб ўйлади.. Лекин бошқон, уни ҳайрон колдириб, бир соат илгари бўлиб ўтган нохуш сухбатни эсламади. Ё «сиздан ўтганини мен кечирдим, мендан ўтганини сиз кечиринг» демади. Кирдию:

— Юринг, кетдик,— деди.

— Қаёкка? — деб ажабланди Шариф.

— Сатторникига, бугун отасининг йигирмаси.

Шариф бир баҳона топиб, тўйга бормаса бормасди, аммо маъракалардан қолиб бўладими? Шу боис индамай туриб, бошқонга эргашди. Бошқоннинг машинасига яна идоранинг икки ходими ўтириб, тўртовлон йўлга чикишди. Маърака бўлаётган кўчани тўпланиб турган беҳисоб машиналардан хам билса бўларди.

<sup>1</sup> Директор.

Одамлар ҳам қатор тизилишиб, ичкари кириб ош еб чиқиш учун навбатда туришарди. Түгри, уларнинг максади коринни тўклиб кетиш эмас. Ният — мархум руҳини эслаш, хонадон эгаларига ҳамдардлик билдириш. Шундай бўлса-да, Шарифга навбатда туриш малол келарди. У ўзича «оббо», ярим соат туарканмизда», деб қўйиб машинадан тушди-да, одамлар каторида туриб четга чикмоқчи эди, бошқон «бу ёқка юраверинг», деб ҳеч қаёкка қарамай тўғрига йўл олди. Саттор уларни кўрибок пешвоз чикиб, кўшқуллаб сурасди-да, уйга бошлади. Катта ховлидаги барча ўринлар банд. Ҳизматдагиларнинг кўли қўлига тегмайди. Бошқон билан келганларни алоҳида иззат билан ичкарига, уйга бошлашди. Қенг, накшинкор уйга зиёфатлардагидай дастурхон ясатиғлик, ташкаридан эшитилиб турган тиловат овозлари демаса, зиёфатга келдик, деб ўйлаш ҳам мумкин эди. Бошконнинг ўзи, Шарифни хайрон колдириб, кироат билан қуръон тиловат қилди. Чой кирди, нон синдирилди. Шариф «энди ош кирап», деб ўйлади. Аммо яна чой кирди. Иккала чойнакни олган идора ходими бошконга каради:

— Оқиданми ё қизилиданми, хужайн?

— Ўлдирса ҳам кизили ўлдирсин.

Шариф «маъракаларда ичиляпти», деган гапни эшишган, аммо ўзи бунга ҳали гувоҳ бўлмаганди. Унга ҳам қуйиб узатишгач, бир ижирганди-ю, олмади. У художўй эмасди. Бошқон каби тиловат килиш ҳам қўлидан келмас эди. Аммо бундай маросимда ичишдан ҳазар қиласди. Кўкрагида уйғонган бир хис нафрат уйғотар эди. Ҳозир шу нафрат билан бошконга каради:

— Бу ёғи ўрисча бўп кетди-ку? — деди.

— Олаверинг, гунохи менинг бўйнимга,— деди бошқон. Кейин кўшиб қўйди:— Ният билан олса гунохи йўқ. Бунинг кайфи ҳаром, ўзи ҳалол. Узумнинг сувини шу пайтгача бирор ҳаром демаган. Саттор «отамнинг жойи жаннатда бўлсин», деб ният килиб дастурхон ёзган. Кимда ким шу ниятига етмасин деса, майли, олмасин.

Шариф шу гапдан кейин ҳам ичмади. Кейин шунга ўхшаган гап яна қайтарилгач, уни ҳам шайтон йўлдан урди. Гўё унинг айби билан мархум дўзах оловида коврилаётгандек туюлиб, бир-икки хўплам иди. Кейин эса... Сўнг бу «маърака»дан чикиб, кимникигадир зиёфатга киришди. Гапдан гап чиқди. Бошконга нимадир

отгани эсида. Кейин... ўзини қамокда күриб «битта-яримтани ўлдириб құймадимми», деб ҳам ўлади.

Хозир терговчи узатган сигаретни олғанида шу дахшат исканжасида үтирган эди. Шу талvasага банди бўлиб, сигаретга қўл узатганини ўзи ҳам сезмади.

— Мен Зоҳид Шариповман. Шаҳар прокуратура-сининг терговчисиман. Айбингизни биласизми? — деди Зоҳид унга тикилиб.

— Йў-ўқ... — Шариф Намозов ўзининг овозини ўзи базўр эшилди.

— Сиз корадори фурушликда айбланяпсиз. Уйин-гиздан катта микдорда корадори кукуни топилган. Портфелингиздан ҳам. Халтачаларда бармок изларингиз бор.

— Їима дедингиз? Корадори... фурушлик? Менинг уйимдан... Портфелимдан... — Намозов Зоҳиддан «адашибман, гунохингиз бошқа» деган гапни кутиб, илинж билан тикилди. — Сиз... адашмаяпсизми? Гуноҳим бошкадир?

— Яна қандай гунохингиз бўлиши мумкин?

— Гуноҳимми? — Намозов дафъатан жавоб беролмай чайналди. — Масалан... бирорни ургандирман... Кайфда бўлади-ку?

— Бирорни урган бўлсангиз бу иш билан шаҳар прокуратураси шуғулланмас эди. Адашганимиз йўқ.

Намозов енгил тин олди. Елкасидан тог ағдаришгандай бўлди. Зоҳид ундаги ўзгаришни сезди. У Намозов айбномани дарров рад этади, исбот талаб киласди, деб ўйлаган эди. Индамай ўтиришига караб, «бўйнига олдими», деб таажжубланди.

— Нимага индамаяпсиз?

— Мен... очигини айтсам, одам ўлдириб қўйибманми, деб қўркувдим.

— Корадори фурушликни енгилроқ жиноят деб ўйляпсизми?

— Сизнинг тилингизда енгилми ё оғирми, билмайман. Балки униси учун ҳам, буниси учун ҳам отарсизлар. Лекин мен учун одам ўлдириб отилди, деган номус ёмон.

— Корадори ўнлаб ёш жонларни ҳалок киласди. Бунисига нима дейсиз?

— Їима дердим, бунга корадори сотадиганлар жавоб бераверсин.

— Сиз-чи?

- Умримда килмаганман бунақа ишни.  
— Ўзингиз ҳам истеъмол килмаганмисиз?  
— Нимани? Корадориними? — Намозов бош чайкади.  
— Конингиз текширилганда таркибида қорадори топилган. Сиз факат ароқдан эмас, қорадоридан ҳам маст эдингиз.  
— Ёлғон.  
— Сизга судмедэкспертиза хулосасини күрсатамиз. Ҳозир эса... билагингизга қаранг.  
Намозов шошлиб пиджагини ечди-да, енгини шимарниб билагига қаради. Йўғон томир устида билинрабилинмас игна изинни кўриб, Зохидга даҳшат назари билан қаради. Унинг юмалок кўзлари янада катталашгандай бўлди.  
— Тамом! — деди у титрок овозда.  
— Нима тамом! — деди Зохид тушунмаган одамдай.  
Намозов бошини эгиб, худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай деди:  
— Мен ажал билан ўйнашган эканман... — у бошини кўтариб Зохидга қаради. — Менинг бўларим бўпти. Бола-чакам омонми, факат тўғрисини айтинг.  
— Хотинингизни кўрдим. Болаларингизни...  
— Болаларим ойимникида эди.  
— Сиз кимдан кўркяпсиз?  
— Кимдан кўркяпсиз? Мен кўркмайман. Кўркканимда бу ерда ўтирас эдим...  
Зохид калин дафтар очиб, таомилга кўра Намозовни сурок кила бошлади. Исм-шарифини, туғилган йили, куни...ни сўради. Намозов саволларга қиска, совук оҳангда жавоб берар эди.  
— Корадорини сизга ким етказиб берар эди? — деб суради Зохид асосий мақсадга кўчиб.  
— Танимайман, — деди Намозов гап оҳангини ўзгартирмай. У қамоққа кимнинг истаги билан келиб қолганини англаған, пухта ўйланган тузокқа тушганини фахмлаган эди. Тузоқдан қандай кутулишни билмас эди. Терговчи ҳам балки уларнинг одамидир, деган ўни ночор аҳволга солиб кўйган, на очик гаплашишни, на ўзини гўлликка солишни биларди. Қиска муддат ичидан танланиши мумкин бўлган ягона йўл — «билмайман» деб туриш. Зохид унинг тутган йўлини кўра

бүлди. Шунинг учун арконни узун ташлаб, суроқни давом эттири:

- Мижозларингизни айтинг?
  - Танимайман.
  - Қанчадан олиб, қанчадан пуллардингиз?
  - Килосиними?
  - Айтайлик, килосини?
- Намозов ўйланди. Ўзича чамалади.
- Минг сўмдан олиб, бир ярим мингдан сотардим.
  - Демак, килосидан беш юздан коларкан-да?
  - Ха, шунака.
  - Кўпдан бери сотармидингиз?
  - Кўпдан... уч-тўрт йил бўлди.
  - Пулни нима қилардингиз?
  - Пулними? Еб-ичиб...
  - Мени лакиллатмоқчимисиз?
  - Саволларингизга тўғри жавоб беряпман-ку?
  - Корадорининг килоси минг сўм эканми? Қайси аҳмок ишонади бу гапга? Сиз илмдан бошка нарсаларга ҳам хеч аралашганмисиз?

Намозов «ilm» деган сўзни эшитиб, худди «дафтарим уйда қолибди», деб ёлтон гапириб кўйиб уялган боладек бошини эгди.

— Ёлтонни эплаган одам гапириши керак,— деди Зоҳид аччикланиб.

«Тўғри,— деб ўлади Намозов,— бунга ҳам истеъодд лозим. Мен ҳатто оддий ёлтонни ҳам эплай олмайман. Ёлтондан куллук қилсан, ёлтондан жилмайиб кўйсан... аллақачон академик бўлиб кетармидим... Насиба «бунчаям ношудсиз-а», деб тўғри айтади...»

— Менга тўғри гапни айтинг. Мен корадорифурушлигингизга ишонмайман. Агар «йўқ, чиндан ҳам корадори сотардим», десангиз, қани, мени ишонтириг-чи?

Шариф котмадан келган, корача бу йигитга ажабланиб караб, базур кулимсиради.

— Ишонтиринг, дейсизми? Мен жиноятчи эканимга сизни ишонтиришим керакми? Кизик-ку?

— Ха, кизик. Аслида мен сизни ишонтириб, айбингизни бўйнингизга кўйиб, қаматишм керак.

— Айблайверинг. Мен тонмайман. Бошга тушганни кўз кўрар экан. Бир-икки йил ўтади-кетади. У дунёдан хали хеч ким кайтмаган. Қамоқдан эса эсон-омон кутулиб чикиш мумкин.

— Бир-икки йил денг?..— Зохид ўрнидан турдида, столни айланиб ўтиб, маҳбуснинг қаршисида тұхтади. Іамозов «урмокчими?» деган хавотир билан қараб, турмокчи бұлды. Зохид уни елкасига құлини қўйиб, «жилманг» деган ишора қилди.— Бир-икки йил эмас, сайру саёҳат узокрок давом этса керак.

— Ўн йил бўлмайдими, менга деса.

Зохид аччикланиб, маҳбусни икки елкасидан маҳкам ушлаб бир-икки силтади.

— Сиз мен билан олди-сотти қилманг. Бўладиган гапни айтинг: кимдан қўрқяпсиз?

Шариф унинг кўзига қараб олди. Якиндагина мулойим боқиб турган, ишонч уйғотиши мумкин бўлган нигоҳда жаҳл учқунларини кўриб, «Энди дўппослайди», деб ўйлади. Бошини эгиб, гарданига мушт тушшини кутди. Ҳатто гардани тошдай котиб, зириллай бошлади. Мушт тушса-оғриқ тарқаб енгил тортадигандай туюлиб, «урса урақолмайдими» деб ўйлади. «Кейин калтакдан одам ўлмайди. Одам категорига кириб калтак есам ебман-да. Бола булиб бирор билан муштлашмабман, бирордан тузукроқ калтак емабман. Ана энди, донғим чет элга чиқиб турганида бир бефаросат савалласа. Лиссабонда ҳозир менинг таърифимни келтириб макташаётгандир. Бу ерда калтак еяётганимни тасаввур ҳам қилишмаса керак...»

Шариф кутгандай мушт тушмади. Зохид уни қўйиб юбориб, жойига кайтди.

— Сиз олим одам экансиз. Агар заводда оддий хизматчи ёки оддий ишчи бўлсангиз, нимадан қўрқаётганингизга тушуниб етардим. Бирга ўғирлик қилган шерикларидан чўчияпти, дердим. Ҳозир жойингизга кайтиб, ўланг.

Эшик очилиб, сокчи кирди. Маҳбус томон икки қадам қўйди.

— Тур,— деди сувук охангда. Шариф турди.— Кўлингни орқага кил.

Шариф чтоат этиб, буйрукни бажарди.

«Жойингизга бориб, ўланг» эмиш,— деб фикр қилди у, камоқхонанинг узун даҳлизидан борар экан.— Энди бу ер менинг жойим бўлиб қолдими? Менинг жойим... Ёмон эмас. Лаҳадга нисбатан шу ер тузук. Болаларим омон бўлса бас. «Катта микдорда корадори топилди», дейди. Катта микдори канча? Ўн минг сўмликми? Е купрокми? Шунча корадорини уйимга таш-

лаб кўйган бўлса, бу терговчиларига ҳам сарф-харажат килишгандир? Агар бу болага ҳам беш-үн минг сўм берилган бўлса, умумий хисобда... нархим чакки эмас экан-да? Ўн беш, йигирма минг сўмлик одам эканман-да? Баъзи бирорларни сарик чақага ҳам олишмайди. Менга шунча пул сарфлашибди. Бойваччалар бирорни камокдан чиқариш учун пул сочишарди. Менга келганда қамоққа тикиш учун сарфлашиди. Ўн беш, йигирма минг уларга пулми? Бир кунда чиқариб олишади. Мен уларга ёқмай қолган эканман, шунча овора бўлиб, найранг ишлатиб, пул кетказиб юрмай, шартта ўлдириб юбора қолишса яхши эмасмиди?

Е ўлдириш кимматроқ тушармиди? Бе, уч-тourt юз сўм билан тинчтишарди. Битта алкашни ёки гиёхвандни ишга солнишса тамом-да. Лекин кон тўккилари келмабди. Нимага? Инсоф килишдими? Инсофни каёқдан олишди? Е қўркишдими? Келиб-келиб мендан қўркишадими? Е менинг бурнимни ерга ишқаб, мулла қилишмокчи бўлишдими? «Мулла» бўлган тақдиримда улар нима наф қўришади? Барибир энди ўша заводга кайтиб бормайман-ку?»

— Тўхта, деворга юзланиб тур.

То шу буйруқ янграгунча, камера эшиги тарақлаб очилгунча мана шу хаёллар Шарифга ҳамроҳ бўлди.

#### 4

Зоҳид маҳбус чикиб кетганидан кейин ҳам бир неча фурсат ўрнидан кўзғалмади. Прокуратура терговчиси билан жиноят кидирув инспекторининг ишида катта фарқ борлигини мана шу биринчи қадамидаёқ аник хис килди. Унинг назарида прокуратурадаги иш осонрок туюларди. Прокуратура ходимлари унинг кўзига лоқайд тўралар сифатида кўринарди. Унинг аввалги иши жиноят изига тушиш, жиноятчини ушлашдан иборат эди. Колганини жиноятнинг катта-кичигига қараб ё шахар, ё депара прокуратурасига ўтказиларди. Терговчилар савол-жавоб килиб ишни судга оширишарди. Энди эса собик ҳамкасби — жиноят кидирув инспектори ушлаб берган жиноятчининг тақдирининг кўлида. Биринчи жиноятчи — олим. Яқиндагина олимлик шохсупаси томон дадил бораётган, акаси ўлимидан сўнг шартта бурилиб, бошқа йўлга ўтган, дам-бадам

олимлик күчаларида хаёлан сарсари кезувчи йигит янги ишда илм одамига йўлиқиб турса! Тайдир уни синамокчими?

Зоҳид юраги сикилиб, дафтарга формулаларни беихтиёр ёза бошлади. Унинг одати шу — юраги сикилса, калаванинг учини йўқотиб, гаранг бўлса, беихтиёр равишда формулалар ёзиб, ечиб чикара бошларди. Ёд бўлиб кетган Эйнштейн назариялари ёки хисоб оламининг ечими мушкул рақамлари дафтар сахифаларини тўлдиради.

У хукук соҳасига буюк умид билан ўтган эди. Адолат тикламокни истаб эди. Бир деҳқоннинг боласига хаётда нима керак? Кунда бир кося овқатга корни тўйган, овқат бўлмаган тақдирда нон-чойга қаноат қилган, эгнидаги кийимининг енги то тирсагига келиб, калта бўлиб қолгунича янгисини кўрмай ўсан бола подшолик тахтини талаб қиласмиди? Отасининг ёнида кетмонига сигиниб яшаган, раис бува марҳамат этган дамда мактабда ўқиб, бошқа пайт далада кесак ялаган бола дунёга танилувчи олим бўлиш орзусида юармиди? Қарангки, шундай бўлиши мумкин экан. Акаси шаҳардаги олий ўқишига кирганида Зоҳид тўккизинчи синфда эди. Бир томондан акасига ҳавас қилиб, яна бир томондан риёзиёт муаллими қизиктириб ўқишлиари бир мунча яхшиланиб, оқибатда олтин нишонга даъвогар бўлиб колди. Дунёнинг ажабтурлигини карангки, сувчининг ўғли шундай эътиборга, яъни, даъвогарликка лойик экан. Аммо паловнинг масаллифи билан шавла пишириш мумкин бўлганидек, аълочи бола олтин нишон олавермайди. Паловни дамлаётганда бир ниёла сувни меъёридан кўпроқ куйиб юборсангиз кўлбола шавла ейсиз, ўкув давомида мингта «беш олиб, биттагина «тўрт»га илинсангиз, олтин нишонни тушингизда кўриб, аълочи бола сифатида мактабдан учирма бўласиз. Албатта, билим берган муаллимларингизга мингдан-минг раҳматлар айтишни унутмайсиз.

Сизни билмайман-у, аммо Зоҳиднинг бошига шундай савдо тушган. Пешонасига «жамиятшунослик» деган фандан битта «тўрт» олиш ёзилган экан, нима килсин бечора. Риёзиёт муаллими бир ёндан, акаси бир ёндан тарғиб қилиб, уни Масковдаги олий ўқишига боришига кўндиришиди. Шу муносабат билан отаси битта сигирни сотадиган бўлди. «Иккита сигирни бокиши азобидан кутуламан. Бир оиласига битта сигир етади-да,

кузга бориб тугиб берса, яна иккита-да...» деди отаси. Отаси кўп аломат одам-да. Худо уни яратишга яратиб, сўнг унутиб қўйганми, хархолда шундайгина яралганича қолаверган — устамонлик, хийла, макр, ёлғон деган неъматлардан бебахра юраверган. Йўқса, битта сигирнинг пули билан ўғлим катта ўкишга кириб, катта одам бўлиб кетади, деб ўйлармиди. Телевизорни дастлаб кўрган маҳалда гунча лабли кизга кўз қисиб, имлаб қўйиб бир хафта ўзича хурсанд бўлиб юрган одамнинг ўғли вояга етиб Московдай жойда ўкир экан-у, сигирдан воз кечиши нима экан?..

Ҳам тижорат, гам саёҳат деганларидаи, риёзиёт муаллими ҳам борган эди Московга. Ёзма имтихондан «уч» олгач, тарвузлари кўлтикларидан тушди. Зоҳид масалани ёд қилиб олган эди, муаллимига ёзиб кўрсатди — тўғри чикди. Муаллим имтихон олувчиilar билан баҳслашди. Фойда бермади. Оғзаки имтихонни «тўрт» баҳога топшириб, рус тилидан «икки» олдию «сигирнинг жони шуларга худойи бўлди-да», деб қайтиши. Улар «Тошкент ўкишхоналарида порахўрлик кучли, Московда инсоф бор», деган умидни, ўйни ўша ёкнинг ўзига кўмиб келаверишди. Зоҳид кетмонни елкасига ташлаб, отаси билан далага чиқди.

Колхозда ўн беш кун озодлик эълон қилиниб, кунига тўрт-бештадан тўй ўтаётган кунларда қишлоққа тепакал бир ўрис жингалак соchlари оқариб кетган бир ўзбек билан бирга келиб, Зоҳидни суриштирди. Зоҳид уни таниди: Московда оғзаки имтихонни шу одамга топширган эди. Унинг муаллим эканини биларди, бирорқ, риёзиёт бўйича етуқ мутахассис эканидан беҳабар эди. Жингалак соchlари оқарган ўзбекни эса Зоҳид танимади.

— Ёзма имтихондаги масалани мен тузган эдим. Унинг иккита ечими бор эди. Сен ечимнинг учинчи йўлини топган экансан. Кейин фикрласам, сен топган йўл маъқулрок экан. Сен келгуси йили Москвага албатта боришинг керак. Мана, Ҳабиб Сатторович сендан хабар олиб турадилар. Бу киши менинг шогирдим. Сен менга кенж шогирд бўласан.

Зоҳид бундан беҳад хурсанд эди. Гўё олий билимгоҳни битириб келгандай кувонганди. Бирорқ, муаллими тушмагур ишни бузди.

— Зоҳид энди Московга бормайди, ўртоқ профессор. Билимгоҳингизда Ўзбекистон учун нечта ўрин аж-

ратилган? — деб сўради.— Биттами? Бу йил ким кирди? Сизга ёлғон, менга чин — министрнинг ўғли кирди. Карра жадвални биладими ё йўқми, менга коронги. Лекин у юмтиҳонларни «беш»га топшириди. Сиз тузган масалани ҳам зўр килиб ечиб бергандир. Ўзбекистонда министр деганлари кўп, уларнинг болалари кўп. Хар йили биттадан сигир сотишга бизнинг курбимиз етмайди. Камбағалнинг боласи қадимда ҳам ўкиёлмаган, хозир ҳам ўкиёлмайди. Қатта олимлар, катта одамлар таржимаи ҳолида камбағалдан чикканман, етимхонада ўсганман, деб ёзишади. Бари ёлғон! Ҳаммаси бойнинг болалари. Ҳаммаси отасининг олтинлари туфайли ўкиб одам бўлган!

Муаллимнинг бу гаплари Зоҳиднинг отасига маъкул келиб, «ўғлим Масковда ўқисин» деган умидидан воз кечди.

Кетмонини тинчгина чопиб юрганида, келгуси ёз бошларида Ҳабиб Сатторович деган одам яна келиб, эски гапни кўзғади. Узок давом этган музокаралардан сўнг томонлар сулҳга келишдилар — Зоҳид Масковда эмас, Тошкентда ўкишга рози булди. «Майли, олий маълумотни Тошкентда олсин, бирок, аспирантурани албатта Москвада ўқийди» деди Ҳабиб Сатторович. Ўкишнинг иккинчи йилиёқ, Зоҳид олимлар назарига тушди. Унинг имкониятлари, келажаги ҳакида умидли гаплар бошланганди. Бирок, акасининг ўлими, терговчилар, ҳакамларнинг номардлиги барча имконияту умидни парчалаб ташлади. Зоҳиднинг елкасига бир шайтон миниб олиб «бу ўкишни ташлайсан, ҳукук илмини оласан, бу абраҳларга карши курашасан, адолатни тиклайсан, бечораларга суюнчик бўласан», деб минфиirlайверди. Зоҳид бу гапларга кўнди. Тўнғич ўғли дардиди қадди букилган отага ҳам шу фикр маъкул келди.

Мана, орадан йиллар ўтиб, риёзиётчилар умид билан караган йигит шахар турмасининг сўрокхонасида ёлғиз ўтириб, ракамларга ракамлар улаяпти: кўшув, булув, олов, сўнг илдиз остидаги ракамлар... Буларни ечиш унга чут эмас. Аммо адолат формуласига тиши ўтмаяпти. Не-не алломаю донишмандлар еча олмаган масалага унинг курби етармикин?

### III БОБ

1

Шахар марказидаги эътиборли идоранинг ертұла-  
сиса видеобар очиши. Ертұлага иморатнинг бикини-  
дан тушилади. У очилмасидан илгари ертұлада идора-  
нинг эски-тусклари сақланарди. Икки йил мұқаддам  
идора ертұлани таъмирлаш учун катта микдорда маб-  
лағ ажратди. Айрим махкамалар эшикларини бўятиш  
учун пул тополмай сарсон юрганида бу идорага икки  
юз минг сўм ажратилиши хукуматнинг хотамтойлигими  
ёинки идоранинг эркалигими, билиб бўлмади. Қайта  
куриш деган нарса билан боғлик воеалар шунчалар  
шиддатли эдик, «халқ аранг тирикчилик килаётганида  
ертұлани таъмирлашга бало борми» дейдиган одам  
топилмади. Зимдан караганда халқ ғамини чекиб  
юрувчи бу идора ходимлари ҳам гўё оёклари остида  
нималар содир бўлаётганидан бехабар эдилар. Ертұла  
таъмир этилиб, Асадбек ихтиёрига ўтгач ҳам «халқ  
фидойилари»да ажабланиш уйботмади. Улар оламшу-  
мул ишлар билан — халққа озодлик бериш уйи билан  
банд эдилар. Оёклари остида нималар бўлаётгани эса  
уларни кизиктирмасди.

Асадбекнинг қароргоҳи учун жой лозим экан, ту-  
зукрок иморатга қаҳат келибдими? Айниқса идоралар  
сони кисқараётган дамда бирон иморатни ижарага  
олишдан осонрок иш йўқ. Шахар ижроқўминнинг раҳ-  
барларидан бири бу юмуш билан шахсан шуғулланиб,  
Асадбекнинг янги идораси учун кўп жойларни тавсия  
этди. Асадбек барча кулайликларга эга иморатлардан  
воз кечиб, шу ертұлани танлади. Ертұлага иморат  
иチдан йўл бор эди. Асадбек ихтиёри билан иморат  
бикини кавланиб, зинапоя қилинди, калин пойdevор  
тешилиб, эшик очилди. Ертұлага икки томондан кириб-  
чикиш имкони туғилди — шуниси бехавотирроқ-  
да. Давлат ажратган икки юз минг сўм билан бир  
ишининг уддасидан чиқиши мушкул. Асадбекнинг беш юз  
минг сўми ҳароб ертұлани ўн икки хоналик шинам  
саройчага айлантириди. Унинг бир хонаси видеобар,  
колганлари иш юритишига, хордик чиқаришига мўлжал-  
ланган эди. Машшатхона, ҳатто ҳаммом ҳам назардан  
четда колмади.

Юкорида халқпарварлар мажлисдан бўшамай то-

мок йиртишади. Пастда эса Асадбек ўз ишини юритади. Хамманинг назари юкорида. Паст билан бироннинг иши йўқ. Видеобарда чой, қахва, шарбатдан бўлак ичимлик йўқ. Очилганидан бери бирон марта хам хориж фильмини кўрсатмади. Бисотида уч-тўрт мультфильм, эски ҳинд фильмлари, Шералининг, Ғуломнинг концертлари... Бу ерга кунда бешта одам кирса киради, бўлмаса йўқ. Булар — кундузнинг манзараси.

Тунда видеобар ўзгача манзара касб этади. Соат ўн бирларга якин иморат олдида иккита милиционер пайдо бўлади. Сўнг оппок «Волга»лар бир дакиқага тўхтаб ўтишади. Ундан тушган сипо одамлар атрофга аланглаб олиб, ертўлага шўнғишиади. Мажлислардан хориган ҳалқпарварларнинг етакчилари кўча томондан эмас, ичкаридаги зинадан тушиб борадилар. Тун ҳукми заптига олганида оқ «Волга»лар яна бирин-сирин пайдо бўлади эгаларини олиб жўнайди. Шундан кейин милиционерлар хам ғойиб бўлишади. Тонгга якин усти берк юқ машинаси идора орқасидаги дарвозадан ховлига киради. Бўш шиншаларни ортиб жўнайди. Унинг изидан «РАФ» келиб тўхтайди. Бирин биридан ширин кизлар машинага илдам чикиб ўтиришади. Соатга қараган киши юқ машинасининг уч, «РАФ»нинг бир дакиқада иш битириб жўнаганига гувоҳ бўлади.

Идорада коровуллик қилувчи ёш, чапдаст йигитлар барча ишни вақтида, аниқ бажарилшини таъминлайдилар. Қайта қуриш шарофати билан барча идоралардаги кекса ходимлар ўрнини иктидорли ёшлар эгаллаганидек, пенсия пули тириклилигига етмай, шу коровуллик маошига кўз тикувчи қариялар тантана билан кузатилиб, улар ўрнига бехосдан тогни уриб юбориб талқон қилиб юбормасликлари учун камтаринрок ишни истаган йигитларни олишди. Бу йигитлар идорага киравчи ҳар бир кимсага салом бергучи, багоят одобли ҳам эдилар.

Асадбек ҳар уч йилда кароргохини ўзгартиради. Даастлаб гурухбоши бўлиб иш бошлаганида Эски Жўвадаги пасқам уйни ижарага олган эди. Вассажуфт, корасувоқ уйда туни билан арок ичиб, чекиб чикиларди. Лекин эртасига бу уйга кирган одамнинг димогига кўланса хид урилмасди. Шунинг учун хам Асадбек ўша даастлабки кароргохини кўпроқ ёқтиради. Орадан йиллар ўтиб, кароргоҳларини кўп ўзгартирди. Мана бу

яңгиси хон саройидек безалди. Лекин күнгил курғур барибир ўша корасувок уйни күмсаб колади.

## 2

Янги йил кутиш баҳонасида тунни бедор үтказган шаҳар тонгни кўзда уйқу билан кутиб олди. Кимдир туни билан телевизор кўриб, кимдир улфатлари билан тўйиб ичиб, кимдир жононлар билан тўйиб майшат килиб, энди хордик чикарар эди. Бундай байрамлар Асадбекнинг одамлари учун харом, у байрам кунлари яйрашни, майшат қилишни катъян таъқиқлайди. Унинг назарида айнан шундай кунда копқонга тушиб колиш мумкин. Одамлари бунга кўнишиб колган. Асадбек вазият ва имкониятга караб эълон килган байрам кунлари яйраб олишади.

Янги йилнинг биринчи куни шаҳар уйқудан турмай, видеобар эшикларини очди. Бошқа кунлардан фарқли ӯлароқ, бу тун видеобар ишламади. Оқ «Волга»лар ҳам тұхтаб үтмади.

Видеобар оғаси, чақчайган кўзларидан бирон-бир маъно уқиши мушкул бўлган, қалин мўйлови туртиб чиқкан тумшуғига ҳусн бериш ўрнига баттар хунуклаштирган барзангি йигит хорижнинг қизил духоба копланган юмшоқ курсисига ястаниб олган эди. У гүё телезкрандаги мультфильмни тамоша қилас, хаёли эса ён курсида үтирган, башанг кийинган, кўзларида саросима сузаётган одамда — вино заводи бошкони Килич Сулаймоновда эди.

Бошқон саҳар чоғи видеобар эшиги очилиши билан пайдо бўлди. Видеобар оғаси ҳам, пештахтани артаётган хушбичим қиз ҳам унга «нима учун келдингиз?» демади. Ўн саккизни коралаган хушбичим қиз вазифасини аниқ билади: чой, қахва кайнатиш, келган-кетганларга эътибор бермаслик, видеобар эгаси имо қилган одамга караб ширин жилмайиб кўйиш. Видеобар оғаси ҳам вазифасини аниқ билади: салом-аликни жойига кўйиш, келган одамларнинг, танишми ё нотанишми барибир, ҳаракатини синчиклаб кузатиш, ортиқча гаплашмаслик, савол бермаслик. Ана шу вазифасига амал қилгани учун ҳам, Килични яхши таниса-да, салом-аликдан нарига үтмади. Сўфи таҳорат қилишга улгурмай бу одам етиб келибдими, демак, сабаби бор.

Демак, аъёнлар, сүнг хўжайин ҳам келадилар. У ичкарини тайёрлаб кўйган. Бундан кўнгли тўқ. Видеобар янги йил кечасида ташкаридан зулфинлангандай куринса-да, ичкарида харакат тухтамаган эди. Тўртта телефон кўйилган хонадаги икки киз, пештахта ортидаги хушбичим киз гўё ҳуру фильмон сингари видеобар эгасига бир кечалик жаннатни беришган, базм куришган эди. Тонгга яқин базм энг ширин ерида барҳам топган, хоналар саришта килиб кўйилган эди. Базм иси хўжайин димоғига ётиб борса, қай кунларга тушишларини билишса-да, бу тун шайтон йўригидан чикишолмаганди. Уларга бирор келиб «бу гунохингиз яратганга маъқулмас, энди жазолайди», деса «тавба киламиз, худо кечиради», дейишлари мумкин. Аммо «Асадбек бу ишингиздан хабар топди» деса, юраклари ёрилиб ўлишлари хеч гап эмас. Чунки Асадбекнинг кечирмаслигини барчалари билишади. Била туриб ўзларини тийишолмади. Гимма килишсин, тирик жон...

Килич иккинчи пиёладаги чойни ичини улгурмай эшик очилиб, жуссаси кичик, эти устихонига ёпишган, калдирғоч мўйлаби ўзига ярашган одам куринди. Бу одамни яхшилаб таниб олинг: Хайдар Асроров, лақаби Кесак полвон. Асадбекнинг ўнг кўл аъёни. Озғин, чайир бўлгани учун Кесак полвон, деб аташгандир, десангиз янглишасиз. Хар бир жамоанинг ички тартиби, расм-русуми бўлганидек, бу оламнинг ҳам ўзига яраша конун-коидаси бор. Шулардан бири — бу оламга қадам кўйган ҳар бир тирик жонга лақаб берилади. Лақаб осмондан олинмайди, балки хатти-харакати, феълига караб топилади. Жуссасига қараб танланганида Хайдар Кесак эмас, Тошполвон ёки Темир полвон булиши керак. Унинг панжаларини Худо суюкдан эмас, темирдан яратган. Гарчи сигир йилида туғилган бўлсада, Асадбек ҳазиллашиб бунинг мучали мушук, дейди. Бунга сабаб, ёшлик чоғларида, хали «каратэ», «у-шу» деган гаплар ўйқ пайтида Кесак полвон муштлашгудай бўлса мушукдай сапчиб, уч-турт давангирга бас кела оларди. Кесак полвон анчадан бери ўзи муштлашмайди. Ёнида биргина имосига маҳтал бўлиб турган ўзи сингари чайир йигитлари бор.

Кесакполвон хонага кириб Килич билан сурашиб олгунича бир-икки дақиқа вакт ўтади. Салом-алик чоғида эътиборга молик гап-суз бўлмагани учун, вактдан

фойдаланиб Ҳайдарга Кесак полвон лакаби берилиши-  
нинг тарихини баён килай:

Бу воеа эллик саккизинчи йилда булиб ўтган эди.  
Ҳайдар Асадбек билан янги танишган кунлар. Эрталаб  
кўпроқ темир ўёл бекати атрофида «ов» қилас ҳади.  
Їоездлан тушган одамларни зимдан кузатиб, пули бор,  
деб гумон килингандарининг изидан тушарди. Бир куни  
Ҳайдар Намангандан келган икки одамни мўлжалга  
олди. Яктағи устидан кўшбелбоғ боғлаган ўрта яшар  
киши унинг эътиборини тортди. Иккала одамнинг кўли-  
да арзирли юқ йўқ, белбоғ эса думпайнб турибди.  
Демак булар бозорга мева-чева олиб келувчи дехкон-  
лардан эмас. Пулни белбокка боғлаб тўй-пўй ташвиши  
билан шаҳарга тушишган. Ҳайдар бунақа одамларнинг  
феълини билади. Пулни ё маҳси қўнжига ё белбокка  
яширишади. Кўпчилик белбогни маъқул кўради: пул  
белга дармон, дейишса керак-да. Ҳайдарнинг «ми-  
жоз»лари, аксига олгандай, трамвайга чикишмади.  
У ёкка тентирааб, бу ёққа галдираб изғигунларича бе-  
кат майдонидан одамлар тарқаб, уч вагонли трамвай-  
лар бемалол булиб қолди. Энди ишни трамвайда эп-  
лаштиришнинг хеч иложи йўқ эди. Ҳайдар уларнинг  
изига тушиб, Олой бозорига қадар борди. Лозим бул-  
ганида ҳимоя килиш максадида Асадбек унга соядек  
эрглашди. Чүнтак, белбоғ кесишга Ҳайдардан ўтадига-  
ни йўқ эди. Хуллас, белбоғ кесилди. Кесишга кесдию  
огирлигидан ҳайрон булди. Панарокка ўтиб карасаки,  
белбоғда сариқ чака ҳам йўқ — беш олтида кесак хаф-  
сала билан териб қўйилган. Ҳайдар «бу кишлоқи кузни  
шамғалат қилмоқчи экан», деб ўйлади. Аслида шаҳар-  
ни бир томоша килиб келай, деб йўлга отланган бу  
дехкон «таҳоратга кесак топиладими йўкми» деб ҳар  
эҳтимолга қарши белбогига тугиб олган эди. Ўшандা  
аламдан бўзариб турган Ҳайдарга қараб туриб Асад-  
бек роса кулди. Лакаб ҳам ўшанда туғилди. Икки ошна  
бу воеани тез-тез эслаб, мирикиб кулишади.

Кесакполвон Қилич билан омонлаша туриб, пеш-  
тахта ортидаги хушбичим қизга қараб олди. Қиз унга  
ширин жилмайди. Видеобар эгаси бу қарашнинг маъ-  
носини дарров илғади.

— Оқаҳон, гап йўқ, шкалад егандай буласиз,—  
деди қўлини кўксига кўйиб.

Ҳайдар ичкари кириб кетгач, худди келишиб олин-  
гандай Эҳсонов пайдо булди. «Чувринди» деган лакаб

барваста, юзлари ҳамиша қип-кизил, овози темир жарангидай бу одамга унча мос келмайди. Ёшлигига олган бу лакабига күниги кетган. Асадбек билан Ҳайдар Андижондан келган ўн уч ёшли чувринди бу болани олтмишинчи йилда қанотларига олиб янгилишмаган эдилар. Камгап, сермулохаза, урушғанда эса отасини ҳам танимайдиган беаёв эди бу Чувринди.

Ҳайдар бирон-бир масала хусусида фикр юритилганда тез, аммо саёзрок хулоса чиқарарди. Махмуд эса аксинча эди. Асадбек шунинг учун ҳам күпроқ Махмудга сұянарди.

Айёнлар ичкарига кириб кетишгач, орадан ярим соат ўтиб, телефон жириңглади. Қиз гүшакни қулоғига тутиб, видеобар оғасига күз тикди.

— Ҳұжайн келмас эканлар. Бегавотга кетибдилар,— деди айбдор одамнинг овози билан.

Бу гапни эшигтан Қилич «кетаверсаммикин?» деңгандай видеобар оғасига қаради. Йигит кизнинг хабарига ҳам, Қиличнинг савол-назарига ҳам эътибор бермади. Чunksи бу хабарнинг сири хушбичим қизга ва Қиличга номаълум, видеобар оғасига эса ойдай равшан эди. «Хұжайн келолмайдилар» деб құнғироқ қилиндими, демак, Асадбек ярим соатлардан кейин пайдо бұлади. Ҳозир ичкари хонага ўрнатылған түрттала телефон ҳам жириңглаб шундай хабар эшигилген. Асадбек, қүngли нотинч маҳалларда ана шундай найранг ишлатиб туарди. Биронтаси изимга тушса, пойлаб турған бұлса چалғииди, деб шу усулни құллайди. Бу найранг факат энг ишончли одамларғагина маълум. Асадбекнинг белгиланған жойга, белгиланған соатда келмаслиги, ё ярим соат аввал, ё кейин пайдо булиши ҳам унга аён.

Видеобар оғаси бепарво бұлғани учун Қилич ҳам ноилож мультфильмга тикилиб ўтираверди. Ярим соатда юраги сиқилиб, жони ҳалқумига келди. Охири чидай олмади:

— Мен кетаверайми? — деб сұради.

— Оқақон, ўтирибмиза-де чакчаклаши-иб... Чойдан олинг. Бугун оддих<sup>1</sup> бұлса, шошиб қаёққаям борасиз. Ҳозир Шерни қўйиб бераман. Бир мазза килинг,— у шундай деб хушбичим қизга қаради. Телез экран пирпираб ўчди. Дам ўтмай пирпираб ёришиб, торини

<sup>1</sup> Дам олиш куни дегани.

күлтиқлаб олиб қүшиқ айтаётган Шерали күринди. Шерали учинчи ашулани айтаётганды Асадбек келди. Саломга алик олдию хол-аҳвол сўрашмасдан, индамай ўтиб кетди. Видеобар эгаси Киличга «Оқаҳон, аҳволингиз чаток, хўжайнинг феъли айниганд», дегандай караб кўйди. Килич бефаҳм одамлардан эмас, Асадбекнинг ранги-рўйнга қараб, аҳволи ёмонлигини ўзи хам билди.

Асадбек кенг хонага кириб атъёнлари билан саломлашгач, ўртада туриб атрофга синчиклаб каради. У ичмас ҳам, чекмас ҳам эди. Шунданнин, димоги ҳар кандай исни илғаб, ажратса оларди. Ҳайдар ҳам, Маҳмуд ҳам ярим соатдан мўлрок вакт шу хонада ўтириб хеч нимани сезишмаган эди. Асадбек хонани кўздан кечирга:

— Бўтка! — деб бакирди.

Бўтка — видеобар эгаси Кенжанинг лақаби. У Асадбек кириб кетгач, жойига бориб ўтирмай, эшик оғзида турган эди. Хўжайнинг қаҳрли овозини эшигтгач, шошилиб кирди.

— Лаббай, оқаҳон,— деди кўл ковуштириб.

Асадбек хеч нарса демай тескари шапалок тортиб юборди. Оғиз-бурни аралаш тушган кутилмаган зарбдан Бўтка мувозанатини ўқотиб йиқилай деди. Бир уришда одамнинг жонини сугуриб оладиган бу йигит гавдасини ростлаб, «хўжайн, яна уринг, мазза қилдим» дегандай кўл ковуштириб, бошини эгди.

— Шу ерни ҳам ҳаром қилдингми, ҳайвон! — деди Асадбек унга карамай. Бўтка хўжайн тикилиб турган нуктага қараб, жони чикиб кетгудай бўлди. Кечаси майшат килиб, хонама-хона изғишганда гангиди бу хонага ҳам кирган, чордана куриб ўтириб, яланғоч кизларни ўйнатган эди. Хонага кирганида қўлида пиёла бор эди. Конъякни ичиб бўшаган пиёлани стол тагига қўйганича унутган экан. Хўжайн кира солиб, шуни ҳам қўрибди. Бўтка шошилиб пиёлани олди-да, чикиб кетди.

Асадбек ўз ўрнига ўтмай диванга, Чувриндининг ёнига ўтиреди.

— Буларни бичиб қўйишим колди,— деди ўзига ўзи гапиргандай.

Ҳайдар ҳам, Маҳмуд ҳам Асадбекнинг кизи то-пилганини, уйга кай холда кириб келганини биларди. Лекин «қизингиз топилибди, энди нима қиласиз», деб

сұрашмади. Узок йиллар бирга булиб, Асадбекнинг күзига карабоқ ниятини фахмлаб оловчи бу аўёнлар шу вакт мобайнида сабрга ҳам ўрганган эдилар. Улар Асадбекдан олдин гап бошламасдилар.

— Анави тұнкани нима қиласыз? — деди Асадбек, жаҳлдан тушиб.

Гап вино заводи бошқони Қилич Сулаймонов хусусида эди.

— Ўтган куни Хосилбойвачча билан учрашган,— деди Кесакполвон.

— Беш кун аввал ҳам учрашган эди,— деб эслатди Чувринди.

— Топған одамини кара,— деди Асадбек..

— Тинчитиб күя қолиши керак,— деди Кесакполвон.

Асадбек Чувриндиға каради. Агар у «ҳа» деб күйса, масала анча ойдинлашарди. Асадбек бошқа фикрда эди, Чувринидан шу фикрини құлловчи, хеч бұлмаса яқин келувчи гап күтди.

— Ўзи пиширган шұrvани үзи иссин,— деди Чувринди. Бу гапдан Асадбек күнглиға равшанлик кирди.

— Тұғри, чакир уни,— деди.

Учовлон йығилиб, ёnlарида бошқа одам бұлмаса, дастёрлик вазифаси Чувриндиға юқланар эди. Ҳозир ҳам бу бүйрукни малол олмай ўрнидан турди. Унинг эшикни очиб күриниш беришиең Қиличға ваҳм сочди. «Тақдиримни бирпасда ҳал килишдими?» деган хавотир билан катта хонага кирди. Ҳозир у завод бошқони, шаҳарнинг мана ман деган бойига ўхшамас, балки бир тұп оч мушукларға рұпара бұлған бечора сичкон ахволида эди. «Пулинг бұлса, чангалда шұrvva» дейишади. Пули күп одам балки шұrvани чиндан ҳам чангалида ушлаб туриши мумкіндір. Аммо үз жонини ушлаб қола олармикин? Ҳар куни үнлаб одамларнинг таъзимига беписанд қаровчи Қилич, «сенга раҳбарман» деб пұписа килювчиларнинг овозини беш-үн сүм пул билан үчириб күя оловчи бошқон иштонини бехос ҳұл қилиб күйгән боладек шалвираб колди.

Асадбек хонага иккى қадам күйиб, тұхтаб колган бошқонга тикилди. Четдан қараган кишиига Қилич ҳам, Асадбек ҳам қотиб колган ҳайкалдай туюлиши мүмкін эди. Факат Қиличбек күзларини пирпиратиб ҳайкал эмас, тирик жон эканидан далолат беріб турар эди. Асадбекнинг нигохи илон авровчисиники сингари ўткир эди. Шундай тикилганды қатто Ҳайдар билан Махмуд

хам баъзан каловланиб колишарди. Мана шу нигоҳнинг ўзи юз дарра туширишдан афзалрок эди. Чунки бундай карашнинг оқибати даҳшатлирок ҳукм билан якунланиши Асадбекнинг феълини билғанлар учун сир эмасди.

— Бу ёкка ўтириңг, ўғил бола.

Асадбек киноя билан шундай дегандан кейин ҳам, то Киличбек рўпарадаги юмшоқ курсига ўтиргунча ҳам нигоҳини узмади.

— Эшитдингларми, бу акамиз шаҳарга ҳоким бўлибдилар? — деди Асадбек. Гарчи унинг саволи аъёнларига каратилган бўлса-да, кўзи хануз Киличда эди.

— Ё мен хато эшитдимми? Балки дунёга ҳокимдирсиз, а?

Килич Асадбекка тик караёлмай, мадад истаб аъёnlарга бокди.

Шу пайтгача улар орасида бундай оҳангла гап-сўз бўлмаган эди. Асадбек бирон нарсадан ранжиса одамлари орқали маълум киларди. Ўзи майда-чуйда гапларга аралашмасди. Килич заводдаги ишни юритишда, ишга одам олиш ёки бушатишда Асадбек чизган чизикдан четга чиқмас эди. Бош муҳандис қамалган куни чопар келиб «хўжайнин хафалар» деди-ю, унинг оромини олди. У Шарифнинг юкори лавозимга нолойик экани, ишни бузаётганини айтиб огоҳлантирган эди. Сўнгги сухбатда Асадбекнинг ўзи «йўлини килинг» деб эди. У йўлини топди. Энди хўжайнин нима сабабдан ранжиди?

— Асадбек aka, гуноҳим нима, айтинг,— деди Килич.

— Гапини кара-я! Гуноҳини билмасмиш,— деди Асадбек тиззасига шап этиб уриб.— Шарифни нима килдинг?

— Ўзингиз айтдингиз... йўлини топ, дедингиз. Ишларимиздан ҳид олиб, очаман, девди.

— Очса нима?! Кимга очади? Ким келиб сени кишинга солади? Пул топишни билган, акл топишни ҳам билиш керак! Қаматишга сарфлаганингнинг ярмисини ўзига бермайсанми.

— Пул олмайдиган қайсар эшшак-ку, у?

— У олмайдиган эшшак бўлса, сен пул беришни эплолмайдиган молсан! Пул олмайдиган одам йўқ бу дунёда, пул беролмайдиган лавашанглар бор. Билиб кўй, уч кунга колмай Шариф уйда бўлиши керак.

Килич Шарифнинг иши ёш бир йигит қулида эканини биларди. Шаҳар прокуратурасида сўзини икки килмайдиганлар ҳам бор. Шу сабабли Асадбекнинг буйруғидан чучимади. «Шу ҳам ишми!» деб енгил тортиди.

— Ўзинг ўрнига бориб ўтиранг ҳам чикарасан,— деди Асадбек янада қатъйрок оҳангда.

«Бунча ваҳима килади бу», деб ўйлади Килич. Лекин бу гапни тилига чикармай «Хўп» деб қўя колди. У осонгина қутулдим, деб ўрнидан турмокчи эди, Асадбекнинг гапи жойига қайта михлади-қўйди:

— Хосилбойваччага салом айтиб кўй.

«Билибдими?!» Осонгина қутулдим деб ўйлаган Киличнинг юзига энди кизиллик югурга бошлаган эди. Бу гапдан кейин ранги кув ўчиб, мурдадан фарки колмади.

— Хосилбойваччага айтиб кўй: сеникини артгунча, ўзиникини эпласин. Келиб-келиб ўшандан панох изладингми, э, сўтак!

— Мен... паноҳ изламадим... бошқа иш билан борган эдим.

— Қанака иш? — Асадбек шундай деб ўрнидан турди. Савол беришга бериб кўйиб, жавоб кутмади. Стол томонга ўтиб, ғаладондан катталиги сигарет қутисидай келадиган магнитофон олиб жажжи тугмасини босди.

«Илтимосингизни бажардим, ора очик энди» — бу Хосилбойваччанинг овози эди.

«Унинг камалганини билиб Асадбек кутуриди». Килич ўз овозини эшитиб ўрнидан туриб кетди. Асадбек ҳам, аъёнлар ҳам унинг харакатига парво килишмади.

«Биз факат олимваччани йўқотишга келишган эдик. Бу ёғига ўзингиз балогардонсиз».

«Шу иш баҳона бўлиб Асадбекни йўқотиш керак! Бу шаҳарга хўжайнлик килиш факат сизга ярашади...»

Бу гапдан кейин орага сукут чўкди. Киличнинг кўз олдига мийигида кулимсираб турган Хосилбойвачча келди. Асадбекнинг қанотида юрган одамдан бундай гапни эшитиш Хосилбойвачча учун тушунарсиз, завод бошқони чин дилдан айтятпими ё иғво бошляптими — унга коронги эди. Шахардаги икки кўчкорнинг бири Хосилбойвачча саналса-да, куч Асадбек томонда экани барчага маълум эди. Икки кўчкор кўприк устида уч-

рашса, бирининг кулаши тайин. Бу ҳақиқат ҳар иккисига ойдин бўлгани учун калла қўйишга шошишмайди. Икки кўчкор орасида келишув борлиги жуда оз одамга мъълум. Қилич нодонлик қилганини, буларнинг тили бир эканини англаб етди. Энди магнитофондан чиқаётган овозлар унинг қулоғига кирмади. Ҳаёлига аста-секин ўрмалаб кириб портлаган, «Ўлдиради!» деган ваҳимали фикр танасидаги жонни қувиб чикаргандай эди. Кесак полвон газабдан жўшиб, сапчиб туриб тумшуғига мушт туширди-ю, унинг танасига жон кайтди. Йикилиб ётган ерида аввал думбасидан сўнг белидан бир-икки тепки егач, ҳаёли янада равшанлашди.

Чувринди Кесакполвонни қўлидан ушлаб ажратиб қўйгач, Қилич ўрнидан турди. Чўнтағидан рўмолчасини чиқариб, бурнидан оқаётган конни артди. «Энди ўлдиришади. Мени бу ерга ажал хайдаб келган экан,—деб ўйлади у.— Битта бошга битта ўлим. Ўзим аҳмокман. Буларнинг бари бир гўр эканига ақлим етмабди. Ўзимни ўлдиришса майли, болаларимга тегишмаса бўлгани...» У ўлим олдида сўнгги гапимни айтиб олай, деган мақсадда «Болаларим...» деб сўз бошламоқчи эди ғўдиранишдан нарига ўтмади. Кесакполвоннинг бир зарбидан синган тилла тишлари гапиртирамади.

— Сенга ижозат,— деди Асадбек, юмшоқ оҳангага ўтиб.— Айтилган ишни кил. Шарифнинг ўрнини советма.

Қилич «хато эшитмадимми?» деган ажабланиш билан Асадбекка бокди. Асадбек юмшоқроқ оҳангда гапирган бўлса-да, қарashi ўша-ўша ўткир, совук эди. «Шарифнинг ўрнини советма, деб нимани назарда тутди? Вазифасига тиклаб қўй, дедими ё камоқдаги ўрнини советма, демокчими?» Қилич синган тишларини рўмолчасига тупуриб, шу муаммони ойдинлаштириш мақсадида сўради:

— Жойида ишлайверсинми?

— Каерда ишлашини бизга қўйиб бер. Сен унинг ўрнини советма.

«Демак, камоқдаги ўрнини... Бир жиҳатдан шу дуруст. Булардан бир-икки йил нари яшайсан...» Қилич жонини кайтариб берган хотамтой ақаларига таъзим килди. Таъзимга жавоб бўлмагач, чиқиб кетиши лозимлигини уқди. Тисланиб юриб эшикка яқинлашди.

— Бир умр қулингиз бўлмасам, каломулло урсин, кўзим очилди, ака!

Бу гапдан улар қувониб ҳам кетишмади, ажабланишмади ҳам.

Килич қувониб кетганидан ёки меҳри товланганидан ичмади бу қасамни. Унинг назарида киркка кириб, лаҳадга тушиб чириб ётгандан кўра қолган йигирма йилми, уттиз йилми умрини ёруғ оламда, қулликда ўтказгани маъкул эди. Ер юзидағи одамлар турфа хил умид билан умр ўтказадилар. Бирорлар Ватан учун жонни тикадилар, баъзилар дин поклиги, яна айримлар фан ривожи учун... Киличлар алохида тоифага мансуб — улар ширин жонлари учун Ватанни ҳам, динни ҳам... тикиб юборадилар. Шундай экан, жони фойдага қолган дамда битта қасам ичиб юборса осмон узилиб ерга тушибдими?

### 3

— Бекорга қўйиб юбординг. Тинчтиш керак эди,— деди Хайдар, бармоқларини кисирлатиб. Унинг одатини билмаган киши ҳозир мушт урганда панжалари чиқиб кетган экан, энди жойига соляпти, деб ўйлаши мумкин. Бармоқларини кисирлатиш — асабийлашаётганидан дарак. Асадбек уч нарсага токат килолмайди: лаганга кошик ёки санчки тегиб тарақласа, ёнидаги одам овқатни чапиллатиб эса, бармоқлар қисирласа ғаши келиб миясига игна санчилгандай бўлади. Такдирнинг ғирром ўйини бу «фазилат»ларнинг барчасини Хайдарга насиб этган. Йиллар мобайнида Асадбек унга танбех беравериб чарчади. Агар бу танбехлар молга айтилса, у туппа-тузук одамга айланиб колиши мумкин эди. Лекин Кесакполвон яратган эгам ато этган бу «фазилат»ларига заррача хиёнат қилмай яшаяпти.

Асаб торлари таранг тортилган Асадбек унга ўқрайиб караб туриб, охири портлади:

— Жим ўтиранг-чи. бирпас!

Дунёнинг оромини шу бармоқлар қисирлаши бузиб тургандай, хонани бирданига сукунат босди. Иккала аъён Асадбекка тикилиб ўтираверишди. Бир неча нафаслик сукут Асадбекнинг ҳам жонига тегиб, охиста гап бошлади:

— Уни тинчитиш осон... Ўша ёкда тинчийди. Мен хоинларни хеч қачон кечирган эмасман. Езувларни менга Ҳосилбойвачча берди. Нима учун берди, ўйлаб кўр-чи? Мени яхши кўргани учунми? У «Асадбек Кесакполвон» деган аҳмоқ ошнасининг маслаҳатига юради», деб ўйлаган. У пайт пойляяпти. Унинг пули кўп, аммо акли калта.

— Акли калталардан кўпроқ қўркиш керак,—деди Чувринди.

Асадбек унга ялт этиб қаради. «Қўркиш керак» деган ибора унга ёқмади. Чувринди бу карашнинг маъносини тушуниб, гапига тузатиш киритди:

— Эҳтиёт бўлиш керак, демоқчиман. Акли калталар ўйлаб, ишни пишишиб сўнг жангга кирмайди, куттилмаганда чанг солиб, ўзини ҳам, бошкани ҳам вайрон килади.

— Ҳосилбойвачча ҳали-бери менга уруш очмайди. Янги пайдо булаётган майда тўдалардан эҳтиёт бўлиш керак.

— Гапингиз тўғри,— деди Чувринди,— бир ҳикмат бор: тарикдай мамлакатнинг раҳбарларни камбағалликдан чикиш йулларини излаб, охири Америкага уруш очмоқчи булишибди. Уруш очсак, улар бизнинг юритимизни босиб олишади, сўнг ҳалқимизни бокишга мажбур булишади, дейнишибди. Шу қарорга келишганда улардан бири «Агар биз уларни енгас-чи, ҳалқини қандай бокамиз?» деб ташвишланган экан.

— Агар катта мамлакат лаллайса ҳар бало бўлиши мумкин,— деди Асадбек. Сўнг Кесакполвонга юзланди: — Отарчининг қайтганини эшигтанмидинг?

— Қайси отарчи?

— Элчин. Эсингдан чиқдими?

— Ха, уми? Эшигтувдим.

— Нега менга айтмадинг?

— Чакки қадам босгани йўқ. Тинчгина юрибди.

— Тинчгина юрибдими? Сен унинг ўрнида бўлганингда тинчгина юрармидинг?!

— Мени ўша сўтакка тенглаштирасанми?

— Бўпти, гапни чайнама. Энди карзимизни узизшимиз керак. У сен ўйлаган сўтакларданмас. Эркак у, билиб кўй! Депутатнинг кизи бўйига этиб қолганми?

Чувринди Асадбекнинг мақсадини англаб, бош ирғади.

— Ҳайдар, Шилимшиқдан хабар борми?

— Юрибди, Челябинскда.

— Уни қайтариш керак. Отарчига рұпара қила миз. Ўчини биздан эмас, үшалардан олаверсин. Махмуд, Шарифнинг иши ёш боланинг кўлида экан. Вин заводга кизикаётган эмиш. Кимлигини билиб кўй.

— Билиб кўйганман. Тўйтепалик бола. Ота-онаси кетмончи. Ўзига илмдан худо берган экан. Лекин илмни ташлаб бу ёкка ўтиби.

— Йега?

— Акасини ўлдириб кетишган экан. Шунга алам килгандир.

— Ким ўлдириган экан, аниклаб кўй.

Бу буйруқ Кесакполвонга карата айтилган эди. У нима қилиш лозимлигини тушунди. Махмуд Хайдарга нисбатан зийрак, мулоҳазали эди. Асадбек атрофидагилар уларни бир одам танаси аъзолари, яъни Хайдар — қўл-оёқ, Махмуд — бош, Асадбекни эса юракка киёс килар эдилар. Асадбекдан марҳамат истаганлар аввал Махмудга учрашишни маъқул кўрадилар. Унинг лакаби «Чувринди» бўлгани билан аклан бой эди. Кўп йиллар мукаддам бекатда хароб ҳолда тентираб юрганида Асадбекка эмас, бирон илм эгасининг назарига тушганида катта олим бўлиб кетиши шубҳасиз эди. Банданинг эмас, яратганинг амри вожиб бўлади, деганларидек, мана ҳозир Махмуд Фанлар академиясида эмас, касрга айлантирилган ертўлада Асадбек билан юзма-юз ўтирибди. Олимлар тунги зиёфатдан ҳали ўзларига келганиларича йўқ, у эса тиник акли билан тетик ўтирибди. Асадбек юрагидаги зардобни яширишга канчалик уринмасин, Махмуд унинг вужудида уйғонган ғалаён ўтини аллақачон сезган. Бу зардоб, бу ғалаён факатгина кизининг такдирига боғлик эмаслигини ҳам фахмлади. У Асадбекнинг бироз жим колганидан фойдаланиб, ўрнидан турди-да, эшикни очиб қараб кўйди. Бўтқага шу қарашнинг ўзи кифоя килди. Зум ўтмай патнис кутариб кириб, пиёлалардаги қаҳвалин таъзим билан бир-бир узатди.

Асадбек пиёлани олди-ю, қаҳвани ичмади. Бўтқа чиқиб кетгач, Махмудга юзланди:

— Ўглинг неччига кирди?

— Йигирма иккига.

— Кичик ўғлим йигирма олтига қараб кетяпти,— Асадбек шундай деб маъюс тортди.— Топган-тутганла-

римиз невара-чевараларимизга ҳам етиб ортади. Бизга яна нима керак?

Махмуд жавоб бермади. Ҳайдар эса ажабланиб, қўлидаги пиёлани юмшок курсининг ёнсуянчиғига қўйди.

— Бек, тинчликми ўзи, сенга нима бўлди?

— Менгами? — Асадбек маъюс жилмайди.— Менга ҳеч нима бўлмади. Лекин... осойишта ҳаётимиз тугаганга ўхшайди.

Асадбек салкам кирқ йиллик безовталикни, курашни, таҳликали йилларни, жон талвасасида юришларни осойишта ҳаёт, деган экан, бу осойишталик тугаган бўлса нималар юз бериши мумкинлигини тасаввур этиб куринг.

— Биз урушга кираётганга ўхшаймиз, — деди Асадбек ўша синик оҳангда. — Бизга уруш очгандар — майда тўда. Майда тўда уюшганроқ бўлади. Улар бизга уруш очганларини маълум қилдилар. — Асадбек қизи воқеасини назарда тутган эди, аъёнлар буни тушундилар. — Лекин мен урушни истамайман. Мен уларнинг максадини билишим керак. Дарди бойлик бўлса, бераман. Шаҳарга хокимликни истаса — олсин. Агар максади ёлғиз ўч олиш бўлса, ноиложмиз, урушамиз. Аммо бу сўнгги уруш бўлади. Энди мен винзаводдаги тентак олим болага жон куйдираётганимнинг сабабини сенларга айтиб қўяй. Биз бу заводни давлатдан сотиб олишимиз керак. Бу олим бола бизга шунда аскотади. Чет элнинг назарига тушган олимни кўлдан чиқарсан, ўтакетган аҳмок бўламиз. Шу бола орқали Португалия билан алоқа боғлаймиз. Заводдан олаётган сариқ чакаларимиз олтинга айланиши керак.

Бу гап Махмуд учун янгилик эмас эди. Корхоналар ижарага берила бошлаганида Асадбек бир неча йигитларига такси машиналар олиб берди, аммо каттароқ ишга кўл урмади. У кутган пайт энди келди: корхоналарни сотиб олиш фурсати етди. Бунинг учун завод хароб холга келиши, сўнг сотиб олинни зарур. Корхонани хароб холга олиб келиш кийин иш эмас. Бироқ уни дунё билан тиллаша оладиган даражага етказиш кийин. Бунинг учун ақл керак. Ақлни Асадбек Шарифда кўрган, уни бош муҳандисликка тайин этишда ана шу максадни кўзлаган эди.

Асосан ижроиликка кўникиб колган Кесакполвон Асадбекнинг шу ишларига купам тушунмас, шу ишдан

бир гап чикар, деб, унча аралашмас ҳам эди. Мана хозир «бир иш чикаётганига» ишониб, ҳайратга тусди.

## IV БОБ

### I

— Сизни чикариб юборишмокчи бўлишган экан, ўзингиз кўнмаганмишсиз? — деди ҳамшира.

— Сизни ташлаб кетгим келмади, — деди Анвар, жилмайиб.

— Э, қўйинг-е...

— ...Мен сизни ўйласам

Чароғон бўлади оламим.

Мен сизни ўйласам

Қора кон бўлади оламим...

— Анвар ака, қўйинг, бунақа гапларни... Шунақа десангиз... гаплашмай қўяман...

Ҳамшира шундай деб кафтларини юзларига босди. Анварнинг ширин сўзлари унга ёқкан, бу сўзлар вужудидаги шайтонни уйғотган, шайтон эса фурсатни қўлдан бермай, аёлнинг нозик ҳисларини қўзғата бошлиган эди. Айни чокда сергак фаришталар аёлнинг уят, номус, хаё томирларини уйғотмокқа киришган эдилар. Осмондаги булут тўдалари тўқнашиб яшин чаққани каби бу вужудда икки куч аёл юрагини ёндириб, ларзага солди. Бу кучдан жувоннинг юзларигача қизариб кетди. Чирокнинг хира нурида ҳамширадаги бу ўзгариш сезилмаса-да, у ўнғайсизланиб, юзларини кафтлари билан тўсган эди.

Анвар жувондаги бу ўзгаришни сезди. Кундузи бир шифохонада ҳамширалик қилиб, бу ерда ҳафтанинг икки тунида навбатда турувчи, устига устак қўшни идорада фаррошликини ҳам бўйнига олган бу аёл ҳар қандай эркакнинг хаёлини ўғирлаши тайин эди. Бу хушрўй аёлнинг эри мажрух экани, тўшакдан туролмаслигини билган эркак эса унга бир қармок ташлаб кўрмаса кўнгли тинчимас. Ҳамшира бунга кўнишиб колган. Кўзларини чақчайтириб туриб кўнгил изхор қилган, айникса билагига қўл юборганларида у эркак зотидан, хатто баъзан ўз эридан ҳам нафратланиб кетади. «Эрим соғ бўлганида шуларга ўхшар эдими», деб ўзига ўзи савол беради. Болалигида хасталаниб,

сүнг түшакка бир умр михланган бу йигитни яхши күриб теккан. Күнглида уйғонган хис нима эди — мұхаббатми ё раҳм-шафқатми аник билмайди. Йигитни хастахонада илк күрганида юраги ғалати бўлди. Юзида кулгичи бор, кўзлари қисикроқ, кошлари Қалин бу йигит истарали, сўзлари эса ширин эди. У худди хиргойи килаётгандек ширин гапиради... Бошка ҳамширалар муолижа килишса, гапга солишса унинг ғаши келадиган бўлди... Отаси күнглида норизо бўлса-да, сиртига чикармади. «Шу ғарига баҳт берса, савоб», деди. Дунёдаги энг хушсурат йигитни куёв киламан, деган умидда юрган онаси кўз ёши тўқдию барибир кўнди. Баъзилар тўрт мучаси соғ гўзалларга етишгунча дард чекишади. Ҳозир юзларига кафтларини босиб турган жувон эса хаста йигитга етгунча кўп қийналди. У кечирган тўлғокли тунлар тасвири алоҳида достон бўлар. Күнглини мұхаббат чакмоғи озгина бўлса ҳам ёритган инсонга бу кечмишлар бегона эмас.

Ҳамшира күнглида шилкимлик уйғонган эркакларга дуч келганида тўшакда ётган эри кўз олдига келарди. Шунда унга хиёнат килгандай, ўзини ўзи лаънатлар эди. Билагига бегона эркакнинг кули теккудай бўлса вужуди кирлангандай, ёмон бир касал илашиб колгандай туюлар, уйига қайтгач, эрининг кўзига боқишига курби етмас, болаларини ўпишга ҳам юраги бетламас эди. Уйига гўё ҳаромни бошлаб келгандай ўзидан ўзи нафратанар, дунёни бунчалар яралганидан хафа бўлиб кетарди. Баъзи холларда «эрим соғ бўлганида шу йўлда юарми эди» деб савол ташлаб, юраги баттар эзилиб кетарди. Номусни жондан азиз билган аёл хиёнатга дуч келса нима бўларкин? Минг йиллар муқалдам ўтган Еврипид деган шоир:

*Номуссизлик гар илашса никоҳ итига  
Аёл қалби шу қадарли қонсирагайки,  
Тополмайсиз ер юзида бунақасини,*

— деганида балки бизнинг ҳамширани назарда тутгандир.

Хуллас, рашқ мавжуд, аммо хиёнатга бегона оила сохибаси гарчи Анварга меҳри бўлса-да, чегарадан чиқа олмас эди. Чегарада номус, иффат, ҳаё деган кўриқчилар борки, улар иблиснинг зарбаларига йўл бермайдилар. Ҳамшира «шунака десангиз... гаплаш-

май құяман» деганида шунчаки пүписа килмади. Ҳозир Анвар гапни шу оқанғда давом эттирса чиндан ҳам сұхбатга чек құяр эди.

Анвар ҳамширанинг гапини ёлғон пүписа деб англамади. Балки гаплари нотұғри талқин этилганидан афсусланди:

— Дилобар, — деди у, — сиз мени тушунмадингиз. Эркак билан аёл бир-бирини яхши күрса мақсад факт түшак бұлмайди-ку? Ака-сингилдай яхши күриш мүмкінми? Мен сизнинг кошу құзингизни эмас, факт инсон боласига хос одатларингизни яхши күришга хакким йўкми? Ёруғ оламда беш миллиардга яқын одам яшаркан. Лекин күнгил баъзан бешта яхши одамга муҳтож бўлади-ку? Шу беш одамнинг бири аёл бўлиши мумкин эмасми?

Дилобар «Гапингиз ростми?» дегандай унга бир караб олди. Анвар бошини эгіб, кўзларини бир нуктага кадаб үтирада эди. Ҳамширанинг караб қўйганини сезмади.

— Сиз мендан нафратланманг. Агар сиз мендан ранжисангиз... мен дунёдан нафратланаман.

*Олисларни кўриш учун умр карвони,  
Сабоқ экан, кипригимни ёш қилиб қўйди.  
Кейинчалик ҳар бир кузнинг барги ҳазони  
Юмшоққина юрагимни тош қилиб қўйди.*

Дилобар орадаги синиқликни кўтариш учун гапни бошка ёққа бурмокчи бўлди:

— Янги шеърингизми?

— Йўқ, — Анвар бошини кутармай жавоб берди, — Аскар Қосим деган шоирники. Тақдирим үхшайди, аммо шеъриятига ётишим мушкул. Балки умрим ҳам үхшар.

— Умрим?.. У одам тирикми?

— Йўқ... ўзини осган.

Дилобар титраб кетди.

— Осан?

— Ха.

— Ынимага?

— Буни тушунишингиз қийин. Охирги шеърини айттайми?

— Айтинг.

— «Бошгинамга ағанаган, катта тоғлар, алвидо!

Мен кетарман ҳасратланиб, рухи соғлар, алвидо!  
Бу дунёning шўришига навниҳоллар тебранинг,  
Эслирок боғбони йўқ, колди боғлар, алвидо!»

— Вой, бечора...

— Бечора эмас. Чорасини топди, мард экан.

— Кўйинг, бунақа гапларни. Ўзини ўлдириш...  
мардлик эмас.

Анвар ўрнидан турди. У аёл билан баҳслашишни  
истамади.

— Эрталаб яна ишга борасиз. Дамингизни  
олинг, — деди у.

Анвар хуррак овози эшитилаётган хонасига кириб  
кетди.

Ҳазил оҳангидаги бошланган сухбатнинг эзгин рух-  
да тұсадан узилиши Диlobарни кийнаб қўйди. Устига  
чойшаб солинган тахта каравотда уч-тўрт соат бўлса  
хам ухлаб оларди. Анварнинг гапларидан кейин кўзла-  
ридан уйқу қочди. Хунук хаёллар тинчлик бермай хона-  
га бир-икки ўғринча караб олди.

Анвар каравотида ўтиради. У тонг отгунча хам  
ётмади.

## 2

Навбатдаги тун бедор эди. Умрнинг яна бир корон-  
ғу кечаси тўлғоқлар билан ўтаетганди. Рухлари хаста-  
ланган bemорлар орасида соғлом бир йигит дунёning  
кирлигига имон келтириб ўтиради.

Ҳамшира билан бўлган сухбатдан эзилди, шоир  
эсига тушиб ўртанди, деб, сиз азизларни чалғитмай.  
Нафсилаамрини айтганда сухбатни кескин узишига ни-  
ма сабаб булганини Анварнинг ўзи хам аниқ билмайди.  
Юраги сикиладиу томоғига бир нима тикилиб гапирол-  
май қолади. Қулоғи шанғилайди. Хотини кўргани кел-  
ганида хам туппа-тузук гаплашиб ўтириб, бирдан шу  
ахволга тушади. Хотини «касаллари тутди шекилли»,  
деб ўйлади. Ўзи хам баъзан шу фикрга келади.  
«Чинданам жинни бўляпманми», деб хаёл қиласди. Бу  
фикрга банди бўлмаслик учун «Дорилар таъсир кил-  
япти», деб ўзини ўзи ишонтирмоқчи бўлади. Рухни  
созловчи, тинчтитувчи кучли дорилар соғлом одамни  
гангитиши турган гап.

Хозир хам шундай бўлди. Хонага кириб ўтириб

ютинди. Ўша «бир нима» томоғига қадалиб тураверди. «Жоним ҳалқумимга келиб қолдими? Қадалиб нима килади, чикиб кета қолмайдими? Жон чикиши шунчалик кийинми? Уни кувиб чикариш учун бўйинга сиртмок солиш шартми? Аскар ака ҳам шундай кийналганми? Қандай умидлар билан тонг оттирганлар? «Бандасини яратган худо инсофни ҳам берар», дебми? Шоҳ Машрабдай одамни осган бандага инсоф берилишини умид қилиш мумкинми?»

Юраги сикилиб, ҳаво етишмаётгандай бўлди. У чукур-чукур нафас олди. Томоғидаги «бир нима» ўйколди. «Жон анойи эмас. Мендай мўминни ташлаб қаёкка кетсин? Лекин юрак безовта. Нимага потирлайди? Озодликни кўмсаяптими? Қаерда бор озодлик? Мана шу деворлар ортидами? Е учинчи қаватдами? Озодлик девор ортида эмас, шу ерда-ку? Озодликни асраш учун девор билан ўраганлар. Энг улуғ озодлик эса учинчи қаватда. Шунинг учун ҳам деразаларга темир панжара тўсиленган. Девор орти — жиннихона. Амал талашадилар, обру, шон-шуҳрат илинжида худодан қўшимча бармоклар тилаб олиб ишга киришадилар... Бу ерда эса ундай жиннилик ўйк. Ҳамма теппа-тенг...»

Анвар шу хаёларга банди булиб ўтирганида дераза орти ёришди. У аввалига кўча чироги ёнди, деб ўйлади. Лекин ёруғ оқим факат рўпарадаги деразадан оқиб кираётганини англаб сергакланди. Оппок нур ҳудди пояндоз сингари юкоридан тушиб оёқлари остида тўхтаган эди. Анвар ажабланди. Дам ўтмай бу ажабла-ниш қўркувга айланди. Ҳозиргина жони чикиб кетишига рози булиб ўтирган йигит қўрқди — ҳархолда жон ширин-да! Қўркув оёқ-қўлига муз югуртириди.

«Кўркма, биз сенга факат яхшилик истаймиз».

Анвар бу мулойим овўз қаердан келганини билмади. Дилобарнинг овозига ўхшатиб, аланглади. Эшик кия очик — ҳамшира кўринмайди.

Овоз яна такрорланди.

«Кўркма, биз сенга факат яхшилик истаймиз. Дера-зага қара».

Анвар дераза ортида гўзал бир қизнинг юзини кўрди.

— Кимсиз?

— Биз бошка сайёраданмиз.

— Кайси сайёрадан?

- Сизлар Чаён юлдузлар туркуми деб атайсизлар. Биз эса Зурру деймиз. Зурру — нур ўлкаси дегани.
- Учар ликопчаларда юрган сизлармидингиз?
- Йўқ. Улар сизларнинг якин кўшнингиз. Қуёш мажмуасига энг якин жойлашган Заура юлдузидан. Заура — тараккиёт дегани. Улар тараккиёт учун ҳамма нарсадан кечганлар. Сайёralари ҳалокат ёқасига келиб колган. Улардан кўркишиング керак. Сен биз билан бирга буласан. Заураликларнинг тараккиёти бизнидан минг карра паст. Шунинг учун ликопчага ўхшаган жисмда учеб юришади. Уларнинг вакиллари орангизга тушган, сизлар билан бирга яшайди, сизлар эса буни билмайсизлар. Ҳалқ отасиман, деб юрган, сенга кун бермаётган одам асли зауралик. У — одам боласи — онасидан чала туғилган, ўлимга маҳкум эди. Ўша онда зауралик унинг танасига жон бўлиб кирган. Шунинг учун унга хеч нима кор килмайди. Очарчилик йиллари тенгдошлари ўлганда ҳам бу тирик колган. Очарчиликда омон колган тенгдошлари урушга кетиб кирилди. Бунинг ҳам эркак экани, урушга бориши лозимлиги бировнинг хаёлига келмади. Урушдан тирик кайтган тенгдошлари камокка ташланди. Сен билмайсан, дўстлари унинг фатвоси билан камокда чиригандар. Сен унинг келажакни кўра билиш хусусияти борлигини ҳам билмайсан. Унга эртага нима бўлиши маълум. Шунинг учун ўзи ҳам бир ярим йил камокда ўтириб келган. Қамодан чиқкан дўстлари сил бўлиб, пес бўлиб ўлиб кетдилар. У етмиш ёшида ўн етти ёшли йигитдан ҳам бакувватроқ.
- Унинг мақсади нима?
- У Ерни Заура фукароси учун тайёрлаши керак.
- Қандай?
- Рухан тайёрлайди. Заурада тарихдан кўз юмғанлар. Тарихдан сўз очган зауралик ўша захоти қатл этилади. Уларнинг юраги тош каби қаттиқ. Кимдаки хис-туйғу уйғонса — ўлимга маҳкум. Ҳалқ отасининг вазифаси ерликлар калбидан меҳр-оқибат деган туйғуни ҳайдаб чиқариш, тарихни унтишга эришиш. Ҳудабехудага бармоклари билан соч тараши, «с»ни айтольмаслиги, лабларини тили билан ялаб кўйиши, кўзини лўқ килиб ёлғон гапириши — зауралик эканига исбот. У биттагина эмас, ёнида шериклари кўп. Ҳаммалари одам либосида. Билиб қўй: улар одамларни қириб ташлаб, сўнг Ер сайёрасини эгаллайдилар. Билки, улар

ジョン ブリブ オダム タナシガ キラディラ. Ҳозир Ер одамларининг жуда кўпи заураликтан иборат. Ер ҳалокат сари боряпти. Биз энг покиза ерликларни куткариб коламиз. Сени ҳам олиб кетамиз. Сен менинг гапларимга ишонмайсан. Сенга яна озгина фурсат берамиз. Ерда юрган икки оёкли маҳлуклар аслида Ер одами эмас, зауралик эканига ишонч хосил қилганингдан сўнг биз билан кетишга ўзинг рози бўласан. Ҳозир ўрнингдан тур. Нур устига қадам қўй.

Анвар нур пояндоз устига қадам қўйиши билан ўзини енгил ҳис этди. Қўзлари нурдан қамашди. Қанча вакт ўтганини билмайди. Бир вакт нур кучдан колиб, кўз олди равшанлаши.

— Гаплашиш мумкин эмас, факат кўришинг мумкин.

Шаршара ёнидаги мажнунтол соясида ўтирган одамни таниди: Аскар Қосим. Ўй суреб ўтирибди. Ерда ҳам шундай эди — кўп ўй сурар эди. Атрофдаги одамлар ҳам таниш. Шийпондагилар... Наҳот? Кодирий, Чўлпон... «Тушимми, ўнгимми?»

— Ўнгингда кўряпсан.

— Уларни ҳам сизлар...

— Ҳа, биз олиб кетганмиз. Ердаги заураликлар зулмидан халос этганмиз. Покиза одамларнинг барчаси шу жойда ором топади — билиб қўй! Энди изингга қайт. Вакт етди. Мен сен билан яна учрашаман...

Кўз олдидаги нур яна кучайди. Ўзини яна енгил ҳис килди. Сўнг... нур йўқолди. Фира-шира хона... Хуррак овози...

### 3

— Ўйқунгиз келмаяптими?

Кўрганлари тушми ё рўё эканини билолмай гаранг ўтирган Анварга эшик томондан келган овоз худди ер қаъридан чиққандай туюлди. Шу сабабли саволга жавоб қайтармади. Овоз келган томонга қарамади ҳам.

— Бу ерда менам ухлолмайман.

Анвар овоз ер қаъридан эмас, эшик томондан келганини фаҳмлаб, бошини кутариб қаради. Янги йилдан уч кун олдин келган ўрта ёш киши тирсагига тирагиб унга караб гапирав эди.

— Гапларингизни эшитиб ётувдим. Аскар деган

болани эсладингиз. Мен ҳам танирдим у болани. Темир йўлнинг нарёғидаги жиннихонада бирга ётганмиз. Юраги тоза бола эди. Аммо соғлом эди. Бекор увол кетибди. Эшитмаган эканман. Худо раҳмат қилсин.

Анвар гап пойлаб ётган бу кишига нима деб жавоб беришни билмади. Овкат устида бир-икки оғиз сухбатлашгани хисобга олинмаса бу одамни билмайди. Ким у, дарди нима — хабарсиз.

Анвардан садо чиқавермагач, гап ташлаган одам ўрнидан туриб келиб ёнига ўтириди. Каравот симлари унинг оғирлигига дош беролмай зорланиб, гижирлаб қўйди.

— Мен бу ерларда ётавериб кўзим пишиб колган. Ким соғ, ким носоғ — дарров ажратаман. Керак бўлса дўхтирларингизни ўқитиб қўяман. Сиз соғлом йигитсиз. Бу ёрга тушиб колганингиздан эзиляпсиз. Эзилманг, ука. Бу ернинг номи хунук. Ўзи яхши жой. Мен шу ерда жон саклайман. Агар жиннихона бўлмаганида аллакачон... асфаласоғилинга жўнатворишаради. Бир куни, денг, окшом кўчага чиксан кўшним турибди. Яп-янги «Газ-21» олган эди. «Юринг, кўшни, хизматингизда булай», деди. Ўзи муттаҳамроқ бола эди. Мен унинг устидан ўрганга ёзиб юборган эдим. Хай, худо инсоғ берибди, дедим. Ўтиридим. У қизигар мошинаси ни Қорақамишга караб учирди. Гадой топмас ёрга етганда «кимириламай ўтири!» деб дўқ урди. «Вой, қизигар, ўлдиради, шекилли», деб мошинадан тушдим. Кочай, деб ўзимни камишзорга урдим. Бундай қарасам, чукурда одам ўликлари ётибди...

Анвар бу хикояни кечки овқатдан кейин эшитган эди. Шу сабабли эшик ёнидаги каравотда ётувчи бу одамнинг гаплари қулоғига кирмади. Бошка пайт бўлганида балки зерикмай тингларди. Аммо, хозир, кўзига кўринган нур, дераза ортидаги гўзал узор, шаршара, мажнунтол хаёлга чўмиб ўтирган шоир... уни ёлғизлика ундарди. Аммо бу ёруғ олам аро хеч бўлмаганда бир неча дакиқа якка колишни истарди. Банданинг кўнгли нималарга суст кетмайди. Воҳидлик факат яратган парвардигорга ярашади. Факир булиб яралганингдан кейин ёнингда ит ўтиrsa ҳам, бит ўтиrsa ҳам чидайсан.

Анвар бу одамни эси оғиб колганлардан деб билгани учун ёнидан ҳайдамади. Гапини қандай бўлиб, жойига қандай жўнатиш йўлини излади. Ножўя сўз айтиб

юборса бу тоифа одам айюҳаннос солиб жиннихона-  
ни бошига күтариши ҳеч гап эмас.

— Мен боятдан бери сизга караб ётибман. Ҳай-  
калга үхшаб котиб ўтирибсиз. Мен сизга айтсам, —  
у Анварнинг кулогига шивирлади, — мен ҳам соппа-  
соғман. Лекин ҳамма мени жиннига чикаргани учун  
баъзан ўзим ҳам ишониб кетаман. Давлат ҳам ишо-  
нади. Ишонади. Ишонмаса йигирма уч сўм пенса бе-  
рармиди. Энди ука, менинг отим Шоқаюм, туз-насиб  
экан, шу ерда жон саклаймиз. Мен ҳангоматалаб  
одамман. Кўп гапириб бездирворсам, шартта ури-  
шиб ташлайверинг, хафа бўлган — номард. Лекин  
ҳадеб бунаканги сикилиб ўтираверманг. Ўзингизни  
еб кўясим. Мен ҳам олдинига шунака бўлганман.  
Кейин билсан, қайтага шу яхши экан. Одамлар мени  
жиннига чикаргандан бери мазза қилиб яшайдиган  
бўлдим. Олдин тўғри гапни айтолмай эзилиб кетар-  
дим. Энди шартта-шартта айтаман. Бироннинг куло-  
ғига кирадими, йўкми, айтаверман. Шунака қилиб  
юрагимни бўшатиб оламан. Сиз ҳам шартта-шартта  
гапириб юбраверинг. Бунака ўтирманг.

«Бунака ўтирманг... Ростдан ҳам кимиirlамай  
ўтиридими? Нур-чи? Шаршара-чи?»

— Шоқаюм aka, кирганимдан бери ҳайкалдай  
котиб ўтиридими?

— Ҳа, де! Аскар раҳмати ҳам шунака эди. Де-  
разага тикилиб ўтираверарди. Коронгида нимани  
кўряпти, деб ҳайрон бўлардим. Аммо уни гапга со-  
лиш кийин эди. Бир куни «нима қилиб ўтирибсиз,  
ука?» десам, «кудук кидиряпман», дейди. «Ҳазилла-  
шяпсизми, қанақа кудук?» деб сўрасам, «Искандар-  
нинг шохи бор», дегани бир кудук керак манга» дей-  
ди. Шунака ғалати гаплари бор эди. Кўп гапларига  
тушунмасдим.

Анвар «бу оддий гап, ҳар бир шоир ҳақиқатни  
айтишни истайди. Ривоятдаги сартарош каби айтолмай  
қийналади. Бир қудук топсаю айтса, юрагини бўшатиб  
олса...» демоқчи бўлди-ю, Шоқаюмнинг гап халтасини  
баттар кавламай, деб индамай кўя қолди. Шоқаюмнинг  
гап халтаси бирор тегмаса ҳам қайнаверар эди. Анвар  
индамагани билан гапи тошиб чикаверди. Анвар унинг  
сўзларини узук-юлук эшитарди. «Демак, кўзимга кў-  
ринган. Ўтирган еримда ухламай туриб, туш курган-  
ман. «Учар ликопчани кўрдим», деганлар ҳам менга

ўхшаб хаёлан учрашганлар. Бу — жинниликтинг бошланиши эмасмикин?»

— Бу ердан чикиб кетмай, яхши килибсиз. Шу ерда кишлиб, баҳорнинг урталарида чикиш керак. Баҳорда кулинг ўргилсин одамлар келишади, зерикмайсиз.

«Қанақа одам бу ўзи! Жинниларни масхара киляптими? Тавба! Иштони йўқнинг иштони йиртикка кулгани шуми? Чикиб кетмасам бўлмайди бу ердан».

Анвар Элчин кетганидан бери кайта-кайта «колиб тўғри килдимми?» деган савонни ўзига-ўзи бериб «Тўғри килдим!» деган қайсар жавобдан нарига хатламас эди. Шоқаюмнинг эзмалиги бу қайсарлик тўғонини бузиб, «чикиб кетишим керак!» деган тушунча дарвозаларини очиб юборди.

## В Б О Б

### I

Элчин Янги йил кечаси Асадбекнинг коронги, соувук уйида бўлиб ўтган сухбатни Сибирда орттирган ошнаси Зелихонга айтиб берди. Киррабурун, кўзлари бургутнидек ўткир Зелихон ўй сурганида ҳам нигохини бир нуктада тўхтатмас эди.

— Асадбек молодец! Висший класс! — деди у. — Аник топибди. Энди у билан ҳазиллашиб бўлмайди.

— Шошилма, — деди Элчин. — Бошкалар билан ҳам худди шундай гаплашган бўлса-чи. Шаҳарда нима қўп, тўда кўп. Аввал уларга қўл солган. Кейин ҳар эҳтимолга қарши мендан ҳам хавотири борлигини билдириб кўйган бўлса-чи?

— Барибир. Энг мухими — сени назаридан четда қолдирмаган. Факат ўзи билган тўдаларни кавлаштирганида аҳмок бўларди.

— Биз мўлжални аник олдик, мухими — шу!

— Аникликка аник, лекин сен йўлбарснинг пешонасини мўлжалга олмадинг-да. Ўкинг ковурғасини ялаб ўтди. Энди ярадор йўлбарсдан кўркишинг керак.

— Менга унинг ўлими эмас, яраланиб, азобланиб укириши керак. Бир ўқ билан улишининг кераги йўқ.

Зелихон Элчиннинг елкасига қўл ташлади. Унинг одати шу — меҳри товланиб кетса, шундай киласиди. Элчин Сибирдаги лагерга кўчирилганда, хали «ўқ-

илон»нинг овозаси етиб келмай туриб, шу Зелихоннинг паноҳида жон сақлаган эди. Ўзбекистондан келган, бўш-баёв кўринган бу йигитни дастёрга, аникроғи қулга айлантирмокчи бўлган зўравон маҳбуслар Зелихоннинг «бу менинг землягим» деган гапидан кейин тинчишди. «Сенам мусулмонсан, мен ҳам мусулмонман. Ёнимда юр», деган гапи Элчинга «Мен акангман» дегандай туюлди. Чўнтақкесарлиқдан иш бошлаб, катта хазинага ҳужум килишгача бориб етган Зелихон турмаларнинг ҳам, маҳбусларнинг ҳам турли тоифасини кўриб кўзи пишган эди. У Элчиннинг биринчи марта камалганини юриш-туришиданоқ билган эди. То Элчиннинг ўзи айтиб бермагунича қамалиши сабабини сўрамади. Элчин Сибирда юрганларида тўғри гапни яширди. Ҳақиқатни кейинрок, камодан чиккач айтди. Режасини амалга ошириш учун ишончли, мард одамлар керак эди. Энг ишонгани Зелихон бўлгач, ундан ҳақиқатни яширолмасди.

— Сенга бир қарашдаёқ юрагингда ўч борлигини сезганман. Эркакнинг ўч олиши яхши. Чеченлар ёмонликни хеч качон кечира олмайди. Биз майда-чўйда гапларга ўралашмаймиз. Қасос яхши нарса. Дунёнинг лаззати шу қасосда. Сен қасос олиб мазза қилсанг, мен ҳам мазза қиласман. Аммо менсиз бир қадам ҳам босмайсан. Сен атак-чечак қилаётган боласан. Мен бу оламда югуриб юриб катта бўлдим. Қайси тешикда илон, қайси тешикдачувалчанг ётиши менга аник.

Чиндан ҳам Зелихон биз жиноятчи деб атайдиган одамлар оламининг пасту баландини яхши биларди. Биринчи марта чўнтақ кесганидан то сўнгги хазинани урганига қадар ягона ақидага амал қиласди — у факат ўзигагина ишонади. Шерикларига «Мен ҳатто ўзимга ҳам ишонмайман!» дерди. Бу гапида ҳам жон бор эди. Зелихон ёлғиз ишлашни ёқтиради. Лозим бўлганда бир-икки шерикка суянарди. Унинг қоидасига кўра, шериклар кўпайгани сайин ишнинг муваффакиятли якунланишига ишонч камайиб, аксинча, хоинлик учун шароит ортиб боради. «Иш тақдирини куч эмас, акл ҳал этади». Зелихон фактат шу қоидани тан оларди. Элчин қасос ҳақида сўз очиб, одам тўплашни таклиф этганида Зелихон «уч киши етарли» деди. Жиноятчилар оламининг тўс-тўполонини чиқармокчи бўлган Элчин бу гапдан ҳайратланди. У атрофига камида юз кишилик лашкар тўпламокчи эди. «Юз киши» деган

гапни эшитиб, Зелихон кулиб қўйди. Кейин шу боланинг сазаси ўлмасин, деб беш кишига рози бўлди. «Канча одам керак бўлса, кейин сотиб олаверамиз», деб қўнглини тинчтди.

Зелихон ўттиз йилдан ортиқ от суриб юрган бўлса, уч марта кўлга тушган. Ўсмирилигидан бир ярим йил, сўнг уч йил, оҳирги марта беш йилга кесилган эди. Биринчисида айб ўзида, тан олади. Колган иккитаси шерикларининг ландавурлиги туфайли бўлди. Барча килган жиноятларини қамоқдаги кунларига тақсимлаб чиқилса ҳар бир иши учун беш-ўн дақика ўтирган хисобланарди.

Зелихоннинг лақаби «академик» эди. Бунга сабаб — у пухта ўйлаб олиб, сўнг ишга киришарди. Унинг бошқалардан фарки — одамлар руҳиятини албатта хисобга оларди. Лозим бўлганда катта идораларга бошка бир идора бошлиғидай бемалол кириб чиқаверарди. Эшик оғзидағи соқчиға киборлик билан сўз ташлаб, «ха, ўтирибсанми» деб кириб кетаверарди. Элчин унинг бу «фазилати»ни шахарда учрашганда билди. Бир куни Зелихон машинасини кириш мумкин бўлмаган кўчага бурди. Милиса таёғини кўтаргач, тўхтади-ю, тушмади. Милиса лапанглаб келиб, энгашши билан ойнани тушириб:

— Ха, турибсанми, — деди. Милиса жавоб қайта-ришга улгурмай яна савол берди: — Лейтенант кани?

— Собировми? — деди милиса йигит талмовсираб.

— Ха, ўша, нимага лалляясан, қаёқка кетди?

— Хозир келади.

— Менга учрашсин.

Зелихон шундай деб машинани юргизди. Милиса эса гарданини кашиб колаверди.

— Собиров деганингиз ким? — деди Элчин.

— Каёқдан биламан, — деди Зелихон кулиб. — Сенам милисага ўшаган лакма экансан-ку.

— Лейтенантлигини билдингиз-ку?

Зелихон қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Буларда нима кўп, лейтенант кўп...

Зелихон шундай одам эди. Элчин Асадбекнинг қизи ҳакида гапирганида Зелихон кўп ҳам бош котирмади. Атрофида юрган кизлардан бирини ишга солди. Киз сиртқидан кундузги ўқишига ўтаётган толиба киёфасида Асадбекнинг қизи билан дарсларга кириб юраверди. Асадбекнинг қизини танаффус пайтида машина-

гача олиб боргач, ўша куниёк Кавказ томонга учиб кетди. Зелихон «канча одам керак бўлса, сотиб олаверамиз», деганида шу киз кабиларни назарда тутган, ҳар бир иш учун алоҳида одам ёллаш унинг назарида бехавотиррок эди.

2

— У сени ўзига якин одамнинг кизига уйлантиради. Шу билан ҳар бир қадамнинг эмас, ҳар бир нафас олишингни ҳам кузатишади.

— Бу жуда яхши! — деди Элчин, — улар мени кузатишади, сиз эса ошни пиширасиз.

— Мен пишираман, сен сузасанми?

— Ҳа.

— Бўлмайди, земляк. Энди ош сузишинг қийин. Бир марта, бор, ана, икки марта сузарсан. Учинчисида ўзингни сузиб қўйишади. Бошқа йўл топиш керак. Сен... мен билан энди яширин учрашма. Ака-укадай келиб-кетиб юравер. Аммо йигитларимиз билан кўришмайсан. Сен уларни танимайсан, улар сени танишмайди, билдингми? Сен ашулангни айтиб юравер. Асадбек ростданам ақлли бўлса, бизга ўзи ёрдам беради.

— Қандай килиб?

— Котиллар кимлигини ўзи сенга айтади. Сен уларни ўлдирасан. Шу билан орани очик қиласди.

— Лакиллатиб, бошқа одамни кўрсатса-чи?

— Йў-ўқ. Ўқилон фирромлик килмайди. Фирромга суюнган одам бу оламда узоқ яшай олмайди. Ўқилон — фигура! — Зелихон шундай деб кўрсаткич бармоғи билан ҳавода ундов белгисини ясади. — Сен мени гўрга тикасан, земляк. Минг марта айтдим сенга: ўч олиш фикри аклингни ўтмаслаштириб ташлаяпти. Чукур ўйламаяпсан. Ҳар бир ишга алоҳида режа тузиш керак. Бир иш иккинчисига сира ўхшамасин. Биз уларни чалфитиб ташламасак, дарров думимизни босишади.

Зелихон хонтахта устидаги шишадан пиёлага мусаллас куйиб сипкорди, сўнг сигарет тутатди. Чордона қуриб ўтирган Элчин худди тасбех ўгираётган мулладек нигоҳини бир нуктага қадади. У Зелихоннинг зеҳнига, садокатига ишонар эди. Қамоқда юрган кезлариди, вужуди касос алангасида ковжираётган дамларда

Элчин йўл-йўрик изларди. У аввалига бир ўзи жангга кирмокка қасд килди. Ўша машъум кечада ҳовлисига қадам қўйган ҳар бир одамнинг калласини сапчадек узишни истади. «Каллани сапчадек узиш» — айтмоққа осон. Умрида чумчук сўймаган йигит одам боласига пичоқ ура олармикин? Элчин душмани билан юзма-юз келганида қўллари қалтирашини билиб, ўзини бу ишга рухан тайёрлади. Хаёлан юзлаб одамларнинг юрагига пичоқ қадади, калласини узди. Зелихон қамоқдалигида кўзлари чақчайган бир йигитни курсатиб «отасининг калласини арралаб ташлабди, хайвон» деганида Элчин бир неча кун давомида душманларига шу жазонираво кўрди. Хаёлан арралаганда уларнинг дод-фарёдлари орасида арпа тишларига дош беролмаган суюкларнинг киртиллаганини эшишиб ўзи ҳам сесканиб кетди. Кейин «уйимга кирганларнинг турки балки шу йигитга ўхшагандир», деб ўйлаб душманларини шу кўзлари чақчайган тимсолида кўра бошлади. Ана шунда кўкракка пичоқ қадаш қўлидан келмаслигига фаҳми етиб, Зелихонга суюнишни ўйлади. Зелихон одам ўлдириш, деган тушунчадан йирок эди. Иложи бўлса бировнинг бурни қонатмасам, дерди. У «акл иш бермаган ерда кон тўкилади», деб хисобларди. Зелихон факат ўз ақлига ишонади. Камоқдан кейин учрашишиб, қасос ҳакида сўз очилганида у «йўлбарсни бир ўқ билан ўлдиришнинг қизиги йўқ, уни яралаб, ўқиртириб лаззат олиш керак», деди. Бу гап Элчинга мойдек ёккан, хозир шуни ўз тили билан Зелихонга қайтармокда эди.

Зелихон рўпарасида ўйга чўмиб колган бу йигитни нима учун ёқтириб колганини ўзи ҳам билмайди. Элчин истарали йигит, десак, Зелихон бунақаларни кўп курган, мусофирикда икки мусулмон фарзанди бир-бирига суюнди, десак, камоқда бошқа мусулмонлар ҳам бор эди. Зелихон бегунохларга хайрихон эди, десак, камоқ факат гуноҳкорларнинггина бошпанаси эмас. Кўзларига «мен нима учун бу азобларни тортяпман?» деган савол мухрланиб колган маҳбуслар кўп учради. Зелихон қамоқ, айрилиқ азобларига чидай олмасдан хўнг-хўнг йиғловчи эркаклардан нафратланарди. Тўгри, йиги эркакка хос хусн эмас. Аммо, Зелихон уларнинг дардини ҳис қила олмас эди. На фарзанди, на тайнин хотини, на тайнинли кариндош-уруғи бўлган одам соғинч хиссини туйиши мумкинми? Элчинда Зелихонни нафратлантирадиган нарса йўқ эди — Элчин ўзининг

бегуноҳлигини курсатишга харакат қилмас, нолимас эди. Бу йигитнинг муштдек юрагини коядек дард босиб турганини Зелихоннинг синчков нигоҳи илгади. Зелихон дардини яшира оладиган одамни яхши кўради. Ҳасратини ҳар кимга тўкиб солувчи эркакдан дўст чиқмайди, деб ишонарди.

Зелихон Элчиндан қасос ҳакидаги гапларни биринчи марта эшиганде сергакланди. У муштдек юракни коядек дард босиб турибди, деб юрса, бу вужудда вулкон куч тўплаётган экан. Вулкон отилса ҳаммаёқни барбод киласи. Бирок отилган чокда баҳайбат тоғларни поралаб ташлагани каби кўкракни ҳам, аламли юракни ҳам тилка-тилка қилиб юборади. Зелихон айнан шундан хавотирга тушди. Қамоқда юриб ҳамма нарсани ўргандим, деган бу гўдак (Зелихоннинг олдида Элчин бир гўдак эди) биринчи тўкнашувдаёқ нобуд бўлиши аниқ эди. Зелихон бу катта шаҳарга бегона, бу томонларда ризқ териб ейиш унга насиб бўлмаган, қамоқда Элчиннинг тарғиботидан кейиш шу ёрларда юрган эди. Қиморбозликдан иш бошлаб жуда катта тўдага бош бўлган, энг муҳими, бирон марта бўлсин кўлга тушмаган Асадбекнинг кимлигини у яхши билмас эди. Асадбек тўғрисида юрган гапларга ишонмаган тақдирда ҳам, шахар ҳокимиға нисбатан кўпроқ мавкега эга бўлган бу одам аҳмокмасдир, деб қўйган эди. Зелихон аввалига Элчинни бу ўйдан қайтармокчи ҳам бўлди. У дунёда уч нарса очик кўзни кўрмайдиган қилиб кўяди, деб хисобларди. Бу — муҳаббат ўти, қасос ўти ва бойлик ўти. Зелихон муҳаббат ўтида ёнмаган. Бирон-бир киз ишқида ўртамаган. Муҳаббат муаммоси тўшакда бир неча дақиқада ҳал этилади, деган ақидага амал қилиб яшаган.

У бойлик ўтидан ҳам кўрмайди. Чунки у ўғри бўлгани билан, ҳеч маҳал бойлик тўплашга уринмаган. Ялаши учун ақчаси бўлса бас, бошқалардай данғилла-ма иморату орзу-хавасларга берилмаган. Шу ёшга кириб ҳали ўз уйи бўлмаган. Чўнтак бушаб қолган тақдирдагина «ов»га чиккан. Ҳатто қўлга тушиб қамалиб кетсан, чикқанимда аскотади, деб жамғармаган ҳам.

Қасос ўти болалигида бир ёнгану бобосининг саъи-харакати билан ўчирилган эди.

Уруш чеченлар яшайдиган кишлоклардан узокрок-да бўлса ҳам унинг совук нафаси уфуриб турарди. Кишлокка корахатлар билан бирга нохуш мишишлар ҳам етиб келарди. Мишишлар окибатда ҳакикатга айланиб бутун кишлок бир кечада иссик уйлардан хайдаб чиқилди. Бир ҳафта бурун Зелихонларникуга кора хат келиб аза очилган эди. Олти ёшга тўлган бола дам онасига қўшилиб йиғларди, дам бобосига қўшилиб қўлини фотихага очарди. У нима учун аза очилганини тушунди — отасини фашистлар ўлдирган. Энди қотилларни кечириш мутлако мумкин эмас! Зелихон — энди хунхўр! Томирларида чечен кони оқаётган олти ёшли бола аждодлар конунини биларди. Үнга на онаси, на бобоси «ўч ол!» деди. Бу гапни унинг юраги айтарди. Шунга акли етган бола нима учун уйқудан уйғотишганини, иккита тугунни орқалаб тун бўйи йўл юришганини, сўнг поездга чиқишганини билмади. Бирор «фашистлар яқин келиб қолишибди, бизни асрашяпти», деди. Бундан Зелихон ажабланди: фашистлар яқин келса яхши-ку! Ўч олиш имкони туғилган экан-ку?! Яна бирор «ичимииздан сотқин чиқибди, ҳаммамиз шунинг касофатига колибмиз», деди. Зелихон бунга ҳам ажабланди: қанақа сотқин, нимани сотади, кишлокда со-тадиган нима бор?..

Узун кечалар йўл юриб, ниҳоят бир кишлокдан паноҳ топишиди. Унинг кўнгли, кўзлари тоғларга, чўк-киларга ўрганган эди. Бу кишлок тоғдан анча узок экан. Аммо бобоси ҳам, онаси ҳам шукр қилдилар. Бир дехкон уйининг ярмини бушатиб берди. Девор ўрнига эски шолча тортиб яшайверишиди. Етти ёт бегонага ҳам мурувват кўрсатувчи имонли одамларга учратгани учун бобоси Оллоҳга шукрлар қилди. Яхшиям бобоси туркчани биларди, бўлмаса кунлари имо-ишора билан гаплашишга колармиди...

Зелихоннинг онаси бетобланиб, икки кунгина ётди. Учинчи куни узилди. Бобоси доно эди. Ортиқча кийим-бошни қўйиб, ўлимлигини овлолган экан, узига эмас, келинига насиб этди. Уч йил оралатиб ўзи қайтиш килганида кафандикни шу уй эгаси топиб берди.

Бобоси бир ойдан зиёдрок ётди. Унинг умри тугаган, бу ҳаётдан насибаси киркилган эди. Бирор, Худога ёлбориб яна бир-икки ой умр сўрарди. Бегона юртда

тифт етим булиб колаётган набирасини озгина булса-да, оёкка қўйиб омонатини топширса, кузи очик кетмас эди. Насиба қиркилса, банда чорасиз экан. Бобоси то сўнгги нафаси чиккунча Зелихонга насиҳат килди. Сўнгги кечада, сўнгги кучини жамлаб бир гап айтди:

— Болам, биз чеченлармиз! Унутма! Чеченлар хеч қачон ўзларини хор қилиб қўймаганлар. Сен хеч қачон номардларга буйин эгма! Аммо яхшилик қилганларни умринг адо бўлгунча бошингда кутариб юр. Сен ўз номусинг учун жанг килмасанг, кечираман. Лекин сенга яхшилик қилган ўзбекларнинг номуси учун жон бермасанг, рози бўлмайман. Оллоҳ ҳам сени кечирмайди, билиб қўй! Ўзбеклар ҳам биз каби хорланган экан, вакти келса жонингни аяма...

— Бизни хурлаганлардан қасос оламан! — деди Зелихон. Тўққиз ёшли чечен боласининг томирида қасос кони кўпирishi учун етарли асос бор эди. Бобо буни биларди ва шундан куркарди. Қасос ўти боланинг кўзини кўр қилиб ҳалокат жари томон етаклаши мукаррарлигини билгани учун ҳам куркарди.

— Зинхор! — деди бобо, кейин кўзларини юмиб тин олди. У хурликни кечира олмайдиган чечен эди. Айни чоқда мусулмон ҳам эди. Чолнинг уришдан тўхтай деб турган юрагида армон билан биргаликда қасос ҳам бор эди. Қасос — хурликдан, армон эса қасоснинг қиёматга колаётганидан. Чечен учун хурликдан ҳам чорасизлик ёмон. Улар чорасиз эдилар. Тўққиз ёшли бола қасос оламан, деб қасам ичяпти. Аммо кимдан қасос олади? Биргина шуларнинг ўзини ҳайдаб чиқарганларида эди, сураб-суриштириб, айборни топарди. Агар бу мўйловнинг (бобоси Сталинни «мўйлов» деб атарди) истаги билан амалга оширилган булса бошини кайси тошга уриши керак?! Бобоси кўзларини юмиб шуларни ўйлади. Унинг бу ўйлари Зелихон учун сир бўлиб колаверди.

— Зинхор, — деди бобоси кўзини очиб. — Бундай қасам ичма! Ота-онам гўрида безовта бўлмасин, десанг, тинч юр!

Уй эгаси, эски дўппининг устидан қийикча боғлаб олган мўйсафида ярим пиёла сутга тўрт тўғрам нон ташлаб, бир тишламини хастанинг оғзига тутди. Зелихоннинг бобоси лабини қимтиб бош чайқади.

— Э, биродар, жонга дармон керак. Нима деяётга-

нингизни англамадим-у, аммо болани кўркитиш ярамайди. У хали хеч нимани тушунмайди.

Бобоси уй эгасининг максадини англаб, оғзини базур очди. Анчагача тамшанди. Аммо нонни юта олмай аста чиқарди. Кузлари бежо бўлди.

— Болам, сен бир айланиб кел, — деди уй эгаси Зелихонга.

Зелихон чиқиб кетди. Уй эгасининг нима учун чиқариб юборганини улғайганидан сўнг фахмлади. Бобосининг тамшаниши то ханузга кадар кўз олдидан кетмайди. Бобосининг ризки тугаганмиди ё ўлим олдидан бирорвинг луқмасини ютишни истамадими — бу Зелихон учун муаммолигича колди.

Зелихон Элчин билан шаҳарда учрашганидан бери бобосининг сўнгги гапларини кўп эслайди. Бир томондан бобоси қасосга йўл бермай кетди. Бир томондан Элчин — ўзбек, уларга ҳам бошпана, ҳам насибасидан бир улушини, ҳатто кафандигини баҳам кўрган ҳалк фарзанди. Яна бир томондан эса Элчин қасос олмокчи бўлган одамлар ҳам шу ҳалк фарзандлари.

Аланга Зелихонни уч томондан ўраб келарди. Бир томон очик — кочоклик, кўркоқлик йўли. Чеченнинг энг номарди ҳам бу йўлдан юрмайди. Зелихон Элчинни қасос йўлидан кайтара олмаслигини биларди. Зелихон қасосга шерик булиш учун эмас, балки Элчинни аждаҳо комидан асраб қолиш учун ҳам унинг ёнига кирди.

Уч-тўрт киши бўлиб ҳазинани уриш ёки бирон бойни қакшатиш Зелихонга чут эмасди. Аммо Элчиннинг бошлиётган иши уни анча гангитиб, ташвишга солди. У Асадбекдан чўчиди, дейиш бўхтон. Асадбекдан жони ўзига ширин одамлар кўркишади. Шу пайтгача Зелихон жонини сира аямаган. Унинг ташвиши — максад сари бир-икки кадам кўйганда бевакт йиқилиб қолиш. Эркак одам бир ишга кўл урдими, улса ҳам охирига етказиб ўлиши керак — шу акида асосида улғайган Зелихон бошкacha йўл тутолмас эди.

Зелихон пиёладаги мусалласни сипкориб, нигохини бир нуктага кадаб ўтирган Элчинни елкасига аста туртиб кўйди.

— Зелихон ярим йўлда ташлаб қочмайди. Мен — чеченман! Унутма! Асадбек сенга уйлан дебдими, уйлан. Тўйга тайёргарлик кўравер.

Бу гапдан кейин Элчин бошини кутарди.

— Ўзига куёв килса-чи?

Зелихоннинг режасида ишнинг бу томонга оғиши назарда тутилмаган эди. Асадбекнинг кизини ўғирлаш, унинг номусига тегиш ғояси Зелихондан чикканди. Ишни бошидан охиригача ўзи пишишиб берган эди. Элчиннинг вазифаси коронги уйда кўркувдан титраб ўтирган кизнинг қўйнига кириш эди. Элчин биринчи кирганида «Ойижон!» деб ўзини химоя қилган, жонхолатда типирчилаган кизни енга олмади. Унга раҳми келди. Агар киз «отажон!» деб бакирганида кўз олдига Асадбекнинг қаҳрли нигоҳи келиб, балки кўнглидаги раҳмни парчалаб ташлармиди... Кейинги сафар киз «ойижон!» деб бақиргандা Ноиланинг ноласини эшитгандай бўлди. Киз унинг бағрида типирчилаганда кўрагига пичок қадалиб жон талвасасида ётган хотини кўзига кўринди.

Ўша тун Элчин учун синов кечаси эди. У ўч олишнинг азобини ҳам, лаззатини ҳам татиб кўрди. Лаззат шаҳватини кондиришдан эмас, балки дастлабки қасонинг ширин сувидан эди. Азоби — ноҳак жабр тортиш нима эканини тотиб кўрган йигит бегуноҳ бир покиза вужудни булғади.

Зелихон бу режани тузайтганида Элчиннинг иккى ўт орасида қоврилишини хисобга олган эди. Чунки у биринчи марта бегона одамнинг чўнтағига кўл солганини, пулинни олгандан сўнг уятдан ёниб кетай деганини ҳали-ҳали унутмайди.

У Асадбекнинг феълини билмас эди. Бундай воқеага кўл силтаб кўядими ё куйиб-ўртнадими — бу яратганга аён бўлмаса, Зелихон учун коронги эди. Унинг назарида Асадбек — ота. Қизининг номусига бефарқ қарайдиган ота бу юртда йўқдир. Айникса, кўпнинг назарида турган одам номусга бефарқ қарамас. Тўғри, унинг олдида шўрлик кизи ҳакида оғиз очишгэ журъат этмайдилар. Лекин пана-панада висирвисир бўлишини Асадбек сезмасмикин? Гап-сўзларга барҳам беришнинг энг тўғри йўли — уни турмушга узатиш. Куёв ким — Элчинми?

Зелихон Элчиннинг сўзларидан кейин ўзини Асадбекнинг ўрнига қўйиб кўрди. Ўзини марҳаматли, одам-парвар кўрсатаман, деса «камалиб чиккан отарчи»дан ҳазар қилмай, елкасига куёвлик сарпосини ёпади. Мисколлаб тўплаган обру-эътиборини ўйласа — бу ишга кўл урмайди. Хўш, Асадбек учун қай бири қадрли?

Зелихон бу муаммога жавоб топа олмади. Бу саволга жавобни орадан кунлар ўтиб Асадбекнинг ўзи айтди.

## VI БОБ

### I

Шариф гаранг эди. Кўргани, эшитгани тушми ё ўнг эканини фарқлай олмас эди. Дам баданига ҳаловатли, хузурли куч хукм ўтказади. Бундай пайтда у булутларга ёнбошлаб олиб осмонда сузади. Баъзан эса қандайдир кўринмас бир куч темирчининг омбури билан юрагини сика бошлайди. Ана шунда дунё кўзига тор бўлиб кетади. Эсини таниганидан бери кўрган ҳўрликларини, аламларини, ташвишларини эслайди. Эслаб туриб «омбурингни қаттирок сиксанг-чи, бу юракни биратўла вайрон қилиб юбора қолсанг-чи», деб нола қилганини ўзи ҳам билмайди.

Шариф ҳозир ҳам шу ахволда эди. Икки қаватли каравотнинг юкорисида юзтубан ётиб, дардли бир тўлғокни бошидан кечирар эди. Бировларни оналари дуру гавҳар устида тугиб, зарҳал чойшабларга йўргаклади. Шариф эса, ўзининг назарида, аламлар тиконзори устида туғилиб, ташвиш чойшабига йўргакланган. Бировлар бу дунё неъматларидан тўйиб баҳраманд бўлиш учун туғилган бўлса, Шариф, ўзининг назарида, бу дунёдан нафратланиш учунгина туғилган. Гўё поко Парвардигор уни яратиб «мана, караб кўй, бу дунёда ҳавас қиласиган ҳеч нима йўқ», дегану Шариф туғилганидан бери мана шу ҳақиқатни қадам-бақадам англаб бораётгандай. Бу дунёда ҳамма нарса ўлчовли, ҳамма нарсанинг чеки-чегараси мавжуд. Алқисса, Шарифнинг бошига ёғилаётган абри бало ҳам ўтай деб қолдими? Бу булут унинг бошига ҳам турли аламларни, ғуссаларни ёғдирди. Энг сўнгги бало — ўлим уруғими, қамоқда чириш кисматими?

Шарифнинг баданига титроқ югуриб, тан азоби рух азобини кувиб чиқара бошлади. Энг чеккадаги каравотда карта ўйнаб ўтирган давранинг дам жимиб колиши, дам асабга тегувчи ғўнғиллаши, дам баланд овозда гап талашишлари ҳам туманли уфқ бағрига сингиб кетди. Кўнгли айниб; аъзойи бадани қақшади.

Гүё ичига катта илон кириб олиб, буралиб, тұлғона кетди. Шариф шу ёшга кириб сира бу холга тушмagan эди. Тумов каби неъматлардан әл катори баҳраманд бўлиб юрарди. Аммо бунақа азобли дардни сира тортмаган эди. «Ўладиганга ўхшайман, — деб ўйлади у. — Ичимда буралаётган жон бўлса керак. Жон чикиши шунака оғирми?» Азоблар мавжи бироз пасайган дамда отасини эслади. Отаси мулоийм гапира туриб жон таслим килган эди. Гүё гапдан хориб пича тин олиш учун кўз юмгандай эди. Ўшанда «ўлиш ҳам осон эканда», деб кўйганди. Хозир бу дунёни ташлаб кетиш осон эмаслигини англади.

Шариф ҳаётдан тўйган банда эмасди. Тўғри, у тўйиб еб-ичмади, тараллабедодлар унга насиб этмади. Агар шуларга интилса, балки эришарди. Нолимай яшади, ўз ишини билди. Шу ахволда бўлса ҳам яна узок йил умр кўришни истарди. Аммо начора... куни битганга ўхшайди.

«Куним битганга ўхшайди...» Шарифнинг хаёлига бу фикр қаттиқ ўрнашиб олган эди. Сокчи орқали дўхтири чакиришни ўйламасди. Бу дард ўлим даракчиси эмас, балки мастилигида томирига юборилган корадорининг хумори экани хаёлига ҳам келмас эди. Терговчининг гаплари, билагидаги игна изи окибатда бунчалар азобларга кўйишини ўйлаб кўрмаган эди. У гиёхвандларнинг телба кўзларини, қийноқдан тўлғонишларини телевизорда кўрган, аммо бу ахволга тушиб колиш мумкинлигини билмас эди.

Унинг букчайиб титраши, ўқчиши хона бурчагида кимор ўйнаб ўтирган йигитлар дикқатини тортди. Улардан бири Шарифга яқинлашиб пешонасида тўзиб ётган сочини сикимлаб, бошини кўтарди-да, яrim очик кўзларига каради.

— Пахан ўзимиздан экан-ку, — деди у шерикларига караб. — Нима қиласиз?

— Ишинг бўлмасин, — деди тўрда ўтирган киши.

— Одам килиб кўя колай, ҳаққини тўлар? — деди йигит.

Тўрда ўтирган кишидан садо чиқмади. Йигит ўзи ётадиган каравот томон юрди. Ёстигини кўтариб, түгунча олди. Тугунчада эм игнаси, икки қарич ингичка резина ичак бор эди. У Шарифга яқин келиб уста ҳамширалардай резина ичакни Шарифнинг билагига ўради. Сўнг бўртиб чиқкан томирга игна санчди.

Шарифни азоблар тарк этди. Ичидаги илон ҳам тинчиidi. «Жоним чиқиб кетдими?» деб үйлади. У роҳат кучоғида суза бошлади.

Ширин тушлар адогига етиб маст уйқудан уйғониш вакти етди. У күзини очиб пича караҳт ётди. Қамоқда экани, азоб билан тұлғонгани туш эмас, ҳақиқат экани аён бұлғач, ёстиқдан бош күтарди. Темир панжарали дераза ортида түннинг қора башараси күринди. Икки қаватли темир каравотларда махбуслар ухлаб ётишибди. Хона бурчаги одатдагидай бедор. Улар Шарифнинг уйғонганини дарров сезишмади. Шариф каддини күтариб оёқларини пастга осилтириб ўтирганидан кейин даврадаги бир йигит ўрнидан турди.

— Ха, пахан, ахвол қандок, зўрми? — деди у Шарифга яқинлашиб.

Шарифга унинг юзи таниш күринди. «Қаерда учратган эканман?» деб үйлади.

— Пастга тушиңг мундок, хисоб-китоб қилиб күйяйлик.

«Нимани хисоб-китоб киларкан», деб үйлади Шариф.

Йигит Шарифни эшик томон бошлади. Ювингич ёнидаги қўпол қутини имлаб деди:

— Ўтириб ёзинг, пахан. Кеннайимга бизадан салом этинг. Эртага бештагина кусок тайёрлаб қўйсинла.

— Тушунмадим, — деди Шариф, — кусогингиз нима?

Йигит ростдан тушунмадими ё лакиллатяптими, деб үйланиб, унга каттиқ тикилди. Кейин қўпол оҳангда:

— Беш минг, — деди. — Эртага беш минг сўм етказиб бермаса тилла тишлирингни суғуриб оламан.

— Менда... тилла тиш йўқ, — деди Шариф, соддалик килиб.

— Қани оғзингни оч-чи?

Шариф йигитнинг амрига бўйсинди.

— И-е, — йигит ажабланди, лекин бўш келмади, — унда каллангни суғуриб оламан. Беш мингга арзийдими ўзи бу калла?

— Оғайни, уйда беш мингим йўқ менинг. Мен...

— Гапни чўзма. Ез хатингни. «Беш минг топиб бермасанг, мени үлдиришаркан», деб ёз. Агар бу ҳам сенга етмаса, бола-чаканг билан қириб юборамиз. Беш минг топилади, бола-чака топилмайди!

Шариф чинакамига қўркиб кетди. Бу йигит ха-

зиллашаётганга ўхшамайди. Шариф бундай қаҳри қаттиқ одамларнинг қилишларини кўп эшигтан. Одамнинг калласини олиб ҳузур топадиган бу бандалар шунчаки пўписа қилишмайди. Шариф йигит узатган қаламни олиб иккитагина жумла ёзи: «Онаси, менга беш минг жуда зарур. Хатни олиб борган одамга топиб бер». Йигит хатни ўкиб жилмайди.

— Вей, пахан, одам экансан-ку, а? — деб елкасига уриб қўйди-да, эшикни тақиллатди. Дарча очилиб сокчининг юзи кўрингач, хатни узатди.

— Шу акахонимизнинг хатлари бор экан, бериб қўйинг, дуо қиласиз.

Шариф бу ҳолатни кўриб лол қолди. Бу йигит ким ўзи — маҳбуси ё турманинг эгасими? «Ҳарҳолда пачакилашмаганим дуруст бўлди», деб ўзига таскин берди. Йигит уни даврага бошлади. Шарифга ҳам карта узатдилар.

— Мен... ўйнамайман... билмайман, — деди Шариф картани нари суриб.

— Билмасанг, ўрганасан, бундан осон иш йўқ. Эркакмисан ўзинг? — деди йигит катъий оҳангда. Сўнг Шарифнинг олдига бир сиким пул қўйди. — Бу карз. Ҳалигидан ташқари.

Шариф аввалига бироз ютди. Йигит унга маслаҳатчи бўлди. Сўнг ютқизик бошланди. Қарзга берилган бир сиким фижим пул учдию кетди. Даврадагилар хотамтой эдилар, бу бечорага раҳм қилиб қарзга ўйнашга рози бўлдилар. Тонгга кадар «Шариф бойвачча» ўттиз минг сўм...к қарзга ботиб, ўрнидан турди.

— Кеннайимга яна бир хат ёзасан. Пул уч кунда шу ерда бўлиши керак, — деди йигит. — Бўлмаса...

— Биламан, — деди Шариф, — молим ҳам, жоним ҳам талонда.

— Ҳа, баракалла, бор, ёза кол.

Соқчига яна битта хат берилди. Шариф ўрнига чиқиб ётиб ўйга толди. Боши берк кўчага кириб қолди, десак унча тўғри бўлмас. Боши берк кўчага кириб колган одам орқасига кайрилиб қайтиб чиқиб кетиши мумкин. Шариф назарида боши берк кўчага кириб колмади, балки нақ жаҳаннамнинг ўзига кулади, энди ортга йўл йўқ. Шу ерда куйиб кул бўлиши керак. Ўзикку куйиб кул бўлишга маҳкум этилган экан, оиласини нима сабабдан жаҳаннам оловига рўпара қилди? Шариф мана шундан доғда эди. Энди нима қилсин? Тер-

говчига айтсинми? У ҳам буларнинг одами бўлса-чи? Бу йигитнинг кўриниши бинойи, ўзини раҳмдил, ҳаки-катпарвар килиб кўрсатяпти. Бироқ... ҳамма балони шулар бошлайди — Шарифнинг биринчи учрашувдан чиқарган хulosаси шу.

Янги йилнинг биринчи куни Шарифни ўттиз минглик қарз ботқоғига ботирди. Хотини бу пулни қаердан топади, кимларнинг остонасига бош уради — ўйлаб ўйига етолмади. Пулдор қариндош-уруғи, ошна-օғайниси ҳам йўқ. Синфдошлари орасида бойваччалар бор, лекин уларни ҳаромхўр деб билиб, ҳатто ҳазар қилиб борди-келдини йиғишириб қўйган эди. Энди улар ёрдам беришармикин?

Нонуштадан кейин Шарифнинг тунги «улфатлари» дам олиш учун каравотларига чўзишлиди. Уларга ҳалакит беришнинг кандай оқибатга олиб келишини барча билармиди, ҳарҳолда айтадиган гапларини пичирилаб айтишиди, юрсалар оёқ учидা, товуш чиқармай юришиди. Тунда ҳориган маҳбуслар пешингача ухлаб, худди келишиб олгандай бир вактда уйғонишиди. Биринкитаси юз-қўлини ювган бўлди. Қолгани турибок, бир эснаб, бир керишиб тунда эгаллаб ўтирган жойига борди. Тартибли идора ходимларидай, хизматни бир дақиқа кеч бошласа-киёмат юз берадигандай жам булиб олишди. Лекин ўйинни — хизматни бошлашмади. Идоралардаги «беш дақиқалик мажлис» каби буларнинг ҳам издиҳоми мавжуд эди. Идоралардан фарқи — бу ерда мажлис бир-икки соат эмас, бир-икки дақиқа давом этарди. Тўроғасининг гали қиска эди:

— Олиб келишмабдими?

Жавоб ундан ҳам қисқа:

— Вакт ўтди.

Хукм ундан-да қисқа:

— Бошла.

Шариф талвасада ётганида унга жон ато этган йигит ўрнидан туриб эшик якинидаги каравотга якинлашди. Каравотда узала тушиб ётган гўштдор одамни туртди:

— Тур ўрнингдан, тўнка! — деб бақирди. Хонадагилар ҳозир даҳшатли воқеа юз беражагини фахмлаб, нафас ютдилар. Каравотдаги одам — ўттиз беш ёшлардаги бақалок йигит — пинакка кетган эканми, қаддини кўтарди-ю, аммо нима гап эканини англамай, жавдираб каради.

- Соатингга кара, бир бўлдими? Ўн иккига етка-зининг керакмиди?
- Олиб келишади, гап йўқ, окахон.
- Кани, оғзингни оч.
- Жон окахон, худо урсин, олиб келишади.
- Оч деяпман!

Йигит эланавергач, даврадан бир одам турди-да, унга якинлашиб бошини чангллади. Худди тарвуз танлаётгандай каттик сикди. Йигит оғрикка чидаёлмай додлади. Шунда у одам иккита бармоғини йигитнинг бурнига тикиб, бир кўли билан пастки жағини пастга тортди. Япалок омбир билан йигитнинг тилла тишларини бир-бир суғуриб олдилар. Махбуслар, жумладан Шариф ҳам орага тушишга кўркиб, хеч нарсани эшитмагандай, сезмагандай жим ётавердилар. Ташқаридағи сокчилар эса, дод-фарёдга аҳамият ҳам бермадилар. Шариф бу манзарани кўриб титраб кетди. «Буннинг-ку, тилла тишларини суғуриб олдилар. Мени нима килишар экан?» деган ўй уни «ўзимни ўлдирсан кутуламани шу азоблардан», деган тўхтам сари бошлади.

## 2

Зоҳид Шарипов прокуратура жойлашган иморатнинг рўпарасидаги катта чинор ёнида турган аёлни дарров таниди. Унинг шундай фазилати бор — бир кўрган одамини анча вактдан кейин ҳам дарров танийди. Эгнига одми, бироз уринган пальто кийиб, жун рўмол ўраб олган бу аёл — Шариф Намозовнинг хотини — Насиба эди. Бу ҳол Зоҳидни ажаблантирумади. Хибсга олингандарнинг яқинлари мелисаҳонага, прокуратураларга қатнайвериб тинкалари қурийди. Аёллар йўл пойлаб, кўз ёш тўкиб чарчашмайди. Эрларининг ёки оталарининг, ака-укаларининг бегуноҳ эканини исботлашга уринишади. Бу фарёдларга караб туриб, «факат бегуноҳлар камалар экан-да», деб фикрлаш мумкин. Зоҳид ҳозир ҳам шу ҳол такрорланади, деб ўйлади. Хотинни кўрмаганга олиб ўтиб кетмоқчи ҳам бўлди. Лекин ўзи сезмаган қандайдир куч уни бир нафас тўхтатди. Аёлнинг харакатга келиши учун шу бир нағаслик тўхташ кифоя эди.

— Сизда гапим бор, — деди аёл синик овозда.

— Юринг, — деди Зоҳид.

Аёлга совукрок муомала килгани ўзининг ҳам гашини келтирди. «Бу хотин неча соатдан бери совукда турган экан, гапи бордирки кутган... Эрининг айби йўқлигини ўзим ҳам сезиб турибман. Бу бечорага нима учун хўмрайдим?» Зоҳид иморатга ярашмай турган кичкина пешайвонга чикиб ортига ўгирildи. Насиба «келиб тўғри килдимми ё адашдими?» дегандай битта-битта босиб чиқарди.

— Кеннойи, юраверинг, — деди Зоҳид.

Бу гапдан кейин аёл сал дадилланди. Машойихлар «сўз ханжар бўлиб жонни олиши ҳам, тириклик суви бўлиб ўликка жон бериши ҳам мумкин», дегандарида, Зоҳиднинг «кеннойи» дейиши аёлдаги хавотир булутини бироз таркатди.

Ўтган куни пешинда бир йигит келиб: «Шариф акамгила хат бериб юбордила», деганида хуфтон дили бирдан ёришиб кетди. Аммо «Беш минг бериб юбор», деган гапни ўқиб ажабланди. Хаёлига урилган нарса — пулни милисадагилар сўрашган, деган фикр бўлди. Йигит яна келажагини билдириб, тезда изига кайтди. Кеча эса ўттиз минг сўралган мактубни ўқиб, эти увишиб кетди. «Агар шу пул эвазига чиқариб юборишса, уйни сотиб бўлса ҳам топиб бераман», деган карорга келди. Кейин фикри бироз тиниклашгач, «пулни ким сўраган бўлиши мумкин?» деб ўйлай бошлади. Ўша куни уни икки йигит сўрок қилди. Бири шарттакироқ эди. Ўша сўрадими? Кейингиси прокуратураданман, деган эди, ё ўшенисига керакми бу пул?

Насиба, гарчи маълумотли аёл бўлса-да, хукук илмидан буткул бегона эди. Милисанинг вазифаси — ушлашу камаш, прокурорнинг вазифаси — коралаш, суднинг иши — хукм чиқариш, деган юзаки тушунча барча ўзбеклар сингари унга ҳам йўлдош эди. Ўлаган ўйлари ҳам шу тушунчалар атрофидан нари силжимас эди. Прокуратура факат қоралаш эмас, ҳакикатни ойдинлаштириш иши билан ҳам шугулланиши лозимлигини билмаса-да, пул сўраса шулар сўрайди, деган фикр уни Зоҳид билан учрашишга даъват этди. «Сўрайдиган бўлса ўзимга айтсин, нимага одам кўяди», деб тонготарда йўлга чиқди. То Зоҳид кўрингунча минг хаёлга борди. «Ўзимни қамаб кўйса-я», деб кўркди ҳам. Зоҳид совуккина килиб «юринг», дегач, «ха, шу сўраган, келганим ёқмади», деб, кутганларига пушаймон еди.

Аммо «кеннойи» деган сўз умид ҳам берди. «Бу эмасдир», деган илинж билан қадамини тезлатди.

Зоҳид Насибага жой кўрсатиб, ўзи ҳам ўтириди. У аёлнинг эримда айб йўқ, деб гап бошлишини кутиб, «қулогим сизда», дегандай каради. Аёл дафъатан тилга кирмади. Унинг нимадандир ўнғайсизланаётганини Зоҳид сезди.

— Кенномай, бир гап бўлдими, эрта сахардан келиб турибсиз?

— Йў-ўқ, — Насиба шундай деб Зоҳиднинг кўзига бир қараб олди. Дилидагини айтиш ёки айтмаслигини билмай яна иккиланди. — Билай деб келувдим.

— Тергов энди бошланди. Сизга бир нима дейишм кийин.

— Ростдан ишоняпсизми шунга?

— Биз далилларга ишонамиз. Уйингиздан корадори чиққан. Бу эрингизга қарши бир далил. Агар уни бирор одам қасдан ташлаб қўйган, десак, бунга ҳам далил керак, гувоҳ керак. Агар шу ишга оид бирон гапингиз бўлса, айтинг.

— Гапим йў-ўқ... — Насиба айтмаса, ҳозир чиқиб кетиши лозимлигини билиб, сўзида тутила-тутила мақсадга кўчди. — Ўзимда йўқ, лекин кариндош-уруг қараб турмас. Бир ҳафтада олиб келсан... далил то-пиладими?

Зоҳид аввалига тушунмади. Кейин аёлнинг мақсадини фаҳмлаб жони чиқиб кетай деди. Одамларнинг пора таклиф этиши унинг учун янгилик эмас. Акасининг ўлими ва суд жараёнлари даврида ишга пул аралашганини сезиб қанчалар изтиробга тушган бўлса, кейинроқ бу хизматга ўтиб пора билан юзма-юз келгач, ундан беш баттар қийнокларга учради. Пора деган нарса бир қараганда кўриниши ёқимтой, тили ширин, онаси ўпмаган кизга үхшайди. Бу киз ишвали жилмайиб, кўз кисиб, нуқул тўшакка имлади. Ҳатто чол одамни ҳам бўйдок йигит ҳолига солиб қўяди. Елкадаги шайтон тинмай шивирлаб, «унинг кучоғига отил», дейди. Аммо бу ишвалар, бу шивирлар Зоҳидга ҳукм ўtkаза олмайди. Чунки ўша ишва билан унинг орасида акасининг руҳи бор. Ишвага учса — акасининг мурдасини босиб ўтган бўлади. Зоҳиднинг сергак онги бунга йўл қўймайди.

Хозир пора таклиф этайган бу жувонга қараб, ғазабини ичига ютди. «Бу аёл чайналиб гапиряпти. Умрида

бировдан ўзи учун бир нарса сўрамаган, таъма килмаган одам шунака бўлади. «Мен сизга шунча берай, эримни кўйиб юборинг», дейишга андишаси йўл бермаяптими?»

— Сизга бу гапларни бирор ўргатдими ё ўзингиз ўйлаб топдингизми?

Зоҳиднинг овозида қаҳр, ғазаб зоҳир эди. Насиба бу йигитнинг тез ўзгаришини кутмагани учун бир сесканиб тушди, тамом ўзини йўқотди.

— Бунака гаплар учун...

Насиба йиғлаб юбормай, деб пастки лабини тишлиди. «Майли, мени ҳам қамай колинг. Сизлар бегуноҳ одамларни камаш, майиб қилиш, ҳўрлаш учун дунёга келгансизлар. Сизлар биз бечораларнинг кўз ёшларини, жигар қонларини тилла тоғларга айлантирасизлар. Ҳаром нон еб коринни қаппайтирасизлару яна бизларга дўқ урасизлар?!» деган ҳайқириқ кўкрагини эзди, аммо бўғиздан нарига кўтарилимади. Дарди ичидаги коловерди. Ҳакикатни айтиш шунака қийин. Айникса нопок одамларга (Насибанинг назарида Зоҳид ҳам нопоклардан эди) бас келиш мушкул. Ундан кўра ўттиз беш минг сўмни топиб бериш осонрок. Насиба «бу йигитга бекор учрабман. Энди ўртага кўйган одами билан гаплашавераман», деган фикрга келиб жойидан кўзғолди.

— Кеннойи, ким нима деса сўзига учаверманг. Беш кўл баробар эмас. Ўйлаб иш қилинг.

Зоҳиднинг мулоимлашгани жувонни яна ўрнига кайтарди.

— Ахир хат олиб келишди-ку? — деди ажабланиб.

— Қанака хат?

Насиба чўнтағида фижимлаб турган хатни чиқариб узатди. Зоҳид шошиб олиб ўқиди.

— Дастантэт эрингизникими, аниқми?

— Ўзлариники, хатларини танимайманми?

Зоҳидга воеа равшанлашди. У турмалардаги ахволни биларди. Лекин жувонга хатнинг ёзилиш тарихини айттолмасди. Айтса, бу хотиннинг эси оғиб колиши ҳеч гапмас.

— Сиз... уйингизга боринг. Бу ишни бизга кўйиб беринг. Агар пулни сўраб келишса, икки соатдан кейин келинг, денгу менга хабар беринг.

Зоҳид гапини тугатиши билан эшик очилиб, башибонг кийингланган йигит кириб келди. Зоҳид прокурорнинг

ёрдамчиси билан яқин алокада бўлган бу терговчини танирди, аммо ҳамсұхбат бўлмаган эди. Унинг хонага берухсат кириб келиб, яна ўтириб олиши ғашини келтирди. Насибага «бораверинг» дегандай караб қўйди. Жувон ўрнидан турганида йигит уни тўхтатди.

— Қечирасиз, опа, сиз ким бўласиз?

— Бу киши Намозова, сұхбатга чакирган эдим,— деди Зоҳид совук оҳангда.

— Э, анави бечоранинг хотинимисиз? — деди йигит ачинган одамдай. — Эрингизни тушунмовчилик билан камашибди. Бугун қўйиб юборамиз.

Аёл тушими ё ўнги эканини билмай тамом гангида.

— Сиз кетаверинг. Ош-пош пишгунча эрингиз уйингизга кириб боради.

— Ростми...вой...

— Э, одамларга яхши гап айтсанг ҳам ишонишмайди-я! Прокурор ёрдамчиси ҳозир буйрук берди. Эрингиз озод. Тезрок боринг уйингизга.

Аёл ажабланиб, Зоҳидга бир караб олдию хонадан шошилиб чиқди.

Зоҳид жувоннинг савол назарига жавоб беришга ожиз, чунки унинг ҳайронлиги ҳам аёлникидан кам эмасди.

— Гапингизга тушунмадим? — деди Зоҳид, аёл чиқиб кетиши билан.

— Винзавод директори прокурор ёрдамчисига келиб ҳаммасини ўзи ташкил қилганини бўйнига олди. Намозов бегуноҳ. Сизга шуни айтгани кирувдим. Овора бўлиб қоғоз титиб юрманг. Омон бўлинг, ошна.

— Директор тухмат қилган бўлса...

— Бу ёғи билан ишингиз бўлмасин, — йигит шундай деб, чиқиб кетди.

Зоҳид қандай ўйин бўлаётганини билолмай ҳайрон қолди.

### 3

— Намозов!

Дилгир ўтирган Шариф сокчининг амрли овозини эшишиб ўрнидан қўзғолди. Қамоқхонада эзилиб ўтириш дурустми ё терговчи билан узундан-узун сұхбат куриши — билмасди. Тилла тишлари сугуриб олинган одам ихрашларини бас қилган, аммо унинг зорли овози Шарифнинг қулокларига муҳрланиб қолган эди. Капкатта эркак одамнинг сўйишга маҳкум этилган бука-

дай үкириши, сунг тул хотиндай пикіллаб йіғлаши. кейин омонатини топширишга қасд килган, сунгги на- фаслари билан ихранаётган бемор каби овоз чикариши факат Шарифга аталғандай эди. У бўкирганда ҳам, йиғлаганда, иҳранганида ҳам Шарифга «Кўриб кўй, сенинг бошингга ҳам шу тушади. Сенинг тилла тиш- ларинг йўқ, итдан баттар хор бўласан», дегандай бўлар эди. Шариф учун бир нарса коронги — бу одам жон азобида инграяптими ё мол аччиғидами? Ҳар холда тилланинг нархи ҳозир фалон пул...

«Иш куни» қарта ўйинидан иборат бўлган одамлар эса ўз юмушлари билан банд. Ўртадаги бир тутам пул гўё шу камоқхонадагилар тақдири ёзилган хукм коғози. Ўй суреб ётган, бир-бири билан паст овозда гапла- шиб қўяётган, каттиқ ёстикка юзини босиб пинхона йиғлаётган катта-кичик эркакларнинг ҳар бири истал- ган пайтда пул урнига тикилиши мумкин. Бу ердаги маҳбусларнинг ишлари ҳам терговда. Судгача ҳали фурсат бор. Кимор ўйновчилар терговчи ва ҳакамларга нисбатан тез ишлайдилар.

Шариф ўзига аталган хукм ва ижронинг қандай бўлишини ўйлаб, эзилиб ўтирганиди сокчи уни чакирди. Шариф ярим очик эшикка якинлашиб оркасига ўгири- либ қаради: бурчакдагиларнинг у билан ишлари йўқ, муҳим муаммони ҳал этолмай гаранг бўлаётган олим- лар каби жим ўтиришибди. Гўё сокчининг овозини эши- тишмаган, гўё Шарифни қулоғигача қарзга ботириши- маган. Ҳатто кўнгил учун ҳам бир қайрилиб қараб қўйишмади-я!

Сокчи даҳлиздаги шеригига Шарифни топшириб, узи эшикни шарақлатиб ёпди. Шариф темир зиналар- дан пастга, ундан ҳовлига чикди. У терговчи билан учрашувга ҳозирланган эди. Сокчи Шарифни иккита стол кўйилган чоғрок хонага бошлаб кирди. Қалдирғоч мўйловли йигит Шарифга факирига менсимай қараган подшо каби илкис назар ташлаб қўйди. Подшолар бундай пайтда факирнинг таъзим бажо айлашини, тиз чўкишини, тиззалаб юриб келиб оёқларини ушишлари- ни кутганлар. Бу мўйлабли йигит қадим шоҳларнинг факат назаринигина олган, колган удумлардан «фео- дал саркити» сифатида воз кечган дейиш мумкин эмас. Агар Шариф ҳозир тиз чўкса, факирга лозим бўлган ишларни бажарса, бу «кўнгли бўш» азamat йигит йўқ

демасди. Ҳархолда бу йигитнинг ўзи ҳукмдор бўлмасада, карашлари ва айтар сўзи шохона эди.

— Намозов, сиз озодсиз. Айбларингиз исботланмади.

Шариф прокуратура терговчиси билан сухбатдан кейин «бу бир англашилмовчилик бўлса керак, текшибириб чиқариб юборишади», деб умид қилган эди. Қамоқхона эшиги ҳар очилганда ё сокчи тиркишдан муралаганда «мени чакиришармикин», деб нажот кўзи билан Караган одам «Сиз озодсиз» деган сўзни эшитиб ишонмади. «Сиз фалон жиноятни қилишда айбланасиз» дейиш ҳам, «Сиз озодсиз!» дейиш ҳам шунчалар осонми? Дунёнинг лаззатини факат илм билан шугулланишда ва оқибатда нимадир кашф этишда деб билган одамга бу идора, унинг ходимлари, уларнинг муомалалари ғалати туюларди. Одамни бу даражада хўрлаш, бу даражада калака қилиш, бу даражада тепкилаш мумкинлигини тасаввuriга сиғдиролмас эди. Бу хўрликларни ўз кўзи билан кўриб, танасида хис этган бўлса ҳам, ишонгиси келмасди. Ҳозир қалдирғоч мўйлабли йигитнинг яна бир марта «Сиз озодсиз», дейишини кутди. Аммо йигит онасидан камгап бўлиб туғилганми, ё унга раҳбарлари «факат бир марта айтасан бу сўзни» деб қаттиқ тайинлашганми, ё бу ширин сўзнинг қиммати фалон сўму бу пулни тўлашга Шарифнинг қурби етмаслигини билгани учунми — ҳар ҳолда такрорламади. Шунда Шарифнинг бағри ёнди. Ношукур банда! Раҳмат, деб чиқиб кетавермайдими?! Ҳозиргина ўлимига рози бўлиб ўтирган одам бирдан ҳакиқатни айтгиси келиб қолди. «Нимага мени бу азобга гирифтор қилдинглар, нима ҳақларинг бор эди, қилғиликни килиб кўйиб, узр сўрайдиган тилларинг узилиб тушганми?!» демокчи эди. Сўз бошлади ҳам:

— Нимага...

Ҳар тугур йигит гапиргани қўймади:

— Нимагалигини уйингизга боргандада биласиз. Яхши одамларнинг назари сизга тушибди. Бўлмаса уруғаймогингиз билан қамоқда чирирдингиз. Боринг, гапни чўзманг, — йигит шундай деб бир парча коғоз узатди.

Шариф коғозга қўл узатган эди, оркасидағи сокчи чакконлик килиб, коғозни ундан аввалроқ олди-да, елкасига «юр» дегандай туртиб қўйди.

Шариф дарвоза эшигидан ташқарига чикиб иккичада юргач, тўхтаб, ўгирилди. Тепаси сим тўсикли

девор баландлигини чамалагандай узок тикилди. Шу пайт ёнида сутранг «Жигули» тўхтаб хаёlinи бузди. Ўзини четга олишга улгурмай машина эшиги очилди.

— Ўтилинг, окахон, — деди жингалак сочли йигит, меҳрибонлик билан.

— Раҳмат, ука, овора бўлманг, — деди Шариф. У «йигит бирор танишимнинг ё укаси ёки ўғли бўлса керак, тасодифан кўриб қолди», деб ўйлади. Қамоқдан чика солиб танишга ураганидан ҳатто хижолат бўлди. Одамлар айби борми ё йўқми деб мулоҳаза килиб ўтиришмайди. «Қамоқда ўтириб чиккан», деб, ола қарашади.

— Ўтилинг, — деди Жамшид. Бу сафар унинг овоздида меҳрибонлик эмас, қатъийлик, амир оҳанги зоҳир эди. Гарангсиб турган Шариф буни сезмади. Жамшидинг атайин кутиб тургани ҳам унинг хаёлига келмас эди.

— Мен эски шаҳарга бораман,— деди Шариф.

— Ўтилинг, ўша ёкка кетяпман.

Шариф «унда майли, сизни овора қилмас эканман», деб машинага ўтирди. Таниш йигитлар ҳеч бўлмаса ҳол-аҳвол сўраб қўйишарди. Бу эса миқ этмай кетяпти. Шариф шундан ажабланиб, сўради:

— Ука, сизни танимайрок турибман?

— Танимайсиз. Бир яхши одамни дуо килаверинг. Шу одам сизга мурувват қилмаса, қамоқда чириб кетардингиз.

«Яхши одамларнинг назари тушибди...» Шариф қамоқхонадаги қалдирғоч мўйловли йигитнинг гапини эслади. Ким экан у яхши одам, нима учун унга мурувват киляпти? Шариф яхшилик қилиши мумкин бўлган танишларини бир-бир эслашга уринди. Унинг танишлари орасида бунчалар кўли узун одам йўқ эди. Қилич Сулаймонов-чи? Аввал қамоққа тикиб, сўнг олиб чиқиб қурратини кўрсатиб кўймоқчи бўлдими? Шу фикр Шарифга тўғридай туюлиб, сўради:

— Яхши одам... Қилич Сулаймоновми?

Йигит жавоб бермади.

— Асадбекми?

— Сергап одам экансиз! — йигит шундай деб жеркиб берди.

«Демак, ўша» деган қарорга келди Шариф. Одам боласининг душмани ўз тили, деганларидек, тили жиловсиз бўлгани учун Шариф кўп панд ерди. Унинг зўр

илмларга етган акли оддий ҳақиқатни тушунишга көсирилк қилиб қолар эди. Камбағал яшаши, илмда олға сиңжишда кийналиши, унвонлардан бенасиб қолиши ва ниҳоят, камокқа тушишида сұксиз тилнинг күп хизматлари борлигини тушунгиси ҳам келмас эди. Хотини зорланиб «тилингизни тийиброк юринг», деган пайтларида «Мен индамай кетадиган қул эмасман», деб үжарлик киларди. Бойвуччаларнинг ўткир хидли атрини сепиб, ясаниб олган бу жингалаксоғ йигитнинг «сергап экансиз», деб жеркиб беришидан унинг үжарлиги тутди.

— Ўттиз мингни ҳам үша яхши одамга бераманми?

Йўлдан кўз узмай келаётган Жамшид орқасига үгирилиб унга ажабланиб караб олди.

— Қанака ўттиз минг?

— Вакти келганда билиб оласиз,— деди Шариф унинг бояги гапига тақлид қилиб.

— Билиб оламиз, хотиржам бўлувринг,— деди Жамшид унинг пичингнига эътибор бермай.

Жамшид машинани Шарифнинг эшиги олдида тұхтатди.

— Ортиқча валакламай, бошингизга ғалва ортири-масдан уйингизда жим ўтириング. Эртага ишга чиқасиз. Яхшилаб билиб олинг, оқаҳон: сизни паноҳига олган одам керак бўлса ўттиз мингдан ўттиз мингтасини бошингиздан сочади. Агар уни хафа қилсангиз уруғаймогингиз билан, ўттиз бир минг томирингизни куритиб ташлайди.

Шариф эшикни очиб, бир оёғини ерга қўйган дамда бу гапни эшитиб тўхтади. Таранг тортилиб турган асаб томирлари баттар қақшади.

— Мени қўркитманг,— деди овозини кўтариб.

Жамшид, уни хайрон колдириб, жавоб бермади. Шариф баттар тутокиб, тили калимага келмай колди. «Хе оналарингни...» деб сўкиниб машинадан тушди-да, эшикни қарсиллатиб ёпди.

Шариф деярли сўкинмас эди. Сўкинган тақдирда ҳеч бўлмаса жағи ёрниши мумкинлигини ҳам билмасди. Бахтига у энди Асадбекнинг одамига айланди. Хозир «сонангни...» дейиши нима экан, бунинг ёнига амма холаларини, опа-сингилларини кўшиб сўкканида ҳам Жамшид лом-мим дёймасди. Жамшид Асадбекни кўпга хотамтойлик килишини билади. Унинг назарида хўжайнини Шарифни шунчаки паноҳига олди. Хўжайнин-

нинг эътиборидаги одамга ола қараш мумкин эмаслиги унга ойдай равшан. Унга яна бир нарса аниқ — буйрукни адо этиш чоғида бегоналар билан гаплашмаслиги, айникса, пири Асадбек ҳақида бирон сўз айтмаслиги шарт. Ҳозир Шарифга пўписа килиб шу шартни бузди. Шарифнинг галидан аччиқланиб, «хўжайн ўттиз минг сўрайдиган гадой эмаслиги»ни билдириб кўйиш учун чегарадан чикқанини ўзи ҳам сезмай қолди. Чегарадан ҳатлашга ҳатлади-ю, сўнг афсусланиб, мумтишлади. Шарифнинг ҳақоратига парво килмай ўтиришининг иккинчи сабаби шу.

Шариф эшикни ёпиши билан «Жигули» пойгачи машиналардай силтаниб қўзғолди. Йўлни авайлабгина қоплаётган кор тўзғиб кетди.

Шариф эшиги олдида туриб қолди. Оппок ғиштдан қурилиб савлат тўкиб турган иморатлар каторидаги сомон сувокли пастак уйи қўзига етим боладай мунғайиб қўринди. назарида эгаси камоққа олиб кетилганидан сўнг уйи шармандалик юкини кўтаролмай чўкиброк колгандай туюлди.

Тухматдан қамалиб сўнг озодликка чиқкан одам кувончини ичига сиғдиролмай, баҳтидан ёниб, ҳазор ҳазор шукрлар қилиб уйига учиб кириши керак. Шарифда эса бундай баҳт, бундай кувонч йўқ эди. У давлат қамогидан кутулгани билан, қўринмас тўрга чирмаб ташланганини, бу тўр уни оқибатда батамом ҳалок этишини сезиб турарди. Мана шу сезги уни озодлик баҳтига бегона қилиб қўйганди. У елкасидаги дард юки билан остона ҳатлаб ховлига кирди. Йўлакда биттагина из — кор учқунлари ҳали бу изни кўмиб улгурмаган — демак, Насибаси яқинда қўчадан қайтган.

Ховли этагида «ошхона» номи билан зикр этилувчи бостиurmанинг эшиги зорланиб очилиб, Насиба чиқиб келди. У эри томон бир-икки қадам кўйди. Сўнг нима киларини билмай тош каби котди. Кейин беихтиёр равишда югуриб келиб, Шарифни қучоклаб олди.

Оқ ғиштли данғиллама уйларни, дуру гавҳарларни орзу қилмай яшаётгани, қозонлари бозор гўшти қандай бўлишини билмай, музлаган гўштга ҳам қаноат қилувчи, ҳалол яшамоқлик заҳматини барча лаззатлардан афзал кўрувчи, борига шукр қилиб умр кечираётган бу икки банданинг тили гапга келмас эди. Улар «гунохимиз нима экан?» деган жумбокқа ечим излашар эди. Яратганинг олдида уларнинг гуноҳлари йўқдир, де-

ёлмаймиз, беайб — парвардигор. Бизнинг фикри ожизимизча, бошларига кулфат солган «гуноҳ»ларнинг энг улуғи — «ўйнашмагин арбоб билан...» деган ҳикматни унугланларида. Замонлар ўзгаради, тузумлар ўзгаради, подшолар келиб кетаберади, булар — дунёning устидаги лиbosлар. Эски кўйлак устига янгиси кийилғани, вужуд, қалб, инсоф, виждан эса ўзгармай қолабергани каби, фоний дунё аслини ўзгартирмайди. Халк яратган ҳикматлар ҳам аслича яшайверади. Авваламбор Шариф, қолаверса Насибанинг кўп нарсаларга етгувчи ақли, фаҳми-фаросати шу нуктага етганда андак ожизлик қилгани учун ҳам бу кичик кулфат тузини тотиб кўришди.

Насиба эрининг кириб келиши туши эмас, ўнги эканига ишонч ҳосил килгач, уни бағридан бўшатиб, уйга бошлади. «Болаларни олиб келмадингми?» деди Шариф остона ҳатлаб ичкари киргач.

Насиба лабини тишлаб, бош чайқади. Шу кунлар ичи хувиллаётган уйда ёлғиз ўтириш унга осон кечмади. Аммо ёлғизлик азобидан «дадам қанилар?» деган саволга жавоб қайтариш минг чандон оғиррок эди. Бу савол уни илон каби чақиши, назарида ҳатто жонини ҳам сугуриб олиши мумкин эди. Ўзи айтмаган тақдирда ҳам, болалари кўчадан эшитишарди. Дадаларининг қамоқда ўтиргани мурғак қалбларни эзиб ташламасмиди?! Насиба шунинг учун болаларини онасиникидан олиб келмаган эди. Шариф буни тушунди. «Янги йил кечаси ҳам ёлғиз ўтирибди-да, бечора», деди ўзича.

Нонушта маҳали ҳам бўлиб ўтган нохушлиқдан сўз очмадилар. Иккови бир-бирига қараб-қараб қўйиб, номигагина нон тишлаб, чой ҳўплаб ўтиридилар. Эрхотиннинг иштаҳаси йўқ эди. Улар илк марта ёлғиз колиб бир-бирига айтишга сўз тополмай ийманиб ўтирган келин-куёвга ўхшашарди.

Шариф Насибадан саволлар кутарди. Насиба «эрим ўзи гапирав», деган илинжда эди. Ножӯя савол билан эрининг дилига озор етказишдан чўчирди.

Барча кўргуликларига «фош қиласман» деб дўқ урғани сабаб бўлганини тушуниб етган Шарифнинг хотинига бу ҳакда гапириш нияти йўқ эди. Шу биргина пўписа учун камоққа тикиб қўя оладиган зотлар фош қилишга киришилган тақдирда қаерга олиб бориб тикиб қўйиши мумкинлигини хотини билса, даҳшатдан юраги ёрилиб кетиши ҳеч гапмас.

Шариф жонини саклаб қолишнинг бирдан-бир йўли тилнинг бевошлигига барҳам бериши лозимлигини англайди. Уни кийнаётган нарса — билагидаги игна излари, қамокда хуруж қилган тан азоби. Ҳадемай яна бош кўтарувчи бу азобга энди дош бера оладими? Ё гиёхвандга айланиб қоладими? Мана шу фикрнинг ўзиёк уни даҳшат тўрида ушлаб турарди.

## VII Б О Б

### 1

Жалил уйнга қайтди-ю, аммо тинчини йўқотди. Асадбек бошига бир оғир иш тушганига амин булиб, ташвишланди. Ҳали «фалончини отиб кетибди», ҳали «фалончини ёкиб кетишибди», деган вахимали мишишлар бош кўтараётган таҳликали кунларда Асадбекдай одамнинг ҳам жони қил устида эканини Жалил яхши тушунарди. Аввало ғаним қасд килмасин. Қасд қилса бирор унинг жонини саклаб кололмайди. Атрофини ўнта ишончли йигит ўраб турса ҳам битта ўқ сиғадиган туйнукча топилиб қолар. Шундай экан, бу ўйнга киргандарнинг умри хотимаси аник. Асадбек шуни сездими? Юраги сезгани учун биродари билан видолашиб олмоқчи бўлдими? Асадбекнинг бевакт чорлови Жалилни бу фикр исканжасига топширди.

Жалилнинг назарида телевизордаги бежирим лаблари кулиб турган киз-жувонлар, тиржайиб туриб ашула айтиётган хонандалардан ташқари бутун эл ташвишга бурканган эди. Ҳамиша мирикиб кўрадиган томошлари бу кеч унга ёқмади. «Янги йил кутиш» деган гап ҳам бирданига эриш туюлди. Қуёви билан пиёлани чўкишириб қўйдию ароқни ичмади. Доимо завқ берувчи фарзандлар давраси ҳам татимади. Юраги тарс ёрилгудай бўлиб ўрнидан туриб кетди. «Тобим қочди», деб хонасига кириб чўзилди. «Тинчликми, адаси, ўртоғингиз тинчмилар ишқилиб», деб кирган хотинига бобиллаб берди.

Соат ўн иккода фарзандлари бир-бир кириб янги йил билан табриклаб чикишиди. Қўшни хонада тонгга кадар телевизор сайради. Жалил тонгни ит азобида кутди. Чала-ярим нонушта қилиб, ота маҳалласига жўнади. Асадбекнинг болалиги ўтган ҳовли эшиги ичкаридан танбаланган, демак, чикиб кетибди. Жалил

үйига кириб укасини йўқладиу Асадбекнинг данғилла-  
ма уйига йўл солди.

Ўртоғи уйига келмабди. Манзура одатига хиёнат  
килмаган равишда ердан кўзини узмай сўрашди.

— Тинчликми ўзи, келин? Бир гап бўлганга ўхша-  
ялти, а?

— Тинчлик,— деди ў наст овозда. Бу оиласа сами-  
мий муносабатда бўлувчи энг яқин одамнинг Жалил  
эканини, ҳатто унга ҳам оила сирларини ишониб айтиш  
мумкинмаслигини Манзура билади. Кўз ёши тўкиб ҳас-  
рат дафтарини очгиси келади. Аммо... эри айтмаган  
сирни у айтолмайди. Ҳаққи йўқ. Асадбек унга «фалон  
гапни айт, писмадонини айтма», деб тайинламаган бўл-  
са-да, ўз фаросатига суюнган ҳолда шундай конун  
яратиб олган — эри айтишни лозим кўрмадими, демак,  
у ҳам жим. Жалилга бу аён. Манзурадан гап ололмас-  
лигини билади. Шунинг учун саволини такрорламади.

— Агар тинчлик шунака бўлса, ғалваси қанақа  
бўларкан,— деди у изига қайтаётиб. Болохонадаги қў-  
рикчи йигит дераза ортида туриб унга таъзим қилди.  
Сўнг икки панжасини бирлаштириб юкори кутарганча  
илжайди — бу унинг янги йил табриги бўлди. Жалил  
унга жавобан бош иргаб қўйди.

— Мен галварс эрингизга минг марта айтдим, шу  
ишларни йигиштири, деб. Яхшиликка обормайди бу.

— Ўртогингизни биласиз-ку...

Жалил тўхтаб, орқада кузатиб келаётган Манзу-  
рага қаради. Яна ўша ҳол — аёлнинг боши эгик, кузла-  
ри ерга қадалган. Жалилда Алининг аламини Валидан  
олиш одати бор эди. Ҳозир хумордан чикишнинг зап  
пайти эди-ю, бироқ, ерга қараб турган маъсумага зах-  
рини тўка олмади. Манзуранинг ўрнида ўзининг сергап  
хотинӣ ёки болохонадаги соқчи йигит бўлсами — эши-  
гадиганини эшитарди. «Ҳа, биламан,— деган бўларди  
Жалил,— худо унга миллионлаб бойлик берган-у, та-  
риқча ақл бермаган. Замонга қараб иш юритса ӯлади-  
ми? Миллион сўми йўқлар кирилиб кетяптими, шунча  
бойлик камми унга, гўрига ортмоқлаб кетадими? Лা-  
ҳадда бошига биттагина гувала қўйилади, пул кў-  
йилмайди. Шунга фаросати етадими унинг?!» То ҳову-  
ридан тушгунича Жалилни гапдан тўхтатишнинг ўзи  
бўлмайди. Дуруст, Жалил инсофга кириб, бечора аёлга  
бобилламади, захрини ичига ютди. Шу топда эшикдан  
Асадбек кириб келса, шу заҳар гапларини айта олар-

миди? Айтиш ҳам гапми?! Ҳүш, шахарни ётқизиб-турғизиш кўлидан келадиган Асадбек-чи? Эски юз сўмликни узоқдан куриб қолган, янгиси чиқканини кўриш у ёқда турсин, ҳали эшитмаган оддий ишчининг ҳақорат чегарасини ҳам босиб ўтиб кетувчи сўзларига нима дейди? Жалил гапира-гапира жўшиб кетса, шартта бикинини чимчилайди ё сонга ша-патилаб уриб қолади — шунда Асадбек нима қила-ди? Кайфияти яхши бўлса — кулиб қўя қолади. Ҳатто ўртоғининг бу килиғидан яйрайди. Болалик дамлари эсига тушиб ширин энтиқади. Болалигига бир рўшнолик кўрмаган бўлса ҳам вужудига роҳат ўрмалайди... Жалил заҳарга булаб отаётган сўз ўқ-ларига кайфияти нобоп пайтида дуч келса ҳам газблланмайди. Ўзини босади. «Ха, килиғи совуқ» деб тўнғиллаб қўяди... Шундай экан, Жалил ичини ёнди-раётган гапларини Манзурага айтадими ё соқчи йигитларгами, ё Асадбекнинг ўзигами — фарки йўқ, сўзлар самога сочилган ўқлардек самара бермайди.

Жалил Манзурага қаради-ю, «хайр» деб ташка-рига чикди. Энди қаёқка боришини билмай гаранг-сиди. Катта кўчага кадар каловланиб борди. Сўнг пишиллаб тўхтаган автобусга чикиб уйига кетди.

## 2

Асадбек ошнасиникига деярли келмас эди. Тўй-маъракаларда бирров келиб кетарди. Жалилнинг бо-лалари, айникса куёви, Асадбекнинг номини эши-тишган, аммо ўзини яхши танишмас эди. Шунинг учун эшик қўнғироғи тугмасини босиб йўқлаган ба-шанг кийимли кишини кўриб, ажабланишди. То Қамара — Жалилнинг кўз очиб кўрган хотини чиқкун-ча Асадбек остоноада турди. Қамара уни кўриб ҳай-ратланди.

— Вой, Бек ака, келинг, келинг,— дейишдан бошка гап тополмади.

— Жалил уйдами? — сўради Асадбек.

— Йўғидилар... Эрталаб чиқиб кетувдилар... Бугун биринчи... Сизникига кетдиларми, дебман. Киринг, ке-либ коладилар.

Асадбек иккиланиб ўтирмай кирди. Мехмонхона йиғиширилмаган эди. Қамара Асадбекнинг кириши

мумкинлигини тасаввур ҳам қилмагани учун шошиб, довдираб қолди.

— Кеннойи, сиз безовта бўлманг. Мен ҳозир кетаман,— деди Асадбек уриниб қолган диванга ўтириб. У кира солиб диваннинг оёғи ўрнига газетага ўралган ғишт қўйилганини кўрган эди, шу сабабли эҳтиёт бўлиб чўкди.

— Вой, овораси борми, сиз ҳар куни келиб юрибсизми? Қеча невараачам бир ёшга тўлди. Шунинг учун ҳамма йигилган эди.

Кечада... ўттиз биринчи декабр... Асадбек Қамарага ялт этиб қаради. Аёлнинг гапи унга укаси Самандарни эслатди. Самандари ҳам ўттиз биринчидаги туғилган эди. Бир ёшга тўлганида бундай тантана йўқ эди. Танчада ўтириб, кора нонни илиқ сувга ботириб қоринни тўклиш — улар учун катта байрам бўлган ўшандада. Жалилнинг уйига ёзилган дастурхон ҳам Асадбек қаричи билан ўлчанса — харобгина тантана. Лекин ҳар кимнинг қаричи ҳар хил. Дастурхон устига бир тишлам қотган нон қўйилса ҳам, атрофига фарзандлар йигилса тўкин дастурхондан файзлирок бўлиб кетади.

— Сиз зерикмай ўтира туринг,— Қамара шундай деб телевизорни ёқди.

— Неварангизнинг оти нима!— деб сўради Асадбек.

— Ўртоғингиз китоб қараб Самандар деб қўйганлар. Ўт-оловни ҳам писанд қилмайдиган ғалати күш бўларканми-е... Кудалари «Улугбек» деб қўймоқчи эканлар. «Хей, дадаси, болага исмни киз томон қўймайди», десам ҳам «Ҳамма ёкни бек босиб кетди, битта Самандар бўлиши керакми ё йўқми!» деб қайсарлик килиб туриб олдилар. Барака топгур кудамиз жуда яхши одам-да. Хўп, деб кўниб қўя қолдилар...

Қамаранинг оёқ-қўли ҳам, тили ҳам чакконгина эди. Чўлок диванда ким ястаниб ўтирганини унуби гапга тушиб кетди. Унинг сўзлари Асадбекнинг қулоғига кирмади. «Самандар» деган исмни эшишибок кўз олди хиралашди. Томоғига бир нима тикилди. Ярим соат бурун пуленинг кўплигидан эсини йўқотган винзавод бошлиғининг тақдирини бир сўз билан ҳал этган Асадбек ўзини бенихоя ожиз банда эканини ҳис этди. «Хатто шу ғалча хотиннинг баҳти ҳам йўға менда,— деб ўйлади.— Невара кўрсан исмини Самандар қўйман, деб юрувдим. Жалил илиб кетибди. Китоб кўриб қўйганмиш... Жалил ўзини ҳақгўй дейди. Мен уни

ношуд дейман. Бахт ношудларга кулиб бокаркан-да? Шу ношуд кизини күёвга узатиб, невара күриб, хурсандчилик килиб ўтиrsa... Мен шундай ҳам бўлолмасам... На акам, на укам бор. Факат... пулим бор. Бу ношуднинг пули йўқ. Аммо укалари, күёви, Самандари бор... Мен ҳашамдор уйда яшайман, уйимни дев йигитлар пойлашади. Бу ношуд оёғи синик диванда ёнбошлиб ётиб, ўламан деб турган телевизорни томоша килади. Эшиги ҳамиша очик... Кўнгли ҳам очик... Янги диванни, рангли телевизорни орзу ҳам қилмайди... Нега орзу қилмайди?! Одам ҳам шунчалик ношуд бўладими! Ўзига керак бўлмаса, болалига лозим-ку! Болаларининг кўнгли синмайдими! Невараси шу чўлоқ диванда ётиб, шу хира телевизорни кўриб улғайиши керакми? Аблаҳ, ношуд!» Юраги эзилиб ўтирган Асадбекни бирдан газаб чулгади. Шарт ўрнидан турди.

— Вой, ўтиринг, ўртоғингиз ҳозир келиб қоладилар,— деди Камара.

— Ҳозир келаман,— деди Асадбек,— чойингиз қайнагунча қайтаман.

Камара бу гап шунчаки кўнгил учун айтилди, деб ўйлаган эди. Мехмонхонани йиғиштиришга улгурмай, Асадбек қайтгач, баттар шошилиб колди. Камара меҳмоннинг улуғлигини ҳисобга олиб, охори тўкилмаган янги дастурхон ёзди. Күёв чикиб Асадбек билан қўшкўллаб сурасди-да, чой куйиб узатди. Ҳашамдор уйларда, тукин дастурхонлар атрофида ўтиришга кўнижкан Асадбекка қофозлари сарғайиб, айрим ерлари кўчиб тушган уйда чой ичиш бошқа пайт бўлганда малол келарди. Унинг ҳозирги қайфияти айнан шундай шароитни кўмсарди. Фарид кўнгил, фарид уйни соғинган эди.

— Күёв бола, хизмат каерда?— деб сўради Асадбек.

— Курилишда ишлайман,— деди йигит айбдор одамдай бўйинин қисиб.

— Уйни тузатиш қўлдан келадими?— деди Асадбек сарғайган девор қофозга имо килиб.

— Ҳа, оз-моз.

— Қўлдан келса, тузатинг. Сиздай күёв карамаса ким карайди,— Асадбек шундай деб бир даста юзталик чиқариб күёвга узатди.— Қайнатангизга айтманг. Бу гап сиздан чиқкан. Бир-иккита ошнангизни олиб уйни кўғирчоқдек килиб кўйинг. Харбийдаги йигит қачон келади?

— Келиб қолса керак...

«Күёвни ҳам зап топган экан-да...» деб ўйлади Асадбек.

Бир соатдан кейин Жалилнинг уйи бесаранжом булиб қолди. Беш-олти одам баравар бостириб кириб аввал чўлок диванни, сўнг стол-стулларни, сўнг хира телевизорни олиб чиқиб кетишиди. Ўрнига янги диван, янги стол-стуллар, рангли телевизор кўйилди. Қамара «Вой, ўлмасам,вой, кизик бўлди-ку», дейишдан бошқа сўз топмади. Асадбек бу ўзгаришларга алоқаси йўқдек, пинагини бузмай туарди.

Жалил уйига кайтганда ҳамма иш саранжом булган эди. У Асадбекка заҳрини сочишга улгурмади. Қўрккан олдин мушт кўтарар, деганларилик, Асадбек оstonада ўқрайиб туриб колган ошнасига караб ба-кирди:

— Финг десанг, абжағингни чиқариб ташлайман, бу сенга эмас, Самандарга, туғилган кунига совға!

Жалил Асадбекка бир нима дея олмади, аммо хотинига караб ўқрайди. Қамара ўзига қандай ширин гаплар атаб қўйилганини фаҳмлаб, лабини тишлади.

— Сенга нима бўлди? — деди Жалил, Асадбекка тикилиб, — пайтавангга курт тушганини билиб турибман.

— Менинг пайтавамга эмас, сенинг миянгга курт тушған,— Асадбек шундай деб Қамарага караб кўйди. У эркаклар гаплашаётганда аёл кишининг атрофда ивиришиб юришини ёқтирмас эди. Қамара Асадбекнинг максадини англаб, тезгина чиқиб кетди. Асадбек шундан сўнг гапини давом эттириди.— Невара курибсан, исмини Самандар кўйибсан, орадан бир йил ўтиби... Асад деган ўртоғим бор эди, хурсандчилигимга шерик қиласи, укасининг оти ҳам Самандар эди, неварамга от қўйишда бир сураб олай, дейишга ақлинг калталик килдими? Тилинг бир қарич. Бирорга сўз бермайсан-у, шунака нарсаларга келганда калланг ишламай қолади, хом ошқовок!

Жалил унга караб жилмайди. Ҳозир унинг каршисида факат худогагина бас келолмайдиган Асадбек эмас, кўп жабру жафоларни бирга тортган, бир кучани чангитиб, бир ямок кўрпани тепишиб катта булган ошнаси ўтиради. Асадбекнинг овозида амр оҳангি ҳам, қаҳр ҳам йўқ эди. Асадбекнинг бу одати Жалилга маълум. У дунё ташвишларидан эзилиб, болалигини

күмсаган пайтларида Жалилни топтириб келиб шу оханды гап бошлайди. Икки ошна соатлаб гаплашиб ўтиришади. Сухбат аъёнларнинг иштирокисиз бўлади. Зарур иш билан келган Кесакполвон ҳам, Чувринди ҳам уларнинг сухбатини бузишга журъат қила олишмайди. Бунака пайтларда аъёнлар матбуот хабарлари-га тақлид килиб «икки президент юзма-юз учрашиди. Халкаро ахволнинг муҳим масалалари келишиб олинди», деб ҳазиллашишади. Ёник эшик ортидаги «халқаро ахволнинг муҳим масаласи»— ёнғоқ ўйинида чиқкан жанжалнинг «тинч йўл билан ҳал этилгани»дан бошланиб, битта калишни галма-гал кийиб мактабга қатнаш чогида юз берган саргузаштларни эслаш билан якунланади.

Жалил Асадбекнинг бугун бу хусусда гаплашиш нияти йўклигини билди. Агар Ҳасаннинг ўнг бикини оғриса, Ҳусанники ҳам оғрийди, деганларидек, Асадбекнинг юрагини тирнаётган дардан Жалил бебаҳра қолиши мумкин эмас. Асадбек дардини ичига ютмоқчи. У отаси олиб кетилган кундан бери исён йўлига кирган, аммо очик-ойдин ҳайкириш, шиорлар кутариб майдонга чикиш йўлидан бормай, арконни узун ташлаб, дардни ҳам, ғазабни ҳам ичига ютиб аста иш кўришни ўрганган эди. Жалилнинг йўли бўлак — ўйчи ўйига етгунча таваккалчи уйига етади, қабилида ишни дангал битиришга одатланган. Ҳозир ҳам ошнасининг гапни майдалашига тоқат қиломади.

— Ерилсанг-чи! — деди у жеркиб. — Мендан бошка дардкашинг борми?

Асадбек Жалилга тикилди. Худди рўпарасидаги одамни биринчи марта кўраётгандек тикилди. Гапириш осон. «Ерилиш»— хотинларга хос. Эркак дардини айтгунча тўлғоқ азобларини бошидан кечиради. Айниқса Асадбекни эзаётган дард бировга айтгулик эмас. «Кизимни ўғирлаб кетиб, кейин ташлаб кетишибди», дейишга тил айланадими? Эркаклик номуси, ори бунга йўл қўядими? Кеча Жалилни атайин йўқлатди-ю, дардини айттолмади. Бугун эрталаб винзавод бошқони тақдирини ҳал этиб уйга кетаман, деганда ташқарида савдо растаси хўжайнинг йўлиқди. Хўжайн савдо ахлига хос тавозелик билан сўрашиб, икки қўлини кўксига қўйиб, «Бағрингиз тўлиб, хурсанд бўлиб колдингизми?» деди. Асадбек «Ха» ҳам, «Йўқ» ҳам демади. Унга бир ўқрайдию машина эшигини очди. Бу одам

кизининг қайтганини эшишиб, табриклагани келган. Ўзича бу одамгарчиликка кирувчи фазилат, одат. Асадбек унинг лаганбардорлигидан бир ғаши келган бўлса, бефаҳмлигидан бир ғазабланди. Қизини кимлардир ўғирлаб кетиб, қандайдир ахволда ташлаб кетишадиу у хурсанд бўладими? Қизига тегишмаган бўлишса-ку, хўп-хўп... Йўқса... тирик қайтаришмагани минг марта афзал эмасмиди... Асадбек машинага ўтиргач, хаёлида бошқа гап ўрмалади — бу одам ис олибдими, демак, кўпчилик билади. Бугун кечгача шаҳарга тарқаса ҳам ажаб эмас. Нима қилиш керак? Аъёнлари билан иш юзасидан маслаҳатлашади. Уларни шу пайтгача оила сирлари, ташвишларига тортмаган. Асадбек учун оила — муқаддас. Ҳар кимнинг ҳам тумшук суқазеришини хуш кўрмайди. Чувринди уйланган йили «оилавий бўлиб ўтириб турайлик», деганда, Асадбек «хотинингни бозорга солмоқчимисан», деб гапни калта килган, шу-шу оилавий борди-келди масаласи қайта тилга олинмаган эди. Уларнинг хотинлари фактат йўқлов, тўй ва маърака баҳонасида кўришишар, «эсонмисиз-омонмисиз»дан нарига ўтишмас эди. Шундай экан, кизининг эндиги тақдирини аъёнлар билан маслаҳатлашиши мумкинми?

Асадбек Жалилдан жўяли маслаҳат чиқар, деган илинжда эмас, балки таскин илинжида келган эди.

— Мишмишларни эшифтандирсан? — деди Асадбек, ошнасидан кўз узмай.

— Мен миш-миш орқалаб юрадиган хотинмасман, — деди Жалил. — Сен бўладиган гапни гапир. «Ростдан эшифтмаганми?»

Асадбек саволига жавоб топмок истагида Жалилнинг кўзларига қаради. Бу кўзларда алдов йўқ эди.

Жалил ошнасининг тўлғок азобида эканини хис килди. Бу дардни ҳатто энг яқин одамга ҳам айтиш оғир экан, демак, иш чатоқ. Жалил бироз юмшокрок гапириб, унинг кўнглини овлаш ниятида деди:

— Каттага катта дард ёпишади, гапир, ўзингни қийнама.

— Катта дард дейсанми?.. Билмадим... Шу пайтгача менга бирор кўл кўтармаган эди.

— Дунёни бекорга чархпалак дейишмаган. Замон ўзгариб туради, шунга ақлинг етмабмиди?

— Етган эди, лекин...

— Етган бўлса, вактида этакни ёп. Вактида кетсанг — олам гулистон.

Айтишга осон. Замон саҳнасидан тушишнинг ўзи бўладими? Паstdагилар сени алкаб, бошига кўтариб юришга тайёр бўлса, саҳнадан дадил туша оларкансанми? Тушишингни қўлда найзалар билан пойлаб тургандар-чи? Шу найзалар борлигини билмаганда Асадбек Жалилнинг маслаҳатига муҳтоҷ бўлармиди? Асадбек гапни чўзишнинг ҳожати йўклигини англаб:

— Кизимни ўғирлашди,— деди. Шу гапни айтдию уятдан ёниб кетай деб кўзини олиб қочди. Айбига иқрор бўлган гуноҳкордай бошини эгди.

— Қачон? Топилмадими?

— Кеча ўзлари ташлаб кетишибди.

— Кимлигини билдингми?

— Аниқ билмайман. Гумоним бор.

Жалил ўйга толди. Бир неча нафасдан сўнг хўрсинди:

— Худодан кайтиби.

Асадбек бошини шартта кўтарди:

— Бу нима деганинг?!

— Сен майшат килган қизларнинг ҳам ота-оналари бор эди, улар ҳам эзилгандир, худога нолалар қилгандир. Худо кар эмас, бу оҳларни эшитгандир?

— Оғзингга караб гапир! Менинг майшат килганини кўрдингми?!— Бу сафар Асадбекнинг овози титраб чиқди. Жалил унинг қўзларига караб кўркди: бу қўзларда ғазаб учкунланаётган эди.

— Кўриб нима, мен сенинг маҳрамингманми, изингдан юрадиган. Эшитгандан, ҳамма гапиради.

— Ҳамма гапирса ишонаверасанми, хе... с-сутак!— Асадбек беихтиёр сўкинди. Бошка вазият бўлганда Жалил қарзга ботмай, дарров кайтарарди. Ошнасингнинг важоҳатини кўриб, ўзини тийди.

— Бўлти, ўзингни бос,— деди у.— Кизинг тирик экан, худога шукр кил.

— Жалил,— деди Асадбек қаҳрли овозда,— билиб кўй, мен номард эмасман. Мен итнинг боласи эмасман, одам боласиман. Бирорларнинг бурнини қонатиб лаззат топаман, деб юрганим йўқ, бу дунёда. Аламим борлигини биласан-ку. Бу аҳмок гапни бошқадан эшитсам хафа бўлмас эдим. Сен ҳам шундай дединг-а!

— Сен қилмаган бўлсанг бу ишни шотирларинг килишади. Лаънат эса сенга оқиб келаверади. Сен

одамлар кўзига бўри булиб кўринасан. Есанг ҳам, емасанг ҳам барибир оғзинг кон. Сен мен билан гап талашма. Буладиган гапдан гапир. Тумшайиб юравермассан, ахир. Йима килмокчисан?

— Ҳайронман...

— Гап кайнаб чикмасидан узатвор қизингни.

Асадбек кечадан бери хаёлнинг қайси кўчасига кирмасин, шу тўхтамга келаётган эди. Жалилдан ҳам шу фикр чикишини кутган эди. Кутилган фикр айтилди, аммо енгил тортмади. Чунки фикр айтмоқ осон. Тўй қилиш ҳам осон. Бироқ, қизининг юзи ёруғ бўладими — машақкат шунда. Куёв бўлмиш Асадбекнинг қаҳридан куркиб хозир индамаслиги мумкин. Кейинчи? Замон саҳнасидан тушиб кетгач, қизи хўрланмайдими? Кўчага хайдалмайдими? Шармандалик либосига ўралмайдими? Асадбекнинг хавотири шунда. Сиз «Хўш, ўзининг ор-номуси-чи?» дейишингиз мумкин. Бир доно шоир «ота-она меҳрисиз ҳам яшамоқ мумкин, аммо мумкин эмас номуссиз яшаш», деганда минг карпа ҳак. Асадбек ота-она меҳрига тўймай ўси. Қизининг ўғирланиши — унинг номусига тегишмаган тақдирда ҳам — ота-она номусининг топталиши билан баробар. Шундай экан, Асадбек бунга қандай чидасин?! Чап елкада ўтирган шайтон қасосга ундаиди: «Кўлингни узатсанг еттинчи осмонга ҳам етадиган инсонсан. Бирор сенинг косангга туфлабди, оши ҳалолингни булғабди-ю, сен эзилиб юрибсанми, кимдан гумонинг бўлса — янчид ташла! Бугун қасос олмасанг, эртага эл олдида башарангга тупуришади. Отангни олиб кетишганда ночор эдинг. Ана шу ночорлик сени бир умрлик армон ўтида куйдиряпти. Энди ҳам ноҷормисан? Кон тўқмасанг эркак эмассан! Ўзингни кўрсат! Йомус учун кон тўкиш лозимлигини эркакларга эслатиб қўй!!» Аммо қилич яланғочланган дамда ўнг елкада ўтирган Раҳмон билагидан ушлаб тўхтатади. Кон тўкишга йўл бермайди. «Гумонинг тўрига ўралгандарни тифдан ўтказишинг — ожизлигинг аломати. Гуноҳкор осонгина жон бериб қутулиб кетади. Сен эса номус азобида тўлғаниб қолаверасан. Сен хозир унинг гуноҳларидан ўт. Аммо шундай килгинки, умри азобда ўтсин. Вакти келиб оёғингга бош урсин, тавбалар килсин. ана шунда ўлдирсанг хумордан чиқасан. Ўлсанг кўзинг очик кетмайди...»

Шу овоз Асадбекни ушлаб турибди. Йомус азобига

чидашга мажбур этяпти. Жалилнинг уйига бошлаб келган хам шу овоз. Агар ошнаси «уларни қириб ташла» деса бас, янги йилнинг биринчи куни конлар тўкиш билан бошланади. Асадбек Жалилнинг бундай демаслигини билади. Билгани учун хам уни кора тортиб келди.

### 3

Дунёда энг ширин нарса нима, деб сўралганда «уйку» деб жавоб беришган экан. Бу гап хам тӯғри. Бирок болалик хотираларини эслаш лаззати уйқудан хам мазлироқдир. Чунки ёш ўтган сайин, болаликдан узоклашганингиз сайин ўтган кунларни эслайверасиз, энтикаверасиз. Айниқса жон-журалар учрашганда уйқуни хам тарк этиб, узун кечалар хотиралар ихтиёрига берилишади. Асадбек билан Жалилнинг бундай кечалари кўп бўлган.

Жалил ошнаси кўнглидаги губорни ана шу хотира-лар ёрдамида кувмоқчи бўлди. Лекин энг ёрқин во-кеалар хам Асадбек кўнглига равшанлик бермади. У тунд киёфада ўрнидан туриб, Жалил билан хайрлашиди. Жалил уни кузатиб кўчага чиқди. Асадбек машина сари юрганида орқадан Жалилнинг овози келди:

— Кўчада Асадбекка ўхшаб юр, шунчалик чўкасанми?

Бу гапни эшишиб Асадбек кадди букилиб колганини сезди. Жалил ҳеч качон унинг кудратини пеш килиб гапирмаган эди. Хозирги айтгани.. «Асадбекка ўхшаб юр...» Мана шу гап унга далда бергандай бўлди. Қаддини тиклади. Чукур нафас олди. Машина эшигини очгач, оркасига ўгирилди.

— Корангни кўрсатиб тур. Одамларнинг ошнасига ўхшаб йўқлашни қачон ўрганасан?

Жалилнинг санчиб оладиган жавоби тайёр эди-ку, аммо биродарининг ахвол-рухиясини ўйлаб тилини тийди. Жилмайиб, бош иргаб кўя колди.

Асадбек ҳовлига қадам босгач, ошхонадан чикаётган қизига кўзи тушди-ю, беихтиёр тухтади. Қизи хам уни кўриб бир он харакатсиз колди. Сўнг паст овозда салом бериб шошганича изига қайтди. Ота билан қизнинг нигоҳлари бир сониягина учрашиди. Гўё тусатдан яшин чакнаб коронғулик бағрида ўртанаётган икки

хаста дилни ёритиб ўтгандай бўлди. Яшин нури сўниши билан уларнинг ҳар бири ўз жаҳаннамига, яна ўтда коврилиш, азобланиш учун қайтдилар.

Қиз нима учун отаси олдига югуриб келмади, нима учун бўйнига осилиб кўз ёш тўкмади, нима учун нолалар қилмади? Нима учун дардини ютиб жаҳаннам азобини ўзигараво кўрди? Асадбек кўркиб кутган ходиса рўй бермади. Ҳа, у қизи билан учрашишдан кўрқаётган эди. Қизи фарёд урган тақдирда ичини кемираётган вулқоннинг отилиши тайин эканини билиб, ташвишланаётган эди.

Асадбек қизини сира эркаламасди. Кесакполвон — фазабга минганида отасини ҳам танимайдиган қаҳри каттиқ одам, ойда бир марта хотинини уриб турмаса егани ичиға тушмайдиган жizzаки эркак — бўйи етган қизини ҳаддан зиёд эркалаб, юзларидан чимдид, ўпиб қўйганида Асадбекнинг гаши келарди. Баъзан танбех бериб, баъзан «қизингни эрга берганингда ўзингни ҳам қўшиб берасанми», деб пичинг қиласарди. Кесакполвон Асадбекнинг бундай гапларини, пичингларини қулоғига олмасди. «Бу қизимни ўзим тукқанман», деб тиржаярди холос. Қим, қандай туғишини яхши фахмлайдиган қизи отасининг бу ҳазилидан яйраб, баттар эркаланарди. Ҳар тўқисда бир айб, деганларидек, бегуноҳ одамнинг жонини суғуриб олишда киприги килт этмайдиган одамнинг фарзандига нисбатан шундай меҳри борлиги оламнинг ажабтурулигидан эди.

Асадбек баъзан «мен ҳам болаларимни эркалашим керакми?» деб ўйлаб қоларди. Ота-онага эркаланиш нима эканини билмай ўсган одам учун бу мушкул савдо экан. Фарзандга меҳрибонлик бошқа, эркалаш, талтайтиш бошқа. Шу боис Асадбек болаларини эркалатмасди, дейилганда «у фарзандларига бемеҳр эди», деб тушунмаслик лозим. Алқисса, ҳозиргина ошхонага кириб кетган қизи унга салом бериш билангина кифояланар эди. Асадбек шунга кўнниккан бўлса-да, ҳозир андак ажабланди. Қизининг номус ўтида куйиб кул бўлаётгани унга ҳозирча номаълум. Буни кейинрок идрок эта бошлайди. Яшин чақиб, чок-чокидан сўқилиб қолган қора булатлар оркасидан ой кўриниб, коронгулик чекингани мисол, ошхонадан хотини чикдию кунгли равшан тортди. Қўпчилик назарида даҳшатли одамхўр сифатида гапдаланувчи Асадбек шу онда хотинини бағрига босиб йиглагиси келди, десам, албатта ишон-

майсиз. Лекин сиз ишонинг. Мол-дунёси бехисоб, ўл деса ўладиган одамлари бор бўлган ҳолда ҳасратини эшитадиган ҳамроzi йўқ кишининг холига сиз ҳам раҳм қилинг. Бу фожиани ҳатто ғанимларингизга ҳам раво кўрманг.

Йиғлагиси келгани билан Асадбек йиғлай олмасди. Хотини унга далда бергиси келганда ҳам юпата олмасди. Оғир бўлганда шу Манзурага оғир. У икки ўт орасида. Бир томондан кизига ачинса, куйса, бошка томондан эрининг ғазабидан кўрқади. «Жаҳл устида бир нима қилиб қўймасалар эди», деб жони ҳалақда. Ҳозир ошхона остонасини ҳатлаб чиқди-ю, кўрқувдан пирприраётган кўзларини эрига тикиб, салом берди. Сўнг:

— Яҳши келдингизми, адаси,— деди. Бу гапини ўзигина эшитди. Кўркибгина, астагина айтилган сўзлар ҳавога сингиб кетди.

Асадбек уйга қараб юрди. Манзура унга эргашди. Ичкари кира туриб чакконлик билан энгашди-да, эри бетартиб ечган туфлини жуфтлаб, бир четга олиб қўйди. Сўнг ичкари кириб, Асадбек узатган палтони олиб, илгакка илди. Бу жараён кунда такрорланади. Ташқаридан кузатган одам ҳар куни бир томошани айнан кўргандай бўлаверади.

Асадбек ичкари кириб ўзи хуш кўрувчи тебранадиган юмшоқ ўриндиқка эмас, дераза томондаги бир қават кўрпачага ўтирди.

— Вой, тўхтанг, кўрпача солай,— деди хотини шошилиб.

Асадбек «керак эмас», деган маънода қўл кўтарди. Манзура бу ишорани кўрмагандай нариги уйга кириб кўрпача кўтариб чиқди.

— Бир пасга туринг, адаси.

Асадбек ўрнидан жилмади.

— Ўтири.

Манзура гилам устига ўтириб, кўзини ерга тики.

Асадбек гапни нимадан бошлишни билмай каловланди.

— Тинчликми?— деди у бироз сукутдан сўнг.

— Тинчлик,— деди хотини синик овозда.

— Бир нима дедими?

— Йўқ ҳали.

— Сўрамадингми?

Манзура эрига шошилиб караб олдию бошини эгди.

— Кандай сўрайман.

— Мен сўраймн бўлмаса!

— Вой, адаси...

— Ха, латта!

Асадбек шундай деб тўнғиллади-ю, бакириб юборишдан ўзини тийди. «Сўраганининг нима фойдаси бор?» деган фикр уни жиловдан тутди. Хўш, сўради хам дейлик, «зўрлашди» деган жавоб олди нимаю «тегишимади» деганда нима? Ҳар икки холда хам ўғирланган киз одамлар учун номуссиз бўлиб колаберади-ку?..

— Энди нима килмокчисан?

Манзура энди нима килиши мумкин? Унинг йифлашдан, фиғон чекишдан бўлак нарсага қудрати етадими? Асадбек буни яхши билади. Шунинг учун савол беришга бериб кўйиб, жавоб кутмади. Шунча йил бирга умр кечириб хотини билан маслаҳатлашмаган одам шу нозик паллада фикрлашармиди? Нима ҳақда сўзлашишни билмагани учун хам шу сўрок тилидан учди. У ҳозир ёнида хотини бўлишни истарди. Манзура чиқиб кетса вужуди кимсасиз уйдек ҳувиллаб қолишини ҳис киларди.. Аммо хотини рўпарасида ўтирас экан, худди уришиб қолгандай оғзига талкон солволмайди-ку. Хотиннинг камгап, баодоб бўлгани яхши-я, аммо мана бунака пайтда эрни эзиб ташлайди-да... Манзура гапга чечанрок бўлганида Асадбекни губорли ўрамдан олиб чиқармиди...

Ташқаридан эркак кишининг овози келиб, Манзура чақкон ўрнидан турди-да, дераза оша ҳовлига каради.

— Мутаваллингиз,— деди ажабланиб.

— Чакир,— деди Асадбек.

Манзура тез-тез юриб чиқди. Дам ўтмай эшик оғзида бўйни узунлигидан эгилиброк юрувчи, эгнига уриниброк қолган палто, бошига янги сувсар телпак кийган мутавалли кирди. Сокол-мўйлов улашилганда кечроқ қолган, аммо яратган «бу ҳам эркак-ку», деган раҳм билан топиб берган беш-ўнта тукни савлат килиб ўстириб, жамики тирик жоннинг энсасини қотиргувчи Каримуллага Асадбекнинг ҳам тоқати йўқ эди. Етимхона бошқони бўлиб ишлаб, ўз таъбири билан айтганда, шайтоннинг биттагина гапига кирди-ю, олти йил умрини симтўсиқлар ортида ўтказиб қайтди. Яна фирмакага тиклаш масаласида кўп уринди. Фирқага аъзолигига қайта олганида таровати ўзгача бўларди. Ҳатто ўзига ҳам ёқмайдиган, сокол-мўйлов деган номга иснод

келтирувчи бу туклар ўстирилмасди. Хитойнинг охори түкилмаган ок кўйлагини кийиб, Олмониянинг нўхот гулли кизил бўйинбогини такиб, финларнинг кўзни оловучи костюмини эгнига илиб, гердайиб юради. Айб ўзида — райқўмга узатиши лозим эди. Ўзини хокисор кўрсатиб бир янгишди. Райқўмдагилар хокисорларга раҳм қилас деб ўйлаб эди. Раҳмдиллар райқўмда эмас, бу томонда экан. Бахтига маҳаллада масжид қурилиши бошланди. Аввалига ҳайбаракаллачи булиб юрди. «Уни у ёкка ол, буни бу ёкка қўй», деб туриш, чойни шопириб қайтариб ўзидан улугрок одамларга таъзим билан узатиш хадисини олган эди. Қурилишда хар куни ўралашиб юрувчи битта бекорчи керак экан. Шундан фойдаланиб, пойдевор битмасиданоқ ўзини «мутавалли» деб эълон килди. Абдукарим деган исм, гарчи муллаликка дахлдор бўлмаса-да, Каримулла деб ўзгартирилди. Бу «мулла» хотираси заифлиги туфайли тўрт ой бадалида «Оятал курси»ни ёд ололмай, иккита кичик сурा билан тирикчилик килади. Ўшандада ўстира бошлаган «сокол-мўйлаб» иморат томи ёпилибди, хали бир энликдан нарига ўтгани йўқ. Бу ҳол Кесакполвон учун бир эрмак. Уни ҳар кўрганида «Каримулланинг соколи ичкарига караб усади», деб мазах килади. Асадбек мутаваллининг тезроқ кетишини истайди, Кесакполвон эса уни масхаралаб ўтиришни ёқтиради. Каримулла бу масхарани малол олса-да, сиртига чиқармайди. Кесакполвоннинг гапларидан мирикандай хихилайди. У Асадбекдан чўчиди, камган, мулоҳазали Чувринидан эса кўрқади. Шу ҳолда аъёнлардан бири уни «ўзига яқин олиб» «ҳазил» килар экан, нимаси ёмон?

Каримулла Асадбек ёлғиз эмасдир, деган хавотирда эди. Ичкари киргач яйраб кетди. Илдам юриб келиб Асадбек билан қўшқуллаб сўрашди. Асадбек ўрнидан кўзғолмай, қўл учини берди.

— Ўруснинг янги йили муборак бўлғай,— деди Каримулла иштайиб.

Асадбек унга жавоб бермади. «Хўш, нимага келдинг?» дегандек норози киёфада бокди. Каримулланинг максади янги йил билан табрик этиш эмас, балки кўнгил сўраш, шу орқали ўзининг ҳам рухан «азият чекаётганини» маълум килиб қўйиш эди. Аммо Асадбекнинг қараши уни шошириб қўйди. «Сизга касд килганлар паст бўлсин, кизингизнинг бахти очилиб

кетади, иншооллох», деб дилига тугиб келган гапларини ҳам унудти.

— Битта хонага жой қилиб намозни бошлаб юбордик. Бутун маҳалла дуои-жонингизни қилиб ётиди. Сувоқчилар хонақоҳдан чикиши.

Хабар Асадбекни мутлак қизиқтирмаётганини сешиб Каримулла жимиб колди. Шу гапларнинг ўзини айтиб чикиб кетавериш мумкинмасди. Шу учун бироз каловланди.

— Айвоннинг... тўсиқларига темир керак экан, борсак бермади, зангар. Лимит-пимит дейдими-ей...

— Темир сенга ҳозир керакми? — деди Асадбек тутоқиб.

Шу топда Асадбекнинг кўнглига бундай гаплар сиғмаслигига, умуман, майда-чуйдалар билан шуғуланиш бошқа аъёнларнинг иши эканига Каримулла-нинг калта фаҳми етармиди?

Асадбек шарт ўрнидан турди. Каримулла «тепиб қолади шекилли», деб қўркиб, ўзини четга олди. Асадбек эшик ёнига илинган, шапалоқдек келадиган хориж телефонини олиб, чиройли тугмачаларни босиб ракам терди.

— Алло, ким бу? — деган эринчоқ аёл овози келди.

— Тўхтасин керак, — деди Асадбек жеркиб.

— Ухляяптилар.

— Ўйғот, ғафлатни, Асадбек акам сураяптилар, де.

— Вой, ассалому алайкум, ҳозир... Ана, туриб келяптилар...

Ярим дақиқа ўтмай хирилдоқ овоз эшитилди:

— Ассомайкум, Бек ака, тинчмисиз, омонмисиз, янгам...

Асадбек унинг гапини шарт бўлди.

— Масjidга нима учун темир бермадинг?

— Оқаҳон, лимит...

— Икки соатдан сўнг темирлар масжидда бўлсин.

— Бек ака, эртага эрталаб...

— Икки соатдан кейин масжидга чикиб кўраман.

— Ахир бугун кранчи...

— Ўзинг кўл билан ортасан.

Асадбек гапни калта қилиб, телефонни жойига илди:

— Икки соатдан кейин усталаринг жойида бўлсин.

Каримулла бу гапни эшитиб, бошига ғавғо ортирганини билди. Кирганига минг пушаймон еди. Топширикдан кутулиб колиш учун баҳона излади.

— Усталарнинг ҳакига сал камхаржрок бўлиб ковувдик. Чиқмаймиз, деб хафарок бўлиб кетишибди,— деди мижговланиб.

Асадбек маҳаллага ёрдам бўлсин, деб пул берарди, бироқ, сарф-харажатларни текшириб кўрмас эди. Бир ҳафта бурун «мутавалли масжид ҳакини сичқондек кемириб ётибди», деган гапни эшитиб, «етимларнинг ҳакидан кўрқмаган, масжид ҳакидан кўрқармади», деб гижинган, лекин чора кўришга шошилмаган эди. Ҳозир шу гап ёдига тушдию янада тутокди:

— Усталарнинг ҳакига шерик бўлмаганингда етарди.

— Бек ака, ундай деманг-а, астағфируллоҳ!

— Хе, сени художўй қилиб тукканни...

Каримулла ўзини оқлашга киришишнинг оқибати яхшилик билан тугамаслигини англаб, бошини эгганича жим қотди. Мўъминликнинг шуниси яхши-да. Ғазабга минган одам тутокаверади, сўкаверади, сен эса бошингни эгиб олиб унинг етти пуштини ичингда ўқийверасан. «Онангни!» дейди у, «онангнинг онасини қўшиб...» дейсан сен. «Ҳароми!» дейди у, «ўзинг итдан туғилгансан», дейсан сен. Шу ҳолда давом этаверади. Сенга яхши. Дилингдагини овоз чиқариб айтдинг ни маю ичингда айтдинг нима? Фарқ шундаки, дилдаги тилга учса жонинг кетиши мумкин, жонингга раҳм қилинган тақдирда абжагинг чиқади. Тилни бесуяк яратган Худога зорланиб бир-икки ой, балки бир умр кўрпа-тўшак қилиб ётарсан. Каримулла тилини тиш ҳатлашига йўл қўймади. Асадбек сўка-сўка бир тарсаки тушириб қолганини айтмасак, сувдан қурук чиқди хисоб.

Асадбек тарсакидан сўнг бу кўсамулла чикиб кетар, деб ўйлаган эди. Унинг мутелик билан қўл ковуштириб, бош эгиб турганини кўриб:

— Яна нима дардинг бор? — деди.

— Бегим, бир қошиқ қонимдан кечинг, сизга нотўғри информация беришибди.

— Гапни чўзма. Менга қанақа хабар етказишни билишади. Ҳаж қилмоқчимишсан, бу ҳам ёлғонми?

— Рост, бегим, рост. Мен асли шу гапни айтай деб келувдим. Оқсоқоллар Асадбек ака ҳам борсинлар, дейишияпти. Биллалашиб борсам бирам ярашади... Сиз билан борсак икки марта ҳаж қилгандай бўламиз.

— Сен билан юрсам ярашадими?

— Мен билан юрмасангиз ҳам... Асадбек ҳожи бўлиб юришингиз ярашади.

— Пулни қаердан оласан? Камбағал-факир бўлсанг?..

— Бегим, қариндош-уруғ бор, ҳозир ўнбеш минг пулми? Гуноҳларни кўп қилдик, охиратни ўйламасак...

— Охиратни дегин... Ўн беш мингни тўлаб у ёқдан майда-чўйда олиб келсам, харажатни коплармикин?

Асадбек бу саволни синов учун берган эди. Бунинг фахмига етмаган Каримуллага жон кирди.

— Чикади, бегим, унча-мунча қолади ҳам.

— Харажатдан ташқари йигирма минг колармикин?

Каримулла бу саволга ўйламай-нетмай жавоб кайтарди:

— Йигирма минг чиқмас-ов, аммо ўн мингча колар.

— Шунака дегин, хисоблаб қўйибсан-да, а?

— Энди, одамлар айтиб юришибди-ку...

Асадбек жавонга яқинлашиб, эшигини очди. Каримулла тахланиб турган пулларни кўриб, энтикиб кетди. «Харажатни кўтаради шекилли», деб кувонди.

— Қариндошларингни тинч қўй,— деди Асадбек, пул санай туриб.— Мана сенга ўн минг,— у шундай деб бели букилмаган пулларни Каримулла томон ташлади. Каримулланинг пулга узатган қўллари муаллақ қолаверди.— Сен ҳаром қадамингни Маккага босма. Маккага покиза одамлар бориши керак. Йўкол энди, кўзимга кўринма.

Каримулла пулларни апил-тапил йиғишириб олиб, куллуқ қилганича чиқиб кетди. Пулларни палтонинг кенг чўнтакларига сола туриб «йигирма минг десам бўларкан», деб ўқинди.

Асадбек жойига бориб ўтириб, ёстиқка ёнбошлиди. Бир дам ҳаёлларга банди бўлди. Сўнг кўзига уйқу илиниб бошини ёстиқка қўйди. Қанча ухлаганини билмади. Бир уйғонганида шом коронғуси чўккан эди. Хотини кириб «Овқатга чиқасизми ё шу ерга олиб кирайми?» деб суради. Асадбек «чиқаман», деди-ю, яна уйқу элитиб ўрнидан кўзғолмади. Ҳудди бирор икки елкасидан босиб, миясига кўрғошин куяётгандай кўзларини ҳам очолмай қолди. Мия сергак, кулок атрофда тик этган товушни ҳам эшигади. Кўз эса галати уйқуда — бир жарга қулайди, юраги кинидан чиқкудай

бұлади, бир босинкирайди, бир чала уйғонади... Шу ахволда тонг оттириди.

Нонуштадан кейин Жамшид келди.

— Бек ака, ҳаммаси пиши. Уйига обориб қўйдим,— деди Жамшид.

— Фалва кўтармадими?

— У-бу девди, менам бир нима дедим.

— Бўлти, қўз-қулоқ бўлиб турларинг. Уйга майдачуйда юбордингми?

— Бутқанинг болалари олиб бориши керак эди.

— Ўзинг хабар ол.

— Бек ака, кўчада имом турибди.

— Нима иши бор экан, ё тавба килиб келибдими?

— Билмадим.. эшитишимча, «Волга»сини шумо килиб кетишибди.

— Ким?

— Бизникилармас.

— Топиб, жойига олиб бориб қўйларинг.

— Қирсинми ё жавоб бериб юборайми?

— Кираколосин, балки бошқа гапи бордир.

Қотмадан келган, қўзлари маъноли бокувчи, ўзи ёш, бирок қоп-кора қуюқ сокол-мўйлови улугрок кўрсатаётган имом — Собитхон кори номи билан шахарда эътибор қозонган эди. У имомлик қилувчи кичкина, эски масжидга баъзан одам сиғмай кетарди. Қариялар бу мулла йигитга ихлос қўйиб, уни маҳалла масжиди имомлигига чорлаган эдилар. Рад жавоби олишгач, Асадбекнинг аъёнлари орага тушишди. Собитхон ўжар эди. Охир-окибат Асадбекнинг ўзига ҳам йўқ дейишдан кайтмади. Асадбекка бу «олифта имомча»нинг димоғдорлиги ёқмади. Собитхоннинг «ҳаром пулларга курилаётган масжидда мен намоз ўқимайман», дейиши Асадбекни ғазабга миндирса-да, чора кўришдан ўзини тийди. Халқ орасида ўзи хакида бўлар-бўлмас мишишлар юрганда бу эътиборли корининг бошидан биргина соч толаси тўкилса маломатларга қолишини билди. Тўғри фикрлаган экан — имом машинасини ўғирлатиб, ундан гумон килибди. Бу гап аллақачон шахарга тарқалгандир...

Собитхон остона ҳатлаб кириб, қўлинини ковуштирган ҳолда, қироат билан салом берди. Асадбек беихтиёр равишда ўрнидан туриб унга пешвоз чиқди — қўшкўллаб сўрашиб, кизил духоба қопланган диванга таклиф этди.

— Келинг, кори, қандай шамол учирди? — деди Асадбек, фотиҳа ўқилгач.

— Яхшилик шамоли эмас, — деди Собитхон унга тикилиб.

— Хай, хай, қорижон, совук нафас килманг.

— Сизни инсофга чақириш фойдасиз эканини билсам-да...

— Кори, келишиб олайлик: сиз мени инсофга чақирманг. Қандай яшашни ўзимга қўйиб беринг. Мен ҳакманми ё ноҳакманми — қиёматда маълум бўлади. Сиз менга қози эмассиз. Сиз гапни чайнамай муддаога кўчаверинг. Сиз «Волга»нгизни ўғирлатиб, алам билан келган одамсиз.

— Ха, таксир, топиб гапирдингиз. Аммо сиз томондан фирромлик бўлди бу иш.

— Нима, фирромлик?! Кори, аввалги сафар масжидга сарфлаган пулларимни ҳаром девдингиз, энди фирромлик дейсизми? Ўйлаб гапирасизми гапларингизни? Сиз кимсиз ўзи? Тўрттагина сурани кўз юмид ёдлаб берувчи қориваччасиз, худо эмассиз! Сизнинг китобларингизда тухматчини нима дейишади? Тухматчининг тилини кесиш керакми?

— Астағфируллоҳ! Тухмат қилаётган бўлсан камомулло урсин!

— Қерак бўлса уради ҳам. Ўша куни индамаган эдим. «Волга»нгиз борлигини билганимда «хўш, менинг пулларим ҳаром экан, сиз «Волга»ни қайси ҳалол пулга олдингиз?» деб сурардим.

— Менинг отам...

— Сизнинг отангиз Андижонда машхур телпакфурӯш, биламан. Телпакфурушларнинг найрангларини ҳам биламан. Шунинг учун ҳалоллик ҳақида бошқалар гапиргандан сиз индамай юраверинг. Ҳудойига бориб, Қуръон ўқиб тугун учига неча пул тугиларкин деб юрадиган мултони одамсиз-у, яна менга фирромдан гапирасизми?

— Тухмат қилманг, мен Аллоҳнинг каломини пулга сотадиганлардан эмасман!

— Мен билмаган нарсамни айтмайман. Жирилла-манг. Бу шаҳар бедарвозалигини билмайсизми? Шаҳарда мингта Асадбек бор. Сиз биттасидан гумонсирабсиз. «Волга»нгизни топиб беришади. Мен бунака майда ишлар билан шуғулланмайман.

Асадбек Собитхон билан дастлаб учрашганида ан-

ча баодоб муомалада бўлган эди. Ҳатто кори ҳаром пулларни тилга олганида ҳам Асадбек тутокмаганди. Унинг ҳозирги феъли, курслиги Собитхонни аввалига ажаблантириди, сўнг пича қўркувга солди. Агар одамлар орасида юрган гап-сўзлар рост бўлса, кичкинагина масжиднинг имоми бирданига йўқолиб колса ҳам ажаб эмас-да. Ҳозир унинг бу хонадонга кирганини ким кўрди? Чикдими, чикмадими — ким суриштириб ўтириди? Кори шуларни ўйлаб сесканди. Ичиди калима қайтариб қўйди.

Худо имомлар орасида инсоф ва имон бобида басаломат бўлган Собитхонни ўз паноҳига олиб, Асадбек каҳрининг тўлиб-тошишига йўл қўймади. «Майда ишлар билан шуғулланмайман», деганидан сўнг Асадбек жим қолди. Собитхон ортиқча сўзга хожат йўқлигини англаб, ўрнидан турди. Асадбек «бир пиёла чой ичинг» ҳам демади. Собитхон унинг каҳрини қўзғотган нарса нима эканини фаҳмламай, гаранг ҳолда изига қайтди.

## VIII БОБ

### I

Прокурор маҳкамасининг терговчиси Зоҳид Шарипов ҳали бунчалик хорланмаган эди. Кечагина марказдан келган прокурор терговчиларининг конунга мос бўлмаган ишлари ҳакида кўпириб гапирилди. Гуё шу билан маҳкамалар тозаланди. Покиза одамлар тўплангандай бўлди... Зоҳид шу харакатларга ишонибди. У прокурор ёрдамчисининг қилиғидан бир аччикланса, ўзининг гуллигидан ўн газабланди. «Нима дейишмоқчи бўлишибди: сен писта пўчоғисан, истаган пайтда супуриб ташлаймиз, сен кераксиз бир коғозсан — хоҳласак гижимлаб оёқ остига отамиз, дейишмоқчими?»

Зоҳид анчагача ўзига келолмай ўтириди. Сўнг шарт ўрнидан туриб, прокурор ёрдамчиси хонаси томон юрди. У ёрдамчи билан олишишни қасд килган эди. Аммо ўзига зеб бериб кийинган, қошлари қалин, кўзлари кулиб турувчи прокурор ёрдамчисининг муомаласи уни шаштидан қайтарди.

— Э, келинг, Зоҳиджон, янги йиллари қутлуғ бўлсин. Оилангиз, ота-онангиз соғ-саломатмилар? Бахтингизга кўп йиллар яшашин, тўйларингизга бош бў-

лишсин. Сизни чакираман, деб туувдим. Хизрни йўқласам бўларкан. Хў-уш... Шариф Ўамозовни кўйиб юборишга тўғри келди. Айби исботланмаган. Гулоҳлар гапларидан тонишибди. Унга қарши ифво қилингани шундай сезилиб туриди-ку, сизлар тўппа-тўғри камокка тикиб кўя қолибсизлар. Намозов анов-манов одам эмас, катта олим экан. Чет элликларни ҳайрон қолдириб турган одамни камоқка тиксак, халқаро жанжал чикиб кетишини ҳам унутмаслигимиз керак-да, азизим. Чет элдаги сафсатабоз душманларимизни биласиз-ку, «СССРда инсон ҳукуклари поймол этилмоқда!» деб ғавғо кўтаришса, бошимиз ғалвадан чикмай қолади. Келинг, биз шунака ташвишлардан четроқда юрайлик. Сиз ёшсиз, усадиган йигитсиз, бамаслахат ишлайверинг. Иғонинг бошида винзавод директори Сулаймонов турган экан. Айини бўйнига олиб ўзи келди. Ҳазилининг бунақа жиддий тус олишини ўйламабди. Бешүн ой ўтиrsa, иккинчи ҳазиллашмайдиган бўлиб чикади.

— Сулаймонов ишини менга топширсангиз...

Зоҳид уннинг маҳорат билан тўқиётган тўрига банди бўлиб қолмай, чиқиб кетиш ниятида шу гапни айтди. Ҳеч нарсадан тап тортмай ишни ҳамирдан кил сурғандай ҳал этаётган прокурор ёрдамчиси Зоҳиддан шу илтимосни кутмаганида лакма одамга айланмасмиди, бу даргоҳдан кавуши аллақачон тўғриланмасмиди? Дунёнинг манаман деган олимлари билан баҳслашишга мослаб яратилган бу фахм-фаросат, бу акл шу арзимас масалани ечишда ожизлик қилса-я! Ҳа, Зоҳид ожиз эди. Уннинг кўзлари очик, аммо фикр кўзи бу ўйинлар, оёқ остига тўшалаётган тўрларни, энг муҳими — қаршисидаги одамнинг қалбини аник кўролмаётган эди. Акл ҳаммавакт ҳам одамга шараф келтиравермайди, баъзан мана шундай хор ҳам қилиб қўяди. Зоҳид ўзининг беадад хорланаётганини ҳозир эмас, кейинрок ҳис этади. Бошингизга тош тегса, бироз оғриб, сўнг босилгандай туюлади, аммо орадан вакт ўтиб шундай оғрик кўзғоладики, ўзингизни кўйгани жой топа олмайсиз. Рухий қийнок ҳам шундай. Бир неча соатдан сўнг «мен нима учун унга шундай демадим!» деб ўзингизни лаънатлай бошлайсиз. Бирок вакт ўтди — энди бу афсусдан нима наф?

Зоҳид соддалик билан Сулаймонов ишини суради. Прокурор ёрдамчиси эса пинагини бузмай, ўша ку-

лимсараган ёқимтой кўзларини Зохиддан олмай жавоб берди:

— Бу ишни Келдиевга топширдим. Танийсиз-а, аммамнинг бузоги. Шунака майда-чуйдани топширмасам, жиддий ишларни эплай олмайди. Сизни зўр ишлар кутиб турибди, азизим. Ўсадиган одам майда-чуйдага аралашмаслиги тузук. Сиздан умидим катта. Республика прокурорига ҳам айтдим. Ўмидли ёшларни биз ҳар қанақасига қўллаймиз.

— Шариповнинг иши оддий ҳазилга үхшамайди. Ҳазил деб юриб уни ўлдириб кетишлари мумкин.

Жиддий оҳангда айтилган бу гапни у эрмакдай қабул қилди:

— Воҳма қилманг-е, азизим. Ўлдириб кетади, деб камоқда ушлаб туришимиз ҳам тўгри келмайди-да. Эр-как одам лалаймай ўзини химоя қилсин. Итдай ичиб, чўнтағига бирор наша солиб қўйса ҳам билмай ётаверадими?

— Мен вахима килаётганим йўқ. Ундан пул талаб қилишган.

— Ким? Қачон?

— Кимлигини билолмай қолдим. Ҳархолда қамоқхонада талаб қилишган бўлса керак.

Прокурор ёрдамчиси телефон тугмасини босди. Кўзларидаги кулги йўқолиб, кўриниши жиддийлашди, хатто бироз асабий тус олди.

— Жонкораев! Сигналлар тушяпти, қамоқхонада бевошлиқ кучайибди. Текшириб уч кундан кейин хисоб берасан. Ха, Шариф Намозовдан ким пул сўраганини ҳам аникла. Онасини учкўргондан кўрсатиш керак бунакаларни, тушундингми!

Прокурор ёрдамчиси «маъкулми, кўнглинг жойига тушдими», дегандай Зохидга қаради-да, ўрнидан турди.

— Ҳозир республикага чикишим керак. Сиз билан хотиржам би-ир гаплашамиз. Ўзим чакирираман.

У Зохиднинг елкасига қўлини қўйиб, гоят улуғ бир меҳр кўргазиб остонаяча кузатиб қўйди.

Зохид хонасига қайтди. Усти чойнак изларидан доғ бўлиб кетган ўша стол, ошик-маъшуғи аранг илиниб турган ўша бўм-бўш китоб жавони... Зохид урнига

ўтириб халқа доғлар сирини ўрганмокчи бўлгандай стол устига тикилиб колди. Бу доғлар нималарга гувоҳ? Аччик чой дамланиб, шопириб-шопириб қайтарилиб, ҳўриллатиб ичилган дамларда кимларнинг тақдирни хал этилган? Қандай ҳўрликларнинг, қандай фирромликларнинг гувоҳи бу доғлар?.. Зоҳид тикилиб ўтиргани билан хаёлига бу гаплар келмайди. Унинг хаёли Шариф Намозов ва Қилич Сулаймонов билан банд. Їамозовни камаш учун ишлатилган ҳийла энди Зоҳидни айтарли ажаблантирмай қўйганди. Бу калаванинг учини топгандай бўлиб эди. Сулаймоновнинг бош эгиб келиши... Ҳеч қандай мантиқка тўғри келмайди. «Бу ишнинг бошида Асадбек турган бўлса, нима учун Намозовни қаматди? Балки бурнини ерга бир ишқаб қўймокчи бўлгандир? Бунинг бошқа осонроқ, камчи-кимрок йўллари ҳам бор эди-ку? Сулаймонов нима учун қамоқда ўтирмокчи? Унинг гуноҳи нима?» Зоҳид иш баттар чигаллашганини ҳис килди. Намозов тақдирини Асадбек ҳал қилган, винзаводга осилма, дейишганда масаланинг бунчалик мушкуллигини кутмаган эди. Вин заводни яхшилаб текшириш жумбокни ойдинлаштириб беради, деб ишонганди. Сулаймонов ўйиндан чиқарилибдими, демак вин завод қалъасига унча-бунча ҳужум писанд эмас.

Зоҳид жилди жигарранг чармдан ишланган папка-сига қараб қўйди. Ҳафсала билан иш бошлаган эди. Тўлдирилган бир неча сахифа кечагина муҳим маълумотлар даражасида қадрли эди. Ҳозир эса бу коғозлар сарик чақага ҳам арзимайди. «Нима, мен қўчада санкиб юрган лайчаманми, бирор тепса вангиллаб четга қочаверадиган...» Шу фикр Зоҳидни сергак тортириди. Нима, энди у «менга қачон, қандай иш беришаркин», деб пашша қўриб ўтирсинми? Иш топширилганда ҳам «буни мана бундай тарзда якунлайсан», деб аник кўрсатма беришмайдими? У жонсиз қўғирчоқ каби коғозларни расмийлаштириб қўя колмайдими? Шундай килса — тез «ўсади! Бўлмаса... Ерга кириб кетадими? Балки...

Одамлар фалончини осиб кетишибди, пистончининг уйини ўғри урибди, деган вахимали мишишлар чодири остида куркиб яшаётган бир дамда шахар прокуратурасининг бўм-бўш китоб жавони, тепалари халқа-халқа доғли стол қўйилган кичкина хонасида терговчи ишсиз ўтирибди, дейилса хўп кизик туюлар.

Жиноятлар изидан юрган Зоҳид бу ерга келгунча ишсиз ўтиришни тасаввур қила олмас эди. Қаранг, шундай маҳкамада ҳам бекор ўтириш мумкин экан.

Бир соат илгари хонага берухсат кириб келган терговчи Намозов қўйиб юборилажагини айтганда, Зоҳид ажабланган эди. Сўнг бу ҳолдан ғаши келди. Кейин газабланди. Ҳўрланганини ҳис этиб эзилди. Мана энди, бекорчи деган ёрликни олиб, бўғилиб ўтирибди. Гўё прокурор ёрдамчиси пинжида юрувчи терговчи кириб ноҳуш хабарни айтмаган, балки баҳайбат мингоёкни олиб кириб қўйиб юборган. Бу кўринмас мингоёқ Зоҳидни бўғиздан бўғиб кўрди, юрагини гижимлаб кўрди. Энди кулогидан ўрмалаб кириб миясини зиррллатяпти.

«Нимадир килишим керак,— деб ўйлади у, бошини чангллаб,— бу ўтиришда ёрилиб кетаман!» У шундай деб ўрнидан туриб, эшикни очди. Қаерга боришини билмай, гангиган ҳолда оstonада пича турди. Сўнг дахлизга чикди. Учинчи қаватга кўтарилиб, Келдиев ўтирадиган хона эшигини такиллатди. Ичкаридан жавоб бўлмади. Зоҳид эшикни тортди — берк. Прокурор ёрдамчиси «аммамнинг бузоги» деб атаган, бошини бир ёнга кийшайтириб юрадиган Келдиев эшикни ичкаридан беркитиб олиб Сулаймонов ишига оид ҳужжатларни тўлдирар эди.

Зоҳид иккинчи қаватга тушди-ю, хонасига киргиси келмади. Эшикни қулфлаб ташқарига чикди. Беш-үн кун йўқ бўлиб кетса ҳам бекорчи терговчи билан бирорвнинг иши бўлмаслигини Зоҳид биларди. Лекин беш-үн кун қаерга боради. Елкасидаги ташвиш юки билан қаерга сифади? Зоҳид шу масалада бироз янгишаётган эди. Назариде прокурор ёрдамчиси вазиятни юмшатиш учун уни холи қўядигандай эди. Гўё прокурор ёрдамчиси қилган ишидан уялиб, уни безовта килмайдигандай эди. Бир содда киз никоҳ куни онасидан күёвнинг чап томонида ётайми ё ўнг томонидами, деб сўраганда онаси қайси томонда ётишингнинг фарқи йўқ, барибир уша иш бўлади, деган экан. Шунга ўхшаш Зоҳид каби тухумдан энди чиккан терговчи аразлайдими, зарда киладими, барибир — прокурор ўз билганидан қолмайди.

Кечаси бир сидра курук кор ташлаб сўнг тундлашиб қолган осмон Зоҳид кўчага чиқиши билан яна инсофга келди. Зоҳиднинг назариде энди кўзни кувна-

түвчи кор эмас, осмонда ҳасрат әлаги эланиб, ҳасрат ёғилар эди. Табиат одам рухига мосланадими ё одамнинг рухи табиатга мосланиб қоладими — тушумак кийин. Ҳархолда кўнгил хира тортган маҳалда чор-атроф ҳам тундлашиб қолади.

У кўчага бемақсад чиккан эди. Эркни оёқларига берди. Юзига урилаётган кор учқунларидан роҳатланди. «Кечгача ёғса ҳаммаёқ оппок бўлади. Ҳавода ғубор қолмайди. Кор ёғдириш, тиндириш, офтоб чикиш — Худонинг иродаси биланми? Худо кор ёғдиргани каби ҳақиқат, адолат ёғдирса-чи? Бир кунгина ёғдирса эди... Кор эриб тупрокка сингиб кетишига ўхшаб, ҳақиқат билан адолат одамларнинг юрагига сингиб кетса... Дунё бир кундаёқ бошқача булиб келарди...» Зоҳид бобо-сининг гапларини эслади: «Оллоҳ таборак ва таоло инсонларни синамок учун бу дунёга юборган...» Садакайрағочек ўсган оқ ўрик остидаги супага курпача тўшаб ўтиришни хушлайдиган бобоси шу гапларни кўп такрорларди. Кўзойнакнинг синган бандлари ўрнига ип тортиб қулоққа илиб, мук тушиб эски китобларни ўқиб ўтирувчи бобоси кўз олдига келди. Акасига эргашиб кўча чангитиб юриб ё сув ичгани, ё қорни очиб бир тишлам нон егани кириб қолганда бобоси «Қани, дўнг-пешаналар, ўтиринглар-чи, эшитинглар-чи...» деб эски китобдан ҳикоятлар ўқишини бошларди. Улар эса бобо-сининг ўқишига берилганидан фойдаланиб лип этганча кочиб колишарди. Зоҳид хозир бобосини қўмсади. Эски китоблардан ўқиб беришини, насиҳатларини, дунёнинг тузилиши, инсонлар хулки ҳақидаги сўзларини эшитги-си келди. Бобосининг бу дунёдан ризки узилганда Зоҳид ўн ёшда эди. Кўп гапларни эшитарди, бирок мағзини чақолмасди. Улгайиб, бу ёруғ оламнинг коронғу кўчаларига бехос кириб қолиб, ночор тентираган чоқларида эсида колган гапларни фаҳмига етмокка ҳарарат киларди. Йиллар ўтгани сайин, дунё тиконзорларини ялангоёқ кезгани сайин бобосининг ўғитларига муҳтожлиги орта борди. Зоҳид камгап отасига дардини айтиб далда ололмасди. Бу оилани танимаган кишига «шу индамас кетмончи ўша мулла одамнинг ўғли», деса ишониши кийин. Бобоси уриб бўлса ҳам илмини ўргатмаган экан-да, кетмонингни чопиб юровур, ўғлим, илм билан қорин тўймайди, деган экан-да... Мана энди Зоҳиднинг акаси улиб кетди, отасида на эскича, на янгича илм бор. Ўйлаб қараса, кариндош-уруғлари

орасида ҳам бобоси каби одам йўқ экан. Ўтин ёниб кул колибди, деганлари шуми?

Бобосини ўйлаб бораётган Зоҳид саволларига жавоб топгандай бўлди: «Худо ёғдирган ҳакикат, адолат — бобомга уҳшаган одамлар эмасмиди экан? Улар ер юзидағи одамлар қалбига яхшилик уруғи сепишлари лозимми эди? Бобомга уҳшаганлар камайиб кетяптику! Энди нима бўлади? Энди юраклар факатгина қон ҳайдашга ярайдиган хиссиз буюмга айланадими? Ҳакикат ва адолат тамом ковжираб, куйиб кул бўладими?!»

Зоҳид бадбин хуносага якинлашган эди. У дунёда битта яхши, битта тўғри одам колгунича адолат ва ҳакикат яшаши мумкинлигини хозирги кайфиятида идрок эта олмас эди. Ёмонлар, муноғиклар нафасидан олов чиқиб ҳакикат ва адолатни кўйдиради, аммо яхшиларнинг юрагидан қувват олгучи бу ҳакикат, бу адолат яшайверади. Бу — азалий кураш! Яна неча аср давом этади — яратганга маълум. Бандасига бир нарса аён — азалий курашнинг интихоси — қиёмат!

Эркинликка эришган оёқлар Зоҳидни аввал анҳор бўйига, сўнг сувоқлари қуча бошлаган тўрт қаватли уйга бошлади. Нураб колган тош зиналарни босиб тўртинчи қаватга кўтарилди. Ҳаворангга бўялган ёғоч эшикка қайсиdir бола бўр билан катта қилиб «проф. Ҳабиб Сатторов» деб ёзиб қўйиди. Шу ёзувни кўриб Зоҳид хаёлини йиғишилди. «Нимага келдим? Ҳасратимни тўкиш учунми? «Бу соҳага ўтиб овора бўлма, сен излаган ҳакикат йўқ у ерда. Бўлмаган, йўқ ва бўлмайди ҳам», деб неча марта таъкидлаган. Энди «Гапингиз тўғри экан», деб кириб борадими? Зоҳид бироз ҳаракатсиз туриб, изига кайтмокчи бўлди. Энди ўгирилиб кетаман, деганида эшик очилиб елкасига жун рўмол ташлаб олган Ҳабиб Сатторов кўринди. Зоҳиднинг бурилиб кетаётганини кўриб, ажабланди.

— Зоҳид? Ҳа, тинчликми?

Зоҳид ўгирилиб, хижолатдан гап тополмай қолди.

— Уйда йўқдирсиз, деб ўйлабман,— деди.

— Қўнғироқ ишламаяптими? — профессор шундай деб тугмани босди. Биринчи, иккинчисида овоз бўлмади. Кейин қўнғироқ булбулга уҳшаб сайраб берди. Мана шу ҳол Зоҳидни хижолатдан куткарди.— Болалар тугмани ўйнайвериб ишдан чиқаришганга уҳшайди. Кани, кир. Келаётганингни деразадан кўрувдим.

Кутдим, кутдим, дарагинг бўлмади. Яхшиям эшикни очиб караганим.

Зоҳиднинг кўзига уй бесаранжомрок кўринди. Ўртадаги стол устида кўк пластмасса челак турибди. Дераза томонда икки тогора... Ҳабиб Сатторов Зоҳиднинг ажабланганини кўриб кулимсиради:

— Чакка ўтиб кетди. Учинчи қаватдагиларга жабр бўлмасин, деб шунака ўтирибмиз. Қеча қувурлар ёрилибди, уй исимаяпти. Болаларни қайнонамнигига қўйиб келдим. Ўзим кечкурун Масковга кетяпман. Вадим Петрович ишга чакириб, холи жонимга қўймаяпти.

— Рози бўляпсизми?

— Ўзимни-ку боргим йўк. Академияга сайловдан кейин Соҳиб Пўлатович зада бўлиб колди. Энди менга кун бермас. Биринчи қилган яхшилиги мен олишим керак бўлган уйни Кравчукка бердирибди.

— Ким у Кравчук?

— Қеракли, зарур мутахассис!— Ҳабиб шундай деб курсаткич бармоғини осмонга нуқиб қўйди.— Институтнинг сантехники.

Зоҳид Фанлар Академиясининг муҳбир аъзолигига номзодлар орасида Ҳабиб Сатторов билан Соҳиб Пўлатовлар борлигини эшишиб «чакки бўлибди» деб қўйган эди. Бунака сайловларда олимнинг иқтидори эмас, эгаллаган мансабию суюнган тоғи муҳимрек экани унга маълум. Сайловдан Сатторов ҳам, Пўлатов ҳам ўтолмади. Пўлатов, шубҳасиз, бу кўргуликда Сатторовнинг айби бор, деган холосага келгану уни икки хонали тор, совук, чакка ўтувчи уйда яшашга маҳкум этган.

— Ҳозир кетсан, бўлмас,— деди Ҳабиб Сатторов,— сайловдан ўтолмагани учун аразлаб жўнаворди, деб ғийбат килишади. Масковга-ку ишга бормасман. Аммо Қембрижга боришим керак. Бир йилга чақиришяпти. Дилемга туғиб юрган режаларим бор, ўша ерда битириб келаман.

— Пўлатов биладими, буни?

— Эшитса инфаркт бўлиши турган гап. Мана буни ўқи, ҳали ҳеч ким билмайди.— У китоб жавонини очиб, тик тахланган китоблар устидан катта конверт олиб узатди. Инглизчани билардинг, а?

— Сал-пал.

Зоҳид хижжалаб ўқиди:

— «Қадрли мистер Сатторов! Сизни Қембриж до-

рилфунунининг фахрий профессори бўлганингиз билан муборакбод этамиз. Хоҳиш-истагингиз ва имконингиз бўлса, Англияга келишингизни сўраймиз. Сизни дорилфунунимизда бир йил ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз. Таклифимизга қўнсангиз, контрактни имзолаб жўнатинг...» Зўр-ку?

— Секинроқ айтасанми?

— Мен сизга далда бериб, кўнглингизни кўтармоқчи эдим.

— Бе... уйни айтяпсанми? Ё академияними?

— Унисини ҳам, бунисини ҳам.

— Унисига ҳам, бунисига ҳам хурсандман, очиги.

Академияда кимлар борлигини биласан-ку? Уйни Пўлатович марҳамати билан олганимда барибир туришим қийин эди. Учала қизимни узатвораман. Эр-хотинга шу уй ҳам бўлаверади, нима дейсан? Хў-ўш, қани ўтирчи. Чой ичасанми ё қаҳва қилиб берайми? Ё коняқдан, а, янги йил баҳонасида?

— Кембрижни ювиш керак.

— Бу гапинг ҳам тўғри.

Хабиб Сатторов кўнгил учун таклиф этган эди. Зоҳиднинг галидан сўнг ўзига ҳам бир ҳўплам қўйди. Зоҳид профессорнинг кам ичишини биларди, шунинг учун бундан ажабланмади. Конъяқ ўзига хушёқди. Томирларида гўё тўхтаб қолган қон юришиб кетгандай бўлди. Сатторов унинг кайфиятини сезиб яна қўйди. Зоҳид учинчи сафар ўзи қўйиб ичгач, мезбон конякни олиб, ошхонага қўйиб чиқди.

— Солмонов ўн саккизинчида ҳимоя қиляпти. Диссертациясини яхши баҳолашяпти. Сен ҳам боргин.

Зоҳид «хўп» дегандай бош иргаб қўйди. Солмонов унинг курсдоши эди. Кириш имтиҳонида ёзма ишни «беш»га топшириб, тарихдан «икки» олиб изига қайтмоқчи бўлганида жонига шу Ҳабиб Сатторов ора кирган. Карра жадвални аранг биладиган, нима учун бу ўкишга кириб қолганидан гарангсиб юрган «толиби илм»лар орасида Зоҳид билан шу Солмонов ажralиб турарди. Зоҳид ўкишни ташламаганида, балки ўн саккизинчида Солмонов билан бирга ёқлармиди... Зоҳид «профессор шунга шама қиляпти», деб ўйлади. Ҳолбуки Сатторовнинг фикрича, у хозир докторлик диссертациясини ёклаши лозим эди.

Сатторов «коняқдан кейин яхши кетади» деб қаҳва кайнатди. У собиқ шогирдининг авзойига қараб, кўнг-

ли хира эканини сезгани учун «ишлар қалай?» деб сўрамаётган, бу эса Зоҳид учун муддаонинг ўзи эди. Сўралган тақдирда ҳам, гарчи кўнгил ҳасратлашишни истаб турган бўлса-да, «яхши» деб гапни калта қилган бўларди. Фикри-зикри илм билан банд бўлган одамга Асадбек деган зотнинг Қўли нечоғли узунлигини, янгилangan прокуратурада ҳам адолат йўқлигини тушунитириш қийин. Умуман бу дунё қинғирликларини кўравериб қўзлари пишган одамга адолат йўқлигини гапириш осмон юлдузга тўла эканини беҳуда исботлашдай гап эмасми?

Солмонов бекорга эсланмаган эди. Профессор аввал унинг ишларини шархлаб берди. Зоҳид ўзининг терговчи эканини бир неча дақика унутди. Қаҳва куйилган пиёлалар четга сурилиб, стол устида қофоз-каلام, топ-тоза қофоз юзида эса формулалар тизими пайдо бўлди. Ташқаридан караган киши чакка ўтиб турган бу совук хонада риёзиёт профессори билан прокуратура терговчиси эмас, икки олим дунё ташвишларидан чекиниб, илм бағрига шўнғияпти, деб ўйлаши мумкин.

Диссертация шархи тугагач, Сатторов Зоҳидга савол назари билан тикилди.

— Калланг жойида, ҳали ҳам кеч эмас, қайт.

Зоҳид қофоз юзидаги формулаларга караб ҳазин жилмайди.

— Биласиз-ку, мен камикадземан.

Зоҳид киска жавоби билана нишонга урди. Ўқишдан кетаман, деб юрганида бу гапни Сатторов айтган эди. Зоҳид «Камикадзе деган гуржи ким экан, нима учун мени унга ўхшатди», деб ҳайрон бўлиб юрди. Охири бир куни «Камикадзе» деган одам ким эди?» деб сўради. Профессор аввалига мирикиб кулди. «Ха, қишлоқи!» деб мазах қилди. Сунг Камикадзе — грузин эмас, балки иккинчи жаҳон урушидаги мутаассиб япон учувчиларига берилган ном эканини, бу учувчилар самолётга бомба ортиб, изга қайтишга ёнилғи олмай, ўлимга тик боришганини тушунитириб берганди. Зоҳид хозир уша сухбатни эслатди.

— Камикадзелар бекорга ўлиб кетишли. Япония урушда енгилди. Сен ҳам мағлуб сифатида ўлиб кетасан.

— Адолат учун кимдир ўлиб туриши керак-ку? Профессор панжаси билан столни бир-икки уриб

күйди-да, ўрнидан турди. Дераза олдига бориб кучага тикилди.

— Факат... сен ўлма. Ахмок бўлсанг ҳам шу дунёда яшаб юравер. Бу дунёда ахмоклар кўп-ку, тўғрими? — У шундай деб оркасига ўгирилиб Зоҳидга тикилди. — Шуларнинг орасида сен ҳам юрсанг нима килибди?.. Сени нимага яхши қўраман, хайронман. Илмни беҳурмат килган одамнинг башарасига кара-маслигим керак. Лекин сени кўргим келади. Сен «Ҳабиб акам мени яхши қўраркан», деб талтайма. Сендан нафроланаман. Лекин... кўргим келади. Бир кунмас бир кун ақлингни топиб олишингга ишонсан керак. Ўзи сен тенгиларнинг ҳаммаси ахмокка ўхшайди. Нечанчи йилда туғилган эдинг?

— Олтмиш бир эди шекилли? — Зоҳид шундай деб гапни ҳазилга бурмокчи, профессорни сал шаштидан туширмоқчи эди.

— Ҳа, тўппа-тўғри! Укам ҳам олтмиш бирда туғилган. У ҳам кип-қизил ахмок! Илмни қўйиб, шеър ёзиб юрибди.

— Тарихчи уканлизми?

— Менинг биттагина укам бор. Унинг ҳозир қаердалигини биласанми? Жиннихонада! Лекин жиннимас, у, мияси бус-бутун. Дунёнинг яралиш формуласини яратибдилар акам. Карагин-а,— профессор стол ёнига қайтиб, коғознинг бўш ерига ёзди: X (ҳакикат)=хиёнат+риё (хасад+очқўзлик)+шуҳратпарастлик=манسابараастлик — виждон+имон+диёнат=O. Бунга нима дейсан?

Зоҳид ўйланиб қолди. Бу шунчаки формула эмас, дунё ишларидан зада бўлган юракнинг ноласи эди. Бу нола унинг дардига ҳамоҳанг эди. Зоҳид профессорнинг укаси билан бир-икки марта шу уйда ҳамсухбат бўлганди. Унинг тарихни бузиб талкин этилаётганидан куйинишлари, пичингли гаплари, замонни турли маҳлукларга ўхшатиши Зоҳидни ҳайрон қолдирган эди. «Бу тузум заҳм билан оғриган фоҳишанинг ўзи. Ҳаммани ўлимга гирифтор килиб, сўнг ўзи ҳам ўлади», деган гапини Зоҳид кўп ўйлаб юрди. Гап мағзини чаққани сайин унга бўлган ҳурмати ортиб борди. Сўнгги марта уни бир-икки йил олдин қабристонда кўрган эди. Ҳамкасбининг отаси қазо килиб, жанозага боришганида учратганди. Қўзида ёш билан юрган экан. «Бир ажойиб шоир ўзини осиб ўлдирди», деб йиғлаган эди.

— «Ўзбек бўлиб туғилмаганда, Кўрмас эди шунчалар хўрлик...» деб ёзиб, хор бўлиб ўлди. Ҳаммамиз ҳам хорланиб юраверамизми?! — деган эди. «Шоир нима учун хўрланди?» деб сўрашнинг мавриди эмасди. Зоҳид кейинги учрашганимда сўрарман, девди. Орадан анча вақт ўтиб кетди. У билан кўришмади. Ана энди жиннихонада эмиш... Яратган формуласи...

— Ечими тўғри,— деди Зоҳид, ўрнидан туриб.

— Айтдим-ку, ҳамманг бирсанлар!

Дунё илм ахлининг эътиборига тушган, аммо ўз юртида турткиланаётган олим ўз тақдиридан нолимай, укаси ва Зоҳидга ўхшаш ёшларнинг иқтидорини тутантириққа сарф этаётганидан куярди. Ҳар тўқисда бир айб деганларидек, бу профессорга математика илми омон бўлса бас, унингча барча ҳакиқат шу илмда. Шу азим шаҳарнинг яна қайсиdir мавзеида, яна қайсиdir икки хоналиқ совук (балки иссиқdir — худо билади!), чакка ўтаётган (балки чакка ўтмас) уйда бир физик (балки кимёгар) ҳакиқат факат физикада (балки кимёда) деб баҳс юритаётган бўлса ажаб эмас. Ҳабиб Сатторов тоифасидаги одамлар учун бу алдамчи дунёнинг ҳийлалари одатий ҳол. Улар бу ҳийлаларга бас кела олмасликларини биладилар. Осмонга отилган тош қайтиб тушгани қанчалик ҳакиқат бўлса, улар учун бу ёруғ оламни тозалаш мумкин эмаслиги шунчалик исбот талаб этмовчи ҳакиқат. Адолат истовчилар Сатторов назарида камикадзе, қайсиdir физик назарида эса шамол тегирмонини дев деб фараз килиб, жангга кирган нодон Дўн Қиҳотликдир.

Ҳар бир одам дунёга ўз кўзи билан қарайди, ҳар бир нарсани ўз қаричи билан ўлчайди. Окибатда ўз идрокига хос равишда дунё формуласини яратади. Шундай экан, профессор билан бу соҳада баҳслashiши фойдасиз.

Зоҳид устозининг ҳовури босилишини кутиб, индамай ўтирди. Оёқлари уни бу томонга бошлагандаганда кўнгли таскин истаган эди. Қизик, ҳакиқат учун курашиш фойдасиз деган ақида билан яшовчи одам унга қандай таскин бериши мумкин? У бир йил давомида инглиз илм ахлини лол қолдириб юради. Бу ерда эса ким-кимни ўлдиради, ким мансаб курсисига интилиб ҳамкасбини яничиб ўтади, ким-кимни камситади — бу билан иши бўлмайди. Зоҳид шуни ўйлаб, устозидан нафраташана бошлади. Ҳатто шартта туриб, чиқиб кетгиси ҳам

келди. Бирок, фаришталар унинг қилиғига «ўзингни бос, ахир кимдир илм билан ҳам шуғулланиши керакку? Адолат деб, тўрт хоналик яхши уй оламан, деб, академик бўламан, деб бир нодон билан олишса, илм нима бўлади?» дея шивирлаб уни шаштидан қайтарди.

### 3

Зоҳид профессорникига кираётганида қандай тушкун ҳолда бўлса, чиқаётганида елкасидан босиб турган дард юки бир мискол ҳам камаймаган эди. Машина филдираклари остида эзғиланиб, кирланиб кетган кор эрий бошлаган, гўё атроф балчиққа беланаётгандай эди. Заиф кор учқунлари эса, бу ифлосликни қоплаб улгурмасди.

Зоҳид уйга борсамми ё қишлоққа чиқиб кетсамми, деб пича иккиланди. Қишлоқдан кеча кечқурун келди. Бугун борса ота-онаси «нима бўлди?» деб хавотирланишади. Уйда ҳеч ким йўқ — хотини ишда, ўғли бокчада... У яна оёкларига эрк берди. Бизга шундай туюлади: гўё оёкларимизга эрк берамиз, бу эркин оёклар бизни қайгадир бошлаб боради, гўё қаёқка бораётганимизни билмаймиз. Ҳолбуки миямиздаги яширин бир нукта бу эркин оёкларни бошқаради, «у ёкка юрма, бу ёкка юр», деб туради. Ҳозир Зоҳиднинг оёклари уни (гўё беихтиёр) винзавод томонга етаклади. Билчиллаб эриётган қорларни босиб, кўлмакларни четлаб ўтиб, коровулхонага ҳам олиб кирди.

Коровулхона темир панжара билан иккига бўлинган, панжара ўртасида бир қулочили айлана темир эшикча бор эди. Панжара ортидаги эски стол атрофида уч йигит давра куриб, чойхўрлик килиб ўтиради. Ўлар Зоҳидга бир қараб қўйишди-ю, индашмади. Зоҳид ҳам уларга қараб тураверди.

— Ха, укахон, хизмат борми? — деди қўнғиз мўйловли йигит.

— Қилич ака керак эдилар,— деди Зоҳид.

Яхшики коровул «нима ишингиз бор эди?» деб сўрамади. Сўраб қолганида Зоҳиднинг довдираши тайин эди.

— Қилич акамлар бугун ишга чикмадилар. Тобла-ри йўқ,— деди коровул.

«Билмайдими ё лақиљлатмоқчими?»

— Шариф ака-чи?

Коровул кулимсиради.

— Шариф акангизга беш-үн йилдан кейин келасиз, укахон.

— Нимага? — деди Зоҳид ажаблангандай.

— Сафарга кетганлар,— деди гапга аралашмай ўтирган коровул йигитлардан бири. Унинг сўзларини маъқуллаб, шериклари кулишди. Шу пайт завод ҳовлисига олиб чикувчи эшик очилиб, елкасига сувсар ёқали палто ташлаб олган дўмбок жувон коровулхонага кириб барчанинг эътиборини ўзига каратди.

— Салимчик, мана буни ёпиштириб кўй,— деди жувон қўнғизмўйловли коровулга бир парча коғоз узатиб.

— Сиз ёпиштириб, дейсиз-ку, биз ёпиштиримаймизми,— деди қўнғизмўйлов, ўрнидан туриб. Бу ҳазилдан шериклари мирикиб кулишди.— Нима бу ўзи?

— Министрнинг пиркази.

Қўнғизмўйлов чап кўли билан коғозни олиб, ўнг кўлини аёлнинг думбаснга юборди. Жувон «отстань» деб қўлига аста уриб кўйиб, изига қайтди. Қўнғизмўйлов коғозга кўз юргуртиридию ажабланиб шерикларига қаради.

— Ие, вей,— деди у,— бу ёғи алламбало бўп кетди-ку, «Сулаймонов ишдан олиниб, Намозов директор вазифасини бажаришга киришени»...

Иккала йигит шошиб ўрнидан туриб, коғозга қаради.

— Бирор ҳазиллашгандир?

— Тўхта,— деди қўнғизмўйлов телефон томон юриб. Шунда бегона йигит серрайиб турганини эслаб, унга норози қиёфада бокди.— Ҳеч ким йўқ бугун, эртага келасиз.

— Нима юмушингиз бор эди, ўзи? — деди хали гап ташлаган йигит.

— Ишга кирмоқчийдим,— деди Зоҳид.

— Бу ерда иш йўқ, курилиш-пурнишга боринг,— деди йигит.

Зоҳид бу қимматли маслаҳат учун миннатдорлик билдириб, ташкарига чиқди-да, зинадан пастга тушмай турди. Оркасига бир қараганда қўнғизмўйлов телефонда гаплашаётган эди. Яна бир қараса буйруқ ёзишган коғозни девортахтага ёпиштирипти. «Демак, бу ёғи ҳам пишган. Қўнғизмўйлов кимга қўнғирок қилди? Ми-

нистрликками? У ердагилар коровул билан гаплашиб ўтиришармиди? Кимдан сүради? Асадбекданми?»

## IX Б О Б

### I

Табибоши Анварнинг гапларини эшитиб, «бари-бир ялиниб келар экансан-ку», дегандай истехзо билан кулимсираб қўйди.

— Ўжарлик қилиб чиқмай қолганингизда сизни чиндан хам телба деган бўлардим. Ҳозир дўхтирингизга айтаман, қоғоз ёзиб беради.

— Биратўла мажрухликка чиқариб юбормайсизларми ишклилиб? — деди Анвар хавотир билан.

— Қўркманг,— табибоши «холинг шумиди» дегандай яна илжайди,— инвалидликка чиқиш осонмас, яна икки-уч марта келсангиз, ана ӯшандада ӯйлаб кўрамиз.

— Хали яна кўришар эканмиз-да,— Анвар унга қўзини лўқ қилиб тикилди. — Сизни тортиб кўриш янаги сафарга қоларкан-да, а? Нечакило гўшт беришингизни билмай чиқиб кетавераманми энди?

— Бас қилинг!..

Табибоши асабий ҳолда эмас, ялиниш оҳангиди айтди бу гапни. Гап оҳангига Анварни ажаблантириди. Бу ерда бошқа қиласиган иши йўқ эди, чиқиб кетаверса хам бўларди. Бирок, табибоши юзида истехзо учқунларининг йўқолиб, қўзига мунг соя ташлаши уни хайрон қолдириб жойинга михлади. Табибоши уни хайдаб чиқармади.

— Ҳафалик сизга ярашар экан, қўзларингиз чиройли бўлиб кетаркан.

— Қўйинг, гапирманг,— табибоши ўрнидан туриб дераза токчаснга катор терилган тувакдаги гуллар олдига келди. Қўлларини ковуштирганича Анварга орка қилиб турди. Ундан анчагача садо чиқмади.

— Жиннилик ҳам эви билан-да,— деди у нихоят. — Кимлигингили билмайманми? Сиз аламингизни мендан олмоқчисиз. Мен бир бечора тул аёл бўлсам. Сизнинг эркак деган номингиз бор...— табибоши шундай дегач, Анварга ўгирилди.— Ҳа, факат номингиз бор. Гапимдан ранжиманг, ёлғиз сиз эмас, ҳамман-

гиз... бирсиз... Аслида эркак зоти қолмаган. Ҳамма-әкни хотинчалиш босиб кетган.

«Бу ёғи зўр бўлди-ку? — деб ўйлади Анвар. — Нимага шама қиляпти у, ё қармок ташламаганимга-ми? Қани, эшитаверай-чи...»

— Зўр бўлсангиз, ақлли бўлсангиз, ҳақиқатпарвар бўлсангиз нимага бу ерда миқ этмай ўтирибсиз. Бу ерга юборганларига карши нима учун бош қўтармадингиз? Ўртоғингиз-чи, у ким? Энди Асадбекка малайлик қиляптими? Сиз чиқиб ким бўласиз? Сиз ҳам Асадбекнинг ялогини ялайсиз. Яламай кўрингчи!.. — Табиббоши эримнинг куни бошингизга тушади, демокчи эди, лекин рупарасида ҳасратдоши эмас, бегона эркак ўтиргани учун бундай демади. Бирданига ёрилиб, шунча гапларни айтвorgани ҳам етарли эди.

Табиббоши аслида Элчин келиб-кетганидан сўнг айтмоқчи эди бу гапларни. Сиртдан қараганда беғам, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд яшаётгандай кўринган бу дўмбоқ аёлнинг ичи ҳасратга тўла эди. Туғри, емок-ичмоқдан кам-қўсти йўқ. Лекин аёл кишига шунинг ўзи етарлими? Қиморбоз бўлса ҳам эри бор эди. Эртага қайси эркак эркалар экан, деган ўйда яшамасди. Етим тўшакка кирганида кўкраклари ўрганган қўлни қўмсаб зириллайди. Қелинлик чоқлари ўрганолмай қийналган ароқ ва сигаретнинг аралаш қўланса хидини ҳам соғинади. Унинг дардини факат ёстиқ билади. Кузёшларга айланган ҳасратни ёстиқ бағрига сингдирган. Ер қон ичиб тўймаганидек, ёстиқ ҳам ҳасрат кўзёшларини ичиб тўймайди.

Соппа-соғ йигит-қизларнинг бу ерга ётқизилишига у кўнига бошлаган эди. Айникса жиноят килиб қўйган ёки ҳарбийдан кочирилганлар бу ерга тез-тез келади. Табиббоши бу ҳолдан изтиробга тушмасди. Лекин ҳеч қандай жиноятга алоқаси йўқ, фақатгина тўғри гапни айтишни яхши кўрувчи одамлар келтирилганда ўзини қўярга жой тополмай коларди. Туғри, у руҳий хасталиклар бўйича мутахассис эмасди. Лекин одамнинг кўзига, сўзларига караб эс-хуши жойидалигини ажратиш қийин эмас-ку! Анварни дастлаб курганида ҳам эси бутунлигини билди. Кейин иш жойи, касб-кори билан қизиқди. «Бу йигитнинг касали — ҳақиқат», деб ўзича ташхис қўйди. Табиббоши бу эси соғ одамга ачинса, у «неча кило гўшт қиларкинсиз», деб масхаралаб юриб-

ди. Табибошининг алами шундан эди. Гапириб сал хумодан чиққандай бўлди.

Анварга, шубҳасиз, унинг кечинмалари бегона эди. Табибоши у учун занжирнинг бир ҳалқаси эди холос. Аёлнинг гапларини аламга тўла юрак садоси сифатида эмас, шунчаки гина каби қабул қилди. Табибошининг «Асадбекнинг ялоғини ялайсиз», дегани товонигача зириллатиб юборди. «Сиз-чи, кимнигини ялайсиз, ҳалқлар отасиникинми?» демокчи бўлди-ю, шу гапни айтса баҳс чўзилишини билиб ўзини тииди. «Жиннихона маликаси» деб ном олган бу дўмбоккина аёл бир нималар деб вадираса жавоб қайтариш шартми, балки мени синамоқчидир, балки гап олмокчидир, балки учинчи каватга «кўтариш» учун замин ҳозирлаётгандир...» Анвар шу фикрлар билан ўзини овутди.

Табибоши Анвардан садо чиқмагач, гапим таъсир қилди, деган хulosага келиб, «Хайр бўлмаса», деди.

Анвар бош ирғаб ўрнидан турди. Бир-икки кадам қўйиб, орқасига ўгирилди.

— Кўришгунчами? — деди кулумсираб.

Табибоши бу гапни эшитиб, тутакиб кетди:

— Одам эмасакансиз! — деб юзини четга бурди.

## 2.

Ҳаво айтарли совук эмасди. Аммо кор учқунлари ни ўйнатиб юрган шамол «уст-бошингнинг қалинлиги менга чўт эмас, барибир какшатаман», дегандай одамларга ҳамла қилар эди. Шундай ҳавода пинжагининг ёқасини кўтариб, қўлларини чўнтакларига солиб, шумшайиб колган йигитга караб бирорлар «эси соғми бу одамнинг» деса, бирорлар «йўлтўсрлар ечинтириб олган шекилли», деб ачинарди. Ҳеч ким «бу бечорани кузда жиннихонага худди шу кийимда олиб келишган эди, «хотиним палто олиб келар», деб кутиб ўтирмаи чиқиб келаверибида», демас эди.

Автобусда Анварнинг жони пича ором олган эди. Пастга тушиб беш-ўн кадам босмай яна қалтирай бошлиди. Тез-тез юрса ҳам иснамади. Ҳовлисига безгакка учраган одамдай титраб-қакшаб кириб келди. Уйига кирмай, тўғри ҳовли этагидаги онасининг хонасига караб юрди. «Уйдамикинлар ишқилиб?» деб ўйлади у. Онаси, кўзи ожизлигига қарамай, деворларни

пайпаслаб юриб қўшниларникига йўрғалаб қоларди. Маҳалла-кўйининг иссиқ-совуғидан доимо хабардор бўлиб турган аёл куздан колса кийин экан. Уйга сиғмайди. Кўнгил қурғур «үтирма, қўни-қўшниларникига чик, дарди бўлса дардини ол», деяверади. Шунака пайтда ёмғирми-корми, иссиқми-совукми фарки йўқ — уйдан чиқади.

Эшикка яқинлашганида радиодан чикаётган овоз эшилди. «Уйда эканлар» деб ўйлади Анвар енгил тортиб. Эшикни очиб ичкари кириши билан онаси: — Ким? — деди. Жавоб кутмай сўради: — Анвар, сёномисан?

— Менман, ойн, ассалому алайкум.

— Вой, болагинамдан айланай, келган бўлсанг ўргилай, нимага қалтираяпсан, болам? — у шундай деб ўрнидан турмокчи бўлди. Анвар тез-тез юриб бориб чўк тушди-да, онасини қучди.

— Вой, болам, юпунлигингча келавердингми? Со-дик акангникига телпон қиласанг бўлмасмиди? Хотининг уйдайди-я, лип этиб кийимларингни олиб бораарди. Танчага ўтира қол, ха, омон бўлгура, шундай келаверганингни кара.— Рисолат кампир Анварни худди гўдакни авайлагандай танчага ўтказди. Қўлинни кўрпа орасига тикиб чойнакни олди-да, чой кўйиб узатди: Анвар ҳовури ўлмаган чойдан бир-инки ҳўплагач, Рисолат кампир ўрнидан туриб, радиони ўчирди. Сўнг эшикни кия очиб «Хонзода-ю, хой Хонзодахон», деб чакирди. Хонзода — Анварнинг кўз очиб кўрган хотини. Асл исми Зеби. Чарлари куни Рисолат кампир «Менинг ўғлим анов-манов боламас, у хоннинг ўзгинаси, келиним эса Хонзода бўлади» деб ҳазиллашганидан бери Зеби — Хонзода бўлиб кетган. Ҳовлидан «Ҳозир, ойижон», деган овоз келди. Дам ўтмай эшик очилиб, Зеби — Хонзода кўринди. Эрига кўзи тушиб «Вой», деб ажабланди. Қейин шошилиб салом берди.

— Кечада индамовдингиз-ку? — деди ўпкаланиб.

— Кеча номаълум эди. Бугун қарашса, тузалиб колибман. Сенга рухсат, тўрт томонинг қибла, дейишди, келавердим.

— Тузалиб қолдинг, дейишдими? Олдин касала-кансанми, вой омон бўлгур. Ҳай, Хонзодахон, иссиқ кийимларини олиб чиқинг дарров.

— Уйга кираколинглар... иссиқроқ-да.

— Шу ерда бирпас үтирсин, танча совукнинг заҳ-

ринни олади. Оловни титиб кўяй-чи. Шу эр сизники, ман билан бирпасгина ўтирсин, кейин олиб чиқиб кетасиз.

— Вой, ойи, гапингизни қаранг...

Рисолат кампир «бопладимми», дегандай мирикиб кулди.

— Содикникига чиқиб муллакангизга тиллон килиб қўйинг. Масковига кетмагандир ҳали. Укасини кўриб кетсин. Ҳай, яна Ҳабиб Сатторович, деманг-а. Муллака денг...

Хонзода «Хў-ўп, ойи» деб чиқиб кетди. У қайноғаси билан бирга ишлар, кўпчилик «Ҳабиб Сатторович» дегани учун у ҳам уйда баъзан шундай деб юборар, ўрнида узиб оладиган кайнона шубҳасиз, буни назардан четда колдирмас эди.

Ҳабиб Сатторович Зоҳидни кузатиб, эндиғина коғозларига тартиб бераётганида телефон жиринглади. Укасининг қайтганини, онасининг топшириғини эшитиб, соатига қараб олди — ҳали вакт бор. Тезгина кийиниб йўлга тушди.

Анвар танчанинг иссиғида хузурланиб ўтирганида акаси кириб келди. Кучоклашиб кўришдилар.

— Ҳафа бўлма, сени йўқлаб бормадим,— деди Ҳабиб. У укасига «боролмадим» эмас, «бормадим», деди. Анвар унинг максадини тушуниб кулимсираб бош ирғаб қўйди. Бирок, Рисолат кампир «бормадим»нинг маъносини англамай тўнғичига танбех бера кетди:

— Вой, омон бўлгур, уканг шунча ётиб би-ир мартаим бормадингми? Сенки, бормагансан, хотининг ўзингдан беш баттар. Вой, ман билганимда санларни би-ир ковуриб ташлардим-а! Вой, сан инсофи йўқлар...

— Ойи,— деди Ҳабиб норози оҳангда,— қўйинг энди.

— Нимага қўярканман? Ҳали хотининг келсин. Сен унга маслаҳат солгансан. У «қўйинг, настраенайз бузилади» деган. Сан лақма кўнгансан.

— Ойи, кеннайим бордилар,— деди Анвар вазиятни юмшатиш учун. — Акамни уришманг, ишлари кўп.

— Тўғри айтдинг, ишларим кўп. Лекин ишим кам бўлганида ҳам бормас эдим. Сабабини ўзинг биласан.

— Сабабини манам билай-чи, қани айт-чи, тилларинг мунча ширин!

— Менинг тилим ширин, ойи. Мана бунингизники захар. Шу тили етаклаган уни у ёкка. Бунингиз камсалмас. Буни миясинимас, тилини даволаш керак.

— Шунақа дўхтири бўлса бирга борайлик,— деди Анвар қувлик билан,— суюкли тилингизни сал юмшатиб берсин. Гилингиз «а» квадрат, «б» квадратдан бошкани айтишга ярамайди.

— Ойи, мени уришишга чакиритувдингизми? — деди Ҳабиб, бироз аччиқланиб.

— Сени уришиб туриш керак. Ҳамма айб ўзингда. «Укам ўзи хоҳлаган касбни танласин», дединг, ёнингга олмадинг. Ўзинг дўхтири бўлиб олиб гердайи-иб юрибсан. Етти ёт бегона болаларни олим қилиб юбординг. Укангнинг бири икки бўлмай сарсон.

— Бунингиз карра жадвалини билганда ҳам майли эди... Ҳа, нимага ишшаясан?

— Кўйинг, бу гапларни. Ойим бир гапирдиларда. Масковга кетяпсизми?

— Ҳа, МГУда бир ой дарс ўтаман.

— Домлангиз ҳали ҳам чақиряптими?

— Чакиряпти.

— Борасизми?

— Балки борарман, сенга нима?

— Масковда ҳакиқат бор, деб ўйлайсизми?

— Менга ҳакиқат эмас, илмий иш учун шароит керак.

— Ҳакиқат йўқ ерда шароит ҳам бўлмайди. Домлангиз бошингизни силагани билан «қора-қуралар насибамизни еб кетяпти», дейдиганлар кўп у ерда.

— Сен сафсатангни кўй. Ҳозир биттаси келиб бoshимни қотируди.

Хонзода кириб, уларнинг сухбати узилди.

— Мехмонхонага дастурхон солдим.

— Во-ей, Хонзодаҳон, эрингизни олиб чиқиб кетмагунингизча кўнглингиз тинчимади-я! — Рисолат кампир шундай деб фотиха ўкиди-да, ўрнидан турди. Икки ўғил икки қанотида, ҳовлига чиқди.

Онага икки қанот бўлиб турган ўғилларнинг фаткатгина соҳаси бошка эмас, дунёлари ҳам ўзгача. Катта қанот оҳиста учишни хуш куради. Қичиги чарх уришни, ўзини довул бағрига уришни истайди. Она учун эса олими ҳам, исёнчиси ҳам бир — ҳар иккovi фарзанд! Ҳабиб Инглистон қирол академияси аъзолигига эришиб, Нобел мукофоти билан тақдирланган, Анвар мамлакат жумхурраиси даражасига етган тақдирда ҳам она учун қулогига гап кирмас, бевош гўдак бўлиб колаверади. Дунёнинг сеҳри шундаки, қўш қано-

ти — икки ўғилнинг феълига қараб туриб уларнинг шу онадан туғилганига шубхалана бошлайсан. Қош-кўз онага ўҳшаса-да, феъл тоғаларига тортган. Анвар катта тоғага ўҳшайди. Ҳакикат излаб топган кўчаси уни турмага бошлаган эди. Тоғаси икки марта қамок жабрини кўрган бўлса-да, Анвардан омадлироқ, ҳатто баҳтироқ ҳам эди, дейиш мумкин. Чунки унинг «сиёсий маҳбус» деган номи бор. «Халқ душмани» деб коралланганлар энди «халқ қаҳрамонлари» сифатида эъзозда, Анвар ҳакикат излаб кирган кўча эса, уни «жинни» деган унвонга сазовор этди. Бу унвон ёрлиги бир умр ўзгартирилмаса керак.

Хабиб ўртанча тоғасига тортган. Урушдан қайтиб келганидан бери кундузи трактор, қуёш ботганда яримта арокдан бошқа нарсани тан олмайдиган тоғасига қараб туриб, бу бандани ҳам Худо яратганми, деб ажабланасиз. Тўрт йил қирғиндан омон қайтган одам кўкракларини тўлдириш мумкин бўлган нишонларини бирон марта ҳам тақмабди. Бирон ерга ҳакини талаб қилиб бормабди. Немисни узокдан бир кўриб колган одамлар эъзозда юрганларида у «нима учун мен кора мойға беланиб юраверишим керак», демабди. Унинг урушга борганини кексарок одамлар эслашади, ёшлар эса билишмайди. Факат бир украин, бир чех генерали уни кидириб келишди-ю, шаҳар бикинидаги кишлоК бир сесканиб олгандаи бўлди. Мехмонлар истаги билан кишлоК аҳли, қариндошлар тўпланиб кирқ йил сандикда эски рўмолга тўгиб кўйилган нишонлар, суратлар олинди. Унинг Берлинда Черчилл билан тушган сурати барча газитларда босилди. «Ўзбек қаҳрамони», деб кўкларга кўтарили. Аммо «Ўзбек қаҳрамони» бу пайтда у дунё лаззатларидан баҳраманд эди. Генераллар излаб келмасидан икки йил олдин немиснинг ўқи ололмаган одамни ажал далада топди — дориланган ерга кириб хушини йўқотганича, худди панадан узилган ўқка дуч келгандай армонда кетди.

Хабиб, умри ўҳшамасин ишқилиб, шу тоғасига тортган. Олимлар «Йўқдан бор бўлмайди, бордан йўқ бўлмайди», деганларидек, инсон феъли, руҳи ҳам йўқликка хукм килинмас экан. Рисолат кампир болаларидан упкалаб, «сен кимларга ўҳшадинг, ҳайронман, дананг унака эмас эдилар» деб қолса, «фалончи тоғамга» деб кулишарди. Шунда Рисолат кампир ўғлининг тоғасига сира ўҳшамаслигини исбот қилиш учун акалари-

нинг фазилатларини санаб кетарди. Окибатда бу «фазилатлар қайси бири сенда бор?» деб сўрарди. Уни бу пайтда тинчлантиришнинг бирдан-бир йўли — «хеч қайнси йўк» деб тан олиш. Аслида-ку, Рисолат кампир болаларининг кимга тортганини яхши билади. Билгани учун ҳам кўнгли тўқ. Хархолда эрининг уруғларига тортмади-ку. Рисолат кампирнинг қайнилари, қайниснингиллари муттаҳамроқ — безрайиб туриб ёлғон гапираверишади. Худо Рисолатга раҳм килиб, фарзандларини уларга ўхшатмади.

Бу дунё азобидан етарли тотган Рисолат «кўзларимдан нурни олган парвардигор жонимни қачон олар экан», деб юрганида кичигининг «жинни бўлиб колганига» асти чидай олмади. Унинг дардларига ҳовли этагидаги ўша танчали уй гувоҳ. Кўришга ярамай колган кўзлар йиғига яраб турганига ҳам баъзан шукр килади. У Анварнинг ишхонасидаги гап-сўзларни, халқ отасининг найрангларини билмайди. «Ўғлим тирнокка зор бўлгани учун сикилиб касалга чалингган», деб уйлайди. Институтдаги аҳволни Ҳабиб ҳам аниқ билмайди, аммо ўзича тахмин қилади. Мана энди ўғлицининг «тузалиб келганидан» хурсанд она икки қанотидә икки ўғли билан ҳовлини кесиб ўтиб, меҳмонхонага боряпти.

### 3

Ҳабиб бир пиёла чой ичдию сафарга ҳозирлик кўриши лозимлигини айтиб ўрнидан турди.

— Тұхта, ўтири, — деди Рисолат кампир. — Ўрис бўлиб черковнинг йўқ, мусулмон бўлиб мачитинг йўқ, сан боланинг. Дўмга бориб мусулмончиликдан чиқдинг. Дуо олиб кетмайсанми? — шундай деб фотихага қўл очиб узундан узок дуо қилгач, Ҳабиб унинг ёноқларидан ўпиб кўйди. Кўчага кадар кузатиб чиккан укасига қўл узатди-да:

— Каловланиб юрганинг ҳам етар, а? Аввал ҳак гапни айттиришмайди, деб нолирдинг. Ёлғон гап билан тарих илмини яратиб бўлмайди, дердинг. Энди ҳам шаронт етилмадими? Ҳаммаёқни ошкоралик босиб кетди-ку? Шоирчилигинги йигиштириб, илм билан шуғуллан. Кейин афсусланасан. Бунака шаронт узок давом этмаса керак,— деди.

Анвар акасига караб жилмайди-да: «Худо пошо!» деб кўйди.

Акасинни кузатиб келиб, онаси билан икки оғиз сўзлашишга улгурмай, дарвоза қўнғироғи бир узун, икки марта кисқа-кисқа жиринглади.

— Хоғиз ўртоғинг келди,— деди Рисолат кампир.

Анвар ўрнидан туришга улгурмай, ховлида Элчин пайдо бўлиб, «Мирзо Анварбек!» деб чакирди. Мактабда ўқиб юришганида ўртоқлари уни «Мирзо Анвар» кўнгил қўйган кизи Лолани эса «Раъно» деб чакиришарди. Болалик сурури мозийга кўчган бўлса хам Элчин дўстини эркалагиси келганда «Мирзо Анварбек!» деб йўклар эди. Ҳозир хам лутф билан шундай деб кириб келиши Анварни ийдириб юборди.

— Опокижон, қувониб ўтирибсизми? — деди Элчин, кампирнинг дуосини олгач. — Бир ошнамдан хабар олай девдим, ният холис-да, ўзи келиб қолибди.

Анвар унга караб «кувлигингга койилман», дегандай бош иргаб кўйди. У ё табибошибига қўнғироқ килган, ё ўзи яна бориб келган. Анварнинг кайтганини билиб кирган. «Ният холислигига» кампирни ишонтирди, аммо Анварни лакиллата олмади. Шунга карамай Элчин Анвардаги ўзгаришларга парво қиласади. Ҳудди уни эмас, опокиси Рисолат кампирни қўргани киргандай лакиллаб ўтираверди. Анварга «яхши келдингми?» дейишдан бошка сўз айтмади. Кампирнинг ёнига ўтириб олиб, гапни ахволи оламдан бошлаб, сўнг бармокларини шакиллатиб «ёввойи тановар»ни хиргойи қилди. У гаплари билан кампирни чарчатдими ё кўпни қўрган сезгир Рисолат икки ўртоқнинг ўз гаплари борлигини фаҳмладими, хар нечук Элчиннинг нафас ростлашини кутиб туриб, сұхбатни узди.

— Энди мен уйимга чикай, ўруска усталлингда белим котиб қолди. Санлар гурунглашиб ўтиринглар. Аммо ичманглар. Анваримга сираям ёкмайди. Сан хофиз болам тўйма-тўй юриб, ичишга ўрганиб колгансан. Санам ташлагин ичкиликни.

— Отликка йўқ-ку, ҳозир,— деди Элчин кулиб.

— Қассобга мол қаҳатми, вой болам, санларни биламан-ку, томокларинг кичишса ернинг тагидан бўлсаям топасанлар. Шири-ин гаплашиб ўтиринглар. Мана, худога шукр, сан окланиб келдинг. Ўртоғинг хам келди. Энди сан уйлангин, болам. Ўртоғингнинг қайинсингларини би-ир кўргин. Ҳусни хам, акли хам

бебаҳо. Қайноаси ношукр банда экан, сиғдирмай турмушини бузди. Битта ўғли бор — оламга татиди. Сан хўп десанг, бўлди, бу ёғини манга қўйиб бераверасан. Худо хоҳласа баҳтинг очилиб кетади. Қўнглим сезиб турибди, ўртоғингнинг ҳам баҳти очилади. Шу боламнинг боласини би-ир ўпиб кейин ўлсам армонсиз кетардим. Худо «шу неварангни кўрасан» деб жонимни сақлаб турибди-да...

Рисолат кампир кейинги гапларини йиғламсираб айтди. Қайнисинглисидан гап очилганида Анвар «Элчинбой катта одамга куёв бўладиган, жувонга эмас, кизга уйланадиган йигит, уни ерга урманг», деб бир узиб олмоқчи бўлди-ю, онасининг кайфияти бузилганини билиб, индамади.

Фарзанддан гап очилса, Анварнинг ҳам юраги сикилади. Дастлаб таниш-нотанишлар «бола-чака омонми?» деб сўрашганида ўнгайсизланиб юрди. Фарзандсизлик катта гуноҳдек туюлди. Шунда хотинининг гапига кириб даволанмокчи ҳам бўлди. Кейинчалик бола боқиб олишга розиллик дуч келавергач, «шу азобларга гирифторм қилиш учун бола кўрамани», деб кайсарлик килди. Аста-секин «бола-чака омонми?» деган сўрокка бош иргаб қўяр, кайфияти яхши бўлса «юришибди дўмбиллаб», дерди. «Болалардан нечта бўлди?» деб сўраб қолинса «қайси хотиндан?» деб ҳазилга бурворадиган бўлди. Факатгина онаси гапирганда юраги сикиларди. Унга «умид килманг», дея олмайди. Гўё умид узилса, жони ҳам узиладигандай туюлади — «майли, умид билан юраверсинлар...»

Анвар онасини қўлтиқлаб, ховлига олиб чиқди.

— Мани судрамай қўйворавер, йўлни ўзим топаман,— деди кампир. — Ўртоғингни ёлғизлатма. Қўнглини кўтар, боякишнинг. Бир амаллаб қайнисинглингни кўрсат. Қудаларимни ўзим кўндираман. Қамалган бўлсаям яхши бола. — Кампир шундай деб кўзи очик одамдай ўзи юриб кетди. Анвар онаси уйга киргунча изидан караб турди. Рисолат кампир остона ҳатлаб ўтиб оркасига ўгирилди:

— Нимага коккан қозикдай турибсан, кир ичкарига!

Анвар буйрукка итоат этиб, уй томон қадам босганида қўнғирок жиринглади. Уч тавақали дарвозанинг

ўрта қаноти очиқ эди. Анвар қўл қовуштириб турган кўшинисини кўриб, чехраси очилди.

— Э, келсинлар, Ҳожикори ака,— деб пешвоз чиқди.

Рисолат кампир меҳмоннинг овозини эшитиб, уйи эшигини очиб, ўша ерда туриб сўрашди-да:

— Мошинангиз топилдими, кори болам? — деди.

— Топилди, холажон, худога шукр, топилди.

— Яхшиликка буюрсин. Ҳалолга келган нарса йўқолмайди. Қани, киринглар, Анваржон, бошла ўйга.

Элчин Собитхон корини аввал кўрмаган, у ҳакда эшитмаган ҳам эди. Шунинг учун «ким экан бу мулла, нима килиб ивирсиб юрибди?» деб ўйлади. Қорининг маънодор кўзлари унга киборлик билан бокқандай туюлди. Собитхон кори кисқагина дуо ўқигач, Анвардан ҳол-ахвол сўради.

— Кўчада мулла Ҳабибхон акани иттифоко учратиб, бу кўнгилхуш хабарни эшитдим. Мавриди бўлмаса ҳам, йўқлай дедим. Узр, сухбатларингизга халал бердим. Сизни бир бориб кўролмадим, бунинг учун ҳам минг бор узр. Аммо ҳар вакт дуоларда жумла дардманлар каторида сизга ҳам шифо тиладим.

— Қуллук, тақсир, бу... мошинага нима бўлди?

— Э, нимасини айтасиз. Одамлардан иймон кўтарилса шу-да. Ҳовлидан олиб чиқиб кетишибди.Faflatda колибмиз. Ўзим юргизолмай гаранг эдим. Қандай миниб кетишди экан, ҳайронман.

— Қайтаришдими ахир?

— Қайтаришди, бинойи юряпти, денг,— кори шундай деб мийифида кулди.

— Тузатгани олиб кетишган экан-да, а? — деди Анвар ҳазиллашиб.

— Кошки эди, кошки эди,— деди кори жилмайиб,— бу бир ғаламисларнинг иши. Асадбек деган одамни эшитганмисизлар?

Бу гапни эшитиб Анвар билан Элчин кўз уриштириб олишибди. Кори буни сезмай, сўзини давом эттириди:

— Шу одам денг, махалласида масжид солдираётган экан. Имомликка чакиртириди. Бормадим. Ҳаром пулларга курилган масжидда намоз ўқиб, охиратимни куйдирмайман, дедим.— Кори кейинги гапларни фуур оҳангида айтиб «боплапманми!» дегандай Анварга қаради. Анвар сухбатга кўшилишга улгурмай кутилмаганда Элчин сўз бошлади:

— Чакки қилибсиз, биродар,— деди у.

Собитхон ялт этиб нотаниш мезбонга қаради. «Қори ака», «Хожикори ака», «Домлажон», «Таксириим» деган мурожаатларга кўниккани учун ӯзидан икки-уч ёш катта одамнинг «биродар» дейиши унга эриш туюлди. Элчин ундаги ўзгаришни пайкамай гапини давом эттирди:

— Пулнинг ҳалол-ҳароми бўлмайди. Ҳар ким ўз билгича топади. Лекин пулни ҳаром-ҳаришга ҳам, савобга ҳам ишлатиш мумкин. Топган пулнига масжид курдирибди, иморатда нима гуноҳ? Шу пулларни ебичиб, айш-ишратга сарф этса ҳам бўларди-ку?

— Сизнинг қаричингиз билан ўлчанса шундайдир. Аммо Ӑллоҳнинг уйи ҳалол пешона тери билан топилган пулга курилмоғи лозим.

— Қайси масжид шундай қурилган? Пешона тери эвазига топилган пул корин тўйғазишга етмайди ҳозир, сиз мачит қуришдан гапирасиз. Асадбекдан бекорга гумондор бўласиз. У бунака майда ишларни ўзига эп билмайди.

— Во ажабо, ўзи ҳам менга шу гапларни айтди. Аммо унга учрашганим ҳамон мошинам топилди-да?

— Топдириб бергандир.

— Сиз уни танийсизми? Уни жуда авайлаб гапиряпсиз? Пирингиз эмасми, мабодо?

Анвар Элчинга сўз бермаслик мақсадида гапни илиб кетди. Таништирмагани учун узр сўраб, дўстини таърифлаб берди.

— Элчин сизмисиз? — деди кори маънодор қилиб. — Ашулаларингиз ёдимда. Ҳозир кўп ҳамкасбларингиз ислом йўлига ўтиб ибрат бўлишяпти.

Элчин бир гапдан колиб, «ха», деб қўя колса бўларди. Бироқ, «исломга хизмат килаётганлар»нинг кимлигини яхши билгани учун ўзини тутиб туролмади:

— Ҳамма номаъқулчиликларни килиб кўриб, энди мусулмон бўлиб қолишибдими? Нима эди, ўғри қариса суфи бўларканми?

— Каттиқ кетманг, биродар. Гуноҳлари бўлса, Аллоҳ олдида ўзлари жавоб берадилар. Ашула бошлашларидан аввал «бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм» дейишиларининг ўзи улуғ савоб.

Элчин бу гапни эшитиб кулиб юборди. бу кулаги корини ғазабга солди. Анвар уларни муросага келтириш йўлини топа олмай қаловланди.

— Кулманг, биродар, гунохга ботманг,— деди көри асабий оҳангда.

Элчин кулгидан бирдан тұхтаб, унга жаҳл билан тикилди.

— Кошу күзингдан аканг айлансын, қачон қўйнингга кираман, қўлимга қачон қўнасан, дейниш учун ҳам бисмилло айтиш керакми? Сизга шу найрангбозлик ёқадими? Ҳеч бўлмаса динни найранглардан тозалаб қўйинглар.

Собитхон кори «астағфируллоҳ!» деб пичирлаб, «бу иблиснинг дастёри» билан баҳслашишнинг фойдасиз-лигини англади-да, Анварга каради:

— Чиндан ҳам бемаврид кирибман. Анваржон, менга рухсат,— у рухсатни кутмаёқ, фотиҳага қўл очди,— барчамизни Аллоҳ таборака ва таоло иймонда ва исломда баркарор этсин, овмин...

Элчин одоб юзасидан туриб, хайрлашмади, ўтирган ерида бош иргаб қўя колди.

— Нимага унга осиласан, арпангни хом ўрганими? — деди Анвар, корини кузатиб қайтгач.

Элчин қўл силтаб қўйди.

— Ҳаммаси найрангбоз. Қуръонни шариллатиб ўқиб, барчани маҳлиё қилади-ю, бу ёқда машшатдан бушамайди. Менга биттаси айтувди: қиёматда имомлардан тутантрик қилинар экан. Тушундингми, дўзах оловини ёкиш учун шу имомлар тутантрик бўларкан. Биринчи шулар ёнади. Чунки сен билан мен билмай гуноҳ қиласиз. Булар билиб туриб қилишади. Ҳархолда мен шу имомингдан кейин ёнаман дўзах утида.

— Собитхон сен айтган тоифаданмас, уни бекор ранжитдинг. Илми пухта, бирордан бир танга таъмма килмайди. Миллат деб жонини беришга тайёр. Бунақалар кам...

— Қўй, ӯшанингни,— Элчин шундай деб яна қўл силтади.

— Мана, Асадбек акангнинг илтифотлари билан «тузалиб» чиқдим. Менда нима ишинг бор?

— Сендами?.. Сенда ишим йўқ... Энг мухим ишим шуки, уйингда тухум босиб ўтир, опокимга яхши кара, дуоларини ол. Бошлиғинг билан ӯнашма. Бераётган ваъдаларига ишонма. Ваъда дегани бир копкон, сенга ӯхшаган лакмаларни осон илинтириш учун ўйлаб топилган. Ҳакикат учун курашиш сенинг қўлингдан келмайди. Буни менга қўйиб бер.

— Ҳақиқат учун курашувчи бўлиб олдингми, ҳали? Ҳақиқат бечоранинг куни сенга қолибдими? Курашганингиз ҳозирги гапларингиз-да, а?

— Пичинг қилишга устасан. Тилингдан заҳар томиб туради. Кўп ўқигансан-у, заррача укмагансан. Дунё файласуфларинг ёзиб кетгандай бўлмайди ҳеч қачон. Қайта куришларига ҳам ишонма. Бўрилар бир юмалаб қўйга айланишган. Лекин бу қўйлар ўт емайди, гўшт ейди. Тушундингми! Сенга ўхшаган лакмаларнинг гўштини ейди.

Хонзода икки косада мастава кўтариб кирмаганида икки дўстнинг сухбатидан тутун чиқар эди. Элчин овқатнинг иссиқлигига қарамай, тез-тез хўриллатиб ичди. Илгари бундай эмас эди. Кошикни тоза сочикда артиб, овқат ичидан тилла қидиргандай обдан аралаштириб совутиб, эзмаланиб ичарди. Анвар дўстидаги бу ўзгаришни кўриб, «қамоқнинг таъсири-да», деган хулоса чиқарди.

Элчин Анварнинг имиллаб овқат ейишини кузатиб ўтирди. Коса бушағач, «зарур ишларим бор, кейин келаман», деб қўзғолди.

- Тўй қачон? — деди Анвар.
- Якин колди. Қамишдан белбог тайёрлаб тур.
- Қайнисинглимни кўрасанми?
- Кейин... кейин, бир гап бўлар... — Элчин шундай деб, хайрлашиш учун кўл узатди.

#### 4

Софинч хислари андак ором олгач, Хонзода уйқуга кетди. Қариб икки ой каттиқ каравотда ёлғиз ётишга кўнишиб қолган Анварга икки кишилик юмшоқ каравот торлик қилиб уйқу бермади. Хотинининг енгил пишиллашини кўрпа-ёстиқ ўзига ютмай, аксинча янада кучлироқ жаранглатиб Анварнинг қулоғига ургандай бўлаверди. Бутун хона хотинининг нафасига тўлиб кетгандай, тоза ҳаво колмагандай туюлди. Ҳолбуки, хона баҳаво, Хонзоданинг енгил пишиллашига эътибор бермаса ҳам бўларди. Уни безовта этаётган нарсалар аслида булар эмас. Жиннихонадаги бедор тунлар, күюн ўрамидай ёпирилиб келувчи хаёлларга банди бўлиш, учинчи қаватдан келаётган бакириклар — ҳаёти мазмунини белгилаб қўйгандай, у айнан шундай яшаш-

га маҳкум этилгандай эди. Анвар бедорлиги ана шу маҳкумлик меваси эканини англамай, бунга бошқа сабаблар ахтарди. У ён-бу ёнига агдарилавериш ҳам жонига тегиб, үрнидан турди. Жиннихонада бундай кезларда сухбатлашувчи навбатчи ҳамширалар бўлишарди. Жимлики пораловчи бакириклар эшитилиб турарди. Ҳархолда тириклик белгилари мавжуд эди. Ўйида эса, наинки ўз уйида, балки бутун маҳаллада осудалик.

Хонзода эрининг турганини билди. Кўзини салгина очиб караб қўйди-ю, индамади. Бироздан кейин яна уйқуга кетди. Унинг пишиллаши тингач, соатнинг чи-киллаши боскондан тушаётган болгадай жаранглаб миясига урила бошлади.

Анвар ётоқдан меҳмонхонага чиқди. Қанча ўтирганини билмайди. Бир маҳал уйи ёриша бошлагач, юраги хаприкиб үрнидан туриб кетди. Оппок нур юкоридан пояндоз сингари тушиб оёклари остида тұхтади. Анвар бу сафар қўрқмади, оёқ-кўллари музламади. Ёкимли овоз келишини кутди. Овоз ҳаялламади:

— Сен биздан кочиб келдингми?

— Мен... ўз уйимга келдим.

— Ёлғон гапирма. Сен бизга ишонмаяпсан. Ўзингни руҳий хаста деб хис киляпсан. Биз билан учрашганингни кимга айтсанг ҳам у сени жинни деб хисоблайди. Сен яшаётган дунё шундай тузилган: ҳақиқатга ишонишмайди. Ҳақиқатни айтсанг — жиннига чиқаришади. Факат бизнинг сайёрамиздагина ҳақиқат бор — бунга шак келтирма. Сен биздан қочма, сайёрамизга бутунлай кетишига хозирлан.

— Нима килишим керак?

— Ўзингни жисмонан маҳв этишинг лозим.

— Ўлдиришим керакми?

— Ха. Бу бизнинг асосий шартимиз. Юрагинг уришдан тұхтамай туриб, жонингни олиб чиқиб кетамиз. Сени ерликлар унущыллари лозим. Жисминг маҳв этилмаса, Зуррада жонинг ором топмайди. Сен учун бошқа йўл йўк. Бобонг ҳам шу фикрда.

— Бобом? Қайси бобом?

— Хозир кўрасан, нурга қадам қўй.

Анвар беихтиёр равишида дераза томон қадам қўйди. Кўкрагидан бир нима узиб олингандай бўлди. Нур унинг руҳини кўз илғамас юлдуз — Зурра сайёраси томон олиб учди. Меҳмонхонада унинг фактотошкот-

ган гавдасигина қолган эди. Гүё ҳайкалга айланганини ўзи билмайди. Бир канча вакт ўтгач, хотини уйгониб, ундан хавотирланиб, ҳабар олгани чикади-ю, бу манзарадан даҳшатга тушади. Бу ҳақда кейин сўзлаймиз. Хозир Анварнинг руҳи изидан боришнинг айни пайти.

Бу сафар Анварнинг кўз ўнгида бутунлай ўзга манзара пайдо бўлди: чўққиларидан кор аримаган тог. Тоғнинг нак қиндини ёриб чиккан шаршара. Унинг ёнида тўрт одамнинг кулочи етмайдиган чинор. Даражтнинг баҳайбат шохлари остида ёғоч сўри. Сўрида Анвардан бир-икки ёш каттарок йигит китоб ўқиб ўтириди. Анвар уни қаердадир кўргандай эди — кимгайдир ўҳшатди. Кейинроқ, руҳи уйига қайтгач, бир сирни аниқлайди — у ўзига ўҳшарди. Бу ҳақда ҳам сўнгрок сўз юритамиз. Хозир эса... Анвар салом берди. Мўйловли йигит бошини кўтарди:

— Келдингми, болам? — деди у. Анвар ажабланди: «канакасига мен унга бола бўлай?» Мўйловли йигит унинг фикрини ўқигандай жилмайди.— Сен менинг на-бирамдайсан. Амир мени осмай, мен бу ерга келиб колмаганимда балки сен менинг набирам бўлардинг. Шоакбар Зуннуний деган одамни эшигтганмисан?

Анвар унга яхширок тикилди, шундай жадидни эшигтган эди. Бухоро амири дорга тортирган зиё аҳли орасида Шоакбар Зуннуний исмли зотнинг буюк салоҳият эгаси бўлгани ҳакида тарих китобларида бир канча сатргина бор. Зуннунийдан на бир мерос, на бир сатр асар қолган. У ҳақдаги хотиралар ҳам узук-юлук эди. Анвар кисқа сатрлар орасида улуғ синоат яширинган булиши мумкинлигини ўйлаб кўрмаган экан. Агар хозир ўзини Шоакбар Зуннуний деб танитган мўйловли йигит «мен ҳакимда нималар биласан?» деб сўраб қолса. Анвар жавоб бера олмай изза чекарди. Бахтига бундай савол берилмади. Зуннуний гапини давом эттириди:

— Ҳадиҷа бувингнинг кўз очиб кўрган эри менман. Биз уч фарзанд кўрдик, аммо улар пешонамизга сифмади. Мен осилганимдан сўнг бувинг бобонг Жамолиддинга тегди. Сен хафа бўлма, туғрисини айтишга мажбурман. Жамолиддин менга ҳамсоя эди. Ҳатто ҳамфир эди. Биз Ватани ўрус подшоси зулмидан озод этмок йўлига жон тиккан эдик. Бухоро тасарруфидаги ёрларда фуқарога зиё бермак истагида юрган

онларимизда хибсга олиндик. Фақат Жамолиддин тирик колди. Англайсанми?..

Анварнинг қулогига ёқимли овоз келди:

— Бу гапларга ишон. Буларнинг барчасига биз гувохмиз. Бобонг хоинлик килиб имонини сотгач, шуролар хизматига утди. Бувингга уйланди. Зуннунийдан колган қүләзмаларни бузган холда таҳир этиб, шуролар максадига мослаб нашр эттириди, шу йул билан шухрат топди. Оқибатда сохта шухрати ўз бошини еди. Ўттиз еттинчи йилда шуролар унинг садоқатли хизмати учун хибсга олиб, туманли юртга юбордилар. Совукда очлик азобига чидолмай хор бўлиб ўлди. Онангда унинг хатлари сақланган. Ишонмасанг ўкиб кур.

— Сен бобонг билан фахрланиб юрарадинг,—деди Зуннуний.—Менда бу ҳисни ўлдириш нияти йўқ. Жамолиддин қизилга хизмат қилишнинг улуғ хато эканини англаб, бу сафар виждонига хиёнат этмади. Биродарларини сотмади. Мен ундан рози булганман. Сен ҳам уни лаънатлама. Инсон умри хатолардан иборат. Мунофиқлик ҳеч замон жазосиз қолмайди. Ҳозир тили бошқа, дили бошқалар даврасида азият чекяпсан. Сен тушкунликка берилма. Халқ фидойиси никобида яшовчилар хаётларини азобда якунлайдилар. Оқибатда нижноблар йиртилгуси, уларнинг асл киёфалари кўрингусидир. Халкни ҳеч бир замонда ҳеч бир мунофиқ алдай олмаган. Дунё сохта фидойиларни кўп курган, бундайлар ҳали яна кўп чиқади. Ер юзидағи кураш сира барҳам топмайди.

— Мен нима қиласай, ночорман-ку? — деди Анвар.

— Ночорсан, биламан. Сен менинг ёнимга келасан. Унгача бир иш қиласан: катта тоғангнинг чордогида, эски-тускилар орасида кўхна китоблар, коғозлар ҳам бор. Коғозлар — менинг қүләзмаларим. Бобонг ҳам, бувинг ҳам уларни саклашган. Китоблар орасида ўрус аскарларининг Тошкентдаги жанглари тасвиrlанган асар бор. Жамолиддин уларни нашр этишга қўрккан. Уни сен халкка етказ. Мен сенга оқ фотиҳа бераман. Ишларнинг ўнгидан келади. Мана бу китобни ол, сенга ўйлдош бўлсин.

Зуннуний ўкиб ўтирган катта китобни Анварга узатди. Китоб Анварнинг кулига ўтиши билан бир ёруғлик тараттию кичрайиб, кафтдай бўлиб колди. Шунда Анвар яна ёқимли овозни эшилди:

— Биз сени холи қўямиз. Биз билан учрашишни хохлаб қолсанг — қўришамиз.

Анвар гапга оғиз жуфтлашга ҳам улгурмади.

— Жоним болам, жон болам, мени қўрқитмагин, Анваржон...

Анвар онасининг овози каердан келганини дафъатан англамади. Хуши ўзига келгач, юзларини силайтган онасини кўрди-ю, аввалига ажабланди. Ёнида турган Хонзодани кўриб, нима воеа юз берганини тушунди.

— Ойижон, қўрқманг, хаёлга берилибман,— деди вазиятни юмшатиш учун.

— Вой болам-эй, хаёлинг ҳам бор бўлсин-а, кимлар билан гаплашдинг? — деди Рисолат кампир, ўғлини кучоғидан бўшатмай.

— Нима дедим?

— Гапларингга тушуниб бўлмайди, бир нарсалар деб фўлдирадинг-а болам. Сени бир ўқиб юбориш керак. Инсу жинслар тинчлик бермаётганга ўхшайди.

— Ойи, ўтириб олинглар,— деди Хонзода, синик овоз билан.

Она-бала диванга ёнма-ён ўтиришди. Рисолат кампир, ўғлининг юзини силаб, елкаларини укалаган бўлди.

— Ойи, Шоакбар Зуннуний деган одамни эшитганмисиз? — деб сўради Анвар, онасининг қўлларини ушлаб.

— Зуннунийми? Адам раҳматининг шунака ўртоклари бўлган экан. Ўлиб кетган бўлса ҳам адам раҳматининг бошларига бало ёғдириди. Халқ душмани бўлган экан-да, бояқиши.

— Бувим Зуннунийни гапирамидилар?

— Ха, энди гапирган бўлсалар гапиргандирлар, эсимда турибди, дейсанми?

— Бувимнинг биринчи эрлари Зуннуниймиди?

— Вой, худойим, сан буни қаёқданам била қолдинг? Санга айтувдимми?

Анвар кўрган, эшитганларини айтса онасининг эси оғиб қолиши мумкинлигини билиб, «болалигимда айтувдингиз, шу эсимга тушиб колди», деди. Рисолат кампир ўғлининг косасидан чиккудай бўлиб каттакатта очилиб турган кўзларини кўрмайди. Аммо Анварнинг баданида сўниб улгурмаган енгил титроқдан ахволини яхши билиб ўтиради.

Хонзода эса эрининг кўзларидан нигохини узмай

кўркувдан титрайди, хаёлида бир фикр чарх уради — «ҳали яхши тузалмаган эканлар».

— Ойи, бувамни камаб кайси томонга олиб кетишган?

— Айтганман-ку, Туман деган жойга. Офтобнинг куринишидан кўринмаслиги кўп, худонинг қарғиши теккан жойлар экан.

— Ха... Тюменми?. Хат ёзармидилар, хатлари борми?

— Бор.

— Нима учун менга кўрсатмагансиз?

— Сенга керакмиди? Ман қаёқдан билай, ўзинг сўрамаган бўлсанг...

— Ойи, дамингизни олинг. Менам озгина ухлай.

— Ха, шунака килгин болажоним. Хонзодаҳон, болам, сиз Робияхонга айтиб қўйинг. Собитхон манга бир кўриниш берсин.

— Ойи, керакмас,— деди Анвар, онасининг муддаосини фаҳмлаб.

— Сан жимгина ўтиравур. Мани ишимга аралашма. Нима қилишни ўзим биламан. Ўжарлик қилмай нафаси ўткир домлага ўқитворганимда шунча вакт банисада ётмасидинг. Шу замоннинг дўхтирларига ишониб бўларканми, ҳаммаси порага ўқиган. Карабтур, отдай бўлиб кетмасанг, нима десанг де.

Рисолат кампир ўрнидан турди-да, ўнг қўлини олдинга чўзиб эшик томон юрди.

Хонзода кайноасини кузатиб келганида Анвар жойидан жилмай ўтирган эди. Хонзода эрининг ёнидан жой олиб, елкасидан аста кучди.

— Кўркиб кетдингизми?— деди Анвар. Хонзода жавоб бермай елкасига юзини қўйди.— Кўркманг, бу касаллик эмас. Мен ҳам аввалига руҳим шикастланибди, деб кўркувдим. Нима бўлганини билдингизми?

— Дераза олдида котиб туравердингиз. Чакирсам ҳам эшитмадингиз. Кейин... кўркиб... ойимни чакириб келдим. Ойим келганларида қўлингиздан олов чиқиб кетгандай бўлди. Яхшиям ойим кўрмадилар. Бўлмаса юраклари ёрилиб кетарди.

Анвар хотинини қучиб, эркалаган бўлди:

— Сиз сира кўркманг. Мен жинни эмасман. Нима бўлганини сизга кейин айтаман. Ҳозир айтганим билан, ишонмайсиз. Тонг отса тоғамникига бориб келаман. Агар рост бўлса...

— Нимани айтяпсиз?

— Кейин...

## Х Б О Б

1

Асадбек бир туш күрди: ўзи мозорда турган эмиш. Ўркач-ўркач қабрлар оқ туяларга айланиб, карвон булиб тизилиб кетаётганиш. Оқ туялар күзида ёш бор эмиш, туялар қабристонни тарк этгач, бурон турганниш. Қуюн дўмпайиб турган қабрларни худди козон копкоғидай очиб, мурдаларни суғуриб олиб, қиёматни бошлаб юборганиш. Мурдалар тўзиган хазон сингари Асадбек атрофида чарх уармиш...

— Адаси... Адаси...

Шу ерга келганда Манзура уни елкасидан аста силкиб уйғотди.

— Вой, ёмон туш кўрдингиз-а, астағириуллоҳ денг.

Асадбек хотинининг гапини икки килмай, ичидатавба деди. Манзура унинг пешонасидаги терни кафти билан артди. Асадбек кўркинчли тушларни кўп кўрарди — дам уни бўғизлашарди, дам осишарди... Баъзан босинкираб, дод деб уйгонарди, дам кўркувдан терлаб типирчилаб қолганида хотини уйғотарди. Бугунги туши, аввалгиларига солиштирилганда, унча даҳшатли эмас. Оқ туялар тизилиб кетишли. Қабристон жунбушга келди... Асадбек кўрган тушини хотинига айтди.

— Вой ўлмасам,— деди Манзура, пастки лабини тишлиб,— туялар чиқиб кетишдими?

— Чиқиб кетди. Ҳа, ёмонми?— деди Асадбек содалик билан.

Манзура эри учун таъбирчи булиб колган эди. Туш ўйиниң унга она мерос. Фариштадай оқ кўнгил бу аёлга кўшнилар ўз сирларини ишонишарди. Манзура кичкиналигида онаси ёнида ўтириб, кўп тушларнинг таъбини билиб олган. Янги турмуш курган кезлари, бир куни Асадбек ярим кечада уйига қайтса, чироқ ёник, эшик очик, хотини уй ичидаги уртага жойнамоз солиб устида мудраб ўтирибди. Асадбек «Ярим кечада ҳам намоз ўқийдими», деб хайрон бўлди-ю, хотинига бу хақда гапирмади. Бу хол яна уч-турт такрорлангач, сўради. Манзура сабабини қўрка-писа айтди: қиморбоз-

лар хотинларини ҳам тикиб, юткизиб қўйишсау даъвогар кирганида хотин жойнамоз устида ўтирган бўлса тегмас эканлар... Ўшандан бери Асадбек «унча-бунчага акли етар экан», деб ирим-сиримга оид масалаларда уни гапга тутиб турадиган бўлди. Биринчи марта бо-синкираб уйгонганида Манзуранинг кистови билан кўрган тушини айтди. «Илонлар ичидаги колган бўлсан-гиз, бойиб кетар эканмиз», деди Манзура. Асадбек бу гапга ишонмаган эди. Бир хафтадан сўнг қўлига катта пул тушгач, хотинига тан берди. Шу-шу ғалатирок тушкўрса, дарров хотинига маълум килади.

— Ха, ёмонми? — деб кайта сўради Асадбек, хотининг жим колганидан ажабланди.

— Ёмонмас-ку... мозоримиздан авлиёлар кетиб ко-лишибди. Одамлардан иймон кўтарилигани гамикин...

— Хе... тентак, шуми топган гапинг. Нима экан, дебман.

Асадбек шундай деб ёнбошига ўгирилди. Манзура ўйга толиб, анчагача кимирламай ўтириди. Тонг нафаси келиб колгани учун қайта ётмай, ўрнидан туриб кетди.

Асадбек ўзига тегишли гап бўлганида, айтайлик, «душманларингиз бош кўтарар экан, сиздан авлиёлар юз ўгирибди», дейилганда бошкacha холатга тушарди, ёнбошига ўгирилиб ётавермасди. Авлиёларнинг мозорни ташлаб чикиб кетишлари унга ахамиятсиз туюлди. Ҳатто ишонмади ҳам. Болалигига ажиналар ҳақида ҳикоя эшитиб, тунлари овлок кучаларда, мозор якиннида юришга кўркарди. Кейинрок куркув деган нарса чекинди. Ажиналар эртаклардаги каби яширин холда иш олиб боришини бас килиб, одамлар қиёфасига кириб куппа-кундуз куни очик иш юритишга ўтгач, тунлар ҳам осоийшта булиб; овлоклар ҳам даҳшатли кури-нишни йўқотди. Энди кундуздан, одамлардан куркку-лик эди.

Асадбек туш таъбирига ахамият бермай ёнбошга ўгирилиб ётгани билан ухломади. Хотинидан сунг у ҳам ўрнидан туриб, ювинди. Асадбек ховлида кў-рингани заҳоти болохонада ҳам жонланиш сезилди.

Манзуранинг «Биз билан чой ичмайсизми?» деган гапига кисқагина «ичаверинглар» деб дарвозахона то-мон юрди. Машинага етиб улгурмай тепадан Жамшид тушиб, салом берди.

— Ха, шу ердамидинг? — деди Асадбек, саломга алик олгач. Жамшид сўккабош бўлгани сабабли каер-

да тунаш унинг учун аҳамиятсиз эди. Майшатга бормаса шу болохонада сокчи йигитлар билан қолаверар, Асадбек унинг бу одатига кўнигкан эди. Жамшиднинг тақдирни ўзига бироз ўхшаб кетгани учун Асадбек уни яхши курав, икки канотига қандай суюнса, бунга ҳам шундай ишонарди.

Жамшид оиласда ёлғиз ўғил бўлса-да, эркалатиш, талтайтиш нималигини билмай ўсади. Отасининг пул тўла ҳамёни худа-бехудага очилавермас эди. Жамшид истамаса ҳам турли тўгаракларга боришига мажбур эди. Ҳатто скрипка чалишни ўргатиш максадида бир ҷолғучи йил давомида тер тўқди. У бечора «болада қобилият йўқ» дёёлмайди, чунки хизмат ҳақини олиб турибди. Жамшиднинг «ўрганолмаяпман» деган гапига ота-она ишонмайди. Хуллас, ўсмирлик кўчасига киргучи ҳайкалтарошлиқ, радиотехника сингари соҳаларда ҳам қобилияти синаб кўрилди. Мактабни битирганида ҳамён бир кавланди. Ўртада турган одам пулдан кўпроқ ўмарид қолиб, домлаларга камрок етиб бордими, ҳарҳолда бир имтиҳонда қокилиб, кечки ўқишига аранг тўгрилашди. Бола бевош булиб кетмасин, деб отаси уни ўзи ишлайдиган идорага югурдак килиб жойлаштириди. Идорада чарос кўзлари ўйнаб турувчи бир қиз ҳам ишларди. Унга караб туриб чигиртка бир юмалаб шу қизга айланаб колган ё бу қиз бир йилдан бери оч ўтиради, деб ўйлаш мумкин эди. Кунда ўзгартирилувчи сара кўйлаклар ёғоч илгичга илиб кўйилганга ўхшарди. Ана шу озгин баданда бўлик кўкрак кайдан пайдо бўлгани яратганга ҳам коронғу бўлса керак. Хуллас, шу қиз ўзидан олти ёшгина кичик бўлган, пишик гавдали, жингалак сочли, истараси иссанк Жамшидни яхши кўриб қолди! Илмоқли гаплар, ширин жилмайишлар... айтаман десак, гап кўп. Яхиси воеа баёнини муҳтасар этиб, дебочадан хотимага ўтиб кўя қолайлик: йигит қизни каттиқ севиб қолса девонаваш бўлниб юраверади, йўл пойлайди, дунёни охларга тўлдинади. Аммо қизнинг севгисидан, айникса унда маккорлик ўти бўлса, кўрккули экан. Бир куни идорада иш тугаб, ҳамма тарқагач, қиз «чой ичиш» баҳонасида Жамшидни олиб қолди. Эшик ичкаридан беркитилди. Лаблар бирлашди. Асосий инга бир баҳя колганида Жамшиднинг миясига бир нарса урилгандай фикри равшанлашиб, ўзини тортди. Ташабусни бошлаб берган қиз шармандалигини яшириш учун йинглади, севги

үтида коврилиб кетганини айтиб нола қилди. Жамшид кетмоқчи бўлганида «ўзимни ўлдираман», деди. Жамшид бу гапларга ишонмай «ўлдирсангиз ўлдираверинг», дедиу чиқди-кетди.

Кечаси ўқишдан қайтса, уйида милисалар ўтиришибди. Кизнинг зўрланганини, киз номусга чидолмай ўзини учинчи қаватдан ташлаганини милисалардан эшишиб, «ҳазиллашяпсизларми?» деди. Милисаларнинг ҳазиллашмаслигини бу гўдак ўшанда билмас эди. Кўлларини кайриб олиб кетдилар, онаси фарёд уриб колаверди.

Ўртага номус тикилган эди. Бир томон тўрт йил бурун поймол бўлган қизлик номуси, иккинчи томон беғубор йигитлик номуси учун олишишарди. Кизнинг хомий опажони Жамшиднинг отасидан кучлилик килди. Учинчи қаватдан йўғон тахтани ташлаб юборсангиз майдаланади, аммо қуруқ сұяқдан иборат бу қиз ўзини ерга отибди-ю, бирон ери синмабди-я, деб ажабланиш ортиқча эди. Кизнинг сув кувурига осилиб пастрокка тушиб, кейин ахлат уюми устига ўзини отганини ким исботлаб бера оларди? Жамшиднинг отаси ёллаган оқловчи «юқоридан давления кучли бўвотти», деб олган пулига яраша иш қилмади. Хуллас, Жамшид беш йилгина сайр қилиб келадиган бўлди, қиз эса шарманда эмас, жабр чеккан маъсума сифатида ўзини оқлаб олди.

Жамшиднинг онаси хаста эди. Табиблар «туссанг — ўласан» дейишига қарамай, турмушга чиккан, «ўлсам ҳам туғиб ўлай», деб уларга қулок осмаган эди. Унинг юраги тўлғоқ азобига чидади-ю, аммо номус азобига чидамади. суддан сўнг Жамшид қўлига кишан урилиб, деразасиз хунук машинага чиқарилаётганда «Болам!» деб бир оҳ уриб, ҳушидан кетганича ўзига келмади.

Икки йил конда ишлагач, айбисиз экани бирданига аён бўлиб қолиб уйига кайтди. У тухмат азобидан азият чекмас эди. Камоқда одамларнинг гап-сўзларини эшиштавериб дунё ўзи шунака экан, деган хуносага келганди. Жамшид онасининг ўлимидан эзиларди. Ўқишини ҳам, ишни ҳам ташлаб бир йил бекор юрди. У отасининг бир иш юзасидан Махмуд Эсонов — Чувринди билан танишиб қолганини, Махмуд орқали Асадбекка арз этгани оқибатида «оқланиб» чиққанини билмас эди. Буни кейинрок Чувринди хизматига ўтга-

нидан кейин билди. Отаси «ўғлимнинг бошини иккى қилай», деб кўп уринди, аммо Жамшид кўнмади. Охири отасининг ўзи уйланиб, Жамшид тўла озодликка чиқди. Унинг истаган ерларда ётиб юриши шундан.

Жамшид машинага чаккон ўтириб, моторни ўт олдирди. Тепадаги йигитлардан бири дарвозани очдида, кўчага чиқиб турди.

Акаларингга хабар килдингми?— деди Асадбек машинага ўтиргач.— Депутатни чақиришсин.

Жамшид мотор кизишини кутмай, машинани юргизди. Кўчадаги йигит ёнида тўхтаб, ойнакни туширдида, Бек акасининг топширифини айтди.

Асадбек шаҳар марказидаги кароргоҳига ётиб боргунича Чувринди билан Кесакполвон ҳам йўлга чиқкан, барвакт безовта килингандепутат Орзубек Болтаев эса шошилганича кийинарди. Кароргоҳнинг хилват хоналарида туни билан давом этган машшат тугаган, кизлар ҳам кетиб улгуришган эди.

Болохонадаги йигитлар кароргоҳга ҳам хабар берганлари учун Бўтқа эшик олдида қўл ковуштириб турарди.

Асадбек ичкари кириб бир пиёладан қайноқ қаҳва ичгунича қанотлари ётиб келишди. Тонгги ёки тунги йўқловлар уларни ажаблантирмас, шу сабабли «нимагап, тинчликми?» деган сўроқ улар учун ортиқча эди. Асадбек улардан хеч маҳал ҳол-аҳвол сўрамасди. Икки оёқда юрибсанми — бас, ахволинг яхши, дерди. Шунинг баробарида бирорнинг ҳол сўрашини ҳам ёқтиримас эди. Тоби қочиб қолган кезлари унинг одатини билмаган одам «тузукмисиз?» деб сўраса «ҳа, ўлишим керакмиди?» деган ширин жавобни эшитарди.

Улар ана шундай ортиқча манзиратсиз яшашга ўрганишган, бугунги учрашув аввалгиларидан фарқ этмас эди. Аъёнлар бекнинг сўз бошлишини кутиб ўтиришди.

— Хайдар, Шилемшиқ келдими?— деди Асадбек, Кесакполвонга караб.

— Ҳа, келди, ўзинда йўқ хурсанд. Мошина тўғрилаб бердим. Таксичилик килиб юра турсин.

— Отарчига қандай маълум қиласан?

— Бу ёғи пишган,— Кесакполвон шундай деб пинжагининг ич чўнтағидан тўртта фотосурат чиқариб, Асадбекка узатди. Суратда Шилемшиқнинг Ноила билан айш-ишрати акс этган эди.

— Худди үзидай қилиб ишлаган, қалбакилигини икки дунёда ҳам сезмайди,— деди Кесакполвон, Асадбекнинг тикилиб колганини кўриб.

— Сезиб колса-чи?

— Унда гувоҳ топамиз.

— Ишинг ҳом. Махмуд, пухтарок ўйлаб қўйларинг.

Шу пайт эшик очилиб, Бутқа кўринди-да, депутат келганини маълум қилди. Ноиланинг қотилини Элчинга қандай топшириш хусусида яна бироз кенгашиб олингач, депутатнинг киришига рухсат берилди.

Депутат узун бўйли, бадковок, эллик ёшлардаги киши эди. Уни кўрган одам ковокларни кўтариб, инсон кепатасида саклаб турувчи устунчалар тушиб кетгану шу хунук кўринишга келиб колган, деб ўйлаши мумкин эди. Гарчи асл исми Орзубек бўлса-да, Асадбекларнинг даврасида оддийгина қилиб «депутат» деб юритиларди. Шу ҳам тузук, чунки унинг хуснини кўятурайлик, совуқнина тўнғиллаб гапиришини эшитган кимса «Орзуга ҳам қасам ичирвориби, даюснинг боласи», дейиши табиий. Депутат — Махмуднинг топилдиғи. Халойик бир-икки тўлғониб, намойишга чикканида уни олдинги сафда кўриб меҳри тушиб колган эди. Махмуд депутатни сўздан қайтмас, мард, окил одам сифатида кабул қилиб, унга холисанилло ёрдам бермокчи эди. Асадбек у билан дастлаб кўришганидаёқ «бу коронгу башарада акл кўринмаяпти-ку?» деди. Кейин сухбатлаша туриб тил билан дил ўртасида анча фарқ борлигини фаҳмлаб, ёрдам беришга кунди. Замон чайқалиб турган пайтда шунака одамлар ҳам керак, деб ўйлади.

Ишга Асадбек аралашганидан сўнг бўлажак депутатнинг мухолифлари ўз-ўзидан четга чикиб, Орзубек сайлов чиририғидан битта ҳам туки тўкилмай ўтди. Депутат Асадбеклар учун тирик товон эди. Асадбек кўпинча уни «бокиб олган етим тойлогим» деб мазах киларди. Чунки ҳалк деб жон куйдириб юрган бу одамнинг эгилиб ишлашга тоқати йўқ, ӯзини, болаларини, ҳатто ӯзидан тўрт ёш катта яхудий хотинининг олдинги эридан орттирган икки ўғлини, кети узилмайдиган мемонларини шулар боқиши лозим эди. Хориж сафарига чикса, совға-саломлар ҳам Асадбеклар бўйнида. Унга сарфланаётган пул Асадбек учун арзимас бўлса-да, кейинги пайтда малол келиб, ғашлана бошлаган эди. Депутат ӯзининг кудратли одам эканига ишона бориб,

Асадбекларни майда кисавурлар ўрніда күраётгандай эди. Асадбек бу бадқовокнинг күзларини мошдай очиб қўяй, деб юрганида Элчин келиб қолди. Қани, халқим деб қўкракка ураётган бу зот ноҳақ азият чекиб келган шу халқ боласига қайишармикан?

Бадковок депутат кириб ғўдианди. Нима деганини энг зийрак қулок ҳам ажратиб беролмаса-да, салом берганини тахмин килиш мумкин эди. Ўтирганлар бундай саломлашишга ўрганиб колишгани учун бош иргаб алик олишди. Депутат Асадбек рўпарасидаги бўш ўриндикка ўтириди.

— Ахволлар қалай? — деди Асадбек.

— Яхши. Дунёнинг айрим мамлакатларида...

— Дунёни қўйинг. Телевизорни биз ҳам кўриб ётибмиз. Уйдан гапириング. Бола-чақа омонми? Жуҳуд хотинингиз мусулмон бўлаётган эмишми?

— Ха, муслима бўлади, намоз уқияти.

— Ақлли одамсиз-да! Девор бўлмаса кўчани ҳам кўраверсангиз керак? — Асадбекнинг пичинги жавобсиз қолди. — Кизингиз ҳам намозхондир?

— Энди урганяпти.

Асадбек узаро сұхбатларда оиласи сира эсламасди. Шу сабабли Орзубек кўнглида хавотир уйғонди.

— Кизингизнинг бўйи етиб қолибди, деб эшитдим. Йигирмага кирганми?

— Ўн тўкқизда.

— Айни турмуш қурадиган пайти экан. Сиз халк-парвар одамсиз. Ҳалқнинг азият чеккан бир боласи бор, шуни кўёв қилинг, қизингизга мана биз совчимиз.

— Кизим ёш, уқийди, узатиш ниятимиз йўқ.

— Биродар, Бек акангиз сўраяптилар, а? — деди Кесакполвон, «Бек акангиз» деган сүзга урғу бериб. Учтагина сўздан олам жаҳон маъно укиш мумкин эди: «Бек акангиз унча-бунча одамнинг орасига тушмайдилар. Кизим баҳтли бўлсин, десанг раъйини қайтарма», ёнки «Сенга шунчалик яхшилик қилган одамга терс гапириб пушаймон ема», ёнки «Яхшилик билан бермасанг, қизинг кулма-қўл бўлиб кетиши ҳам мумкин, а?!» Орзубек Кесакполвоннинг сўзларидан учинчи маънони укиб, жони ҳалкумига келиб колгандай бўлди. Ҳамиша ковогини уюб юргани учун вужудида уйгонган ғазаб ўтининг алансаси юзларида сезилмади. Бошқа одамлардай кизармади, бўғриқмади, лаблари учмади. Сиртга чиқиш хукуқидан маҳрум аланга уни ичдан кеми-

парди. Бу ҳаромхўрларга (ҳаромхўрларга ҳамтоворок экани хаёлига келмади) дўч келган кунини лаънатлади (улардан кўраётган фойдасини ҳисобга олмайди). Эртага катта амаллар шоҳсупасига кўтарилиши мумкин бўлган одамга (кимнинг зури билан кўтарилаш экан?) бу хилда безбетларча (!) муомала қилишларидан бир газабланса, ўзининг бу олчоклар (!) олдида nochор ўтиришидан ўн тазабланди. Мажлисда оташин нутклар ирод этувчи, ҳатто зўр нотикларни ҳам саросимага солиб қўювчи ҳалқ фидойиси қайда-ю, учта муттаҳам (!)га гапини айтолмай мум тишлаб ўтирувчи nochор одам қайда! Нимадир дейиши керак эди, қурбакани боссанг вақ дейди, ҳархолда у қурбақадан минг чандон улуғроқ бир одам, вакиллаганда ҳам тузукроқ вакиллаши керак.

— Бек ака, умр савдосига бунақанги аралашиб ярамайди. Биз ҳуқукий жамият тузмокчимиз. Мана, ўзингизнинг кизингиз бор...

Орзубек «қизингиз тақдирига бирор хўжайнлик қилиши яхшими?» демокчи эди. Аммо «берди»сини айтиб улгурмади. «Қизингиз бор...» деган гапни Асадбек «ўша одамга ўз қизингизни беринг», деб тушуниб ғазаб билан ўшқирди:

— Менга кара, ў, сўтак! Сен бу ерда масала сўкима. Ўйингга бориб жуҳуд хотининг билан маслаҳатлаш. Жуҳуд хотинлар аклли бўлишади. Эртага эрталаб ё ҳа, дейсан ё йўқ, дейсан! Бор, жўна, турқингни кўрсатма!

Асадбек аччикланган маҳалда Чувринди орага тушиб вазиятни юмшатишга уринарди. Ҳозир бунга эхтиёж сезмади. Асадбекнинг кизини тилга олиб кечирилмас хато килган депутат шусиз ҳам осон кутулаётган эди. Элликни коралаётган одам ёш бола ҳолига тушиб, индамай чиқиб кетди.

— Вой, хунаса-е,— деди Кесакполвон, депутат чиқиб кетгач.

— Ўчир,— деди Асадбек.— Ўзинг жа талтайтириб юбординг. Ўзбек хотинини қўйиб, жуҳудга уйланган одамдан яхшилик чиқармиди? Дошқозонда сув қайнатиб ўшангга ташлаш керак буни.

Эшик очилиб яна Бутқанинг башараси куринди.

— Бек ака, амакингиз мозорда юрганмешлар.

— Қайси мозорда, ким чиқариб юбориби?

— Катталар кўмиладиган ерда эмиш. Ким чиқар-

ганини билмадим,— Бүтка шундай деб изига қайтиб, эшикни ёпди.

Асадбек савол назари билан Чувриндига қаради. Махмуд унинг мақсадини англаб телефон гӯшагини кутариб, ракам терди. Жавоб бўлгач, салом-аликсиз суроққа тутди:

— Зинатуллинни нимага чикардингиз?

Жавобга бироз кулоқ тутиб, гӯшакни жойига қўйди.

— Кизи келиб бир кунга рухсат олган экан. Отарчи сизнинг номингиздан бориб, ошнасини чикартирибди.

— Ким экан, ошнаси, аниқла.— Асадбек шундай деб ўрнидан турди. Аъёнлар унга эргашиши. Зиннатуллинни улар Асадбекнинг «ўгай амакиси» сифатида билишарди. Жиннихонанинг учинчи қаватида сакланувчи ўгай амакисидан Асадбек тез-тез хабар олиб турарди. Бу одам ҳакида ҳеч ким ҳеч нарса билмас эди. Кирк тўккизинчى йилнинг ўттиз биринчи декабрида уйларига бостириб кирган, сандикни титган, танча устига утирганича палирос тутатган, «сенинг отанг ҳам душман», деган новчанинг Зинатуллин эканини Асадбек улғайгач аниклади. Отасини олиб кетганлар факат ижрочилар экани, тўғон бошидагилар эса бошқалар экани уни кизиқтирмас эди. Бири новча, бири паст бўйли икки одам суврати кўз олдига муҳрланиб колган, ётса ҳам, турса ҳам улардан ўч олишни уйларди. Кесакполвон билан бирга булиб, сал қаддини тутиб олгач, топганини сарф килса-да, ўша икки кишини аниклади. Паст бўйлини излаб кўп шаҳарларда бўлди. Нихоят ўшанда бир хомлик килди. Кесакполвоннинг гапига кириб, ўша ерлик ўғрибошлардан бирига маслаҳат солди.

— У чиндан ҳам ифлос одам,— деди ўғрибоши.— Миллатимизга иснод келтирган. Лекин биз миллатимиз вакилини хафа килдириб қўймаймиз.

Чиндан ҳам хафа килдиришмади. Авайлаб асрashi-ди. Ўшандан кейин Асадбек яна икки марта борди. Ўлжага яқинлашаман, деганида ўғирбошининг ўигитларига дуч келаверди. Шундан сўнг етти йил кутди. Ўғрибоши қўлга олинганини билиб учинчи марта борди. Тўй устидан чиқди. Икки қаватли уй, ховли гавжум эди. Ўлжаси, тепакал, думалоқдан келган одам Асадбекни танимасди. «Ў, Ўзбекистон менинг юртим, у ерда қадрдонларим кўп!» деб қувониб кутиб олди. Тўй қизиган пайтда у меҳмонларнинг муҳим гапини эшитиш учун хонасига бошлади. Ховлида хушчакчаклик авжи-

да, бағоят шинам безатилган бу хонада эса 1950 йил биринчи январдаги құм ижро этиларди. Асадбек бундай кулай фурсат бошқа насиб этмаслигини билиб шошиларди. У камокқа түшгәнлар қандай азобларга гирифтөр қилингандарини әшитгән, хисоб-китоб чөгіда бу қийнокларни құллашни ният қылған эди. Вакт зиклигидан афсусланди, аммо армонда кайтмади: сигарет чүйини пешонасига босиб туриб кирк түккізинчі йил уттис биринчи декабрдаги воеаны айтди, ётқизиб күйіб түмшүгіні оёғи билан әзді... Махбуслар азобга чидолмай бакирадилар, бу эса оғзига латта тикилгани учун, бундан маҳрум әди. Уни оёғидан осиб, билак томирларини киркіб ташладилар.

Түй әгасининг йўқолгани маълум булиб, кидиркидир бошланганида Асадбек кира килған машина шаҳардан чиқиб, Боку сари учиб борарди. Нодон, гўл ўзбекларни катта пулга туширганидан хурсанд бўлган ҳайдовчи эса ўзича хиргойи киларди.

Асадбек Зинатуллинни ҳам ўша кезларда топган бўлса-да, унга үлимнираво кўрмади. «Ўгай амаким», деб унга «мехрибонлик» килди. Зинатуллин дорга эмас, жиннихонага маҳкум әди. Шубҳасиз, у ўзининг «мехрибон ўгай жияни» борлигидан бехабар әди. Жамиятга сидкидилдан хизмат килганман, деб байрам кунлари нишонлари такилган қора костюмини кийиб тантанали мажлисларда викор тўкиб ўтирувчи, ёш авлодга карата оташин нутклар сўзловчи бу одам ўзини дастлаб жиннихонада кўрганида ғоят ажабланди. «Болаларим бемеҳр чиқди, оқибатда қариялар уйига топширишади», деб ўйларди. Ҳали куч-кувватдан кетмай туриб жиннихонага олиб кетишлари сабабини билмай аклдан оза бошлади. Учинчи қаватга «кўтарилиш» учун кўп фурсат талаб этилмади.

Асадбекнинг ўша «ўгай амакиси» энди жиннихонадан чиқиб мозорда юрганмиш. Бу Асадбек учун кутилмаган хол әди. Шу сабабли мозорга шошилди.

Ойнакчи довул туриб шаҳардаги барча дераза ойнакларининг синишини орзу қилиб яшаркан. Гўрков ўлим кўп бўлишини истамаса ҳам, мозорга одам кириб келса кўнгли кувонади. Чунки одам мозорга бекорга

келмайди. Ё майит учун қабр қазишни илтимос қилади, ё марҳумлар руҳига Куръон ўқитиб, тўрт-беш сўм ташлаб кетади.

Иссик хужрада худойи ошни еб, чойхўрлик қилиб ўтирган гўрковлар изма-из келиб тўхтаган икки «Жигули»ни кўриб, ташқарига умид билан қарашди. Анчадан бери шу атрофда ивирсиб юрган бош яланг йигит биринчи машинадан тушган уч одамга бир нима дегач, улар хужра томонга қараб ҳам кўймай, катталар кўмилган, ҳайкалчалар тизилиб турган томонга қараб юришди. Гўрковларнинг каттаси «булар текширувчилармасмикун» деган хавотирда эшикни очиб, ташқарига қадам қуиши билан иккинчи машинадан тушган йигит «Амаки, жойингизда ўтираверинг», деб қайтарди.

Кечаси ёккан кор ҳайкалчаларнинг боши, бурни, елкасига қўниб одам шаклини беўхшов бир тусга киритган эди. Қарғаларнинг қағиллашидан бўлак овоз эшитилмаётган қабристонда бирдан кулги янгради. Асадбек шошиб ўша томон юрди. Аёлларнинг калта палтосини кийиб олган новча одам бир ҳайкалча рўпарасида туриб олиб, нукул куларди. У Асадбек келаётган йўлга орқа қилиб тургани учун уларни кўрмади. Асадбек тўхтаб, уни кузатди. Зиннатуллин кулгидан тўхтади. Ҳайкалчанинг бурнидаги корни кафти билан сидирди.

— Ана, энди одам бўлдинг. Танимайди, деб ўйловдингми? Нимага қалтираяпсан? Совукми? Ҳа... кўрқяпсанми? Сен кўрқяпсанми? Сен кўрқма. Қозоннинг қопқоини ёпиб ташлаганман, иси чиқмайди. Душманларнинг ўлиги кислотада кўйдирилган. Ҳа, кўрқма.— У шундай деб ҳайкалча рўпарасидаги кабртош устига ўтирди-да, оёғини чалиштириб олди. Тирсагини тиззаси устига қўйиб, қаддини сал букиб, жағини кафтига суюди. Ўйга толган мутафаккир мисол анча ўтирди. Сўнг сапчиб турди. Атрофга аланглади-да, кўлини пахса қилиб, жаҳл билан гапира кетди:

— Сен паразит, оплокман, деяпсанми? Мен сени кийнатдимми? Тумруфингга калиш билан урдимми? Бoshингга қайнок сув томиздимми? Шиша синниклари солинган этик кийгизиб сакратдимми? Музхонага ташлатдимми? Ҳа-а... сен буларни кўрганинг йўқ? Ўртокларингни ўзинг сотдинг. Нимага сотдинг? Ватан учун кайфурдингми? Мана сенга Ватан!— у шундай деб бош

бармогини икки бармоги орасига сукіб, хайкалчанинг бурнига такади.— Құрдінгми?! Мен ахмокманми? Дүстини сотган одамда Ватан түйгуси бұларканми? Ҳа-а... гапта уста эдинг. Сен жим тур, паразит.— Зиннатуллин шундай деб ёнбошдаги хайкалчага караб олди.— Ҳилолий группасига мен хукм чикарганим йўқ, мен оттирганим йўқ. Сенлар оттирдиларинг! Чунки улар сенлардан зўррок олимлар эди. Сенлар шу хайкалга эришдиларинг. Одам тугулит хам келмайди сенларни кўргани. Ҳилолийни одамлар тилдан кўймайди. Ҳа, болаларинг келмаяптими? Тўғри қилишади. Сен ўзинг вактида ўлиб колдинг. Ҳеч ким башарангга тупурмади. Болаларинг исноддан бош кутаролмай юришибди. Нима? Ўшанда бола-чақани ўйламабмидинг? Охири шунака бўлишини билмагансан. Мен хам билмаганман, тўғри,— Зиннатуллин яна бояги ҳолатда ўтириб олди. Аъёнлар «бу жинни нималарни валдираяпти», деб хайрон туришарди. Зиннатуллиннинг гаплари Асадбек учун хам ғалати туюлаётган эди. Жинни деса, гаплари бинойинга ўхшайди. Соғ деса, харакатлари бемаъни.

Зиннатуллинга караб туриб, Асадбекнинг юраги увишди. Онасини эслади. Аник ёдида — эллик учинчи йилнинг эрта баҳори эди. Ширингина гапириб юрган Самандар шамоллаб, йўталиб юрди. Иситмалади. Дори-дармонлар хадеганда эм булавермади. Танчанинг бир томонида Асад, яна бир томонида эса онаси Самандар билан ётишарди. Онаси кенжатойини кўрпага ўраб, ўзи тирсагига таяниб тунларни бедор ўтказар эди. Асад «ойи, бирпас ухланг, мен караб ўтираман», деса хам унамасди. Асад ярим кечада уйгонарди-да, кора чарм халтани кўтариб нон дўконинг чикиб кетарди. Ўша куни хам шундай булган эди. Самандар тунда безовталанди. Онаси уни юзини силаб хомуш ўтираверди. Самандар нималардир деди. Асадбек унинг бир гапини илғаб олди:

...Самалўт, канотийни пастлаб ўт... Укасининг ширин тилчалари билан айтадиган ашуласи ана шу алаҳсираган овозда хотирасига муҳрланиб колди. Эндиғина тили чиқкан болачаларни кўрганида унинг қулоғи остида ўша хаста овоз жаранглайверади...

Асад нон олиб қайтганида уйнинг эшиги ланг очик, онаси кесакига бехолгина суюниб турарди. Аввалига

у хатто ўғлини кириб келганини ҳам сезмади. Асад «ойи, ойи», деганидан сўнггина сергак тортди.

— Опокингни чакир,— деди йигламирааб.

Асад «нима учун?» деб сўраб ўтирмай Жалилникига чиқиб кетаётганида орқасидан онасининг сўзларини эшитди:

— Дадаси, энди сизга нима деб жавоб бераман?!

Онасига қўшилиб Жалил ҳам чиқди. Аёллар ичкари кириб кетишди. Ўшандан сўнг Асаднинг онаси фарёд урди.

— Самандар... ўлдими?— деди Жалил, Асаднинг енгидан тортиб.

«Самандар ўлди?!»

«Самандар ўлди...»

Бу гап Асаднинг миясига тўқмоклек урилиб, тово-нингача зириллатиб юборди. Бироз нест булиб турди-да, сўнг уйга отилиб кирди. Уй ўртасига кўрпача солиб, укасини ётқизиб қўйишибди. Самандарнинг бир томонида онаси ўтирибди. Опокиси сандик кавляяпти.

— Ана, аканг келди, болам...— онаси шундай деб Асадни кучоқлаб йиглайверди, йиглайверди...

Асад ота ўрнида ота бўлиб укасини сўнгги маконга қўйиб келди. Кўни-кўшнилар уни катта одамдай кўриб, таъзия изхор этишди. Ана ўшанда Асад ўзини «катта одам бўлиб колганини» хис этди. Қабристондан қайтишаётганда маҳалла анча бесаранжом эди. Кўпчилик мактаб томонга шошиларди. Жалилнинг отаси «нимагап?» деган саволга йигитлардан бири:

— Радиони эшитайлик. Сталин ўлганмиш,— деди.

— Оғзингга караб гапир-е, нима деяпсан? Сталин ҳам уладими?— деди Жалилнинг отаси.

Бу атрофда радио факат мактаб директорининг хонасида бор эди. Кечкурун, эрталаб радио эшитувчи коровул маҳаллани янгилик билан таъминлагани сабабли ўқитувчилар катори у ҳам ҳурматли кишилардан саналарди. Сталиннинг ўлими ҳакидаги хабар ўшандан чиккани аён эди.

Асад билан Жалил ҳам бошқаларга қўшилиб мактабга киришди. Директор хонасидаги радио кенг дахлизнинг ўртасига олиб чиқиб қўйилган. Иккинчи каватга олиб чиқувчи зиналарда одамлар тирбанд ўтиришибди. Ҳамма жим. Барчанинг нигоҳи ўртадаги кора кутида. Худди мўъжиза юз беришни кутгандай киприк қоқишимайди.

Бирдан кора кутидан «Говорит Москва» деган жарандор овозди чикди. Жалил Асадни енгидан тортиб шивирлади:

— Уруш бошланганга ўхшайди.

Жарандор овоз дохийнинг ўлим топганинн эълон килгач, радио ёнида ўтирган шоп мўйловли эркак «вой, отам» деб йигит юборди. Бир йигит хушидан кетиб шилк этиб йикилди. «Вой, энди нима килами-из!» деб бир аёл чинкирди. Ола-ғовур бошланди.

— Сталин улган бўлса, энди уруш бошланади,— деди Жалил.

Жалилнинг отаси болаларни кўлларидан ушлаб, ташкарига бошлади.

— Бу душманларнинг иши, Сталин ўлмаслиги керак эди,— деди у.

«Нима учун ўлмаслиги керак?» деган савол Асадни куп ўйлантирди. Орадан йиллар ўтиб, Сталин коралланганда ҳам шу савонни кўп эслади, аммо жавоб топа олмади.

Шом тушиб қуни-қўшнилар уй-уйларига тарқалишгач, она-бала ёлғиз қолишли. Уруш йиллари жанггоҳларда жон олиб тўймаган ҳазрати Азроил бу томонларда ҳам каттами, кичикми фаркига бормай тутиб ола-вергач, одамларнинг дийдалари анча қотиб колган эди. Шунданми, гудакнинг ўлими катта фожна саналмасди. Самандарни қабристонга олиб боришаётганда Асаднинг назарида ҳамма қайғуга ботган эди. Кейин Сталин ўлими ҳакида хабар тарқалди-ю, гудакнинг ўлими билан ҳеч кимнинг иши бўлмай колди.

Ёлғиз ўтирган она-болани ютаман, дегандай тун ёпирилиб кирди. Танча совук — олов килиш эсларига келмабди. Кора чирок коронгулик даҳшатидан кўркқандай титрайди. Она-бала гап-сузсиз узок ўтиришди. Асад энди кўзи илингандек экан, онасининг овозини эшишиб, чўчиб уйғонди.

— Адаси, олинг, нондан еб туринг, хозир самовор кайнайди.

Асад ҳам кўркув, ҳам ажабланиш билан онасига каради. Патнис устида липиллаб турган чирокдан бўлак ҳеч нима йўқ. Лекин онаси нон синдиригандай харакат килади.

— Самандарингиз ухлаб колди-да. Шунақанги ширин бўлганки... Олинг, чой ичинг. Энди узокка кетманг... Одам соғинаркан...

Асад «Ойи...» деди секин. Кейин овозини кўтариб-роқ чакирди. Онаси эшитмади, гапираверди...

Ўшандан бошлаб хар тун шу ҳол такрорланаверди.

Зинатуллиннинг такдири ўша тунларнинг бирида ҳал килингган эди. У дамда Асад Зинатуллин деган зотни билмасди. Айнан шу одамни жинниликка ҳукм ҳам килмаган эди. Ўларига бостириб кирганларнинг бири кийнок билан ўлим топмоғи, иккинчиси жинни бўлиб ҳорланиши лозим эди. Еревандаги ўлжа шошилинч равишда ўлдирилиши шарт эди. Зинатуллиннинг иши шошқич эмас, шу бонс иккинчи ҳукм унга насиб этди...

Зинатуллин бехос қичкириб, Асадбекнинг хаёлларини тўзитиб юборди.

— Йўқ эди ҳеч қандай комитет! — деди у ўрнидан сапчиб туриб. — Йўқлигини билардим. Улар «халк душманиман», деб тан олишди. Аммо сенинг кимлигингни билиб кетишли. У ёқда,— Зинатуллин қўлини бигиз қилиб осмонга санчди,— хали учрашасан, ха! — У қах-қах отиб қулди. — Нима дейсан энди?! У ёқда энкеведе бўлмайди. Расвоинг чикди, паразит! Ҳамманг расво бўлдиларинг,— Зинатуллин шундай деб қабрларни оралаб кетди.

Асадбек то унинг кораси ўчмагунча изидан тикилиб турди. Аъёнлар «ўгай амаки»нинг ахволига ачингандай индашмади.

— Энди ўз ҳолига қўйинглар,— деди Асадбек.— Жиннихонага қайтмасин. Юрaverсин.

Чувринди буйрукни яхши англамай, Асадбекка қарди:

— Кузатувдаги йигитларни бошка ишга олаверайми?

— Ха, ишларинг бўлмасин, дедим-ку? Жиннихонага тайинла, болалари олиб борса, қабул қилмасин. Тамом!

Минг тўққиз юз эллигинчи йилнинг биринчи январидаги ҳукмнинг сўнгрок тузатилган иккинчи ярми шу зайлда ижрога кирди.

Зинатуллинни қабрлар аро танҳо қолдириб, изларига қайтдилар. Гўрковлар хонасига кўтаришувчи зина ёнидаги энсиз супага кўрича тушалибди. Кўрпача устида чордона қуриб ўтирган, бошига қозонни эслатувчи қўлбola қалпок кийган, пахмоқсокол уларнинг эътиборларини тортди. Жамшид гўрковбошини ташқарига қўймай изнга қайтаргач, дам ўтмай кўрпа-

ча күтариб шу пахмоксокол чикиб келган эди. Күрпачани супачага түшаб утириб олгани учун Жамшид унга индамади. Пахмоксокол бир нима-нинг илинжида ўтирганини сезса ҳам Асадбек тұхта-май ўтиб кетмокчи эди.

— Ие, вей, тұхта,— деди Кесакполвон пахмоксоколга тикилиб,— директоримга үхшайди-ку?

Асадбек тұхтаб Кесакполвоннинг изидан қаради. Паҳмоксокол ўтирган ерида саломга алик олди. Кесакполвон супа четига омонат ўтиргач, паҳмоксокол тиловат бошлади. Сузларини ямлаб талаффуз килиши-га эътибор бериб, бу «кори» ҳам кейинги пайтда бирда-нига бодраб чикқан chalамуллалардан бири эканлигини фаҳмлаш кийин эмасди. Тиловат тугагач, Кесакполвон үн сүм узатди. Пахмоксокол шунга яраша узок дуо қилди.

Кесакполвон пахмоксоколга тикилганича ўтира-верди.

— Ҳа, ўғлим, мени бировга үхшатяпсизми?— деди пахмоксокол ўнғайсизланиб.

— Үхшатяпман... Сиз үттиз иккинчи мактабда иш-ламаганмисиз?

— Ҳа, энди... шүроларга ҳам хизматимиз сингган. Сабаби тирикчилик-да. Сиз, ўғлим, шу мактабда ўки-ганимисиз?

— Тикилманг, танимайсиз мени. Сизни камалиб кетган деб эшитувдим.

— Ҳа, энди... туз-насиб қўшилган экан...

— Бир ўкувчи кизни... а?

— Астағфируллоҳ! Бу бўхтон гап. Сталин даврида реприса килинганман.

— Кани, кори ака, би-ир осмонга каранг,— пахмоксокол ажабланди, бирок, Кесакполвонга итоат этди — осмонга қаради.— Энди худога ёлбориб, «менга юз сўмлик ёғдир», денг.

— Шаккоклик қилманг, ўғлим.

— Сиз айтганимни бажаринг,— Кесакполвон бу са-фар таҳдид билан гапирди. Пахмоксокол чучиб, бир нима деб пичирлади.

— Сўрадингизми, бермадими? Энди мендан суранг.

— Ўғлим, кўйинг, гунох бўлади...

— Сўра деяпман!

— Юз сўмлик ёғдиринг... ўғлим.

Кесакполвон чўнтағидан бир даста пул чикарди-

да, пахмоксокол устидан сочди. Пахмоксоколнинг кўзлари кинидан чиккудай бўлиб ўйнаб кетди.

— Кани, мен кучлимани, ё худоми? — деди Кесакполвон унга захарли нигохини кадаб. Пахмоксокол бошини эгиб ўтираверди, жавоб бермади.

— Нимага ундаи қилдинг? — деди Асадбек, машинага ўтиришгач.

— Ҳаромидан учимни олдим, — деди Кесакполвон сигарет тутатиб.

— Ким, у?

— Мактабимизга директор эди. Ҳар куни бизни ҳовлига тизиб «Осмонга караб «Худо, конфет бер», деб ялининглар», дерди. Айтганини килардик. «Ху-уш, бердими? Йўк. Демак, худо йўк экан, а? Энди «Директор бова, конфет беринг» денглар», дерди. Айтганимиздан сунг уч-туртта болага попуклик конфет берарди. «Ху-уш, Худо зўрми ё менми?» дерди. Эллик саккизинчи йилда бир ўкувчи кизни боплаб қўйган экан. Сталин репрессия килди, деб ўтирибди ҳароми. Бир боплайман, деб юрувдим, учрагани яхши бўлди.

Пахмоксокол Кесакполвонни танимади. Лекин мактабдаги ўша ҳолни эслади. Кесакполвон уни «Боллаганидан» хурсанд кетди. Пахмоксокол эса шундай эси йўк бандаларни ҳам яратгани учун худога шукрлар килиб, сочилиб ётган пулларни йиғиб, чўнтакка урди.

## XI БОБ

### I

— Мен Бек акамни отамдан улуғ деб биламан. Бек акам аралашмаганлар бу ишга. Мен эшик олдида қоровул эдим. Шилемшиқнинг максади менга ҳам номаълум эди...

Элчин рўпарасида ўтирган жингалаксоч йигитдан кўз узмай ўтиради. Ўзини Жамшид деб танитган бу йигитни янги йил шомида кўрган эди. Саволларига жавоб бергиси келмай энсаси котган йигит бугун кутилмаганда ўзи кирниб келди — Элчиннинг ярасига туз сепди. Жамшид нигохини олиб кочмасдан, ўзини айбли деб хисобламасдан тик караб туриб гапирди. Ноиланинг қайси хонада ўлдирилгани, Шилемшиқнинг кандай киргани, кандай зўрлагани... ҳаммасини айтди.

Сүнг... суратлар чикарди. Ана шунда Элчин үзини тута олмай қолиб бүғиб үлдирмок қасида унга ташланди. Ўша мудхиш вokeага Жамшиднинг алокаси борми-йўкми — Элчин учун фарқсиз эди. Энг муҳими — бу малъун уларнинг шериги, уларнинг одами!

Жамшид Элчин ташланниб колар, деб маҳсус тай-ёргарлик кўриб ўтирган эди. Аммо унинг Асадбек тұдасида олган энг муҳим сабоғи — сергакликни бир нафас ҳам йўқотмай, ётса ҳам, турса ҳам, ҳар кандай ногоҳоний хамлага тайёр бўлиш эди. Ўша сергаклик панд бермади — үзини четга олишга улгурди. Қуллари-ни чўзганича ташланган Элчин үзини тұхтатолмай олдинга учди. Шунда бўйнига бир зарб тушди. Сўнг қўли орқасига кайрилди. Жамшид чўнтағидан чизимча чи-кариб бўғишга шайланган қўлларни бир зумда боғлаб ташлади. Бу ишлар кўз очиб юмгунча бажарилди. Бўғзига пичоқ тортилгандай хириллаётган Элчин даст-лаб қай ҳолга тушганини англамай ҳам қолди. Қейин бошини кўтариб, Жамшидга қаради:

— Қулларимни бушат, ҳароми!

— Ҳароми нималигини биласанми үзинг! — Жам-шид шундай деб уни қорнига тенди. Элчин нафаси кайтиб, буқчайиб қолди. Жамшид эса, хотиржам ҳолда чўнтағидан сигарет олиб тутатди.

— Ҳароми деб сендақаларни айтади. Хотинингни киморга тикиб юриб, энди ақлинг кириб қолдими? Бек акам сенга мурувват килиб, душманингин авайлаб, асрраб турдилар. Ўзи ҳумордан чиксин, дедилар. Сени ўлимдан олиб қолдилар. Армонда кетмасин, дедилар. Ўғил болалик шунчалар бўлади-да! Үзингни босиб ол, ҳе итдан таркаган.— Жамшид шундай деб унинг оёғи-ни ҳам боғлади-да, чиқиб кетди.

Элчин қўлларини бушатолмай ерда типирчилаб қо-лаверди. Зелихон келмаганида канча ётарди — Худо билади.

Зелихон Элчиннинг уйнга хавотир билан келди. Чунки Элчин ваъдага биноан уникига бориши лозим эди. Зелихон уни кута-кута тоқати ток бўлди. Ҳамиша хатар жари устидаги кил кўпприкда юрувчи одамнинг юраги сезгир бўлади. Зелихон ҳам Элчинга бир нима бўлди-ёв деб хавотирланган эди — сезгиси алдамади.

Типирчилайверганидан чизимча қўл-оёғини шилиб юборган эди. Чизимча ечилгач, шилнинг ерлари ло-вуллай бошлади. Лекин Элчинни хозир бу эмас, юраги-

даги ўт кўпроқ кийнарди. У Жамшидинг ташрифини кисқагина қилиб айтиб берди. (Тепки еганини, шубҳасиз, яшири.)

— Ўйин бошланибди,— деди Зелихон стол устида сочилиб ётган суратлардан бирини олиб.

Элчин худди хотинини шармандали ҳолда кўрсатаётгандай уялиб, суратларни кўлидан тортиб олди.

— Яхшилаб карадингми, суратларни ясашмаганми?— деди Зелихон.— Ростакам суратлигига менда ишонч йўқ. Чунки, хотинингнинг ўлими — тасодиф. Ифво максадида қилинмаган бу иш. Демак, ҳар макомда суратга олиб ўтиришмайди. Хотининг ўз хоҳиши билан кўшилмаган. Зўрлашган. Демак, кўзларини бундай юниб, роҳатланиб турмайди...

Элчин дастлаб жаҳл устида суратларга эътибор бермаган эди. Зелихоннинг гапидан кейин суратларга тикилди.

— Тўғри,— деди у суратларни тахлаб.— Ноиланинг елкасида тиртиғи бор эди. Суратда эса йўқ.

— Ҳа... Ўқилон бир янгишибди. Ишонишингни жуда ҳам хоҳляяпти. Шилемшиқ деганларини танийсанми, ўзинг?

— Танийман. Ўйинда у ҳам бор эди. Ўшанга ютизган эдим.

— Шилемшиқ уларга ёқмай қолган бўлса, сенинг қўлинг билан йўқотишмокчи? Йў-ўк... Бек фирром қилмаса керак. Факат сени ишонтиришнинг нотўғри йўлини топибди. Шундай айтсак, ишонмайди, деб ўйлашган. Энди ишонишинг керак.

— Ҳаммасини ўлдираман,— деди Элчин, муштумини каттиқ қисиб.

— Аввал накдини ўлдириб тур. Хўш, нима қиласан?

Нима қилишини Элчин билмасди. Тўғри, ўлдиришнинг бир неча турларини хәёлида пишитиб юради. Лекин амалга оширишга келганида қўллари қалтирамасмикин?

## 2.

Такдир ёзуғига Асадбек тўдасига алоқадор ишларни юритиш битилган экан, прокурор ёрдамчисининг четлатишга уриниши бекор бўлиб қолаверди. Намозов

ишининг усталик билан ёпилишидан ғазабланиб юрган Зоҳид Шариповга кутилмаган иш топширилди. Зоҳид милициянинг қидирув гурухи билан воеа юз берган ерга бориб даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлди: йўл четидаги дарахтга эркаклиги кесиб ташланган, чап кўкрагига пичок санчиб кўйилган қип-яланғоч одам осилган эди. Ўн қадамча нарида ёндириб юборилган енгил машина темирлари корайиб туради. Бу котиллик тунда амалга оширилган, серқатнов катта йўлдан машиналарда ўтганлар бу манзарани, ақалли ёнаётган машинани, шубҳасиз, куришган, аммо тўхташга, жила курса хабар беришга кўркишган.

Суратчи ишини тугатгач, мурдани ерга олиб, устига чойшаб ёниб кўйишиди. Зоҳид атрофни синчилаб кузатди. «Эркаклиги кесиб ташланганига караганда котиллик тасодифан юз бермаган,— деб ўйлади у.— Орада қасос бўлганми? Унда нима учун юрагига пичок санчиб, сўнг дарахтга осиб кўйган?» Зоҳид шу пайтгача майда ўғрилару безорилар билан шуғулланган эди. Прокурор ёрдамчиси ваъда этган жиддий ишининг бу даражада бўлишини кутмовди. Зоҳид бу жиноятнинг тагига ета оладими ё бу иш ҳам очилмай ётган котилликлар сафига кўшиладими, хозир билмайди. У котилликларнинг ярим тунда эмас, шомда содир бўлганидан ҳам бехабар. Мурда осилган дараҳт атрофидаги изларнинг бири — Элчинники экани ҳам унга номаълум...

...Шилемшиқ деб лакаб олган Жалолни аввал дарахтга бўйнидан боғладилар. Қўл-оёклари бўш эди, бирок, қимирлашга, ўзини химоя қилишга курби етмасди. Қимирлади, дегунича ингичка силлик каноп бўғарди. У ажали етганини сезди. У Асадбек қаҳрига учраб, бадарға бўлганида ажабланган эди. Элчин «хотинимни ўзим ўлдирганман», деб камалиб кетди. Асадбекнинг шаънига гард юқадиган гап бўлмади. Элчиннинг танобини тортиб кўйишни Асадбекнинг ўзи буюрган эди. Танобни сал каттиқрок тортибди, шунга шунчами? Ҳа, энди қаймокдай нарса экан, тўйиб емаса ҳам ялаб куриши керакмиди? Хотинни киморда ҳалол ютиб олганидан кейин хушига келганини қилади-да! Жалолшилемшиқ Асадбекка содик эди. Асадбек ҳам уни кадрларди. Хўжайнини қайси шайтон йўлдан урди, Шилемшиқ билмайди. Битта отарчининг хотини деб бадарға қилиб юборганига сира акли етмайди. У Русия-

нинг совук шаҳарларида насибасини териб юрган чоғларида кўп ўйлади, турли таҳминларга борди. Ўзи учун энг ишончлиси — «отарчининг қаймоқдеккина хотини Бек акамнинг суюкли ўйнаши экан-да, шунга чидолмадилар», деган таҳмин эди. Шилимшиқ сургун муҳлатини билмас эди. Мусоғирликда ризқини кийналмай териб юргани учун ҳам «Ватан ҳажрида куйиб ёниш», деган ҳислар унга бегона эди. Янги йил айшини суриб юрганида Бек акасининг йўқлаганини билиб, бир қувонди, бир кўнгли фашланди. Унга яп-янги таксининг қалитини тутқазиб: «Бу «Волга» ўз-ўзингга, ақлинг бўлса битта мошинани шахсий таксопаркка айлантирасан. Ношудлик килсанг, чоригингни судраб юраверасан», дейишди. Пича акча ҳам беришди. У бундан хурсанд бўлди. Бироқ, Асадбек билан кўришмагани юрагига фулғула солди. «Гуноҳим шунчалар кўп эканми, Бек акамнинг кўргилари йўқ», деб кўп ташвиш чекди.

Бўйнига силлик каноп ташланганида ҳам тақдир ёзуғидан бехабар эди. Кавказлик бойвачча йигитларнинг бу килиғидан ҳайрон бўлди. «Мошинани олинглар, ёнимдаги пулим камлик килса, яна топиб бераман», деб ялинди. Йигитлар гапга тушунмагандай бепарво тураверишди. Яна «Йигирма минг бераман», деди. Эллик мингга ҳам чикди. Латифа айтиб кўлдириб келаётган йигитлар эса тунд ҳолда ўтираверишди. Ҳavorанг «Жигули» тўхтаб, ундан тушган Элчинни таниди-ю, тақдирга тан берди.

— Элчин, айб менда эмас! — деб бақирди жонхолатда.

Элчин индамади. Аста-аста босиб, улжасига якинлашди. У ҳали ўлжасини бир зумда бўғизлаб ташлайдиган ваҳшӣ кепатасига кирмаган эди. У хатто бироз ҳаяжонланарди ҳам. Ўч олишга бўнчалик осон эришаман, деб ўйламаганди. Ўлжага ташланиш учун вужудидаги ҳаяжон учкунини ваҳшӣ алангага айлантириши лозим эди. Рӯпарасидаги одам — Асадбекнинг кизи эмас. Ҳозир бўлмаса бир соатдан кейин ёки эртага амалга ошириладиган иш ҳам эмас. Чунтакдан пичокни ҳозир олиши шарт, эрқаклигини ҳам ҳозир кесиб ташлайди. Сўнг... азобдан ўкираётган пайтда Ноилани кучган панжаларини шу пичок билан чопиб, узади. Ҳаммаёғи қонга беланиб тўлғанаётганида, жони чикай деганида юрагига пичок санчади. Санчади-ю, сугуриб олмайди...

- Элчин, айб менда эмас, худо урсн!  
— Айб кимда?  
— Балик бошидан сасийди. Асадбекнинг ниши бу.  
— Сен-чи?  
— Мен пойлокчилик қилганман.  
— Жингалаксоч-чи?  
— Жамшидми? Уям кирган.. охирида.  
— Ким ўлдирган?  
— Жамшид.  
— Яна ким бор эди?  
— Кесакпольон...

Жалолшилимшик Элчиннинг важоҳатига қараб «барибир ўлдиради», деб ўйлади. «Мен ўламан-у, улар маза килиб юришсанми?.. Уларни ҳам топиб ўлдирсин...» деган ниятда шошилиб-шошилиб гапиради. Ўлим шарпаси юзу кўзини силай бошлаганида гунохларга тавба килиш керак, деб унга хеч ким айтмаган. Жон ширинлигини шу пайтгача хис этиб кўрмаган, неча одамни хонавайрон килиб, нечтаси кўксига пичок санчганда қўли қалтирамаган бу бандада тавба деган тушунчадан анча йироқ эди. Ҳозир тасодиф рўй бериб, бўйидаги силлик каноп ечиб юборилса, нарида турган кавказлик йигитлар кўздан йўқолса, Элчиндаги хаяжон учкуни ваҳший алангага айланмай туриб, уни жон таслим килиши аник бўлиб коларди. Тасодиф ҳам, мўъжиза ҳам юз бермайди. Ҳадемай кўл чўнтакдан чиқади. Нима олиб чиқади — пичоқми, тўппончами? Е ўласи килиб дўппослаб, сўнг дарахтга осишадими? Жалолшилимшик шуни билмайди.

- Демак... Биринчи Асадбек кирдими?  
— Ха... у олдин ҳам келиб юраркан. Энди сенларга... девди... Кейин... Жамшид қизғаниб...

Жалолшилимшининг гапи оғзида колди. Тумшуғига тушган мушт зарбидан боши дарахтнинг заранг танасига зарб билан урилиб, гангиг ҳушидан айрилай деди.

— Бекор айтибсан, итвачча! — деди Элчин хириллаб. У ўлжасидан бу гапларни кутмаган эди. Ўлиши лозим бўлган ўлжаси Ноиласининг номини булғаб қўйди. Шу гап энди ўт олаётган ваҳший алангага мой сепди. Элчин ҳушини тамом йўқотди. Жалолшилимшининг тумшуғига яна бир-икки мушт туширгач, сўнг чотига тепди. Жалолшилимшик дод солиб ўкирди. Кор-

нига ҳам тепки егач, нафаси қайтиб хириллаб қолди. Элчин унинг кийимларини юлқиб, еча бошлади.

Катта күчадаги машиналар шу ерга қелганды бироз секинларди. Одамлар йўл четида нимадир содир булаётганини куришарди-ю, тухташга юраклари беттамасди ё Худо «кўй, тухтама, бу бандам шу жазоларга лойик», деб кўнгилларига солармиди, ҳархолда яна машиналарини тезлаштириб кўздан йўколишарди.

Элчин нима килаётганини ўзи билмай қолди. Пичокни чиқарниб унинг эркаклигини шарт кесиб ташлади. Ваҳший аланга тиллари унинг эсини олган, кўзини кўр килиб кўйган эди. Сал нарида турган кавказлик йигитлар ҳам Элчиндан бундай ваҳшийликни кутишмаган эди. Элчин шу аланга ўтида қоврилиб, панжаларни кесинши унуди. Тўлғонишга ҳам куввати колмаган Жалолшилимшикнинг чап кўксига пичок санчди.

У қасос умидида юрган кезлари малъуннинг кўксига пичок санчсан таскин топарман, деб ўйларди. Мана пичок ҳам санчилди. Ўлжасининг калласи Исо Масихнинг бошидай ёнга эгилиб, осилиб қолди. Йигитлар яқинлашиб, жонсиз яланғоч танани дараҳт шоҳига осишди... Элчин қасос лаззатини билолмай колди...

...Прокуратура терговчиси Зоҳид Шарипов бу манзарадан бехабар, ўзича тахминлар қиласи, калавани ечмокчи бўлади. Ҳолбуки, калавани ечмок учун аввал унинг учини топмоқ керак. Зоҳид уни топа олдими — хозир билмайди. Кечга бориб олдиндаги кора парда аста-секин кўтарила бошлагандай бўлди. Аввал машина таксопаркдан ўғирлангани аникланди. Корхона рапбарларининг яп-янги машинани ўғирлатиб кўйиб индамай ўтиришлари Зоҳидни ажаблантириди. Машина бирон ҳайдовчига биринтирилмаган, белги раками ҳам олинмаган. Ҳайдовчилар янги машина келишини орзикиб кутишади, унга эга чиқиш учун рапбариятга фалон сўм пора беришади. Наҳот бундан бехабар колиша? Таксопарк Зоҳид аввал ишлаган депарада жойлашган эди. Зоҳид Ҳамдам Толиповни топиб, шу масалани ечишни топширди.

Мурда тиркклигига Шилимшиқ лакаби билан юрган Жалол Комилов экани аниклангач, Зоҳид калаванинг учини топгандай бўлди. У котиллик тасодифан юз бермаганига ишонарди. Жалолшилимшиқ бундан

Йигирма йил мұқаддам, үсмирлик чөнда бир марта камалган. «Одеби ва меҳнатсеварлиги билан бошқаларга үрнак бұлғани, гунохидан астайдыл изтиробда экани» инобатта олинниб, қамоқдан барвакт бұшатылған. Бу «одеби бола» шундан бері милиция назарига тушмаган. Бу «меҳнатсевар бола» йигирма йилдан бері бир жойда — шаҳар хұжалигыда күча супурувчи бұлып ишларди. Ота-онаси дурустгина ерларда хизмат қылувчи йигитнинг күча супурувчи — фаррош бұлып ишлаши ажабланарлы әди.

Зохид шу саволға жавоб топмок истагида шаҳар хұжалиғи идорасыға бориб, беш лұлы хотиннинг қабулхонада бошлиқни кийин-қистовға олаётгани устидан чиқди.

— Бизне биргөттә бегоналарне құйсанғыз, چұлток супургингез бошингизга колсен.

Бұш жойға биз айтған хотунне оласизме ё йўк-ме? — деди уларнинг бири, бошқалари ҳам айнан шу гапни чувиллаб қайтарышды. Бошлиқ уларнинг феълини яхши билгани учун тинчтишігә ҳаракат қилмади. Лұлы хотинлар жавоб күтиб үzlари тинчишгач:

— Эрта-индин туғадиган хотинни ишга олмайман. Кетсаларнинг кетаверларнинг, штатни қискартираман. Бошқаларнинг маошини ошираман, қайтала яхши, — деди.

— И-и-би... Хо-о... иштотне қискортиранғаз биз сизне иштонингизне қискортамез-а, aka Расул омон бұлсалар бизне күчага ташлоб қўймайлар. Советский власт борме үзингизға. Ўша хотунне ишга оласез. Ҳа, хотун бұлғондан сұнг түғоди-да. Сиз хотун бұлғонингизда үзингиз ҳам туғар эдингизме?

Хотинлар бири олиб, бири қўйиб шанғиллайверишди. Бошлиқ темирдан экан, ҳаммасыға чидади. Охири кизик томошага гувоҳ бўлиб ўтирган котибасыға караб бақирди:

— Буйрук ёзинг: ўн етти кишидан иборат комиссия Қатортерақ, Утюжний, Магнитогорский, Зелений күчаларни бориб текширсін. Күча ифлос бўлса, буларнинг ҳаммаси ҳайдалсін! Қирк еттинчи статья билан бұшатылсін, ҳа!

Лұлы хотинлар бир-бирларига савол назарі билан карашди. Улар «қирқ еттинчи статьянинг» нима эканини билишмас әди. Бошлиқ шуни тилга олиб, пўписа қылдими, демак бир гап бордир, деб чўчишди. Аввалги-

дай чувиллашмасдан қабулхонадан чиқиб кетиши. Бошлиқ қылган ишидан мамнун бўлиб котибасига жилмайиб кўйди-да, хонасига йўналди. Шунда эшик олдида турган Зоҳидга кўзи тушиб «Менда ишингиз борми?» деб суради. Зоҳид ўзини таништиргач, бирданига чехраси мулойимлашди-да, қўшқуллаб саломлашди. Саломлашиш манзарасини четдан кузатган киши Зоҳидни азиз меҳмон, бошлиқни эса бу азиз меҳмонни орзикб кутган ва ниҳоят, умиди ушалган баҳтиёр мезбон деб ўйлаши мумкин эди.

— Ишингиз оғир экан,— деди Зоҳид ичкари киргач.

— Э, нимасини айтасиз,— деди бошлиқ, ўзига ўзи ачиниб.— Кон қилиб юборишади.

Бошлиқ Жалол Комиловни эслай олмади. Коғозлар титкиланиши лозим бўлди. Ҳужжатлар қондага амал қилинганди ҳолда тартибли эди. Ишга қабул қилингач, «мехнатсевар», «коллективда обрў-эътиборга эга» бўлгани учун доимий равишда пул мукофотлари берилиб турилган. Комиловнинг меҳнатдаги ютуқлари таърифланган сатрларни ўқиб, Зоҳид «бу ютуклар учун юз сўм камлик килар, биратуласи Социалистик Мехнат Каҳрамони унвонига тақдим этаверишмаган экан-да», деб кўйди. Жалол Комилов маошини ҳам вактида канда қилмай олиб турган. Агар ҳужжатга шак келтириласа, у кеча, ўлимидан сўнг ҳам келиб маош олган. Зоҳид «балки арвоҳларга ҳам пул зарур бўлиб қолгандир», деб ўйлаб, ҳужжатларни бошлиқка узатди:

— Коллективда обрўси баланд экан-у, коллектив бу баобру одамнинг ўлимидан бехабар қолибди-да, а?

Бошлиқ хижолат бўлгандай бошини эгди:

— Кадрлар билан ўринбосарим шуғулланади. Бехабар қолибман, узр.

Ўринбосар буйрагидаги тошни тушириш учун Украйнага даво истаб кетган экан. Зоҳидга айрим сирларни шу одам очиб бериши мумкин эди. Чунки Жалолшилимшиқни шу ўринбосар ишга қабул қилган, доимий равишида рағбатлантириб турган. Идора ҳодимларидан хеч ким Жалол Комиловни эслолмайди. Комиловни ҳатто бригада бошлиғи ҳам танимади. Бу Зоҳид учун ажабланарли ҳол эмас эди. Чайковчи ёки иморат усталири мана шундай бир ерга илиниб олишади. Бирор сурнштиrsa — ишлайди, «жамиятнинг фаол аъзоси». Шундай қилинмаса, «текинхўр» деган тавки лаънатга

қолишади. Зоҳидга бир нарса коронғи — ким бу. Комилов, чайқовчими, иморат устасими... Ё бошқа бир фирибгарми?

### 3

Зоҳид Жалолшилимишкнинг уйини кийналмай топди. Халқда «дворянлар уяси» деб ном олган, икки қаватли фишин уйлардан бири Комиловларга тегишли эди. Отаси олти йил мукаддам бу дунё ташвишларидан кутулиб кетган экан. Онаси — эллик ёшларга борган, факат бу дунё билан эмас, балки гўзаллиги билан ҳам хайрлашишга шошилмаётган кўхликқина аёл эди. Даҳлизда кийим илгич ёнида иккита пастак курсининг бирига Зоҳид ўтирди. Иккинчисини мезбон эгаллаб, «эшитаман», дегандай қошларини чимириди.

— Жалол Комилов сизнинг ўғлингизми? — деб сўради Зоҳид.

— Ҳа... шунака деса ҳам бўлади, — деди аёл, чимирлган ҳолда.

— Тушунмадим, — деди Зоҳид, — ўгайми ё бокиб олганмисиз?

— Ўзимни... ўзим тукканман. Лекин мени ташлаб кетган. Тирикми ё үликми, билмайман, — аёл афсуслангандай хурсинди. — Очиги, камокдадир деб юрувдим. Суриштириб юрганингизга қараганда энди камалса керак? У... кайси статья билан айланаяпти?

Зоҳид унинг саволига жавоб бермади. Аёлнинг гапларидан ғаши келганини яширмай, саволга тутди:

— Уни охиригина марта қачон кўргансиз?

— Эсимда йўк. Ҳархолда ўн йилдан ошди. Ўзи унга нима бўлди, айтсангиз-чи?

— Ўн йил давомида «ўғлим қаерда экан», деб кидириб кўрмадингизми?

— Каердан кидираман?

Аёл «ўғлим шаънимга доғ туширди, катта мансабларни эгаллаб ўтирган одамнинг боласи ўгри, саёк бўлиши мумкинми? У эмас, мен ундан тонгман. Йўқолиб кетганидан хајто мамнун эдим», деса ҳакиқатни айтган бўларди.

Жалолшилимишк қамалганида аёлнинг кўзига дунё коронғи кўриниб кетди. Ўша дамларда эл оғаси Аёлнинг ҳуснини эътибордан четда колдиrmай, «феодализм саркитларига аёвсиз кураш очиб, аёлларни раҳ-

бар вазифаларга дадил кутариш» масаласини ҳал қилаётган эди. Бу масаланинг ечими ижобий ҳал бўлди, ўғли ҳам қамоқдан қайтарилиди, аммо тӯғри йўлга қайтмади. Қайтиши мумкин эмас ҳам эди. Ҳаром ишлар бандалардан пинҳон тутилиши мумкин, аммо шайтон етаклаб бораётган банданинг ҳар бир одими үлчоғли, ҳар бир ножӯя қадами учун жабр тортиши аник.

Иккинчи боласини олдириб ташлаган, қорнини маҳкам боғлаб юриб қад-коматини саклаб колган Аёл оналик баҳтини асраб кололмади. Ўғли кетар маҳалида «Мен сизлардан нафратланаман, сизлар нопок одам-сизлар!» демади. Жалолшилимшиқ бундай юксак туйғулардан йирок эди. «Мен қандай хоҳласам шундай яшайман, ишингиз бўлмасин», дедию ғойиб бўлди. Эрхотин орасида машмаша кўзғолганида аёл эрига шундай дерди. Буни қўшии хонада ёлғиз ўтирган Жалол эшитарди. Уйдан чиқиб кетаётганида Жалол буни пиchinинг тарзида айтмади. Аёл «ўзимнинг гапим билан ўзимга тарсаки урди», деб ҳам кайғурмади. «Майли, ўзича бир яшаб кўрсинг. Бурнини тортиб, чориғини судраб қайтиб келади», деб ишонди. Кутгани бўлмади. «Давлат аҳамиятига молик ишлар»га шўнғиб кетиб, ўғлини кўпам эсламади. Ҳатто уйини ўғри уриб кетганидан кейин ҳам ёдга олмади. Ўғрибоши ўғли экани ҳам хаёлига келмади. Милиса чакиртирмади, искович ит уйини хидламади. У «шунча бойликни қаердан тўплаган эдингиз?» деган саволдан чўчиди.

Ийларнинг бешафкат панжалари соchlарини окка бўяб, кўзлари атрофига ажин торта бошлади. «Феодализм сарқитларига карши курашаётган» эл оғаси «янги раҳбар кадрлар» билан банд эди.

Аёл эрини дағн этгач, ёлғизлик деган дарднинг нима эканини тотиб кўрди. Кечалари қўрқадиган бўлди. Бу азоблардан қочиш учун хизмат сафарига кўп чиқа бошлади. Бу ҳаракат «ишга сидқидилдан берилиш», деб баҳоланди.

Зоҳиднинг омади бор экан. Аёл сафардан қайтганида уни учратди. Зоҳид бу воқеалардан бехабар, аммо оналик туйғусидан маҳрум аёллар у учун янгилик эмасди. Жиноят кидирув бўлимида хизмат килиб юрганида аксар ўғри болаларнинг оналари шундай эди. Бирок, рўпарада кошларини чимириб ўтирган чиройли аёл улардан фарқ қиласди. Ўғри болаларнинг оналари ароғини ҳам яширмай ичарди, фахш ишларини ҳам очик-

часига киларди. «Уят эмасми?» дейилгудай булса, «Бадан меники, истаган одамга, истаган пулга сотаман, нима ишинг бор!» деб дангалини айтиб қўя қолишарди. Жалолшилимшиқнинг онаси эса ўзинн фариштадай покиза қилиб кўрсатади. «Покизалик, одамийликнинг юксак нормалари» ҳакида маъruzалар килади. Одамлар маъruzаларни эшитиб карсаклар чаладилар...

— Каердан кидиришингизни билмасмидингиз?

— Менга каранг, ука, бунақа илмокли саволларни бошка одамларга ташланг. Сизга рухсат,— аёл шундай деб ўрнидан турди.

— Ўғлингиз... Жалол Комилов икки кун аввал ўлдирилган... ваҳшийларча ўлдирилган,— деди Зоҳид, кейинги гапига атайлаб ургу бериб.

Бу гап аёлнинг оналиқ туйғусини қитиклаб уйғотди. Бирок, кул остидаги чўғ аланга олмади. Чунки аёл юксак маданият сохибаси эди. Бу гапдан даҳшатга тушмади, уввос тортиб йиғлаб юбормади. Индамай бурилди-да, катта хона томон юрди. Қия очилиб колган эшикдан чўғдек қизил гиламнинг, олтин рангли мато қопланган диваннинг бир чети кўринди. Ичкарида гугурт чакилди — Аёл сигарет тутатди. Юксак маданиятли аёл Зоҳидда нафрат уйғотди. У чикиб кетаверса ҳам бўларди, аммо кўнгилга бир шумлик оралаб, Аёлнинг чикишини кутди. Аёл ҳаялламади, кўлида тутаётган сигарети билан чиқди:

— Ким ўлдирибди, ушладингларми? — деди титрок овозда. У дардга берилган холда ҳам ҳокималик минорасидан пастга тушмаган эди.

Зоҳид саволга жавоб бермай, чўнтагидан суратчиқариб Аёлга берди. Аёл дарахтга осиб қўйилган яланғоч мурдани таниди. Шу нафасда юксак маданият чекинди, ҳокималик минорасидан тушиб, оддий аёлга айланди — кўз олди коронғилашди. Зоҳид бехуш аёлни кутариб, ҳашаматли хонага кирди. Уни диванга ётқизиб, ошхонадан сув олиб чиқиб юзига сепди. Аёл сескашиб, кўзини очди. Зоҳидга узок тикилди-да:

— Бераҳм экансан,— деди пичирлаб. Кейин буюрди.— 33-19-23 га телефон қил, тез ёрдам етиб келсин.

Зоҳид «бу маданият сохибаси яна ўлиб колмасин», деб айтганини бажо қилди. «Тез ёрдам» Зоҳидни ҳайратга солиб, тезлик билан етиб келди. Ок халатли тўрт аёл бирданига кириб келиб, гап-сўзсиз тез ишга киришиб кетишиди. Зоҳид уларнинг харакатларини кузатиб,

бу уйга тез-тез келиб туришларини англади. Бирпас-нинг узида юрак уриши тасмага туширилди. Эмланди... «Шунака имтиёзлар борлиги учун ҳам одамлар мансаб талашишади-да», деб ўйлади Зохид.

— Бироз чарчабсиз, утиб кетади,— деди дўхтири хотин.

— Ўтиб кетиши кийин. Бу сафар ёмон келди. Хушимдан кетиб колдим. Стационарга ётмасам бўлмайди.

Дўхтири мансабдорларнинг шифохонасига телефон қилиб буш жой борлигини билгач, «узингиз юра оласизми?» деб сўради. Аёлнинг «оёкларидан жон чишиб кетганини» эшитиб, узун замбилни келтирирди. Замбилнинг бир учидан Зохид кўтарди. «Оғир қасал» эшикларни кулфлатишни унутмади.

Зохид «тез ёрдам» машинаси ортидан қараб колаверди: «Туғмоқ бор-у, кўммоқ йўқ экан-да...»

## XII БОБ

### I

— Янглишяпсанми?

— Йўқ, рост адаси...

Манзуранинг гапи Асадбек юрагига ханжар булиб санчилди. Кизи ҳам унга ботиниб каролмаётган эди. У ердан кўзини узмай синик овозда салом берганида Асадбек додлаб юборай дерди. Бу мўъминлик ўрнига кизи соchlарини юлиб, «Дод, мусулмонлар, мен отам туфайли шарманда бўлдим!» деб фарёд урганида Асадбек бунчалар эзилмасди.

Пиёла синса чегалаб ишлатиш мумкин, аммо синникнинг изи йўқолмайди. Бу пиёлада иззатли меҳмонга чой узатилмайди. Номус ҳам шундай. Инсон яшайверади, бироқ, шармандалик изи бир умрга сақланиб колади. Бу ёруғ оламдан ризки узилгунга қадар номуссизликнинг оғир юкини ортмоклаб юраверади. Асадбек буни билгани учун ҳам тўлғок азобларини бошидан кечирарди. Одамлар «факатгина улимнинг чораси йўқ», дейишарди. Ўйлаб караса, номусга тушган дарзни кетказишининг ҳам иложи йўқ экан.

Хаёт... номус... улим... Номус билан яшамок ёки номуссизлик ботқофини кечиб ўтиб, ўлим жарига куламок... Кизлар ўзларини ёкишади, осишади...

Шу фикр Асадбекнинг хаёlinи ёритиб утиши билан юраги ҳаприқиб, нафаси бўғзига кадалиб қолгандай туюлаверади. Хотини гапига амал қилиб уч марта «астағфируллоҳ» деб қўяди. Шундай пайтда Ҳудо борлиги эсига тушиб, яратгандан мадад сўрайди. «Умр бўйи азоб чекканим етмасмид» дейди. «Одам бўлиб нима рўшнолик курдим», дейди. «Ҳимаики азобинг бўлса, барчасини тотиб курдим-ку, энди тинчлигимни бер, агар берган бойликларинг эвазига тинчлигимни олган бўлсанг, бойликларингни қайтариб ол, мени гадо қил, аммо болаларимнинг баҳтини бер, мен ҳам одам бўлиб бир роҳат кўрай, бир кеча тинчгина ухлай, бир кун бир пиёлагина чойни болаларим даврасида тинчгини ичай...» дейди.

Асадбек кўнглидан нолалар учаверади. У билмайдики Ҳудо нолаю фигонларга қараб эмас, бандасининг юрган йўлига қараб ажр беради.

Хозир Манзурадан қизининг юкли эканини билиб, бошини кайси деворга уришни билмай қолди. У кечагина яхши йўл топгандай эди. Қадимда урушқок подшолар ярашишни ният қилишса, куда тутинишаркан. Фимиirlаб қолган Ҳосилбойваччани қантаришнинг бир йули — ўғлини куёв қилиш. «Икки ёшнинг баҳти учун» Асадбек ҳокимликдан воз кечади. Қилич Сулаймонов айтганича була қолсин. Шаҳарга ҳокимлик қилиш Ҳосилбойваччага ярашса яраша қолсин. Асадбекка винзавод ҳам булаверади. Бугун ҳокимликка даъвогарлар кўп. Вакти келса уларнинг ҳаммаси ҳазондай титилиб кетади. Баҳорнинг шамоли уларни учириб қайси бир овлоқларга тикиб келаркин. Ҳокимлик — пулдорнинг кулида бўлади. Вин завод — очил дастурхон. Еганинг билан тугамайди. Ўз умрини, обрўйини сотиб ичувчи галварслар бор экан, Асадбекнинг ҳамёни бушамайди...

...Шундай режа тузган эди. Бугун-эрта Ҳосилбойвачча билан сухбатлашмокчи эди, Қизининг боши коронги... Вакти келиб ҳароми бола туғади. Асадбек ҳароми набиралик бўлади...

Хўш, энди нима қилиш керак?

Бу саволга ким жавоб беради, Манзурами? Унинг кузларига муҳрланган, мунг билан йўғрилган саволгачи? Унга ким жавоб топади? Агар Манзура қизини эрка-тантик қилиб тарбия этганида, қизи суюкоёқ чиқиб, бу тавқи лаънатни узи орттирганида Асадбек буларни нима қилишни узи яхши билар эди? Бу савол-

га жавоб топишда қийналмас эди. Афсус, энг катта айбдор — унинг ўзи. Асадбек буни билгани учун ҳам эзилади.

Бошқаларнинг тақдирини ҳал этишда кўп ҳам иккапланмайдиган одам қизини шармандалик ботқоғидан тортиб олишда ожиз эканини сезди. Энди унинг учун икки йўл колган — бири болани олдириб ташлаш. Бундай килинса, қизи умр буйи фарзанд доғида куйиб, кул бўлиши мумкин. Қолаверса, бу гап ошкор этилмайди, деб ким кафолат беради? Иккинчи йўл — қизини Элчинга бериш. Асадбек гарчи далили бўлмаса-да, бу Элчиннинг иши, деб ишонарди. Айниқса, Шилимшиқ ўлдирилгач, бу тахмин ҳакиқатга айлангандай бўлди. Асадбек Элчиннинг қўлидан шундай ваҳшийлик келар, деб кутмаган эди. Йигитлари баъзан унинг рухсати билан, баъзан рухсатисиз, вазият тақозосига кўра одам ўлдирадилар. Аммо бирон марта бундай ваҳшийлик содир бўлмаган эди. «Демак, дийдаси каттик экан, демак, алами зўр экан,— деб ўлади Асадбек.— Хўш, шу билан ҳовури пасайдими, қасос ўти сўндими?» Ўшанда Шилимшикни сургун қилмай, Элчинни суд қўлига топшириб қўя қолганида бу ташвишлар йўқ эди. Нима бўлди ўшанда? Адолат килмокчи бўлдими? Е Элчиннинг мардлигидан ийиб кетдими? Унинг «Мен ўзим ўлдиридим!» деб катъий туриб олишига аввал ажабланган эди. Кейин бирдан «бу боланинг жонини сақлаб қолиш керак», деган фикр миясига қаттик урнашиб қолди. Бу фикр оқибати мана энди куринниб турибди. Шилимшиқ узбошимчалиги учун жазога лойик эди, Ноила вокеасидан олдин ҳам бир-икки шундай қилик қилган, таноби тортилмаса, арконни узиши мумкин эди. У ўзи эккан дарахтнинг мевасини ўзи еди — унга ачинмаса ҳам бўлади.

Манзура эрининг хаёлга ботганини кўриб, индамай тураверди. Нихоят, Асадбек нигохини бир нуктадан узиб, хотинига каради:

- Узатворамизми?
- Қимга? — деди Манзура.
- Билмайман...

Чиндан ҳам аниқ билмайди...

- Қизингиз... бир гап айтди.
- Нима дейди?
- Ўша одамнинг панжалари сал қийшиқрок эканми...

Бу гапни эшитиб Асадбекнинг кўзлари чакнаб кетди.

— Ўнг панжасими?

— Ха, шунақа деди...

— Хе, оналарингни...— Асадбек сўкиб юборганини ўзи ҳам билмай колди.— Энди айтадими шу гапни?!

Демак, Элчин! Бошка далил-исботнинг кераги йўқ.

Асадбек — яраланган йўлбарс холидаги одам — ким ўқ узганини энди аник билди. Энди у малъунни бир ҳамла билан йўқ килиб ташлаши мумкин. Шилимшиқ тортган азобларни Элчиннинг ўзи ҳам тортиб кўриши ҳеч гап эмас. Буни ҳозироқ бир неча дақиқадан сўнг амалга ошиrsa ҳам бўлади.

У ховлига чиқди. Оркасидан эргашган хотинига эътибор бермай дарвоза томон юрди. Одатдагидек, рўпарасида Жамшид пайдо бўлди.

— Отарчини топиб кел. Ернинг тагидан бўлса ҳам топ,— деди-да, кўчага чиқиб машинага ўтирди.

## 2

Ўтирса ҳам, турса ҳам Элчиннинг кўз олдига ўлжаси келавериб, уйқуси кочди. Кўзлари киртайиб, оғир хасталикка учраган одам кепатасига тушди. Касос юрагига лаззат эмас, азоб беражагини у ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Бахтига Зелихон бор экан, ёлғизлатмади. Йўкса, жинни бўлиб қолниши ҳеч гапмас. Икки марта Анвар келди. Тоғасининг чордоғидан ниманидир топганини айтди. Элчин бу гапларни эшитадиган ахволда эмас эди — парво қилмади. Ўзи Анварни бир йўқлаб бормади.

Зелихон тонгда бир юмуш билан чиқиб кетаётганида Элчин дераза ёнида хаёлга чўмиб турган эди. Икки соатдан кейин кайтиб келиб караса, яна шу ахволда турибди.

— Э, ошна, жуда оширвординг,— деди у, Элчиннинг елкасига енгил мушт тушириб.— Кўзингни оч, эркак! Тварларга ўхшаб колма.

Элчин ҳазин жилмайиб, шеригига каради.

— Бу дунёда ҳамма твар,— деди.

— Менга кара, сенга файласуфлик ҳечам ярашмайди. Сен буюк одамсан, лекин файласуф эмассан,— Зелихон шундай деди-да, унинг белидан кучиб, махкам сикди.— Сен мишики боласан. Билиб қўй, мен мишики-

ларни ёмон кўраман. Эрқакмисан, чотингда безинг борми, эркакка ухшаб юр.

— Зели оға, сиз мени тушуна олмайсиз,— деди Элчин, унинг кучоғидан бүшагач.— Мен унга эзилаётганим йўк. Бошқа гап бор.

— Қанақа гап?

— Сизга айтмолмайман.

— Аканган ҳам сир яширасанми?

— Зели оға, бу ўзим билан ерга кирадиган сир, хафа бўлманг.

— Анави твар бир нима деган бўлса, сен ишонгандирсан. Бундай қилма. Ўлим олдидан одам ҳар нима деб валдирайверади. Зелихон сенга дўст эмас, душман, деса ҳам ишонармидинг?

— Бу гапни чайнамайлик.

— Ўзинг биласан. Лекин сен кўзингни оч. Биз Асадбек ташлаган қармоқка илиндик. Ўша тварни айнан сен ўлдиришингни истаган эди. Истаги амалга ошди. Хўш, энди нима қиласан? Сен нима қиласан? Тинчийсанми?

— Гўрда тинчийман мен.

— Буни Асадбек биладими? Билади. У ўқилон. Ўйин энди бошланади. Сен лиёдаларни сурсанг, у фарзинни ишга солади. Икки бикинида фил, икки ёнида тўра. Сен-чи? Сен факат асп юриш қилишинг керак. Ҳар бир отнинг саккизта йўли бўлади. Буни ўйлаяпсанми? Асадбекнинг иши пишик, вактдан ютади. Сенга цейтнот хавф солиб турибди.

— Қўрқмайман, менда ҳам фарзин бор, буни хисобдан чикарманг.

Зелихон элчиннинг мақсадини фаҳмлаб, мийифида кулиб қўйди.

— Уста ўйинчи бошидаёқ фарзинларини курбон бериб, алмаштириб ташлайди.

— Мен алмаштиrmайман. Мот бўлсан ҳам фарзинни қурбонликка ташламайман.

— Қара, бирор келяпти.

Ховлида Жамшид кўринди. у бегонасирамай, атрофга алангламай худди ўз ҳовлисига кириб келгандай тўғри уй томон юрди.

— Асадбекнинг ишончли одам. Мени боғлаб кетган шу эди.

— Ўзингни бос, сир бой берма.— Зелихон шундай деб тезгина диванга бориб ўтириди-да, чўнтағи-

дан карта чикариб, устол устига ёйди. Жамшид кириб салом бергач, Зелихонга хавотир кўзи билан қараб кўйди.

— О, братан, салом,— деди Зелихон үрнидан туриб. У бир тутам картани чап қулида еллигич қилиб ушлаганича Жамшидга яқинлашиб, ўнг қўлинни узатди.— Кани, останада турманг, кировринг.

Элчин унинг саломига алик ҳам олмади. Қўл ҳам узатмади. У ёлғиз бўлганида Жамшид «юринг, Бек акам йўқлаяптилар» деб бошлаб кетаверарди. Бегона одамнинг ўтириши, Элчиннинг совук караши уни бироз сергаклантирди.

— Кани, кирсангиз-чи?— деди Зелихон.

— Уй эгаси таклиф килмасалар...

— Э, уй эгасини қўяверинг. Бугун чап ёни билан турган. Ютқизиб кўйиб, алам қиляпти. Кани, бир қул ташлаймизми?

— Майли,— Жамшид Элчинга қараб олиб, ичкари кирди.

— Йигирма бирми ё фантомасми?— деб суради Зелихон.

— Менга барибир,— деди Жамшид.

— Демак, устасига фарки йўқ экан,— Зелихон шундай деб чўнтағидан тахи бузилмаган карта олиб Жамшидга узатди.— Бузиб, чийланг.

Жамшид картани чакконлик билан аралаштириди. Унинг қули ишда бўлса ҳам, хаёли Элчинда, ундан куз кирини узмас эди.

— Кўн элликдан,— деди Жамшид, уртага эллик сўмлик ташлаб.

— Яхши,— деди Зелихон қўлларини бир-бирига ишқаб, сўнг чўнтағидан тўртта йигирма бешталик чикариб, элликталикнинг устига кўйди.— Эллиги корон-ғуси. Юриш юздан бўлди.

Жамшид яна иккита элликталикни ташлади.

— Ўзингизга қайтди, юриш икки юздан.

— Ў, бу эркакнинг ўйини бўлди. Шу пайтгача каерда эдингиз, эркак!?

Жамшид учтадан карта узатди. Зелихон карталарга бир қараб олиб уртага учта юзталик кўйди. Жамшид жавоб кайтарди. Юриш минг сўмга етганида Жамшид картасини ташлади.

— Ютдингиз, акахон. Энди менга рухсат. Сиз билан роса чакчаклашадиган хонаси экан-у, аммо вакт

зикрок. Акахонимда иш бор эди. Бир жойга утиб келишимиз керак.

— Хозирми? Ие, бу ёғи неча пулдан тушди? Бир нозик одамни кутиб турувдигу? Жуда зарур бўлса... Элчин, братан, мен шу ерда кутиб турайнми?

— Шунака килинг, укахоннинг сазаси ўлмасин.

Жамшид, худди янги йил кечасидаги каби, индамай кетди. Элчин ҳам уни гапга тутмади. Машинанинг орка ўриндиғида ўтирган Элчин жингалаксоч бу йигитдан кўз узмасди. Жамшид орка томонидаги ўткир нигоҳ таъкибини сезиб, дам-бадам кўзгу оркали унга караб оларди. «Уриб, боғлаб кетганимнинг алами бор», деб ўйларди у. Жамшид Шилимшиқнинг гапларини кайдан билсин. Хозир нигоҳини кадаб ўтирган одамнинг каҳрли хукм чикараётгани ҳам унга маълум эмас. Зелихон «ўлим олдида валдирайверади», дегани билан, Шилимшиқнинг гаплари Элчинга ҳақиқатдай туюлаверади. «Бу йигит ҳам хотиним билан бўлган» деб ишониш, Йоиланинг хотирасига балчиқ чаплаш билан тенг. Айни пайтда ўзининг гунохини ҳам бир карра оширади. Элчин ҳар канча гуноҳ юкини кўтаришга рози. Суйган ёрининг хотирасини булғанишини истамайди. Лекин у бечора нима килсан? Ҳакми ё ноҳакми — гап айтилди. Бирор оркали эмас, ўз қулоғи билан эшилди. Ўлим олдидан валдирайверади, эмиш... Балки сўнгги нафасида худо инсоғ бериб рост сўзлаб кетар?.. Ўйимга келганини бу ҳайвоннинг ўзи ҳам айтди-ку? Энг мухими — келган! Ичкарига кирганми, кирмаганми — бу билан ишим йўқ!» Хукм катъий эди. Энди ижро этишгина колди.

### 3.

Шаҳар марказидаги уч қаватли бинонинг сароймонанд ертуласидаги видеобарда депутат Орзубек хўжаиннинг келишини кутиб ўтиради. Бўтка унга алоҳида эҳтиром кўрсатди — Чувриндининг кўрсатмасига хилоф иш тутмади. Пештахта ортидаги дундикча унга қаҳва келтириб, ширингина жилмайди. «Маишатни ўрнига қўйишади, бу сувараклар», деб ўйлади депутат, ноз билан юриб келаётган қизнинг ярим очик сонларига сук билан тикилиб. Қахвасини ичib улгурмай аъёнлар келишди. Кесакполвон депутатнинг саломига алик

олиб, ўтиб кетаверди. Чувринди эса келиб, у билан сұрашди. Депутатнинг савол назарига жавобан «хозир келадилар», деб ичкарига кириб кетди. Дам ўтмай Асадбек күрінди. Депутаттың күрсә хам күрмагандай, саломини әшигтес ҳам әшигтамагандай ўтди. «Шефнинг кайфияти чаток, ақағоннинг мазаси қочар экан-да», деб ўлади Бұтқа.

Асадбек биринчи марта үзи белгилаган коиданнан бузди: оила сири хұсусида сұз очди.

— Кизимни отарчи... олиб кетган экан. Бу — аник!

— Аник бұлса, үзим гаплашаман,— деди Кесакполвон.

— Гаплашмайсан. Унинг битта туки ҳам түкил-маслиги керак. Мен... уни күёв қымбакчиман.

— Бек ака, ҳазиллашмаяпсызми?— деди Чувринди ажабланиб.

Асадбек индамади. У мақсадини айтган, энди аъёнларининг фикрини билмоқ истагида сукут саклаёт-лан эди.

— Бек, эсинг жойидами?— деди Кесакполвон.

— Ха, жойида!— деди Асадбек, жаҳл билан.— Нима, күёвликка арзимайдими? Құрми, шолми ё кийшикми?!

Шу гапдан сүнг учовлари ҳам жим қолиши. Уларнинг ҳолига четдан қарған киши бу мотамсаро одамлар бирорнинг рухини эслаб, әзилиб ўтириби, дейиши мүмкін эди. Аъёнлар хұжайніларининг феълинни яхши билишади. Хозир Асадбекнинг жаҳли чиқиб, акли кетган пайт — үнга гап айтиб маъқул қилиш кийин. Асадбек эса бақиришга бақириб күйиб энди ағасусланади. Чунки мақсадини айтгани ҳамоно аъёнларининг ажабланишларини олдиндан билған эди. Оғир-босик ўтириб маслахатлашаман, деб ният килганди, ниятини үзи бузди.

— Хайдар, бошқа илож йўқ,— деди Асадбек, энди ҳазин овозда.

Кесакполвон ўттиз йиллик қадрдонига ачиниб кетди. Улар факат роҳат жомини сипқормай, алам-ташвишлар захрини ҳам татиб күрганлар, ноумидлик күчаларида санкиган даврлари ҳам бўлган, аммо у Асадбекни сира бу эзгин ҳолда күрмаган.

— Шу карорга келган бўлсанг, ўйлаб күргандирсан. Биз нима дердик. Бизга кизинг баҳтли бўлса, үзинг тинч бўлсанг, бас. Аммо айтиб кўяй, агар...

— Агар-пагари йўқ.

— Тўхта, гапимни кесма. Агар у отарчи кизингнинг баҳтини кора килса, менга индамайсан, ўйлимни тўсмайсан, гапингга кирмасам, хафа бўлмайсан.

— Хайдар акам тўғри гапни айтяптилар,— деди Чувринди.

— Мени одамларнинг фикри кизиктирияпти. Махмуд, одамлар нима дейди?

— Одамларми?— Чувринди хозир шуни ўйлаб ўтирган эди, шу сабабли жавобни кечиктирмади.— Минг оғиздан минг бир гап чикади. Шу пайтгача нима гаплар чикмади, биласиз-ку?

— Шу пайтгача чиқкан гаплар факт менинг ўзимга тегишли эди.

— Энди чиқадиган гапларни химматингизга буриб юборамиз. Азоб чекиб келган санъатчига химмат кўрсатиб, куёвлик сарпосини ёпди, деймиз. Одамларни шу фикрга кўндириш кийин иш эмас.

Махмуд — Чувриндининг босик холда ишонч билан гапириши Асадбекка далда бўлди. Асадбек бу аъёнга ишонади. У шундай дедими, бас, демак, шундай бўлади!

— Депутатинг мулла минган эшакдай булиб ўтириди. Гаплашасанми?— деди Кесакполвон, асосий ма-сала ҳал этилгач.

— Кўзимга кўринмасин, ким чакирди уни, сенми, Махмуд?

— Ўзи келибди, зарур иши бормиш. Гапини эшишиб кўринг.

— Чакир, тезрок гумдон кил. Хозир отарчи келиши керак.

Чувринди эшикни очиб, Орзубекни имлаб чакирди. Депутат одатига хилоф иш қилмади, остона ҳатлаб ғудранди.

— Нима дейсан?— деди Асадбек унга ўқрайиб.

— Шу... розилигимни айтмокчи эдим.

Асадбек унинг розилигини англаған бўлса ҳам, атайин гапни айлантириди:

— Нимага розисан?

Орзубек «мени калака киляптими ё эсидан чиқканми?» деб каловланди.

— Бунча довдираисан, гапир гапингни,— деди Асадбек.

— Кизимни сұраган әдингиз... бир азият чеккан одамга... шұнға маслахатлашдик... Розимиз.

— Хайдар, шунака ғап бұлудими? Э, хам жуҳуд хотининг ҳұп, дедими?

— Бек ака, бир илтимосим ҳам бор эди.

— Илтимосми, шартми?

— Илтимос... Шу... Ёқубжонов бошка ишга ўтиби. Шуни гаплашиб берсангиз... Менинг күзим учыб турғани йўқ-ку, ўзингиз биласиз, мансаб талашадиган одам-масман, аммо... кўпнинг манфаати учун керакмикин?..

Асадбек бу ғапни эшитиб, унга қаттиқ тикилди. «Эси жойидами бунинг,— деди у ўзича.— Мени Худо деб ўйладими? Ёқубжоновнинг ўрнига мен одам күярканманми? Катта олимлар бошқариб келган иш булса... Бу етим тойлок илм кўчасининг ёнидан ўтганми ўзи? Депутатлиги камлик килидими? Пошшоликка даъвогарлиги чин булиб қоляпти-ку? Ёқубжоновнинг ўрнини ёгалласа, оксаройга бир қадамгина йул қолади. Анои эмас бу тойлок. Кўлимдан келса ҳам кўймас эдим буни...»

— Бу илтимос эмас, шарт. Кизингни амал курсисига алмаштирумкчимисан?!

— Ундаи эмас, Бек ака...

— Овозингни учир, ҳароми! Мени гўл деб ўйлајсанми?! Ҳеч бўлмаса кўнгил учун «кўёв бўлмиш ким ўзи?» деб сўраб қўй. Сен жавобингни қачон айтишинг керак эди? Үн кун ўтдими, Хайдар?

— Сафарга кетиб қолдим, узр.

— Иккинчи қадам босма бу ерга. Сенга айтилган одам аллақачон ўйланиб бўлди. Жўна!

Орзубек тепки еган ит ҳолига тушиб, орқасига ўғирилди.

— Бунчалик хор қилманг-да, ака,— деди Чувринди, депутат чиқиб кетгач,— бизга аскотиб қолиши мумкин.

— Пошшо бўлгандаям сарик чакага олмайман буни. Бўтқа!

Эшик қия очилиб, Бўтқанинг башараси куринди.

— Хозир чиккан сўтакнинг қизи бор.

— Бек ака, ундаи қилманг,— деди Чувринди.

— Сен аралашма. Кизини бозорга солишнинг қанака бўлишини бир билиб қўйсин! Бўтқа, тушундингми, айтганимни кил. Отарчи келмадими?

— Бўйдок олиб келди, кутиб ўтирибди.

— Чакир, кирсин.

Элчин кириб салом берди. Аъёнлар унга таниш эди. Камалмасидан илгари буларга обдон хизмат қилган, Кесакполвон киму Чувринди ким — яхши биларди.

Асадбек ўрнидан туриб, бир кадам босиб кўлини узатди. Бу марҳамат унча-бунча одамга кўрсатилмас эди. Бу марҳаматга эришганлар муборак қўл хавода узок вакт муаллақ қолмаслиги учун чакқон келиб, тавоғ қиласар даражада сўрашар эдилар. Элчинга бу маълум бўлса-да, шошилмади. Битти-битта босиб келиб, бошқалар каби кўш-кўллаб эмас, ёш болаларга ўхшаб бир кўллаб сўрашди. Унинг бу беадаблиги аъёнлар эътиборидан четда қолмади. Улар савол назари билан Асадбекка қараб олишди. Асадбек юзида ўзгариш сезилмагач, улар ҳам кадрдонлардек сўрашишди. Хархолда «Қуёвни пайғамбарлар сийлабди», деган накл бор.

— Хофиз, оламда бормисиз, йўқламасак юз сўмлик пулдай кўринмасдан юраверар экансиз-да, а?

— Сизнинг ишингиз кўп, ака, биз эса бекорчи одамиз. Бошингизни оғритмай, дейман-да,— деди Элчин.

— Сиздай меҳрибон укахонлардан яна иккитагина бўлса жаннатда юргандай роҳат қилиб яшарканмиз,— деди Асадбек,— Хайдар, хофизнинг ашуалали эсингдами? Эшитиб нак эриб кетардик-а? «Қаро кўзим»ни кийворарди-я! «Қаро кўзим, кел энди, мардумлиғни фан килғил»миди? Бу «кел, энди сен ҳам одам бўлгин», дегани экан-да, а?

— Ха, шунақарок,— деди Элчин, Асадбекнинг пичингларини ўзича талқин қилиб.

— Нимага йўқлаганимизни биларсиз-а, хофиз?

— Хайронман.

— Хайрон бўлманг, Шилимшикни ўлдиришингизни билардим-у, аммо бунака ваҳшийлик қиласиз, деб ўйламовдим. Сиздек нозиктаъ одам...

— Тушунмадим, Шилимшиғингиз ким?

— Ўзингни овсарликка солма. Камбағални сийласанг, чориги билан тўрга чиқаркан. Сен хуморингни босарсан, деб мен уни асрэдим. Ошни мен пиширдим. Суздим, хатто ошатдим. Сиз, оғайнчалиш, факат чайнаб ютдингиз. Энди нафсингиз ором олгандир, а?

Элчин истеҳзо билан кулиб қўйди.

— Корни оч одам бир ошам ошга қаноат қиласармикин?

— Жон шириң бұлса — канаот қилади.— Асадбек шундай деб аўёнларига қараб олди. Улар бош иргаб, тасдик ишорасини қилишди.

— Жон шириң...— деди Элчин истеҳзоли жилма-иши билан.

Жондан түйган болтадан қайтмас экан. Аслида Элчин учун жоннинг шириңлиги колмаган. Ким билан олишаётганини, оқибати нима булишини билади. Ўлиги қайси бир овлоқда ёки қайси бир сув остида чирийдими ё кағандланиб күмилиш насиб этадими — шугина ко-ронғи унга. Асадбекни гүл балиқ фаҳмлаб, ўлимтиқ чувалчангли қармоқни ташлади. Қармоққа илинти-дим, деб ўйлаяпти. Асадбек ишнинг күзини билади. Лекин Зелихон бекорга академик дейилмайды — буни-си ҳам бор. Шилимшик масаласида Асадбекнинг ҳисоби хомрок, Зелихонники аникрок бўлди. Асадбек Эл-чиннинг ўткир зеҳни маслаҳатчиси, мард ҳомийси борлигини ҳисобга олмаган эди. Зелихон билан Элчин эса барчасини ҳисоб-китоб килиб қўйишган. Асадбек-нинг одамлари Шилимшиқни кузатажагини билгани учун ҳам Зелихон ўзини панага олди. Шилимшикнинг ахволи милисадан аввал Асадбекка маълум булажаги-ни ҳам тахмин килиб, янгилишишмади. Энди нима қилмоқчи, нима демоқчи — шуниси коронғироқ. Элчин Асадбек билан пичинг тошлари отиб ўйнашиш ха-тарли эканини билиб, ён босгандай бўлди. «Жон ши-рин», деб тан олиши шундан.

— Сен «бир ўзимман», деб қасам ичувдинг,—деди Асадбек.

— Ха, бир ўзимман,— деди Элчин хотиржам.

— Бориб катта холангнинг эрини лакиллатасан. Арманими, ким у йигитлар?

— Ха, уларми?..— Элчин узок танишларини эслаб қолгандај жилмайди.— Ўзим ҳам аниқ билмайман. Пулга ёлловдим. Пулни ола солиб жўнаворишган. Ка-ёқдалиги номаълум.

— Мен сенга уларни топиб бер, деяётганим йўқ. Сен одамим йўқ, деб қасам ичдинг. Мен сенга бегона миллиатдан одам аралаштирма, дедим. Сен ҳажиқиз-нинг ишини килдинг. Сен мард бўлсанг мени ўз қў-линг билан ўлдир. Каёқдаги ҳаромиларни бошлаб кел-ма. Киморда фирромни ёмон куришимни биласан-а? Ҳаёт ҳам бир қимор. Эпласанг — ўйна. Эпламасанг — четга чик. Сен эплай олмас экансан. Киморнинг ўз

конун-коидаси, нозикликлари бор, а? Сен күлингда туз бўлса босар-тусарингни билмай колардинг. Бу ўйнда ҳам шу ҳолга тушдинг. Кўй, ука, сен энди бу ўйинлардан узокроқ юравер.

Асадбекнинг бирдан мулоимлашиши Элчинни ажаблантириди.

— Сен бу ўйнда иккита хатога йўл кўйдинг. Биринчиси — академикни «туз» деб билдинг.

— Қайси академик? — Элчин ўзини гўлликка солмокчи бўлди.

— Ҳофиз, Зелихон Хангреев кимлигини билмасам юрган эканман-да «ўқилонман», де-еб керилиб. Ҳадингдан ошма. бола. Ҳар ишнинг ўз ҳадиси бўлади. Академик — ўғри. Ўғирликда унга teng келадиганини топиш кийин. У ахмок, нимага бунака ишларга аралашиб юрибди, ҳайронман. Ошнанг қаерни мўлжаллаб кадам босишини мен биламан. Ўша ерни истасам супуриб тозалаб қўяман, истасам чуғ ташлаб оёғини кўидираман. Айтиб кўй унга, мен билан ҳазиллашмасин. Чиқкан жойига қайтиб кирғизвораман худди...

— Зели оға менга у ёқда кўп ёрдам берди,— деди Элчин,— биз ака-уқадай бўлиб қолганмиз. Унинг бу ишларга алоқаси йўқ. Алоқаси бўлганида ҳам шарт бузилмас эди. У шу ерларда усиб-улғайган, мусулмон фарзанди.

— Бунинг менга аҳамияти йўқ. Энди иккинчи ҳатоингни айтайми? Сен ҳеч бир ишни пинҳона киломайсан. Қийшик бармоқларинг коронгида ҳам панд беради.

Бу гапдан кейин Элчиннинг баданига муз югурди. «Демак, қизи масаласида тамом кўлга тушибман...»

— Сенга уйлан, девдим, а? Ҳа, уйлан, ота ўрнида ота бўлиб тўйингни ўтказиб берай.

Асадбек шу гапи билан сухбатга якун ясади...

Элчинни ташқарида Жамшид кутиб турар эди.

«Ота ўрнида ота булиб тўйингни ўтказиб берай... Сени куёв киламан, деганими бу? — деб ўйлади Элчин.— Қизига ким тегинганини энди аниқ билибди. Шунга қарамай юмшоқ гапирди. Мен у учун кимман? Истаса киймалаб ташлаб ҳумордан чикиши мумкин-

ку? Нима учун гунохимни кечди? Қизидан ўн түрт ёш катта бўлсам... Бу ёқда қамок...»

Элчин саволларга жавоб топишга кодир эмасди. У киз воқеасидан сўнг «менга бермай кимга берарди», деб ўйлаган, кейинрок эса бу фикри хом эканига амин бўлиб эди. Аслида максад — уч олиш. Асадбекдай одамга номус азоби нима эканини билдириб кўйиш эди. «Куёв бўлсам-чи?» деган ўткинчи ўйга фаришталар омин деб юборишини ким билиб утириби? Элчин Асадбекни қаҳри каттиқ, кунда бир чеълак инсон кони ичадиган одам сифатида билмаса ҳам, ҳарҳолда унга-да инсон юрагини берган, у ҳам бандасининг туйғуларидан бебахра эмас, деган тушунчалардан йирок эди. Кизи тақдирини ўйлаб, неча тунни бедор ўтказгани ҳам у учун номаълум. То ўлгунига қадар бу сир унга ошкор бўлмайди.

Асадбекнинг карори Зелихонни ҳам гангитиб кўйди. Осмонга устун булав, деб турган одамнинг фарзандини номусли киз сифатида ўз тенгига узатишга қурби етмас эканми? Нима учун шундай килмади? Номуссизликдан куркдими? Канчадан канча бузилган кизлар никоҳ кечасининг номус имтихонидан аъло даражада ўтаётганларида Асадбекнинг кизи қокилар эканми? Шундай дўхтирлар борки, керак бўлса ўнта туккан аёлни ҳам онаси ўпмаган кизга айлантириб кўяди. Шундай замонда, шундай кудрат соҳиби бўлмиш Асадбекнинг қадам босиши уларни ҳайрат тўрларига ўраб ташлади.

— Асадбек сенга шанс беряпти,— деди Зелихон, ўйларини бир ерга жамлашга харакат килиб.— Ундан фойдаланмасанг, оёқ остида ўралашиб юрган аҳмоклардан фаркинг колмайди. Агар уйланмасанг...

— Ўлдирадими?

— Балки ўлдиритирар. Сенигина ўлдирса майли эди, бу ёқда мен ҳам борман. Лекин мен бунақа ўлишни хоҳламайман, билиб кўй. Сен Асадбекнинг кафтида турибсан. Истаса эркалатади, истаса пашшадай янчиласан. Истаса сенга бир бурда нон беради, истаса гўштингни итларга ташлайди. Сенинг гўштингни еган ит ҳаром ўлса керак, шунинг учун итларга раҳм қилгину берган бир бурда нонини олиб еб, унга раҳмат айт.

Зелихон вазиятни юмшатиш учун гапни ҳазилга бурди. Элчин унинг максадини англаш, ўзини мажбур килиб жилмайди.

— Раҳмат айтаман, агар чиндан ҳам кизини менга берса, мушкулимни анча осон қилган бўлади.

— Яна қанақанги мушкулинг бор? Сен касос олдинг. Эркаклик бурчингни бажардинг. Армонинг ҳам, мушкулинг ҳам йўқ энди. Гумонларни йиғишириб ташла, одамга ўхшаб яшайвер.

— Одамга ўхшаб яшаб бўларканми хозир? — Элчин овозини бир парда кўтарди. Зелихоннинг ўғитидаги фалсафа унга ёқмади.— Атрофни шоқолу тулкилар босиб ётса, ким одамга ўхшаб яшай олади? — У ўртага савол ташлади-ю. жавоб кутмай сўзини давом эттириди.— Арслонлар ичидаги яшасам ҳам алам қилмасди. Арслонлар кирилиб кетган, шунисига доғман.

— Шоколлар орасида тулки бўлиб яшамокчимисан? Тулкиларни тулки бўлиб, шоколларни шоқол бўлиб кирмокчимисан? Сен шунчалар бефаҳммисан? Билиб кўй: шоқолу тулкилар биздан аввал ҳам бўлган, биздан кейин ҳам колади. Уларни ҳеч ким кириб ташлай олмайди. Бу биринчи масала. Иккинчи масала шуки, мен олим эмасман. Мен бир ўғриман. Ҳаёт ҳақидаги менинг фалсафам бошқа, сенини бошқа. Асадбекники бошқа. Дунёда тирик зот борки, ҳаммаси ҳаётдан аламзада. Ҳамма алам билан юради. Баъзилар бу аламини ичига ютиб сабр қилиб яшайди. Баъзилар аламга қул бўлиб, кўзлари кўр бўлиб колади. Ҳеч нарсани кўрмайди. Оёғи остига копкон кўйилганини, тўғри йўлдан кетяйтими ё жарга боряптими — билмайди. Бу нодонларнинг қисмати битта. Сен нодон эмассан шекилли?

— Доно одамларга ўхшаб яшашим керакми? Тўйгунча ухлаб, тўйгунча овкат еб, тўйгунча ишрат килиб, тўйгунча амал талашиб...

— Сенга амалнинг нима кераги бор? Сенга маданият министри бўлгин, деяётганим йўқ-ку? Одамлар сени яхши кўришади. Ашулангни айтиб, уларни хурсанд килиб юравер.

«Ўн беш йил олдин шундай эдим. Ашуlamни айтардим, даста-даста пулларни ишлардим. Ёттинчи осмонда сузиб юрадим. Бу килифим Худога ёқмади шекилли, йўлимни буриб юборди. Ҳўш, шунча азобли йўлни босиб ўтиб, яна изимга қайтайми?

Яна ашула, яна шухрат, яна пулми? Яна корин бандаси бўлиб яшайми?» — Элчин хаёлида шу гаплар туғилди-ю, аммо тилига кўчмади. Зелихон билан бу

мавзуда кўп баҳслашишган. Умрнинг турли сўқмоқла-рида юрган одамларнинг ҳаёт ҳакидаги тушунчалари, фалсафалари бир хил бўлиши кийин. Шундай экан, баҳсада бир томоннинг ғолиб келиши мумкин эмас. Зелихон ҳаёт билимдони сифатида Элчинга насиҳат килаверади. Аммо у, Асадбек айтмоқчи, факат ўз кас-бининг академиги. Ҳаётда ҳар бир одам ўзича акаде-мик. Ҳар бир одам ўзича ҳак. Ҳар ким ҳаётдан ўзича сабок олади.

Зелихон Элчиннинг жим бўлиб колганини куриб, «гапим таъсир қилиб, сал отдан тушди шекилли?», деб ўйлади.

— Аввал чакиртирганида сендан гумон қилган эди, бу сафар аниқ ишлабди. Сенлигингни қаердан билибди? — деди Зелихон гапни бошқа ёкка буриб.

Элчин ўнг кафтини, жимжилоги томонга оғиб тур-ган бармокларини кўрсатди.

— Ўзим ҳам ўйловдим. Сен билан бир иш қилиб бўлмайди, ошна. Сени тутиш учун экспертизанинг ҳам хожати йўқ.

Асадбекнинг кизи ўғирланганда Зелихон Элчинни огоҳлантириб, ўнг қўлингни ишга солма, девди. Қиз типирчилаб ётганида бу ўгит эсга келармиди?..

— Амма-холаларингни бугунок юбор. Пайсалга солма. Мен уч-тўрт кунга Фарғонага бориб келишим керак. Маслаҳатларинг пишунча қайтарман.

Зелихон сафардан максадини нима эканини айтмади. Элчин ҳам сўрамади. Чунки Зелихоннинг болалиги ўтган жойларни кўмсаб, бориб туришини у яхши би-ларди. Зелихонни бу сафар фақат болалик хотиралари ёки катта ўғирлик режаси эмас, жиддий ташвиш чорла-ётгани унга маълум эмасди.

Асадбек хотинига максадини аён қилмаган эди. Шу сабабли совчиларнинг кириб келиши Манзурани шошириб қўйди. Ҳовлида икки нотаниш жувоннинг пайдо бўлишидан аввалига кўнгли равшанлашди. Она кўнгли сезгир бўлади. Қизиннинг бўйи етгач, дарвоза-дан мўраловчи бегона аёл максадини дарров фахмлай-ди. Бу ташриф оқибати нима билан тугашини билса-да, барибир кўнгли равшанлашди.

Жувонлар «сендан қолсам қулогимни кесаман», деб бас бойлагандай, бири биридан бүлжикрөк эди. Улар шаҳарга донғи кетган одамнинг хотини дуру гавхарларга кўмилиб яшайдиган малика деб ўйлашганми, устида одмигина кора духоба нимча, оёғида маҳси-калиш бўлган Манзурани чўри гумон қилиб, ховлида туриб колиши.

— Кираверинглар, тортинманглар, овсин,— деди Манзура.

— Эгачим йўқмидилар?— деб суради жувонлардан бири.

— Кимни айтяпсиз?— деди Манзура, «булар адашиб кириб колишмадими», деган хаёлда.

— Асадбек акамнинг хотинлари,— деди жувон унга ўғринча тикилиб.

— Менман, овсин,— деди Манзура.

— Вой, айланай сиздан, эгачи, танимабмиза. Келинг, бошкатдан кўришайлик. Эсонмисиз, омонмисиз... Биз ўғирликка келувдиг-а...

Манзура кулимсираб, уларни уйга бошлади.

Куёвликка даъвогарнинг кимлигини бўлиб, Манзуранинг эси оғиб қолаёзди. Элчин «бор гапни яширмай, дарров айтинглар», деб совчиларга тайнилаган, улар бу амрни оғишмай адо этган эдилар. Манзура кизининг бошига оғир савдо тушгандан кейин хотинини сўйиб кўйиб қамалиб чиқкан отарчига берарман, деб ўйламаган эди. Гарчи совчилар «хотинини ўзи сўймаган, тухмат бўлган» деб ишонтиришга уринишса ҳам, Манзуранинг ранги оқариб, бадани музлаб кетди. У совчиларга чой кўйиб узатиб, ховлига чикди-да, болохонадаги йигитларга «акангизни тез топинглар», деб буюрди. Дам ўтмай дахлиздаги телефон жиринглади.

Асадбек хотинининг гапларини хотиржам эшитди. Манзура эрининг аччиқланишини, «хайдаб чиқар», деб бақириб беришини жуда-жуда истаган эди. Афсусларким, кутгани рўй бермай, эри босиқлиқ билан:

— Жойи чиққан бўлса, узатиш керак,— дегани унинг ақлини шошириб қўйди. Бир дамнинг ўзида хаёл уни минг бир кўчага олиб кирди. Нихоят, эрининг максадини англаандай бўлди-да, «Вой шўрим, энди нима киламан!» деб пичирлаб, ховлига чиқди. Совчилар ўтирган уйга кирмоққа юраги бетламади. Ошхонага қараб юрди. Козонда шўрва билқиллаб қайнаяпти. Чойнакнинг жўмраги буғ уфуради. У бенхтиёр қулига

чўмич олиб, ярим коса шўрва сузди. Кейин чўмичини қозонга ташлаб, яна ташқарига чиқди. Дераза оша ташқарига караб ўтирган совчиларнинг бири унинг харакатини кузатиб, «бир нимасини йўқотиб қўйиб ганиги қолди, боякиш», деб ўйлади. Манзура бу онда бирон буюмни эмас, юраги тўрида ўн саккиз йил авайлаб асраган орзусини, умидини йўқотган эди. Буюмни йўқотса, топиларди, жуда топилмаса «бош-қўзимдан садака» деб қўярди. Орзу-умиди-чи, энди уни топадими, тополмаса уни ҳам садака килиб юбориш мумкинми?..

Манзура бир карорга келиб, яна ошхонага кайтди. Учта косага шўрва қуйиб патнисга қўйди-да, чакконник билан кутариб, меҳмонхона томон юрди.

Бир йўналишда юрадиган автобус ҳайдовчиси хаёлга берилса ҳам, керакли жойда беихтиёр равишда бурилаверади. Шунга ухшаб ошхона — меҳмонхона йўналишида катнайверган Манзура хаёли банд бўлсада, вазифасини аниқ бажарди. Жувонлар шўрвани мактаб-мақтаб ичиб бўлишгач, жавоб кутиб унга карашди. Асадбек розилик билдирган бўлса ҳам Манзура дарров хўп дея олмас эди. Гулдай қизига бир отарчидан совчи келадиу дарровгина розилик бериб юборадими? Айрим жойларга совчилар келавериб кавушлари титилиб кетади. Лекин... айрим жойлардаги қизлар бошқа... унинг қизи бошқа. Бу совчилар буни билишади. Билғанлари учун ҳам тортинмай, чўчимай кириб келишдими?

— Энди... адамиз билан маслаҳатлашайлик... Қизимиз ёш... Ҳали ўқийди... — деди Манзура чайналиб.

— Вой, эгачи, маслаҳатсанз бўларканми бу иш. Сиз маслаҳатлашинг, ёшлар бир-бирини кўрсин, ёқтирасин. Худо хоҳласа, юлдузи юлдузинга тўғри келиб қолса, бу ёғи тўй-да!

— Қайдам... ҳали тайёргарлигимиз ҳам йўқ.

Икки мамлакат муаммоларини ҳал этиш учун йиғилган дипломатларнинг саломлашишндан тортиб, ҳайрлашувига қадар, муомалалари, кулимсирашларидан тортиб кош чимиришларигача бўлган ҳаракатлари аниқ ишлаб чиқилади. Худди шунга ухшаш, совчилик маросими ҳам юз, балки минг йиллар давомида бир қолипга тушган. Хотинлар ўзларини кандай тутишни, нима дейишни яхши билишади. Мана ҳозир Манзура: «Ҳали тайёргарлигимиз ҳам йўқ», деди. Бу қизимизни узатишга розимиз, аммо сиз айтгандай эртага эмас,

балки индинга, дегани. Бўлмаса бу хонадон учун тўй нима экан. Эртааб ишга киришишиб, оқшомда тўй бошлиш қулидан келмайдими? Лекин кизи бор одам ноз килмаса «дипломатия» конун-қоидалари бузилади.

Совчилар уй сохибасининг кўнглини кўтарадиган бир-икки гапларни айтиб, лутф кургазиб, ўринларидан жилишди. Жувонлар бироз хижолат чеккан, бироз ноз қилган бўлиб, қофоз халтани олишди. Бу ҳам дипломатиянинг бир коидаси — розиллик аломатига ишора. Эртага бу жувонлар тугун кўтариб келишади. Манзура патир нонларни олиб қолади. Оқшомда эркаклар келишади. Карабсизки, қиш охирламай туриб тўй!

## XII БОБ

### I

Анвар катта тоғасиникига боргандা осмон эринмай қор эларди. Қиш дангасалик қилиб вакт утказган, дўппи тор келганда типирчилаб қолган одамга уҳшарди. Анвар тоб ташлаган кўк дарвозага яқинлашиб жингиrok тугмасини босаман, деганида дарвозанинг бир табакаси ер чизиб очилиб, аввал кулоғи кесилган баҳайбат ит кўринди. Ит «сен ҳам одаммисан, вовуллашимга арзийсанми, йўқми», дегандай Анварга бир караб олди. Ортидан тоғаваччаси кўринди. Элликдан ошган бу одамга вакти келиб «бу дунёда нима кўрдинг?» деган савол берилса, боккан итларининг наслию номини адашмай айтиб бериши тайин. Қайси боласининг қаерда ўкиши ёки қаерда ишлашини эса, аниқ билмайди. Бола-чакасининг ризки кийилиб, кора козон қайнамай қолса қоларки, итлар гўштсиз оч қолмас. Итни одамга вафодор деб нақл қилганлар. Худо шундайин бандани яратганини билганларида эди, одам итга вафодор, деб нақлга тузатиш киритар эдилар.

Бошига коракўл телпак, оёғига кирза этик, эгнига аскар болаларнинг пахталик тўнини кийган тоғаваччаси Анварни кўриб, кулимсираб сурасди.

— Аммам яхшимилар? Қе, жа кўринмай кетдинг. Сан ичкарига кириб тур, буни би-ир айлантириб келмасам бўлмайди.

— Зўр-ку,— деди Анвар итга қараб.

— Шу якшанбада Камбар ҳўқизнинг итига кўя-

ман. Бир чиқсанг-чи, ҳадеб китоб ўкувриб миянг су-юлиб кетади. Томошани курсанг, кўнглинг яйрайди.

Анвар бир марта чиқкан, «томушани» курган, аммо кўнгли эзилиб, ун кунча ўзига кела олмаган. Бир-бирининг жағини тишлаб, силтаб тортаётган итларнинг конли башаралари, ғажиб ташланган оёклари, бу манзарапи завқ билан тамоша килаётган одамларнинг қиёфалари куз олдидан кетмай, кийналиб юрди.

— Томда тоғамнинг эски китоблари бор экан, шуни кўрмокчи булиб келувдим.

— Томда китоб бораканми? Чикиб ўзинг қарий қол. Уйда кеннайинг бор. Нарвонни қўйиб чиқавер. Эски китоб керак бўлса, Шамси сўтакникига борсанг бўларкан. Шамси сўтакнинг Фозил қийшик деган отаси бўларди. Фозил қийшикнинг отасини Нозим паранг дейишаркан. Ўшанинг эски шахардаги уйи бузилиби. Қўшсинчнинг орасидан китоблар чиқканмиш. Ҳамма тилла беркитса, паранг китоб беркитган экан,— у шундай деб кулди-да, итини етақлаб кетди.

Баландлиги салкам одам бўйи келадиган чордок лўлининг хуржунини эслатарди. Қирқилган шохлар, эски обкаш, радио... нимаики нарса кераксиз туюлган бўлса, олиб чикиб кўйилаверган. Бу чанг босиб ётган буюмлар чангалзорига якин йилларда одам боласи қадам кўймагани билиниб туради. Анвар нима учундир «китоб ё кутида ё жомадонда булади», деб хаёл қилди. Чордокда кути ҳам, эски жомадан ҳам йук эди. Чордокни бир чеккадан титишга мажбур бўлди. Китоб яхшилаб беркитилган, дейиш мумкинмас. Чунки уй олтмишинчи йилларда қурилган, у пайтларда қўркиб китоб яширишга хожат йўқ эди. Агар уша китоб мавжуд бўлса, уни тоғасининг ўлимидан сўнг, кераксиз матоҳ сифатида олиб чикиб ташлашган.

Газ келгандан кейин хизматини адo этиб булиб, нурай бошлаган мўри ёнида уйилиб ётган латта-луттапар орасидан китоблар, газит-жўрнал бойламлари, аллақанча коғозлар чиқди. Уларни пастга олиб тушиб, чангини коқиб тахтай бошлади. Газит-жўрналларнинг аксари йигирманчи йилларда чиккан, укаланиб кетган коғозларига караганда унда араб ҳарфларида ёзилган гаплар тарихи янада узокрок.

Анвар уларни бир тугун килиб уйига олиб кетиб, бафуржга танишиш ниятида эди. Аммо қизикиши ния-

балки индинга, дегани. Булмаса бу хонадон учун тўй нима экан. Эртааб ишга киришишиб, оқшомда тўй бошлаш қўлидан келмайдими? Лекин кизи бор одам ноз килмаса «дипломатия» конун-коидалари бузилади.

Совчилар уй сохибасининг кунглини кутарадиган бир-икки гапларни айтиб, лутф кўргазиб, ўринларидан жилишди. Жувонлар бироз хижолат чеккан, бироз ноз килган бўлиб, қофоз халтани олишди. Бу ҳам дипломатиянинг бир коидаси — розилик аломатига ишора. Эртага бу жувонлар тугун кўтариб келишади. Манзура патир нонларни олиб колади. Оқшомда эркаклар келишади. Карабсизки, киш охирламай туриб тўй!

## XII БОБ

### I

Анвар катта тоғасинникига боргандা осмон эринмай қор эларди. Қиши дангасалик қилиб вакт ўтказган, дўппи тор келганда типирчилик қолган одамга уҳшарди. Анвар тоб ташлаган кўк дарвозага яқинлашиб жингироқ тұгмасини босаман, деганида дарвозанинг бир табакаси ер чизиб очилиб, аввал кулоги кесилган баҳайбат ит кўринди. Ит «сен ҳам одаммисан, вовуллашимга арзийсанми, йўқми», дегандай Анварга бир караб олди. Ортидан тоғавачаси кўринди. Элликдан ошган бу одамга вакти келиб «бу дунёда нима кўрдинг?» деган савол берилса, бокқан итларининг наслию номини адашмай айтиб бериши тайин. Қайси боласининг қаерда ўқиши ёки қаерда ишлашини эса, аниқ билмайди. Бола-чакасининг ризки кийнилиб, кора қозон қайнамай колса коларки, итлар гўштсиз оч қолмас. Итни одамга вафодор деб нақл қилганлар. Худо шундайин бандани яратганини билганларида эди, одам итга вафодор, деб нақлга тузатиш киритар эдилар.

Бошига коракўл телпак, оёғига кирза этик, эгнига аскар болаларнинг паҳталиқ тўнини кийган тоғавачаси Анварни кўриб, кулимсираб сўрашди.

— Аммам яхшимилар? Қе, жа кўринмай кетдинг. Сан ичкарига кириб тур, буни би-ир айлантириб келмасам бўлмайди.

— Зўр-ку,— деди Анвар итга караб.

— Шу якшанбада Қамбар ҳўқизнинг итига қўя-

ман. Бир чиқсанг-чи, ҳадеб китоб ўкувриб миянг суюлиб кетади. Томошани кўрсанг, кўнглинг яйрайди.

Анвар бир марта чиккан, «томушани» кўрган, аммо кўнгли эзилиб, ун кунча ўзига кела олмаган. Бир-бирининг жагини тишлаб, силтаб тортаётган итларнинг қонли башаралари, ғажиб ташланган оёклари, бу манзарани завқ билан тамоша килаётган одамларнинг киёфалари кўз олдидан кетмай, кийналаб юрди.

— Томда тоғамнинг эски китоблари бор экан, шуни кўрмоқчи бўлиб келувдим.

— Томда китоб бораканми? Чикиб ўзинг қарий қол. Уйда кеннайинг бор. Нарвонни кўйиб чиқавер. Эски китоб керак бўлса, Шамси сұтакниги борсанг бўларкан. Шамси сұтакнинг Фозил кийшик деган отаси бўларди. Фозил кийшикнинг отасини Нозим паранг дейишаркан. Ўшанинг эски шахардаги уйни бузилибди. Кўшсинчнинг орасидан китоблар чикканмиш. Ҳамма тилла беркитса, паранг китоб беркитган экан,— у шундай деб кулди-да, итини етаклаб кетди.

Баландлиги салкам одам бўйи келадиган чордок лўлининг хуржунини эслатарди. Қирқилган шохлар, эски обкаш, радио... нимаики нарса кераксиз туюлган бўлса, олиб чикиб кўйилаверган. Бу чанг босиб ётган буюмлар чангзорига якин йилларда одам боласи кадам қўймагани билиниб туради. Анвар нима учундир «китоб ё кутида ё жомадонда бўлади», деб хаёл килди. Чордокда кути ҳам, эски жомадан ҳам йўқ эди. Чордокни бир чеккадан титишга мажбур булди. Китоб яхшилаб беркитилган, дейиш мумкинмас. Чунки уй олтмишинчи йилларда қурилган, у пайтларда кўркиб китоб яширишга хожат йўқ эди. Агар ўша китоб мавжуд бўлса, уни тоғасининг ўлимидан сунг, кераксиз матоҳ сифатида олиб чикиб ташлашган.

Газ келгандан кейин хизматини адo этиб булиб, нурай бошлаган мўри ёнида уйилиб ётган латта-лутталар орасидан китоблар, газит-журнал бойламлари, аллақанча коғозлар чиқди. Уларни пастга олиб тушиб, чангни кокиб тахтай бошлади. Газит-журналларнинг аксари йигирманчи йилларда чиккан, укаланиб кетган коғозларига караганда унда араб харфларида ёзилган гаплар тарихи янада узокрок.

Анвар уларни бир тугун килиб уйига олиб кетиб, бафуржа танишиш ниятида эди. Аммо кизикиши ния-

тидан үстүн келиб, ичи кизиб, вараклардан бири-  
ни олиб, харфни харфга уриштириб үкимоқка ки-  
ришиди:

«Шундан билмок керакки, бутун Туркистан хал-  
ки иттифок этса, кон түкилмас. Ер ва амлок хам  
тақсим бўлмай колур. Дин хам рувож топур. Минг  
карра доду бедодки, ихтилоф этмок учун иттифок  
этканмиз ва ихтилофмиз. Сабаби ила бадбаҳтиликга  
дучор бўдурмиз. Бутун Туркистан иттифок этса ўн беш  
миллунлик бир қуват имлова келурки, мунга ер тит-  
райдур...»

«Бунча аклли гапларни ким ёзган экан,— деб ўй-  
лади Анвар.— Бир-бирининг гўштини еб турган одам-  
ларга етказадиган дур фикрлар шу овлоқда неча йил-  
дан бери чанг босиб ётибдими?»

«Туркистан керакким мухторият бўлсун, мухокама  
шариялар барпо бўлсун. Хатти булар бора аскар олин-  
сун. Дафъа аскар олинмоқға қарор берилурди. Аммо  
муллалар съезди Туркистандан аскар олинмоқға қарор  
берибдур, деб илмодан балки баъзилар норози бўлур  
деб бошка съездга мукуф кўйилди...»

Анвар мазмунни дуруст англамай, сатрларни кай-  
та ўқиди. «Илмо съезди нима экан?» деб ажабланниб  
турганида хаёlinи янгасининг овози бўлди:

— Анваржон, совукда турмай, уйга кираколинг.

— Раҳмат, кеннойи, чанг-пангини қоқиб олай,—  
Анвар шундай деб бошини коғоздан кўтариб янгаси  
ёнидаги узун бўйли йигитчани кўрди. Йигитча — шу  
хонадоннинг тўнғичи, тоғасиннинг набираси әди. Тоға-  
синнинг ўлимидан сўнг бу уйга кам келгани учун  
Анвар бу йигитчанинг кандай одам эканини яхши бил-  
масди. Тўй-маъракаларда бир-икки алмойи-алжойи  
гапларни эшишиб, энсаси қотгани учун унга рўйхуш  
бермасди.

Онаси ёнида тиржайиб турган йигитча худди Ан-  
вар билан бирга ётиб, бирга тургандай салом хам  
бермасдан гап қотди:

— Макулатура керак бўлиб қолибди-да, а?

Анварнинг энсаси котди-ю, индамади. Янга изига  
кайтгач, бу хонадоннинг тўнғичи чўнтағидан сигарет  
чиқариб, тутатди. Анвар бу балодан тезрок кутулиш  
учун ишни тезлаштириди. Бунга фаҳми етмаган йигитча  
эса кечаси билан телевизор кўрганини, сессияда кайси  
депутат кайсисини «тузлаганини» бир четдан гапира-

верди. «Бунга ит уриштиришни тамоша қилиш ҳам, сессия күриш ҳам барибир», деб ўйлади Анвар.

Ишни охирига етказишга Анварнинг тоқати етмади. Янгасидан эски дастурхон сұраб олиб, чордокдан топғанларини түгди-да, орқалаб күчага чиқди. Құналғага етайдеганда тоғаваччасига дуч келди. Тоғаваччаси итини дарахтга боғлаб күйиб, үзи қора чопонли бир одам билан гаплашиб турған эди.

— Ҳа, топдингми? — деди у, Анвар якинлашгач.

— Топганга үхшайман, — деди Анвар, — уйга бориб қараб чикаман.

— Ишинг битган бұлса бўлти-да. Шамси, бу йигит бизнинг жиян бўлади. Үзи олим. Катта идорада олимлик қилади. Миясиғиж-ғиж илм. Шунда ҳам тинмай ўқийди. Отамдан қолган китобларни сұраб келибди. Китобларингни сен нима қилдинг?

Шамси деганлари, оғзида носи бор экан, тупуриб, лабини енгига артди-да, қўл силтади.

— Э, арзимайдиган китоблар экан. Чўлпон де-йишидими-ей, яна аллакимлар, дейнишди. Отлари эсимда йўқ. Шайхонтовурда бир идора бор экан, эски китобларни сотиб оладиган. Манга арзимаган пул бериншди. Эскича китобларга кўпроқ тўлашаркан.

— Доданг ҳам парангман, деб юравурган эканда, а? Токчанинг орасига тилла-пилла кўйиб, кейин сувавормайдими! — деб кулди тоғаваччаси.

— Э, китоб жиннисиң бўлган эканлар. Бунака одамда тилла нима қилади?

Анвар бу сухбатдошлардан тезрок кутулиш учун үзига кераклисini кутмай, бошқа томонга борувчи автобусга чикиб жўнаворди.

## 2

У ҳовлига тугунни орқалаб кирганида рўпарадаги уй эшиги очилиб Собитхон кори чиқиб келди. Сўнгра эшик оғзида Рисолат кампир кўринди. У ўғанинг келганини билмай корига:

— Үзи билмасин, а? — деб тайинлади.

— Ҳўп, — деди кори кулиб, сўнг кампир сирни ошкор қилиб кўймасин, деб қўшиб кўйди: — Ана, Анваржон келяптилар.

— Келдингми, болам, — деди Рисолат кампир осто на ҳатлаб, — акант эсон-омон эканми?

Анвар кори билан саломлашгач, онасиға жавоб берди:

— Уруғларингиз соғиниб-соғиниб салом айтишди. Жияннингиз итидан ортса, аммажонини кўргани албатта келаркан. Оёғига пояндоз тайёрлаб туринг.

— Бўлди қил, эски пахтаничувима. Ити сани арпангни хом ўряптими, нима ишиңг бор. Қори болам, бунга бўйир насиҳат қилиб кўйинг, а?

Собитхон кори ўзига ярашган кулимсираш билан «хўп» деб қўйди. Анвар таклиф этган «бир пиёла чойга» киришга унамади. Зарур ишлари борлигини айтиб дарвоза томон йўналди.

— Қора ака, шошиб турган бўлсангиз ҳам бир нафас вактингизни оламан,— Анвар шундай деб тугуни очди-да, боя ажратиб қўйган коғозни олди.— Мана бу ерга нима ёзилган. Хато ўқидимми ё хато ёзилганми?

Собит кори сатрларга узок тикилиб қолди.

— Сиз нима деб ўқидингиз?

— «Илмо съезди» деб.

— Илмо?..— Собиткори ҳарфларга узок тикилди.— «Уламо» эмасмикин?

Анвар пешонасиға ёнгил шапатилади.

— Тўппа-тўғри — уламо! «Уламо» жамияти бўлган-ку?! Ўшаларнинг съезди-да! Мен ахмок шуни ўйламбман.

— Хижолат чекманг, Анваржон, бу ҳаммамизнинг фожиамиз.

Кори шундай деб, кучага қараб юрди.

— Ойимнинг дардлари бор шекилли?— деди Анвар, уни кузатиб чиқиб.

— Ўзингизга маълумдир. Агар ихлосингиз бўлса, бу ишни қилиш керак. Ихлос бўлмаса фойдаси йўқ.

— Кори ака, ихлос-ку бор-а, аммо ҳожат йўқ. Эсҳушим, Худога шукр, жойида. Е сиз ҳам?..

— Асти-асти, ундей ўйламанг, Анваржон.

— Мен бошқачарок ўйлаб, бошқачарок гапираман, шекилли. Ҳамма бир хил ўйлаб, бир хил гапириши шарт эмас-ку, тўғрими?

— Тўғри, Оллоҳ таборака ва таоло бандаларини бу дунёда синаш учун турлича қилиб яратган. Факат киёматда жаннатга кирилганда барча бир кўринишда бўлади. Чиройда Юсуф алайхиссалом, гавдада Довуд алайхиссалом, одобда эса пайғамбаримиз Мухаммад салоллоҳу алайҳи вассалам сингари бўладилар.

Шу пайт-икки эшик нарида, Собитхоннинг уйи олдида «Волга» тұхтаб, ундан бир йигит тушди. У аввал эшикка караб қадам ташлади. Корини күргач эса бу томонга юрди.

— Кори ақа, олиб кетгани келдим,— деди у, салом бергач, құлни қовуштириб.

Кори хайрлашиб кетди.

Анвар қовлиға қайтгач, олиб келган китоб-қоғоз-ларнинг чангини яна бир коккан бўлди-да, уйга кирди. Тугунда битта чарм муковали, битта қалин қоғоз муковали китоб бор эди. Китоб босма ҳарфларда эмас, қўлда хусниҳат билан кўчирилган, аммо шарқ китоботи санъати коидасига зид равишда сахифаларга зеб берилмаган эди. Чарм муковали китобда диний ақидалар зинқр этилган экан. Анвар уни кўйиб қалин қоғоз муковалисини қўлига олди. Бу китоб чеккада колиб, чириб тиңтилганми ё атайнин йиртиб олинганми, ҳархолда бош қисми йўқ эди. Дастлабки сатрларни ўқибок Анварнинг юраги ҳаприкиб кетди: бу ўша, Зуннуний айтган асар эди!

«...Ёний Тошканга мукаммал сипохи ила Қалас томондин яъжуз-маъжуз каби ёпирилди. Айтурларки, қадимда Чингис лашкарлари-да бу каби ёвузлик ила кирмаганлар ва сибоъмонанд бўлмаган эдилар.

Эски жўвада киёмат содир бўлуб, ўрус аскарларига кирон еткурилди. Инсон кони тўкулмаган на бир кўча колди, на бир хонадон. Жиходга кирган Тошкан ахли «биз ўлсак-да, ўлайлук, динимиз бўлғанмасун, мусулмон туфроғи коғирлар оёғу остида азият чекмасун, фарзанди комилларимизнинг «Аллоҳу акбар!» деб чиқувчи тиллари кесилмасун», деб азиз жонларини курбон бера бердиларким, уларга укоб ҳам хавас килгулик эди. Бу қадар каршиликни кўрмаган ёний фифони фалакни тутти. Барча ерларда ҳам шунчалар зарба берилганида эрди, ёний фурудастликка маҳкум бўлурди. Хабисшева аҳлидан бўлмиш ёний ёшми, карими ёҳуд гудакми — фарқламай отаверди, чопаверди. Факирингиз бундайин сидрафарсой манзарани курсатгунча қўзларимизни кўр кил, деб яратганга таваллолар килдум. Муйлаби чаённинг думи янглиғ тепага қайрилган бир малла қиличини шундайин зарб ила урдики, селгинчак осилган бешик ҳам иккига бўлинди, унда беланганд چакалок ҳам чўрт узулди. Болам, деб нола

килган ўн тўрт кунлик ойдайин жувон боши танидан узилиб, бешик ёнида котди...

Ефийга омонлик бермаган Эски жўва даҳасини сўнгроқ укало «Жангхоҳ» деб юритмишлар...»

Анвар китобдан бош кўтариб ўйга толди: «Қизиқку, «халқ отаси» буни бошқача талкин килиб берган. «Тошкент йигитлари чапани, урушкок бўлган. У маҳалла бу маҳалла билан муштлашиш учун Эски жўвада тўпланганлар. Эски жўвадаги майдон шу боис «Жангоп», яъни «Жангхоҳ» деб юритилган», деб ёзавериб, бу гапнинг ийғини чиқариб юборган-ку?»

Анвар китобга шу қадар берилдики, онасининг ховли этагидаги уй эшигини очиб икки марта чакирганини ҳам эшифтади. Хотинининг кириб келганини ҳам аввалига сезмади.

Хонзода уйга кириб, сочилиб ётган эски коғозлар, газит-журналларни кўриб, дастлаб ажабланди. Ерда чордона куриб ўтирганича китобга мук тушиб олган эрига караб салом берди. Анвар саломни эшилди, бирор китобдан узилгиси келмай бош кимирлатиб кўя колди. Хонзода, эри караб ҳам қўймагани учун «яна касаллари тутдими», деб кўркиб кетди.

— Анвар ака,— деди секин, кейин чучиброқ бўлса-да, овозини кўтарди:— Анвар ака!

Анвар китобдан бош кўтариб, ялт этиб хотинига каради:

— Ха, келдингми?— деди-да, яна китобга мук тушди.

Хонзода кийимини алмаштириб чикқанида ҳам ахвол шу эди. У эрига бироз тикилиб тургач:

— Нима овкат қилай?— деди, айбдор одамнинг овозида.

Анвар жавоб бермади.

— Овкатни сўраяпман,— деди Хонзода, овозини бир парда кўтариб.

— Бу ёқда одамлар кийма бўлиб ётиби-ку, бунинг дарди овкат,— деди Анвар минфирилаб.

— Нима деяпсиз, тушунмадим,— деди Хонзода.

— Мастава!— деди Анвар жеркиб.

Мастава Анварнинг энг хушламайдиган овқати. Жаҳлн чиксагина шундай жавоб беради. Хонзода саволни кайтаришга хожат йўклигини билиб чиқиб кетди. Орадан бир пиёла чой ичарли вакт ўтиб, онаси кириб келди.

— Анваржон, болам, уйдамисан. Чакираман, чакираман, индамайсан. Мен сени кори бола билан худойига кетвордингми, дебман. Тоғангнигиға нимага борувдинг, китоб олиб келдингми? Канака китоб эканды?

Анвар «О, шпион, етказибди да», деб ўрнидан турди-да, өнасини етаклаб диван томон юрди.

— Канака китоб деб сўрадим сендан,— деди кампир жойлашиб ўтириб олгач,

— Эскича китоблар.

Зийрак кампир келинининг ахборотидан сўнг хавотирланиб чиқкан эди, шу сабабли ўғлининг киска жавобидан қоникмади.

— Тоғангда эски китоблар бўлмасиди, кани, ўқи-чи?

Анвар бу «тергов»дан осонгина қутулмаслигини билуб чарм муқовали китобни қўлига олиб очди-да, дуч келган еридан ўқий бошлади:

— «Бурун ул нимаким, фарз этти Яздон,  
Эрур оқилга болиғ бўлғач имон.  
Анинг маънисидур тил бирла иқрор,  
Кўнгул бирда иномоғлиғ даги бор.  
Тилар бўлсанг анга ўзни етурмак,  
Бил, олти нимага имон кетурмак...»

Анвар саҳифалар орасига бармоғини қўйиб, китобни ёпди.

— Бўлдими, энди ишондингизми?

— Сен энди, ўқиганингни манга тушунтириб бер.

— Худо иймонни фарз этти, демокчи.

— Ўқиганингда Худо деган сўз йўғиди-ку?

— Яздон — Худо дегани. Каҳхор. Жаббор деганда ҳам Худони англайдилар. Худони англатувчи сўзлар кўп.

— Боламдан айланай, шунча нарсаларни биласан-у, писмайиб, индамай юрасан-а? Онамнинг кўзлари кўр бўп қоган, шу бечорага яхши нарсаларни ўкиб берай, айтиб берай, демайсан. Ман санинг нонингга зормасман, болам, яхши гапингга зорман...— Рисолат кампир кейинги гапини ҳасрат оҳангида айтди. Овози титраб кетганини сезган Анварнинг юраги сикилди.

— Ойижон, китобни ҳозир олиб келдим. Хали ўзим ҳам ўкиб чиққаним йўк. Шпионнингиз бехато ишлашини билганимда йўлдаёқ ўкиб келардим.

— Гапни дарров эгриликка бурма. Мани келинмидака келин йўқ бу дунёда. Шпионлик қилиб уйинга гап ташибдими, ё кўча-кўйда валаклаб юрибдими? Худога шукр килсанг-чи?

Анвар онасининг осонлик билан чекинмаслигини билгани учун доим қўлладиган химоя усулига ўтди — гапни хазилга бурди:

— Мендай эр насиб килганига Ҳонзодангиз шукр килсин.

— Сан болага хотин зотининг чидаши қийин.

— Ойи, тергов тамом бўлдими?

— Чикиб кетинг, демокчимисан? Ҳайдамасанг хам кетаман.

Рисолат кампир ўрнидан қўзғалмокчи эди, Анвар тезгина бориб ёнига ўтириди-да, елкасидан кучди.

— Худди хўжа қизига ўхшайсиз-а? Жаҳлингиз чикмасин, хазиллашяпман. Ўзим хозир ёнингизга чикмокчи эдим. Сўрайдиган гапларим бор.

— Болани туғиб, бокиб-бокиб, кариганингда ёқмай коларкансан, — деди Рисолат кампир, аразини давом эттириб.

— Бувамнинг хатларини ўқидим. Ҳаммасида афсус чекяпман, деганлар. Нимадан афсусланишлари мумкин?

— Билмайман.

— Нимадан афсусланишлари мумкин? — деди Анвар ўзига ўзи гапираётгандай. — Килган хизматларигами ё ёшлиқдаги хатоларигами? Балки ёшлиқ чоғларида бирор дустларига хиёнат килгандирлар?

— Гапинг курсин сани, адам раҳматли чумолига хам озор бермасидилар. Чакувдан бўлган ҳаммаси. Сталинга карши тўнтариш ясамокчи, деб тухмат килишди. Сталиндай одамни тўнтариб буларканми?

— Ҳарҳолда кизиқ... Шоакбар Зуннунийни ўн тўккизинчи йилда Бухоро амири остирган. Орадан ўн саккиз йил ўтгач, унинг дўстини — менинг бувами камашган. Икки ҳаммаслак дўстнинг бири эски тузумга ёқмаган, иккинчиси янгисига... — Анвар бир кўли онасининг елкасида, кўзи дераза ортида ёғаётган кор зарраларини илиб олаётган дараҳт шохларида эди.

— Ақлли одамнинг душманлари кўп бўлади, болам.

— Бувимга қийин бўлган экан-да.

— Ойим боякиш ҳасратда ўтдилар, — Рисолат кам-

пирнинг кунгли тұлиб, енгининг учи билан куз ёши-ни артди.

— Юриң, ойи, танчанғизда бироз үтирайлик, оғим қақшаб қолди, — Аньвар шундай дегач, кампир үрнидан турди.

Аньвар онасини уйига кузатиб, бирпасгина үтириб қайтмокчи эди. Онаси атайн уни ушлаб қолмоқчи бўлдими ё чиндан ҳам китоб ўқитиб эшитгиси келдими — Аньвар фарқлай олмади. Хонзода чарм муковали китобни келтирғач, у камалдаги одам ҳолига тушди. Қишининг бир тутам кундузи тугаб, шом коронфуси бостириб кирди.

### 3

Аньвар ўрин солаётган хотинини елкасидан кучди. Хонзода чучиб тушди. Чўчиганини яшириш учун тезги на ўгирилди-да, эрининг пинжига кирди — елкасига беозоргина бош кўйди.

— Сиздан яна илтимос киласман, — деди Аньвар уни бағрига босиб. — Ҳамма ўйласа ҳам, сиз мени жинни деманг. Ҳадеб ойимга югуриб чиқаверманг. Мен соғман. Мен ишхонадагилар учун жинниман. Улар мендан кутулишнинг бошқа чорасини топишолмади.

— Ўша ишингиз ҳам курибгина кетсин. Бошқа ишлар тулиб ётибди-ку?

— Йу-уқ, у ердан кетмайман. Аввал ишимни битириб олай. Энди чекинсам, ростданам жинни буламан. Бугун топиб келган китоб-қофозларим уларни портлатиб юборадиган атом бомбанинг ўзи. Тилка-тилка бўлиб кетишади.

Хонзода эрини гапиртираслик учун лаблари билан лабларини кидириб топди...

Хонзода одати буйича енгил пишиллай бошлагач, Аньвар ўрнидан туриб меҳмонхонага чиқди. Дераза оша осмонга тикилди.

Тунд осмон ёришмади.

«Чакирсанг келамиз, дейишиган эди. Нима учун дараклари йўқ?..»

Шаҳарнинг энг катта ресторани икки кун давомида Асадбек хизматида бўлди. Хонаки киморбоздан тортиб, орка ойнасига ок парда тортилган ок «Волга»ларда юрувчи зотларгача хизматда бўлишиди.

Тўйнинг дарагини эшитиб Зоҳид ҳам, гарчи таклиф этилмаган бўлса-да, келди. У бошқалардек елиб-югуриб хизмат килмади. Асадбекнинг кўзига кўриниб, жилмайиб, таъзим ҳам килмади. Бир четда туриб кузатди. Хизмат ресторан ходимларию ходималаридан ортмаса ҳам, «қамишдан бел боғлаб хизмат қилишни ният этганлар» тиниб-тинчишмасди. Тўй ҳаракатлари ичкарида бўлишига қарамай, Асадбек турган ерда ивирсишарди. Айримлари югуриб келиб, Асадбекдан маслаҳат олиб кетарди. Айримлари шунчаки кириб-чикиб турарди. Улар орасида таниш одамларини кўриб, Зоҳид «хоким дейишганича бор экан», деб кўйди.

Зоҳид никоҳ оқшомида куёвнинг ёнида Анварни кўриб аввалига ажабланди. Устози сабаб бўлиб, Анвар билан бир-икки сухбат қурган эди. Адолат деб куйиниб юрган йигитнинг адолатсизлик билан топилган пуллар эвазига тузалган дастурхон тўрида утириши унга ғалати туюлди. Унинг қаричи билан ўлчанса, Анвар дўстининг бу хонадонга куёв бўлишига йўл қўймаслиги лозим эди. Дўстини қайтаролмаган тақдирда ҳам куёвжура бўлиб турда утирмаслиги керак эди.

Чумоли уясидек қайнаётган тўйхонада Анвар ҳам Зоҳидни кўриб, «бу йигит нима килиб юриди?» деб ажабланди. «Хизмати юзасидандир» деган гап хаёлига келмай бироз гижинди.

Зоҳиднинг тўйда иштирок этаётганини факат Анвар эмас, Асадбекнинг одамлари ҳам пайқашди. Тўй ўз йўлига, хизмат уз йўлига, деганларидек, Асадбекнинг одамлари хушёр ва зийрак эдилар. Ким келди, ким кетди, ким нима деди — уларнинг назаридан четда колмас эди. Тўйдагиларнинг қарийб ярми таклиф этилмасалар-да, Асадбекка садоқатларини билдиришиб, ўз ихтиёрлари билан келишганди. Зоҳид ҳам таклиф этилмаганлар сафида, аммо унинг максади Асадбек одамлари учун ноаник эди. Шу сабабли «Шариф Намбозов ишиний кўрган, ҳозир Шийхимшиқнинг иши билан шу-

гулланаётган «бола»нинг келганини Асадбекка маълум килиб қўйиши.

— Еб-ичиб ўтираверсин, индамаларинг, — деди Асадбек. Кейин ёнида кўл ковуштириб турган Кесакполвонга каради. — Хайдар, директоринг кўринмадими?

— Кишинёвда ўтирибди. Самолёти учмаётганмиш.

— Прокурор боланинг акаси ўлдирилган, девдингми?

— Ха, шунака бўлган экан.

— Прокурор бола... тузукроқ одамми?

— Бу ёқда хали тузукроқ иш бермади. Милисадалигида сал ужаррок экан. Одам бўлиши қийин-ов...

— Хужайини нима дейди?

— Одам бўлмаса думини тугади-да...

— Ўзинг ҳам уриниб кўр. Оёғимиз остида ўралашмасин. Қавказлик болаларни топдиларингми?

— Йўқ, изи қурибди. Уларни академик топган бўлиши керак. Прокурор болага ўшани рўпара қилайми?

Асадбекка бу таклиф маъкул тушгандай бўлди. Сунг Зелихон изидан ис олган прокурор оқибат Элчинга рўпара келишини ўйлаб, фикридан кайтди.

— Йўқ, — деди у кескин оҳангда. — Унга тегмаларинг.

Зоҳид «юкори доираларнинг» ўзи ҳакида сўз юритаётганидан бехабар, «мени бу ерда ҳеч ким танимайди», деган хотиржам ўйда тўй тамошасини кузатарди. Унинг назарида хонандалар устидан сочилиб, хипчабел раккосалар оёғи остида босилаётган пуллар коғоздан эмас, одам конидан ишланган эди. Маст башаралар санчикига ҳил-ҳил пишган қўй гўштини эмас, одам гўштини илиб оғизга солишаётгандай эди... Шуни ўйлаганида кўнгли ағдарилиб кетаёзди. Гуё ашулачи санъатини кадрлагандай пул сочаётган, аслида ўз куратини, айни чокда Асадбекка бўлган эътиқодини на мойиш этаётган бу киборларнинг кай бири Жалол Комиловнинг эркаклигини кесиб ташлаган экан, кай бири юрагига пичоқ санчиб, кай бири осиб қўйган экан? Зоҳид «бу вахшийлик фактат мафиянинг қўлидан келади, гурухлар орасида ихтилоф чиқкану Комилов курбон бўлган», деган қарорга келган эди. Бу вахшийлик «ижодкори» пул сочаётгандар эмас, күшик айтиб кўпнинг дилини ўзига ром килиши мумкин бўлган, хозир эса тўрда куёв сарупосида ўтирган Элчин экани

хаёлига келмайди. Бу хакиқат тагига етгунича күп кокилади, пешонаси күп ғурра бўлади...

2

Даврабоши Элчиндан биттагина кўшиқ эштиш таклифи тушаётганини айтиши хамонок қийкирик бўлиб кетди. Элчин қамалмасидан аввал бу шарафга кўникиб қолган эди. Шундай кезларда у саҳнага юриб эмас, гўё парку булутлар устида сузаб чиқар эди. Хозир уша дамлар қайтгандай бўлиб юраги бир энтиклиди. Бош чайкаб «йўк», деди. Ўрнидан туриб, кўлини кўксига кўйиб таъзим килди. Даврабоши унга тор узатгач, ноилож колиб қўлига олди. Шунда хам ўргата чикмади.

Кимга тўй, кимга аза, дейдилар. Элчин зохиран куёвлик шоҳсупасида хуррам кўринар, ботинан эса, юраги темир тирноклар хукмида эди. Яхшилаб караган киши унинг юзлари кулгани билан кўзлари ҳам пардаси ортида маъюс тортганини пайкай олади. Яхшики, тўйда одамлар синчков бўлишмайди. Кўпчилик Элчиннинг «ашула айтмайман» дейишини шунчаки ноз ўрнида қабул килди. Элчин хозир улар истаган қўшикларни айтолмасди, уларни хурсанд килолмасди.

Қўлига тор олгач, «нимани айтсан экан» дегандай ўйланиб қолди... Электр орган чолғучиси унинг мушкулини осон килиш учунми бир вактлар машхур бўлган ашуласининг куйини чалди....

*Бугун қўшни чорбоққа  
келин тушди, ёр-ёр...*

Элчин бу куйни эшитмади.

...Пуллар сочилиб ётган тўйхонага... Ноила кириб келди. Оппок узун кўйлакда. Чап кўкрагида пичок, лекин кон йўк. Маъюс кулимсираб туриб:

— Айтинг, Элчин ака, уша ашулангизни соғинидим... — деди.

— Кўшик факат сенга аталган эди.

— Айтинг, майли, булар ҳам эшитишсин. Зора тош юраклари юмшаса...

Тўйхона бирдан жимиб қолди.

Камокхонадаги тўлғокли кечаларда туғилган, узок

йиллар юрак кафасидаги туткинликда потирлаётган  
күшик озодликка чикди...

Хайр энди, қалбимда бир видо қолди...  
Хайр энди, сен кетдинг, бегуноҳ оху...  
Бугун сен қайдасан,  
Қайларда қолдинг...  
Бугун бошинг узра кимнинг паноҳи...

Элчиннинг назарида тўйхона жим эди. Барча унинг  
юрагидан отилиб чикаётган нидони тингларди. Аслида  
эса... дастурхонга бошланган ялпи ҳужум сусаймаган  
холда давом этарди.

Сени кеч топгандим... эрта йўқотдим...  
Карғагин, лойиқман сенинг қаҳрингга...  
Карғагин... Карғагин...

Элчин ўзга оламга кучган эди.

Тўйхонада эса Асадбекнинг ичкари киришига тай-  
ёргарлик бошланаётган эди. Ҳархолда куёви ашула  
айтпти, пул кистирмаса бўлмас...

Бўшаган ликопчаларни йиғишириб юрган тўрт аёл  
Жамшиднинг ишораси билан сочилиб ётган пулларни  
тезлик билан териб олишди. Улар ишларини якунламай  
туриб бир йигит кўлида дасталангани пул билан пайдо  
бўлди-да, юзталикларни икки катор килиб худди по-  
яндоздай тера бошлади.

Карғагин лойиқман сенинг қаҳрингга...

Юз сўмлик пулдан иборат пояндоз хосил бўлгач,  
базмхонада Асадбек кўринди.

Ўзгалар қалбида меҳр уйғотдим...

Асадбек пулларни босмай, четлаб ўтиб ашула ай-  
таётган куёви томон юрди. Йўл-йўлакай Жамшидни  
кўзи билан излаб топиб ковок уйиб кўйди. Жамшид  
буни тушуниб дарров хипчабелларга имо килди. Улар-  
га жон кириб, пулларни йиғиширишга тушишди. Асад-  
бек келин-куёвга яқинлашиб чўнтағига кўл солди. Кўп-  
чилик бир даста пул сочилишини кутган эди. Асад-  
бек хеч бир тўйда, ёки йиғинда пул сочмаган. Унинг бу

одатини билган яқинлари «ўзининг тўйида бу одатини бузармикин» деб ўйлашганди. Улар кутган иш бўлмади. Асадбек иккита юзталик чиқариб узатди.

Элчин бошқа оламда эди — эгилмади. Асадбек пул кистиролмади. Унга Элчиннинг ҳозирги ҳолати бегона эди. Шу сабабли Элчиннинг эгилмаганини мағрурлик белгиси сифатида кабул килиб фижинди. У ўзини мағлуб хис этди. Аммо мағлублигини тўйга йигилганлар у ёкда турсин, ёнидаги аъёнларига ҳам сездириши мумкин эмас эди. У дарҳол чўнтағига кўл солди-да, бир тутам юзталик чиқариб, куёви устидан сочди. Тўйхонани қийқириқ босди. Асадбек иккинчи чўнтағидан пул чиқариб уни қизи устидан сочди. Аввал Кесакполвон, сўнгчувринди хўжайинлари ишини такрорлашди. Асадбек кулимсираган холда тўйхонадан чиқди.

...Қарғагин, лойиқман сенинг қаҳриннга...

Элчин устидан пул ёғиларди...

Туйғулари эса топталарди...

Унинг кўзларидан сизиб чикқан ёшни ҳеч ким сезмасди, ҳатто Анвар ҳам...

...Ўзгалар қалбида меҳр уйғотдим...

### 3

«Сиз ўшами?..»

Зайнаб бу лаҳзани қанча кутди? Еттинчи синфдалигига «Ўтган кунлар»ни биринчи марта ўқиб чикқан эди. Еттинчи синфдалигига китобдаги Зайнабни қарғаб, Кумушга ўзича мотам тутди. Ўзига Зайнаб деб исм кўйгани учун ота-онасидан хафа бўлди. Рўмонни иккинчи ё учинчи марта ўқиётганида онасига йиглади. «Отимни ўзгартирайлик», деб ялинди. Манзура қизининг бу килиғидан кулди. Кучоклади, бошини силади, пешонасидан ўпди. «Айланай қизим, бу ёмон исм эмас, китобда ёзаверишади-да», деди. Кейин қизига қизикиб ўзи ҳам китобни ўқиб чиқди. Ўзи ҳам йиглади. «Ойижон, исмимни Кумуш деб ўзгартирмайсизларми, Кумушга ўхшаб ўлиб кетсан ҳам майли эди...» Бу Зайнабнинг кўнглидан кечган гап. Уни тилга чиқариб айттолмайди, уялади. Чунки китобдаги Кумушнинг Ота-беги бор.. орада тотли дамлар бор. Зайнабнинг орзулана

ри ортида хозирча яширин бўлмиш шундайин хислар борлигини отаси билиб колса — шармандалик эмасми?

Узок вактгача бирор уни отини айтиб чақирса худди «Кумушга захар берган сенсан», дегандай була-верди. Хатто бир куни тусида Кумушни кўрди. Кумуш — кинодагидан минг чандон гўзал, юзларидан нур тараалаётган бир жувон «нима учун мени ўлдирдингиз?» деб ўпкалади.

Ўзининг исмидан уялиш баробаринда у хаёлан Отабекини изларди. Синфдаги болалар орасида Отабек ўрнини босувчи болани топмади. Танаффус пайтида худди кизлардай тўпланиб олишиб кийим-кечаклар ҳақидаги гаплардан ортмовчи ўғил болалардан Отабек чикиши мушкул эди. Унинг назарида арзири бола мактабда йўқ эди. Нораста киз юрагини отасининг ишончли маҳрамларидан бири бўлган жингалаксоч йигит — Жамшид ром этсами?! Жамшид эса кизчанинг кўнглидан нелар кечишини билмай, ховлида рўпара келиб колганида «Ҳа, пучук, ўқишлилар қалай энди?» деб кўяди. Зайнаб баъзан шу сўзларни ҳам эшитишга мушток булиб қолади. «Отам мени унга берармикинлар?» деб ўйлади. Хатто «Нимага мени олиб кочиб кета колмайди?» деб ҳам фикр килади.

Балогат ёшига шу ўйлар, орзулар билан кириб келди. Кўнглидаги болаликнинг ўткинчи хислари эмас экан. Юракка уруғ бўлиб кадалган ўша хислар энди униб чика бошлади, кизнинг юрагини, аклу хушини Жамшид тамом банди қилди. Ёши ўтаётган бўлса-да, уйланмай юрган йигит нима учундир бу хонадонда ажаб бир гул унаётганини сезмас эди. Жамшид деярли ҳар куни шу ерда бўлгани учун ҳам уни ўз синглисайдай кўрарди, унга бошқача кўз билан карашни ўламасди. Зайнаб мана шундан тўлғоқда эди.

У бекор қолди, дегунича Кумушбиби кисматини ўқириди. Китобнинг кўп сахифалари ёд бўлиб кетган эди.

«Билурмикин, билмасмикин, у золим!  
Кунлар, тунлар тортган оҳу зоримни!..»

Кумушнинг тўйида кизлар айтган қўшиқдан шу байти кўп такрорларди. Жамшид кўринмай қолса «тоблари кочдими, мени ўйлаб хаста бўлдиларми», деган хаёлга борарди. Хаёлни ўзича ҳакиқатга айлантирай деганида Жамшид кўриниб қолса, унинг сочла-

одатини билган яқинлари «ўзининг тўйида бу одатини бузармикин» деб ўйлашганди. Улар кутган иш бўлмади. Асадбек иккита юзталик чикариб узатди.

Элчин бошқа оламда эди — эгилмади. Асадбек пул қистиролмади. Унга Элчиннинг хозирги ҳолати бегона эди. Шу сабабли Элчиннинг эгилмаганини мағрурлик белгиси сифатида қабул килиб ғижинди. У ўзини мағлуб хис этди. Аммо мағлублигини тўйга йигилганлар у ёқда турсин, ёнидаги аъёнларига ҳам сездириши мумкин эмас эди. У дархол чўнтағига қўл солди-да, бир тутам юзталик чикариб, күёви устидан сочди. Тўйхонани кийқириқ босди. Асадбек иккинчи чўнтағидан пул чикариб уни қизи устидан сочди. Аввал Кесакполвон, сўнг чувринди хўжайнлари ишини такрорлашиди. Асадбек кулимсираган ҳолда тўйхонадан чиқди.

...Қарғагин, лойиқман сенинг қаҳриннга...

Элчин устидан пул ёғиларди...

Туйғулари эса топталарди...

Унинг кўзларидан сизиб чиккан ёшни ҳеч ким сезмасди, ҳатто Анвар ҳам...

...Ўзгалар қалбида меҳр уйғотдим...

### 3

«Сиз ўшами?..»

Зайнаб бу лаҳзани қанча кутди? Еттинчи синфдалигига «Ўтган кунлар»ни биринчи марта ўқиб чиккан эди. Еттинчи синфдалигига китобдаги Зайнабни қарғаб, Кумушга ўзича мотам тутди. Ўзига Зайнаб деб исм қўйгани учун ота-онасидан хафа бўлди. Рўмонни иккинчи ё учинчи марта ўқиётганида онасига йиғлади. «Отимни ўзгартирайлик», деб ялинди. Манзура қизининг бу килиғидан кулди. Қучоқлади, бошини силади, пешонасидан ўпди. «Айланай қизим, бу ёмон исм эмас, китобда ёзаверишади-да», деди. Кейин қизига қизиқиб ўзи ҳам китобни ўқиб чиқди. Ўзи ҳам йиғлади. «Ойи жон, исмимни Кумуш деб ўзгартирмайсизларми, Кумушга ўхшаб ўлиб кетсан ҳам майли эди...» Бу Зайнабнинг кўнглидан кечган гап. Уни тилга чикариб айттолмайди, уялади. Чунки китобдаги Кумушнинг Оtabеги бор.. орада тотли дамлар бор. Зайнабнинг орзула-

ри ортида ҳозирча яширин бўлмиш шундайин хислар борлигини отаси билиб қолса — шармандалик эмасми?

Узок вактгача бирор уни отини айтиб чакирса худди «Кумушга захар берган сенсан», дегандай бўла-верди. Хатто бир куни тушида Кумушни кўрди. Кумуш — кинодагидан минг чандон гўзал, юзларидан нур тараалаётган бир жувон «нима учун мени үлдирдингиз?» деб ўпкалади.

Ўзининг исмидан уялиш баробаринда у хаёлан Отабек бегини изларди. Синфдаги болалар орасида Отабек ўрнини босувчи болани топмади. Танаффус пайтида худди кизлардай тўпланиб олишиб кийим-кечаклар ҳа-қидаги гаплардан ортмовчи ўғил болалардан Отабек чикиши мушкул эди. Унинг назарида арзирли бола мактабда йўқ эди. Нораста киз юрагини отасининг ишончли маҳрамларидан бири бўлган жингалаксоч йигит — Жамшид ром этсами?! Жамшид эса кизчанинг кўнглидан нелар кечишни билмай, ховлида рўпара келиб колганида «Ҳа, пучук, ўқишилар қалай энди?» деб кўяди. Зайнаб баъзан шу сўзларни ҳам эшитишга мушток бўлиб колади. «Отам мени унга берармикин-лар?» деб ўйлади. Хатто «Нимага мени олиб кочиб кета қолмайди?» деб ҳам фикр қиласди.

Балоғат ёшига шу ўйлар, орзулар билан кириб келди. Кўнглидаги болаликнинг ўткинчи хислари эмас экан. Юракка уруғ бўлиб қадалган ўша хислар энди униб чиқа бошлади, кизнинг юрагини, аклу ҳушини Жамшид тамом банди қилди. Ёши ўтаётган бўлса-да, уйланмай юрган йигит нима учундир бу хонадонда ажиб бир гул унаётганини сезмас эди. Жамшид деярли ҳар куни шу ерда бўлгани учун ҳам уни ўз синглиси-дай кўрарди, унга бошқача кўз билан карашни ўйла-масди. Зайнаб мана шундан тўлғоқда эди.

У бекор колди, дегунича Кумушбиби қисматини ўкирди. Китобнинг кўп сахифалари ёд бўлиб кетган эди.

«Билурмикин, билмасмикин, у золим!  
Кунлар, тунлар тортган оҳу зоримни!..»

Кумушнинг тўйида кизлар айтган қўшиқдан шу байти кўп такрорларди. Жамшид кўринмай қолса «тоблари кочдими, мени ўйлаб хаста бўлдиларми», деган хаёлга борарди. Хаёлни ўзича ҳакикатга айлантирай деганида Жамшид кўриниб қолса, унинг сочла-

рини битталаб юлгиси келарди. Кечалари билан тұлғониб «яхши күришимни үзим айтаман», деб қарор киларди. Тонг бұзариши билан унинг бу дадиллиги уйқуга кетар эди. Жамшиднинг машинасига чикканида эса сири ошкор этилиб шарманда бұлғандай юзлари ловуллаб, тили калимага келмай котиб қоларди. Зайнаб факатгина үз дунёсида яшарди. Бу дунёга үзгалар кириши мүмкін бўлган эшик эса тақа-так берк эди. Бу эшикни, истаса, факат Жамшид оча оларди. Аммо унда бундай хоҳиш учқуни сезилмади. Зайнаб ношукурлик килмади. «Узокдан бўлса ҳам ҳар куни кўриб турсам бас», деди. Йазаридаги Жамшид бўлмаса унинг бу дунёда юришига ҳожат ҳам колмас эди.

Йигит киши ҳам шунчалар бепарво бўларми? Гулларнинг очилишига зор булбуллар кани? Гул ишкида ёниб куйловчи кумрилар кани? Қани Отабек? Захар факат Кумушшиби жонини суғуриб олмай, Отабек юрагидаги муҳаббатни ҳам үлдирдими экан? Шу боис бу ёруғ дунёда Отабеклар колмадими экан?

Жамшид Отабек каби севганида эди, Зайнабимиз Кумуш каби ўлиб кетишга минг марта рози эди. Ҳа, Зайнабимиз ана шундай телба муҳаббат чўриси эди. У Жамшиднинг юрагидан аёл зотига нисбатан муҳаббат қувиб чиқарилганини, бу қалб факат нафрат билан тепаётганини билмас эди. Чунки Жамшид ҳам үз дунёсида яшарди. Унинг дунёсига үзгаларнинг кируви мүмкін бўлган эшик ҳам тақа-так берк эди. Бу эшикни Зайнаб ҳам оча олмас эди...

Зайнаб муҳаббатнинг алдамчи булутлари устида сузиб юрганида үзининг бўлажак тўйини хаёл кўзи билан кўрарди. Йўқ, йўқ, сиз уни эрсираб колибди, деб үйламанг. Асти бундай эмас. Тўй деганда унинг кўз олдига тўшак келмайди. Тўй деганда у... Отабекнигина кўрарди. Хотирасига муҳрланиб колган ёзувчи сатрлари билан кўрарди...

«...куёв келар эди: икки томонни сириб олган хотин-қизлар ўртасидан Отабек келар эди...»

Отабек — шубҳасиз, жингалаксоч йигит.

«...унинг кетидан Офтоб ойимнинг эгачиси исириғ тутатар эди...»

Демак, исириғни холаси тутатади.

«...хотинлар кўлларида шам билан бунга карап ва узатиб колур эдилар...»

Электр чирок ўчиб колса кандай яхши бўлар эди...

«Күёв уйининг ёнига етди. Унинг юзи уятдан жуда кизарган, кочгали жой тополмас эди. Шу кезда уйининг эшиги очилди-да, янга томонидан қаршиланди.

— Кирингиз, бек!»

Янга ким бўларкин? Кичик холаси дуруст. Катта-си сал қўполроқ, бемаъни гапларни ҳам айтвонади.

«...Отабекнинг юрак уриши эҳтимол янгасига ҳам эшитилар эди...»

Янгасига эшитилмас балки, аммо у эшитади. Ўз юрагининг кафасдаги қушдай потирлашиға ҳамо-ханг бўлади...

«...Отабек уйга киргандан кейин янгаси ташкари чиқиб, эшикни ўзи қўрарли кия килиб ёпди...»

Кичик холаси мўраламайди, гап пойламайди. Унга айтиб қўяди: эшикни зич ёпиб, устларидан кулф-лайди...

«...Уйнинг тўрида ёнини Отабекка бериб, рўмолининг учини тугибми, йиртибми Кумушбиби турадир ва ким келди, деб ёнига қарамайдир...»

У ҳам шундай туради. Дарров қарамайди, сирини ошкор кила қолмайди...

«...Рўмол тугиш билан машгул латиф қўлларни чет қўл келиб сикди.

— Жоним!»

Бу онни, бу жон олғучи биргина сўзни у неча йил кутди? Унинг азобларига неча тун гувоҳ бўлди экан? Тундан сўраб куриш керак: мухаббат оловида ковжираётган ундан бошқа яна битта киз бормикин дунёда? Шунда ҳам...

«...Кумушбиби бегона қўлдан сесканди ва қўлларини кутқазмоққа тиришиб:

— Ушламангиз! — деди ҳам сикувчи қўлдан кутулиш учун орқага тисланди...»

...Шунда ҳам Кумушбиби сингари қўлинин тортиб олади. Силтаб эмас, аста, ноз билан тортади — унинг хаёлига бошқа гап ораламасин, кўнгли озор чекмасин. Шунда у...

«...Титраган ва ковжираган бир товушда:

— Нега қочасиз?! Нега қарамайсиз?! — деди Бек, Кумушбиби шу чоққача қарамаган ва қарашни ҳам тиламаган эди...»

...Шунда у овози титрамаса ҳам айтади бу гапни. Ахир, нимадир дейиши керак-ку?

«...Мажбурият остида, ёўн караш билан секингина

рини битталаб юлгиси келарди. Кечалари билан түлғониб «яхши күришимни ўзим айтаман», деб қарор киларди. Тонг бўзарни билан унинг бу дадиллиги уйқуга кетар эди. Жамшиднинг машинасига чикканида эса сири ошкор этилиб шарманда бўлгандај юзлари ловуллаб, тили калимага келмай котиб қоларди. Зайнаб фақатгина ўз дунёсида яшарди. Бу дунёга ўзгалар кириши мумкин бўлган эшик эса така-так берк эди. Бу эшикни, истаса, факат Жамшид оча оларди. Аммо унда бундай хоҳиш учкуни сезилмади. Зайнаб ношукурлик килмади. «Узокдан бўлса ҳам ҳар куни кўриб турсам бас», деди. Ёазарида Жамшид бўлмаса унинг бу дунёда юришига хожат ҳам колмас эди.

Йигит киши ҳам шунчалар бепарво бўларми? Гулларнинг очилишига зор булбуллар қани? Гул ишкида ёниб куйловчи қумрилар қани? Қани Отабек? Захар факат Кумушбиби жонини суфуриб олмай, Отабек юрагидаги муҳаббатни ҳам ўлдирдими экан? Шу боис бу ёруғ дунёда Отабеклар қолмадими экан?

Жамшид Отабек каби севганида эди, Зайнабимиз Кумуш каби ўлиб кетишга минг марта рози эди. Ҳа, Зайнабимиз ана шундай телба муҳаббат чўриси эди. У Жамшиднинг юрагидан аёл зотига нисбатан муҳаббат кувиб чикарилганини, бу қалб факат нафрат билан тепаётганини билмас эди. Чунки Жамшид ҳам ўз дунёсида яшарди. Унинг дунёсига ўзгаларнинг кируви мумкин бўлган эшик ҳам така-так берк эди. Бу эшикни Зайнаб ҳам оча олмас эди...

Зайнаб муҳаббатнинг алдамчи булуллари устида сузиб юрганида ўзининг бўлажак тўйини хаёл кўзи билан кўрарди. Йўқ, йўқ, сиз уни эрсираб колибди, деб ўйламанг. Асти бундай эмас. Тўй деганда унинг кўз олдига тўшак келмайди. Тўй деганда у... Отабекнигина кўрарди. Хотирасига муҳрланиб қолган ёзувчи сатрлари билан кўрарди...

«...куёв келар эди: икки томонни сириб олган хотин-кизлар ўртасидан Отабек келар эди...»

Отабек — шубҳасиз, жингалаксоч йигит.

«...унинг кетидан Офтоб ойимнинг эгачиси исириғ тутатар эди...»

Демак, исириғни холаси тутатади.

«...хотинлар қулларида шам билан бунга қарар ва узатиб қолур эдилар...»

Электр чирок ўчиб колса кандай яхши бўлар эди...

«Күёв уйининг ёнига етди. Унинг юзи уятдан жуда кизарган, қочгали жой тополмас эди. Шу кезда уйнинг эшиги очилди-да, янга томонидан каршиланди.

— Кирингиз, бек!»

Янга ким бўларкин? Кичик холаси дуруст. Каттаси сал қўполроқ, бемаъни гапларни ҳам айтворади.

«...Отабекнинг юрак уриши эҳтимол янгасига ҳам эшитилар эди...»

Янгасига эшитилмас балки, аммо у эшитади. Ўз юрагининг кафасдаги күшдай потирлашига ҳамоҳанг бўлади...

«...Отабек уйга киргандан кейин янгаси ташкари чиқиб, эшикни ўзи кўрарли кия килиб ёпди...»

Кичик холаси мўраламайди, гап пойламайди. Унга айтиб кўяди: эшикни зич ёпиб, устларидан кулфлайди...

«...Ўйнинг тўрида ёнини Отабекка бериб, рўмолининг учини тушибми, йиртибми Кумушбиби турадир ва ким келди, деб ёнига қарамайдир...»

У ҳам шундай туради. Дарров қарамайди, сирини ошкор қила қолмайди...

«...Рўмол туғиш билан машғул латиф қўлларни чет кўл келиб сикди.

— Жоним!»

Бу онни, бу жон олғучи биргина сўзни у неча йил кутди? Унинг азоблариға неча тун гувоҳ бўлди экан? Тундан сўраб кўриш керак: мухаббат оловида ковжираётган ундан бошқа яна битта қиз бормикин дунёда? Шунда ҳам...

«...Кумушбиби бегона қўлдан сесканди ва қўлларини кутқазмокка тиришиб:

— Ушламангиз! — деди ҳам сикувчи қўлдан кутулиш учун орқага тисланди...»

...Шунда ҳам Кумушбиби сингари қўлинни тортиб олади. Силтаб эмас, аста, ноз билан тортади — унинг хаёлига бошқа гап ораламасин, кўнгли озор чекмасин. Шунда у...

«...Титраган ва ковжираган бир товушда:

— Нега кочасиз?! Нега қарамайсиз?! — деди Бек, Кумушбиби шу чоққача қарамаган ва қарашни ҳам тиламаган эди...»

...Шунда у овози титрамаса ҳам айтади бу гапни. Ахир, нимадир дейиши керак-ку?

«...Мажбурият остида, ёв қараш билан секингина

дүшманга қаради. Шу қараашда бир мунча вакт қотиб колди...»

Йүк, ёвкараш килмайды, хумор күзлари билан қарайды. Уялигина қарайды. Бу қараашнинг муддати яшин умри мисол қиска бўлади...

«...Шундан кейин бир неча қадам босиб Отабекнинг пинжига яқин келди ва эсанкираган, хаяжонланган бир товуш билан сўради:

— Сиз ўшами?...»

Ёйма учун шундай дейди?

Зайнабимизнинг хаёлидаги тўй шу ерга келганда узилар эди. Куёвга шундай дейиш учун сабаб ахтарди... Сабабини бешафқат хаётнинг ўзи топиб берини у кандай билсин? Хаёлидаги тўй сароб экани, исирик тутатилмаслиги, шамлар ёқилмаслиги, хатто... катта холаси янга бўлиши, чимилдикка номусли киз эмас, юкли жувон бўлиб киришини, Отабек — жингалаксочли йигит эмаслигини ўшанда билганида ўзини ёкиб юбора қолмасиди? Хўш, билгач-чи? Уни нима ушлаб колди? Ўғирланган куниёқ хаёлидаги тўй барҳам топганини англаган эди-ку?.. Хаёлидаги тўй барҳам топгани тўғри, аммо Жамшидга бўлган муҳаббати сўнмаган эди. Бу муҳаббат сўниши учун аввал унинг ўзи ўлиши керак. Аввал муҳаббатни сўндириб, сўнг ўлиш унинг қўлидан келмайди. Зайнабдаги муҳаббат алангаси зўрми ё Элчиндаги касос ўтими — ўлмасак бунга хам ажрим топармиз.

Хозир эса... Зайнаб номи чимилдик, аслида Оврупча килиб яхшилаб ясатилган ётокда, тўшакнинг бир четида омонат ўтириби. Катта холаси «ўзингга маҳкам бўл», деб чиқиб кетган. Эшик кия очик. Кумушбининг янгасига ўхшаб мўралаш учун атай очиб кўймади. Тасодифан шундай бўлди шекилли.

Зайнаб куёв бўлмишнинг бир вактлар машхур кўшикчи эканини эшитганидан бери ўйлаб ўйига етолмайди: У Элчиннинг машхурлигига гувоҳ эмас.. Элчин Камалганида у учинчи синфда ўқир эди. Камалганидан кейин Элчиннинг ашулалари радиодан хам берилмай кўйган, шухрати аста сўнган эди. Қолаверса, янги авлоднинг ўз оҳангиги, ўз кўшикчилари бор эди. Зайнаб отасининг мақсадини англай олмади. Чиройга баҳо берилса, Элчин Жамшидга нисбатан ўқтамрок эди. Лекин камалда бўлган Зайнабнинг юраги унга эшикни очиб бера олмас эди. Ёикохларини рўйхатдан ўтказ-

мокка борганларида унга бир неча марта ўғринча қаради. Дугоналарининг ҳавасдан ёнаётганларини ҳам сезди. Аммо... хотинини сўйиб ташлаган одамни куёв қилиш отасига нима учун зарур бўлиб қолди? Нима учун онаси итоат билан кўнди?

Янга — катта холаси чикиб кетганига ҳам анча бўлди. Куёв эса ҳаяллаяпти.

Кун бўйи кор ёғиб, осмон ҳасратини тўкиб адо килибди — ҳаво очик. Тўлин ой жувон ҳолича эрга тегаётган қизнинг ахволини бир кўрай деб нақ дераза тепасига суллоҳлик билан қўниб олган. Ҳовлида ҳараткат сўнмаган — хотинлар ҳамон ивирсив юришади...

Зайнаб ўрнидан туриб дераза пардасини ёпди. Жойига қайтиб ўтириди. Зиндонга тушиб колгандай бўлди. Гўё тўрт девор, шифт бир бўлиб унинг устига босиб кела бошлади. Йафаси қайтиб ўрнидан турди-да, пардани салгина сурди. Ой нури ҳонага ўғринча кириб ожизгина ёниб турган тунчироқ нури билан коришиб кетди.

«Сиз үшами?»

Бунинг айтилишига озрок фурсат бор.

Зайнаб ётоқхонада қуёвнинг ҳаяллашидан ҳайрон. Қуёвнинг эса бу ерга киришга юраги дов бермайди. Уч кун аввал келиннинг сеплари олиб келингандай Элчин қайси хона ётоқ бўлишини курсатган эди. Арабистонда ясалган ҳашамдор каравотлар Элчин айтган ҳонага қўйилиб эди. Ноила билан тотли тунларни ўтказган, оқибатда эса Ноиланинг жони узилган ҳонада энди у бошқа жувон билан бирга бўлолмас эди. Ресторанга жўнашайтганида ҳам хобгоҳ Элчин айтган ҳонада эди. Қайтса.. Ноиланинг жони узилган ҳонага кўчирилиби.

— Хеч замонда дахлиз ҳам испалний бўларканми, — деди аммаси унинг норозилигини писанд килмай. Элчиннинг туйгулари амма учун бегона эди. Айтса «орадан неча йил ўтди. Эркак киши сал үзини қўлга олиши керак» деганга ўхшаш бир гап эшитарди.

Хобгоҳдан бўлак барча ҳоналар келин тарафидан келган хотинлар билан банд. Ҳовлида үзининг қарйндошлари изғиб юришибди. Элчин чекиб олиш баҳонасида Анвар билан дарвозахонада турибди. Аммаси икки марта келиб «ҳой, кирмайсанми», деб кетди. Элчиннинг гапларида тайин йўқ. Анвар буни сезяпти. Ўртоғининг келин олдига киргиси йўқлигини англаб турибди. Сабабини сўрамайди. «Ноила эсига тушиб

кетди шекилли?» деб тахмин қиласи. «Майли, ўзинни босиб олсин», деб у ҳам сигаретга сигарет улади... Аммо тонггача шу ҳолда туриш мумкин эмас...

— Совкотдим, ошна, — деди Әнвар. — Энди кир, хотинлар гап қиласи.

Элчин мүмин боладай хўп, деб уй томон юрди. Остона — муқаддас чегара. Әнвар чегарани босиб ўтмади, ховлида колди.

Эшик очилиб куёв турга — Отабек эмас! — кирдилар. Келин пошиша — Кумушбиби эмас! — ёнини эшик томон бериб — атайин эмас! — ўтирадилар. Ким келди, деб ёнга қарамайдилар. Эшик маҳкам ёпилиб, калит буралади. Нариги хонадан жой олган хотинлар, ғафлатда қолишиб десак янгишмаймиз. Чунки қадимнинг расм-русими йўқ энди. Хотинлар нима учун куёвнинг уйига келиб, нима учун ётиб қолишаётганини ҳам билмайдилар. Ховлида гулхан ёкиш йўқ, келин боши узра палак тортиб ёр-ёр айтиш йўқ, исирик тутатиш йўқ, тортишмачок йўқ, чимилдик йўқ... Келин-куёв уй бурчагига тортилган чимилдик ортида ўтириб тонг оттирмайдилар. Хотинлар чимилдиқни аста сурис мурала-майдилар. Кампирлар кизлик оламларини ташлаб, жувонлик очунига кирниш онларини хотирлаб, чоллари билан бўлган кейинги ҳангомаларни сўзлаб куёв биллан келин кўнглини китиқламайдилар... Ҳаммаси соддагина: эшик кулфланади, хотинлар минғирлаб-минғирлаб уйкуга кетадилар. Келин ўзига пишик бўлса бўлди, йўкса урф бўйича эртага белгиланган воеа шу тундаёқ амалга ошаверади, янгалар доғда колаверадилар...

...Латиф қўлларини чет қўл келиб сикмади. «Жоним!» деган сўз учмади. У Кумуш эмас, Зайнаб экани учун шундай бўлгандир? Балки у китобда ёзилгандай ширин лаҳзага арзимас?

...Элчин аввалига тўшак устида Ноиласини кўрди. Кўзини чирт юниб олди. Чукур нафас олиб туйгуларини ҳайдаб чиқармокчи бўлди. Бунга пича эришди. Кўзини очганда тўшак устида Ноиласи йўқ эди. Тўшак устида омонат ўтирган Зайнаб — Асадбекнинг (!) кизи унга қарамасди. Элчин келинлик либосида ўтирган Зайнабга мажбурият юзасидан яқинлашиб, билагига қўл юборди. Каттиқ сикмади, охистагина ушлади.

Зайнаб сесканди. Аммо қўлларини кутказмокка тиришмади. Унинг билагини ушлаган кўл бегона эмас,

таниш эди. Зайнаб ёвкараш билан, ялт этиб душманига каради (ха, у ёри эмас, душмани эди!) Ўрнидан турди. Кумушбиби Отабек пинжига якин келгани каби якинлашмади. Эсанкираган, хаяжонланган бир товуш билан сўради:

— Сиз... ўшами?!

Бу гап тилидан бенхтиёр учди. Бу гап Кумушбибининг хаяжони билан учмади. Кумушбиби кутилмаган баҳт қуши бошига кўнган саодатли қизнинг эсанкираши билан айтган эди бу гапни, Зайнабимиз эса узок излаган конхўр душманига тасодиф билан рӯпара келиб колган, баҳти топталган жувоннинг эзгин овози билан айтди.

Савол жавобсиз колди.

Отабекнинг «Мен ўша!» деган кўнгилни кувонтирувчи сўzlари учмади. Зайнабимиз «Қўзларимга ишонмайман», демади. Икки лаб ўз-ўзидан бир-бирига қувушмади... Кичкина нозик қўллар елка устига, кучли қўллар қўлтик остига ёпишмадилар. У куёв бўлмишнинг юзига узок тикилиб турмади... «Кутилмаган бир баҳт!» демади, кулиб юбормади. Бу кулиш ховлиларгача эшитилмади...

Куёв билан келин бир-бирларига якинлашмаган холда ўтириб, тонг оттиридилар.

Элчин, сўфи азон айтмай туриб, хобгоҳдан чикди. Куёв чикиб кетиши билан шошилиб кирган янга — Зайнабнинг катта холаси жиянининг «ўзига маҳкам бўлганини» кўриб, қувонди.

## XV Б О Б

### I

Вино заводининг бошкони Шариф Намозов хунук хабар билан котибага норози киёфада боқди. Биргина жилмайиши билан жонини суғириб олиши мумкин бўлган, аммо янги бошконнинг кўнглини овлай олмаедан хуноби чикиб юрган котиба унинг ковок уйганини кўриб чимирилди.

— Кираверсинми? — деди нозли оҳангда.

— Бироз кутсин, — деди Шариф, телефон гўшагига қўл узатиб. — Министр билан гаплашишим керак. Котиба ноз билан бурилиб чикди. Шариф гўшакни

жойига илди. «Прокуратуранинг яна нима иши бор экан менда?» деб ўйлади. Корнида бирдан санчик туриб, күнгли айниди. Чүнтагидан хандори чикариб, илиб колган чой билан ичди.

Шу ёшгача фактада деб яшаётган одам, гүё пешонаси деворга урилиб кўзи очилгандай, хаётнинг маъноси ўзгача эканига имон келтира бошлаган эди. Бахтли бўлишимга бахтсизлик аскотади, деганларидек, худо бу бандасининг юмук кўзларини очмок учун атайн қамоқ можаросига рўпара қилгандай эди. Қамоқдан-ку, бир неча кунда кутулди. Билагидаги игна излари ҳам йўколай деди. Бирок гиёхвандликнинг тўридан кутулиши оғир кечди. Худди ачиған овқат еб кўйгандай кўнгли айниб, корин оғриғи бошланса, тўлғок тутган хотин каби типирчилаб қолади. Шунақа пайтда кўнгил қамоқхонадаги йигитни кўмсайди. У кўзига фаришта бўлиб кўринади. Кела колсаю билагини сикиб туриб томирига эм игнасини санчса. Оғрик тўхтаса. Булатлар устида ёнбошлаб сайд қилгандай ором олса... Ўттиз минг эмас, ўттиз миллион сўм бераман деган тилхатга ҳам имзо чекишга тайёр... Уйида дастлаб шу дард хуруж қилганида ўзи ҳам, хотини ҳам кўркди. Гиёхвандлик тўридан чиқиб кетиш мумкинми, деган муаммо эр-хотинни ташвишга солди. Шарифни камоқхонадан уйга олиб келган жингалаксоч йигит хандори ташлаб кетмаганида уларнинг ҳолига маймунлар йиғлаши мумкин эди. Хандори эм бўлиб, дард аста чекина борди.

Бошқонлик курсисига ўтирган куни, йўқланмаган меҳмондай Асадбек кириб келганида ҳам хандорини ютиб, дард билан олишаётган эди. Шариф Асадбекнинг довругини эшитса ҳам, ўзини энди кўраётган эди.

Асадбек устол киррасига кўкрагини тираб, тиришиб ўтирган бошқонга караб турди. Дард пича чекиниб, Шариф қаддини ростлагач, «Ҳа, нима бўлди?» деб ҳам суромади.

— Янги амаллар кутлуғ бўлсин, — деди Шарифга қаттиқ тикилиб.

АЗОБНИНГ АСОРАТИДАН ҳали тўла кутулмаган Шариф юзини буришириб, «Рахмат», деди. У индамай кириб келиб, безбетларча ўтириб олган бу одамни вазирлик вакили деб гумон қилди.

— Мени танимайсизми? — деди Асадбек.

— Кўзимга иссикрок кўриняпсиз?..

— Мен Асадбекман! Шунака одамни эшитганмисиз?

Бехуш одам юзига муздек сув сепилса, кузи мошдек очилгани каби Шариф хам үзи кутмаган ҳолда, бирдан сергак тортди. «Шунака одамни эшитганмисиз?» Шариф Асадбекни бадковок, тұнг, ёвуз бир маҳлукни эслатувчи одам киёфасида тасаввур этарди. Тұғри, караши үткір экан. Лекин бу карашда хам, юзларида хам ёвузы аломати сезилмайды. Кийимлар шохона эмас, бармоқларда тила узук, оғизда тилла тишлар йүк... Шариф Асадбекнинг карашига дош беролмай үрнидан туриб кетганини үзи хам сезмай қолди. Устолни айланиб үтиб у билан күшкүллаб сұрашды. Асадбек үтирган үрнида жилмайды. «Жойингизга үтириң», деди. Шариф унга итоат этмай, устол олиб рұпарасига үтириб «буюрсинглар, таксириим», деган каби мүмінгі күриниш олди. «Килич бу олимчани қайсар, дерди, мулойимгина-ку?» деб үйлади Асадбек.

— Ишга киришиб кетдингизми? — деди Асадбек, ундан күз узмай.

— Секин-секин бұляпты, — деди Шариф. У хозир кайнатаси билан биринчи марта учрашиб, хижолатда үтирган күёвболага үхшарди.

— Шу завод дунёга машхур бұлиши мумкинми?

— Ха... — деди Шариф. — катта фойда бериши мумкин.

— Мен дунёга машхур бұлиши мумкинми, деб сүраяпман. «Порто»ми, «Наполеон»ми, хеч бұлмаса «Белий аист» даражасига чика оладими?

— Нега чикмасин? Биз «Порто»дан үтиб кетиши миз аник. Мен янгича бир жараён асосида вино олишни таклиф қилувдим. Португалиялыklar кизикиб туришибди. Бу жараённи янада мураккаблаштириш имкониятим бор. Заводда ишлаётган одам сони учдан иккига кискаради. Маҳсулот ҳажми уч баравар ошади, сифати етти-саккыз марта яхшиланади.

— Биз заводни сотиб оламиз.

— Биз деганингиз ким?

— Биз — иккаламиз. Яъни, сизу мен.

— Ҳазиллашманг, менинг пулим йүк. Ундан кейин бу давлатнинг заводи.

— Давлат сотади заводни. Үтириб коладиган хамма заводларни бугун бұлмаса эртага албатта сотади. Бошка иложи йүк.

— Бу завод... үтириб қолмаган. Катта фойда олади.

- Ҳозирги шароитда миллиардер завод ҳам ҳароб бўлиб кетиши мумкин.  
— Йўқ, бу мумкин эмас.  
— Мумкин.  
— Бу менинг қўлимдан келмайди.

— Сизнинг қўлингиздан аралашмаслик келар?

Шариф тушунди. Демак, Асадбекнинг режаси икки босқичдан иборат: биринчисида бошқон четда туради. Ундан кўра чапдастрок одамлар заводни чўқтиришади. «Норентабел» деган рўйхатга киритилади. Иккинчи босқичда Шариф майдонга чикади. Янги усули билан заводни «қўтаради».

— Фойданинг тўртдан бири сизники, — Асадбек шундай деб ўрнидан туриб, қўл узатди. Шариф бе-ихтиёр қўл берди. Асадбек хайрлашиш учун қўл олишдими ё шартни тасдиклатдими — Шариф англай олмасдан қолди.

Орадан неча кун ўтса ҳам Асадбекнинг гапларини ўйлади. Мағзини чақмоқчи бўлади. Ҳозир завод тўрт миллион сўм соф даромад олади. Тўртдан бири — демак, миллион! Янги усулга ўтилса бу яна қўпаяди. Хориждан доллар ҳам оқиб келади. Нима, у миллионер бўладими? Бунга бир ишониб — кўнгли яйраб кетади. Бир ишонмай кўнглига ғулғула оралайди. Прокуратурадан Зоҳиднинг келгани ҳақидаги хабар вужудида мудраётган ўша гулғулани уйғотди. Гарчи Зоҳид ёмонлик килмаган бўлса-да, Шарифда унга нисбатан нафрат зоҳир эди. У, шубҳасизки, Зоҳиднинг юрагида қандай дард борлигини билмасди. Шариф учун милиса ҳам, прокурор, терговчи ҳам бир — суриштириб ўтирамай қамайдиган одамлар. Шариф энди иш бошлаган дамда, рўпарасидаги коронгуликлар чекиниб, узокдаги тилла чўқкилар қўрйниб, ўша томон талпиниб яшаётган пайтда касби қамашу ҳўрлаш бўлмиш бу одамни кўришни истамас эди. Аммо прокуратурадан келган одам унинг истаги билан ҳисоблашмайди — шуниси чаток.

Шариф ўзи билан пича олишиб ўтиргач, котибасини чакириб, «кираверсин», деди.

Уларнинг сўнгги учрашуви қамоқхонада бўлган эди. Унда Зоҳид ўрнидан силжимайдиган тахта устол ортида ўтиради. Шариф хонага қўлларини оркасига килиб, ўлимини бўйнига олган одамдай қаддини эгиб кирган эди. Ҳозир эса... кенг хонада, устига тўртта

телефон кўйилган катта устол ортида Шариф утириди...

Эшикдан Зоҳид кириб келди. Оркасида сокчи эмас, котиба кўриниб, Зоҳид ичкарига кадам кўйиши билан эшикни ёпиб олди. Зоҳиднинг кўллари оркасида эмасди. Қадди ҳам эгилмаган, юриши дадил эди. У «кутиб турсин», деган гапни эшитганидаёқ бошконнинг учрашувга ҳуши йўклигини сезганди. Ичкари кириб, Шарифнинг кимирламай ўтирганини кўргач, бир ғашланди. Аммо одоб юзасидан салом берди. Шариф бош иргаб алик олди. Қўли билан рўпарасидаги устулни кўрсатиб, «ўтиринг», деган ишорани килди. Унинг душманни кутиб олгандай қаршилаши Зоҳид учун кутилмаган ҳол эди.

— Эшитаман, — деди Шариф, Зоҳидга карашга ботинмай. У терговчини хушламай карши олгани билан саросимадан ҳали кутулмаган эди. Шу сабабли ҳам унга тик карай олмади.

Зоҳид эса унга тикилиб турди. «Мен ҳали шунга ачинувдимми? Шунинг бегунохлигини исботламокчи эдимми? Камокда чириб кетадиган тўнка экан-ку?» деб ўйлади.

Зоҳид Жалол шилимшиқнинг иши билан банд бўлса-да, Шариф Намозов тақдири, винзавод атрофидаги ҳангомаларни ўрганишдан бутунлай воз кечмаган эди. У ҳали Жалол шилимшиқ Асадбекнинг яқинларидан бири бўлганини билмайди. Билганда эди, «Асадбек лозим бўлган махалда сизни ҳам шу йигитдай ўлдиртириб юборади», деб айтармиди... Зоҳиднинг бу даргохга келишидан максади дастлабки иш бўйича ҳақиқат тагига етиш. Нима учундир «Шариф Намозов менга кўмак беради», деб ўйлабди. Одамнинг бунчалик тез ўзгариши мумкинлигини хисобга олмабди.

— Эшитаман, — деди Шариф бу сафар баландрок овозда.

— Бир табриклаб кўяй деб кирдим. Шу кўчага йўлим тушиб қолувди.

— Раҳмат.

— Тўйда кўринмадингизми?

— Қайси тўйда?

— Асадбек қизини узатди-ку, сизни айтмадими?

— Сафарда эдим.

— Аттанг... Зўр тўй сизга насиб этмабди-да, а?

Ишлар кийин эмасми?

— Шуни сўрагани келдингизми, бошқа гапингиз йўкми?

— Бошқа гапми?.. Бор. Қилич Сулаймонов билан ораларингизда нима гап ўтган эди?

— Ҳеч қанака гап ўтмаган.

— Унда нима учун сизга тухмат килди. Озмунча пулга куймади, боякиш. Сизнинг камалишингиз унга нима учун зарур бўлиб қолганди?

— Сулаймоновнинг ишини сиз олиб боряпсизми?

Зоҳид саволдан кутилган мақсадни англади:

— Мен Намозовнинг ишини олиб боряпман, — деди дона-дона килиб.

— Намозовнинг иши ёпилган, — деди Шариф тўнг охангда.

— Хозирча расман шундай. Сиз кўча чангитиб юрган киссавур бола эмассиз. Олимсиз. Қонунни яхши биласиз. Ҳар қандай иш қайта кўзғотилиши мумкин, — деди Зоҳид, ҳар бир сўзга алоҳида-алоҳида ургу бериб.

— Ўша қайта кўзғотилганда гаплашамиз.

— Яхши ният, ярим мол, ҳархолда гаплашарканмиз-ку, — Зоҳид шундай деб ўрнидан турди. — Камокхонада сиз менда бошқача таассурот колдирган эдингиз. Сизни олим одам, илмдан бошқа нарсани тан олмайдиган ҳақиқатпарвар киши, деб ўйлаган эканман. Бу дунёда чин ҳақиқатпарвар одам анконинг уруғи экан, шекилли?

— Ҳақиқатдан ҳамма гапирганида ҳам сиз гапирманг энди! — деди Шариф ўрнидан туриб. У Зоҳидни кузатиш учун ўрнидан кўзғолдими ё жаҳли чиқиб туриб кетдими, ўзи ҳам билмади.

Бурилиб кетмоқчи бўлган Зоҳид ажабланиб, унга каради:

— Нимага? Мен ҳақиқатга мос келмайдиган бирон иш килдимми ё сўз айтдимми?

— Бегуноҳ одамни муттаҳамларнинг ичига тикиб қўйиш — ҳақиқатми?

— Афсуски, лақмалик учун камаш мумкин эмас. Ўшанда сизни лакмалигингиз учун тикиб қўйиш керак эди. Молдай ичиб, билакка кора доридан урдириб, уйда нима ахвол билмайсиз. Яхши ҳамки уйингизга кора дори ташлашибди. Хотинингизни сўйиб, пичок дастасини қўлингизга ушлатиб қўйишса нима килардингиз?

Зоҳиднинг гапи Шарифни титратиб юборди.

— Гапирманг! — деди у жонҳолатда.

— Шошилманг, бу ҳам бўлиб қолар... сиздака одамларни йўқ қилиш чўт эканми? Фақат касрингиз бошқаларга уради. — Зоҳид шундай деб эшик томон юрди.

— Тўхтанг, сиз нимага шама киляпсиз?

— Хеч нимага. Ўзимча ўйлаяпман. Бошингизга баҳт қуши қўнган экан, оёғидан махкам ушланг. Жар тепасига бориб қолганингизда аттанг, деманг. Сиз ўйнаётган ўйиннинг конун-коидаларини мен билмайман. Ҳарҳолда бу илм одами ўйнайдиган ўйин бўлмаса керак.

Илмдан чекинган икки одам серҳашам бир хонада худди дарёning икки қирғоғида тургандай гаплашибарди. Ажабланарлиси шундаки, уларнинг бири ҳакиқат истаб илмдан узоклашди, иккинчиси ҳакиқат етказган жабрлардан безиб, илмдан юз ўғирди. Қамоқхонадаги учрашувда улар рухан бир-бирларига яқин эдилар. Энди улар орасида олов дарёси бор. Уни кечиб ўтиш мумкинми? Улар яна тўқнашадиларми — Худобилади.

Зоҳид чиқиб кетди. Илмоқли гаплари билан Шарифнинг юрагини тирнаб кетди. Ҳакиқат деб жабр чекканлари туғри. Аммо бу жабрнинг роҳати ҳам бор эди, тан олиш керак. Ҳакиқатдан чекинмаган одамнинг руҳи эркин бўлади. Дард чекса-да, тиз чўкмагани учун руҳи яйрайди. Ана шу роҳатдан ўзи ўз хоҳиши билан воз кечди. Аммо руҳи унинг бу карори билан келиша олмайди. Зиндонда азоб чекаётган банди каби нола килаверди. Ҳозир Зоҳид чиқиб кетгач, бу нола яна бошланди. Шариф ўрнига ўтириб, тирсакларини устолга тираб, бошини чангллади.

Эшикни кия очган котиба унга ажабланиб караб турди-да, енгил йўталгандай бўлди. Шариф бошини кутариб унга каради.

— Телефонга каранг, — деди котиба.

Шариф телефон гушагини қулогига тутиши билан Асадбекнинг овозини эшилди:

— Тинчликми?

— Тинчлик.

— Терговчи бола нимага келибди?

— Шундай ўзи...

— Чайналманг.

— Сулаймонов билан ораларингда нима гап ўтган эди, дейди.

— Кўркиб кетдингизми? Кўркманг. Бу бола бир ўлимтиқ чивин. Чакиб ўлдирмайди. Факат ғингиллаб ғашингизни келтиради. Пуф десак чиккан жойига кириб кетади. Омон бўлинг.

Асадбек гапни қиска килди.

«Дарров каёқдан била қолди, — деб ўйлади Шариф, — ҳаммаёққа айғоқчи қўйиб ташлаган шекилли?»

Шариф, Зоҳид айтгандай, гўл бўлмаганда, Қилич Сулаймоновнинг котибаси нега алмаштирилди, деб ўйлаб кўярди. Агар бирон марта бўлсин шаҳар марказидаги уч қаватли уй ертўласидаги видеобарга кирганда эди, котибанинг қаердан келиб қолганини фаҳм этарди.

Котиба кириб яқингинада видеобарда кўпнинг жонини олган нозли жилмайиши билан янги хўжайинига яқинлашди.

— Чой дамлаб берайми, Шарифжон aka!

Шарифнинг димоғига ёқимли атири иси урилиб, кўнгли равшанлашди.

— Майли, жуда аччик бўлмасин, — деди котибага бир қараб олиб.

Котиба устолнинг нариги четидаги чойнакни олиш учун оркадан айланиб ўтмай, Шарифнинг олдидан қўл узатиб эгилди. Шарифнинг димоғига атири иси гупириб урилди. Қўзи котибанинг сийнабанд тақилмаган кўраклари орасидаги арикчага тушиб, кўнгли ғалати бўлиб кетди. Котиба ҳеч нарсани сезмагандай қаддини ростлаб, унга бир ишвали жилмайди.

## 2

Бирорвга ёмонлик қилмайдиган одамни «яхши одам» дейишади. Ўзгаларга яхшилик қилмовчини-чи? Бошқаларга яхшилик қилмайдиган одамнинг ёмонлик истовчидан фарки борми?

Винзаводдан узоқлашаётган Зоҳид шу саволга жавоб истар эди. Устози Ҳабиб Сатторович илмга рафбати бор, иктидорли олимга жонини ҳам беришга тайёр. Ўзининг ишини четга суриб, бошқага ёрдам қўлини чўзади. Бу яхшиликми — яхшилик. Лекин кўчада бирор очдан шишиб ўляпти, десангиз, ёрдам бериш учун чикмайди. Ўша ўлаётган одам олим десангизгина чикиши мумкин. Бу-чи, бу ҳам яхшиликми ё аблахликми? Шариф Іамозов ҳам шу тоифаданми? Хўш, Зоҳид

нима килиши керак? Бу олим очдан эмас, түқликтан шишиб үлишни маъқула кўрибди. Унга ёрдам берсинми? Яшашга ўзида рағбат бўлмаган одамни үлимдан қутқарib бўларканми?

Олим одам қандай килиб илмни мансабга алмаштириши мумкин? Аввал мансабга етишиб, сунг олим деган унвонга эришганлар сон мингта. Бу одам эса... Тўгри, бошкон бўлатуриб ҳам илмий ишини давом эттирас. Лекин ҳозирги холда илм яхшиликка эмас, жигилдонга хизмат килиши аниқ булиб турибди. «Танлаган касбининг ўзи майда эди, — деган карорга келди Зоҳид. — Мусаллас ишлашнинг янги усули. Кимга керак бу усул. Янгича мусаллас жамиятни яхшилашга, тозалашга хизмат киладими? Узумни олдинг, сикиб шарбатини чикардинг, идишнинг оғзини маҳкамлаб, коронги жойга кўйдинг. Шунга ҳам илм керакми? Одамларни алжитиш, миясинни суюлтиришни ҳам «илмий асосда йўлга қўйиш керакми?» Шуни олим дедимми? Шунга ачиндимми? Э, аҳмок, Ҳамдам аканинг гапларинга киришим керак эди. Ҳамдам акага ўхшаб бу одамнинг корнига бир тепмайманми, жони оғриб турганида жиноятини бўйнига қўйиб, қофозга қўт кўйдирб олмайманми...»

Зоҳид йўлга оқ пояндоздай тўшалган корни фицирлатиб босиб пича юргач, пишкириб тўхтаган автобусга чиқди.

Ўзи ишлаган хонага кирганида Ҳамдам Толипов дераза токчасига ўтириб олиб сигарет тутатарди. Хона тутунга тўлиб кетган, демак, Ҳамдам анчадан бери шу ерда, балки кимнидир сўрок килгандир. Балки кимнидир якингинада тепки еб чиқиб кетгандир...

— Ҳа, одил прокурор, ишлар калай? — деди Ҳамдам ўтирган ерида қўл узатиб. — Ҳакикат ўрнатиб бўлдингми?

— Ўрнатяпман, — деди Зоҳид, жилмайишга характер килиб.

— Ўрнатавер. Бизам би-ир яйраб яшайлик.

— Кайфият йўкми? Нима бўлди?

— Кайфият жойида. Бу дунёда ҳаромилар бор экан, кайфият жойида бўлади. Сен ҳакиқатни ўрнатганингдан кейин ишсиз сиқилиб, кайфиятим бузилади, — Ҳамдам шундай деб чўнтагидан дафтарча чикарди. — Ёзив ол: Шерқўзиев. Таксопаркда йигирма икки йилдан бери ишлайди. Комиловни аэропортда охириги

марта шу одам күрган. Комилов иккита кавказлик йигит билан савдони пишиштаганда ёнида бўлган. Комилов уларни нақд икки юзга тушириб, соат тўртларда Чимкентга қараб жунаган.

— Чимкентга? Ўнда Чиноз йўлига қандай бориб қолган? Балки Шерқўзиев янгишгандир?

— Чимкентгалигини аник билади. Йўлда кавказликлар адашибмиз, бизга Чиноз керак экан, дейиши мумкинмасми? У лакма эса бундан хурсанд бўлади. Ҳарҳолда Чиноз яқинрокда. Балки яна беш-ўн сўм қўшишни талаб килгандир, улар кўнишгандир.

— Шерқўзиев уни танир эканми?

— Ўша куни танишибди. Қараса, машина ўзи ишлайдиган таксопаркники. «Ошна, қачон келдингиз?» деб сўрабди. «Якинда келдим», дебди. «Мошин янги-ку, қандай ундиредингиз? Биз уч йилдан бери кутавериб сарғайиб кетдик», дебди. Комилов «сарғаймаслик учун тузукроқ узатиш керак эди», дебди. Шерқўзиев шунга хайрон. Ҳўжайнинларга берадиганини бериб қўйган экан. Машина биқинига «ижара пудрати», деб ёзилган экан. Таксопарк хўжайнинлари эса бундай эмас, деб туришибди.

— Ўғирланганми?

— Янги машина ўғирланса, улар жим ўтиришармиди? Бу ерда тўдаларнинг кўли борлиги сезилиб турибди. Асадбекми, Ҳосилбойваччами, Марканянми?.. Ким олган машинани? Комилов кимнинг хизматкори? Ҳа, Шерқўзиевнинг гапига караганда Комилов Сибирдаги жононларнинг киликларини таърифлаб берган экан. У Сибирда нима килган? Гастролга борганми? Гап кавласанг, савол қайнаб чиқаверади. Сен унга жавоб топа олмасанг керак.

— Шу даражада ношудманми?

Ҳамдам дераза токчасидаги «шоҳсупаси»дан тушиб, Зоҳидни елкасига енгил мушт уриб қўйди.

— Гап сенинг ношудлигингда эмас. Бу чигални ҳатто улуғлар улуғи Ҳамдам Толипов ҳам еча олмайди,— у шундай деб кулиб қўйди.— Қўнглим сезиб турибди, бу тўданинг иши. Тўғри, ёғочнинг учта эмас, иккита учи бўлади. Бир ёғини боссанг, иккинчи томони келиб пешонангга урилади. Ё яқин кунлар ичи тўдаларнинг ўзи кераксиз бир одамини котил қилиб кўрсатиб, сенга рўпара килади, ё «очилмаган ишлар» рўйхати биттага

күпайиб, сен хўжайнинг олдида ношуд ходим сифатида каддингни кери-иб турасан.

Хамдам гапини ҳазилга бурмоқчи эди, эплолмади. Табнатан кескинрок одамнинг кайфияти бузилиб турган пайтда ҳазил килиши туюнинг балет раксига тушишидай бўлар экан. Хамдамнинг бунақа ҳазиллари Зохидга янгилик эмас. Хамдам ўз ёғига ўзи қоврилиб турган пайтда олдиндан қелган одамни тишлайди, орқадан қелганни тепади, аямайди. Факат марҳамат килсагина ҳозиргидай ҳазиллашиб қўяди.

Ўхшатмасдан учратмас, деганларидаи Зохиднинг кайфияти ҳам ўзингизга маълум. Шариф Намозовнинг гаплари, килиғидан тамом гангиган Зохидга Хамдамнинг ҳазили малол келди.

— Тўда, тўда, дейсиз нуқул. Шунчалик жонингизни олиб қўйганми улар? Ким ўзи улар — одамми ё девми?

Хамдам рўнарасидаги жizzаки йигитни энди қўраётгандай каттиқ тикилди.

— Уларнинг кимлигини билмайсанми? Улар одам ҳам, дев ҳам эмас. Улар аждарҳо. Юз бошли аждарҳо. Аммо танаси, корни битта. Улар қувватни қаердан олади, биласанми? — Хамдам кўрсатгич бармоғини юкорига никтади. — Аждархонинг жони сакланадиган кутича ўша ерда. Тудаларга факат ўшалар бас кела олади. Сен аждахонинг ҳам бошини нима билан узмоқчисан, курук гап биланми? Ё «бу дунёда адолат деган гаплар ҳам бо-ор», деб аждахонинг кулогига аzon айтасанми? Ўшалар,— Хамдам бармоғини яна юкорига нуқди,— қўлингга ўткир қилич ҳам бериши мумкин. Сен бориб аждахонинг битта бошуни узасан. Сенга раҳмат айтишади. Газитда суратингни чиқаришади. Юзта бошдан тўқсон тўққизта қоладими шунда? Бекорларни айтибсан. Сен узиб ташлаган бош ўрнига дарров бошқасини қўйишади.

— Фалсафадан дарс бернишга арзидиган домла бўлиб қолибсиз,— деди Зохид, пичинг билан.

— Ўғривачаларни қувлаб юрган одамнинг фалсафаси ҳам шұнақа майдада бўлади. Сенга ачинганимдан би-ир гапириб қўяман-да. У ерда косанг оқармайди. Факир киши панада бўлгани маъқул-да. Адолат қилингга улар йўл бернишмайди. Фирром ишларга эса сенинг виждонинг йўл қўймайди. Икки ўт орасида

коврилиб юраверасан. Мана, олдинги ишинг нима бўлди? Овсарга ўхшаб оғзингни очиб қолавердинг.

— Энди оширвордингиз, ака. Гап деб гапираверар экансиз-да. Оғзимни очиб қолганим йўқ. Илоннинг думини куриб турибман.

— Зўрсан-ку!— Ҳамдам койил колган одамдай кўзларини катта-катта очиб, Зоҳидга каради.

— Масхара қилманг. Сизга тўғрисини айтяпман.

— Илоннинг думини куриб нима қиласан?— Ҳамдам энди ошкора пичинг билан гап бошлади.— Илон кавагига кириб кетиши мумкин. Сиз кавак оғзида пойлаб ўтираверасиз, илон эса дўнгнинг нариги томонидаги кавакдан чикиб ишини қилаверади. Кочмасин, деб думини боссангиз, нима бўлишини биласиз-а? Ҳа, чакади!

Зоҳид бу гапларни токат билан эшилди. Ҳамдам ҳаяжонини бироз босиб олгач, винзаводга кирганини айтди.

— Ана, кўрдингми! Бу маразга раҳминг келувди. Шуни деб Асадбек билан олишмоқчи эдинг. Шуни деб ўлиб кетсанг, аммо жуда хафа бўлардим.— Ҳамдам устол устидаги кора дафтарчани олиб вараклади. Керакли саҳифани очгач, телефон гўшагини кўтариб, ракам терди.— Алло, вин заводми, синглим, менга директор ўртоқ Намозов кераклар. Полковник Мусахўжаевман. Мажлис тугашини кутишга вактим йўқ.— Ҳамдам «ҳозир боллайман», дегандай Зоҳидга кўз кисиб кўйди.— Ўртоқ, Намозов, салом. Полковник Мусахўжаевман. Турмадан бешта жиноятчи кочганини эшилдингизми? Газит ўқийсизми ўзи, ҳаммаёқда шов-шув-ку? Нега алоқаси бўлмасин, сизга ҳам алоқаси бор учун телефон киляпман. Кеча кечаси турмани кавлаб бешта хавфли жиноятчи кочган. Улар орасида Қилич Сулаймонов ҳам бор. Танийсиз-а уни? Хуллас, у кимдандир ўч олишини айтган экан. Кимларни назарда тутганини билмаймиз. Лекин ҳар эҳтимолга қарши сизни огоҳлантириб қўямиз. Агар уни куриб колсангиз, дарров бизга хабар килинг. Ҳўп, хайр.

Ҳамдам гўшакни жойига кўйиб, жилмайди.

— Довдир. «Албатта қўнғирок қиласан», дейди. Кимга, кандай телефон қиласди, овсар. Душман уясига еулғула солиб кўйдим. Ҳозир қўнғироқлар бошланади. Милисага, прокуратурага, турмага... Тасаввур киляп-

санми? Оёғи күйган товукдай бўлишади. Шуни би-ир томоша килсанг, хумордан чиксанг.

— Бекор килдингиз, фойдаси борми?

— Фойдаси бор. Ҳеч бўлмаса кўнгил.— Ҳамдам кўкрагига енгил муштлади,— таскин топади. Бу итдан таркалганларни гирибонидан ушлаб ўтқизиб қўйиш қўлимидан келмаганидан кейин инига бир марта чўп сукиб қўйсак ёмонми? Ҳадеб биз куйнб-ёниб юраверамизми? Улар ҳам бир куйсин.

— Барибир бекорчи иш бу.

— Вей, менга қара, прокурор. Сен ишингни ўзгартир. Сен женсоветга раис бўлиб бор. Сенинг жойинг ўша ерда, ха!

## XVI БОБ

### I

Асадбек тўйдан кейин бироз ҳаловат топарман, деб ўйлаган эди. Қиз узатган одамда ҳаловат бўлмаслиги ни у каёқдан ҳам билсин! Қиз куёвникига кетар олдидан отаси ҳузурига бош эгиб келуви, отанинг эса дуо килуви расм эди. Зайнабни шу расмга биноан бошлаб келдилар, аммо ўз ҳовлисида эмас, ресторон остонасида, маст-аласт нигоҳлар гувоҳлигида дуо килмоғи лозим бўлди. У кўп яхши ниятларни дилига туғиб қўйган эди. Қизининг мўъминлик билан бош эгиб келаётганини кўрганидаёқ ҳуши учди, томоғига бир нима тикилди. У онасининг ўлимидан сўнг қўзига ёш олмаган эди. Ҳозир йиғлагиси келди. Қизи бир қадам берида тұхтади. Асадбек отасини қучоқлаб йиғлаган қизларни кўрган, ўз қизининг ҳам шундай бўлишини кутиб эди. Бахтига бундай бўлмади. Асадбек аввалига «нима учун тұхтаб қолди?» деб ажабланди. Кейин «яхши бўлди, йиғласа мен ҳам ўзимни тутиб туролмас эдим» деди-да, фотихага қўл очди. Ҳаяжон ўйлаб қўйган гапларини тўзитиб юборган эди. Ўйлашга, гап топишга фурсат йўқ — юзлаб қўллар дуога очилиб, юзлаб кўзлар унга тикилган, «Бахти бўлгин, қизим», дейишдан ўзга сўз тополмади. Қизига яқинлашиб, пешонасидан ўпди.

Қизи Асадбек юрагининг бир парчасини юлиб олиб кетди.

Шундан бери хаёли қизида. Эшик тик этса ҳавотир

билан қарайди. Телефон жириңгласа ҳам юраги бир түлкін уради. Назаридә қизи шармандалик юкини ортмоклаб, күз ёшини түкиб, фарёд уриб кириб кела-ётганда туюлаверади.

Аъёнлари уч-тұрт күн дам олинг, дейиңганида күнгән зди. Бирнинчи куниәк уйда қолиш дам эмас, азоб эканини хис қилиб шаҳар марказидаги кароргохига жүнаворди. Бугун ҳам әрталабдан сароймонанд хонасида аъёнларини кутмокда зди.

Чуврнди Самарқандга шириңсүв корхонасини иш-га туширишіга, Кесакполвон эса Марғилондаги муз-қаймок корхонасининг нима сабабдан тұхтаб қолганини аниклаш мәксадида кетишиганды зди.

Асадбек хонасига кириши билан хисобчини чакирди. Видеобарнинг ўнг томонидаги хона хисобчиники. Япон анжомлари билан иш юритувчи хисобчи Асадбекни қизиктирган ҳар қандай маълумотни бир лаңзада етказади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Вилоятларга тарикдай сочилган, кўриниши назарга тушмас даражада кичик, аммо фойдаси катта корхоналаридан хазинага пул аввалгида оқиб турибди. Асадбек винзавод масаласини ҳал қилиб олгач, бу хўжаликни тенг иккига бўлиб, аъёнларга беришни ният қилган. Аъёнлар буни билишади. Шу сабабли корхоналардан хамиша боҳабар бўлиб туришади.

Асадбек хисобчининг ахборотидан кўнгли тўлиб ўтирганида телефон жириңглади. Қўшни хонадаги қизлардан бири ёқимли овози билан гапириб, винзавод директори йўклиётганини билдириди. Асадбек мовий телефон гўшагини кўтарди. Икки соатча илгари винзаводдаги одамлар прокурор келганини билдиришган, Асадбек, «Қўркманг, биз ҳаммасидан хабардормиз», деган мазмунда кўнглига далда берган зди. «Бунга яна нима жин тегди», деган хаёлда гўшакни қулоғига тутди. Шарифнинг хавотирга тушганини овози ошкор килиб турарди. У Қилич Сулаймоновнинг қамокдан кочганини айтгач, Асадбек:

— Бўлиши мумкин эмас! — деди кескин.— Ким телефон қилди?

- Полковник Мусахўжаев деган одам.
- Каердан?
- Милисадан бўлса керак.
- Нима кўп, милисанинг идораси кўп. Нима кўп. полковник кўп.

— Тұғри... лекин Мусахұжаев биттадир?

«Яна ақл үргатади-я», деб гижинди Асадбек.

— Ваҳима қилаверманг. Килич Сулаймановдан үнта бұлса ҳам құркманг.

Асадбек иғвонинг исини туйган бўлса ҳам, керакли бир жойга қўнғирок килиб, аниқлаб беришни топшириди.

«Киличнинг қочиши ҳечам мумкинмас. Хохласа шундай ҳам чиқиб келади. Ё Ҳосил араплашдими? Қоғанлар унинг одамлари бўлса, балки шу гап ҳам тўғри чиқар. Бу бойваччанинг ғимирлаши яхши бўлмаяпти. Килични ўтказиб қўйиб бекор қилдимми?...»

Чорак соатга қолмай ҳаммаси аён бўлди. Қамоқдан беш киши кочгани тўғри, лекин Қилич Сулаймонов жойнда эди. Полковник Мусахұжаев деган одам эса йўқ. Демак, ифво! Қимга керак бу ифво? Максад Шарифни қўркитиб қўя колишими? Ё Асадбек салтанатига тош отиб, фашига тегишими? Қим бўлса ҳам нозик жойидан олган. Бегонанинг иши эмас бу. Асадбек бир тўхтамга келишга улгурмай Ҳосилбойвачча қўнғирок қилди.

— Акахон, тўйнинг чарчоқлари чиқай дедими? Аммо оламжашон зўр тўй қилдингиз-да! Ҳорманг, деб супракоқдига боришга вақт бўлмади. Тўйнингизнинг эртасига Фарғонага жўнаб кольдим. Бугун кайтдиму окахонни бир йўқлаб қўяй, дедим.

— Тинчликми? — деди Асадбек.

— Фалвали ишлар бор. Қўришганда айтаман. — «Камаз»га кетганлардан дарап борми? Қўлидан иш келадиган болалармиди ўзи?

— Бу ёғига хотиржам бўлинг, окахон. Ўнта «Камаз» сизники. Шу ҳафта ичи етказиб келишмаса, башарамга туфланг.

— Сиздай укахонларга ишонмасак, кимга ишона-миз, шунчаки сўраб қўйдим-да.

— Аммо тўйнинг жаннатнинг тўйидек бўлди-да! Биз ҳам шундай тўйларга етайлик, деб ният қилдик. Энди кичкинагина бир маслаҳатли иш бор. Куёвингизга бир хизматча чикиб турибди. Бир қадрдонимиз тўй...

— Ҳосилбой, жигарим, бунака гапларни ўзига айтинг... Мен «амма-холаси ҳаводор», деб ўтирадиган дастурхончи эмасман, шекилли?

— Узр, окахон, аввал олдингиздан ўтайдевдим-да... Ҳосилбойвачча узр айта-айта хайрлашди. Асадбек

гүшакни жойига күйиб, сүкнди. «Хайвон-е,— деди у.— энди калака қилиши бошладими? Нима демокчи? Отарчига киз бериб, унинг гумаштасига айландинг, демокчими?.. Максад нима? Элчинни тўйга айтишми? Ундан машхуррок отарчилар турганда-я? Ха, тулки! Элчинни тўйга олиб бориб, калака қилади. «Қўриб қўйларинг, Асадбекнинг кўёни керак бўлса оёғимни ўпади», дейдими? Нима учун қўнғироқ килди ўзи? Максад шуни сўрашмиди ё холимдан хабар олмокчи-миди? Шарифга шунинг одамлари телефон қилмаганими? Бу фалва кимга керак?..»

Асадбек шу тўхтамга келди. Катта урушларнинг майда қитмиликлардан боштаниши унга маълум. Хо-сиљбойваччанинг ягона хоким бўлишга тиришиши ҳам унга сир эмас. У тулки урушни ўзи бошламайди. Биринчи бўлиб қўл кўтаришга Асадбекни мажбур қилади. «Қани, ғимирлайвер-чи...» Асадбек шундай деб ғижиниб, ўтирган ерида Бўтқани чакирди.

— Жамшид шу ердами, айт, отарчинни... Элчин акангни топиб келсин.

— Хўп бўлади, Бек ака, окахон келгандилар.— Бўтқа шундай деб хушхабар етказгандай жилмайди.

— Қайси «окахон»?

— Жалил акамиз-да.

— Ўзими?

— Кўчада иккита чол турибди, бирга келишди.

— Қани, чакир-чи.

Жалил бироз кутиб колганми, тумтайганрок кўри-нишда кириб келди. Асадбек уни ўрнидан туриб кар-шилади.

— Киравермай, ўтирдингми?— деди Асадбек.— Бу-нака одатинг йўғиди-ку?

— Хурматинг бор, ошнам. Биз бир бекорчи одам бўлсак,— у шундай деб қўлтиғига кистириб олган эски газитга ўроғлик нарсани узатди.— Тўйга келолмадим. Яхши ўтқазиб олдингми?

Асадбек кулимсираб газитни оча бошлади. Жалил нима келтирганини у биларди. Билса ҳам дустининг қўнгли учун очишга мажбур эди. Очмаса Жалил бо-биллаб бериши тайин. Эски газитга эски калиш урал-ган эди. Бу ўша эски фалсафа — судраб юрган чори-фингни унутма.

— Тўйга келмаганингга гина килиб ўтирувдим, тинчлими ўзи, нимага келмадинг?

— Сен мени тўйга айтдингми? — Жалил овозини бир парда кўтарди.

— Биринчи бўлиб сенга хабар бердирганиман.

— Катта бўлсанг ўзингга, бу биринчидан, бойвачча бўлсанг хам ўзингга, бу иккинчидан, хўпми! Лайчаларингни юбориб тўйга айттирдингми? Ўзингнинг оёғинг етмадими?

— Энди ошна, тўйчилик, шошиб қоларкансан.

— Ўзингга ўхшаган бойваччаларни айтишга шошмагандирсан.

— Хўп, тавба қилдим, мен ахмоқман,— Асадбек хам овозини кўтарди,— ўзим бормабман. Ошна деган эшитса келаверади. Оғайнисининг ёнида далда бўлиб, кўл ковуштириб туради.

— Ха, бўпти, қўрккан олдин мушт кўтарар, деб жириллайверма. Нимага келдинг, деб сўрамайсанми?

— Бир ғалвани бошлиб келгансан-да, кўчадаги чоллар ким?

— Соли ота билан Жўра чўлок.

— Жўра чўлоғинг ким?

— Якинда келган. Собир қозоқнинг уйини сотиб олган. Танимасанг керак уни.

— Нима ишлари бор экан?

— Мен айттайми, ўзларидан эшитасанми?

— Чакир.

Асадбек Жалилнинг изидан чикиб, оқсоколларни видеобарда кутиб олди-да, тўрт кишига мўлжалланган устолга бошлади. Бўтқа буйрукни кутмаёқ, дастурхон безади. Қариялар ертўла хам шунака ажойибхонага айлантирилиши мумкин экан. деб хайратланиб ўтиришди. Бир пиёладан чой ичилгач, Соли ота деганлари оҳиста сўз бошлади:

— Энди ўғлим, биз отанг раҳматли билан вактида ошначилик қилганмиз. Тўғри одам эди. Бировнинг кўнглини оғритмасди.

— Жойи жаннатда бўлсин,— деб гап кистирди Жўра чўлок деганлари. Соли ота «гап кўшмай туринг», дегандай унга караб олди.

— Гап шуки, ўғлим, сиздан хам розимиз. Махаллага хизматлар килиб бердингиз. Хизматларингизни унутмаймиз. Аммо бир ишингииздан норозимиз, шуни айтгани келдик.

— Кўпчилик норози, яхши иш қилмабсиз,— деди Жўра чўлок,

Асадбек ажабланиб, Жалилга қаради. У «хозир ўзинг эшитасан», дегандай им қоқди.

— Ўғлим, биласиз, махалламиз эски, тўкиламан, деб турибди. Битта каталакдеккина уйда ўнта оила. Болаларимиз турмуш қуриб ўз уйларига сифмай ижараларда ўтиришибди. Бу эскилар качон бузиларкин, качон бизга ҳам уй тегаркин, деб кутавериб сарғайиб кетдик.

— Бунакада сил булиб кетиш ҳеч ғапмас,— деди Жўра чўлок. Соли ота унга яна бир марта норози киёфада караб олди.

Асадбек бу ташриф ташаббуси Соли отадан эмас, айнан шу чўлоқдан чикқанини англаб, ғижинди. Узоқдан бошлаган ғап моҳиятига етгунча токат қилди.

— Гапнинг индаллоси шуки, ўғлим, бултур уйлар бузилади, деб ўлчаб-нетиб кетишувди. Энди эшитсак, бузилмасмиш. Узунқулоқ ғапларга караганда сен тўхтатган эмишсан.

— Менми?— Асадбек ажабланди.— Ким айтди?

— Шамол бўлмаса, дараҳтнинг уни кимириламайди,— деди Жўра чўлок.

Асадбек унга ковок уюб қаради:

— Ўша шамол қаёқдан келди?

— Энди эшитдик-да, ўғлим. «Ота-онам яшаган уйни буздирмайман» деганишсан. Бир жиҳатдан сен ҳаксан. Менинг ҳам кўзим қиймайди. Саксон йилдан бери кўрганим шу махалла. Ўлигим шу уйимдан чикса армоним йўқ эди. Лекин иложим канча? Болаларимга ачинаман. Қўлим калталик килиб, тузукрок уй-жой эплаб беролмадим. йоҷорман-да...

— Соли ота, сиз шу ғапларга ишондингизми? Ҳукумат бузаман деса, мендан сўраб ўтиарканми? Мен ҳукуматга кимман? Ҳеч кимман! Одамлар гапираверади-да.

— Одамлар аҳмок эмас, бўлар-бўлмасга гапираверишмайди,— деди Жўра чўлок.— Сизнинг кимлигинизни биламиз. Қаёқка кўл узатсангиз етади.

— Шунақами?!— Асадбек қўлидаги пиёлани устол устига так этиб қўйди. Жўра чўлокка газаб билан тикилди.

Жалил ҳам, Соли ота ҳам иш бузилганини фахмлашиди.

— Майли, ўғлим, хафа бўлма, одамларнинг оғзига элак тутиб бўлмайди-да,— деди Соли ота вазиятни

юмшатишга ҳаракат қилиб. Аммо ғиши колипдан күч-  
ган, сухбатни давом эттиришнинг хожати йўқ эди.

Асадбек бир күнгли Бўткани чакиртиргиси, бу чў-  
локни кўчага улоқтиргиси келди. Ёнида ўтирган Жа-  
лил «ўзингни бос», деган маънода сонига туртиб қўй-  
маганида балки шундай киларди ҳам. Бироқ, факат  
жисман эмас, ақлан ҳам оқсок булганлар валдирагани-  
да жим ҳам ўтиrolmas эди. Бунакаларнинг «Бопла-  
димми!» деб чикиб кетишига йўл кўя олмас эди.

— Сен кимсан ўзинг? — деди Асадбек Соли ота-  
нинг гапига парво килмай. Унинг дабдурустдан санси-  
рашга ўтиши Жўра чўлоқни андак довдиратди. У жа-  
вобга оғиз жуфтламай туриб, савол яна такронлан-  
ди: — Ўзинг кимсан, деяпман. Махаллага битта тош  
қўйганмисан? Кеча келиб бугун ҳаммаёқни саситиб  
юрган сенмисан, ҳали?! Соли ота, ит етаклаб юриш  
одатингиз йўқ эди-ку, кариганингизда сизга нима бўл-  
ди? Бу агар махаллага сифмаётган бўлса кетига бир  
тепиш керак, чиккан жойига кириб кетсин.

Жалил тиззаси билан яна сонига туртди.

— Бўлди, кўй энди, — деди.

— Сен жим ўтир. Кимлигимни бу билмаса сен би-  
ласан-ку? Шунақа дейишса, бошлаб келавердингми?  
Агар қўлимдан келса... буздиримайман махаллани!  
Ҳаммаёқ бузилиб бўлди. Битта махалла қолсин. Аммо  
мана буни, — Асадбек қўрсатгич бармоғи билан Жўра  
чўлоқни қўрсатди, — йўқотинглар. Махаллага бегона  
аралашмасин.

— Сиз...

— Жўра чўлоқнинг гапи оғзида қолди. Соли ота  
дуога кўл очди.

## 2

Асадбек иғво килинганини, Килич Сулаймонов ка-  
мокда ўтирганини айтганидан кейин ҳам Шариф тинчи-  
мади. Эси оғиб қолган одамдай хонасида у ёқдан бу  
ёкка бориб келаверди. «Нимага иғво килишади, ким  
иғво килади?» деган савол миясига ўрнашиб олиб тин-  
чини бузди. Телефон кўнғироклариға ҳам жавоб бер-  
мади. Котиба биринчи марта эшик очиб, ажабланди.  
Иккинчисида «жиннирок одамми бу», деб чўчиди.

Шариф хонасиға сиғмади. Палтосини кийиб уйига

кетди. Қамоқдан кайтган куннинг эртасигаёк ўзи учун ҳам кутилмаган бир тарзда ҳовлисида қурилиш бошланган эди. Иккита ағдарма мошина пишик ғишт ташлаб кетганида «шўпирлар адашидиёв», деб ўйлади. Сўнг тўрт киши ғиштни ҳовлига таший бошлади. Сўнг тахта келди. Мардикорлар Шарифнинг саволига факат елка қисиши. «Бизга пул бериб буюришди, биз ишляпмиз», дейишдан нарига ўтишмади. Бу ҳаракатлар Асадбекнинг химмати туфайли бўлаётганини кейинроқ билди. Ундан кўра кўпроқ Насиба хавотирга тушди. Эрининг камалиши, пул сўраб ёзилган хат, сўнг тўсатдан озод бўлиши, кейин қурилиш... винзаводга бошкон бўлиш... Хар қандай аёлнинг эсини ўғирлаши турган гап. Аёлларнинг сочи узун, акли калта, деганлар уларнинг кўнгли сезгир бўлишини хисобга олмаган бўлсаллар керак. Хонадонлари боши узра ёпирилиб келаётган абри балони эрлардан аввалроқ сезадилар. Сезадилар-у, уни қайтаришга ожизлик киладилар. Ўасиба эрининг ёмон бир ўйинга аралашиб колганини сезиб турарди, аммо уни бу ўйин гирдобидан чиқариб олишга курби етмасди. Қурилишни қандай тўхтатсин, қандай килиб винзавод бошконлигидан бўшатсин? Шунча йил камтар ҳаёт кечириб, бирданига дабдаба бошланиши маҳалла назаридан четда коларканми? «Босиб кўйган пуллари бор экан, писмиклар!» дейишадими ё «винзаводга хўжайн бўлиб босар-тусарини билмай колди», деб гап тарқатишадими? Нечта одам керакли жойларга хат ҳам жўнатгандир...

Насиба бехос кириб келган эрини кўриб ажабланди. Оқарган юзига қараб «Тоблари кочибди», деб ўйлади.

— Усталар қани?—деди Шариф, хотинининг саломига алик олмай.

— Келишмади. Кеча «совукда ғишт термаганимиз маъқул», дейишувди.

— Хе, ношуд! Шуларни ҳам эплаб ишга солмагин! Бунакада юз йилда ҳам битмайди уйинг.

— Вой, мен уларга хўжайнманми?..

— Оғзингизни очиб ўтиравер. Каталакдай уйда катта бўлғансан. Сенга одамбашара уйнинг кераги йўқ. Ўтиравер!

Ўасиба эрининг авзойи бузилганини билиб, битта гапдан кола колди. Эр ғазаб отига миниб, килич ялан-гочлаган маҳалда хотинга кийин. Эрга пешма-пеш гап

топиб бериб турса ё калтак ейди, ё уйдан ҳайдалади. Битта гапдан колса яна ёмон — хотиндан жавоб қайтмагач, эрнинг ғазаб тошлари ичидаги қолиб, кийнаб юборади. «Нимага тумтайиб олдинг, гапларим ёқмадими?» деб бошка томонга хужумга ўтади.

Хозир ҳам шундай бўлди. Шариф бисотидаги ба-кирикларни ишлатиб бўлганича йасиба индамай тура-верди. Кейин уйга киришди. Шарифнинг назарида уй исиб, димикиб кетган экан. Йасиба бу учун ҳам гап эшилди. Шариф тажрибахонасига кириб бир пиёла ўтириб мусалласдан ичгач, ҳовури сал босилди. «Йа-сибага нима учун бакирдим?» деган савол уни инсоф кўчасига қайтарди.

Насиба ҳозир туриб кетадигандай диванда омонат ўтирап эди. Шариф унинг ёнидан жой олди.

— Бўлдими? — деди йасиба, зардали овоз билан. — Йафсингиз ором олдими?

Бир томон ўқларини отиб тамом килган, энди иккинчи томоннинг қарши хужумга ўтиши учун шароит етилган эди.

— Хм, гапларим ёқмадими? — деди Шариф, чекиниш нияти йўклигини маълум килиб.

— Ёқди, мойдай ёқди. Йима бўлди ўзи?

— Ҳеч нима. Усталарга жавоб бериб юборганингни...

— Усталарга мен жавоб берибманми? Усталар ишласа ҳам барибир, аламингизни мендан олардингиз. Айтинг, нима бўлди?

Энди чекинмаса булмайди. Итнинг феъли эгасига маълум, деганларидай, Насиба эрининг одатини билади. Качонки, ишхонада ё кўчада нохушликка дуч келса, аламини уйдан олади, кейин ҳасратини тукади.

— Мени ҳам одам каторига кўшишибди, — Шариф хазил оҳангидаги гапирмокчи эди, уddyлай олмади. Сўзлари лабидан титраброқ учди. — Биттаси телефон килиб, «Сулаймонов қамоқдан кочди», дейди.

— Адо бўлсин, қочса сизга нима?

Шариф «у сени ўлдирмокчи» деган гапни айтмади. Айтса, Насиба вахимага тушиши мумкин эди.

— Кочмаган экан, игво қилишибди.

— Вой, адаси, бу ишлар менга сираям ёқмаяпти. Қўйинг ҳаммасини, тинчгина ўтирайлик.

Чекиниш тадориги алдамчи экан. Мусалласга ал-

данган ғазаб бирдан бош күтарди. Хотинининг дилдан күйиниб айтган гапи унга ғараздай бўлиб туюлди.

— Сен тинчгина ўтири. Бошқалар менинг бошимга чиқиб олиб истаган номаъкулчилигини килаверсин, а?!

Қарши томон жавоб бермай, яна маъсумалик либосига ўранди. Шариф шарт ўрнидан туриб тажрибахонасига караб юрди. Насиба чукур уф тортиб кўйди. Шариф бир пиёлага қаноат килмай, яна биттасини бўшатгач, хонасига қайтди.

— Мен кимман, биласанми? — деди хотини олдига келиб. Насиба «кимсиз?» дегандай унга қаради-ю, яна индамади. Саволга Шарифнинг ўзи жавоб берди: — Мен олимман! Мени чет эл ҳам билади! Қайси академигингнинг орқасидан чет элликлар юрибди. Бу академикларинг, дўқтурларинг чет элга бориб колса, уларга ит карамайди. Чунки уларда илм йўк. Менда илм бор. Лекин сунядиган тоғим йўк! Энди тоғ топилди: Одамлар нима деса деяверсин. Мен факат ўша токка суняман. Намозовнинг кимлигини билиб кўйишсин. Мен ҳам ўша йўлимни тўсган академикларингга тупуриб ўтаман. Энди тинч ўтириш йўк, билиб кўй. Тинч юриб топганим камоқ бўлдими? Қамоқда чириб кетишим керакмиди?

Шу пайт қорнида кучли оғриқ қўзғалиб, гапини давом эттиrolмай колди. Букчайиб, уҳчиди. Насиба чаккон туриб, эрини елкаларини ушлаб, диванга ётказди-да, хандори берди.

— Насиб, бу ғалвалар ўткинчи. Биз ҳам одамларга ўхшаб яшайлик-да.

Насиба эрига караб бош чайкади.

— Шу пайтгача одамга ўхшаб яшаятувдик...

Жамшид бу хонадонга неча марта келган бўлса, ҳар сафар эшик очик бўлади. Шу сабабли жингироқни чалиб ўтирмай, тўғри ховлига кириб бораверарди. Бу гал ҳам шундай килди. Ҳовлини босиб ўтиб, уйга яқинлашди-да, «Хофиз ака!» деб чакирди.

Элчин уйида йўк эди. Видеода хиндча томоша кўриб ўтирган Зайнаб юраги сикилиб ўрнидан турган, бу онда дераза ёнида эди. Томошада икки ошиқнинг ковушганини кўриб, Жамшидни эслаган, уни кўргиси

келган эди. Яратган унинг охини эшишиб, Жамшидни бу хонадонга келтириб қўйсами? Яна қўнгиrok жирингламасдан дарвозанинг ёнидаги эшик очилди. У ўз уйига киргандай кириб келди. Зайнабнинг юраги эса потирлаб, жони ҳалкумига келиб қолди. Эт билан тери орасида мудраётган шайтон уйғониб, жувоннинг баданини ажиди бир ҳароратда исита кетди.

Жамшид уйга яқинлашиб, тұхтади. Їимадир деди. Зайнаб эшифтади. Жамшид иккинчи марта «Хофиз ака, ҳұй, Ҳофиз ака!» деганда унинг овози аранг қулоғига етиб келди.

— Хозир,— деди Зайнаб, аммо ўз овозини ўзи ҳам эшифтади.

Жамшид учинчи марта чакирди. Шунда Зайнаб дераза ёнидан қочиб, эшик томон юрди. Назаридә оёклари оғир, аранг юраётгандай эди. Аслида эса эшиккача учиб борди. Эшикни очди-ю, останада тұхтади. Ҳовли томон оёқ босишга журъати етмади. Чунки бу маҳалда хаё ҳам уйғониб, шайтон билан ихтилофни бошлаган, шайтон бераётган ҳароратни үчирмокка киришган эди. Яхшики Жамшид ҳам тұхтаб турарди. Агар у уй томон кадам қўйса, Зайнаб эшикни очик колдирған ҳолда чекинар, унинг чекиниши баробарида шайтон ғолиблик майини сипкора бошлар эди.

— Ҳұжайин йўқмилар?— деди Жамшид, дабдурустдан. У кўз олдида улғайиб вояга етган кизчанинг жувонлик оламида бу қадар латофат касб этишини кутмаган эдими, ҳархолда останада парирухсорни күриб андак довдиради. Ҳол-аҳвол сўрашни унутди. Жувоннинг чиройи аклини шоширган бўлса-да, қўнглига ёмон фикр ораламади.

— У киши ўртоқлари билан кетувдилар,— деди Зайнаб.

— Бек акам сўраятувдилар. Қаёқда бўлишлари мумкин? Ўртоқларини танийсанми?

— Қўевжура бўлган йигит-чи? Анвармиди отлари... Шу маҳаллада туришади. Чойхонанинг атрофида дегандай бўлувдилар...

— Бўпти, ўзим топаман. Қеп коса, адангни топсин. Иш зарил!

Жамшид шундай деб изига қайтди.

Зайнаб қўнглида киринг, чой ичинг, демокчи булди-ю, тилига чикмади. Жамшид яна бир нафас турса айттарди. Лекин у тўпори жувондан лутф кутмади. Кўча

эшиги ёпилгач, Зайнабнинг хўрлиги келди. «Йигит дегани ҳам шунчалик эътиборсиз бўладими?..»

У хонага кайтиб, яна дераза олдига келди. Яна кўча эшигига тикилди. Хаёлан жингалаксочли йигитни чакира бошлади. Хаёлидаги йигит изига қайтди. Эшик очилди. У жилмайиб кириб келди. Бу сафар «Хофиз ака!» деб бакирмай, «Зайнабхон!» деб шивирлаб келди. Зинадан кўтарилиди. Уйга кирди. Дераза олдига якинлашди. Унинг якинлашаётганини билса ҳам, Зайнаб хеч нарсадан бехабардай ҳовлига тикилиб тураверди. У орка томондан келди. Елкаларидан кучоклади. Зайнаб энтикли. Унинг илик нафаси бўйнига урилди. Баданини ловуллатиб юборди. Елкадаги бақувват қўллар бошка вазифа билан қўлтик остига юборилдилар... Шунда у ўғрилди... кўзи юмук ҳолда бўлса ҳам лабларини осонлик билан топди. Кейин у кўтариб олди. Ёток сари юрди. Юмшоқ тушак уларни бағрига олди...

Зайнаб энтикли, кўзларини очди. Хаёлидаги йигит учиб кетгандай бўлди. Ҳовли кимсасиз, кўча эшик ёпик эди. Хонада эса сулуви атрофда айланиб-ўргилиб эшилаётган хинд йигитнинг қўшифи хукмрон. У дераза ёнида турган ҳолда ўгирилиб, телевизорга тикилди. Шунака бахтиёр одамлар бормикин ё ҳамма менга ўхшаган бедавомикин, деб ўйлади.

Бу хонадонда бир аёлни бахтиёр этиш учун ҳамма нарса мухайё эди. Ўюшукурлик килмаса ҳам бўлади. Уй, емок-ичмоқдан зорикадиган томони йўқ. Эри бирор кўрса ҳавас килгули эркак. Лекин ширин орзуласар канотида сузиб улғайган қиз учун шунинг узи етарлими? Хўш, Жамшидга текканида бахтли бўлармиди, орзуслига етармиди?

Никохнинг иккинчи туни Зайнаб Элчиннинг гапларини эшита туриб «Сиз котилсиз!» деди. Зайнаб бу билан Ноиланинг ўлимини эслатмокчи эмасди. Элчин унинг ширин орзуласарини бўғиб ўлдирган эди. Бу котиллик учун камаш ҳам, отиб ташлаш ҳам мумкин эмас. Бундай жазосиз котиллар ер юзини пупанакдек босиб ётибди. Элчин — Зайнабнинг назарида шулардан бири.

Никохнинг иккинчи туни — куёв-келин учун мукаддас бўлмиш тунда, Элчин Ноиланинг ўлимидан сўз очиб, хотинига пичок урмаганини айтди. Зайнаб бу гапларга эътибор бермади. Чунки онаси тўйдан олдин уни юпатиш мақсадида «сен ундан қўркма, хотинини у ўлдирмаган экан, тухмат билан камалган экан, да-

данг айтдилар», деган эди. Зайнаб бу гап факт овутыш учун айтилдими ё чиндан ҳам шундайми, билолмайди. Элчиннинг үзини үзи оқлаши унга эриш туюлди. Унинг назарида бу эркак паст кетгандай бўлди.

— Менинг нима айбим бор эди, мени нима учун хўрладингиз? — деди Зайнаб, эзилиб ўтирган эрига караб.

— Сизнинг айбингиз йўқ... Аммо Ноилани адангиз ўлдиртирган. Номус азобини тотиб кўриши лозим эди.

— Ўч олдингизми?

— Ха, ўч олдим.

— Энди-чи?

— Нима энди?

— Кўнглингиз жойига тушдими?

Элчин жавоб бермади. Хотинига маънодор караб кўйди. Унинг рўпарасида мӯъминна Манзуранинг қизи эмас, каҳрли Асадбекнинг қизи ўтиради. Зайнаб одоб жихатидан онасига тортган бўлса-да, баъзан юрагида ғалаён уйғониб, отасига ўхшаб қоларди. Хозир паст кетиб ўтирган эрига караб, «Мен ҳам сиздан ўч олсанчи?» демокчи бўлди-ю, тилини тийди. Аммо хаёлида уйғонган шу ўй унга ҳакикатдай туюла бошлади. Зайнаб унга «Сиздан қасос оламан» демади. Саволига жавоб берилмагач, бироз сукут саклади-да:

— Сиз котилсиз! — деди катъий. Бу — қасос баҳридан сув ичгучи ҳукм эди. Элчин буни англамади. Рўпарасидаги гўзал мавжудот қасос олишга ҳақли, ўч олмокқа курби етади, деган тушунчадан у узок эди.

Элчин «ўзимнинг айбисизлигимни билдириб қўяй, бу уйда сикилтасин, қўрқмасин, эркинрок юрсин», деб янглишган эди. Нохуш кайфиятдаги аёл олдида ярим карич бўлса-да, чекиниш оқибати мағлубият жарига кулаш эканига унинг акли етмади. У хушсурат бўлгани учун расидалик чегарасидан ўтмаёк кизларнинг ҳумор кўзлари таъкибинга учраган эди. Қўшиклари билан довруқ таратгач, жаннатда парилтар билан юргандек хис қилди үзини. Ана шунданми «аёл қалбини сеҳрлай олувчи куч бор менда», деб ишонарди. Асадбекнинг қизини ҳам сеҳрлаб олажагига амин эди. Оллохнинг ҳар бир бандаси каби Элчин ҳам мағрурлик ва худбинликдан бебахра эмасди. Мағрурлик ва худбинлик баравар уйғониб, бирлашса уни маҳв этарди, тўғри йўлдан адаштиради. Никохнинг иккинчи туни шундай бўлди...

Үшандан бери Зайнаб бу хүшсурат машхур ашулачы билан бир түшакда ётади. Үгирланиб, коронги уйга камалганида қўркувни хайдаб чиқара олган, нафасини кайтарган, баданига илиқ харорат берган ғалати хис йўқ. Элчиннинг эркалашлари, эҳтирослари унга таъсир этмайди. Үзини худди эртаклардаги тош маликадай совук хис этади.

Кинодаги қизнинг кичкириғи Зайнабнинг хаёлларини тўзитди. Беихтиёр үгирилиб, тамошага қаради. Хозиргина жуфти билан яйраб ашула айтаётган киз, кўзлари косасидан чуккудай ахволда, даҳшатга тушиб ўтирибди. Рўпарасида.. икки лунжини шишириб олган илон тебраняпти... «Хозир йигити келиб таёк билан уради», деб ўйлади Зайнаб. Чиндан ҳам йигит келди, аммо қулида таёк эмас, милтиқ бор эди. Бир ўқ билан илон жон берди... Улар яна қовушдилар...

Зайнаб хаёлан ўзини шу киз ўрнида, эрини эса тебранаётган илон ўрнига кўйди. Бу илонга ким бас кела олади? Жамшидми?

#### 4

— Хозир боролмайман, деди. Ошнаси унга бир нарсаларни ўкиб беряпти шекилли?

Жамшид шундай деб, айбор бола сингари бошини эгди. У хўжайн буйруғини адө этолмади. Отарчини топди-ю, олиб келолмади. Тўйдан олдин бўлганида қўл-оёғини боғласа-да, буйрукни бажаарди. Энди унинг «куёв» деган унвони бор. Кўёвни пайғамбарлар сийлаганида Асадбекнинг югурдаги сийламас эканми?..

Асадбек жагига мушт еб, гангигандай бўлди. Нима бу — нозми, тўнкаликоми ё атайин ғашига тегмокчими?..

— Ошнаси ким? — деди Асадбек, гангиганини яширишга уриниб.

— Жиннихонада ётган олим экан.

— Қанақа олим?

— Тарихчи экан. Ўн йилдан бери кичик илмий ходимликдан бир энлик ҳам силжимабди. Бетгачопаррок экан. Хўжайнини бехурмат киларкан.

— Хўжайнини бехурмат килса... тузук-ку? Ким экан хўжайнини?

— Катта олиммиш, Ҳолидий деган. Жиннихонага ўшанинг буйруғи билан ётқизилган экан.

- Жиннилиги ростми?
- Соппа-соғ дейиши-ку?
- Кани, опачанг билан ула-чи, мени.

Жамшид телефон гүшагини күтариб, рақамларни чакконлик билан терди. Табиббоши хонасида йўқ экан, уни топиб келгунларича пича фурсат ўтди.

— Холидий деган одам сизга бўйруқ берадиган бўлиб колибдими?— деди Асадбек табиббошининг саломига алик олмай.— Кимнинг кудаси? Шундан кўркдингми? Биз-чи, биз гурда эканмизми? Ким у йигит, Анварми, соғмиди? Хаддингиздан ошманг. Яна соғлар борми? Холидий-полидийларни-чи...— Асадбек гапни калта килиб қўя колди.

Асадбек телефон гүшагини жойига қўймай, ушлаганича ўйга толди. «Қуёвнинг дўсти иш бермасмикин», деб саволига жавоб излади. Сўнг бир карорга келиб, Жамшидга каради:

- Холидий тузукрок олиммикин ўзи?
- Билмадим.
- Ким билади? Депутатни топ.

Жамшид ўрнидан турган эди, Асадбек қайтариб, телефон гүшагини унга узатди:

- Телефонда топ. Ҳозир керак.

Депутатни топиш осон бўлмади. Топилгач, Асадбек салом-аликсиз саволга тутди:

- Холидийни танийсизми, канака олим у?
- Холидийми,— депутат пичинг қилди:— Олим эканми?
- Канака олим деяпман?
- Олим эмас у, луттибоз.
- Канака ишлар қилган?
- Ўзбекни босмачига чикарган шу-да. Ишларини яхши билмайман. Ўтган йили мукофот олган битта китобини кўрганман. «Туркистонда буюк йўктабр ғалабаси», деганими.. хуллас номи шунга ўхшаш. Икки бет ўқиб кўнглим айниб кетган.
- Шогирдлари ким? Душмани ким?
- Душмани мен.
- Китобини ўқимай туриб душманман, дейсизми?
- Унинг китобини ўкиш шартмас.
- Шогирдлари-чи?
- Институтнинг ҳаммаси шогирди.
- Институтда уни ёмон кўрадигантар йўкми?
- Ким билади, балки бордир. Бўлсаям майдарок

одамлар орасидан чиқади. Йирикларини танийман, унга пахта қўйиб юради ҳаммаси.

Асадбек учун бошқа гапни ҳожати йўқ эди. Раҳмат ҳам демай, гушакни жойига қўйди-да, бир қарорга келиб, ўрнидан турди.

Жамшид «қаёқка?» ҳам демай, унга эргашди. Асадбекнинг хохишига кўра Анварнинг уйига караб жўнашди. Шом коронгуси чўка бошлаган эди. Эски шаҳарнинг тор кўчалари эритаётган кордан балчик холига келганидан юриш кийинлашган эди. Жамшид машинани авайлаб хайдаб бир дарвоза ёнида тұхтади.

— Кара-чи, ҳали ҳам шу ердамикин?— деди Асадбек.

— Шу ерда бўлса судраб чиқаверайми?— деди Жамшид.

— Мен сенга «караб кўр», дедим!

Жамшид ортиқча гап айтиб юборганидан изза че-киб, машинадан тез тушди. Одати бўйича кўнғироқ чалмай очик дарвозадан ичкари кирди-да, ҳаялламай тез кайтди.

— Уйда ўтиришибди, Анварнинг хотини ошхонада. Пастда онасининг уйи бор. Бошқа ҳеч ким йўқ.

— Сен шу ерда ўтиришибди.

Асадбек шундай деб машинадан тушди. У ҳам ҳовлига ҳеч бир огохлантиришсиз кириб борди-да, чироги ёниб турган уй томон юрди. Ичкари кириб, меҳмонхона эшигинн кия очди. Ўртадаги устол устига дастурхон ёзилмаган, китоб-коғозлар бетартиб сочилиб ётибди. Икки ошна устол атрофига эмас, пастда ўтиришибди. Элчин эшикка орка қилиб, чордана қуриб олган. Юзини дераза тарафга қаратган Анвар эса мук тушиб бир нарсаларни ўқияпти. Асадбек умри бино бўлиб битта китобни ўқиб чиқмаган. Уни аслида китобга рағбати йўқ, «ишқи йўқ эшшак, дарди йўқ кесак», тоғфасидан десак, ҳакиқат юзига оёқ босган бўламиз. Асадбекнинг болалиги ўзингизга кисман бўлса-да маълум. Еши улғайгач, у юрган кўчаларда китоб ўқилмас эди. Шундай бўлса-да, Асадбек китоб ўқиётганларни кўрса ҳаваси келарди. Юрагина ўқишга иштиёқ уйғонарди. Шунданми, қизининг бетұхтов мутолаасига сира монеги қилмаган. Аксинча, уйни китобга тұлдириб ташлаган. Аникроғи бу ишни унча-мунча ўқиб тургучи Чувринди амалга оширган.

Асадбек гап пойлаш учун эмас, йигитларнинг мутоб-

лаасини бир зумгина бўлсин, кузатиш учун остона  
хатламади.

Анвар китобни қўйиб, коғозларни титкилади-да,  
бир варакни олиб Элчинга каради:

— Мана бу ерда яҳши бир ҳикмат бор: «Ҳари Исо  
ба сўйи каъба равад, боз оя ҳамон хар башад». Мазму-  
нини тушунмадингми? Исонинг эшаги минг марта Каъ-  
бага боргани билан эшаклигича колаверади.

Элчин кулди.

— Зўр гап, лекин, ашулага тушмайди. Ашула бў-  
ладиганини тои.

— Ашулага мана буниси бўлар,— Анвар бошка  
коғоз олиб ўқиди:

Ман мўйи хершо на аз он мекунам сиёҳ,  
То баз нав жавон таваму нав кунам гуноҳ  
Чун жамоҳо ба вакти мустнбан сиях кунанд.  
Ман мўй аз мусибати пирий кунам сиёҳ...

— Бунинг маъноси зур,— Анвар коғоздан бош кў-  
тариб, Элчинга каради.— Сочимни бўяб корайтириш-  
дан максад қайтадан ёшариб гуноҳ килиш эмас. Кора  
тўн мотам рамзи бўлгани сингари, сочимни корайти-  
ришдан максад — утиб кетган ёшлигимга мотам ту-  
тишдир... Икки байтни айтиб, кейин Замоналига ўх-  
шаб, торингни қўлтиқлаб олиб, мазмунини тушунтир-  
санг, одамлар койил колаверади.

— Бўпти, шу руҳимга мос тушар экан. Консер-  
тинг номини ҳам «Ёшликка тутилган мотам» десам, а?

— Шунака десанг консертингга бирор тушмайди.  
Консертга одам акл ўрганаман, деб келмайди. Сен  
консертингни Турди Фародийнинг ғазали билан очгин,  
одамларга ҳозир шунака гаплар таъсир килади. Ма-  
на эшит:

Тор кўнгуллик беклар, ман-ман деманг, кенглик  
килинг,

Тўксон икки бовли ўзбек юртидур, тенглик килинг...

Асадбек айвонда шарпа сезиб, ўгирилди. Қўлида  
патнис ушлаган аёлни кўриб, ярим очик эшикни аста  
такиллатди. Иккала ошна эшик томон баравар қараш-  
ди-ю, кутилмаган ташрифдан ажабланиб, бир зум ха-  
ракатсиз колишиди. Хайрат тўрини биринчи бўлиб Ан-  
вар узиб чиқди. Чаккон ўрнидан туриб, чакирилмаган  
мехмонга пешвоз чикиб салом берди. Элчин ҳам ўрни-  
дан туриб, қайнотасига норози қиёфада бокди.

— Ўқишига берилиб, чакирганимни эшитмадинг-

лар,— деди Асадбек остона ҳатлаб, ичкари кириб. Айвондан ўтиб, даҳлиз эшигини очган Хонзода мемонхонага кираётган кишини кўриб, тўхтади.

Асадбек палтосини ечиб, устул суюнчиғига ташлағунча, Анвар устол устини йиғиштиришга киришди. Бу орада Хонзода ҳам кириб, дастурхон ёзди.

— Келин, сиз хеч нарсага овора бўлманг. Мен хозир тураман,— деди Асадбек.

— Ҳар куни келиб юрибсизми, ака,— деди Анвар, хотинига ёрдамлаша туриб.

Анвар Асадбекни бугун иккинчи марта кўриши. Даствор тўйида кўрган, «одамлар айтгандай даҳшатли эмасга ўҳшайди-ку», деб кўнглидан ўтказган эди. Бугун унинг кириб келиши уни бироз шоширди. Асадбек дастурхонга хеч нарса кўйдиртирмади.

— Хозир ўқиган шеърингизни эшиитдим. Кучли ёзилган экан. «Тенглик қилинг, кенглик қилинг», деб. Ҳудди бизга атаб ёзибди. Бир-биримизни бўридай ғажиб юрибмиз-да хозир,— деди Асадбек. Очик кўнгилда айтилган бу гапни Элчин ўзи томон отилган тошдай билиб, ғижинди. Қайнотасининг рўпарасига ўтириб, хўмрайди.

— Бўридай десангиз, бўрилар хафа бўлармикин,— деди Анвар, дўстидаги ўзгаришни сезмай,— бўрилар ахил яшашаркан.

— Бу гапингиз ҳам тўғри,— деб кулимсиради Асадбек.— Энди сиз тилчисиз, гапга тўн кийдирворасиз.

— Мен тарихчиман.

— Ха, энди тарихчилар ҳам гапга уста бўлишади. Сизнинг... Ҳолидий деган домлангиз бор, а? У муттаҳам ҳали ҳам бутун ўзбекни босмачи деб юрибдими?

Элчин Анварга, Анвар Асадбекка ажабланиб кашади. Асадбекнинг Анварга ёқиб колиши учун шу гап ўзи кифоя килди. Асадбек йўл-йўлакай уйлаб, мулжални аник нишонга олган эди. Бу гапдан кейин Элчин ҳам бироз юмшади. Асадбек бу гапни тарихчилар ишини муттасил кузатиб юрадиган зиёли одам сифатида айтигани учун ҳам ишонарли чиқди. Унинг депутат билан сўзлашгани, унинг айтганларидан керакли хуолоса чиқарив олганини бу икки ошна билмас эди.

Анвар «халқ отаси»нинг мунофикалигидан гап очилса, ўзини тутиб тура олмас эди. Эл орасида ёмон ишлар билан қўркув солиб юрган одамки, бу ҳакда сўз очдими, демак, Ҳолидий мунофикагина эмас, муртад ҳамдир,

деган тушунча унинг гап халтасини очиб юборди. Анварнинг хозирги ахволини кўрган одам уни ўз уйнда эмас, илмий кенгашда маъруза киляпти, деб ўйлар эди.

— Мана, Қўкон мухториятини олинг. Ленин ўз хукукларинг ўзларингда дедими, деди. Пўлша ўзига мустакил бўлдими, бўлди. Эстония, Латвия, Литва, Финландия ажralиб кетдими, кетди. Булар ҳам худди биз каби Русия империясининг мустамлакалари эди-ку? Улар мустакил бўлиб кетишиди. Биз бор-йўғи мухторият талаб киlgан эдик. Қаранг-а, мухториятга ҳам кўнишмади. Ленин Московда туриб олиб, «Мазлум шаркка озодлик бердик», дейди. У ёқда мазлум халк-нинг кони дарё бўлиб окади. Қўкон мухториятини ким конга ботирди? Ўрисларми, большевикларми? Йў-ўқ, бу ишни турк конига ташна дашнокларга қўйиб беришиди. Мен буни тарихий далил асосида исботласам у падарлаънат «Сизнинг хulosangиз миллни низо келтириб чиқаради», дейди. Бир одамнинг ўт пуфагида тош бор. Шуни олиб ташлаш учун корнини ёришди. Шунда жарроҳ «ут пуфакка тиф тегса жигар хафа бўлади, яхиси кур ичакни олиб ташлайлик», деб турса, касал бечора дардини кимга айтади?!

Хонзода чойнак-пиёла кўтариб киргач, Анвар оташин нуткини тўхтатди. Асадбек Анвардаги туйғудан узокрок бўлса ҳам, гапларини эшишиб, унга нисбатан меҳри уйғонди.

— Сиз билан бир гаплашадиган экан. Койилман,— деди Асадбек, Анвар узатган пиёлани олиб.— Мен ўртоғингизга бир гап айтай, деб кирган эдим. Сиз ҳам эшиштинг, маслаҳат беринг. Элчинбой, сизни кечами ё бугунмми ҳеч ким тўйга айтмадими?

— Йўқ,— деди Элчин тўнг охангда.

— Агар айтса, кўнманг. Умуман якин орада тўйларга бормай туринг.

— Нимага? — Ҳа, энди... чиллалик одамсиз.

— Аникрок гапираверинг.

— Аникроғи шуки... Сиз санъатдаги обрўйингизни тиклаб олишингиз керакмикин? Тўйда... ҳар хил одамлар бўлади. Сизларнинг ораларингизда ҳам ҳасадгўйлар бор. Битта яхши ашула чикарсангиз халк эшишиб хурсанд бўлади, ҳасадгўйларингиз эса куйиб кетади. Яна ҳам аникрок айтсан, гап шуки, энди сизнинг обрўйингиз менинг ҳам обрўйим. Сизни... ўғлим деганман. Анваржон, сиз гувоҳсиз, ўртоғингиз куёвим эмас,

ўғлим. Чет элдаги ўғилларим келишса, ака-ука бўлиб кетасизлар, худо хоҳласа. Мен ир нарсанинг исини сезмасам гапирмайман, тўйларга бормай туринг.

Асадбек гапни маслаҳат оҳангига бошлаб, буйруқ тарзида якунлади.

## XVII Б О Б

### 1

Хасталик варакасида белгиланган муддат ниҳоясига етган бўлса-да, Анвар ишга чиқкишга шошилмади. Тоғасининг чордоғидан олиб келган китоблару коғозларни ўқиб чиқканидан кейин ҳам бир кун уйда хаёл сурниб ётди. Зуннунийнинг қўлёзмасидан бобосининг нима учун фойдалана олмагани маълум эди. Ҳакикатни айтишга бобосида журъат ётишмаган. Етишган тақдирда ҳам унга ким йўл қўяр эди? Закийлар жисмини тишлаб олурга тишлари бурро, аммо илмга тишлари ўтмайдурганлар замони түккан чокда ҳакикатни дегувчилар оҳини ким эшитарди? Зуннуний қўлёзмасини бобоси ёкиб юбормай асраб қўйибди — шунинг ўзи катта гап. Бу коғозлар, китобларни тоғаси жонни гаровга кўйиш хисобига саклаган. Унинг ўлимидан кейин эса кераксиз матоҳ сифатида улоктирилган. Яхши ҳамки, чордокнинг бир чеккасида уларга жой топилибди. Ўттизинчи йилларнинг оловларидан олиб колинган китоблар, фарзандларнинг оқибатензлиги туфайли ёқилди, ахлатхоналарга ташланди. Анвар шуни ўйласа худди бирор тирноқларини омбурда суғураётгандай азоб чекарди. Хаёлига ёмон фикр келганида ёки нохуш воқеага учраганида аҳли муслим калима келтиргани каби, Анвар бу пайтда шонрдан ёд олган сатрни такрорлайди: «Қачон ҳалқ бўласан, сен эй, оломон...»

У ўша оломоннинг бир қисми билан ҳар куни ошкатик бўлишга мажбур. Вазифалари оломон кўзини очмокдан иборат бўлган, ўзларини «олим» деб атовчи одамларни кўргиси келмаса ҳам ишга боришга мажбур. Хотини «Қўйинг, ўша шингизни, бўшанг», дейди. Бўшаб кетишдан осон иш йўқ. Оч колмайди, мардикорлик киlsa ўн баробар кўп пул топади. Лекин кимдир ҳакикатни очиш учун жонини берниши керак-ку?

Ҳамкасларининг айримлари унинг «тузалиб чик-

канидан» астайдыл қувониши. Айримлари шунчаки күнгил учун хол-ахвол сүраб қўйиши.

Хонасига кириб ўзининг ўрида чиройли жувонни кўрдио феъли айниди. «Яна бир амалдорнинг келини ишга олинибди-да», деб ўйлади. Институтнинг ярмидан кўпи келишган аёллардан иборат — бирни кимнингдир кизи, кимнингдир келини, синглиси... Анвар Ҳолидийнинг усталигига баъзан тан беради. Бу аёлларни ишга олиш билан Ҳолидий юкори томондагиларга яхши кўринади, энг муҳим — тарих илмига бегона бўлган бу жононлар «устоз Ҳолидий» сутни кора десалар ҳам маъқуллаб чапак чалиб ўтираверадилар. Оппок бўйинчаларига Ҳолидийнинг нафаси текканда кўзлари ҳумор сузилиб коладиганлари эса тез орада фан номзоди унвонига эриншадилар. Анвар ўрида ўтирган жувонни ҳам шундайлардан деб ўйлаб, ғижинди. Аммо, ҳамхоналари билан сўрашиб бўлгач, жувон ўридан туриб хижолатлик билан салом берди-да, «Мен сизни кутиб турувдим», деди. «Мен ҳам чиройли жувонлар кутишга арзирли одам бўлиб колдимми?» деб ўйлади Анвар.

— Бир хафтадан берни кутадилар,— деб изоҳ беринди ҳамкаслари.

— Бу йил ўкишни битирятувдим,— деди жувон. Унинг ийманиб гапиришидан дорилғунунни битириш ҳам айб иш экан, шекилли, деб ўйлаш мумкин эди. Анвар уни хижолатликдан кутказиш учун гапни бўлди:

— Қайси факультетни?

— Тарихни... Диплом ишин олувдим. Суннат Жўраевич энг олдин сизга учрашишмни айтдилар. Шунга..

Суннат Жўраевич деганлари Анварнинг курсдоши. Толиблик даврларида тарих илмининг авра-астарини ағдариб ташлаш ишқида бирга ёнишган. Суннат факультетда ишга колиб, тез сунди. Шу сабаблими, улар анча узоқлашиб кетган эдилар. Нечукки энди йўқлаб колибди?

— Қайси мавзуни отдингиз?

— Дукчи эшон кўзғолонини.

— Зўр мавзуни танлабсиз-ку? Лекин мен... нима ёрдам беришим мумкин? Сиз... Ҳолидий деган буюк олимни эшитганмисиз? Бу даврни сув килиб ичиб юборган одам ўша. Масковдаги ўрис олимлар бу кўзғолон «прогрессив аҳамиятга эга», дейишганида мактаб

китоб ёзганлар, таксиrimиз. Кейин партия бу кўзғолон диний йўналишдаги кора иш деб баҳо бергач, яна бошқа китоб ёзганлар. Сиз хоҳлаган китобингиздан фойдаланишингиз мумкин. Суннат... Жўраевич нима деяпти? Бу кўзғолонни прогрессив деб туширияптими ё аксинчами?

Анварнинг феълидан бехабар жувон нима дейиншини билмай довдираб қолди. Яхшики домласи «Анваржон озгина қўполрок, эътибор берманг», деб огоҳлантирган эди. Бўлмаса чикиб кетишга ҳам тайёр эди.

— Сиз Суннат Жўраевичингиздан сўраб келинг, шунга караб гаплашамиз.

Жувон бу одам билан сухбатлашишнинг ҳожати йўклигини билиб, эшик томон юрди. Анварнинг ёнидан ўтаётib бир зум тұхтади:

— Кечирасиз, домла, тарихга икки хил кўз билан караб бўлмайди,— деди. Жуда ширин, аммо кескин тарзда айтди-да, тез-тез юриб чикиб кетди.

Анвар шундагина унга бу гапларни бекор айтганини фаҳмлаб, изза чекди.

— Анваржон, ёрдам бера қолсангиз бўларди. Бечора бир хафта кутди,— деди рўпарада ўтирган аёл, унга ялингандай караб. Шу гап мадад бериб, Анвар шарт бурилди-да, жувонни орқасидан югурди.

— Синглим, тўхтанг,— деди Анвар, унга етиб олгач,— Хафа бўлманг. Ўзим шунака тўнгрок бўлиб туғилғанман. Шошилмаётган бўлсангиз, гаплашиб олайлик.— Анвар уни даҳлизга кўйилган юмшоқ курсиларга бошлаб, сўнг ўтиришгач сўради:— Нималарни ўқидингиз?

— Сиз айтган иккала китобни. Кейин Faфуров деган олимнинг китобини.

— Хуш?

— Бир-бирига карши фикрлар. Faфуров 1949 йилда бу кўзғолонни ижобий баҳолаганда «тоҷик ҳалқининг чоризмга карши кўзғолони», дейди. 1953 йилда эса «фавқулодда реакцион ҳаракат», деб баҳолаб «ўзбек ҳалқининг ҳаракати» дейди.

— Ана шунака-да! Масковда канака куй чалишса, булар ўшанга караб ўйнайверишади. Тарих буларга ўйинчок! Сиз ўзингиз қандай фикрдасиз?

— Мен ҳали ўрганиб чикишим керак.

— Прогрессив десангиз, булар қўймайди. Холидий

диплом ишингизни ўқимаса ҳам, ис олиб юрадиган шогирдлари бор. реакцион десангиз...

— Мен ҳакикатни дейман.

Кескин тарзда айтилган бу гап Анварни хайратга солди. «Бу дунёда ҳакикатни айтишни истайдиган одам колмаган», деб юрганида чиройлигине жувон шундай деб турса-я!

— Кечирасиз, синглим, хўжайнин каерда ишлайдилар?

— Мактабда.

— Ота-оналари-чи?

— Улар ҳам мактабда. Нимага сураяпсиз?

Анвар кулимсиради:

— Тўғрисинни айтсан, сиз ҳакикатни ёзсангиз-у, улар амалдор бўлсалар ишлари юришмай колармикин, демокчидим.

— Бизнинг қўрқадиган жойимиз йўк.

— Сиз шу ерда илмий иш килишингиз керак экан.

— Йўк. Мен ҳам мактабга бораман. Ҳакикатни энг аввал болаларга айтиш керак.

Ярим соат олдин бирор келиб «шундай аёл бор», деса Анвар ишонмасди. Ҳозир ҳам кулоқларига ишонмай ўтирибди. Чиройли жувонлар шунака ерларда ишлашни орзу килишарди. Қелиб-кетиб юришса бас, жон кўйдирilmайди, маош эса унаверади. Узоқ йиллар ишлагани учун «мехнат фахрийси» деган нишонлар олади... Бу жувон эса...

— Дафтарингизни очинг, — деди Анвар, гапни бирдан бошка томон буриб. — Ўқийдиган китобларингизнинг рўйхати: Остраумов, генерал-лейтенант Королков, генерал-лейтенант Терентьев, княз Мансирев. Буларнинг гапларини архивдан топиб ўқийсиз. Салков, Наливкинларни кутубхонадан топасиз. Сиз қўзғолонни Мингтепадаги масжиднинг қулашига боғламанг. Қўзғолоннинг илдизини энг камида ўрусларнинг Тошкентни босиб олишларидан бошланг. Бу ўқ илдиз бўлади. Қушимча илдизлар — Қурбон додҳо, Пұлатхон, Етимхон, Дарвешхон, Собирхон қўзғолонлари. Тошкентдаги «Вабо исёни», «Оқбўридаги исён, Қўкон хонининг исёни... Буларсиз Мингтепа қўзғолони ҳакида тўғри хуласага келиш кийин. Шулар билан танишиб чикканингиздан сўнг яна гаплашамиз.

Жувон Анварнинг гапларини тез-тез ёзиб олди-да. «бўлдими?» деган савол назари билан каради.

— Зарур гап чикиб қолса, уйнинг келишингиз мумкин.

— Шу ерга кела коламан. — Жувон шундай деб ўрнидан турди.

Анварга унинг бу қарори ҳам ёқди. Кўнгли равшан тортди.

Жувонни кузатгач, хонасига кайтмокчи бўлиб бурилган чоғида даҳлизда келаётган Ҳолидийга кўзи тушиб, тўхтади. Одатдагидай башанг кийинган Ҳолидийнинг ёнида суйган шогирларидан бири Ўлмас Акром келарди. Анвар ўзидан бир йил кейин келган бу дўмбок йигитни «гўсала» дер эди. Лакаб Ўлмасга жуда мос тушган, у туйиб сут эмган бузоддай бегам, бирор сўксса ҳам, мактаса ҳам бир ҳолда илжайиб тураверарди. Гусала колхозлаштиришда матбуотнинг рўли деган мавзуда аввал номзодликни, икки йил ўтмай дўктурлик диссертациясини ёқлаб олди.

Анвар рўпарасидан келаётган устоз-шогирдни кургиси йўқ эди. Улар билан сўрашмасликнинг бирдан-бир йўлни — шарт бурилиб кетиш. Лекин Анвар бундай килгиси келмади. Улар томон юрмади ҳам. Индамай тураверди. Ҳолидий Ўлмаснинг елкасига қўлини ташлаб, Анварга яқинлашди.

— Ие, мулла Анваржон, бормисиз, соғ-саломатмисиз? — у шундай деб лабини тили билан ялагандай бўлди-да, Анварга қўлини узатди.

Анвар унинг башарасига қарамай қўл узатди. Чунки Ҳолидий жилмайганида унинг башарасига караган одам барака топмас эди. Худо Одам Атони ясаётганида ишни оёқдан бошлаганми ё бошданми, Анварга номаълум. Лекин, унинг назарида, Ҳолидийнинг оёқ-қўли, бадани аввал ясалган, кейин нима ясаётгани эсдан чикиб, елка устига одамнинг эмас, маймуннинг боши ўрнатилган.

— Анвар Сатторович, тузалиб кетдингизми? — деди Ўлмас ҳам унга қўл узатиб.

— Касал эдимми? — деди Анвар унга каттиқ тикилиб. Ўлмас жавобга сўз тополмай, устозига каради.

— Ўлмасжонни табриклидингизми? — деди Ҳолидий яйраб жилмайиб. — Ҳозир академия тасдиғидан ўтиб келяптилар. Институтга директор бўлдилар. Мен ўттиз беш йил директорлик килибман. Етар, а? Энди ишни сиз — ёшларга топширамиз. Илмий котибликка

мен сизнинг номзодингизни кўрсатган эдим. Йўқлигин-  
гиз панд берди.

— Ким сайланди?

— Наима Султоновна.

— Эски ҳаммом, эски тос.

— Тушунмадим? — деди Ҳолидий, юзидағи сохта  
жилмайишни асрарган тарзда.

— Сиз ўттиз беш йил қандай ишлаган бўлсангиз,  
буларингиз уч юз эллик йил шундай ишлашади.

— Яхши эмас, мулла Анваржон, булар тенгдошли-  
рингиз. Энди замон бошка. Бир-бирингизни авайлаб  
ишланг. Мана, биз бир-биримизни аямовдик, нима бўл-  
ди? Мени йигирма беш йилга камашди. Сталин ўлма-  
ганда ўтирадим. Баҳтимга тезрок ўлди.

«Бирорвнинг ўлимидан булар баҳт топишади, ки-  
зик», деб ўйлади Анвар.

Ҳолидийга худо берди. Ўзини макташга баҳона  
топилди. Бундай пайтда у мажлисдами, даҳлиздами,  
хожатхонадами, фарки йўқ — гапираверади. Анвар  
жиннихонада дераздан тушган нур билан килган сух-  
батини эслаб, шумлиги тутдию унинг сўзини шарт узди:

— Устоз, — деди мулойим оҳангда. — Ҳамма она-  
сининг корнида тўккиз ой ётса, сиз етти ойдаёқ туғилиб  
олган экансиз, шу тўғрими?

Устоз-шогирд бу гапдан ажабланиб, бир-бирига ка-  
раб олишди. «Бу ҳали яхши тузалмабди-да», деб ўй-  
ларди Ўлмас. «Бу бола қаёқдан билади буни?» деб  
уюлади Ҳолидий.

— Анвар Сатторович, уялиш керак, — деди Ўлмас,  
танбех бериб.

Ҳолидий бирорвнинг химоясига муҳтоҷ одам эмас  
эди. Сочини бармоқлари билан тараб қўйиб, ўткир  
аския эшишган одамдай мирикиб кулди-да, Анварнинг  
елкасига шапатилаб қўйди:

— Файрат зўр бўлган-да, файрат! — деди-да, Ўл-  
масни қўлтиғидан олиб, йўлида давом этди.

Анвар орқасига ўгирилиб, уларнинг изидан бир  
зум қараб тургач, хонаси томон юрди.

— Нимагадир мотам руҳини сезмаяпман, қора бай-  
роқлар осилмаган, — деди жойига ўтиргач.

— Президент ўлибдими? — деди рўпарасидаги аёл.

— Ундан ҳам баттар, — деди Анвар, «булар бил-  
майдими?» деган маънода хонадагиларга бир-бир қа-  
раб. — Устоз кетибдилар-ку?!

Анвар учун янгилик бўлган бу хабар хонадагиларга маълум эди. Институтдаги ўзгариш уларнинг заро мухокамаларидан ҳам ўтгани учун Анварга жавоб беришмади. Факатгина эшик олдидаги устолда ўтирувчи «энг кичкина илмий ходим» кулимсираб қўйди. Анвар бу вазифада узок йиллар ишлагани учун ўзини «энг улуғ кичик илмий ходим», Собир исемли бу ушоккина йигитни эса ҳазиллашиб «энг кичкина илмий ходим», дер эди.

— Устоз биз билан! — деди Собир, ҳазил оҳангода.

— Яъни?

— Яъниким, устоз шу бўлимга мудир бўлиб ўтганлар.

— Ҳали ишлар эканларми? Босмачига айланмаган яна битта-иккита ўзбек колган эканми?

— Устознинг консепсиялари бошка хозир. Босмачилар эмас, миллӣ озодлик харакати!

— Йўғ-э?

— Газит ўқийсизми ўзи?

— Болалар, — деди Анварнинг рўпарасидаги хотин, — эркак одамга фийбат ярашмайди.

— Собирбей, эшитдингизми? Гулнораҳон опамизнинг насиҳатларига қулоқ тутмасангиз менга ўхшаб энг улуғ кичик илмий ходим бўлиб коласиз. Мен бунга чидоммайман. Ўзимни шу деразадан ташлайман. Энг улуғ кичик ходим битта бўлиши керак, билиб қўйинг!

— Анваржон, қўйинг шунака гапларингизни.

— Гулнора опа, ёмон гап айтмаяпман. Сизнинг гапингизни тасдиқлайман. Собирбей ёш, ўргатиб туриш керак.

*Денгиз ичра чарх урувчи гирдобни  
Кайдан билсин қирғоқдаги майсалар...*

— Менинг битта қўшним имом. Ўша айтадики, бу дунёда фийбат килган одамнинг тилини Худо қиёматда ўн метр узун килиб қўяркан. Бу тилни одамлар босибянчиб юраверар экан. Шу қиёмат тезроқ бўлсаю, шу тилларни бир кўрсам...

Рўпарадаги аёл шарт туриб чиқиб кетди. Анвар Холидийни сўгадиган бўлса, ҳакорат тошларини шу аёл хузурида отарди. Холидийнинг шу хонадаги мухтор элчиси ҳисобланмиш Гулнораҳон бу тошларни териб етмаганига ўзидан қўшиб, устозига етказарди. Анвар

бу аёлдан, шу хизматлари учун хафа эмас, хурсанд бўларди.

Аёл чиқиб кетгач, хона жимиб қолди. Собир ҳам устол устидаги қофозларига мук тушди. Анвар қўлига қалам олиб бир варак қофоз юзига турли шакллар чиза бошлади. Шакллардан бири «Г» ҳарфига ўхшарди. «Гулнора» деб ёзди. Кейин биринчи ҳарфни семизрок килиб бўяди. Сўнг «Г»ни ярим сахифани эгаллайдиган даражада катта килиб ёзди. «Г»нинг бурчагига ка-шакловчи чизик тортган эди, ҳарф дорга айланди. Анвар унга бир зум тикилиб тургач, ҳарфдорнинг учига сиртмок чизди. Шу ишидан завқ олиб ўтирганида Холидий йўклиётганини маълум килишди.

## 2

Холидий ўзининг кадрдан хонасида ўтирган эди. Янги бошлиқ қўринмасди.

— Келинг, мулла Анваржон! — деди Холидий, уни ўрнидан туриб қарши олиб, — ҳали йўл устида тузукрек гаплаша олмадик. Ахволлар дурустми энди. Диссертацияни ёзиб бўлдингизми?

Анвар унинг муғамбирлик билан бокиб турган кўзига караб «Во ажаб, — деб ўйлади, — мен илгари одам танасига маймун калласи уланган дердим. Маймуннинг калласи тулкининг танасига уланганини ўйлаб кўрмаган эканман. Ё маймуннинг калласи ичига тулкининг мияси жойлаштирилганмикин? Қани, бунинг навозиши нима билан тугар экан?»

— Диссертация қанақа ахволда, деб сўраяпман?

— Диссертациями? — Анвар тушунмагандай елка қисди. — Ўша-ўша реакцион миллатчилик иси уфуриб ётиби.

Холидий бундан олти йил илгари Анварнинг тайёр диссертациясини ана шу тавки лаънат билан йўкка чикарган эди. Анвар ҳозир шуни эслатди. Лекин Холидий пичингни тушунмаганга олди.

— Уни ўзгартирганингиз йўкми? — деди меҳрибонлик билан.

— Ҳақикат ўзгариб турадиган букаламун эмас.

— Айни топиб гапирдингиз, баракалла! Менга сиздай чўрткесар, бир сўзли йигитлар ёқади. Мана энди сизнинг замонингиз келди. Сизга ҳавасмандман: ҳак

гапни хеч қўркмай айта оласиз. Бизнинг бошимизга тушган савдолар итнинг бошига тушса, у хам инфаркт булиб ўлиб кетарди.

— Ха-а, «устоз», сиз итдан хам... бақувватсиз.

Бу гапни эшитиб, Ҳолидийнинг юзи учди, аммо сир бой бермай қах-қах отиб кулди.

— Гапни хам эшворасиз-да, мулла Анваржон!

— Сиз бўлимимизга мудир бўлибсизми?

— Ха, бирга ишлаймиз. Мен бу амал ғалваларидан кутулдим. Бир йилда ўн иккита комиссия босибди-я! Энди илм билан чукуррок шуғулланиш имкони туғилди.

— Босмачиларни нима қиласиз?

— Қайси босмачиларни?

— Сиз менга икки масалада йўл бермаган эдингиз, эсингиздан чиқдими? Биринчиси — инқилобдан олдинги қўзғолонларни «мустамлака Туркистоннинг партизанлари» дейишимга карши бўлдингиз. Иккинчиси — ўт еттиничи йилдан бошланган босмачилик ҳаракати эмас, балки ўн тўққизинчи асрнинг сўнгги чорагида бошланган миллий озодлик ҳаракатининг чўккиси деганимда, кимлар келиб мени сўрекка тутганини биларсиз?

— Замона шунака эди.

— Замон ўзгардими?

— Ўзгарди.

— Шунга караб сиз хам ўзгардингизми?

— Мулла Анваржон, замон ҳар кандай одамни ўзгартиради. Ҳатто сизни хам.

— Мен сиз айтган «ҳар кандай» тоифага кирмайман. Мени ўзгартириш учун бошимдан товонимгача тиккасига арралаб тушиш керак. Шунда хам жоним чиқади-ю, рухим эса ўзаришсиз қолаверади.

Ҳолидийнинг юзидағи жилмайиш йўқолди.

— Катта кетманг, ука. Сиз сиғиниб юрган устозларингиз хам ертўлада бир кийнокдан ўтгач, қўллари калтираб, хамма қофозларга имзо чекиб беришган.

— Сиз хамми?

— Сиз иғволинг иини кавляяпсиз. Мен ҳақикат деб йигирма беш йилга камалганман.

— Сизга оғир ботадиган гап айтган бўлсан, узр. Гунохимни ювиш учун бир хикоя айтиб бераман. Жуда кизик, эшитмасангиз армонда коласиз. Ўзи ҳаётда юз берган воеа экан, аммо мен уни эртак тарзида сўзлай-

ман. Шундай қилиб, бўри баковул, тулки ясавул, чумчук чакимчи бўлмаган замонда бир баҳтиёр ёш олим яшаган экан. У аввал устозларининг, сўнг тенгдошларининг оёғи остига чоҳ қазибди. Шаханшоҳ унинг беминнат хизматларини кадрлаб турибди. Ёш олим илмга эмас, шундай мунофикаликка иктидорли экан. Гудаклигига иблис ундаги инсон юрагини юлиб ташлаб, ўз қалбининг бир парчасини қўйган экан-да. Ёш олим кўпнинг ичидаги дадил туриб, «Шаҳаншоҳ ҳайвон!» дер экан. Суҳбатдоши «шунакамикин, а?» деса бас, бориб «Фалончи сизни ваҳший ҳайвон деди», деркан. Қарабисизки, ўша суҳбатдош зинданга қандай тушиб қолганига ҳайрон. Бора-бора сотадиган одами қолмагач, ўз боши узра кора булутлар айланаетганини сезибди. Шаханшоҳ «ўз яқинларига хоинлик килган одам менга садокатда бўлармиди?» дебди. Шоҳ бир карорга келгунча ёш олим энг сўнгги лакма дўстини аврабди. Яхшилаб кийинтириш баҳонасида Шаханшоҳнинг тикувчинисини кибоди. Ундан аввал шоҳнинг шопирини кўлга олибди. Шоҳнинг мосиҳасида тикувхонага савлат тўкиб борибди. «Мен маликанинг укасиман», деб ўзини таниширибди. Хуллас, икки кун деганда улар устларига шоҳона либосларни илишибди. Тикувчи эса Маликадан раҳмат эшитиш мақсадида телефон қилиб, «уқангизга либос ярашибди-ми?» дебди-ю, сир ошкор этилиб, ёш олим камалибди. Қамокда ҳам иктидори иш берниб, иғвогарлигини давом эттираверибди. Бир йил деганда Шаханшоҳ ўлиби-ю, ёш олим ҳам сиёсий маҳбуслар қаторида озодликка чиқибди. У ҳам тухмат жабрини тортганлар сафидан ўрин олибди...

Холидий кошларини чимирган холда Анварнинг «эртагини» бўлмай эшиитди. Анвар «устоз» бакириб берар, хеч бўлмаса ранги ўзгарар, деб ўйлаган эди. Гапини тугатиб, Холидийга каради-ю, ҳайрон колди: «Рухлар менга ёлғон гапни айтган эдими?»

— Ҳуш, эртак тугадими? — деди Холидий. — Қиссадан хисса бўлиши керак?

«Чиндан ҳам қиссадан хисса бўлиши керак, — деб ўйлади Анвар. — Нима, ўша ёш олим сиз эдингиз, дейми? Яна тилимдан илинайми? Айтсан-чи, нимадан кўркаман? Тухмат, деса, суд архивини кўтариш мумкин-ку? Адашган бўлсан-чи? Аввал суд архивини ўрганишим керак эди».

— Киссадан хисса шуки, гапингиз түғри, «устоз». Замон ҳаммани үз йўриғига соглан. Лекин... нима учундир ҳеч ким гуноҳи учун тавба қилмаяпти. Ҳали ҳам унвонларига маст бўлиб юришибди.

— Унвонни, мулла Анваржон, одамга меҳнати учун берилади.

— Бу унвон одамларни чалғитса-чи, жамиятга фойдасиз бўлса-чи?

— Бу энди баҳсли масалалар. Бу масалани вакт ҳал қиласди.

— Вактга айтамиз, остоңада кутиб турда туради.

— Мулла Анваржон, бу гапларни қўйинг. Мен сизни диссертация масаласида чакиртирдим. Эртага менга олиб келиб беринг. Ҳимояни тезлатамиз.

— Диссертация йўқ, «устоз».

— Нега йўқ! Ёкиб юбордингизми?

— Ёкиб жинни бўлибманми, — деди Анвар кулиб, — уни чет элга сотиб юборганиман, аллақачон.

— Нима? Чет элга? Кимга?

— Туркияга, дўктўр Нурийга бултур бериб юборганиман. Бир нусхасини ўн кун олдин акам Англияга олиб кетдилар. Диссертацияни ё Истамбул ё Оксфорд дорулфунунида ёқласам керак.

Холидий Анварнинг кўзидан бир маъно уқмоқчи бўлиб, каттиқ тикилди. Анвар ўйинни охиригача муваффакиятли етказмок учун худди рост гапираётгандай килт этмасдан утираверди. Холидий дўктўр Нурийни соҳта советшунос, ватан хоини деб ёзавериб ийифини чиқариб юборган эди. Анвар хориж олимини эслатиб, нишоини аник мўлжалга олганди.

— Бемаслаҳат шунака ишлар қилиб юрибсизми, ҳали? — деди Холидий. Унинг илгариги қувноқлиги, сўнг жиддийлиги, кескинлиги ҳам қолмаган эди. Унинг машки пасайиб, Инглистонда дўктурулик диссертациясини ёқлаб келган олим қаршисида мулзам бўлиб ўтирган одам холига тушган эди.

— Нима қилишим керак эди? — деди Анвар голиб одам товуши билан, — ҳеч кимга кераги йўқ, деб сотворибман-да.

*Биргина мен қайрагон  
Этагида бенурман!  
Кун нуридан маҳрумман,  
На гуломман, на ҳурман!..*

— Ёшлик килибсиз. Хали пушаймон емасангиз эди...

— Фазилатим, кам ила кўстим  
Сизга аён, олмоқ керак тан...  
Ўзим мерган бўлмагач, дўстим,  
Кимларнингдир отган ўқиман...

Хар нечук Холидий темирдан эмас, барча бандалар каби «лойдан ясалган» экан. Кўкрагида уйғонган ғазаб уммони тўлкинларининг мавжини вужуди сиғди-ролмай портлади.

— Йўкол! — деди тишларини ғижирлатиб. Тишлар ғазаб вулконини тўсиб қолмок касдида ғижирлар эди. Боя даҳлизда «етти ойлик бўлиб туғилмаганимисиз?» деган саволдан сўнг куч тўплай бошлаган вулкон курдати тишлардан курдатлироқ эди. У ўрнидан шарт туриб бакирди: — Йўкол, газзанда! Мен сени одам деб жиннихонадан чикариб олдимми хали!

Анвар масрур эди. У ўрнидан енгил турди. Гуё уни узок йиллар эзиб келган ғам ҳарсанглари Холидийнинг бакириғидан сўнг елкасидан ағдарилгандай бўлди. У отган ўқ бехато тегди. Ғаними ярадор холда оёқларни остида типирчиларди. Энди юракда найза санчиши керак. Бу наззани кейинги сўзлари билан Холидийнинг ўзи унинг қўлига тутказди.

— Сиз сал янгишдингиз, «устоз». Сиз менга оталик килиб, даволансин, деб жиннихонага юборган эдингиз. Мени у ердан Асадбек чикариб олди, — деди жилмайиб. У ок-корани ажратиб олган олим эмас, ўртоғига мактанаётган болакай каби жилмайди.

— Ким дединг?

— Асадбек! — Анвар бу исмни фахр билан тилга олди-да, чикиб кетди.

«Бу боланинг мафияига нима алоқаси бор экан?» деб ўйлаб колди Холидий.

## XVII БОБ

### 1

Бир гала фаррош лўли хотинларга якка ўзи бас келиб, уларнинг нозик нукталаридан ушлаб — мағлуб этиб, идорадан чикариб юборган бошлиқ эсингиздадир? Худди ўша бошлиқ Зоҳидга телефон килди. Зоҳид

хизматга барвакт келган эди. Телефоннинг жириңгланишини дахлизда эшитиб, эшигини шошиб очди-ю, теззет юриб бориб гүшакни күтарди.

— Ўринбосаримни чакиртирдим, кеча оқшомда келдилар, — деди бошлиқ, саломлашгач. Зоҳид унинг овозида қандайдир хорғинлик сезди. «Кечаси билан ухламай мени қидирғанми, нима бало?» деб ўлади.

— Дам олишнинг ҳам белига тепибсиз-да, — деди Зоҳид, ясама лутф билан. Лутф ясама бўлса-да, бошлиқнинг ватанпарварлик туйғуларини жўштириб юборди:

— Ишларидан ишқал чикиб турғанида дам олишга бало борми? Мен, кўнглим сезган экан, бошидаёқ «узокка кетманг», девдим. Бу кари бюрократларга кайта қуришнинг моҳиятини тушунтириб бўлмаяпти.

— Ўринбосарингиз билан қачон кўришишим мумкин?

— Хозир десангиз, хозир етиб борадилар.

Бошлиқнинг жонкуярлиги сабаби Зоҳидга аён эди. Бунақа зотлар ишни қайта қуришга эмас, замонга мослаштиришга уста бўлишади. Идоранинг ҳар қадамига қайта қуриш афзалликлари ҳақида шиорлар осиб ташлашади. Агар ўйларида, аникроғи, ётоказларида, янада аникроқ айтилса — тўшаклари устида «Хотин — қайта қуриш авангарди!» деган шиорга кўз тушса, сира ажабланмаслик керак.

Зоҳидга аён бўлган сабаб шуки, идорадаги молиявий найрангларнинг бир учи конун ҳимоячилариға энди маълум. Жалол Комилов номига ёзилган маошу мукофотлар хисобланса, фалон сўм бўлади. Унинг ҳаммасини, шубҳасиз, ўринбосар емайди. Аксинча, энг кам улуш унга тегади. Бошлиқ ўринбосаридан кўпроқ олади, аммо у ҳам ўз навбатида юкорига узатади. Ньютон бошига олма тушганида Ернинг тортиш конунини ихтиро этган экан. Кимёдаги занжир реакциясини топган олим раҳбариятнинг пора таксимлаш усули ва санъатидан илҳом олган бўлса не ажаб?

Бошлиқнинг шу « занжир реакция» авжига чиқмай туриб, биринчи ҳалкадаёқ ишни бир ёқлиқ қилиш максадида эканини энг ландавур терғовчи ҳам тушунади. Худога шукрки, Зоҳид ундейлардан эмас.

Ўринбосар чиндан ҳам тезгина етиб келди. Яратилганда Худода ҳаққини колдирмаган, деб шу бандага айтилса керак. Худо бўйдан урганида у энига қўш-

тириб олган, «фалон ёшида бошидан сочи тўкилиб кал бўлади», деб ёзуғ битилганида бошдан тўкилувчи сочни кўкрагига, жағига кўчирган — кўкракдаги жун кўплиги ва узунлигидан кўйлак ёқасидан чиқиб, кўрган одамнинг фашини келтиради. Кунда икки марта киртишламаса бўлмайдиган сокол эса, ёнокларининг нак чўккисига қадар бостириб борган. Яна бир ҳаракат қилса, сокол деганлари киприклару кошларга қўшилиб кетиши хеч гапмас. Ўринбосарга салобат баҳш этиб турган кўзойнак гардишининг пастки қисми айнан соқолнинг ўша чегарасига қадалади.

Ўринбосарнинг яратгандан ундирган энг улуғ неъмати — кўзлари. Бунака мулойим бокувчи, узун киприклар билан химояланган кўз кизларда ҳам кам учрайди. Ўринбосар Зоҳиднинг хонасига кирдию дарсга кеч колган боладай бошини эгиб, ер остидан қараб кўйди. Аста сўз бошласа, кўзлари шунчалар мулойим бокардики, одам ўлдириб келган такдирда ҳам хибсга олиш ҳақидаги қарорга имзо чекишга кўл бормасди. У гавдасига монанд семизгина жигарранг сумка кўтариб олган эди. Ўринбосар Зоҳиднинг рўпарасига ўтириб, сумқани тиззасига кўйди-да, «камайсизми ё раҳм қиласизми?» дегандай мўлтиллаб қаради.

— Бошлиғингиз айтгандирлар, а? — деди Зоҳид.

— Айтдилар, яхши иш бўлмабди. Аммо биз бу пулларни ўзимиз еб юборганимиз йўқ. Бироннинг ҳаққидан кўрқамиз. Ўзингиз биласиз, шаҳар катта, келдикетди кўп. Мехмон-измон кутишнинг ўзи бўлмайди. Олдин ҳукумат унча-бунча пул ажратарди. Энди у ҳам йўқ. Ўнта меҳмонни кутасан, дейишади, тамом. Ебичиб кетса ҳам майли. Масков томондан келганлар совға-саломга ўрганиб қолишган.

«Бошлиқ иккови чиндан ҳам ухламаганга ўхшашади, — деб ўйлади Зоҳид, унинг гапларини эшишиб. — Ўринбосар балогардонликни бўйнига олган. Уйдаги топган-тутганлари тунда яширилиб, уй бир ғариб холга келтирилган. Балки «қамаб қўйишади», деб хотин, болачакалари билан хайрлашиб ҳам келгандир. Бошлиқ ҳозир хонасида килт этмай ўтирибди. Котибасига «мен йўқман», деб тайинлаган. Ўринбосари хибсга олинганини эшитиши билан идорада мажлис тўплаб, қайта куриш душманлари фош этилгани, уларга карши аёвсиз кураш олиб бориш лозимлиги масаласини кун тартибига кўяди...»

Зохид тинмай гапираётган ўринбосарга караб туриб телефон гўшагини кўтарди-да, бошқармага кўнғирок килди.

— Да, ало, эшитаман, — деган овозни эшитиб, ўринбосарга каради. Ўринбосар телефон ракамлари терилаётгандеёк жим бўлиб, бироз ажабланиш, бироз ҳавотир билан унга тикилиб ўтирган эди. Зохид бошлиқнинг исмини тилга олгач, ўринбосарнинг бутун вужуди қулокка айланди.

— Қудрат акам йўғийдилар, секага кетувдилар. Ким сўравотдилар? Келсалар нима деб кўйий? — деди котиба.

— Мен прокуратураданман. Шариповман, — деди Зохид совук оҳангда.

— Вой, тўхтанг-чи, ҳали кетмаганга ўхшайдилар... — Котиба сукут саклади. — Ана, қайтиб кевоттила.

— Эшитаман, ўрток Шарипов. Кўнглим сезгандек изимга кайтувдим, тинчликми?

— Ха, тинчлик, ўринбосарингиз етиб келдилар. Ҳавотир олманг, демокчи эдим, — Зохид гапни калта килиб, гўшакни жойига кўйди.

Ўринбосар узилган гапини давом эттирмади. Бироз ўйлади. Зохиднинг бу кичик «ўйини» самара берган, тунда ўйлаб-пишитилган режа дарз кетган эди. Узун киприклар ҳимоясидаги кўз илтижоли бокди:

— Пулларни бошликка берардик, ўзлари сарфлар эдилар...

— Пуллар масаласида бошқа ўрток шуғулланади. Сиз менга бир гапни айтинг: Жалол Комиловни охирги марта қачон кўргансиз?

— Жалол Комилов ўлдирилганда мен йўқ эдим.

— Буни биламиз. Охирги марта қачон кўргансиз?

— Янги йилдан кейин. Участковойга справка бериши керак экан.

— Кайфияти канака эди, уст-боши канака эди?

— Кайфияти... яхши. Сал кайфи бор эди. Устида ок пустин. Телпаги ҳам тоза теридан.

— Нимада келди?

— Такси хайдаётган экан. Мени бир жойга олиб бориб кўйди... пулинни бердим.

— Таксиҷилик килаётган бўлса, нима учун сиздан справка сўради?

— Такси бирорники бўлса керак?!

— Бироннинг таксисини бемалол миниб юриш мумкин, деб ўйлайсизми?

Ўринбосар «ким билади?» дегандай елка кисди.

— Нима ҳақда гаплашинглар?

— У ёқдан, бу ёқдан...

— Аникроғи?

— Сибирдан келган экан.

— Сибирга нима учун борибди?

— Уч-тўрт йил ишлабди. Менам сизга ўхшаб сўровдим, «комсомол йўлланмаси билан бориб келдим», деди. БАМга боргандир, деб ўйлабман.

— Сизда «ишлайди», деган рўйхатда турарди. Унинг асосий иши нима эди? Чайковчими迪, ўғрими迪?

— Унисини билмайман.

— Унча-бунча узатиб турарми迪?

— Йўқ, бунақаси бўлмаган.

— Уни сиз ишга олганмисиз?

— Ха.

— Ким тавсия этган?

— Хўжайн-да, мана аризада қўллари бор, — у шундай деб сумкани очмоқчи бўлди.

— Керакмас, кўрганман, — деди Зоҳид уни тўхтатиб. — У хўжайнингиз оламдан ўтиб кетган. Аризага у киши имзо чекиб, сиз буйруқ бергансиз.

— Тартиб шунака-да.

— Комилов каерда яшаган?

— Билмайман.

Шу ерга келганда ўринбосар кўзини олиб қочди. Зоҳидга шунинг ўзи кифоя қилди, кўз очирмай савол ўқларига тутиш лозимлигини англади:

— Комилов сизни таксида каерга олиб бориб кўйди?

— Эсимда йўқ.

— Эсланг.

— Омборхонага эди, шекилли.

— Аниқми?

— Ха, аник.

— Омборхона қаерда?

— Кўйликда.

— Атайн сизни олиб бордими ё ўша ёқда иши бор эканми?

— Билмадим, олиб борди, пулини бердим.

— Омборхонадан чиқкунингизча кутиб турдими?

— Йўқ.

— Нима учун хизмат машинангизда бормадингиз?

— Машина бузук эди.

— Сиз идорадаги фирромликлар учун жавобгарликка тортиласиз, буни биласиз. Лекин унинг ёнига ёлғон гувохлик бериш күшилса, нима бўлишини билмайсиз. Сиз балки котил эмасдирсиз, лекин котилни яширишга уринаётганингиз аник.

— «Балки котил эмасдирсиз», деганингиз нимаси? Ўима учун мен котилни яширишга уринарканман?! — Бошка эркак бўлганида бу гапларни пўписа охангода айтарди. Ўринбосар эса қўй кўзларини қўриклаб турган узун киприкларини пириллатиб, титрок овозда айтди.

— Котил топилмагунига кадар марҳумни таниган, билган одамнинг хар биридан гумон қиласиз.

— Олдин «сиздан гумонимиз йўқ», дедингиз-ку?

— Ха, шундай дедим, — Зоҳид «бу бало-ку», деб қўйди ўзича, — Келганингизда шу фикрда эдим. Гапни чалғитишингиз билан гумонсирай бошладим. Биздаги маълумотларга караганда сиз ўша кун Комиловнинг уйига боргансиз.

— Ким айтди?

— Ўз кўзи билан кўрган одамлар. Юзлаштирайми?

Ўринбосар бошини эгди.

— Йўқ, — деди секин, мағлуб одам овозида. — Керакмас. Сибирдан ул-бул олиб келган экан. Кейин... «Олтин халка» деганидан бор-ку, шундан бир култумдан...

— Совға ҳам килдими?

— Пулинни бердим, совғамас.

— Нималар сотиб олдингиз? — Зоҳид унинг мушкулини осон этиш учун «сотиб олдингиз» деган сўзларга атайн урғу берди.

— Ўзимга телпак олдим. Уч юз берувдим, юзини қайтариб берди. Сиздан фойда олмайман, деди. Кизларимга атаб ҳам ул-бул...

— Сиздан нимани илтимос килди?

— Хеч нарсани.

— Яширамнг.

— Ўй тўғирлаб беринг, деди. «Саргардонлик тугади, уч хонали ўй тўғирлаб берсангиз, бола-чака килиб ўтираман», деди.

— Сиз уйни кандай тўғирлаб бермокчи эдингиз?

— Мен хат қилиб берсам бас, колганига ўзининг ишончли одамлари бор экан.

— Ким?

— Билмайман.

— Хосилбойваччами, Манасянми?

Ўринбосар бир чўчиб тушди-ю, бошини эгди. Одам эмас, тошбака бўлиб яралғанида ҳозир бошини косаси ичига олиб, очидан ўлиб кетса ҳам, чикмай ётаверарди.

— Билмайман, бунака одамларни танимайман.

— Асадбек деганини-чи, эшифтмаганмисиз?

Ўринбосар ташвишланиб, тезгина караб олди.

— Танимайман.

— Комиловнинг уйи каерда?

— Себзорда.

— Аникроғи?

— Нечанчи уйлигини билмайман.

Зоҳид телефон гўшагини кўтариб, шахар жиноят кидирув бўлимида Комиловнинг иши билан шуғулланётган инспектор Максуд Солиевга қўнғирок килди-да, Себзорга етиб келишини, депара бўлимидан Толиповни ҳам чақиришини сўради.

Майор Солиевни бу иш билан шуғулланувчи гурухга Зоҳиднинг талаби билан кўшишган эди. Ўттиз йилдан бери шу соҳада ишлатётга майорни Зоҳид дорулфунунда ўқиб юрганидан бери билади. Талабалик йилларида амалиёт бўйича йўлланма билан келиб, шу майор билан ишлаган эди. Дастрлаб «нима учун майор, нима учун оддий инспектор», деб ажабланди. Кейин унинг феълинин ўрганиб, яхши кўриб колди. Хўжайинларнинг отган ўки бўлмай, кимларгадир эмас, факат ҳақиқатга хизмат килишни бурчи деб билган бу одамга Зоҳид ихлос қўйган эди. Зоҳидга Намозов иши топширилганда майор сафарда эди. Шишимшиқ иши бошланганида Зоҳиднинг баҳтига у сафардан қайтди-ю, дароров кидирув гурухига кўшилди.

— Кани, туринг. Комиловнинг уйига борамиз, — деди Зоҳид.

Ўринбосар мутелик билан ўрнидан турди. Унинг хотираси яхшимиди ё бир неча марта кеганмиди, харҳолда Комиловнинг уйини ҳеч бир адашмай топиб борди.

Шилимшик уч хонали уйнинг бир хонасини ижарага олган экан. Ёши элликдан ошган, аммо кексалик ҳукмига ҳали-бери бўйсунмайдиган кўхликкина аёл уларни ошкора нохушлик билан қарши олди. Шилимшикнинг хонасида битта йигма каравот, оёғи ликиллаб турган эски устол, иккита устулгина бор эди. Устулларнинг бири кийим илгич вазифасини утарди. Кийимлар устма-уст бетартиб равишда ташлаб қўйилган. Устол устида қотган нон бўлаклари, шишаси жимжимадор «Олтин ҳалқа» деб аталган арок, ювуксиз тўртта пиёла, жўмраги чегаланган чойнак турарди.

— Сиз келганингизда уй қандай аҳволда эди? — деб сўради Зоҳид ўринбосардан.

— Худди шунақа. Олиб келган нарсаларини сошиб, мебел олмокчи экан.

— Нарсаларни каерда сакларкан?

— Чамадонидан олиб берди, — Ўринбосар шундай деб йигма каравот остидаги жомадонни имлаб кўрсатди.

Солиев билан Толипов икки қўшни гувоҳлигига тинтуб бошлашди. Зоҳид эса уй бекаси билан гаплашиш учун нариги хонага чиқди. Бека гапини Жалол Комиловни яхши билмаслигини маълум килишдан бошлади. Зоҳид бундан «Мени сўрок килиб овора бўлманг», деган маънони ўқди. Шу сабабли терговни анъянавий тарзда икир-чикирдан эмас, аёл кутмаган холда бошлади:

— Комилов уйингизга кириб келганида кўлида нечта чамадон бор эди?

— Эсимда турибдими? — деди аёл, тўғри жавобдан бўйин товлаб.

— Эслашга ҳаракат қилинг. Орадан бир йил ўтмади-ку?

— Эсим ўзи сал шунақароқ, — деди бека, пичинг билан.

Зоҳид «ҳозир сайраб юборганингни үзинг ҳам билмай коласан», дегандай муғомбирона кулимсираб қўйди-да, ён чунтагидан расм чикариб унга узатди. Бека расмдаги даҳшатли манзарани кўрибок сесканиб тушди. «Вот ужас!» деб кўзларини чирт юмди. Худди калима қайтаргандай бир нима деб пичирлади. Зоҳид ундан кўз узмай тикилиб тураверди. Кўкраклари орасидаги

арикча күриниб турган, худоси пардоз-андоз бўлган бу аёлнинг калима келтириши мумкинлигига Зохид ишонмасди. Шу сабабли унинг нима деб пи chirлаганини билишга кизикди.

— Гапингизга тушунмай колдим, кайтаринг.

— Одамлар вахший бўлиб кетишган, — деди аёл кўзини очиб.

— Ким килган бўлиши мумкин?

Кўзларидан киборлик пардаси кўтарилиган бека Зохидга ковок уйиб каради:

— Нима, мени котилларга шерик, деб ўйлаяпсизми?

— Қасбимиз шунака. Ҳакиқат очилмагунча хаммадан гумонсираймиз.

— Унда мени олиб бориб каманг, отинг! — аёл зарда билан ўрнидан турди.

— Ўзингизни босинг, жойингизга ўтириng. Саволларимга жавоб беринг, — Зохид кескин-кескин гапириб, аёлнинг зардаси сариқ чака эканини маълум килиб кўди. — Кўлида нечта чамадон бор эди, эсладингизми?

— Битта... яна битта тўр халта бор эди.

— Кийимлари қанака эди?

— Ағдарма пустин, бошида телпак.

— Оёғида-чи?

— Калта кўнжли этик.

— Совук жойдан келибдими?

— Ха, Новосибирскда иккى йил яшабди.

— Нима учун?

— Академияда ишлабди. Диссертация ёзибди.

— Илмий иши нима ҳакда экан, айтмадими?

— Мен сўрамадим. Илмга тоқатим йўк.

— Уйга танишлари келиб турармиди?

— Бир-иккитаси келган.

— Эркакми, аёлми?

— Ҳм... Эркак бўлганидан кейин хотин бошлаб келади-да. Бунинг нимаси ёмон?

Зохид ўрнидан туриб даҳлизга чиқди-да, қўшнилар билан ўтирган Ўринбосарни имлаб чақирди.

— Уйга келганингизда бу аёл бормиди?

— Ҳа.

— Сиз уни танийсизми?

— Йўк... Очиғи... Жалол мени уйга қўйиб, ўзи бир ёкка кетди. Сангиҳон билан бироз чакчаклашиб ўтиридик.

— Кани, юринг. — Зохид уни бека ўтирган уйга бошлади. — Мана бу кишига каранг, келганимилар?

Аёл Ўринбосарга беписанд караб олди: — Эсимда йўқ.

— Эртагача эслаб, соат ўнда прокуратурага борасиз, — Зохид шундай деб кўкрак чўнтағидан чакирув коғози олиб, ёзди-да, бекага узатди.

— Мен ўнда боролмайман, — деди аёл, — ишдан рухсат беришмайди.

— Бешик тўйига деб сўрасангиз балки рухсат беришмас. Лекин чакирув коғозини кўрсатсангиз ижозат тегади. Гапларингизга Караганда конунни яхши биладиганга ўҳшайсиз. Ўзингизни гўлликка солманг. Сизга эса, — Зохид Ўринбосарга юзланди, — ҳозирча рухсат. Керак бўлганингизда ўзимиз чакирамиз. Шаҳардан чикмай, узокка кетмай туриңг.

— Шунака пайтда каёкка ҳам кетардим. Қўлимдан келган хизматни аямайман, — Ўринбосар шундай деб хайрлашиб, чиқди.

Шилимшикнинг хонасида тинтуб тугаб, эксперт пиёладаги бармоқ изларини олаётган, суратчи фотоаппаратини филофига жойлаётган, Ҳамдам эса кийим-кечаклар рўйхатини ёзиб ўтирган эди. Максуд Солиев эса дераза раҳига суюниб, уйга ботган ҳолда туради. Зохид иш охирига етишини кутиб ўтирди. Гувоҳлар рўйхатга имзо чекишгач, майор Солиев уларни қўшни хонада яна озгина кутиб туришларини илтимос килди.

— Бор бисоти шу эканми? — деди Зохид, улар чи-киб кетишгач.

— Ҳа. Бойлик талашганга ўҳшамайди, — деди Ҳамдам.

— Хонима нима дейди? — деб сўради майор.

Зохид сұхбат баёнини маълум килиб, ўринбосарнинг маълумотини ҳам қўшиб қўйди.

— Шилимшик Сибирдан курук келмаган, бу аник. Бегона аёлнинг уйига ҳам қўнмайди. Ҳамдам, сен бу гун уй бекасининг ким эканлигини аниқлаб қўй, — деди Солиев, — Шилимшик бир жойга чикиб келган бўлса, демак, моллари бошка ердалиги аник. Қаерда, нимаси бор унинг? Ўсмирлигига камалганидан бери сип-силлик юришида бир гап бордир. Қотилини топганимиз билан иш битмас, дараҳт илдизи чуқуррокдир. Илдизни кавлашга дараҳт эгалари, боғбонлари йўл қўйишармин? Ахир бу анов-манов дараҳт эмас. Боғбонларни

бокиб турадиган, соясидан баҳраманд этадиган да-рахт-а! — Солиев шундай деб Зоҳидга каради. Лекин ундан жавоб кутмай, устол устидаги жомадонга яқинлашиди. Худди оғирлигини чамалагандай кӯтариб кўрди. — Ҳамдам, гувоҳларни чакир. Чамадоннинг баҳридан утишга тӯғри келади.

Гувоҳлар киргач, чўнтағидан букма пичок чикариб, Ҳамдамга узатди. Ҳамдам худди уста бичикчидай илдам харакат қилиб, жомадон астарини йиртди. Ҳаракатлари зое кетиб, жомадондан ҳеч нима чикмади. Шундан сўнг гувоҳларга рухсат берилди.

— Мен ҳозир сен билан бирга бораман, — деди Солиев Зоҳидга. — Шилимшиқдан қолган нарсаларни ўзим бир кўрай.

### 3

Майор Солиев Шилимшиқдан колган бисотларга аввал тикилиб турди. Сўнг кўзойнагини тақди-да, кўлига тилла занжирили медалонни олди.

— «Любимой Лене от Павла»... Бу қаерда экан?

— Бўйнида. Бармоғида анави тилла узук. Чўнтағида пул. Ҳеч нарсасига тегишмаган, — деди Зоҳид.

— Ленаси ким бўлди?

— Сўров тарқатганман. Жавоби балки Сибир томонлардан келар.

— Бошқача жавоб булиши мумкин эмасми? Сен бу одам Лена деганин ўлдириб, занжирини тортиб олган деб ўйляяпсанми? Уни арzon-гаровга сотиб олган бўлса-чи? Балки изни яшириш, бизни чалғитиш учун котиллар бўйнига илиб кетишгандир?

— Иккинчи гумонингизга ўрин йўқ. Экспертиза занжир бўйнида, узук бармоғида узок вакт турганини тасдиқлади. Биринчи гумонингиз ҳам ҳақиқатдан узок-рок. Агар Комилов тўдаларга алоқадор одам бўлса, бунака арzon-гаров нарса сотиб олиб бўйнига осиб юрмас.

Солиев Зоҳидга караб, кулимсираб қўйди. Йигитнинг фикридаги мантиқ унга маъқул келди. Шилимшиқнинг чўнтағидан пулдан ташқари ҳар хил коғоз парчалари чиккан эди. Чўнтақда юриб бироз уринган, аммо тешилмаган трамвай патталари Солиевнинг диккатини тортиди.

— Комилов трамвайды юрган эканми? — деди у, паттадан биттасини олиб, синчиклаб караб. — Тагида машина бўлса...

— Машина ўлимидан ўн кун олдин ўғирланган.

— Ёки олган, — деб изоҳ берди Солиев.

— Олганлиги ҳакиқатга яқин, лекин исботланмаган ҳакиқат. Паттани эса дўконларда кайтим ўрнига хам беришади.

— Агар бу тўдага алокадор шахс бўлса, қайтимга патта олмайди, бу бир. Булар тийинларнинг фаркига боришмайди. Трамвайды юрмайди, бу икки. Трамвайга чиқиб колгудай бўлса хам ҳакини тўламайди, бу уч.

— Нимага тўламайди?

— Сабаби оддий. Баъзан ёдларидан кутарилади. Чунки патта тўлаш одат тусига кирмаган. Баъзан тўлагилари келмайди. Пулдор одам минглаб сўмларни беҳуда совуриши мумкин. Лекин тийин ишлатишда хасислиги тутади. Хўш, бу одамга трамвай паттаси нима учун керак?

Зоҳид буни ўйлаб кўрмаган эди. Тилла буюм, пул турган пайтда арзимаган тийинларни ташкил этувчи трамвай паттаси ҳакида бош қотирмаслиги хаёлига келмабди. Ҳозир кўпни кўрган майор бунга эътибор бергач, ўйлаб колди.

— Агар у Сибир томонларга гастролга борган бўлса, қуруқ кайтмаган. Колаверса, гастролга бир ўзи борганми? Балки шерикларидан бирон нарсани яшириб, номардлик килгани учун жазосини олгандир? Буюмларини каерга яширган? Энг кулагай жой темир йўл бекати ёки аэропортдаги юхона эмасми? Паттадаги ракамлар юхона тилсими эмасмикин?

Зоҳид паттани қўлига олиб, Солиевга ажабланиб қаради.

— Канакасига?

— Айтайлик — 391829. «3» ёки «39» юхона белгиси, «1829» эса тилсим раками. Юхоналарни тафтиш килиш керак. Тафтиш учун шахар прокурорининг рухсатини ол. Бу тилсим кўп нарсанинг сирини очади. Мен унгача машинани бир кўрай.

Ёнган машинадан нима коларди? Корайиб ётган мосинасифат туника ичи Солиевга кадар хам титиб чиқилган эди. Шунга қарамай майорга аталган нарса хам бор экан. Чакалокнинг кафтидай келадиган учбур-

чак түнүкача оловда қофоздай бужмайиб қолган эди.  
Солиев уни авайлаб олиб, рұмолчасига үради.

4

Таксопаркнинг бошкони чиқиб кетгач, Асадбек Кесакполвонга қаради:

— Ишни хом қылған экансан, — деди у, норози оханғда. — Мошина үғирлангани ҳакида хабар беріб күйиш керак эди.

— Мурдани хам ёқиб юбориш керак эди, — деди Чувринди, Асадбекнинг гапини маъқуллаб. — Бармок изига караб, кимлигини аниқлашган. Энди кавластириб ётишибиди.

— Ваҳима қилавurma. Бир жойни таталаб тешиб чиқиши учун темирдан тирнок керак, — деди Кесакполвон, пешонасини тириштириб. У Асадбекнинг танкидиди оғир олмасди, аммо гапга Чувринди аралашса, энсаси котарди, камчилигини бўйнига олишни сира истамасди.

— Хозир темир тирноклар пайдо бўлган, — деди Асадбек.

— Темир тирнокларнинг хам ошқозони, жигилдо ни бордир? — деди Кесакполвон, бўш келмай. — Шилимшикни олдириб кел, дедингиз, бир кунда оёғини ерга теккизмай олдириб келдим. Хоғизга рӯпара қил, дедингиз, рӯпара қилдим. Уни биз ўлдирғанимиз йўқ. Кавлашса хам бизга рӯпара бўлишмайди.

— Йўлни биз томонга буриб юборадиган ишлар хам бўлган, — деди Чувринди. — Ҳайдар ака бир-икки ишни бемаслаҳат килганлар. Бугун йигитларим мухим гап топиб келишди. — Чувринди шундай деб сукут саклади. «Айтаверайми?» дегандай Кесакполвонга қарди. Кесакполвон ўрнидан бир кўзғолиб олди.

— Гапни чайнамай, айтавермайсанми? — деди жеркиб.

— Шилемшиқ ҳали хам ободонлаштириш идора сида рўйхатда турган экан. У ердаги ҳаромиларга маоши керак бўлган да. Терговчи ўша ергача кавлаб борган. Шилемшиқ Тожимуллаев билан учрашган экан.

— Ким у? — деб сўради Асадбек.

— Тожимуллаев ўша идора бошлиғининг муовини. Хуллас, у терговчини Сангинаникига бошлаб борган.

Асадбек Кесакполовна үкрайнб қаради.

— Үшаникка турғанмиди Шилемшик? Сен мен-га бошқа гап айтган әдинг-ку?

— Мен айтган жой ишончсизроқ чикди. Сангина пухта жувон.

— У-ку пухта, аммо сен латтасан. Бошинг билан үйлайсанми ё бошқа ёғинг биланми?

— Сен қаеринг билан үйласанг, мен хам үша ерим билан үйлайман. Ишнинг сассиғи чикқанда мен айбдор бўлиб колдимми? Шилемшикни ҳофизга рўпара килганингда тўй ҳакида гап йўқ эди. Сен мардлик қилмоқчи әдинг. Ўзинг хам калта үйлагансан. Мен ўгридан чиккан одамман. Ишим ё чикка бўлади, ё пукка.

Асадбек ўртоғига бакириб хато килганини фахмаб, уни тиззасига шапатилади.

— Жириллама. Мен хам киморбоздан чиккан оми одамман. У ўйинларда бугун ошик олчи турмаса, эртага туради. Энди ўйинларда ошик олчи турмаган кун ўлдим, деяверасан. Энди хато қилишга ҳаққимиз йўқ. Мен Шилемшикни жазолашим зарур эди. Агар у жазосини олмаса, бошқа бир йигит ўнинг изидан борар эди. Тартиб бўлмаса, бирор бизни бир тийинга ҳам олмай қўяди. «Мардлик» деган олифта гапларингни кўй. Ким мен чизган чизикдан чикса, Шилемшикнинг оркасидан жўнайди. Икковинг хам йигитларингга айтиб қўйла-ринг. Мендан кейин сен, сендан кейин Махмуднинг айтгани конун бўлади. «Ким кўпроқ айбли?» деб ахлат титишингга йўл қўймайман. Бу ҳумни мен чикарганман! Махмуд, энди нима қилмоқчисан?

— Хали бир тўхтамга келганим йўқ. Терговчи яхши ҳид оладиган исковичга ӯхшайди. Ўнинг ёнига майор Солиев қўшилган.

— Солиев? Катталарнинг шўринни қуритган майорми? Ишдан кетувди-ку? — деди Асадбек.

Майор Солиев икки йил бурун бир котиллик изидан бориб, юкори амалларни эгаллаб турган одамларнинг эрка фарзандларини фош килган эди. Бу ишни ҳаспушлашга интилиш яхши натижа бермади. Адолат карор топгандай туюлди, аммо Солиев истеъфога чикишга мажбур бўлганди. Ҳозир Асадбек шуни назарда тутиб суради.

— Янги йилдан ишга кайтаришган. Бир ярим йиллик маошини тўлашган, — деди Чувринди.

— Хайдар, эшитдингми? Темир тирнок ўша бўла-ди. Унда ошкозон хам, жигилдон хам йўк.

— Унда бу дунёда яшамаса хам бўларкан.

— Кани, тегиб кўр-чи, уларга! — деди Асадбек ово-зини баландлатиб. — Ишни осонрок йўл билан ёпиш керак.

— Бир-иккита кавказлик топмаса бўлмайди, — де-ди Чувринди.

Асадбек унинг мақсадини тушуниб, Кесакполвонга савол назари билан қаради.

— Хайдар?

— Хайдарсиз ишларинг битмайдими?

— Латтачайнарлик қилма.

— Иккита турк бола бор.

— Махмудга бер уларни. Махмуд, каллангни иш-латиб, йўли билан терговчиларга рўпара кил, хитла-нишмасин. Хайдар, уларнинг шарти қанақа бўлади?

— Корадори-да.

— Қаерда бўлса хам етказиб берамиз. Сен Санги-нани кўздан йўкот.

— Ўвол бўлмайдими?

— Ўлдир деганим йўк, кўздан йўкот дедим. Тер-говчининг акасини ўлдирган болани топиб уйига таш-лаларинг. Сал эти ўлиб турсин.

— Қайси бирини ташлайлик?

— Нечта ўзи?

— Уч-тўртта бўлиб ўлдиришган. Лекин ўша пайт-да биттаси камалган. Биттаси кейинрок дўконда қўлга тушган. Колган иккитасининг айби камрок дейишидн.

— Ўша асосий иккитасини топларинг.

## XIX БОБ

### I

— Ватани йўқнинг имони йўқдир... — Исмоилбей шундай деб бошини эгди, сукутга чўмди. Эти устихони-га ёпишиб, узун бурни янада беўшовлик касб этган, кўзлари киртайиб колган кария бу сукут чодирига үралиб, нималарни ўйлади экан? Бу гапдан юраги ҳапприқсан Зелихон-чи? У нима учун жим? У нималарни ўйлаяпти. Исмоилбейнинг чой қуйиб ўтирган ўғли Аҳадбей-чи?

Аҳадбек Зелихоннинг тенгкури. Тақдирнинг золим-лиги бўлмаса бирни тоғлар бағрида, бирни денгиз со-

хилида туғилиб үсіб, шу ерда учрашармиди? Улар кишлоққа олдинма-кейин күчиб келишди. Исмоилбей урушдан қайтгач, темирйұлға ишга кириб, оиласини шу ерга күчириб келди. Зелихоннинг отаси эса урушдан қайтмади, у етим ҳолиша қишлоқда ризқини териб јраверди.

Дунёдан ризқи узилай деб турган қария, ярим асрдан күпрок умр күриб, хали үз Ватанига эга бўлмаган бу икки бебаҳт банданинг айтаман деса ҳасрати камми, эслайман, деса хотиралари йўкми?

Тўрт йил бадалида немис Исмоилбейнинг жонини оламан, деб неча юз минг ўқ узди экан. Лекин яратган уни бу ўлим довулидан омон саклаб қолди. Ризқ билан умрни мўл берган экан. Аммо бунинг эвазига Ватандан жудо қилиби.

Исмоилбей бошини эгиб, сукутга берилган чокларида кўпинча Оллохга муножот этади. «Урушда жонимни омон сакла, деб ёлвордим, ўзингга шукр, сакладинг. Бир кунгина бўлса ҳам қишлоғимда, оилам бағрида яшай, денгизнинг мавжларини кўрай, дедим. Қишлоғимга қайтардинг, шукр. Аммо бир кунгина сиғидирдинг. Денгиз мавжларига тўйдирмадинг. Гуноҳим кўп бўлса, ватангадо қылсанг минг розиман. Аммо Она ҳалқимни ватангадо қилганингга аклим лол. Наҳот барчамиз баравар гуноҳкор бўлсан...» Шу гаплар хаёлига келади-ю, худога таъна қилгани учун дарров тавба ҳам этади.

Умри поёнига етгани сайн хотира денгизи ҳам саёзлашиб, мавжлари сустлашиб борар эди. Баъзан тушида, баъзан эса хаёл булатларига банди бўлиб ўтирган чоғида денгиз соҳилида, кирғоқдаги майда тошларни охиста силаётган ожиз тўлқинларни безовта қилиб югураётган иштончан бола кўз олдига келди. Ҳаётни факат шодликдан иборат, деб ўйловчи бола кийкириб, кувнаб югуради. Сачраган сув томчилари куёш нурида зумрад мисол бир товланиш беради-ю, яна үз ўрнига қайтади. Боланинг кувнашидан денгиз ҳам маст, куёш ҳам яйраб нур сочади. Сўнг... денгизнинг уфқка туташ ерини ёндириб куёш ботади. Сўнг ой кўтарилиб, бу ёнфиндан азоб чеккан денгиз юзини силаб овутади. Ой нури денгиз узра узун пойандоз солади. Шу пойандоз устида юриб кетгинг келади... Бу бола — Исмоилбей. Соҳил бўйлаб чопаётган бу бола унга урушда ҳамроҳ бўлди. Урушдан қишлоғига қайт-

гач, уни яна күрди. Бу сафар ухламасдан, хатто мудрамасдан, күзини юммасдан туриб күрди.

Госпиталдан чикканидан сүнг, манзили ўзгаргач, уй билан алокаси тамом узилган, у уруш оловида эмас, хавотир оловида коврилган эди. Қишлоғига кайтиб, уйнда бегона гуржиларни күргач, хайратдан ёка ушлади. Шоп мүйловли гуржи уни уйнга бошлади. Мусаллас билан сийлади. «Биз айбдор эмасмиз, биродар, биздан хафа бўлма!» деди. Яна аллаканча гаплар айтди. Аммо бу гаплар унинг қулоғига кирмади. Денгиз соҳилига борди. Этигини ечиб, шимининг почаларини кайриб, соҳил бўйлаб юрди. Ўғлини елкасига миндириб олиб, соҳил бўйлаб югуришни орзу киларди. Ўғли йўқ. Югуришга хохиши ҳам, мажоли ҳам йўқ. У икки нарсага хайрон, бири — оиласини қандай топишни билмайди. Иккинчиси — қишлоқ йигитлари урушда жон олиб, жон берса-ю, бунда колган кариялар, хотинлар, болалар қандай килиб хоин бўлишсин? Қишлоқдан битта, нари борса иккита соткин чикар, лекин ялпи хоин бўлиши мумкинми? У — Исмоилбей урушда бир нарсани — Ватан учун жанг килиши лозимлигини биларди. Энди хайрон: кани ўша Ватан?

Хаёлида кўп жонланадиган икки манзара шу — соҳил бўйлаб кувнаган ҳолда юграётган бола... шимининг почасини химариб, кайғу юкини оркалаб бораётган аскар... Қўкрагида Ватан химояси учун берилган нишонлар. Қўкрак сиртида нишонлар, қўкрак ичидаги юракка эса тиф санчилиган...

— Ватани йўқнинг имони йўктур, — Исмоилбей шундай деб, хаёл бандилигидан озод бўлиб, кўзларини очди. — Худо ота-боболаримизга Ватан берган эди, биздан тортиб олди. Бизнинг гуноҳларимиз учун сизлар ҳам ватангадо бўлдинглар. Сизлар имонсиз кетманглар, Ватанга қайтинглар. Худога шукрки, бизни коғирлар юртида хору зор килмади. Оркадошларимиз бизларни ранжитишмайди. Уларнинг улуғлиги шунда. Аммо Ватан улуғроқ. Унинг ўрнини хеч нима босмайди.

Исмоилбейнинг кейинги гапларини тепловознинг кичкириғи босиб кетди. Сунг поезд гуриллаб ўтиб, уй тебраниб, шифтларигача кисирлади. Ўй эгалари бунга кўнишиб кетишган, эътибор ҳам беришмади. Зелихон эса ҳар ўн дақиқада бир поезд ўтиб, заминни силкитгандага хавотир билан шифтга караб қўяди.

— Вакилларимиз Масковга кетишиди, — деди Аҳад-

бей, — Крим татарлари билан биргалашып, ҳақиқатга етишар, иншооллох.

— Чеченлар күп кетишди. Сени ҳам кетди, деб юрувдим? — деди Исмоилбей.

— Онам шу ерда, бувам шу ерда. Мен қаёкка бораман? — Зелихон «мен камоқда эдим», демади. Чол гап кавламасин, деб бошини эгиб, сукут сақлади.

Исмоилбей «сизлар гурунглашиб ўтириңглар, мен самоварга чиқай» деб фотиха ўқиди-да, ўрнидан турди.

Ахадбей отаси кирганида хонтахта остига яширган шишини олиб, пиёлаларга арок қуиди-да, «Сөғ бүл», деб күттарди.

— Сени чакирганимнинг боисини энди айтай, — деди у. — Вакилларимиз Московдан курук қайтишади. Москов юртларингга бораверинглар, деган билан гуржилар ўйларимизни бўшатишмайди. Кон тўкилиши аниқка ўхшаб турибди.

— Кон тўкилса чеченлар сизлар томонда бўлишади.

— Кон уша ёқда тўкилади, деб ўйлаяпсанми?

Зелихон бу гапдан ажабланди:

— Қаерда тўкилади?

— Шу ерда.

— Эсинг жойидами? Ким билан урушасан? Ким кон тукади?

— Ўзбеклар билан...

— Ахад! — Зелихон ўрнидан қўзғолиб, тиз чўкиб ўтириб олди. — Жиннимасмисан? Бизга уй берган, нон берган ўзбек билан урушасанми?

— Сен ховликма. Биз урушмаймиз. Бизни уруштиришади. Мен кузатиб, сезиб юрибман. Сен Федяни билармидинг?

— Кайси Федя?

— Истансанинг орқасида турарди. Лақаби «Бўри».

— Ҳа... отилиб кетувди шекилли?

— Ҳукмни ўзгартиришган. Ўн беш йил беришувди. Янги йилдан олдин пайдо бўлиб қолди.

— Кошибдими?

— Кочганга ўхшамайди. Бемалол юрибди.

— Кутулиб чиққандир?

— Йўқ. Ҳали ярмини ҳам ўтирамади. Афви умумийга тушиши ҳам мумкинмас. Ҳуллас, бу ёгини эшиш: уни Кувасойда кўрдим. Пивахонада тўртта улфати билан ўтирган экан. Улфатлари бу ерлик эмас, билиниб турибди. Мен билан кўришди. «Нима қилиб юрибсан?»

десам, «иш бор, братан», деб ишшаяди. Битта-яримтанинг изига тушиб, шўрини куритмокчими, деб пойладим. Шериклари билан Кувасойни айланиб чишиди. Асосан турклар кўпроқ яшайдиган кучаларни айланишди. Кейин иккита мошинга ўтириб, фойиб бўлишди. Эртасига уларни бу ерда кўрдим. Улар тошага келишмаган. Кўнглим сезиб турибди. Куёвим Кувасойдаги пивахонада ишлайди. Атай бориб суриштирдим. Улар уч-тўрт марта келишибди. Турк йигитлари билан пиваҳўрлик қилишибди. «Хозир ҳамма ёқда эркинлик, сизлар Турк автономиясини талаб қилинглар», дейишибди. «Туркларнинг ўз республикаси бўлсин!» дейишибди. Пиво ичгани кирган иккита ўзбек йигитни туртиб чикаришибди. Гапга тушуняпсанми?

— Федя шу ердами?

— Шу ерда эди, кўринмай колди.

— Яхши, уни ўзим топаман. Селим каерда, ҳалин хам Кувасойдами?

— Ха.

— Федя билан кўришгандир?

— Билмайман.

— Кўришади. Федя келади-ку, кўришмайдими?

Тур, кетдик. — Зелихон шундай деб ўрнидан турди.

— Ошни дамлаб, еб олайлик.

Зелихон «Кейин», деб ташкарига чикди. Ахадбей унга ноилож эргашди.

«Запорожец»ни ўт олдириш учун итариб юргизишга тўғри келди. Машина ўтган йўлини кўк тутунга буркаб юрса ҳам, манзилга етиб олди. Ҳашаматли ўй, юк машинасига мўлжаллаб ишланган катта дарвоза олдида «Запорожец» ўйинчокка ўхшаб колди.

Селим деганлари узун бўйига монанд корин қўйган, каддини тик тутиб юрувчи йигит, ховлида Зелихонни кўриб, дастлаб танимагандай каради, сўнг бирдан чехраси очилиб, кучок очиб келди.

— Зели оға, тушумми ё ўнгимми? — деб қаршилади.

Кенг ховли атрофига уйлар солинган, худди кўрғонга ўхшарди. Мевали дараҳтлар тартиб билан экилган, кунга караган ўй рўпарасига темир кувурлардан токсўри ишланган.

Селим уларни кенг ўйга бошлаб кирди. Меҳмонхона шифтининг ўртасида катта биллур қандил. Тўрт чеккасига эса, айнан шу қандилнинг кичик нусхалари

осилган. Йигирма киши бемалол давра қурадиган устолда дастурхон безоғлиқ эди.

— Оғажон, соғинтириб юбордингиз-ку? — деди Селим жилмайиб.

— Каердалигимни билмасмидинг? — деди Зелихон.

— Билардим.

— Билсанг нимага сўрайсан. Чикиб келдим. Хизматинг бўлса, айт.

— Хизматни қўйинг, оғажон. Хизматда мана, биз бўламиз. Сиз иззатда.

— Ишларинг қалай? Ўзбеклар гашингга тегишимаяптими?

Кутилмаган ташрифдан ажабланиб турган Селим бу саволга қандай жавоб беришни билмай, иккиланди.

— Тўғрисини айтавер.

— Бу ер ўзимнинг қўлимда. Лекин... Хосилбойвачча дегани эшитганмисиз? Ўшанинг одамлари кўз очирмайди. Конимни сўриб ташлашибди.

— Шуни Федяга айтдингми?

— Кайси Федяга? — Селим шундай леб «Сотдингми?» деган маънода Аҳадбейга қаради.

— Аҳадбейга қарама, менга қараб жавоб бер. Федяга нима дединг?

— Шуни айтдим.

— Ердам бер, дедингми?

— Ха.

— Ахмоксан. Пулинг кўп-у, аммо ақлинг кам. У нима деди, ўзим тинчтаман, дедими?

— Ха.

— Сен бу ердан кучиб кет.

— Нега энди?

— Кирғиннинг уясига чўп сукиб қўйибсан. Келиб келиб Федядан ёрдам сўрайсанми?

— Кимдан сўрай бўлмаса?

— Кучинг етса ишла. Бўлмаса яғир бўлиб юравер.

Зелихонга айрим нарсалар аён бўла бошлаган эди.

Шу учун Селимнинг меҳмондорчилигига унамади. Аҳадбейникига хам кирмай Фарғонага жўнади. У Федяни қаердан топишни биларди.

Хар бир мамлакатнинг ўзинга яраша конуни, коидаси бўлади. Фукаро конун-коидаларга итоат этиб яшайди. Худди шунга ўхшаб, биз жиноятчилар, деб атовчи оламнинг ҳам ўз конунлари, тартиб-коидалари бор. Улар биз жорий этган конунларни сарик чиқага олишмайди. Шу сабабли уларни таъкиб қиласиз, хибсга оламиз, ҳукм чиқарамиз. Дарёга тӯғон солингани билан сув оркасига караб оқмайди, тўлиб-тошиб, йўлида давом этаверади. Агар тӯғон заиф акл билан қўйилган бўлса, тўпландиган сув уни бузиб кетади. Ҳайкирган жунун сув тўлкинлари элни анча бесаранжом қилиб қўяди.

Зелихон яшайдиган олам ҳам шунга ўхшайди. Унинг фукароси кам, аммо конуни пухта. Уларда «ахлок тузатиш колониялари» йўқ. Улар «ахлок тузатиш» билан шуғулланишмайди. Уларнинг ҳукми битта — конунни буздингми, хиёнат қилдингми, биродарингни куткармадингми, тамом, жонинг билан жавоб бер.

Бу ёзилмаган конун-коидаларни сув қилиб ичиб юборган Зелихон каерда, қандай ҳаракат қилишни, ким билан қандай гаплашишни яхши билади. Қайси ўғрини каерда топишни, қайси хоним кимга ҳам бошпана, ҳам кучоғидан жой бериши мумкинлиги унга маълум. У «Федяни ўзим топаман», деб бекорга айтмади.

Зелихон Аҳадбейнинг «Запорожец»идан тушиб, бир йўловчи машинани тўхтатди-да, Фарғонага караб кетди. Тўрт қаватли иморатлар орасига тирсак шаклида тушган бино унга яхши таниш. Иккинчи қаватдаги эшик ўзгарибди. Илгаригисига чиройли чарм копланган эди. Буниси темирдан булибди. Зелихон эшик қўнгироғини уй бекасига таниш бўлган тарзда босди. Қўнгироғнинг иккита киска, учта узун жиринглашини эшитган бека эшикни бехавотир очиши мумкин. Куттилгандай бўлди. Эшик аввал кия очилди. Бека таниш одамни кўриб, эшикни каттарок очди-да, ўзи оркасига чекинди. Зелихон одатига кўра атрофга аланглаб олгач, тезгина ичкари кириб, эшикни ёпди.

— Зеля, яхши келдингми? — Бека шундай деб унга яқинлашди-да, кўкрагига бош кўйди. — Надуля, ўзинг омонимисан? — деди Зелихон, уни елкаларини силаб.

Ҳали киркка кирмаган бу жувон тароватини йўқотмаган, кучокласа кучоклагудай, упса ўпгудай эди. Зелихон вактида у билан айшини сурган. Аммо улар

орасида мұхаббат, ҳамиша бирга бўлиш туйғуси йўқ эди. Юрак юракка талпинмаган. Зелихон бу тушакда бир неча соат илгари бошқа эркак ётган бўлиши мумкинлигини биларди, Надя ҳам бу чиройли йигитнинг хозиргина бошқа аёл кучоғидан чикиб келаётган бўлиши мумкинлигини биларди. Дарвин деган зот худди шу тоифа одамларга караб туриб, «одам маймундан пайдо бўлган», деган назарияни яратган бўлса не ажаб? Булар Оллоҳнинг эмас, балки хирснинг бандалари эдилар. Одам боласига Яратган яхши туйғулар ҳам берганини билмас эдилар. Шундай туйғу бўлмагани учун ҳам бир неча йил эмас, бир неча соатгина кўришмаган танишлар сингари омонлашдилар.

Мехмонхонадаги устол усти душман пайхон этган қишлоқ манзарасини эслатарди. Бу Зелихонни ажаблантирмади. Чунки у бунда дурустрок манзарани курмаган.

Надя Зелихоннинг рўпарасига ўтириб, иккни қулини жағига тираб, унга тикилди.

— Кўринишинг бинойи. Курорт ёкибди,— деди жилмайиб.

— Сенинг дуоларинг етиб борди,— деди Зелихон ҳам жилмайиб.— Мени соғиниб, ичниб колибсан.

— Сени, деб ичкисам арзийди.

— Нима иш қиляпсан?

— Ўзинг билган иш.

— Ким билан ишлайпсан?

— Суварак билан.

— Кунинг шунга қолдими?

Надя «нима қилай бўлмаса?» дегандай елка қисиб қўйди-да:

— Ичасанми?— деб сўради.

— Борми?

— Сенга бор.— Шундай деб ичкари хонага кириб кетиб, дам ўтмай бир шиша арок кутариб қайтди. Зелихон шишани унинг қўлидан олиб, чакконлик билан очди-да, иккита қадаҳга қўйиб, биттасини аёлга узатди.

— Эсон-омон кайтиб келганинг учун,— Надя шундай деб бир ҳўплаб қўйди.

Зелихон қадаҳни бир кутаришда бушатди.

Иккинчи қадаҳдан сўнг аёлнинг ёнига ўтиб, уни кучоклади.

— Энди эсингга тушдими?— деди Надя нозли ва гинали овозда. Зелихон жавоб бермай, бакбақасига

лаб юборди. Унинг назаридаги Федянинг қаердалигини шу аёл билиши керак эди. Тўғридан тўғри сўраса, айтмаслиги хам мумкин эди. Шу сабабли мақсадга аёлларга ёқадиган йўлдан юриб боришни маъқул курди. Надя ийиб, тўшакка ётишга тайёр бўлганида «Федя каерда? »деб сўради. Кўзлари сузилиб турган аёлнинг кошлари бирдан чимирилди.

— Шунга келувдингми? — Надя Зелихонни кўкрагидан итарди. Зелихон эса аксинча, уни маҳкамроқ кучди. Надя унинг кучогидан чикишга уринди, охири бўшашган ҳолда, ёпик эшикка каради.— Шуни кейинрек сўрасант хам бўларди-ку? Ана, ётиби. Фирт маст.

Зелихон уни кучогидан бўшатиб, эшикни очди. Юзтубан ётган, чап кулоғининг остидан оғзигача тиртифи бўлган бу йигитни дарров тиниди. Ичкари кириб эшикни ёпди-да, «Федя», деб чиқирди. У бир текисда нафас оларди. Мастга ўхшамасди. Зелихон уни яна чакирди, сўнг унинг маст уйқуда эканинга гўё ишонч хосил килгандай, пиджагининг чўнтағига кўл юборди. Янги паспорт, озод этилгани ҳакидаги гувоҳноманин кўргач, боя кўнглига оралаган шубҳа ҳакиқатга айланна бошлади.

У Федянинг бош томонига ўтиб ўтирди-да, худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай гапира бошлади:

— Менинг Бўри деган бир дўстим бўларди. Арок дарё бўлиб оқиб келса, шимириб қуритарди. Аммо ўзи сира маст бўлмас эди. Қамоқда бузилиби, бечора. Энди... одам сотилганидан кейин шунака бўлиб қоларкан-да. Худо раҳмат килсан, сени Федя. Ҳомингни тоабад унутмаймиз, дея олмайман. Соткинларни эсламаймиз, ўзинг биласан-ку...

Шу гапдан кейин Федя бир кимирлаб олди.

— Соткин эмасман,— деди ётган ҳолича.

— Бошингни кутар, Федя, мендан уялма.

Федя бошини кўтариб, тирсагига тиради.

— Нимага келдинг?

— Иш бор эди. Чикиб келганингни эшитиб, хурсанд бўлувдим.

— Қанака иш?

— Энди сенсиз битадиган иш.

— Мени соткин дема, Академик, мен бирорни сотганим йўк.

— Кочдингми? Кочганга ўхшамайсан?

— Ишинг бўлмасин. Йўлини килиб чиқдим.

— Мен билан ишлайсанми?  
— Йўк.  
— Нимага?  
— Ўзимнинг ишим бор. Агар хохласанг... мен билан ишлашинг мумкин. Яқинда катта ов бўлади.

— Қаерда?

— Қаердалигини вакти келганда айтаман.

Эшик қўнғироги жиринглаб, уларнинг сухбатлари узилди. Бироз фурсат ўтга, эшик қия очилиб, Надя кўринди.

— Федя, келди айтганинг.

Федя ўрнидан туриб меҳмонхонага чиқди. Зелихон унга эргашди. Меҳмонхонада соchlари паҳмайган, қадди келишган бир киз турарди.

— Ешинг нечада? — деб сўради Федя унга тикилиб.

— Ўн еттида, — деди киз, бу саволдан ажабланиб.

— Зеля, бу товукни топиб келган матахини қара. Менинг куним энди қара кампирларга қолибди-да, а? Жўна, кўзимга кўринма!

Киз лабинни чимириб, шарт бурилган чокда, Зелихон уни тўхтатди.

— Надуля, бу менга насиб қилган экан. Бизга ўхшаган чолларга қари кампирлар ҳам бўлаверади.

Федя Зелихоннинг олдида олифтагарчилик қилмоқчи эди. Оғзидағи нонни олдириб қўйиб пушаймон еди-ю, аммо сир бой бермади.

## ХХ БОБ

1

— Хосилбойвачча деганлари мен бўламан. Бир томони қайнотангиз билан ака-укалигимиз бор. Бир томони йигитнинг сўзи қайтунча шайтоннинг бўйни узилсин, дейишадими?

Шу гапдан кейин Элчин ўйланиб қолди. У Хосилбойвачча деганларини эшитган, қўчкорларнинг бири шу эканини ҳам биларди. Аммо ўзини кўрмаган эди. Озгин юзидага катта юмолок кўзлари болакай чизган суратни эслатувчи, қалдирғоч мўйловли, кирра бурунли бу йигит ўзига эринмай зеб берган эди. Қийимларининг таҳи бузилмаган, бирон ерда ғажимнинг асорати йўқ, худди у хеч ерда ўтиrmайдигандай, суюнмайдиган-

дай эди. Иккала қўлининг бармокларида биттадан тилла узук. Бу одамдан тараляётган атир ҳадига димок ёрилиб кетай дейди. Элчинни ҳайрон колдирган нарса бу эмас, бундай олифта юрувчилар кўп. Элчин тўйга айтиб келган бу йигитни зимдан кузатиб, унинг киприк қоқмаслигини илгади. Ўқдай қадалиб турган нигоҳдан одам боласида кам учрайдиган со-вук ўт чакнаб туарди. Бу нигоҳ «сенга яхшилик қиламан», деб алдай олмасди. У тўғрисини айтарди: мендан факат ёмонлик кут!

Элчин Ҳосилбойваччанинг таклифини эшитгач, кеча Асадбекнинг қидириб келгани сабабини англали. «Демак, Асадбек бу таклифдан огоҳ. Демак, бу одамга хизмат килишимни истамайди. Нима учун? Файрлиги келганми? Обрўйига путур етишини билганми? Кимсан, Асадбекнинг куёви Ҳосилбойваччанинг хизматида бўлса?!»

— Мен ноз қилаётганим йўқ, ака,— деди Элчин, ўзидан икки-уч ёш кичик бўлган Ҳосилбойваччага.— Акахонингиз сизга қадрдон бўлсалар, тўйларига зўрроқ ашулачишларни олиб борганингиз яхшими, дейманда. Мен анча четга чиқиб қолганман. Бирор эслайди, бирор эсламайди. Ғулом келибди ё Шерали келибди, деган гап қаёқда-ю, алмисокдан қолган Элчин келибди, деган гап қаёқда?

— Бунчалик паст кетманг. Арзимасангиз ўзим келмас эдим.

Элчин бу гапдан «Мен унча-бунча одамни таклиф этмайман», деган маънони уқди. У Асадбекнинг мақсадини анлагандай эди. Аммо шунча ўйласа хам Ҳосилбойваччанинг асл нияти нима эканини билолмади. Ҳар бир катта-кичик тўданинг, ҳатто гап ейдиган кичик улфатнинг ўз кўшикчиси бўлади. Элчин Асадбек тўдасига тегишли, ҳатто улар уни ўз мулкидай кўришар эди. Ҳосилбойваччаларнинг хам ўз мулки — кўшикчи-си бор. Тўйга Ҳасанали келармиш, дейилса, одамлар унинг йўлига хафталашиб кўз тикишади. Ана шундай машҳур ашулачи турганида Элчин нимага керак бўлиб колди? Элчин таклиф замираша қандайдир китмирлик ётганини фахмлади-ю, киска фурсатда ўша «кандайдир» нима эканини англай олмади.

— Катта бошингизни кичик килиб келибсиз, биз нима дердик. Қасбимиз яхшиларга хизмат килиш.

Ҳосилбойвачча юзини жилмайиш эпкини силаб ўт-

ди. Бу кувониш эмас, ғолиб одамнинг мағрур жилмай-иши эди.

Элчин тўйга борибди?!

Асадбек бу хабарни эшитиб, тутокиб кетди. У «Элчин сал бўлса-да, эсини йиғиб олди», деб янглишганини билди. «Қўзи кўр, ақли паст экан,— деб ўйлади Асадбек,— бу таги пастга олов билан ўйнашишни ким қўйибди?»

— Тўйда ахвол канака экан?— деб сўради Асадбек, ўзини бироз босиб олгач.

— Улок Ҳасаналидамиш. Элчинга пул қистиришмабди,— деди Чувринди.

— Ха, тулки!— Асадбек ўрнидан туриб, эшик томон юрди.— Кетдик.

— Сиз бормаганингиз маъқул,— деди Чувринди, жойидан жилмай.— Мен йигитларни юбордим. Ўзлари тинчтишиади.

Асадбек тўйхонага кундузи бориб муборакбод этиб, совға-саломини бериб келган эди. Унинг кечки зиёфатларга келмаслиги кўпчиликка маълум, шу учун ҳозир борса, мағлубиятини бўйнига олган бўлиб чиқади. Чувринди буни олдиндан хисоб-китоб қилиб қўйган эди. Асадбек унинг максадини дарров тушуниб, жойига кайтди.

— Сиз ташвишланманг. Бир жаҳатдан шундай бўлгани ҳам дуруст. Бурнига сув кирса, кейин қадрингизга етади,— деди Чувринди. Асадбек хабарни эшитиб, титраб ўтирган пайтда Элчин тўйда ёниб қўшик айтарди. У даврига биринчи чикишидаёқ бу ерга шарманда бўлиш учун келганини англади. Ундан олдин Ҳасанали чикқанида уни кийкириб қарши олишди. Ҳасанали ўртага чикиб, худди цирк артистидай бир кўлини юқори кўтариб таъзим қилди. Олкишлар тингач, унга торни икки кўллаб узатишиди. У арзимаган бир одамнинг мактубини олаётган подшодай қаддини ғоз тутиб, торга қўл узатди. Шу онда Ҳосилбойвачча унга яқинлашиб, устидан пул сочди. Ҳасанали ашула айтиб эмас, пул сочишдан, қистиришдан чарчади. Навбат Элчинга етганида тўйхонада олкишлар янграмади. Пуллар сочишмади. Ташқаридан қараган одам бар-

ча пул аввалги ашулачига сарф этилиб тугабди-да, дейиши мумкин эди.

Элчинга бу усул маълум. Ашулачини хор қилишнинг энг маданий йўли шу. Бундан бир вактлар Асадбек ҳам фойдаланган. Элчинни бошлаб бориб, унинг обрўйини ошириш, тўй эгаси чақирган ҳофизни ер қилиш учун шу усулни кўллар эди. Ҳосилбойвачча акс йўл тутди: ўзи айтиб келган кўшикчини ўзи хор қилди. У атайин даврага чикмади. Худди Элчиннинг ашуласини эшитмагандай улфатлари билан чакчақлашиб ўтираверди. Элчиннинг раккосаси — тўйларда юравериб кўзи пишган жонон жувон — Ҳосилбойвачча ўтирган ерга бориб минг муком қилди, минг ишва билан сузилди, фойдаси бўлмади.

...Ана шу пайтда Асадбекка хабар кетган эди...

Элчин иззати битганини билиб, тўйдан чикиб кетмокчи ҳам эди. Бирок, ўзини тутди. Шармандалик юкини ортмоклаб чикиб кетгандан кура охиригача чидашга карор қилди. Ҳозир чикиб кетса — уларга шу керак — ғолиблик жомини сипкоришади, кетмай ўтираверса, чикиб ашуласини айтаверса, улар ажабланишади, балки хавотирга ҳам тушиб колишар.

Элчин тўйхонада ўзининг калака қилинаётганидан бир эзилса, икки тўда орасида қўғирчоқ бўлаётганини англаб, минг эзилди. «Бунга аввалроқ аклим етиши керак эди», деб ўзини ўзи айблашдан ўзга чора топмади. У даврага иккинчи марта чиккач, атайин мунгли ашулани айта бошлади. Ширакайф йигитлар келиб, «шўҳроғидан бўлсин», деб қулогига шивирлаб кетишса ҳам парво қилмади. Тўйда яйраб, ўйнайман, деб келган кизлар, йигитлар бетокат булишди. Ҳосилбойваччанинг даврасидагилар ҳам у томонга бир-икки қараб қўйишли. Ҳозиргина кизнётган тўй совий бошлади. Тўй тўйга эмас, маърузачининг гаплари ёкмай ғўнғир-ғўнғир бошланган мажлисга ўхшаб кетди. Ҳосилбойвачча ўрнидан туриб, Элчин томон бир кадам кўйгач, тўхтади. Элчин унинг тўхтаб колиши сабабини рўпарасида Жамшид пайдо бўлгач, англади. Жамшид ашуладан маст бўлган одамдай жилмайиб қўйди-да, чўнтағидан бир даста пул чикариб Элчиннинг устидан сочди. Жамшиддан сўнг яна икки нотаниш йигит сочди. Ана шунда Ҳосилбойвачча чўнтағига қўл тикиб ўрнидан турди. Ана шунда Элчин ашулани ниҳоясига етказмай уздида, жойига қайтди.

Уни түй охиргача даврага чорламадилар. У эса ўзини эркин тутган бўлиб, еб-ичиб ўтираверди. Ше-рикларининг савол назарларига «хотиржам бўлинглар», деган маънода им кокиб кўяверди.

Тўй тугаб, келин-куёв кузатилгач, Хосилбовачча Элчин ўтирган устолга якинлашди.

— Қалай, хофиз, уринтириб қўймадикми? — деди у, Элчиннинг елкасига қўл ташлаб.

— Маза килдик, ака, — деди Элчин ўнинг кўзига тик караб.

— Акахонни хурсанд килдингиз, раҳмат, — у шундай деб чўнтағидан икки тахлам юз сўмлик чикариб, устол устига ташлади. — Етадими?

Элчин заҳарли жилмайиш билан пулларга қаради. Бир тахламни олиб, ёнида ўтирган доирачига узатдида, «Ўзинг бўлиб бер», деди. Сўнг иккинчи тахламни Хосилбоваччага узатди:

— Акахон, мен холис хизматга келганман.

Хосилбовачча қошларини бир чимирди-ю, аммо сир бой бермади. Сўнг пулни олиб раккоса олдига ташлади.

— Ўйинингга беш кетдим.

У шундай деб бурилиб, изига кайтди.

### 3

Кўчада Жамшид кутиб турган эди. Элчин уни кўрмагандай ўтиб кетмоқчи бўлди. Аммо сергакликда унча-бунча одамга дарс бера оладиган Жамшид ўнинг йўлини тўсади.

— Сиз бу ёкка чикинг, — деди, қатъий оҳангда.

«Демак, Асадбек олиб келишни буюрган», деб ўлади Элчин. У бир тўхтамга келиб улгурмай, Жамшид оркароқдаги доирачига буюрди:

— Торни мана бу мошинга кўйинг. Хофиз акангиз биз билан бирга кетадилар.

Элчин Жамшид билан фиди-биди айтишни ўзига эп кўрмай, машинага ўтиреди. «Асадбекнинг кўзи учуб турган бўлса, унга айтадиган икки оғиз ширин сўзим бор», деб кўйди.

Жамшид одатига содик қолган равишда жим боради. Орка ўриндикда ўтирган Элчин унга тикилиб, ўйларди: «Асадбек бу лайчасини атай юбордими? Энди

менга нималар деб сасир экан? «Хосилбойвачча Асадбекнинг күёвини бир пул қилди», деган андишага чидай олмас ҳар ҳолда...»

Элчин камоқдан чикиб келгач, ўзини аклан тұлишган хис киларди. «Атрофимда содир бўлаётган ҳар бир воеага, айтилаётган ҳар бир гап-сўзга аклим етади, кимга нима дейишни яхши биламан», деб ўйларди. Зохиран шундай. Ҳар бир инсон йил ўтгани сайн ўзини аклли хис килиб боради. Худди шу хис уни кўпга кулги қиласи ёинки ҳаёт сўқмоғида чалиб йикитади, йикитганда ҳам бир умр мажрух килиб қўяди. Тўғри, Элчин кўпни кўрди. Найранг нима, мунофиқлик нима, ваҳшийлик нима — ҳаммасига тирик гувоҳ. Аммо, бу найранг, бу мунофиқлик, бу ваҳшийлик, одам боласига ёт жамики иллатлар ранги кундан-кунга турланиб туришини ҳисобга олишни ўрганимади. Буни ўрганиши ҳам кийин. Бугун сарик рангда тусланган ваҳшийлик эртага қайси рангда жило беради? Қорами? Яшилми?.. У Шилимшиқни ўлдирмок истагида юрганида қайси рангда эди. Б жингалак сочли йигитга пичок санчаётганида қайси рангни афзал билади? Буни унинг ўзи ҳам билмайди. У ўзи сезмаган ҳолда икки гурух ўзаро тепиб ўйнайдиган копток ҳолига тушди. Зимдан тайёрланаётган олишув сахнасида бир зарра бўлиб колганини у ҳали тушуниб етмасди.

Жамшид шоҳкўчадан тўғрига юрмай, чапга бурилгач, Элчин ажабланди. «Демак, бугун Асадбек мени кўришни истамайди. Демак, бу тун ўйланади, режа тузади. Асадбек кўлида кўғирчокка айланганингиз муборак бўлсин, Элчинбой. Қасоскор эркак сизми эдингиз?» Элчин дарвозаси ёнида тўхтаган машинадан тушиб, торини қўлтиклаган ҳолда қолди. Жамшид хайр, ҳам демай, жўнаб кетди. Элчин чўнтағидан калит чиқарди-ю, кулға солишига қули бормади. Нима учундир уйига киргиси келмади. Кимгадир дардини айтишни истади. Унинг дардини ярим кечада ким эшилади? Зелихон бўлганида эшитарди. Лекин у Фарғонадан қайтгач, «зарур ишни» баҳона килиб, Масковга жўнаб колган. Элчиннинг дардини Анвар ҳам эшитиши мумкин. Лекин уйғотиб, хотини бағридан чикиб унга қулок тутиш малол келса-чи? Элчин шу фикрларни хаёлидан ўтказиб, ўзини ночор, ёлғиз сезди. Атрофда «азизим, биродарим, дўстим...» дейдиган одамлар кўп. Аммо дардини эшиладиган инсон йўқ бўлса ҳам кийин экан.

«Одамлар камоқдан кўркишади,— деб ўйлади Элчин.— Ахир шу ёруғ жаҳоннинг ўзи турма-ку? Ёнман юшайсан, лекин бир-бирингга ишонмайсан. Бу Ер деганлари гуноҳкор бандаларнинг сургун муддатини ўтовчи жойи эмасми? Камоҳонада ҳар бир барак ўзига хос бир мамлакат. Ҳар бир баракнинг ўз конуни, ўз урфи, ўз подшоси бор. Ер юзидағи ҳар бир мамлакат қамоқхоналардаги бараклардан нимаси билан фарқ қиласи? Диндорларнинг гаплари балки тўғридири? Одам боласи чиндан ҳам синов учун бу дунё-да яшар? Синовдан ўтса — озодликка чикади, жаннатга тушади. Ўтмаса жаҳаннам азобида қолади...»

## 4

Зайнаб эрини кутиб, ухламай ўтирган эди. Машина келиб тұхтаганини билди. Машина эшиги тез очилиб, тез ёпилди. Машина шитоб билан қўзғолди. Зайнаб отарчилар шилта йўллардан юрадилар, деб кўп эшитган эди. Эрининг тўйга боражагини билганидан бери, шу йўлда юриб келади, деган фикр унга тинчлик бермаётган эди. Дарвоза эшиги ха деганда очилмай, эри киравермагач, миясига ўрнашган гумон ҳакиқатга айланаверди. Назарида эри ўйнаши билан тушиб колиб, дарвоза олдида кучоклашиб тургандай туюлаверди. Елкасига калин рўмолини ташлаб, ташқарига чикди. Девор олдига келиб, кўча томонга қулок осди. У кутган ҳансирашлар, пичирлашлар, хиринглашлар эшитилмади. «Мошина қўшиларнига келгандир»—Зайнаб шу фикрда изига қайтмоқчи эди, кўча томонда Элчин енгил ўйталди. Зайнаб сергак тортиб, яна қулоғини динг қилди. «Нимага кирмаяптилар?» деб ажабланди. Қанча ўйламасин, саволига жавоб тополмади. Кута-кута, охири эшикни ўзи очди.

Торини кучоклаб ғарид ахволда турган эрини кўриб, хайрати яна ошди. Элчин қўккис эшик очилганида бир чўчиб тушди. Айвонда ёниб турган чирок нури бу ерга аранг етиб келарди. Шу сабабли Элчин хотини кўзидағи ажабланишни сезмади. Зайнаб ҳам эрининг кўзидағи ҳайронлик аломатини илғамади.

— Зайнаб? Тинчликми?— деди Элчин. Унинг тили гапга келмай, овози соков одамниkidай ғўлдираб чик-

ди. Зайнаб «маст экан», деган хаёлга бориб, паст овозда:

— Тинчлик,— деди,— киринг...

«Кутаётган экан!» Шу фикр Элчиннинг кўнглини ёритиб, елкасидан босиб турган дардни кувгандай бўлди. Остона ҳатлаб ўтиб, эшикни ёпгач, бир қўлини хотинининг белига юбориб, уни ўпмокчи бўлди. Зайнаб юзини олиб кочди, ўптирамади. Элчин буни нозли араз ўрнида қабул килиб, кўнгли янада равшанлашди. «Шунчалик кутдими, шунчалик аразладими, демак, яхши кўради?» деган қарорга келди. Ичкари кириб плашчини ечгач, уни яна кучмокчи бўлди. Зайнаб бир тўлгониб унинг қучоғидан чикди-да:

— Аввал ювининг,— деди.

Бу гапдан сўнг Элчиннинг устидан совук сув куйилгандай бўлди.

— Сен ҳали... мени шунака саёк... шалтоқ деб ўйлайсанми?!

Зайнаб эрининг кўзларига караб бир олам ғам кўрди. Яна бир гап айтса, назарида эри йиглаб юборадигандай туюлди. Гапи қўпол чикқанини англаб, юмшатишга ҳаракат қилди:

— Факат саёк одам ювинадими? Бегона жойларда ўтирдингиз, бегона одамлар билан кўришгансиз... Дарров эгриликка олманг-да...— Шундай деб эрининг юзини силаб кўйди. Элчин бу юмшок қўлнинг тафтини сезмади. «Буғун ўзи тупроқка кориштирадиган кун экан», деб ҳаммомга караб юрди.

Элчин ювинаётган маҳалда Анвар ширин уйқуда эди. Бирдан уйғонди. Уйғонганда хам сергак, тиниккан ҳолда уйғонди. Бирпас жим ётди. Пешонаси кизий бошлагач, ўрнидан туриб меҳмонхонага чикди. Даразадан тушиб турган нурни кўриб, шошиб эшикни ёпди.

— Сени биз уйғотдик,— деган ёқимли овоз келгач, нур устига оёқ қўймокчи бўлди.

— Сени хозир олиб бормаймиз,— деди яна ёқимли овоз.

— Мен Зуннуний билан учрашмокчиман, сўрайдиган гапларим бор.

— Ердаги ҳаёт билан видолашганингдан кейин учрашасан.

— Аскар Қосим билан-чи?

— У билан ҳам... Сен бизнинг борлигимизга ишондингми?

— Ха.

— Ердаги ҳаёт билан хайрлашишга тайёрмисан?

— Йўқ.

— Нима учун?

— Одам ўзини ўзи ўлдириши осон эмас. Мен ҳаётдан тўйганим йўқ.

— Бугун бўлмаса эртага тўясан. Холидий энди баттар авжига чиқади. Атрофдагилар сени талашади. Кўз очиришмайди. Сен ўзгаришларга ишониб хато қиляпсан. Одам эгнидаги либос ўзгаряпти, юрак эмас. Шунга аклинг етмайдими?

— Билиб турибман... лекин менга озгина муҳлат беринг.

— Вактни чўзма. Билиб кўй: дўстингнинг дўсти хавф остида, йўлдан қайтмаса, ҳалок бўлади.

— Ким?

— Дўстингнинг дўсти...

Шу гапдан кейин нур чекиниб, хона коронғулашди. Анвар холсизланиб, устулга ўтириди. Ўурнинг жумбокли гапи уни ташвишга солди. Дўстимнинг дўсти ким экан, деб ўйланди. «Дўстга ўхшаб юрганлар кўп. Ҳаммасинин огохлантириб чиқамани? Ё энг якин, энг чин дўстларими? Йўлдан қайтмаса ҳалок бўлади... Қанақа йўлдан? Бирори амал талашаётгандир, бирори мол-дунё қайғуси билан яшаётгандир, бирори бошқасининг чиройли хотинини йўлдан урмокка киришгандир... Қайси бири ҳалок бўлади? Ўр нима учун мени огохлантириди? Дўстимнинг дўсти ҳалок бўлишини истамади. Аммо мени шоширяпти. Мен унга «ҳаётдан тўймадим», дедим. Шу гапдан аччикланиб, дарров ғойиб бўлдими? Мен... ҳаётдан тўймадимми?...»

«Ҳаётдан тўйиш» деган гап тилдан осонгина учади. Шу иккитагина сўздан иборат тушунчанинг ўқ илдизини топиш эса жуда мушкул. Ҳар ким ҳаётдан ҳар хил лаззат олади. Кимdir маишатдан, фохишалар даврасида яйраб тун ўтказишдан, бошқа бирор эса ана шу ҳаром йўлга юрганидан лаззатланади. Кимdir тўплаган мол-дунёсига караган сайн кўзи-қувнайди,

бошкаси тешик тоғорага караб, корин ва нафс бандаси бўлмагани учун яратганга шукр килади.

Худди шунга ўхшаш, хаётдан тўйиш ҳам турлича. Бирор мол-дунёсидан айрилса, хаётдан тўяди. Бирор ҳаксиз дунёдаги найранглардан тўяди... Анвар нимадан тўйсин? Холидийнинг хийлаларига чидай олмаганини ошкор этиб, бу дунёдан кетворсинми? Дунёни холидийларга ташлаб кочсинми? Аскар Косим кетди. Нима ўзгарди? Ким инсофга кирди? Кимнинг кўзин очилди? Унинг исёнини ким англаб етди:

Анварнинг хаёлига шу гаплар келиб, беихтиёр ўрнидан турди. Дераза олдига бориб, осмонга каради. Осмон тунд. Юлдузлар кўринмайди. Булут ортига яши-ринган юлдузни хаёлан кўз олдига келтириб, унга му-рожаат этди:

— Мени олиб кетсаларинг яхши бўларди. Зуннуний билан гаплашардим. Аскар Косимдан сўрайдиган гапларим бор эди. Ўзимни ўлдиришим кочмайди. Орқадан чирқираф қоладиган бир этак болаларим йўқ. Хаётдан умидим ҳам йўқ. Аммо хозир бир адолатни тиклаш имкони туғилганида, кочиб қолиш номардликда. Ўлимдан кўркаётганим йўқ. Ўлганимдан сўнг Холидийларнинг хурсанд бўлишларини истамаяпман. Менга фурсат беринг. Озгина фурсат...

## ХХI БОБ

### 1

Ёниб кетган машинадан топилган тунукача темир йўл бекати юкхонасининг белгиси экан. Тунукачага зарб этилган ракам бўйича иккита катта жомадон сақланарди. Жомадоилар харидоргир кийим-кечаклар билан тўла эди. Трамвай паттасидаги ракамларга караб иш юритиш кийин бўлди. Ўзикоят, автомат юкхоналардан иккитасининг тилсими ечилди. Икковида бир хил кора сумка турар, иккови ҳам кумли халтачалар билан тўла эди. Таркибида олтин бўлган кум каердан олингану кимга сотилиши керак? Майор Солиевни ҳам, Зохидни ҳам шу жумбок гаранг қилди.

— Бойлиги миллион сўмдан кам эмас,— деди Солиев ўзича чамалаб.— Булар сотганларидан колганлари. Шунча пули бор одам таксини ўғирлаб юрарканми?

— Таксопаркдагиларни кўркитиб олган бўлса-чи?

— Унда нима учун айтишмаяпти? Комиловнинг харакатига хам тушуниб бўлмаяпти.

— Бойлик балки уники эмасдири? У бирор кишининг ёки гурухнинг дастёри бўлса-чи?

— Дастёр бўлганида бойликнинг изига тушишарди. Уй бекаси келдими, гаплашдингми?

— Йўқ. Икки марта чакиритирдим. Бугун Толиповни юбордим, олиб келади.

Зоҳид хам, майор хам калаванинг учини топмок учун турли тахминларни ўртага ташлашар эди. Ҳозир, бошлари котиб турганида сиз бориб: «котил санъаткор, у ўчини олди», десангиз, сира ишонмайди. Чунки миллион сўмлик бойликка эга одам оддий касос курбони бўлиши мумкинлиги кам учрайдиган ходиса.

Солиев Зоҳид билан хайрлашиб, ўрнидан турган чокда телефон жиринглади. Ҳамдам Толипов Шилимшиқ яшаган уйнинг бекаси уч кун бурун, яъни тинтувнинг эртасига жомадонларини кўтариб кетганини, йўлда учраган кўшнисига «Чет элга кетяпман», деганини маълум килди. Бу хабарни эшигтан майор Солиев жойига кайтиб ўтириди-да, «Нима қиласиз?» деган савол назари билан Зоҳидга тикилди. Зоҳид бундай бўлишини кутмаган, чунки Сангинанинг хатти-харакати унда шубҳа уйғотмаган эди.

— Биздан қочадиган даражада кўп нарса биларканми? — деди Зоҳид, паст овозда, худди ўзига ўзи гапиргандай.

— У котилликдан балки бехабардир. Лекин беихтиёр ҳолда котиллар йўлини кўрсатиб қўйиши хам мумкин бўлган. Комиловни бу уйга ким жойлаштирган? Шу одамни топиш керак.

— Ўринбосар-чи? — Зоҳид шундай деб телефон гўшагини кўтариб, ракам терди. — Балки уни хам...

Бошлиқ Зоҳиднинг овозини таниб, куюқ ҳол-аҳвол суради. Кейин худди Зоҳиднинг максадини билгандай, кўшиб қўйди:

— Тожимуллаевнинг сал тоблари йўқ шекилли. Кечча телефон килиб, узрларини айтувдилар. Бугун хам кўринмадилар. Уйларидан сўраб кўрайми?

— Ҳа. Иложи бўлса, бир келиб кетсинлар,— Зоҳид шундай деб гўшакни жойига қўйди.

— Уйига бориш керак,— деди Солиев.

— Ҳозир, билайлик-чи? Ростдан тоби қочганми ё айёр касалмикни?

— Касал бўлса майли-я, у ҳам «чет элга» жўнаб қолмаганмикин?

Шу пайт телефон жиринглаб, уларнинг тусмолли сұхбатларини узди. Телефон гўшагидан Бошлиқнинг хавотирли овози эшишилди:

— Ўйда йўқ, кеча «сафарга кетдим», деб чиқкан экан.

— Ҳозир етиб борамиз.— Зоҳид гўшакни жойига қўйдию Солиевга савол назари билан қаради.

Саросимага тушган Бошлиқ хонасига сифмай, уларни кўчада бетоқат бўлиб кутарди. У салом-аликни ҳам унутиб, янги хабар билан қаршилади:

— Кечада эрталаб ишга келганини фаррош қўрган экан. Унга ҳам сафарга кетяпман, дебди.

Ўринбосарнинг қабулхонасида ёши етмишларга бошиб колган озғин кампир ўтирган эди. Солиев унинг ёнидаги бўш стулга ўтирди. Зоҳид дераза томонга ўтди.

— Тожимуллаевни соат нечаларда қўрдингиз?

— Секкиз булмағон эди. Мин убирасть этиб ўрғон эдим. Келиб, Ани, чиқиб туриңгиз, дедилар. Чикиб турдим.

— Менга соат етти яримда қўнғирок килиб, тобим йўқ, девди...

Солиев Бошлиқнинг лукмасига эътибор бермай фаррош билан сұхбатини давом эттириди:

— Қўриниши қандай эди?

— Нормалний эди.

— Бир нарсадан жаҳли чиқкани сезилмадими ё шошиб турғанмиди? Кампир бироз ўйланди.

— Немножко нервничат этти. Минга «Салом, Ани», деди, и всё. А то, яхши сурашар эди. Здоровямни, семямини сурар эди.

— Ичкарида нима қилди? Масалан, темир жавонни очиб-ёпгани сизга эшишилмадими?

— Йўқ, хич нарса ишитмадим. Ну, чиғиб кетғонларидан сунгра карасам, сейфда клучлари турибди. Мин удивляться эттим. Клучни олиб, устолларига спрятат эттим.

— Қаерга, кўрсатинг.

Кампир туриб, ёзув устолига айланиб ўтиб, пастда-

ги тортмага кўл юбормокчи бўлганида, майор уни тўхатди:

— Ани, бўлди, кўл урманг. Тожимуллаев қайси шаҳарга кетаётганини айтмадими?

— Вроде Бухара деди.

Майор Солиев Зохидга савол назари билан каради. Зохид унинг нима демокчи бўлганини англаб, Бошлиқка имлаб кўйиб, кабулхонага чикди-да:

— Телефонингиздан фойдаланасам майлими?—деб сўради.

Саросимаси босилмаган Бошлиқка бу илтимос улуғ бир лутф бўлиб туюлиб, хона эшигини очиб, бироз таъзим килган ҳолда «марҳамат», деди. Зохид, эшик охистагина ёпилгач, телефон гўшагини кўтарди. Аввал экспертиза хизматини чакирди. Кейин Ҳамдам Толиповни топди-да, аэропортга бориб, Тожимуллаевнинг қай томонга учганини аниклашни топширди. Ўринбосарнинг хонасига қайтганида Солиев фаррошни ҳамон саволга тутарди:

— Тожимуллаев канака машинада келди, кўрмадингизми?

— Вроде таксида келди,— фаррош шундай деб, «адашмадимми?» дегандай бошлиғига караб кўйди.

— Хизмат машинасини қискартирганмиз. Таксида келган бўлиши мумкин,— деди бошлиқ, аниклик киритиб.

Солиев кампирни бошқа саволга тутмади. Унга ижозат ҳам бермади. Экспертлар етиб келишгач, кампир билан бошлиқнинг гувоҳлигига темир жавон очилди. Устолнинг тортмалари тинтиб кўрилди. Бирон-бир ашёвий далил топилмагач, Тожимуллаевнинг уйига йўл олишди. Данғиллама қилиб солинган иморат ичи қашшоқ кўрнишда эди. Паркет поллардаги, деворлардаги изларга караб, узок вакт гилам тушалган, осилган эканини пайкаш қийин эмасди. Деворни энлаб турган хориж жавонининг токчалари ҳам гарнебина кўринишда. Гарчи чанг-чунг артилган бўлса-да, бу токчаларда нималар турганини аниклаш эксперт учун чут эмасди. Солиевни ҳозир бу нарсалар қизиқтирмас эди. Шу сабабли уларни ишга солмади. Тожимуллаевнинг хотини аввалига ўзини гўлликка солди. «Қайдам, билмайман, кәёкка кетаётганларини менга айтмадилар», деди. Зохид Тожимуллаев хавфли ўйнга аралашиб колгани-

ни, ҳаёти хавф остида эканини айтгач, йиғламсираб туриб:

— Бухородалар,— деди.— Бугун телефон килдилар. Хавотир олма, дедилар.

— Қаерда туришлари маълумми?

— Ҳа, ҳолаваччалариникида.

— Манзилини айтинг.

Зоҳид аёл айтган манзилни тез-тез ёзиб олди-да, телефон турган хонага ўтди. Ярим соат ўтмай, телефон жиринглаб, Тожимуллаев топилгани маълум қилингач, улар идорага кайтиши.

— Тез топилганига ҳайрон бўляпман,— деди Зоҳид, ўйлда бора туриб.

— Тожимуллаев содда-муғомбирга ўхшайди. У ишдан ишқал чиқишидан қўрқмаган. Уни чўчишишган бўлишлари мумкин.

— Ким, Комиловни ўлдирғанларми?

— Балки.

— Унинг қотилликка аралашганига ишонгим келмайди.

— Бевосита аралашмагандир. Лекин у бизга Комилов яшаган уйни кўрсатиб бериб нодонлик килди. Хархолда у биздан қочмаган. Қидириб, топиб, қўлга олишимизни ўзи истаган. Биздан кочганда фаррошга «Бухорога кетяпман», демас эди.

— Ўзининг соясидан ҳам чўчийдиган одамга ўхшайди. Биринчи келишидаёқ тўрваҳалтасини шайлаб олган экан.

— Шунақа одамларни жиним суймайди. Сичконга ўхшаб яшашнинг нима қизиги бор. Сичконни ҳеч кузатганимисан? Ўонни бир чўқилайди, ўн марта атрофига қараб олади. Бир коп буғдойни ташиб кетади индамасанг. Ҳолбуки унга бир чөлаги ҳам етиб ортади. Лекин у ташийверади, ташийверади. Охири копда бир дона буғдой қолганида копконга тушади. Энди тасаввур қилиб кўр: бир копда миллион дон борми? Демак, миллион марта қопконга тушишдан кўркиб яшаган. Тожимуллаевинг ҳам шунака. Ўгри бўл, мард бўл-да! Худо юракдан бермаган экан, тинчгина, озига шукр қилиб, маошингга яшайвермайсанми?

— Юрак-ку, йўқ, аммо кўз оч-да.

— Одамнинг кўзи тупрок билан тўяди. Унгача «бер, бер», деяверади. Маҳмадана файласуфларинг жиноят ҳакида гапирса, «сиёсий-ижтимоий илдизлар»

деб мияни ачитади. Хеч қанака илдиш йўк. Ҳамма бало кўзда. Назар тўк бўлса, ҳасад ҳам, иғво ҳам, таъкиб ҳам бўлмайди. Кеча маҳалламида бир ҷол гапириб колди: кўз зиноси ҳам бўларкан.

— Бу нима дегани экан?

Солиев «ростдан билмайсанми?» деган маънода ажабланиб караб қўйди.

— Зино — бузукликми, ҳаром йўл билан тўшакка ётиши? Агар бир покиза аёлга шундай ёмон фикр билан караб кўйсанг, кўз зиноси бўларкан. Бунинг гунохи ҳаром тўшакда ётганинг гуноҳидан кам бўлмас экан.

Зоҳид бу гапни эшитиб, кулими сираб қўйди:

— Кўчада кўзимизни юмид юрарканмиз-да энди?

— Тожимуллаев билан таксопарқдагиларнинг хизмати бир,— деди Солиев, унинг ҳазилига эътибор бермай.— Улар кимгадир ҳолис хизмат қилишган. Таксопаркдан машина сўрашган, улар йўк, дея олишмаган. Тожимуллаев эса «ишляяпти», деб расмийлаштириб қўйган. Ҳозир бирор билан бирорнинг иши йўк. Комилов қамоқдан чиккан маҳалларда бу масалага каттиқ туриларди. Ўрими, чайковчими, бир идорага илиниб оларди. Энди Тожимуллаевнинг икки тиф орасида ти-пирчилаш колди. Бир бикинига биз тираб турибмиз, иккинчисига улар. Комилов яшаган уйни кўрсатгани учун улар Тожимуллаевни сикувга олишган бўлса, у бечоранинг юраги чикиб кетган.

— Уларнинг ўрнида мен бўлганимда Тожимуллаевга тухмат килардим. Комиловнинг кон теккан кийимини уйига ташлаб қўядим.

— Бунака ашулашар эскириб колган. Ўқиб юрганингда бир гап айтганман, эсингдами?— Солиев эслаб кўрсинг, деган максадда сукут сақлади.

— Сиз менга кўп гапларни айтгансиз.

Солиев мийигида кулди:

— Қайси бири эсингда?

— Дараҳт кўчада ўсгани билан илдизи кўркам иморатларнинг тагига караб кетган бўлади, девдингиз. Ўзингизнинг эсингиздами бу гап?

Солиев пича ўйланиб, бу савол қопконидан ҳазил билан кутулмоқчи бўлди:

— Бунака акли гапларни кўп айтганман. Мен хозир сендан бошқа нарсани сўрамоқчи эдим: сенлар олий маълумот оламан, деб беш йил китоб титасанлар.

Китобларда ўтган гаплар ёзилади. Жиноятчи китобга тушган йўлдан юрмайди сира. Бу йўлда тез фош булишини билади. У биздан олдинрокда юради. Бизнинг аклимиз ҳам, техникамиз ҳам уларнинг изидан боради. Уста шахматчи ракибининг хеч бўлмаса учтўрт юришини олдиндан билиб туради. Сенга ўхшаганлар тамом бўлган ўйинни ўрганиб юра-верасалар.

— Уста шахматчилар илгариги ўйинларнинг юришларидан ҳам фойдаланишади. Одам эски ашу-лани ҳам баъзан соғиниб колади.

— Хархолда бизнинг соҳада эски ашуладан кўр-киш керак. Ўтган ўйиндаги юришдан фойдаланиб, сира кутилмаган, мотга олиб борадиган зарбага учрайсан. Чунки сен ракибининг усулини ёд олган-сан. У буни билади. Сен «ха, ўзимиз билган юришда», деб хотиржам бўласан. Шунда у бир зарб бе-радики, ўнгланиб ололмайсан.

Улар йўл-йўлакай ўзларича фалсафа сўкиб бори-шарди. Солиев бир жиҳатдан ҳак эди. Ганим томон беш-олти йил китоб титмаган. Шунинг учун бўлса керак, эркин фикрлайди, эркин юриш килади, кутилмаган зарба беради. Солиевларни кийнайдиган яна бир томони бор: ҳар кандай полвон курашга тушганда аввало ўз кучига ишонади. Аммо уни «ха, бар-калла», дегувчи рағбатчиси, ҳомийси ҳам бўлади. Солиевларнинг ҳомийлари, шубҳасиз, шинам хона-ларда ўтиришади, уларни алкашади, нишонлар, му-кофотлар беришади, бироқ, зимдан ракиб томонга ҳам хизмат килишади. Улардан кўркишадими ё улушларини олиб туришадими, хархолда Солиев-ларнинг нозик томонларини уларга билдириб қўйи-шади. Солиевга бу яхши маътум. Шу боис бирон жиноят изига тушганида дарахтнинг илдизи қайси иморат остида экан, деб ўйлайди. Неча марта илдизни топди, аммо кирка олмади — йўл қўйишмади. «Сен дарахт кесувчисан, илдиз кемирувчи эмассан», дейишади. Зоҳид бу ўйинларни зоҳирان билади. Эшитган, лекин бу савдолар ҳали бошига тушмаган. У ил-дизга етиб боришига, болта уришига ишонади. Йо-умид — шайтон, ёш кўнгил шу умид билан яшайверсин. Ёшлик — асли умид деб аталган, афсуски, кумдан ясалган бир иморат. Уни шамол осонгина тўзитади, ёмғир ювиб кетади...

Бухородаги қариндошларинкида конъяк ичиб ўтирган Тожимуллаев уч соат деганда ўзини катта шаҳарнинг жиноят қидирув бўлимида кўрди. Қариндошларинкига милисалар кириб келишганида «хайрият» деб қўйди. Айни чокда юрагига фулғула тушиб, ғойибдан «энди тамом бўлдинг», деган овоз эшигандай бўлди. Туғилган одам қачондир ўлишини билтандек, у бир кунмас бир кун камалиши аниқлигини биларди. У факат бир нарсадан — не азоблар билан, мисқоллаб тўплаган бойлигининг бир кечада учиб кетишидангина чўчирди. Бойлигини балки бошқалар ҳаром дер. Аммо у учун ҳар бир тийин халол, меҳнати билан топган. Ахир шу йиллар ичи у нечта бошлиқ кўрди? Ҳаммасининг томоғи тешик эди. Еб тўймасди. Чўнтағини қаппайтириб яна юкори амалларга кўтарилиб кетаверарди. У эса меҳрибон энагадай тиржайиб, жойида колаверарди. Бошлиқ изидан келганига «бу зўр одам, эҳтиёт қилинг», деб кетарди. Лекин бирон одам менинг ўрнимга бошлиқ бўлиб колсин», демасди. Йоми «ўринбосар», бирок, ўрникини боса олмади, эга бўла олмади.

Курортдаги айшини узинб, уйига қайтиши билан бойликларини яширишга киришди. У ҳали нима ган бўлганини билмас эди. Бошлиғи билан гаплашишга ҳам улгурмади. Аммо кўнгли сезди. Бир бало бўлмаса уни чакиртиришмас эди. Ўйни-ку, амаллади. Йазаридан оркасидан кимдир кузатиб тургандай бўлаверди. Охири журъат этди. Ўз кўнглида тулкилик қилди. «Озгина ақча»ни шу шаҳарнинг ўзига, ишончли ерга қўйди-ю, Бухорога учди. Агар гумон килишса бойликни Бухородан қидираверишади. Уйида бирор даҳл киладиган нарса йўқ хисоб. Уй хотинининг номида, машина қайнонасининг... Ҳаммасига ишонч коғози йўқ. Баъзан кал пешонасими силаб үйлаб колади, үйлай үйлай, дунёнинг ўзи омонат бўлганидан кейин топган молмулк бокий колармиди, деган қарорга келиб, ўзига таскин беради. Мисқоллаб йиғиб-терғанларининг бирорвлар номига зикр этилиши унга ҳам алам қиласди, ҳам кўрқади. Айникса машинадан. Қайнонаси анчадан бери ана кетди, мана кетди, бўлиб ётиби. Кампирнинг пешонасида биргина ўғил. Агар кампир омонатини топширса, ўғил, яъни унинг қайин иниси меросхўр сифатида машинага эга чиқиши ҳеч гапмас. Тожи-

муллаев унинг суллоҳ кўзларини ёқтирумайди. Ёқтирумайди маслигини хотинидан яширумайди. Шу туфайли эр-хотин кўп сан-манга боришган. Тожимуллаев хаммасидан ҳам қайнисининг овқат ейишига токат килолмайди. «Уканг булдозерга ўхшаб бирпасда лагани текислаб ташлайди», деб минғиллайди. Ўзи бувисининг «кўп овқат есанг ичагинг ёрилиб кетади», деган гапига ишониб, камовқат бўлган. Бувиси қизғанганидан эмас, йўқчиликдан шу гапни тўкиб чикарган эди. Мўл-қўлчилик дамларига етиб келганида, шубҳасиз, «мен ҳазиллашган эдим», деб гапини кайтариб олармиди... Начора, бувиси кўп овқат ичакни ёриб юборажагига ишонтириб кетди. Тожимуллаев эса бекиёс баҳил бўлиб колди. Ўғлини уйлантиргач, келиннинг овқат ейишини кўриб, юраги зил кетди. «Ўзи чигирткадек бўлса ҳам бало экан», деб кўйди. Аксига олиб, келин тансик меваларга боши коронги бўлсами?! Тожимуллаевнинг назарига бутун дунё коронғу бўлиб кетди. Назаридан келини кўзи ёригунга кадар бор мол-мулкини еб битирадигандай эди.

Бувиси «кўп овқат ичакни ёради», деганида балки ҳаромдан топилган овқатни назарда тутгандир? Тожимуллаев икки йигит ўртасида самолётга чиқиб ўтиргач, бирдан шуни ўлади. Самолётнинг думалок деразаси ёнидан жой олгач, йигитлардан бири унинг ўнг кўлинини ўринидик суюнчиғига кишанлаб кўйди. Кишан зулфининг «ширқ» этиши жонини олгандай бўлди. Хаёли тўзиб кетди. Хозиргина баён этилган гаплар ана шундан кейин хотирасидан ўтди.

Майор Солиев уни сичконга ўхшатди. Бу ҳам тўғри. Аммо кейинги кунлардаги иши тулкининг килиғини эслатарди. Тулки ўлжасини яшириб, устига кумалогини ташлаб кўяркан. Бошка ҳайвонлар хид олиб келиб, кумалокни кўриб қайтиб кетавераркан. Тожимуллаевку, тулкидир, аммо бойлик қидирилгудай бўлса, излайдиганлар нодон ҳайвондай изларига кайтишмас? Тожимуллаев бу изловчиларни чалғитиш учун хаёлидаги гапини пухта килиб олган эди. У Зоҳид билан сухбат куришни мўлжаллаган эди. «Ёш йингитни кўндириш осонрок», деб ўйловди. Солиевга дуч келдию иш пачавалигини англади.

«— Нимага қочдингиз?

— Мени ўғирламоқчи бўлишди.

— Ким?

- Мафия бұлса керак.
- Қанака мафия?
- Буни сизлар билсангиз керак?»

Назаріда сұхбат шу тарзда бошланиши лозим эди. Бирок, үзини майор Соліев деб таништирган одам, индамай, унға қаттық тикилиб үтираверди. «Гипнозчими, нима бало?» деб үйлади Тожимуллаев. Сұңг авраб ташламасын, деган ташвишда үйлаб қўйған гапларини айта бошлади:

— Бу укамиз ҳеч қаёкка кетманг, девдилар. Лекін мен құрқдим. Құрқитиши. Үлдириб кетамиз, дейишди.

Соліев индамади. «Кім, деб сұраса үладими», деб үйлади Тожимуллаев.

— Телефон килиши.. Үйимга хат ташлаб кетиши. У шундай деб ён чұнтагидан түрт буқланган қофоз чиқарди. Катақ дафтарнинг бир варағига калла суягининг сурати чизилған эди.

Соліев қофозни олиб бир назар ташлади-да, Зохид-га узатди:

- Экспертизага,— деди буйруқ оханды.
- Құлқопда чизган бўлиши мумкин,— деди Тожимуллаев.

У прокуратура терговчиси билан жиноят кидируд бўлимининг инспектори орасидаги фаркни билмас эди. Шу сабабли майорни шу идоранинг улуғларидан деб билиб, унға умид күзи билан қаради. Унинг бу кўз қараши шу тобда пичоқ қайраётған қассобга қараб турған қўзичоқни эслатарди. Қўзичоқнинг бундай қараши, мунгли маъраши қассобни йўлдан қайтаролмагани каби, жиноятчининг бундай мўлтираши Соліевни чалғита олмас эди. У Тожимуллаевдан қаҳрли нигоҳини узмаган ҳолда яна бир оз жим үтирди. Сұңг, Тожимуллаев үзи кутмаган саволни әшилди:

— Комиловни ишга ким жойлаштирган?  
Тожимуллаев гангіб колди. Чунки у «Сизни ким кўркитган бўлиши мумкин» деган саволга жавоб тайёрлаб үтирган эди.

— Билмадим... аникроғи... бу укамизга айтганман. Олдинги бошлиқ... аризага сарҳат ёзиб берганлар...

— Қамалиб чиккан болани ким ишга кириятпти, деб қизиқмаганмисиз?

- Энди... биз кичкина одаммиз.
- Сиз айбингизни биласизми?

— Айбимми? Ишга расмийлаштириб қўйганимми?..  
Вактида бўшатмадим...

— Йўк, сиз Комиловни охирги марта кўрган одам-сиз. Унинг ўлимида сизни ҳам айлашимиз мумкин.

Қўзичок ерга йикилиб, оёклари боғланди. Бўғзига пичок тортилиши аниқ бўлиб колди. Маъсум караш фойда бермади. У энди типирчилаб, арқонга чап бермай, кутулиб, кочиш пайига тушди.

— Мен... Мен... нима деяпсиз? Мен... йўк эдим-ку?..

— Самолётда тўрт соатли йўл,— деди Солиев совук оҳангда.

— Келиб-кетиш ҳам шарт эмас. Бу ёқда шериклар бор-ку?— деди Зоҳид, гўё унга эътиroz билдиригандай.

— Худо... Худо хайрингларни берсин. Ўғри денг, порахўр денг, лекин бунака деманг. Худодан қўркаман.

— Худодан қўрккан одам бировнинг ҳаккини ейдими?

— Гуноҳкор бандамиз... адашамиз... тириклилик...

— Шерикларингиз?

— Жон ака, мени кийнаманг,— Тожимуллаев шундай деб йиғламсиради.— Отсангиз отинг, лекин менга бунака айб қўйманг.

— Комиловни ким ишга жойлаган?

— Билмайман.

— У тез-тез келиб туармиди?

— Йўк. Ўн йилча кўринмади.

— Каерда экан?

— Сураганимда Сибирда эдим, девди.

— У ердан нима олиб келди?

— Мен битта телпак билан...

— Қумчи?

— Қанақа кум?

— Тилла кум.

— Сибирда кум нима килади?

— Тўғрисини айтасизми?

— Ёлғон гапирсам тил тортмай ўлай.

— Сизга қасам таъсир килмайди. Тилла кумни нима килдингиз, тўғрисини айтинг. Сейфингизнинг калити фактат ўзингизда турадими?

— Ха.

— Қани?— Солиев шундай деб, кўл узатди.

— Йўқотиб қўйибман.

Солиев устол тортмасидан калит олиб қўрсатди:

— Шуми?

— Ха.

— Сейфни очиб текширдик. Экспертиза тилла күм доналарини топди. Бунга нима дейсиз?

— Йўқ... билмайман... мен ундан битта телпак...

— Ўрнингиздан туринг. Сизга рухсат. Ўйингизга бораверинг. Керак бўлсангиз чакирамиз.

Жон талвасасидаги қўзичок бўғзига пичок тортилмай, оёқлари аркон ҳукмидан озод этилгач, ажабланган ҳолда, бир неча нафас кимир этмай ётади. Сўнг иргиб туриб, нари кочади. Тожимуллаев қўзичок эмас, дарров турмайди, кочмайди. Ўша қўзичок нигохи билан қараб ўтираверади.

— Сизга рухсат деяпман, кетаверинг.

— Уйгами?

— Хоҳласангиз уйингизга боринг, хоҳласангиз ишингизга.

Тожимуллаев бу гапга ишонкирамай ўрнида турди. Остонага етганида «тўхтанг, кайтинг», деган зардали буйруқ кутди. Даҳлизда юриб бораётганида ҳам, зиналарни бир-бир босиб учинчи каватдан тушаётганида ҳам, ҳатто кўчага чиқканда ҳам орқадан бирорв келиб елкаснни ушлашини, «қайтинг», дейишини кутди. Ў ўзича режалар тузганида бунака савол-жабобни, муомалани, хотимани кутмаган эди. Милисалар ҳакидаги киноларда бунга ўхшаш воқеани сира кўрмаган эди. Қамаб қўйишларига, сўрок пайтида ҳатто уриб-тепишларига ишончи комил эди, аммо бундай осон қутиламан, деб ўйламовди. Ишқилиб охири баҳайр бўлсин...

Тожимуллаев чиқиб кетиши билан Зоҳид майорга ажабланиб каради. Боятдан бери қаҳр никобида ўтирган Солиев кулимсиради.

— Орқасидан одам қўямиз. Агар чиндан ҳам кўркитишган бўлса, бугун-эрта уни йўқотишади. Назаримда ўзининг баҳосини сал оширворган. Анави расм ҳам ўзининг ижоди бўлиши керак. Сездингми, у кириб келганида хотиржам эди. Чунки биз у чизган чизикдан бораётувдик. Мен чизикларини чалкаштириб юбордим. Буни бир-икки кун кузатиб ўз холига қўй. ОБХСС шуғулланаверсин. Бизга Сангина керак.

— Изини куритишган бўлса-чи?

Солиев бармоклари билан устолни чертиб қўйди.

— Бўлиши мумкин. Эртага Сангинанинг, индинга

иккита номаълум қавказликнинг ўлигини топишимиз хам мумкин.

— У ҳолда бу аниқ бир тўданинг иши бўлиб чиқади.

— Менинг бошимни шу нарса котиряпти. Бу битта тўда ичидаги гапми ё тўдалар орасидаги фитнанинг бошланишиими? Битта тўда ичидан бўлса бойликни топмай қўйишмасди.

— Бошқа гуноҳи учун жазолашган бўлишса-чи?

— Бунака намойишкорона осиб қўйишларига хайронман.

— Унда тўдалар орасидаги фитнами?

— Фитнанинг бошланишига пича фурсат бор, назаримда. Тўдалар ҳозир биздан оз бўлса-да, чўчишади. Ҳали ҳамма кавакларга кириб улгуришгани йўқ. Биздан кўркмай қўйишгач, бир-бирлари билан олишиши бошлашади. Ҳозирча, ораларида пинхона адоват бор. Ошкора уруш якин орада бошланмаса керак. Ҳозир бошланса бизга осонроқ бўларди, пайини қиркардик. Эрта-индин қўлимиз калталик қиласди. Кисавурларни эпласак ҳам катта гап бўлиб колади.

— Вахимачи бўлиб боряпсиз, ака,— деди Зоҳид қулимсираб.

Майор бош чайқаб, бироз сукут қилди.

— Ўлмасак қўрармиз. Катта-кичик идора раҳбарларининг жилови шуларнинг қўлига ўтади. Ана ўшандада тамошаларини қўраверасан.

### 3

Зоҳид Шарипов шом коронғусида уйига қайтди. Тўққиз қаватли бетон уйнинг иккинчи йўлаги оғзида хотинини қўриб, ажабланди.

— Фотима? Нима килиб турибсан?

— Вой, қаёкларда юрасиз-а,— Фотима шундай деб эрини қучоклади-да, йиғлаб юборди. У қалт-қалт титарди. Зоҳиднинг юраги ғашланиб, унинг елкасидан маҳкам ушлади:

— Нима бўлди? Абдувоҳид қани?

— Воҳиджон қўшниларникида, сизни кутавериб совқотиб кетдик.

— Ўима бўлди?

— Уйга келсак... даҳлизда иккита киши ётибди. Юрагим чиқиб кетди.

Хотинининг «иккита киши ётибди», дейиши Зохидга даъфатан майорнинг «индинга иккита кавказлик нинг ўлигини топишимиз мумкин» деган гапини ёдига солди.

— Қанака киши? — деди у шошилиб, — кавказлик ларми?

— Қаёқдан билай, кўл-оёклари боғлаб ташланган, башарасига карабманни, юрагим ёрилиб, кошиб чикқанимни биламан.

Зохид хотинини четга суриб юбормокчи эди, Фотина уни маҳкам ушлади:

— Йўқ, кирмайсиз, кўрқаман, — деди йигидан тўхтамай.

Зохид унга «кўчада дийдираб тураверамизми?» дегандай қаради-да, йўлка сари кадам кўйди. Хотини уни орқага тортди.

— Сен Абдувоҳиднинг олдига кир. Мен телефон киламан. — Зохид шундай деб биринчи каватдаги кўшинисиникига кирди. Майор Солиев хали уйига кетмаган экан. Зохиднинг гапини эшишиб, қисқагина буйруқ берди:

— Ичкари кирма. Иккита одам — ўша кавказлик лар бўлиши мумкин.

Солиев ит етаклаган милиса йигит, суратчи, экспертиларни бошлаб келгунича орадан ярим соат вакт ўтди. Бу вакт ичиди Зохид хаёлан турли-туман боши берк кўчаларга кириб чиқди. «Агар улар Комиловни ўлдирган кавказликлар бўлса, меникига нима учун ташлашади. Уларни ўлдириб ташлашганми ё тирикми?»

Майор Солиев Зохиддан уйнинг калитини олди-ю, тўккизинчи каватга чикқач, ён кўшниларни чакириб, эшикни очди. Даҳлизда кўл-оёклари чандиб боғланган, оғзига елими тасма ёпиширилган, ёши ўттизлардан ошган икки одам ётарди. Остонада турган Зохид уларни бир карашда таниди: ҳамкишлоклари. Янада аник айтилса, ўша машъум кечада муштлашиб, акасини ўлдириб қўйган йигитлар. Зохид остона ҳатламоқчи эди, Солиев уни тўхтатди:

— Сен кирмай тур.

— Буларни танийман.

— Танисанг ҳам кирмай тур. — Солиев шундай деб энгашди-да, йигитларнинг бош томонидан бир варак коғоз олиб, ўкиди: — «Эркак бўлсанг — қасос ол!» Бу ҳат сенга аталган шекилли?

Зоҳид воеага тушунгандай бўлиб, икки қадам тисланди. Милиса ичкари кириб, итига ис олдирди. Ит лифтга қадар келди, сўнг думини ликиллатиб тураверди. Бармок изларини олиш ҳам самара бермади. Солиев шундай бўлишини олдиндан билса ҳам расмиятчилик учун уларни бошлаб келган эди. У Зоҳиднинг уйида Комиловни ўлдирғанларнинг мурдаси ётибди, деб каттиқ ишонган, шогирди бир балога гирифтор бўлмаслиги учун эҳтиёт чораларини кўриб қўйган эди.

Солиев бошлаб келган мутахассислар қайтиб, қўшилар ҳам уйларига чиқиб кетишгач, Зоҳид ичкарига кирди. Мехмонхонада ўтирган акасининг котиллари уни кўриб беихтиёр ўринларидан туришди. Ўша воқеадан кейин Зоҳид уларни кўча-кўйда учратиб колса ҳам саломлашмас эди. Ҳа, унинг кўнглида қасос умиди бор эди. Аммо котилларни ўлдириш хаёлига ҳам келмасди. Ундаги қасос ўти ҳакикат учун жон олиб, жон беришга ундарди.

— Зоҳид, биз тавба килганмиз. Ота-онанг бизни кечиришган... — деди қадди тикрок йигит.

— Сизларни ким олиб келди? — деб сўради Зоҳид, унинг гапига эътибор бермай.

— Танимаймиз. Мен ишда эдим. Иккита йигит борди. Гап бор, деб кўчага олиб чикишди. Кейин корнимга бир муштлаб, мошинага тикишди. Эшмуминни уйдан чақириб чикишибди.

— Кўриниши қанака?

— Биттаси жингалаксоч, биттаси малларок.

— Мошиналари қанака?

— Оқ «Жигули».

— Сизлар кетаверинглар.

— Шу пайтда қаёкка борамиз? Автобуслар ётиб колган.

— Хоҳласангиз меҳмонхонага боринг, хоҳласангиз бозорга бориб ётинг, — деди Зоҳид қуруқ оҳангда. У автобус йўклигидан эмас, кўчага чикишга кўркиб баҳона қилаётганларини сезди. Бу йигитлар яrim кечада ҳам қишлоқларига бора олишлари мумкин эди. Йигитлар Зоҳиднинг гапи катъий эканини фахмлаб, бир-бирларига қараб олдилар-да, бараварига ўринларидан турдилар.

— Мен гуноҳларингдан кечмаганман. Ўлгунимча ҳам кечмайман. Аммо сизлардан қасос олмайман. Ўмарлардан қасос олиб, паст кетмайман, хотиржам

яшайверинг. Агар у дунё деганлари рост бўлса, акам билан учрашганда гапирасизлар гапларингизни.

Йигитлар бошларини хам қилиб чиқиб кетишиди.

— Нима учун ҳайдадинг уларни? — деди Солиев.— Балки сўрайдиган гапларим бордир?

— Нимани сўрайсиз? Билганларини айтишиди. Улар акамни ўлдиришган. Биттаси қамалди. Учтаси қутулиб кетди. Кимдир менга яхшилик қилмоқчи ёки «биз билан ўйнашма», деб огохлантирмоқчи. Агар эртага уларнинг ўлиги топилса, кўпчилик мендан гумонсирайди.

Солиев бармоқлари билан устол устини чертиб, индамай ўтирган ҳолда Зоҳиднинг сўзларини тинглар эди. Зоҳид воеани тўғри талкин қилиб, тўғри холоса чиқараётганди.

— Сиз бошқачароқ фикрдасиз шекилли? — деди Зоҳид, бироз қўполрок оҳангда.

Солиев бу оҳангдан оғринган бўлса-да, сир бой бермади. Устол устини чертишни бас қилмай, индамай ўтираверди. Зоҳид шу тобда «бу одам нима учун бундай ўтирибди», деб фикрлашга кодир эмас, асаблари тушовини узиб унга бўйсингмай қўйган эди. У тирсангини устолга тираб, бошини чангллади, сўнг устолни муштлади. Солиев шундан кейингина тилга кирди:

— Ана энди ўзингга келдинг,— деди хотиржам оҳангда. Шунака пайтларда ёрилиб туриш хам керак. Уч марта чукур нафас ол. Бармоқларингга тикилиб тур. Ҳеч нимани ўйлама. Ўйлама. Ўйда ўзинг ёлғизсан. Ҳеч ким йўк... Ҳеч ким келгани хам йўк...

— Қўйсангиз-чи, Максуд ака,— деди Зоҳид ўрнидан туриб.

— Ўзингни бос. Бунака пайтда муштни эмас, каллани ишлатиш керак. Ҳўш, энди ўйла: бунака воеа аввал хам бўлганми? Йўқ. Аввал сен кичкина бир бўлимда инспектор эдинг. Энди прокуратурада терговчисан. Аввал майда баликларни овлардинг. Энди катталарига кармоқ ташлаяпсан. Биринчи ишингни тузукроқ бошлашга хам улгурмадинг. Иккинчи ишинг кимгadir ёқмаяпти. Менга бундай қилик қилишмайди. Чунки феълимни билишади. Мени бошқачароқ тарзда огохлантиришади ёки қўрқитишади. Комиловнинг ишини чуқурлаштириш керакмас. Англадингми? Биз очик ишляпмиз, бошқа иложимиз хам йўқ. Улар кўринмас одамга айланишган. Биз улар билан пойгага чикканмиз. Маррага биз аввал етиб борсак, никобни йирта-

миз. Ҳақиқатни очамиз. Улар етиб олса, зирхдан никоб ясаб, йўлимизни тўсишади. Ҳозир улар олдинрокда кетишяпти. Улар хамма нарсани билишади. Ҳатто сенинг оиласвий сиринггача уларга маълум. Нима дейсан?

— Нима дердим? — Зоҳид ўйлагани билан тайинли жавоб топа олмади.— Кўзимни чирт юмиб, маррага караб югуравераман...

## ХХII БОБ

### I

Ҳосилбойвачча ўтирган ерида кўл узатиб, Зелихон билан кўришди. Зелихон унинг бу қилиғидан ранжисада, сир бой бермади, таклифни кутмаёк, юмшок курсига ўтирди.

— Лакабим Академик, эшитганмисиз? — деди Хосилбойваччага тикилиб. Ўзига бино кўйган йигит кўпни кўрган бу чеченning чакчайиб турган ўткир нигоҳига дош беролмади. Бармоғидаги узукни ўйнаб туриб:

— Ҳозир ерини тепсанг, дараҳтдан академик ёғила-ди,— деди.

— Мен ер тепса ёғиладиган хилиданмасман, биродар. Агар кимлигимни билмокчи бўлсанг, Хонгирейдан сўра.

Бу гапни эшишиб, Ҳосилбойвачча Зелихонга бир караб олди. Бу олам одамларини зир титратиб турувчи-лардан бири бўлмиш Хонгирей учун Ҳосилбойвачча деганлари чивиндай гап. Ҳосилбойвачча буни билади. Шу сабабли карашида безовталик сезилди. Бирок, ботиний хавотирни сиртига чикармади.

— Менда нима ишингиз бор? Агар ёрдам сўрамоқчи бўлсангиз, олдиндан айтиб қўйай: ўғрилар билан борди-келдимиз йўқ.

— Мен бирорлардан ёрдам сўрайдиган одам эмасман. Кези келганда мендан ёрдам сўрашади,— Зелихон кибор йигитнинг попуги сал пасайганини фаҳмлаб, сенсирашга ўтган эди.— Одамларинг Фарғонада юрган экан. Турклар билан пачакилашишибди.

— Пачакилашишса сизга нима? У ерлар менинг чекимга тушган. Келгиндилар иззатини билиши керак.

— Мен ҳам келгиндиман. Бир бурда нонингни тортиб олгани келган эмасман. Худо насиб этса, хамма-

миз юртимизга кетамиз. Сен нонингни бошқа келгиндилардан эхтиёт кил. Туркларга тегма.

— Хонгирей бошқаларнинг ишига аралашмас эди. Сенга ҳам ўргатмаган экан-да, а?

— Ука, омадингни берсин, қўл узатсанг осмондан ўлдузларни териб оласан. Мен ҳам ризкимни териб ейман. Турклар ҳам оч колмас. Аммо коннинг иси келиб турибди, гуноҳга ботма. Одамларнинг чакириб ол. У ерлар ўзингга буюради, лекин ҳозирча тегмай тур. Кўнглим ёмон нарсани сезмаса олдингга келмас эдим.

— Турклар бизни ўлдиришадими?

— Йўқ. Жанжални сенлар бошлайсанлар, кон тўкишга бошқалар тайёр туришибди. Улар конларнингни ичиб ғойиб бўлишади. Балога сенлар қоласанлар.

— Ким улар?

— Вакти келганда билиб оласан.

— Шунаками?.. Мен чеченлар мард бўлади, деб эшитардим. Куёнюраклари ҳам бўларкан-да,— деди Ҳосилбойвачча ижирганиб.

Зелихон кўзидан учқун чакнади.

— Чеченларга тил теккизма? Сен мен билан гаплашяпсан. Агар мен сенга қараб туриб, «узбеклар латтачайнар экан», десам ёқаманми?

— Оқаҳон, мен сизни одам деб гаплашишга рози бўлдим. Ҳамма нарсанинг чегараси бор. Хонгирейга танишман, деб ўзингиздан кетманг.

Зелихон Хонгирей таниш эмас, шогирди эканини айтмокчи эди-ю, ҳамма сирни ошкор этиш шарт эмас, деган қарорга келиб, тилини тийди. У Ҳосилбойваччага айтадиганини айтиб бўлган, энди туриб чикиб кетиши ҳам мумкин эди. Зелихон шаҳардаги катталарнинг бири Ҳосилбойвачча эканини дастлаб эшитганида уни дадил, чўрт-кесар йигиттир, деб ўйловди. Бир неча дақика бурун бармоқларига тилла узуклар тақкан, ўзига зеб берган кибор йигитни кўргач, ҳафсаласи пир бўлди. У мард одамларни ёқтиарди. Рўпарадаги йигит шер эмас, тулки эканини фаҳмлаб, сухбатнинг бошида-ёқ Хонгирей номини тилга олиб янгишмаган эди.

Ҳосилбойваччага бир чечен одам гаплашмокчи, дейишганда дастлаб Хонгирейни эслади. Кейин чеченнинг оддий ўғрилардан эканини билгач, «додини бир эшитиб кўрай-чи», деб кунган эди. Бу оддий ўғри додини айтиш ўрнига осмондан келиб, ишларига бурнини

тикиб турибди. Бу одам Хонгирейга тегишли бўлмаса ҳам, чечен деган номи бор. Чеченлар одамларини бирорвларга хор килдириб қўйишмайди. Хонгирей бу одамни ёқтирмаслиги мумкин, аммо Ҳосилбойвачча шуни билгани учун ҳам тишини тишига кўйди. Агар рўпарасидаги бу одам чечен эмас, ўзбекми, қозокми бўлганида онасини Учқўргоннинг қайқисидан кўрсатиб кўярди. У Хонгирейдан кўркишини билдиргиси келмади. Шу боис Зелихонни кай ҳолда карши олган бўлса, шу ҳолда хайрлашди.

Зелихон чикиб кетиши билан гумаштасини чақириб «бу тавиянинг кимлигини аниқлашни» топширди. Милисаҳонада жиноят кўчасига кириб чиккан ҳар бир одам ҳақида маълумотлар сакланади. Жиноятчилар оламининг ҳам ўзига хос маълумотномалари мавжуд. Улар баъзан милисалардан тезроқ маълумот тўплашлари, муайян хulosага келишлари, лозим бўлса хукм чиқариб, ижро этишлари ҳам мумкин.

Ҳосилбойвачча Зелихон тўғрисидаги керакли маълумотларни кечга яқин олди. Зелихоннинг қамокда Элчин билан бирга бўлгани, озодликка чиққач акуладай юришлари унинг эътиборини тортди.

«Уни Асадбек ишга солмаяптими? — деб ўйлади у.— Фарғона томонларнинг менини эканига Асадбекнинг ўзи кўнган-ку? Нимага шартни бузмокчи? Якка хоким бўлмоқчими? Бу чечен орқали Хонгирейни қўлга олганми? Мен унинг пайини қирқаман, деб юрсам у ишни пишишиб қўйибди-ку?»

Бир неча кун давомида ўтиrsa ҳам, турса ҳам чеченнинг ташрифидан мақсад не экан, деб ўйлади. Зелихон гарчи мақсадини аниқ айтиб кетган бўлса ҳам, иштонсизнинг ҳадиги чўпдан деганларидаи, Ҳосилбойвачча унинг гапига ишонкирамай бошқа хаёлларга бораверди. Нихоят, бу ишда Асадбекнинг кўли бор, деган фикрга маҳкам ёпишди. Зелихоннинг изидан тушган одамлари унинг Асадбек қароргоҳига кирганини маълум килишгач, фикри тўғри эканига янада каттирок ишонди. Дарди факат бойлигу шухрат бўлган бу йигит сиёсатчилар оламининг маккорона қиликлари мавжудлигини, улар кўпроқ ақл кўзлари юмук одамлар хизматидан фойдаланишларини билмас эди. Унинг фожиага етаклаши мумкин бўлган нодонлиги ҳам шу эди...

Анвар нур билан бўлган сўнгги сухбат таъсирида гаранг булиб ўтирганида эшик очилиб, кадрлар бўлимининг бошлиғи кўринди. Ёши ўтиброк колганини халигача сезмай, пардоз-андозини канда қилмовчи бу жувон ҳар куни эрталабдан ходимларнинг жигига тегарди. Холидий даврида интизомни назорат килиш шу хонимга топширилган, бу вазифа бошлиқ ўзгарганидан кейин ҳам фидойилик билан бажариларди. Ўн беш дакика кеч колган ходим бу хонимнинг темир дафтари га тушар, «қайта куриш ишига сезиларли улуш қўша олмаётгани учун» мукофотлардан маҳрум этиларди. Анвар барвакт туриб, ишга барвакт келишга ўргангани учун бу рўйхатга тушиш баҳтидан бенасиб эди. Кадрлар бўлимининг бошлиғи унинг кеч колишини жуда-жуда истарди. Кани эди, Анвар ишга кечикса-ю, бу хушхабарни Холидийга етказса, хайфсан эълон килиш ҳакидаги буйрукка имзо чектириб чикса... Вакт-бемахал хоналарни ҳам айланиб юрувчи хоним эшикни очганида «навбатдаги текширув шекилли», деб ўйлашибди. Хоним тўғри Анварга яқинлашди-да, сал энгашиб «Сиз мен билан юринг», деди. Бу сирли чакирув хонадагиларнинг диккатини тортиди. «Энг кичкина илмий ходим» маънодор килиб йуталиб қўйди. Анвар хонимга бир караб олиб, қофоздаги сатрларни диккат билан ўқиётгандай мук тушди.

— Юринг, деяпман,— деди хоним чимирилиб.

— Тинчликми? — деди Анвар қофоздан бош кўтармай.— Ишга вактида келганман. Худо хоҳласа вактида кетаман. Кайта куришда жон-дилим билан иштирок этяпман...— Юринг,— хоним бу сафар катъирик, буйрук оҳангига гапирди.— Майнавозчилик килмай, орқамдан юринг.

Анвар ўрнидан туриб бошини эгди-да, итоаткор қул каби унга эргашди. Хонада енгил кулги кутарилди. Кадрлар бўлими бошлиғи хонаси эшигини очиб, Анварга «киринг» деди. Анвар остона ҳатлагач, ўзи ташкарида колиб, эшикни оҳиста ёпди.

Анвар диванда ўтирган йигитни бир қарашда таниди. Миктидан келган, соchlари ораста таралган, нигохи олазарақ бу йигитни идорада деярли барча танийди. Авваллари бундай одамлар пинҳона иш юритишарди. Замон ўзгариб, идораларга очикчасига келадиган,

очикчасига «дилдан сухбат қурадиган» бўлиб колишди. Анвар кириб келиши билан микти йигит ўрнидан туриб, жилмайган холда, кадрдонлардек саломлашди. Унинг кўллари каттиқ, қоғоз-қаламга ўрганган Анварнинг бармоклари унга дош беролмади.

Микти йигит максадга дарров кўчмай, гапни узокдан бошлади. Аввал Анварнинг саломатлигини суриштирди. Онасининг соғлиги ҳам назаридан четда қолмади. Акасининг чет элга бориш-бормаслиги билан кизикди. «Чет элларга бориб дарс ўтадиган зур олимларимиз бор экан, фахрланишимиз керак», деб таъкидлашни унутмади. Анвар унинг гапини маъқуллаб, акаси билан фахрланишга ваъда берди. У жиловни бўш кўйиб, микти йигитнинг максадга кучиш онини сабр билан кутди.

— Ўзингизнинг диссертациянгиз ҳам бўлай деб колдими?

— Мусулмончилик аста-секин, бўлиб колар.

— Мавзу қанака эди?

— «Колхозлаштиришда партия ячейкаларининг рўли».

Микти йигит ажабланиб Анварга тикилди. Анвар тўппа-тўғри гапни айтгандай, хотиржам, киприк кокмай ўтираверди. Йигит кулимсираб, бош чайқади.

— Ҳазилни ҳам эшворар экансиз. Назаримда бошқачарок эди.

— Эсингизда йўқмиди? «Рус истилоси ва Туркистонда миллий озодлик харакати»...

— Ха, ана энди эсладим.

— Бу мавзудан воз кечиб, колхозлаштириш тарихи билан шуғулланишни буюрган эдингиз, буни ҳам эсладингизми?

— Буйруқ эмас, директорингизнинг таклифини айтиувдим. Сиз кўнмай, тўғри иш килган экансиз. Ҳамма ҳам янгишади. Биз ҳам оз-оз адашганмиз.

— Шуни айтгани келдингизми?

— Ха, энди бир сухбатингизни олай, дедим-да. Ердам керак бўлса, ёрдам берайлик.

— Ердамми?..— Анвар унга синовчан тикилди.— Ердам керак. Идорангизнинг архивидан фойдаланишга руҳсатнома олиб бера оласизми?

Микти йигит қофозчага телефон ракамларини ёзиб, узатди:

- Эртага соат тўртда телефон килинг. Мен аниқлаб кўяман. Бу кийин масала эмас.
- Менга рухсатми?
- Яна бир оғиз сўз: диссертациянгиз хақида гапирмадингиз, ёқлашга тайёрми?
- Танишиб чиқмоқчимисиз?
- Агар мумкин бўлса... Хизмат юзасидан эмас. Ўзим тарихга кизикаман.
- Тарихга кизиксангиз мен сизга китоблар рўйхатини берай.
- Диссертация-чи?
- Тайёр эмас.
- Шунча йилдан бери ишлайсиз-ку. Мен тайёр деб эши туvdим.
- Кимдан?
- Ха, энди кимлигини билишингиз шарт эмас. Тайёр кисмини ўқиб чиқишим мумкини?
- Йўк. Чала ишни бировга кўрсатмайман.
- Диссертация... ўзингиздами?
- Шу саволдан кейингина Анвар Холидий билан бўлган сұхбатни эслаб, микти йигитнинг максадини тушуниб етди. Унга қараб туриб кулди:
- Уч-тўрт кунга аммамга бериб юборган эдим. Йукотиб кўйибдилар.
- Анвар ака, майнавозчиликсиз гаплашайлик.
- Майнавозчилик қилаётганим йўк. Диссертация йўколган.
- Йўколганми ё... чет элга сотилганми?
- Чет элга? Бе, бир жиннининг ҳимоя килинмаган диссертацияси кимга керак?
- Шунга кизикадиганлар ҳам бор. Демак, диссертация йўкми?
- Ким сизга йўк деди? Диссертация бор. Аммо чала. Ўзингиз замон ўзгарди, дедингиз. Демак, уни энди янги замон кўзи билан қараб чиқиш керак. Тарих фани фохишага ухшаб ўзгариб туради, биласиз-ку? Яқинда жиннихонадан тузалиб чиқдим. Энди ўтириб ишлайман. Чет элга сотворган деб, сизга нотўғри маълумот беришибди. Бу хабарлари учун уларга ҳак тўламанг. Чет элга бунақа гаплар беш-үн йил олдин керак эди. Хозир уларни бошқа нарсалар кизиктиради. Жинни бўлсам ҳам бунга ақлим етади.
- Диссертациянгизни эртага олиб кела олмайсизми?

— Тилхат ёзиб бера колсам-чи? Диссертация ўзимда турибди, чет элга сотмайман, маъкулми?

Аввалги сухбатда Анвар «бу мавзу билан шуғулланмайман», деб ёзиб берган эди. Ҳозир шуни эслатиб, пичинг килди. Йигит буни тӯғри тушуниб, унга бир варак коғоз узатди. Анвар ўйлаб ўтирмай тез-тез ёзиб берди: «Берурман ушбу тилхатни шул ҳақдаким, сарик чақага арзимас «диссертация» деб аталмиш матоҳ ҳамон ўзимдадир ва уни ўзим бирлан гўрга олиб кетгумдир.

*Байт: Дунёning ишига бермоқ керак тан:  
Ўсан соч қирқилди, ошагач ҳаддидан!»*

Микти йигит тилхатни ўкиб, кулимсираб қўйди-да, Анварга рухсат берди.

Анвар бу сухбатда руҳининг янчилганини сездирмай, ўзини эркин тутган бўлса-да, даҳзилга чикканидан сўнг томоғига бир нима тикилиб, кўз олди коронғилашди. Дераза олдига етгач, тўхтади. Ўтган сухбатда бу микти йигит хамкорлик қилишни таклиф этган эди. Идорадаги майда-чўйда гаплардан, айниқса тузумга, ҳукуматга қарши гаплардан огоҳ қилиб туриш эвазига катта ёрдамлар ваъда қилиб эди. Унга жавобан Анвар «Мен сотқинга ўҳшайманми?», деган, микти йигит эса, «Бу сотқиннинг эмас, чин ватанпарварнинг иши», деб таъкидлаган эди. «Бу даргоҳда нечта «ватанпарвар» бор? — деб ўйлади Анвар.— Шаҳарда-чи? Ҳаммаёқни «ватанпарвар»га тўлдириб юборишмадими? Битта одамнинг орқасидан нечтаси пойлайди? Гап пойлаб, гап етказгандан кўра ўлгани яхши эмасми одамнинг?..»

Хонасига киргиси келмай, кучага чикди. Қаерга боришини аник билмади. Яратганинг синовли бу дунёсида тӯғри яшаш ниҳоятда мушкул. Холидийга ўҳшаганларнинг эса ошиғи ҳамиша олчи. Замон ўзгарадими, тузум ўзгарадими, уларга фарки йўқ. Анварга ўҳшаб тӯғри яшайман, деганлар умр бўйи улар билан олишиб ўтади. Анварга алам киладиган ери шундаки, холидийлар халқ кўз олдида кўкрак кериб, ваъз айтидилар, ўзларини энг фидойи, миллатпарвар қилиб курсатадилар. Очилмиш кўзлари уйкуга зор улмиш халқ уларнинг нуткларидағи соxта оҳангларни дарров пайкамайди. Уларни узок вакт олқишилайди. «Халқимни севаман, халқим учун курашаман», деган гапларга

барча мафтун бўлади. Ҳар бир одам ҳалқнинг фарзанди. Фарзанд бурчи ота-онани севмоқ, ота-она учун лозим бўлса жонини фидо килмок эмасми?.. Қайси имонли одам маҳалла гузарига чикиб «мен онамни севаман!» деб бақиради?.. Бу одам бақираётган маҳалда онаси ўлим тӯшагида, оғзимга ким бир томчи сув томизаркин, деб илҳак ётган бўлади... Анвар бу хақда кўп ўйлаган. Ҳозир ҳам хаёлида шу фикрлар. «Ҳалқим» деб юрганлар, «ватанпарварлар» уни яна сотишибди. Ҳамкасбини сотган одам эртага шу ҳалқни, шу Ватанини сотмоғи мумкин эмасми? «Ҳаммаёқни соткин босиб кетган, ҳатто бир вужуднинг узида ўнг кўл чап кўлни сотади...» Анвар шуларни ўйлаб, тунов куни Собитхон кори айтган гапни эслади. Шайтон Одам Атога ҳасад қилиб Оллоҳнинг қаҳрини келтиргач, «шу бандангни менга топшир, мен уни тўрт томонидан ўраб олай» деган экан. Оллоҳнинг «бандамни қандай ўрамоқчисан?» деган саволига шайтон: «Мен уни олд томондан амалпарастлик пардаси билан ўраб, кўзини кўр қиласман. Ўнг томонини нафс балоси, чап томонини эса ваҳшат ва фаҳш пардаси билан ўрайману ўзим орқасига ўтиб, аста-аста жаҳаннам сари итариб бораман», деб жавоб берган экан. Анварнинг назарида ҳар бир одам орқасида бир эмас, бир неча шайтон туриб олгандай. Кўзлар боғланган, одамларнинг эса нафс жиловлари ечиб юборилган...

Анвар қайси кўчалардан юргани, қайси трамвайга чикканини дастлаб дуруст идрок этмади. Ҳаёллар тӯфони бироз босилиб, кўчалардаги таниш манзараларни фарклай бошлагач, жиннихонага бораётганини фахмади. «Ўша ерда ётганим ҳам дуруст эди,— деб ўйлади у.— Ҳархолда улар бир-бирини сотмайди-ку, бир-бирини иғво килмайди-ку, амал талашмайди-ку...» Мўлжалдаги бекатда тушиб, тор кўчага бурилганида ҳам хаёлида шу фикр эди. Назарида ҳозир у боради-ку, жиннихона уни кучоқ очиб кутиб олади. У Асадбек билан бош табиб орасида бўлиб ўтган киска сухбатдан бехабар, бу даргоҳ эшиги унинг учун тақа-так беркилганини билмас эди.

Табиббоши унинг «тоби кочганини» эшитиб, кулимсиради.

— Ҳозир баҳор ҳавоси. Ҳамманинг юраги сикилади. Кўпроқ очик ҳавода юринг, ўтиб кетади,— деди

мулойимлик билан. У Анварнинг барча гапларига ана шундай мулойимлик билан жавоб кайтарди.

— Эртага Элчин билан бирга келаман. Жой тайёр-лаб кўйинг,— деди Анвар.

— Ким билан келсангиз ҳам сизга жой йўқ. Сиз соппа-соғ одамсиз. Ўзингизни ҳам, бизни ҳам кийна-манг.

— Кўнгул пора-пора, дил жароҳатга тўла... Мирзо Анвар, сени жиннилар ҳам сафларига кабул қилмас-лар. Аросатда чирийсан, энди вужудинг ваҳшат ичра тор-мор ўлажак! — Анвар саҳнада сўйлаётган каби баланпарвоз оҳангда гапириб, ўрнидан турди.

Жиннихонадан чикиб трамвай йўлига бориш учун қабристонни кесиб ўтган тор кучадан юриш керак. Қабристон устидан юриб бораётганларини билган ай-рим ҳайдовчилар машиналарини секинлатадилар, ай-римлар танга ташлаб ўтадилар, айримлар эса тезликни камайтирмай, ёмғирдан мерос колган кўлмакларни сачратиб ўтиб кетадилар.

Қабристоннинг пастак деворига кадалган энсиз йулакчадан бораётган Анвар беихтиёр индамаслар дунёсига кўз ташлади. Ёруғ дунёда бирор бой, бирор камбағал яшагани билан, ўлим топганидан сўнг tengлашади, дейишади. Дарҳакиқат, бойга ҳам, камбағалга ҳам ўша ер, ўша кафандегиди. Униси ҳам, буниси ҳам тупрокка корилади. Аммо алдамчи бу дунё худбин-лигига банди одамлар қабрларнинг тепаларига мармар тошлар бостириб, қабрда ётган одамнинг ёруғ дунёда пулдор бўлганидан огох этиб турадилар. Анвар шу хаёлда тўхтаб, бир-бирига мингашиб кетган қабрларга разм солди: кора мармар, ок мармар... фишт сағаналар... Ҳеч кандай тош ўрнатилмасдан суваб кўйилган қабрлар усти эса лолакизғалдокларга бурканган. Бахор ўзининг неъматларини факат шу қабрлар устига сочган. Қаккайиб турган қимматбаҳо тошлар бу гузалик орасида шумшайиб, кўзга хунук кўринади. Анварнинг назарида қабрдаги руҳлар лолакизғалдокларга айланиб, бу дунё кўркамлигидан шодланар, тош ости-дагилар эса эзилиб, зулматга банди эдилар...

«Тириклик билан ўлим ўртасида шу паст, юпка девор бор,— деб ўйлади Анвар.— Деворнинг у томони осойишталиқ. Бу томони нотинчлик. Ҳасад ўтида коврилиб, бир-биримизга хоинлик килиб, охири у томонга ўтамиз. Риё, хиёнат, ҳасад, мунофиклик... хасталиклар

рига тупрок остида даво бормикин? Умри шу хасталик билан ўтган, бу хасталигидан ўзи лаззат олиб яшаганлар у дунёда нимадан рохатланар эканлар?.. Мен ҳам бир кунмас бир кун келаман. Жиссим тупрок остида, рухим бошқа томонларда бўлади. Кимдир деворнинг нариги томонидан туриб, қабримга қарайди. «Бу ерда ётган ким экан, тириклигида нима каромат кўрсатган, экан?» деб ўйлади. Қабрим, унинг устида очилган лолакизғалдоқлар соков — унга жавоб беролмайди. Чайқалиб турган лолакизғалдоқлар ҳозир мени кўриб туришибди. Менга нимадир дейишяпти. «Биз ҳам холидийлардан куйганмиз, кўй у дунёни, кел биз томон», деяптими? Одамлар олтмиш-етмиш ёшга тўлдим, деб зиёфатлар берадилар. Бунга қувониш эмас, балки кайгуриш керакдир? Узок яшамай, деворнинг у томонига тезрок кетиш балки айни баҳтдир?..»

### 3

Анвар кўчасига бурилиб, эшиги рўпарасида турган оқ «жигули»ни кўриб ажабланди. «Меҳмон келиди шекилли», деб қадамини тезлатди. Машинага яқинлашгач, ундан жингалаксочли йигит тушиб, салом берди. Анвар уни қаердадир кўрган эди. Дафъатан қачон, қаерда кўрганини эслолмади.

— Бек акамнинг сизда ишлари бор экан,—деди йигит.

— Бек акангиз... ким?

— Асадбек ака.

Анвар энди эслади — бу йигитни Элчиннинг түйида кўрган эди. — Ҳозир боришим керакми?

— Ха.

— Тинчликми, ўзи?

— Боргандা биласиз...

Анвар машинага ўтирди.

Асадбек шаҳар марказидаги хос хонасида Чувринди билан маслаҳатлашиб ўтирас эди. Эшик очилиб, аввал Жамшид кўринди. Сўнг Анвар кириб келди.

— Келинг, мулло Анвар,— деди Асадбек ўрнидан туриб.— Бормисиз, бу оламда?

— Юрибмиз, худо деб...

Асадбек уни такаллуф билан кутиб олди. Анвар «Элчин ҳақида бир гап деса керак», деб ўйлади. Лекин

Асадбек бу ҳақда сўз очмай, Анварни гангитиб кўядиган саволни берди:

— Жиннихонада яна нима килиб юрибсиз?

Анвар «бекорчиликда шундай айланиб борувдим», демокчи бўлди-ю, гапни чалғитишнинг фойдаси йўклигини англаб, индамай елка қисиб қўя колди.

— Кўйинг-е, мулла Анвар. Сизга ярашадиган иш эмас бу. Сиз бизга тарихимизни тўппа-түғри гапириб беринг. Бирор ғиди-биди деса бизга кўйиб беринг. Сиз мен ҳакимда вахимали гапларни кўп эшигансиз. Шу вахималарнинг бир фоизи ҳакиқат. Мен бирорнинг бурнини ножӯя қонатган боламасман. Аксинча, менинги бу хаётда ноҳақдан ноҳақ роса тепкилашган. Ноҳақ жабр чекиш нималигини яхши биламан. Менинг ўз адолатим, ўз ҳакиқатим бор. Бу адолатим сизни хўрламоқчи бўлганларнинг танобини тортиб кўйишга рухсат беради. Керак бўлса Холидий деганингиз келиб оёғингизга бош уради.

— Йўқ, керакмас.

— Мен уни мажбур қилмайман. Бунга ўзингиз эришасиз. Сиз ишингизни котириб бажарганингиздан сўнг тан беришга мажбур бўлади. Тан бериши оёқка бош уриши билан баравар.

— Хотирингизни жам қилинг, Бек ака, улар икки дунёда бирорга тан беришмайди. Итнинг думига айланган сув илондан нима кутиш мумкин?

Анвар Асадбекнинг лақаби «ўқ илон» эканини билмаган ҳолда сув илонни итнинг думига айлантириди. Сув илон билан ўқ илон кулокка деярли бир хил эшигитлгани учун Асадбекнинг турки бир ўзгарди. Бу ўзгариш узок давом этмай бир лаҳзада йўколди — сухбатдошлар сезмай ҳам қолдилар.

— Холидий деганингиз қамалиб чиққан экан, ҳакноҳақнинг фарқига бормайдими?

— Қамалиб чиқканини қаердан билдингиз?

— Ўзи телевизорда кўп гапиради-ку? Кодирий ҳакида гапиришса ҳам чиқади, Усмон Носир дегани ўтган экан, у ҳақда ҳам гапирди. Кеча Ҳамид Сулаймон деган одамни ҳам устозим деди. Йигирма беш йил ўтирганми?

Анвар кулди.

— Ўтирган бўлса йигирма беш ҳафта ўтиргандир. Лекин у ёқда канака хизматлар килган экан? Бек ака, сиз Шорасул Зуннун деган одамни эшигансиз? Лаги

зиз Азиззода дегани-чи? Тұхтасин Жалолов, деган алломалар үн йиллаб үтиришган. Биронтасидан «мен камокда үтирдим, азоб чекдим», деган гапни эшитгансиз? Німа учун бу күп вайсайди? «Қурқкан олдин мушт кутарап» деган мақол бор-ку?

— Бу ёғини үйламабман,— деди Асадбек иягини кашиб.

— Акам тұғри топдилар,— деди Чувринди сухбатта аралашиб. — Күп гапириши бежизмас. Урушдан кейин қанча одам қамалиб, қанчаси окланиб чиқди. Биронтаси ғинг демайды. Битта ёзуви қамокдан китоб ёзиб чиқкан эканми?

— Ха,— деди Анвар.— У киши ҳам индамай кетдилар...

Әшик қия очилиб, Жамшид күринди. Асадбекнинг савол назарига жавобан телефонни имлаб құрсатиб, «Элчин ака, күёвингиз», деб гапни кисқа килди.

— Ха, тинчликми? — деди Асадбек гүшакни кулодығына тутиши билан. Элчин түйдан кейин узича бир келиш у ёқда турсин, құнғирок ҳам килмаган, шу боис. Асадбек унинг бу кутилмаган йұқловидан бироз хавотирланған эди. Элчиннинг нималар деганини хонадагилар эшлишмади.

— Ким? Академикми? — Асадбек шундай деб Чувриндига қаради.— Қанақа иш? Шунака зарурми? Яхши, келинглар, үртоғингиз ҳам шу ердалар. Анвар. Ишим бор эди, қакирирдим.— Шундай деб гүшакни норози бир киёфада жойига күйди.

— Хуллас, мулла Анвар, сиз ишингизни қиласверинг.

— Хұп, кетаверайми!

Асадбек унга қараб қулимсиради.

— Үхшатмасдан учратмас, деганлари рост. Иккі ошна роса топишгансизлар. Бироннинг гапи ёқмаса дарров жириллаб берасизлар, «Насихатга ҳам, ёрдамға ҳам мұхтож әмасман», демокчисиз-да, а? Акаси, бизни нима деб сұксаларингиз сұқаверинглар. Қулоларымиз бунака сұкишларни эшитаверіб пишиб кетген. Аммо биз ҳам одаммиз. Дардимиз факт пулу сиз үйлагандек одам үлдириш әмас. Бизда ҳам юрак бордир, дард бордир, борингки, виждон ҳам бордир. Темир таёқ әмасдирмиз ҳарқалай. Ҳеч бұлмаса «нимага қакирирдингиз, юмушингиз бормиди?» деб сұрамайсиз-

ми? Мен ёшларга насиҳат қилиб утирадиган бекорчи бобой эмасдирман?

— Мен унака демадим-ку?

— Тилга чиқариб айтмасангиз ҳам, ранг-рўйингиз билдириб турибди. Мен сиз билан учрашиб, масла-хатлашмокчи эдим... Туғрироги, бир илтимосимни айтмокчи эдим. Отамни кирқ тўккизинчи йилнинг ўттиз биринчн декабрида олиб кетишган. Нимагалигини ҳалигача билмайман. Олтмиш биринчи йилда суриштирганимда бир парча қофоз беришди. Эллик иккинчи йилда вафот этган эканлар. Эллик бешинчи йилда оқлашган экан. Билганим шу. Архивларни титишга аклим етмайди. Кўмилган ерларини аникламокчи бўлдим, яқинлаштиришмади. Менга ўхшаганларга руҳсат беришмайди, шекилли. Сиз олим одамсиз, бир шуғулланаб курсангиз...

— Мен ишдан кочмайман, аммо бизнинг ҳам архивга етиб боришимиз қийин.

Асадбек Чувриндига қаради.

— Бу ёгидан хотиржам бўлинг,— деди Чувринди.— Қанака туsicкка дуч келсангиз, менга айтаверинг.

Хушбичим қиз нозли юриш билан кириб келди-да, чақалокнинг муштидай кичкина, зархал юритилган пиёлаларга қахва қўйиб узатиб, ширин жилмайиш ҳадя этгач, яна ўша нозли юриш билан чиқиб кетди. Асадбек унинг юришига ҳам, жилмайшига ҳам эътибор бермади. Чувринди кўз кирини ташлади-ю, ўзини тийди. Кесакполвон бўлганида жилмайишга жилмайиши билан жавоб бериб, қизнинг изларини кўзлари билан ўпиди чиқарди.

Асадбек қахвадан ҳўплаб, отаси ҳакида билганларини сўзлаб берди. Ўша янги йил кечаси ва тонгидаги кечинмаларини айтмади. Аввало бу кечинмаларини баён қила олувчи сўзамол эмасди, қолаверса, бу кечинмалар айтилгани билан бирорга, айниқса бу олим йигитга таъсир этадими ё йўкми — худо билади. Отаси ҳакидаги ҳикояси Элчин билан Зелихон кириб келгунича давом этди.

Зелихон «гапимни ёлғиз ўзингиз эшлишингиз кепрак», дегач, Элчин билан Анварга қўшилиб Чувринди

ҳам хосхонадан чиқди. Бўтқа уларни ўнг томондаги хонага бошлади. Чувринди у ёқка кирмай, кучага чиқиб кетди.

— Оғайнингнинг сендан яширадиган сири борми? — деди Анвар, ёлғиз колишгач.

— Мендан эмас, сендан яширади. Сен ҳархолда синашта эмассан.

— Бу оламнинг одами эмассан, десанг-чи?

— Шунака деса ҳам бўлади. Буларнинг ўзига яраша ташвиши бор. Уларнинг тилига биз тушуммаймиз.

— Хозир бирорнинг шўрини қандай килиб кутишини келишиб олишадими?

Элчин ўртоғига норози қиёфада караб олди. Анвар унинг кайфияти учун эмаслигини сезиб, бошка гап кўшмади. Шу онда нурнинг айтганларини эслади: «...дўстингнинг дўсти хавф остида...»

— Эл, оғайнингнинг иши пачаварок эмасми?

— Нимага ундан деяпсан?

— Туғрисини айт, хатарли гирдобга тушиб қолмаганми?

— Йўк.

— Унда нима учун бу ерга бошлаб келдинг?

— У бир ёмонликнинг исини сезиб колган. Шу ёмонликни кайтармокчи.

— Демак, шу... — деди Анвар паст овозда, худди ўзига ўзи гапиргандай.

— Нима дединг?

— Оғайнингнинг хаёти хавф остида, уни йўлдан қайтар.

— Жиннимисан, нима деяпсан?

— Олдин жинни эдим. Тузалгансан, деб ўзинг олиб чиқдинг-ку? — деди Анвар пичинг билан. Элчин беихтиёр ножӯя сўз айтиб юборганини билиб, узр сўрагандай уни тиззасига уриб кўйди.

— Сен ҳам экстрасенс бўлиб қолдингми? — деди гапни ҳазилга буриб.

— Жиддий гапиряпман. Оғайнинг керак бўлса, тўхтатиб кол.

Элчин бироз ўйлагач, елка кисди.

— Уни тўхтатиб бўлмайди. Ёнига балки биз ҳам қўшилишимиз керакдир?

— Мен ҳамми?

— Билмадим... Бир жойда катта уруш чиқадиганга уҳшайди. У шунинг олдини олмокчи. Каерда, қанака

уруш, менга айтмади. Олдиндан миш-миш тарқалиши-  
ни истамаяпти.

- У ўғримиди?
- Ҳа.
- Ўғриликдан қайтдими?
- Йўк. Ўлгунча ҳам қайтмайди.
- Қанақадир урушга аралашиб нима қилади?
- Билмайман.

— У чечен, а? Қадимда миллатлар, тиб уруғлар бўлиниб олиб бир-бирини кирган эди. Ўшанақа урушнинг хиди келмаяптими? Ҳозир бунака кирғинлар кўпайиб колди-ку? Иккита миллатдан иккита тентакни уруштириб кўйиб, ўт чикариш осон ишга айланди.

— Анвар, ростдан ҳам билмайман. Менга очик айтмади. Жума куни Фарғонага тўйга бормокчимиз, балки йўлда айтар?

- Балки унгача қайнотанг айтар?

Жамшид билан Бўтка кириб, уларнинг сухбати узилди. Жингалаксочни кўрди дегунча Элчиннинг баданига титрок кирадиган бўлиб қолган эди. Бўтка уларга пиво кўйиб бериб, чикиб кетди. Жамшид бу уйда одам борлигига парво қилмай, максади худди сухбатни узишдан иборат бўлгандай, юмшок ўринидикка чўкиб, индамай ўтираверди.

— Сен ушанда Учкудукка борганингда қамоқнинг ичидаги қамоқда ўтирган эдим,— деди Элчин, худди сухбатни узилган жойидан давом эттираётгандай.— Бир хунасароқ одам бор эди, ҳамма нарсага бурнини тикаверарди. Бир куни шартта оғзига пайтавасини ёпиб, кекирдагидан олдим. Мендан гумонсирашиб-ю, аммо бўйнимга кўйиб беришолмади. Бир-икки одам ўлдирганингдан кейин хумори тутиб тураркан. Қамоқда хуморёздига имкон бор эди. Қутилиб келганимдан бери хумор тутиб, кийналиб кетяпман.

Анвар Элчиннинг максади бу йигитнинг жигига шунчаки тегиши, деб тушунди. Дўстининг Жамшидига нисбатан нафрати кучли экани, юрагида уч туйгуси борлиги, шубхасиз унга коронғи эди. Шу сабабли Элчин гапига узича тўн кийдири:

— Энди ўлдирсанг, бир-икки кошиқ иссик қонидан ичиб юбор, шунда хуморинг кўзимайдиган булади. Қадимда жаллодлар шундай килишар экан. Кассоб консираса, шартта битта қўйми, хурозми сужди. Жаллод консираса нима қилади? Подшолар ҳар куни одам

сўйишга хукм чиқаришмаган-ку? Умуман, ошна, сенга хавасим келади. Мен ҳам бир-иккитасини ўлдиришим лозим-ку, аммо кўркаман. Қўлим қалтираб кетса керак. Лекин икки марта ҳўroz сўйганман. Иккинчисида типирчилашидан кўркиб кўйиб юборибман, дегин...

— Одамнинг иши осон. Кекирдагига соласан, та-  
мом...

Икки ошнанинг гапларини эшишиб, Жамшид эж-  
наб қўйди.

## 5

Асадбек Зелихоннинг гапларини диккат билан  
эшилди.

— Бу ишга менинг нима алокам бор? — деди пича  
мулоҳаза қилгач.

— Ҳосилбойваччани сиз йўлга солишингиз мумкин.

— Менми? Ким айтди буни сизга?

— Шаҳарнинг зўри учта. Учинчиси Манасян.  
У аралашмайди. Икки урушкок подшонинг кучи кирки-  
ма унга яхши.

— Нимага?

— Ҳосилга сўзим ўтмайди. У ўзиникини маъқул-  
лайдиган бола. Унга Хонгирей бир нарса деса балки...

— Хонгирей ҳам аралашмайман, деяпти. Хонги-  
рейни ҳукуматнинг одамлари огохлантириб кўйишган-  
га ўхшайди.

«Хонгирейни огохлантиришган бўлса... демак... биз  
аралашгудай булсан, ҳукумат бизни ҳам омон кўймай-  
ди. Истаса бир кечада яксон қилиб ташлайди,— деб  
ўйлади Асадбек.— Бу чечен нимага типирчилааб қолди?  
Тўртта ўзбек билан турк урушса унга нима? Сибирдаги  
қамоқхоналардан каллакесарлар кочган бўлса, ўзбек  
билан туркнинг урушига нима алоқаси бор? Улар ким-  
га хизмат қилади?..

Асадбек Зелихонга тикилди. Бу чақчайган, ўткир  
қарашли кузларда мунофикалик учкуни борми-йўқми,  
аниқламокчи бўлди. Бир неча нафаслик нигоҳ буни  
аниқлаш учун кифоя этмади. Асадбек қаттиқ тикилса,  
унча-бунча кузлар дош беролмасди. Зелихон эса «ўқ  
илон» деб ном чиқарган бу одамдан заррача тап торт-  
май ўтираверарди. Аслини олганда, жиноятчилар ола-  
мининг ёзилмаган конунига кўра, улар бир-бирларига

дushman әдилар. Зелихон Асадбекдан ёмонлик кўрмаган, унга даъвои ҳам йўқ, уни дushman деб билмайди. Шунинг учун ҳам бу ерга дадил келди. Элчин билан Асадбек орасидаги дushmanлик тўйдан кейин камайган деган фикрда. Бирок, Асадбекка Зелихоннинг ким экани маълум, кейинги ойлар ичи кўрган ташвишлари шу одам туфайли эканини, кизини ўғирлаб зўрлашда ҳам, Шилимшиқни ўлдиришда ҳам Элчиннинг ёлғиз бўлмаганини энди аник билади.

Элчин қўнғироқ килганидан сўнг Анвар билан сухбатини давом эттирган бўлса-да, хаёлининг бир чети «уларнинг мақсади не экан?» деган саволга жавоб топиш билан банд эди. Зелихон воқеани баён килаётганида ҳам, хозир ҳам шу саволга жавоб изларди. Зелихоннинг тўғри гапларига ишона колмасди.

Асадбек шу пайтгача кўнглини ранжитган одамни кечирмаган. Тиз чўкиб тавба килганлар ҳам унинг ғазабидан бенасиб колишмаган. Йўқ, у гуноҳкорларни бир четдан ўлимга ҳукм килавермас эди. Ўлим — сўнгги чора. Бу чорани камдан кам ҳолларда кўлларди. У жорий этган ўзига хос жазо усуллари мавжуд. Сулеймоновнинг тақдири, Шилимшиқнинг сургун қилинishi ана шу усулларданки, сиз бунга гувоҳсиз. Асадбек кейинги пайтда кўнгли бўшлиқ қиляптими ё эҳтиёткор бўлиб колганми, ҳар нечук жазо усулларини юмшатди. Рўпарасида ўтирган чеченни уч-тўрт йил аввал бўлганида ўйлаб ўтирмаи ўлимга ҳукм килиб юборарди. Хозир эса унинг маслаҳатларига кулоқ тутиб ўтирибди. Унинг гунохини кечириш мумкинми? Гапларига ишониш керакми? Мақсади Хосилбойвачча билан уруштириб кўйиш бўлса-чи?..

— Мен ўша томонларнинг тузини ичганман,—деди Зелихон, орадаги сукутни бузиб. У бу ёкка келаётганидаёк Асадбекни ишонтириш осон эмаслигини билган эди. Асадбекнинг ўйга толганини кўриб, фурсатдан фойдаланди — ўтмишдан сўз очди.— Ўғирликни ҳам ўша ёқда ўрганганман. Бир кун устам билан бойвачча одамнинг уйини урдик. Ҳамма нарсасини шилиб кетаётганимизда устамнинг кўзлари бир халтага тушиб, менга «қара-чи, нима экан», дедилар. Коронғида нималигини билмай, ялаб кўрсам, туз экан. Устамга «туз экан», десам, «қайдан билдинг?» дедилар. «Ялаб кўрдим», дедим. «Ў, падарлаънат, касофат», дедилар-да, тўплаган мол-матохни уй ичига қайтардилар. «Бу хона-

донда туз ичгандай булибмиз, молини ўгирласак, гунохга ботамиз», деб, куп-қуруқ чикиб кетдилар.

Асадбек бу ҳикоя нима учун айтилганини аник тушунмай:

— Ха, шунака мард одамлар бор эди,— деб қўйди.

Зелихоннинг ҳикояси ёдига устозини солди. У одам ҳам ғоят мард эди. Улар эгасиз ҳовлида ошик тепишарди. Асадбек болаларга қўшилиб тамошага келарди. Қиморбозларнинг улар билан ишлари йўқ. Кейинчалик Асадбекни канотига олган Садирбеккина болаларни хайдагани ҳайдаган эди. Садирбек бунинг сабабини анча кейин, Асадбек уйланаётган маҳалда тушунтириди:

— Қиморбоздан худо безор, болам,— деган эди у.— Қўлимдан миллион-миллион сўм пул ўтди. Аммо бирим сира икки бўлмади. Сени болам деганман. Вакти келса, болам бўлиб, бир парча кафанга ўраб кумиб қўйсанг бас. Эсингдами, болалигингда нуқул сенларни хайдардим. Ўшанда мен қиморни ўрганишларингни истамасдим. Пешонангда бор экан, сен қўшилиб колдинг. Бизни худо ургани етарди... Сенга айтадиган гапим битта: никохингнинг эртасигаёқ қиморни ташлайсан. Қўнгил узолмасанг, қозилик кил. Тириклиинг ўтиб туради. Аммо қимор ўйнама. Сен бир куни «нима учун уйланмайсиз?» девдинг. Саволингга энди жавоб берай: бир кизни суйиб уйланган эдим. Йигирма кунлик куёвман, улфатларим «супракоқди»га келишди. Бирпаста бор нарсамни ютказдим. Келиннинг деворга ёйилган латта-лутталари ҳам кетди. Йигирма кунлик келин «эримнинг ўртоклари келибди», деб хизмат ки-либ юрибди. Бир маҳал у самовор кўтариб ўтиб қолмайдими, кўзим унга тушиб қолмайдими, шайтон «хотинингни тик», деди, шартта тикиб юбордим. Ютказдим. Мен ялиндим, хотиним дод деди, қаёқда, кийчувга парво қилмай, отга ўнгариб олиб кетди. Шу хотиннинг уволи тутади мени...

Йиғламсираб айтилган бу гаплар Асадбекнинг юрагига михланиб қолди. Қиморни ташлади. Аммо устасини одам қаторида дафн килиш унга насиб қилмади. Русия томонларга кетганича қайтиб келмади. Шериклари ҳам тайинли жавоб айтишмади...

Хозир Асадбек шуни эслади. Эслади-ю, аммо тилига чиқармади.

— Мен ўша жойнинг тузини ичганман,— деди Зелихон, гапини такрорлаб.— Урушда бизни ҳайдаб ке-

лишган. Биз тиф кўтариб келмадик. Бўш қўл, оч корин билан келдик. Онам ҳам, бувам ҳам ўша ёқда ётибдилар. Кафаникни ҳам ўзбеклар беришган. Мен кичкина бола эдим. Итдай хор килиб хайдаб келишган. Туркларнинг бошига ҳам шу кун тушган. Хорлик нималигини биламан. Бувам ичган тузингни оқла, деганлар. Ўғри бўлиб кетдим. Бувамнинг васиятларини бажармадим. Энди ҳам караб турсам ярашмайди. Сиз гапларимга ишонмаяпсиз.

— Ҳа,— Асадбек шундай деб ўрнидан турди.

— Тўғри киласиз,— деди Зелихон,— дарров ишонсангиз, сизни нодон дердим.

— Мен ўйлаб кўраман. Сиздан бир илтимосим бор. Элчин кўпроқ сизга суянади. Гапингизга қулок солади. Унга тайинланг, жим юрсин. Ҳадидан ошмасин. У ашулачи, ашуласини айтиб юраверсин.

— Сиз хақсиз. Мен ҳам унга шундай дедим.

### ХХХІІ БОБ

#### 1

— Тўйхонами ўзи, бу? — деди Зелихон, Аҳадбей билан кучоқлашиб кўришиб.— Нимага жим-жит? Мана, ўзбекнинг энг зўр ашулачисини олиб келдим. Тўйингни гуллатиб беради. Тўйингнинг довруғи бутун Фарғонага таралмаса, башарамга тупурасан.

Аҳадбей ошнасининг гапларидан кулимсираб, Элчин билан кўришди.

— Мана, сизлар келдингиз, тўй энди бошланадида,— деб уларни ичкари бошлади.

Пастак дераза олдида ўтирган Исмоилбей уларни кўрган эди. Мехмонлар остона ҳатлаб уйга кирмай туриб, уларга пешвоз чиқди.

— Омон келдингми, болам, кўзим тўрт бўлиб ўтирудим.

— Самолёт вактида учмай, хуноб килди. Элчин, етмишга кирган куёв бола шу киши бўлади. Қани ота, қўлни узатинг,— Зелихон шундай деб Исмоилбейнинг бармогига тилла узук такди. Иккинчи узукни чолнинг кафтига қўйди.— Буниси холамга, ўзингиз такиб қўйинг. Аҳадбей, ошна, сен билан мен баҳтли одаммиз. Ота-онасининг олтин тўйини кўриш ҳаммага ҳам насиб

килмайди.— Зелихон ён чўнтағидан тах бузилмаган бир даста пул чикариб, Аҳадбейга узатди.— Ҳозир битта бука топиб ағдарасан. Қозоннинг каттасини ос. Ошдан еганларнинг ҳаммаси шу ёшга етсин, олтин тўйларни кўрсун. Микрофонларни ўрнат, ҳофиз тинмасдан ашула айтади. Элчин келганини билса уйингга одамлар сиғмай кетади. Ўзбекларга ўзбекчалини, туркларга туркласини айтади. Чеченчалини билмайди бу хумпар, билса уни ҳам айтарди. Бу ҳофизга етадигани йўқ, оламда!

— Болам, кел утири,— деди Исмоилбей, босик охангда. Шу оханг Зелихоннинг тантанавор кайфиятидаги ҳовурни ўчириди. Ота-боланинг кўзларида шодиёна учкуни кўринмаганидан ажабланиб, чол кўрсатган томонга ўтиб ўтириди. Исмоилбей пичирлаб дуо ўкиб, юзига фотиха тортиди.

— Нима гап, тинчликми ўзи? — деди Зелихон.

— Тинчлик,— деди Исмоилбей, кейин ўзича нимадир деб пичирлаб, кўзини юмди. Бир неча тундан бери у тушида денгизни кўради. Тўлин ой денгиз адогига ёнбошлаб, мавжлар узра узун нурли пойандоз ёzáди. У ширинтой ўғлини елкасига ўтқазиб, шу пойандоз устида юриб боради. Бирдан ой юзини булат парчаси тўсади. Пойандоз йўқолиб у сувга шўнгийди. Қанча типирчиламасин, сув каърига тортаверади. Бу манзарани бир марта кўрса, сув ёруғлик деган таъбири эслаб кўя қоларди. Кетма-кет кўраётгани учун хайрон... Кечаги воеадан сўнг кўнглига хавотир оралади.

— Московдаги вакиллар келишдими? — деб сўради Зелихон. У ота-боланинг нохуш кайфиятига шутаъсир этдимикин, деб ўйлади.

— Қайтишди,— деди Аҳадбей, отасига бир қараб олиб.— Тарвузлари кўлтикларидан тушиб қайтишди. Московнинг кайтаргиси йўқ.

— Дуч келган ерларда яшаб кетаверадиган одамлар Ватаннинг қадрига етармиди? Корин дардидаги одам Ватан дардига тушуна олмайди. Борманглар, девдим, кулок солишмади,— Исмоилбей шундай деб хўрснинди.— Ватанга қайтарадиган нияти бўлса, ушанда хайдаб чикаришмас эди. Яхшилик билан битадиган иш эмас бу.

— Хохласангиз, Ўзбекистон ичидаги муҳтор вилоят ташкил этиб берайлик, дейишибди.

— Бундан фойда борми? — деди Зелихон Ахадбейга караб.

— Уларга наф бордир. На турклар, на ўзбеклар бир наф кўради бундан.

— Бизга мухтор вилоят эмас, Ватан тупроғи кепрек,— деди Исмоилбей.— Масковга умид билан кетдилар-у, жонга халоватли хабар келтира олмадилар. Бу юракда энди на қүёш бор, на нур, на хаёт қўшиғи бор. Дарёдаги ёлғиз қайикдай, маёксиз сузамиз. Юрт фафлат уйкусида бежон ва бехуш. Кўркинч булутлари даф бўлиб, ойдин чикар, деб янгишибмиз...

Зелихон тиззасига шапати урди.

— Масков бугун кўнмаган бўлса, эртага кўнади. Шунга мотам тутиб ўтирибсизларми? Тўй-тўйдек бўлсин!

Исмоилбей аста ўрнидан туриб, каддини машаккат билан тиклади-да, уйдан чикди.

— Оксоколни хафа килиб қўйдимми? — деди Зелихон, Ахадбейга ажабланиб караб.

— Йўк, хафа бўладиган гап гапирмадинг. Биринки кундан бери кўнгиллари нима учундир хижил бўлиб юрибди.

— Ўзинг-чи? Сен нимага тумшуғингни осилтириб олгансан? Нимага одамлар кўринмайди? Тўй бугунми ё эртагами?

— Тўй... тўйни қолдирдик, ошна.

— Нима учун?

— Ўтган куни Қувасойда жанжал чиккан.

— Ўзбеклар биланми?

— Ҳа. Пиваҳонада бошланибди.

— Федя ўша ерда эканми?

— У кўринмай колувди. Аммо... уруш чиқарганлар бу ерлик эмас.

— Охири нима бўлди?

— Бир йигитни отиб қўйишибди.

— Йигит ким, ўзбекми, отган — туркми?

— Отганни ўзимиз ушлаб топширдик. Тез суд килиб хукм чикаринглар, деб талаб килиб турибмиз. Ўзбеклар орасида ғалати гап-сўзлар тарқаляпти.

— Қанака?

Ахадбей жимгина ўтирган Элчинга бир караб олиб, паст овозда деди:

— Туркларнинг ваҳшийлиги хақида.

— Демак, бошланибди...— деди Зелихон, худди

ўзига ўзи гапиргандай.— Тўйни тўхтатиб тўғри килибсан. Элчин, сен уйингга кайтавер.

— Сиз билан бирга колсам-чи?

— Хоҳишинг... Кани, Аҳадбей, ўрнингдан тур, кетдик.

— Қаёкка?

— Селимникига.

Селим уларни хушчакчаклик билан кутмади. Унинг қарашида хавотир ҳам сезилмади. Аксинча, кутилмаган меҳмонларга ҳуши йўклигини яширмади. Уйга киришлари билан Зелихон шарт оркасига ўгириб, уни ёкасидан олди.

— Отган бола ким? — деди ғазаб билан.

— Танимайман.

Селим сўзини тугатмай, корнидан мушт еди.

— Чўпчагингни энангга айтасан,— деди Зелихон иккинчи муштни тушириб.— Ким деяпман, сенинг одамингми?

— Йўқ, бу жанжалга биз аралашмадик. У бола ҳеч кимнинг одами эмас.

— Каерда ўтирибди, Фарғонадами?

— Йўқ, шу ерда.

— Хозир олиб борасан, учраштирасан.

— Милисага гапим ўтмайди.

Корнига тушган учинчи мушт зарби кучлироқ бўлдими, ҳархолда Селим милисага сўзи ўтиши мумкинлигини эслаб колди.

Милисаҳонадагилар Селимнинг илтимосини рад этолмай, «қотилнинг амакиси бўлмиш» Зелихонга беш дақиқалик учрашувга рухсат беришди. Тўс-тўполонда уйидан милтиқ чиқариб ўқ узган йигитни кўрган одам уни бирор билан урушадиган ҳоли бор, деб ўйламас эди. Мук тушиб ётган йигит Зелихонни терговчи деб ўйлаб, эринибгина қаддини кўтарди. Йигитнинг юз-кўзида кўкарған ёки тирналган жой йўқ эди. Кузларида ҳам азоб учқунлари сезилмасди. «Наҳот, уриб-тергашмаган бўлса...». Зелихон тик бостириб бориб, даҳани остига муштини тиради.

— Менинг умрим камоқда ўтган,— деди у дабдурустдан.— Шу сабабли сен билан пачакилашиб ўтирамайман. Турсини айтмасанг, ичагингни бошингга салла килиб ўраб кетаман. Милтиқни сенга ким берди?

— Ўзим олдим. Уйда турган эди.

— Нимага отдинг?

— Кувлаб келишди.  
— Терговчига шундай дедингми?  
— Ха.  
— Мен терговчи эмасман. Менга тұғрисини айтишинг керак, тушундингми?  
— Тұғрисини...

Йигит корнига мушт тушиб, букчайиб колди. Зелихон кекирдагидан чимчилаб, уни қаддини ростлашга мажбур этди.

— Наша чекасанми?

— Йўк.

— Нашани кимдан олдинг ўша куни?

— Чекмайман, дедим-ку?

Зелихон унинг корнига яна бир мушт урди. Букчайган қаддини бу сафар ростламади.

— Ким берди, Селимми?

Йигит оғрик зўридан ингради, аммо жавоб бермади. Зелихон уни қулоғидан чузиб, бошини кўтарди. Йигит қўркиб қўзини олиб кочди. Зелихон икки барманини омбур килиб унинг кекирдагини кимчиди.

— Селим бердими?

— Ҳа... — йигит шундай деб ўқчиб юборди.

Зелихон боплаб бир тепсамми, деб хезланди-ю, «буни ургандан нима фойда», деб ўзини тийди.

## 2

Элчин Зелихонга қўшилиб милисаҳонага бормади. У Аҳадбей билан бирга эски «Запорожец» ёнида колди. Икковлон биттадан чекишиди. Аҳадбей катта шаҳардаги об-ҳавони сурнштирган бўлди. Табиатан камгапрок Аҳадбей Зелихон таърифидаги «зўр ашулачи» билан нима ҳакда сухбатлашишини билмас эди. Бир пайтлар лашкари шону шухратдан иборат бўлган Элчиннинг номи аввалдан таниш, унинг кейинги умри эса, табиийки, унга коронғу эди.

Элчин Аҳадбейни сиртдан биларди. Зелихон камоқдалигига ҳам, озодликка чиққанидан кейин ҳам у ҳакда гапирган эди. Бирок Элчин Ватан ҳажрида диллари вайрон бу одамларнинг қисмати ҳақида ўйлаб кўрмаганди. Ҳозир унга қараб туриб, кам айтган ашулаларидан бирини эсламоқчи бўлди:

«Сен эй, бедард, найлайким, күнгүл дардини билмайсан...»

Шұхрат булутида сұзган чокларыда, дили қайғуга бегона, мәишатта ошно дамларда күнгүл дарди хакида кандай күйлади экан? Ажаб, қүшиқнинг оҳангини ҳам унудиби. Энди у дил азоби нима эканини билади. Лекин бу одамга дардкаш бұла оладими? Эски «Запорожец»ига суюниб турған Ахадбей дардини тушуниш, боши узра тұпланаётған ҳасрат балоларини ҳайдашга кимнинг құрби етади? Хүрлик күчасидан ўтиб келган Зелихон ҳам унинг дардини тұлалигича ҳис кила олмас.. Бу дунёда қасос жомини сипкориб лаззатланиш учунгина тирик колғанман, деб ҳисобловчи Элчин Ватандан қувилған, бегона тупрок узра тариқдай сочилған ҳалқи тақдиридан қуяётған одам дардига кандай шерик булиши мүмкін? Ахадбей юраги жаҳаннам азобларининг яқинлашаётганини сезиб беҳаловат тепади. Ҳадемай «Ватани йүкнинг имони йўктур», деган тилларнинг, Ватан томон термилиб, нури кочган кўзларнинг гулханда қуяжагини билмаса-да, қалбини уша бўлажак алана тафти күйдира бошлиған.

Ахадбей мезбоннинг ҳадеб жим туравериши одобдан эмас, деган қарорга келиб, ёнидан Зелихон берган пулни чиқарди-да, Элчинга узатди:

— Мендан олмайди, сиз бериб қўйинг.. — деди.

Элчин унинг мақсадини тушунди — йўқ тўйга түёна олишни истамаяпти. Балки Зелихоннинг «битта бука топиб, ағдарасан...» дегани малол келгандир? Мол сўйишга құрби етмаган одам тўй бошламайди. Зелихон соғ кўнгилда тўёна берган бўлса-да, гапларидағи оҳангда бироз манманлик, миннат сезилған эди. Элчин Ахадбей шундай оғринган, деб ўйлаб, бош чайқади:

— Мендан ҳам олмайди. Феълинин биласиз-ку? Сал кўполрок гапиргани билан кўнгли тоза.

Ахадбей кулимсираб, бош чайқади. «Мен унинг гапидан хафа бўлмадим», демади. Шуни айтса, «демак, барибир кўпол гапи дилини оғритған экан-да», деган фикр чиқиши мүмкін эди.

— Сиздан илтимос, ука... Отам айтдилар. Гапларини қайтара олмайман. Худо хоҳласа, замон тинчиса, тўйни қолдирмаймиз. — Ахадбей шундай деб, Элчиннинг тисланишига қарамай, пулни пиджагининг чўнтағига солиб қўйди. — Худо хайрингизни берсин, ука...

Күп ўтмай уларнинг ёнида Селимнинг машинаси келиб тұхтади. Селим иш битди, деган максадда хайрлашиш учун Ахадбей сари қадам күйганида Зелихон уни тұхтатди:

— Ўйнгга юр, — деди ғазаб билан.

Ахадбей дўстининг авзойи бузилганини билиб, унга якинлашди-да, билагидан ушлади.

— Зели, кетдик, — деди қатъий оҳангда.

— Сен нари тур, — Зелихон бир силтаниб, қулини бушатди-да, безрайиб турган Селимга ўшқирди: — Ўйнгга кир, хунаса!

Селим ахвол чатоқлигини сезиб, кафасдаги күш ҳолига түшди. Бир Зелихонга, бир хотиржам Элчинга қаради. Элчинни Зелихоннинг каллакесар шогирдларидан деб гумон килиб, оёкларига қалтирок юргуди. Зелихон уни бўйнига чанг солиб, судради.

— Зели оға, сизга нима бўлди? Сизга нима ёмонлик килдим...

Селим дарвозадан ичкари киргунича ялинчок овозда шу гапларни такрорлайверди. Остона ҳатлаши билан Зелихоннинг оёғи ҳам ишга киришди. Гўштдор одамнинг тўрт-беш қадам учиб тушганини оркадан келаётган Элчин ҳам, Ахадбей ҳам сезмай колишиди. Селим ўрнидан туришга харакат килиб типирчилади. Зелихон унга якинлашиб, сочини тутамлаб кўтарди-да, жағига мушт урди. Элчин Зелихоннинг мутлашишини кўп курган. Бунака пайтда уни тұхтатиб колиш жуда мушкул. Ажратмокчи бўлғанлар ҳам унинг муштидан ёки тепкисидан бенасиб колмайдилар. Элчин Селимнинг кимлигини, қалтакка лойикми ё йўқми, билмасада, Зелихонга эрк бериш номаъкул эканини фахмлаб, оркасидан кучоклади. Ахадбей чаккон юриб келиб, Зелихон билан Селим орасида туриб олди.

— Ахадбей коч, — деди Зелихон, тишини тижирлатиб.

— Зели, ўзингни бос, фойдаси йўқ.

Бу орада ошхона томондан аёл кишининг фарёди эшитилди. Бир нафас ўтмай, семиз хотин «вой-дод, эримни үлдириб қўяди», деганича лопиллаб югурниб кела бошлади.

— Кайт, — деди Зелихон унга караб ўшқириб. — Кайт, деяпман! Жойингда дамингни чиқармай ўтирип!

Хотин унинг пўписасига парво килмай, эрини тұстиди. Ахадбейнинг рўпарада туриши, хотиннинг қалкон

бўлиб олгани ҳам фойда бермади. Зелихон бир силтаниб Элчиннинг қучоғидан чиқдию Селимни тепди. Хотин эр билан овора, Элчин билан Аҳадбей эса Зелихонни маҳкам ушлашди.

— Гули, милисага тилпон кил! — деб бакирди аёл, ошхона томон қараб.

— Зели, қўй уни, кетдик, — деди Аҳадбей.

— Йўқ, қўймайман, — деди Зелихон. — Ҳаммасини шу бошлаган. Қўйвор мени, — Зелихон шундай деб силтанди. — Қўйвор, бу хунасага тегмайман. Сен чиқиб маҳалладаги турклар билан ўзбекларни чақириб кел. Мен бунинг айбини бўйнига қўяман. Ўзбеклар буни тошбурон қилишсин.

Аҳадбей итоат билан чиқди. У одам тўплашга улгурмай Селимининг дарвозаси рўпарасида милисанинг машинаси келиб тўхтади. Ундан икки милиса йигит тушди. Улар остона ҳатлашлари билан Зелихон:

— Оркага қайтларинг! — деб буюрди.

Милиса йигитлар аввалига буйрукка итоат этиб, тўхтадилар. Сўнг «ким экан бу, бизга буйруқ берадиган?» дегандай яна бир-икки қадам қўйдилар.

— Қайтинглар! — деб бакирди Зелихон, сўнг Селимга ўғирилди. — Кимлигимни биласан, а? Айтиб қўй, қайтишсин!

Селим Зелихонга қўрқибгина қараб олиб:

— Қайтинглар, — деди.

Милиса йигитлар кўчага чиқишиди-ю, аммо машиналарига ўтиришмади. Бу орада ўнга яқин одам тўпланди. Аҳадбей кўпчиликни айтган бўлса ҳам, чўчибми, мулоҳаза қилибми, чиқишиди. Зелихон оқ яктак устидан майда кавик тўн кийиб, белбоғ боғлаган, бир тутам оқ соколи ўзига ярашган чолга яқинлашиб, қўш кўллаб сўрашиб-да:

— Ота, — деди, — мана бу одамни танийсизларми?

— Ҳа, таниймиз, болам, — деди чол, юзи қонталаш Селимга ажабланиб қараб.

— Бу одам эмас, шайтоннинг урғочиси, буни ҳам биласизми?

— Ундей деманг, болам, бу ҳам Худонинг бир бандаси.

— Худонинг бандаси бунақа бўлмайди-да, ота. Бу одам тузингизни ичиб, тузлифингизга тупурди. Кечаги тўс-тўполонни шу бошлаган. Отган бола билан ўзим гаплашиб чиқдим. Мен чеченман, ота. Аммо ўзбекнинг

нонини еганман, сувини ичганман. Турклар билан кисматим бир. Бу бармоғимни тишиласам ҳам оғрийди, бунисини тишиласам ҳам оғрийди. Орада кон түкилиши ни истамайман.

— Худо хоҳласа низо чикмайди, болам. Қирк йил бир гап ораламаган, энди оралайдими? Ешлар...

— Йўқ, ота, калта ўйламанг. Буларнинг оёклари зулмга қараб етаклаяпти. Бегуноҳ инсон конлари тӯкилади.

— Астағфируллоҳ, денг, болам, Ёмон нафас килманг.

— Бу хунасани тошбурон килиб ўлдиринглар. Жавобини мен бераман. Тошбурон килмасаларинг ўзим ўлдираман. Шу савобни деб камоқда чириб кета колай.

Чол Зелихонга яқинлашиб, гўштсиз бармоқлари билан унинг ғазабдан ёниб турган юзини силади. Зелихон сесканиб кетди. Бобосининг бармоқларини эслади. Бобоси ўлганидан бери бу юзларни бирор меҳр билан силамаган эди...

— Болам, шайтонга ҳай беринг. Гуноҳи бўлса, ана, милиса турибди. Олиб борсин, сўрок килсин...

Чолнинг бармоқлари Зелихон вужудига ҳукм ўтказётган ғазабни енгди. Ғазаб, нафрат чекинди-ю, бирдан хўрлик булути босиб келиб, кўзлари намланди.

— Отa, кўнгилчанлик қилманглар. Бунақаларнинг мингтасини йифиштириб келсангиз, битта пичоққа соп бўлмайди-ю, аммо ҳаммаёқни киёмат килиб кетиш қўлларидан келади. Сиз милисага ишонманг, ота.

— Болам, мендай нодон чолга хўп, дея қолинг, юринг, — чол шундай деб уни елкасига қокди. Шундан сунг ҳозиргина шер кепатасидаги Зелихон кўй ҳолига тушди.

— Кетайлик, — деди Элчин, — ота тӯғри айтяптилар.

— Мен бу хунасага яхшиликча айтган эдим, — деди Зелихон, худди ўзига ўзи гапиргандай. — Арининг уясини кавлама, кўчиб кет, девдим... Бу кўр, мен соқов эканман. Кўр билан соқов икки дунёда бир-бирининг гапига тушунмайди... — Зелихон шундай деб, бўшашган холда дарвоза томон юрди. Милиса йигитларнинг олдидан ўтаётганида тўхтади: — Обориб тикиб қўйиш қўлларингдан келадими? — Йигитлар жавоб ўрнига бир-бирларига саволомуз қараб олдилар. Зелихон улардан тасдиқ жавобини кутмаган ҳам эди.

Агар Селимнинг адолатли жазо олишини билганида уни дўппосламас, одам тўплаб «тошбўрон килинглар», демас эди.

— Ҳақиқий эркак бўлиш учун ўғил бола бўлиб, туғилиш кифоя эмас, — деб тўнғиллади Зелихон, «Запорожец»нинг орка томонига ўтириб. Бу гапни кимга карата айтганини Аҳадбей ҳам, Элчин ҳам англамади.

— Бекорга бўғиляпсан, — деди Аҳадбей. — Гапнингга кириб тошбўрон килишганида баттар бўларди. Чол тўғри килди.

Элчин сухбатга қўшилмади. Унинг назарида ҳам оқсоқол энг тўғри йўлни танлаган эди. Элчин бу воқеани бир неча кундан сўнг яна эслайди. Ана ўшандада «Чол тўхтатмай, Селимни тошбўрон килдирганида балки бу қиёмат содир бўлмасмиди», деб ўйлади.

Табиатга хукм ўтказган киш ер сатхини безайди. Одам юрагида кўз очган киш эса дилни музлатади, инсонга ҳусн бермайди. Кўнгилни ўз хукмига олган муз одам оласига хос меҳр-шафқатни маҳф этади. Оқибатда эса йирткич ҳайвонларни ҳам лол қолдириши мумкин бўлган ваҳшийликлар содир бўлади.

Зелихон, чолнинг бармоклари юзига тегиши билан кўнгли юшаган бўлса ҳам, аламдан тушмаган эди. «Агар бир итни ўлдирсанг, одамлар сендан нафратлашишади, — деб ўйлади у. — Олдин «бу ит кутурган» деб ишонтириб, сўнг ўлдирсанг, раҳмат айтишади. Селим итдан баттар маҳлук эди. кутурган итни балки даволаш мумкиндири. Пул кутуртирган одамни-чи? Уни факат ўлдириш керак. Нимадан кўркишди?..»

— Аҳадбей, аэропортга ҳайда, — деди Зелихон буйруқ охангиди. — Элчинни кузатиб кўяйлик.

— Бир-икки кун коламан, — деди Элчин, эътиroz билдириб. — Ошна-офайнилар билан отамлашиб кетай...

— Ўзинг биласан. Мен булар тинчигунча Аҳадбейникида бўламан. Аҳадбей, Фарғонага ҳайда. Федяни топайлик.

Элчин шахарни кесиб ўтган сой бўйида тушиб колди. Эски «Запорожец» машиналар оқимиға қўшилиб бурилиб кетгунича орқасидан тикилиб турди. «Зели оға ҳозир гап кутара олмайди, — деб ўйлади у. — Ташлаб кетсан ҳам бўлмайди. Жигарларим дўзахда куйса, мен жаннатда яйраб яшай оламани, деди. Кўнгли ёмонлик сезяпти. Нахот, арзимас жанжалдан

кatta фожиа туғилса?! Илгари йигитлар уришмаганми, бир-бирига пичок тортмаганми? Нимага энди киёмат бошланиши керак? Корабоғдаги ахвол маълум. Тил бошқа, дин бошқа, дил бошқа. Тили бир, дини бир, урф-одати бир одамлар бир-бирларининг қонларини нимани баҳона килиб тұқадилар? Зели оға ошириб юборяпти шекилли? Ҳар нима бўлганида ҳам, бир-икки кун шу атрофда юрай-чи... «Ракиб кула бошлар, яқин дўстинг ахволингга чекмаса қайғу...» Элчин шу тўхтамга келиб, сой бўйидаги самовархона томон юрди.

Элчин яқиндагина бўёқдан чиқсан сўрига бориб ўтириди. Сойнинг лойка суви айқириб, бетон қирғоқни ялаб ўтади. «Одамнинг умри ҳам шу сойга ўхшайди, — деб ўйлади Элчин. — Дам мана шу лойка сувдай зардобга тўлиб оқади. Дардини қаёққа сингдиришини билмайди... Ҳаёт икки қирғоги бетонланган сойнинг ўзи. Бир қарич четга чиқмайсан. Айникса лойка дамларда кийин. Бу сой ҳам бора-бора тинчиди, тинади. Шунга мажбур, бошқа иложи йўқ...»

— Ассалому алайкум, Хоғиз ака...

Қироат билан берилған салом уни хаёл дунёсидан қайтариб, овоз келган томонга ўгирилишига мажбур этди. Марғилоннусха дўппини бошига кийшик кўндириган, қалдирғоч мўйлови ўзига ярашикли, кўзлари кулиб турувчи йигит Элчин ўгирилгач, яна бир марта салом берди-да, қўшқуллаб сўрашди.

— Омонмисиз, ака, бугун қуёш қаёқдан чиқди, деб турсам, сизнинг келишингиз экан-да, — йигит кўрпачанинг бир четига ўтириб, юзига фотиха тортган бўлди. — Сизни кўриб, аввал кўзимизга ишонмадик. Ака, бир лутф кўрсатиб, бизнинг сурига ўтсангиз, бир чуқимгина ошимиз бор эди.

Элчин бу йигитни танимагани учун таклифни қабул килишга иккиланди.

— Сиз хеч хижолат бўлманг, ака, — деди йигит. — Санъат шинавандалари йифилганимиз. Мен театруда ишлайман. Хизматга эндиғина кирган вактимда бир келган эдингиз. Шу-шу кўнгилни эгаллаб кўйгансиз. Иссим Толибжон, ака, марҳамат килинг.

Элчин кўпам ноз этмай, ўрнидан турди. Тенгқур ҳамкаслар ичкарида давра куришган экан. Уларнинг айримлари Элчинни аввал ҳам бир-икки кўрган, айримлари довругини эшишган эди. Элчин шухрат отидан барвакт тушиб қолмаганида бундай даврани менсиб

қүшилармиди, йўқми — Худо билади. Амалдорлар мансабдан тушган куннинг эртасига ёқ ёлғизланиб коладилар. Ўзини дўст тутиб юрганлар юз буриб кетаверадилар. Шуҳрати сўнган санъаткорларни эса бу аччиқ кисмат кутмайди. Уларнинг муҳлислари сакланиб колади. Айникса ҳамкаслар юзаки бўлса-да, куллук килиб турадилар. Инсофи бор санъатчи «осмонда сузуб юрганимда буни менсимай дуруст иш қилмаган эканман», деб хижолат бўлиши мумкин. Отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган хили эса, «мени иззат қилишга мажбурлар», деб йўнилмаган таёқдай ўтираверади. Элчин Фарғонада кўп бўлган, кўп зиёфатларнинг тўрида ўтирган. Кўп одамлар билан кўл бериб сўрашавериш ҳам эриш туйилган. Ҳозир уша килифи эсига тушиб одамларни менсимай ранжитгандирман, деб бироз уялди.

Даврадагилар Элчиннинг ташрифидан астойдил кувондилар. Мехмонни хижолатга қўйиши мумкин бўлган гаплардан гапирмадилар, хотираларни тилга олмадилар. Элчин билган одамларни бир-бир эслаб, сўрабсуриштириди. Даврадагилар дам ҳазил билан, дам афус билан жавоб кайтардилар. Ош сузилишидан олдин Элчин:

— Фарғона тинчми, ўзи? — деб сўради.

— Тинч бўлмай қаёкка борарди. Қизил пошшомизни Московга депутат килиб сайлаб кўйганмиз. Дўппини бошга чамбарак килиб юрибмиз, қизил пошшо даврида Фарғонамиз би-ир гуллайдиган бўлиб турибди.

— Толибжон эрта-саҳарда биринчи овоз берган, — деди даврадагилардан бири. — Ўима бўлса Толибжон жавобгар.

Аскияга суяги йўқ йигитлар Толибжонни бир-бир «олишгач», Элчин яна бошлаб кўйган гапига қайтди.

— Турклар тинчми?

Кутилмаган бу саволдан ҳамма бир-бирига караб олди.

— Туркларга нима бўлибди, — деди Толибжон ажабланиб. — Бир гап борми?

— Ҳар хил мишишларни эшитяпмиз.

— Бу мишишлар етиб келмади бизга. Бир гап бор бўлса эшитардим. Қўшним турк. Қунда бўлмаса ҳам кун ора бир коса овкатни биз уларга илинамиз, эртасига улар бизга илинишади. Шавкат тоға деганимиз мени «ўғлим-ўғлим», деб бошига кўтаргудай кила-

ди. Бугун эртаматан чиқиб иккита күйимнинг жуни-  
ни олиб бердилар, денг. Агар уларга тегишли ноҳуш-  
роқ гаплар бўлса, мен эшитардим. Шавкат тоға ҳам-  
ма дардларини менга айтадилар.

Элчин орага ноўринрок савол ташлаганини фаҳм-  
лаб, гапни театрга буриб юборди.

— Бугун Водилда концертишим бор, ака, ошдан  
кейин жўнаймиз. Биз билан бориб иккитагина ашула  
қилиб берсангиз жаннатни ҳадя этгандай бўлардин-  
гиз-да...

Элчин бу таклифга кўнди. Уни тамошанинг  
иккинчи бўлимида чиқарадиган бўлишди. Тамошага  
тўпланганлар Элчиннинг келганини эшитган, дам-  
бадам «Элчин чиқсан!» деган ҳайкириклар эшити-  
либ қолар, бу хитоблар унга довруқли кунларини  
эсига солиб, юрагини ҳаприклирар эди. Элчин торни  
созлаб турганида Толибжон башанг кийинган бир  
йигитни бошлаб келди. Элчин унинг кўзларида таш-  
виш учқуни кўрди.

— Ҳа, Толибжон, баҳай? — деди ҳазил оҳангидা.  
Толибжон жавоб беролмай, кўзларини олиб қочди.  
Унинг ўрнига йигит жавоб қайтарди:

— Мен обкомданман, мафкура бўлимидан, —  
у шундай деб ён чўнтағидан қизил гувоҳнома чиқарди.

— Қўяверинг, ишондим, — деди Элчин, гувоҳнома-  
га карамай.

— Сиз бугун саҳнага чиқа олмайсиз.

— Нимага энди?

— Концерт — мафкуравий тадбир. Репертуарини  
обком тасдиқлаган. Сиз нима айтасиз, биз билмаймиз.  
Маданият министрлигидан рухсатингиз бўлиши шарт.

— Жон ака, бу кишини биз таклиф килганимиз.  
Ўзларича келганлари йўқ, — деди Толибжон бўғилиб.  
Элчин бу масалада анча гап-сўз бўлганини англаб,  
жилмайди:

— Толибжон, акангизни қийнаманг.

— Ҳа, ана, тушунар экансиз-ку! Мен буларга ту-  
шунтираман, деб жигарим кон бўлиб кетди. Ўтган  
хафта Дадаҳон деганлари келиб «қўзғалинг», деган  
ашула айтибди. Партибилетимни қўшишга сал колди.

— Ташвишланманг. Айтмасам айтмабман-да. Си-  
бирнинг совуғида томокни олдириб қўйганман. Илга-  
рига овоз йўқ. Қамалганимни эшитгансиз, а? — деди  
Элчин, обком вакилига синовчан тикилиб.

— Ха... йўк... шунақамиди? — деди йигит. Қейин Толибжонга ўғирилди. — Мен жойимда бўламан.

У нари кетиши билан Толибжон бўралаб сўклиди.

— Кимдир чакибди. Дарров етиб келибди-я! Ўзини гўлликка солишини қаранг... Билмасмиш... Ака, узр, энди...

Элчин бағрида ғазаб ўти аланга олаётганини яшириб, ҳазин жилмайди-да, унинг елкасига қўлини қўйди.

— Унинг жойи қаерда экан?

— Биринчи қаторда. Коккан қозикдек ўтиради.

— Сиз хижолат чекманг, Толибжон. Агар ҳўп десангиз, бир иш киламиз. Бу нусха концертга чиқмасин, деди-а? Мен танаффусда иккита ашула айтиб бераман. Сиз танаффус эълон қилинг-у, дарров пардани ёпманг. Чиққанимдан кейин ёпасиз. Хиралик килса, мен билмадим, деб тураверинг.

Толибжон пича ўйлангач, таваккал, дегандай қўл силтади.

— «Пахта ракси»дан сўнг тайёр туринг.

Танаффус эълон қилиниб, беш-ун одам ўрнидан қўзғолишга улгурмай, саҳнага Элчин чиқиб келди. Уни таниғанлар бирданига қийқириб, ҳуштак чалиб юбошибди. Шу заҳоти шошқич равишда парда ёпилиб, Элчин саҳна чеккасида тамошабинлар билан юзма юз колди. Ўринларидан турғанлар «танаффус эълон қилиниши ҳазил экан-да», деган хаёлда қайта ўтирилар. Биринчи қатордаги обком вакили эса шарт туриб, саҳна ортига олиб борувчи зина томон юрди.

Мұхлислар ҳаяжони тингач, Элчин енгил таъзим килиб, сўз бошлади:

— Мени унутмаганингиз учун қуллук, азизларим. Урушдан олдин Юсуфжон қизикқа «сиз рамкадан чиқиб кетяпсиз», деб танбех беришган экан. Шундан сўнг уста кейинги томоша пайтида бўйинларига бир расмнинг рамкасини солиб чиқибдилар. «Менга шундай дейишган эди, энди рамкадан чиқмай гапираман», дебдилар. — Ўтирганлар кулиб, карсак чалишгач, Элчин ўзини енгил сезди. — Мен бу томошага меҳмонман. Шу сабабли танаффус пайтида рамкадан чиқмай иккитагина ашула килиб бераман. Бу ашулалар Ватандан узокда, озодликни кумсаб юрган пайтларда туғилган. Мен ҳакимда сиз турли гап-сўз эшитгансиз. Гапнинг тўғриси шуки, гуноҳим учун жазолашган. Ҳақли жазони ўтаб, хузурингизга қайтдим.

Элчин торнинг созини бир текшириб олгач, титрок оҳанг янгради. Якка торда, гижжаксиз, доирасиз кўшик айтиш расмдан чиққани учун аввалига мухлислар бир гарангсиб олишди. Электртга уланган Оврупо чолғу асбобларининг шовқинига кўнига бошлаган кулокларга торнинг инграши ғалати туюлди. Сўнг... Элчиннинг бўғик, дардли овози таралди...

Ўксир кўнгил қуши —  
Тушди қафасга.  
Сира етолмайдир  
Эркин нафасга  
Каро кунлар тушди менинг бошимга...

Тўпланганлар кўшикни нафас ютиб тинглашаёт-  
ганда бирдан микрофон узиб қўйилди. Элчин бунинг  
сабабини дархол англади-да, овозини бироз кўтариб,  
кўшикни давом эттираверди. Орқароқдаги мухлислар-  
га овоз етиб бормай бетокат бўлиб хуштак чала бош-  
лашди. Элчин «тинчланинг», дегандай кўл кўтурди-да,  
пастга тушди. У кенг давра ўртасида тургандай ашула-  
сини давом эттирди.

Эй! Сен мени ҳақир кўрган, тубан деган афанди!  
Эй! Устимда бир умрга хўжа бўлмоқ истаган.  
Эй! Бўйнимга киshan солиб, ҳалокатга судраган,  
Кўзларингни заҳарлатиб ўйнатмагил, бас энди!

Кўшик шу ерга келганида саҳнага бир йигит чиқиб  
микрофонга яқинлашди-да:

— Элчин ака, бу ёққа чиқинг, чироқни уладик, —  
деди узрли оҳангда.

Элчин торни чалишни тұхтатмай, саҳнага қайтди.

Киshanларинг занг босгандир, сергак бўлким, узилур,  
Томиримда кўзғалишининг ваҳший қони гупирди.  
Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди.  
Ё битарман, ёки сенинг салтанатинг бузилур!

Элчинни аввал билганлар ҳам, билмаганлар ҳам  
кушиқларни ҳайрат билан тинглар эдилар. Илгари ёр  
васлинни куйлашдан бошқасини билмаган бу хушвозд  
ҳофиз уларга бутунлай ўзга куринишда кўринмокда  
эди. Бир жуфт кўшик икки-уч жуфт бўлди ҳамки,

мухлислар уни кўйиб юборишмади. Кўшикдан қўшиқка ўтгани сайн Элчиннинг ўзига нисбатан ишончи орта борди. Ҳосилбойвачча хорлаганидан бери кўнгли чўкиб юрган эди. Бу издиҳомда онадан қайта туғилгандай бўлди.

## XXIV Б О Б

1

Шариф Намозов шаҳар марказидаги уч қаватли қадимги бино ертўласида шундай сарой жойлашганини етти ухлаб тушида кўрмаган эди. «Асадбек идорасида кутиб ўтирибди», деган хабар келганида идора деганинг шундай хашамдор бўлишини ўйламаганди. Шу пайтгача бунака одамлар пинҳона иш юритишади, деган фикрда эди. Шундай сароймонанд жойда ўтиришибдими, демак, ўзларига ишонишади. Давлат ҳам айшингни суравер, деб уларга кўйиб берибдими, демак, ҳазиллашиб бўлмайди.

Кесакполвон Шариф Намозовни қандай кутиб олиш хусусида Бўтқага аник кўрсатма берган эди. Бўтқа хўжайнининг топширигини аъло даражада ўринлатди: Намозов оstonада кўриниши билан пешвоз чикиб, салом берди:

— Бек акам ҳозир бушаб коладилар, оқаҳон, унгача бир пиёла чойимиз бор.

Шариф Намозов Бўтқанинг изидан юриб, шинам бир хонага кирди. Мехмон ўрнашиб ўтириб олгач, кафтдек кутичани қўлига олиб, телевизор томон тўғрилаб тугмачани босган эди, экран ёришди.

— Сиз баҳузур ўтира туинг, — деди Бўтқа унга илтифот кўрсатиб.

Телевизорда хорижнинг томошаси кўрсатилаётган эди. Намозов шундай беҳаё томошалар мавжудлигини эшитганди-ю, аммо кўришга иштиёқи ҳам, вакти ҳам йўқ эди. Ҳозир қарамай деса ҳам, кўзи томошага тортиб кетаверди. Шу зайлда хонага дўндиқ бир киз кириб келганини сезмай қолди. Қалта кўйлакли дўндиқ қўлидаги патнисни курсига қўйиб, нозли жилмайиб қўйди.

— Қаҳва олиб келдим, — деди-да, телевизорга қараб олди. Сўнг девон ёнбошидаги курсида турган шишани олиб иккита биллур қадаҳга конъяк қўйиб бирини

Шарифга узатди-да, ўзи иккинчисини олиб, пастга, гилам устига ўтирги.

— Олинг, — деди ишва билан.

Шариф туш кўряптими ё кино томоша қиляптими, билмай гаранг бўлди. Унинг гангиб колганини сезган дўндиқ тирсагини тиззасига қўйиб яна нозланди. Шарифнинг кўзи ярим очик кўкракнинг ариқласига тушиб, юраги энтикиб кетди. Конъякни ичиб юборганини ўзи ҳам билмай колди. Дўндиқ кадаҳни бир ҳўплаб, курси устига қўйди-да, Шарифнинг тиззасини кучоқлади. Шарифнинг эҳтироси жиловини узиб, кўллари ўзига бўйсинмай қолди. Бу дунёда шундай машшат борлигига энди ишона бошлаганида эшик очилиб, Бўтка кириб келди. Шариф уни кўриб чўчиб тушди. Бўтка эса ҳеч нима кўрмагандай, хотиржам оҳангда:

— Бек акам кутяптилар, — деди.

## 2

Кесакполвон Шариф Намозовнинг шу ерда экани, Бўтқага топширган вазифаси хақида гапиргач, Асадбек уни жеркиб берди:

— Бу килиғингни бошқа ерда килмайсанми?

— Кимлигимизни билиб кўйсин. Ҳаёт канакалигини би-ир кўрсинг. «Ҳакикат, ҳакикат!» деб нима кўрибди. Ана энди бугундан бошлаб бор ҳакикатга тупуради. Ўзимизнинг одамга айланади. Ҳакикат деганинг ярмига амал бериб, «Волга»га ўтқазиб кўй, ярмининг қўйнига биттадан жононни солиб кўйсанг, кимлигини биласан. Бугун уни машшатга олиб қоламан.

— Хаддингдан ошма. Чакир уни, — деди Асадбек.

Шариф бу хонага юраги дукури босилмаган ҳолда кириб келди. Асадбек ўрнидан турмай, ўтирган ерида унга кўл узатди. Асадбекнинг қараши жиддий, Кесакполвон эса айёrona жилмайиб бокиб турарди. Чувринди унга эътибор бермай, қандайдир коғозлардаги ёзувларни диккат билан ўкирди.

— Ишлар қалай, ўрток директор? — деди Асадбек, киноя билан. — Планлар ошиғи билан адo этиляптими?

— Ҳа, бажармасак бўладими?

— Бу акангиз айтмаганмиди? — Асадбек шундай деб Кесакполвонга каради.

— Айтгандилар.

— Хўш? Нима учун планни бажараман, деб зўр беряпсиз?

— Юкоридагилар қўйишмаяпти.

— Сиз учун юкори биз бўламиз. Биз айтдикми, тамом! Бажаришга мажбурсиз. Сизга ким буйрук берди, министрми?

— Йўк, Фарҳодов дегани...

Асадбек Кесакполвонга қаради:

— Ҳайдар, билармидинг?

— Йўк, хозир... — Кесакполвон шундай деб телефон гўшагини олди-да, керакли рақамни терди.

— Фарҳодовми? — Ҳа, мен, Ҳайдар акангман. Намозовинг нима деяпти? Планни бажарасан, деб сен зўрлаганишсан-ку? Мажлисда айтдингми? Унга тегишли эмасми? Шуни секин ўзига айтиб қўйсанг ўласанми, ҳе сўтак. Ҳа, айтиш керак, қозоқнинг тўккиз пулидек тушунтириб, белига туғиб ҳам қўйиш керак. Дуойи саломни олдингми, энди ўчир овозингни...

Кесакполвон гўшакни жойига қўйиб, Шарифга қаради:

— Эшиздингизми? Директор деган бунақа лалаймайди.

— Бу ой етмишдан ошмасин, — деди Асадбек. — Кейинги ойларда ишчилар маош олмайди. Керакли одамларга пул-мул бериб туринг. Бошқалар бўшаб кетаверсин.

— Бунинг иложи йўқ, банкда заводнинг пули кўп.

— Кўп бўлса ҳам маош йўқ, — деди Қесакполвон таҳдид оҳангига. — Лалайманг, дедим-ку!?

— Португалиядан жавоб йўқми, ҳали ҳам? — деди Асадбек, биринчи масала ҳал, деган оҳангда.

— Жим-жит бўлиб кетишиди.

— Бориб келиш керак. Уларга ёқмаса бошқалар билан гаплашамиз.

— Бориши учун улар чакиришлари керак. Доллар керак.

Бу гапдан сўнгчувринди коғоздан бош кўтарди:

— Бу ёғини бизга қўйиб беринг.

Асадбек «гап тамом» дегандай ўрнидан турди. «Шу икки оғиз гапни телефонда айтиб қўйишса ҳам бўларди-ку», деб ўйлади Шариф, эшик сари юриб.

— Мени кутиб туринг, гап бор, — деди Кесакполвон.

— Жамшид қаерда? — деди Асадбек, Шариф чи-  
киб кетгач.

— Эрталабдан бери кўрганим йўқ. Майшат қилиб  
ётгандир, — деди Кесакполвон. — Янгисини топган  
экан, ўша билан овора.

— Майшат, деявериб ҳаммани буздинг. Энди би-  
чиб кўйишим қолди.

— Эркаклар билан ишлагандан кейин чидайсан,  
ошна. Ёш йигитлар вактида майшатини қилиб олсин.  
Вактида ўзинг ҳам...

— Бўлди, айнима. Жамшидни топ. Бугун Масков-  
га учсин.

— Нимага?

— Хонгирей билан учрашиб келсин. — Асадбек  
шундай деб Зелихон билан икки кун аввал бўлган  
учрашув мазмунини айтди.

— Жамшидни юборманг, — деди Чувринди. —  
Ўзингиз бориб келганинг маъкул. Иш жиддийга ўх-  
шайди.

— Жамшидни топ, бирга борамиз.

### 3

Кизига караб туриб, Манзурунинг кўнгли ўксиди.  
Зайнаб турмушидан нолиб, ҳасрат қилмади. Бирок  
кўзларини шодлик учкунлари тарк этгани онанинг зий-  
рак назаридан четда қолмади. Зайнаб сингари келин-  
чаклар бунака дамларда яйраб-яшнаб юрадилар. Юз-  
ларига тушган доғ, бармокларининг тўлишиб, узуклар-  
нинг сифмай колиши улар хуснига хусн қўшади. Зайнаб  
эса худди сўлиётган гулга ўхшайди. Онасига дилини  
ёрмайди. Манзура унинг дардли нигоҳига караб туриб,  
ичида «қиз туғмайин мен ўлай», деб қўяди. Ётарида  
ҳам, турарида ҳам, дуо қилса яратгандан кизига баҳт  
тилади.

Худога шукр қилиши керак, куёви беүхшов эмас.  
Ёши каттароқ бўлса ҳам ҳушрўйгина. Зайнаби қайно-  
нанинг тергаб-тергашлари-ю, қайин эгачи, қайин син-  
гилларнинг димок-фирокларидан ҳоли. Бир жувоннинг  
баҳтли турмуши учун ҳамма нарса етарли. Лекин баҳт  
факат емоқ-ичмоқдан иборат эмаслигини у ҳам яхши  
билади. Асадбек билан турмуш куриб оч, яланғоч қол-  
мади. Эри ичиб келиб, уни дўппосламади, кўчага ҳай-

даб чиқармади. Бирин-кетин болалар туғилишди. У эрининг «қимор ўйнамайман», деган сўзига ишона борди. Эри кеч қолса жойнамоз устида кутмайдиган бўлди. Ўйда ҳамма нарса тўкин эди. Аммо унга нимадир етишмаётгандай бўлаверарди. Бахтсизлик фататгина камбағални таъқиб этмайди. Бойлар бахтсизликни ўзлари сезмаган ҳолда чакириб оладилар. Камбағал бахтсизликдан кўпам куймайди, унга кўнишиб қолган. Аммо бойларнинг бахтсизликка чидашлари кийин. Қамбағал учун арзимас бир гап бўлиб кўринган ҳар бир нарса бойлар учун бекиёс бахтсизликдай туюлади...

«Қизимнинг эрига кўнгли йўқ, — деб ўйлади Манзура. — Фарзанд кўрса балки дили юмшар... Хозирги кизларда сабр деган нарса йўқ, тавба...»

Кизи ўкишга бормаётганини айтганида Манзура «ўзинг биласан», деб кўйган эди. Бугун келиб индамай ўтираверишини кўргач, «ўқишингга борганинг дуруст экан, кизим, дугоналарингни кўриб кўнглинг ёзилади», деди. Зайнаб бу гапни эшитмагандай жавоб қайтармади. Айвоннинг ўймакор устунига сுяниб, ховлига ўйчан тикилиб тураверди.

Зайнаб шу ховлида Кумуш бўлиб яшаган эди, хаёлидаги Отабеги уни шу ховлида қучган, ёноғидан бўса олган эди... Энди назарида бу ховлидан нур кочган, ғунчалари тулиб эрта-индин кўз очаман, деб турган атиргуллар ҳам хунук, мармар фаввора ҳам ўлик... Куёш бор-у, файз йўқ, хонадон коронғу. Хоналарда хаёт кезиб юрибди, аммо бахт йўқ...

Фақат болаҳона... Бахт ўша ерда беркинганми?.. Унинг кўнгил қўйгани ўша ерда. Орзулари дафн этилган бу хонадонга фақатгина уни кўргани келади. Кўриш насиб этса, кўнгли баттар эзилиб, уйига қайтади. Ҳомиладорлигини билганидан бери эри уни бошида кўтариб юргудай бўлади. Элчин уни суйиб-қучгани сайин у Жамшидини кўпроқ ўйлайди. Ёлғиз қолганида тўлишиб бораётган корнига қараб, ҳали туғилмаган боладан нафрлатланади. Назарида уни бахтсиз қилган, умидларини чил-чил синдирган — шу бола. Хайриятки, нафрят кўзиган пайтда оналик меҳри ҳам уйғониб, уни ёмон хаёллардан қайтаради.

Манзура кизидан кўз узмай, хўрсинди.

— Ётиб кола қол, кизим, — деди ўксик овозда. Зайнаб онасининг дили пора-пора бўлиб кетаётга-

нини сезмади. Ховли узра bemаксад кезиб юрган ни-  
гохини йигиб, унга каради.

— Бугунча кола кол, — деб тақрорлади Манзура.

— Йўқ, кетаман, — у шундай деб ҳовлига тушди.  
Чикиб кетгунича болахонага икки-уч караб қўйганини  
Манзура сезди.

Зайнаб уйига қайтди-ю, бепоён саҳрода ёлғиз таш-  
лаб кетилган бечора ҳолига тушди.

Кунни эринчоклик билан ўтказган қуёш энди уфк-  
даги булутлар четини қизартириб ботмоқда эди. Ос-  
монни безаган бу манзара алдамчи, булут четлари  
қизил эса-да, бағри қора эди.

Хаёт оstonада кутмайди. Қуёш ботиши билан бу  
бағри қора булутлар чақин чақиб, бостириб келади.  
Дов-дарактни савалаб ўтиб кетгач, юлдузлар чарак-  
лайди. Сўнг яна қуёш чиқади. Баргларда илиниб қол-  
ган томчилар жавхар сингари ялтиллайди. Аммо Зайн-  
абнинг хуфтон дили бундан ёришармикин? Айрилик  
дарди енгилиб, умид гули очилармикин?

Қуёш ботмай туриб, кўз ўнгига борлик хира тортди.

Ёлғиз... Нидо йўқ... Гўё қуёш барчани ўлимга маҳ-  
кум этиб, видолашиб кетаётгандай. Тор кўкрагига банди  
юраги беҳаловат тепади. Тепиб-тепиб кўкрак қафа-  
сини синдириб кочиб кетгиси келади. Бу вужудни тарк  
этмоқни истайди. Тарк этолса ўтли ҳасратларнинг фи-  
ғонлари мангаликнинг сукутига гарк бўла олармикин?

Бу хонадонга қадам босиб келганидан бери унинг  
ҳаёти пуч хаёллар зиндонига беркилди. Беркилди-ю,  
кулф-калити бироннинг қўлида қолди. Топишган тақ-  
дирларида тўлин ой ва осмон сингари бўлар эдилар.  
Энди осмон тўлин ойсиз тунд бўлиб олган. Дил корон-  
ғи. Дил оғрийди. Кўз ёши эса худди ёмғир... Кўзларни  
ёш куйдиради...

Унинг дардига ким шерик бўлиши мумкин?..

Зайнаб бу тун ёлғиз қолишини, ёлғизликнинг те-  
мир тирноклари орасида азоб чекишини биларди. Эл-  
чин «бир-икки кун уйингизда туринг», деб кетди. Шу  
гапга биноан уйига борган эди. У ерга ҳам сиғмади.  
Ёлғизликдан қўрққани холда ёлғизликни истади. Ҳо-  
зир эса қаёkkадир боргиси келди. Ким биландир гап-  
лашгиси келди. Таниш-билишлари кўп. Остона ҳатлаб  
кириб боргудай бўлса, кучоқ очиб кутиб олгучи якин-  
лари кўп. Аммо қай бири унинг дардини тушунади?  
Қай бири «кўй, ӯша отарчи эрни, суйганинг билан

бўл», дейди. Хеч ким айтмайди. Аксинча, «Сабр кил, шайтон йўлига кирма», дейишади. Насиҳат қилишади. «Кимга ҳасратингни айтсанг, дардингни олиш ўрнига, бирданига донишмандга айланадиу бисотидаги насиҳатларини сочиб ташлайди, — деб ўйлади Зайнаб. — Насиҳатгўй ақли бутунлар мунча кўп бўлмаса, бу дунёда. Дардкаш мунча кам...» .

Зайнаб ўзини ўзи чалғитиш учун ошхонага кирди. Бир ўзи учун овкат килғиси келмай, ҳовлига чикди. Дарвозага каради. Эшик қия очик. Кимдир кириб келгандай... Ким келди?..

Ўйга кирди. Телевизорни ёқди. Юмшоқ ўриндикка ўтиреди. Умид билан аввал дарвозага, кейин телефонга каради. Нима учун уйига қайтганинг сабабини у ҳатто ўзидан ҳам яширмокчи бўлади.

Елғизлигида бир мартагина кўча эшиги очилиб, У кириб келди. Шундан бери неча марта кўз тикади. Кутгани келмайди. Бу кеч келармикин? Унинг илинжи шу.

— «Ўзича келмайди, бир баҳона билан чакир.»

— «Шарманда... Шарманда...»

— «Ёшлик ва гул... Йкковининг умри киска бўлади. Буни билганлар юришиби ялло килиб. Сен-чи?»

— «Шарманда... Шарманда...»

— «Менинг эрим борми? Ким у? Номусимни булғаган одамми? Агар энди мен унга хиёнат қилсам, унинг номуси булғанадими? Фалончининг хотини...»

— «Вой, шарманда... вой, шарманда-е...»

— «Мен унинг номусини ўз кўз ўнгига булғайман, деб касам ичганман. Худо уни шол килиб қўйсин. Ана ўшанда кўчадаги дайди итни бўлса ҳам бошлаб келаман, кўз олдида...»

Зайнаб шу қасамини эсласа ростдан ҳам умиди ушалгандай этлари жимиirlашиб кетади. «Шу иш кўлимдан келармикин?» деб иккиланади.

Аёл қасам ичмасин. Қасд қилдими, шайтон тўрига ўраладио оқибатда унга худо ҳам бас келолмас.

— «Чакир уни...»

— «Нима деб чакираман?»

— «Баҳона топ.»

— «Уяламан.»

— «Бирпас гаплашиб ўтириш мумкин-ку? Масалан... Ака-сингил сингари. Уни чакир, сен ёлғизсан. Сени қуриқлаши лозиммасми?»

Шу тарздаги узок олишувдан сўнг унинг кўли телефон сари узатилди.

Жамшид кўнглига ёқкан жувон билан бир кечакундуз қолиб кетди. У жаннат хурлари билан яшаётгандай лаззат қилиб, Бек акасининг йўқлаб колиши мумкинлигини хам унуди.

Асадбек йўқлатган пайтда у ўйнашини тарк этиб, йўлда келаётган эди. Болаҳонага чиқиши билан йигитлар хўжайн յўқлаганини айтишди. Шу пайтда телефон жиринглади. Жамшид «Бек акамдир», деб гўшакни кўтарди. Кўнгиrok қилган одам дарров гапира қолмади. Жамшид учинчи-тўртинчи марта «алло!» дегач, Зайнабнинг ҳазин овози эшитилди:

— Зайнабман... Ховлида бирор юрибди. Қўрқяпман...

Жамшидинг шошилиб ўрнидан туриши учун шу хабар кифоя эди. Кейин айтилган гапларнинг мағзини у йўлда кетатуриб чақмокчи бўлди. «Кўча эшиги очик турибди... Мошинангизни катта кўчага кўйиб келинг...» Бу гапларга тушуниш унчалик кийин бўлмаса-да, Жамшид ҳақ жавобни олишни истамади.

У Зайнабнинг қарашларидағи сирни билмас эди, десак, сизни алдаган бўламиз. Аёл зотининг қарашларини тушунмайдиган эркак борми ўзи бу дунёда. Жамшид қамоқдан чикқанидан бери аёл зотининг турли тоифасини кўрди. Уларни кўзларига қараб, чиндан суйиб эркалаяптими ё эрсираб колганми, ё дарди пулми, дарров билиб олади. Зайнабнинг қарашлари эса... бошқача эди. Зайнабнинг муҳаббатини тили тиш ҳатлаб ошкор эта олмасди, бирок кўзлари «севаман!» деб дод соларди. Жамшид бу додни кўзи билан кўриб, юраги билан эшитарди. Аммо бу фарёд унинг қалбини ларзага солмасди. Чунки унинг юрагидаги муҳаббат тўйғусини ўсмирилик чоғидаги аёлнинг ўша найранги бўғиб улдирган эди.

У Бек акасига содик эди. Бек акаси учун, хусусан, шу қиз учун жони лозим бўлса, берарди. Аммо кизнинг бу сирли қарашига банди бўла олмасди.

Шаҳар кўчаларидан машинани учириб ҳайдаб «балки бормаганим маъкулдир. Хали хам қайтиб, Рав-

шанни юборайми» деб ҳам ўйлади. «Эри қаёқда экан? Балки боргунимча келиб қолар...» деган фикрда изига кайтмади. Элчиннинг Фарғонага кетганини билганида балки кайтар, шу билан ташвишлардан қутулиб қолмиди...

## 5

Асадбек, Шариф Намозов чиқиб кетгач, уйига қайтмоқчи эди. Чувринди эски маҳалладаги «камри маъруф»га таклиф этилганларини эслатгач, ноилож кўнди. Жалил бошлаб келган чоллар «маҳаллани буздиришига йўл кўймаётган эмишсан», деб кетишганидан бери эски маҳалласига ўтмаган эди. «Бормасам аразлабди, дейишмасин», деган фикрда йўлга чиқди.

Болалиги ўтган уйдан икки эшик нарида одамлар тўпланиб туришган эди. Машинани бериrokда тўхтаби, тушишлари билан тўпдан бир киши ажралиб, улар томон юрди. Асадбек Жалилни таниди.

— Караб тур, ҳозир сасиши бошлайди, — деди Чувриндига.

— Хўп деяверасиз-да, — деди Чувринди кулимсираб.

— Бу маҳаллада ҳам одамлар туришини билармидинг? — деди Жалил салом-алик қилмай. — Қуттириш ҳам эви билан-да. Беш яримга кел, дегандан кейин келда. Омонмисан, ўзинг ишқилиб?

— Ака, хизматчилик-да, иш чиқиб қолди, — деди Чувринди, Асадбек ўрнига жавоб бериб.

— Яхши ҳамки «иш-ш-ш» дейди. «Хих!» деса думингни тутказмас экансан-да, а? — деди Жалил, гапни ҳазилга буриб. — Юракол, Собитхон маъруза киляпти. Қўконга кетиши керак экан зурлаб олиб қолдик.

— Қўконда нима қилар экан? — деди Асадбек.

— Ота-онаси ўша ерда тураркан. Отпускага чиқибди. Бир ой уйида турар экан.

— Имомлар ҳам отпуска қилар эканми? — деб кулди Асадбек.

Асадбек ҳовлига ўрнатилган товуш кучайтиргичдан келаётган майин овоз эгасини Жалил айтмаёқ таниган эди. Асадбекни воиз ўтирган уйга эмас, «нозик одамлар» учун ажратилган хонага бошлаши. Жалил билан Чувринди унга ҳамроҳ бўлишди.

— Зўр гапиради-да, — деди Жалил, чой қайтариб.

Собитхоннинг маърузасини Асадбек икки-уч эшитган, таклифини рад этгани учун уни ёмон кўриб қолган бўлса-да, нутк сўзлашига тан берган эди. Шу сабабли хозир Жалилга эътибор бермай, корининг сўзларига кулок тутди:

— Шундай килиб, ҳазрат Али, Розияллоҳу анҳу, килич ҳам тақмай, совут ҳам киймай, оддий кийимда Зубайр томон юрдилар. Бориб карасаларки, Талха ҳазратлари ҳам мукаммал қуролланган ҳолларида тайёр турибдилар экан. Ҳар иккilarinинг яқинларига бориб, уларга қараб: «Умримга қасамки, сизлар одамларни, отларни жангга тайёр ҳолга келтириб қўйибсизлар. Бироқ, киёмат куни Оллоҳ табарока ва таоло ҳузурига борганингизда унга айтадиган узрларингизни ҳам тайёрлаб қўйдингизми? — дедилар. Сўнг уларни шайтон йўлидан қайтармакни истаб яна шу гапларни айтдилар: — Оллоҳдан қўркинглар, бундай бемаъни урушга бел боғлашдан тийилинглар. Ўзи аввалда маҳкам этган арконни ўзичувалаб ташлайдиган кимса каби бўлманглар. Буюк ислом жамоатини барпо этишда бениҳоя хизмат этган эдингиз. Эндиликда уни парчалаб ташловчи кишилардан бўлиб қолмангиз. Сизларнинг бу ишингиз Ислом жамиятини қиёматга қадар бирлаша олмаслик фитнасига гирифтор этмасун, ўзимиздаги ички адсоватга барҳам бермасак, ташки душманлар бизни тезда мағлуб этажак. Биз мана шундай мағлубият аламига учрамаслигимиз даркор. Биз ички тортишувларни ҳал этмай, ўзаро биродаркушлик оловини ёқиб юборсак, келажак авлодларимиз учун ғоятда улуғ хиёнат қилган бўламиз. Куч факат бирликдадир. Қайси миллат бирлигини йўқотса, ўша миллат келажаги учун қайғурмаган, ўзига ҳалокатни лозим этиб олган бўлади. Орадаги ихтилофни Оллоҳнинг улуғ китобига ҳамда Оллоҳнинг муборак пайғамбарининг курсатган йўлларига амал қилган ҳолда бартараф этмоғимиз даркор...

Собитхон мулоим овози билан барчанинг хаёлини ўғирлаган эди. Хизматчилар шарпасиз юришга уриандилар. Зарур гапи борлар бир-бирлари билан пичирлашиб муомала қиласидилар. Асадбек Собитхоннинг шу фазилати учун ўзи курдираётган масжидга имом бўлишини истаган эди. Бу «манман кори» эса рад этди. Асадбек факатгина имомнинг ширали овозига маҳлиё

бўлмай, айтаётган гапларининг мазмунидан мастҳам эди. Худди бирор у келишидан аввал имомга «Асадбекнинг юрагида шундай яширин дард бор», дегану Собитхон атайин шу мавзуда маъруза бошлаган. Суҳбат ниҳоясига етгандан сўнг ҳам издиҳом ахли воизнинг сўzlари таъсирида бироз жим ўлтириди. Асадбек совуб колган чойига караб ўйга ботди. «Бирлигини йўқотган миллат келажаги учун кайгурмаган бўлади... Биз-ку, бирлаша олмаймиз. Сиёсатчиларга нима бало бўлган? Биз пул талашамиз. Дардимиз ҳам, имонимиз ҳам пул. Уларнинг имони — амал. Ҳайдарнинг гапи тўғри. Ҳакикат, миллат, деб валдираётган хунасаларга биттадан «Волга» берилса овози ўчади. Биттаси ўзимизнинг депутатми...»

— Чойингни янгилашиб берай, — деди Жалил, Асадбекнинг хаёлини тўзитиб. — Вактлирок келганингда зўр гапларни эшитардинг. Энди ҳамманинг худо дейдиган вакти келибди, ошнам.

— Вакт ўтди, десанг-чи... Биз-ку, худо дермиз-а, лекин... Худо энди бизни бандам дермикин?

— Дейди, нимага демас экан? Беш вакт намоз ўқиганинг ҳамма гунохидан кечаркан.

— Беш вакт намоз етарли бўлса зўр-ку? — Асадбек шундай деб ҳазин жилмайди. — Собитхоннинг гапига қараганда менга ўҳшаганлар кунига эллик маҳал намоз ўқиса ҳам гуноҳини ювишга кифоя килмаскан.

— Қанака гунохинг борлигини биласанми? — Жалил «шу гапларингни дилдан чиқариб айтяпсанми?» дегандай унга тикилди.

Кетма-кет овқат киритилавериб суҳбатнинг белига тепди. Ҳозиргина мазмунли маърузага маҳлиё бўлиб ўтирганлар бир неча нафас ичидаги корин бандаларига айландилар...

Асадбек ўйига хуфтонга яқин кириб келди.

— Эрталабки самолётда кетамиз, — деди у ҳовлига кириб келгач. — Чикиб сўра-чи, Жамшидни топишибдими?

Чувринди болахонага чиқиб, дам ўтмай қайтиб тушди.

— Келган экан, Зайнаб чакирибди.

— Нимага чақирибди?

— Сабабини билишмайди.

— Кетмай тур, — Асадбек шундай деб уй томон

тез-тез юрди. Рўпарасидан чиккан Манзуранинг саломига алик олмай, саволга тутди. — Кизинг қани?

— Уйида, — деди Манзура, хавотирланиб. — Нимага сўрайapsиз? Ҳали келиб кетувди.

— Күёвинг йўқлигини билармидинг?

— Йўқ... айтмади-ку?

— Хе, ношуд. — Асадбек шундай дейишга дедио кетидан ўзича «мен айтмаган бўлсам, каердан билсин», деб уни оклаб ҳам қўйди.

Жамшид Зайнабнига кетди, деганда дастлаб кўнглига хавотир оралаган эди. Ҳозир куёви йўқлигини эслаганида бирданига шубҳа уйғонди. Хотинига бошка гап айтмай, уйига кириб, телефон гўшагини кўтарди-да, ракам терди. Нариги томондан анчагача жавоб бўлмади. Гўшакда эшитилаётган узун дудудлаш уни дам хавотир, дам шубҳа чохи сари тортарди. Ниҳоят, жавоб бўлди. Қизи йифламсираб, озгина зарда билан «Ха» деди. Асадбек гапирмай тураверди.

— Ҳа, гапиринг! — деди Зайнаб зарда билан. Кейин гўшак қўйилди.

Асадбек яна рақам терди. Яна шу ҳол такрорланди. У қизига нима дейишни, шу топда нима қилишни билмасди. Мияси қизиб уни фикрлаш кувватидан маҳрум этган эди. У қайта-қайта рақам тераверди. Бешинчи ё олтинчи мартасида гўшакни Жамшид олди! Шундан кейингина Асадбек хаёлини жамлади. Шошилиб ҳовлига чиқди-да, сигарет чекиб турган Чувриндига қисқагина бўйрук берди:

— Кетдик!

Чувринди қаёққа деб сўрамади.

Жамшидинг машинасини Элчиннинг уйи олдида эмас, тор кўча бурилишида кўрган Асадбек ажабланиб «Тўхта», деди. Пастга тушиб машина атрофида бир айланиб чиқди-да, Чувриндига «Сен шу ерда тур», деб, ўзи куёвининг уйи томон юрди.

Кўча эшик қия очик эди. Асадбек худди ўгридек ичкарига бош сукиб чирок нури тушиб турган деразага қаради-да, ўзидан ўзи уялди. Ёшлик кезлари Қесакполвон билан бирга ўғриликка боргудек бўлса ҳам бунака ишларни Асадбек сира уddaрай олмас эди. Ҳозир уни ташкаридан кузатган киши ўғрилик оламида атак-чечак килаётган бола бўлса керак, деб ўлаши мумкин эди.

Кўнглида дастлаб уйғонган хавотир энди йўкол-

ган, аксинча шубха кучга кириб шармандалик сиртмоғи билан бўйнини бўға бошлаган эди. Қизи йўқолганида, сўнг топилганида, сўнг ҳомиладорлиги ошкор бўлганида шармандалик олови уни куйдирмаган эди. У дамда кўпроқ ўзини айблаган эди. Қизининг юзини шувит қилмаслик учун шу отарчини куёв қилиб эди. Шу масалада янгилишдими? Қизи шунчалик... Бу фикрнинг ўзиёк юрагини музлатиб кўйгандай бўлди.

Шубҳага банди бўлган ҳолда изига қайтишни истамади. У ўзини мажбуrlаб, ховлига кирди. «Ёмон нияти бўлса эшикни очик колдирамиди?» деган фикр кўнглига сал ёруғлик олиб кирмокчи бўлганида «эсидан чикқандир...» деган гумон яна кора чодирга ўради. Асадбек аста юриб келиб деразага яқинлаши. Бўй чўзиб ичкарига карашга юраги дов бермади. Ичкаридан дам Зайнабнинг, дам Жамшиднинг овози келиб турар, кўшкават дераза ойнаклари ичкаридаги гапларни ўғри мушукдай пойлаб турган одам қулогига етишига йўл бермас эди. Дераза қия очик бўлганида балки олам гулистон эди. Асадбек бўй чўзиб мўраламас, ўзича бир хulosага келиб, машъум ҳукмни чиқармас эди.

У деразадан мўралаган онда Жамшид ўрнидан турди. Зайнаб эса унинг бўйнига осилди... Асадбек бу манзараға қараб тура олмади. У аввалига бостириб кирмокчи ҳам бўлди. Аммо ўз қизининг шармандалигини фош этиш унинг учун оғир эди. У шармандалик юкини елкасига ортиб, ховлига қандай шарпасиз кирган бўлса, шундай чиқди. Эшик оғзидан дарров узоклаша олмади. Беш-ўн кадамни юрак тўлғофида босди. Сўнг бир қарорга келиб, тез-тез юриб кетди.

Чувринди тор кўчадан кўз узмай турган эди. Асадбекнинг аста ичкари киргани, бир неча дақиқадан сўнг чиқиб, оғир қадамлар билан юрганини ҳам кўрди. Бек акаси қадамини тезлатгач, машина моторини ўт олдириб, юришга тайёр бўлиб турди. Асадбек машинага ўтириши билан «ўйга» деб буйруқ берди. Чувринди нохуш воеа юз берганини сезди-ю, бироқ «нима гап экан?» деб сўрамади.

Асадбек ховлига кира солиб, Манзурани чақирди:

— Қизингга телефон қил, тайёр турсин, бориб олиб кел, — деди.

— Сиз... бормадингизми? — деди Манзура ўсмокчилаб.

— Мен нима қиласман у ерда? Бошқа ташвишим

йўкми?! — деди Асадбек, ўдағайлаб, Манзура шошиб чиқмокчи бўлганида тўхтатди: — Телефон қил, дедим.

Манзура «шартми» дегандай қараб кўйди-ю, аммо буйруқка итоат этди. Бошка пайт бўлганида шарт эмасди. Асадбек Жамшиднинг тезроқ чиқиб кетишини истаб шундай деб буюрди. Ҳолбуки Жамшид у билан изма-из уйдан чиқкан, Асадбек машинага етай деганида орқасидан кўрган, «Бек акамми ё бошка одамми?» деб тусмол килган эди.

Манзура билан Чувринди кетгач, Асадбек болоҳонага чиқди.

— Хайдар акангни топ. Нариги дунёда бўлса ҳам хозир етиб келсин.

Ярим соатдан сўнг ҳовлида Манзуранинг овози эшитилди. Сўнг Чувринди болаҳонага чиқди. Бир соат деганда Кесакполвон пайдо бўлди. Асадбек икки аъёнини бошлаб пастга тушди. Майдалаб ёмғир ёға бошлаган эди. Осмонга караб, юзини ёмғирга тутди. — Хайдар, Шилимшик ўлдирилган жой эсингдами? — деди осмонга караган ҳолда.

— Эсимда, — деди Кесакполвон.

— Қандай ўлдирилгани-чи?

— Эсимда.

— Шу ишни такрорлаш керак, қўлингдан келадими?

— Кимни?

— Эрталабгача бажарасан. Кимлигини айтганимда «нима учун?» деган савол бермаларинг. Қавказликларинг тайёрми?

— Ҳа.

— Иккала ўлимни бўйнига олсин.

— Кимни?

— Жамшидни...

Кесакполвон ҳайратланиб Чувриндига каради. Чувринди хукмга нима сабаб бўлганини тахминан биларди. Шу боис Кесакполвоннинг савол назарига жавоб бермай юзини бурди. «Балки абраҳлик қилгандир. Лекин дунёда ундан беш баттар абраҳлар яшаб юрганида у ҳам тирик колса бўларди», деб ўйлади. Аммо фикрини тилига чиқариб ошкор этмади.

Иигитлар ичидаги садоқати билан ажralиб турувчи Жамшиднинг ўлимга махкум этилишини Кесакполвон ҳазм кила олмади. Бунақа пайтда карорнинг муҳокама этилиши ман килинган бўлса-да, сўради:

— Нимага?

- Ишинг бўлмасин, айтдим-ку...
- Бек, эрталабгача ўйла.
- Эрталабгача буйрукни бажар.

6

Жамшид тор кўча бошида кетаётган одамни Асадбекка ўхшатиб, юраги бир ҳаприқди. Ҳаяжонини босиш мақсадида чўнтағидан сигарет чиқариб чекди. Шу пайт ховли томондан кадам товушлари эшитилди. «Эргашиб чиқяптими?» деб ўйлаб орқасига ўгирилди. Эшик зичлаб ёпилиб, калит буралди. «Бу ёёғи кизик бўлди-ку?» Жамшид шу фикрда дарвозадан аста узоклашди. Тор кўча бошига етганида орқасига ўгирилди — кўча кимсасиз эди. Машинасига ўтириб дарҳол юргизмади, ўйга толди.

У учун Зайнабнинг руҳий ҳолати бегона эди.

Зайнаб қўнғироқ килиб чакиришга чакирди-ю, уятдан ёниб кетди. Дарров ховлига чиқиб кўча эшикни қулфлади. Бир неча нафасдан сўнг уят алангаси пасайиб, яна шайтон йўриғига кириб эшикни кия очиб қўйди.

Жамшид одати бўйича индамай кириб келди.

— Тинчликми? — деди ўйга кириб.

— Тинчлик... бирор юрганга ўхшади, кўркдим.

— Ҳофиз акам қаердалар? Тўйга кетдиларми?

— Ҳофиз акангиз... — Зайнаб «акангиз» деган сўзга пичинг билан урғу берганини ўзи ҳам сезмай колди, — Фарғонадаги тўйга кетганлар.

— Кеннайимни олиб келайми, ё ўзингни олиб кетайми?

«Қани эди олиб кетсангиз... узокларга... факат иккиласиз яшайдиган жойга... Атрофимизда ҳеч ким бўлмаса...»

— Бирпас ўтиринг, чой ичинг.

— Майли, бир пиёла ичай.

Жамшид ўзини мажбурлаб ўтириди. У Зайнабнинг асл мақсадини билмас эди. Аниқроқ айтилса, гумонининг ҳақиқатга айланиб қолишини истамади. Бир пиёла чойга иккинчиси, учинчиси... уланди. Жамшид камгап, кўзлари ҳам хотиржам боқарди. Бу чиройли кўзларда ишрат учқунлари ёнмас эди. Эркак томон ташаббус кўрсатмагандан сўнг аёл кишига кийин экан. Зайнаб — кизлик орзулари топталган маъсума — иф-

фатини ўзи топтамокқа ожизлик қилмокда эди. «Олов. темирни эритгани каби ошиқ юрак тафти тош қалбларни эритгай», дейишарди. Наҳот Жамшиднинг қалби тошдан ҳам каттирок бўлса?...

«Илон чакса менга унинг заҳри кор қилмайди, аммо жонимнинг чиқиши учун бир қиё боқишинг кифоя»... Кайси бир кинода йигит кўйиб шундай ашула айтган эди. Ажаб, йигитлар кизларнинг биргина қиё боқиши учун ўлиб-тириладилар. Бу тошюрак эса... Ё бу «Ёр азоби мен учун фароғат», дейдиган тоифаданми? Зайнаб уни сухбатга қандай тортишни билмай, хаёлига келган майда-чуйда гапларни кайтармасдан айтаверди.

Жамшид жувоннинг харакатини кузатиб, гаплари ни эшитиб, онда-сонда бир жавоб айтиб ўтираверди. Яхши ҳамки бу ерга келишидан олдин бир кеча-кундуз айш килди. Йўқса, шайтонга хай беролмай қолсами... «Ўзингни бос... Синаётган бўлса-чи?..» Балки акасидай кўрар мени... Аёл киши чақирса максади фактат... Шу бўладими?»

— Нима учун мени шу одамга беришди, биласизми? — Зайнаб шундай деб каттик тикилди. Шу пайтга-ча кўзларнинг тўқнашувидан чўчиётган эди. Бу сафар ҳеч тап тортмай тикилди.

Жамшид дарров жавоб бермади. Сўнг гапни ҳазилга бурмокчи бўлди:

— Бек акам «нимага?» деган саволни ёмон кўрадилар. Акамга «хўп бўлади» дегани кўпроқ ёқади.

Бу ҳазилдан Зайнабнинг зардаси қайнади:

— Сиз... қулмисиз?

Мазкур саволдан Жамшиднинг ҳам зардаси қайнади. Аммо ўзини мажбур килиб кулди:

— Қул эмасман. Ишимиз шунаقا. Ҳамма «нимага?» деб сўрайверса, акл ўргатаверса иш юришмайди.

— Адамдан сўрамаган бўлсангиз, ўзингизча ўйлагидингизми?

— Бу гапларни кўзғама. Бек акам янгишмайдилар.

— Ха... янгишмайдилар... Мени ким ўғирлаган, биласизми?

Жамшид «Ха», деса яна саволлар укига дучор бўлишини билиб, индамади.

— Билмасмидингиз?

— Кўйсанг-чи шу гапларни.

— Билмасмидингиз?.. Сиз... писмиқсиз!.. Сиз ме-

нинг одам эканимни биласизми? — Зайнаб шундай деб туриб йиғлаб юборди.

— Айни пайтда телефон жириングлади. Зайнаб телефон томонга бир қараб, қулини силтаб қўйди-да, гапини давом эттириди:

— Менинг ўрнимда ҳайвон бўлганида хўрланишига чидолмай, ҳеч бўлмаса ўкиради. Эгаенинг раҳми келарди, эгаси хурлатиб қўймас эди.

Телефон жиринглашини қўймагач, гўшакни зарда билан кўтариб «Ҳа!» деди. У томондан жавоб бўлмади. Бу ҳол бир неча марта тақорорлангач, Жамшид «Тўхта, бирор майнавозчилик қиляпти шекилли», деб гўшакни кўтарди. Унинг бу хонадонга келиши ҳукм сари қўйилган биринчи қадам бўлса, бу иккинчиси бўлди. Учинчи-си, энг асосийси эди...

Зайнаб ҳасратларидан бир чимдимини айтиб енгил тортгач, жим бўлди. Унинг ўқсиб, хўрсиниб йиғлаши Жамшидга онасини эслатди. Ҳакам ҳукмни ўқиб, Жамшид қўлига киshan солинганида онаси додлаб юборган эди. Темир панжарали машинага олиб чикишаётганда милиса йигитлар кўнгилчанлик қилиб коидани бузишса ҳам икки-уч дақиқага уларни ҳоли қолдиришганди. Ўшанда онаси хўрсиниб-хўрсиниб йиғлаган эди...

— Зайнаб... мен ҳаммасини биламан, — деди Жамшид бошини эгиб.

— Мен аёл бўлсан ҳам ундан ўч оламан.

— Сен синглимсан... Сен учун мен ўч оламан... Қасам ичаман... Агар сени ҳимоя қиласиган эркак зоти кирилиб битса ўзинг ўч оласан...

Ана шу гапдан кейин Зайнаб ўрнидан туриб келиб, Жамшидни бўйнидан кучиб, ўпиб қўйди... Учинчи ҳал килувчи қадам шу эди...

## ХОТИМА

### ЁХУД ИККИНЧИ КИТОБНИНГ ДЕБОЧАСИ

Зоҳид

1989 йил 29 май

Ўша жой, ўша дараҳт, ўша манзара. Фақат мурда бошқа. Машина бошқа.

— Бизнинг гўллигимизни таъкидламоқчи бўлишганми? — деди майор Солиев.

Зоҳид котиллик ҳакидаги хабарни эшитиб йўлга чикканида айнан шу ер, айнан шу дараҳт деб ўйламаган эди. Манзарани кўриб, ҳайратда турганида майор шу саволни берди. Зоҳид унга жавоб бермай мурдага тикилди.

— Айнан ўшандай эмас, — деди ўйчан. — Ҳозирча иккита фарқ бор. Биринчиси мошина ёнмаган. Бунинг ўрнига мурдани ёкишган.

— Бунинг ҳам бойлигига тегишимабди, — деди машина ичини титаётган Ҳамдам Толипов. — Анчамунча пул. Безаклар бор экан. Йигитлар хисоблашяпти.

— Ўзаро урушнинг бошланганими бу? — деб сўради Зоҳид майордан.

Солиев елка қисиб қўиди.

— Хали вакт бор эди. Қайдам?

— Бизнинг ишимизни осонлаштиришми ё чалкаштиришми мақсадлари?

Бу саволга майор Солиев жавоб бера олмас эди...

## ЭЛЧИН

1989 йил 1 июн

Жамшидни Чувриндининг уйидан чиқаришди.

Зайнаб унинг ўлими ҳакидаги хабарни эшитди-ю, эси оғиб колаёзди. У отасининг пойлаб келганини, фожия унинг амри билан юз берганини тасаввур ҳам кила олмас эди. Зайнаб туни билан мижжа кокмади. Туни билан Жамшид унга ҳамсухбат бўлди. Жамшид

илгариgidек жінгалаксоч эмас, сочларини олдириб бошига дүппи кийиб олган, янада хушрұйлашган Отабек эди. Улар құлвир сочлари майин титраётган мажнунтол панасида, тұлқинчалари ой нури билан үйнашаётган ховуз бүйіда бир-бирларига роз айтдилар...

Кизини пойлаб Манзура ҳам бу тун ухламади. Зайнаб ховли үртасида ҳаракатсиз туриб колганида Манзура зийрак эди. Кизига тикила-тикила құзи толикди. Шошқалок хұроздар кичкира бошлаганида ғафлат босибди. Нече дақика құзи илинди, билмайди. Чүчиб құзини очса — Зайнаб йүк. Манзура ўтирган ерида «Зайнаб!» деб чакириди. Жавоб бұлмади. У «Вой, шұрим!» деганича ҳовлиға оёқланғ ҳолда югуриб чиқди. Ошхонага олиб борувчи усти берк йұлакда осилиб турған одам корасини құриб дод солди. Яхши ҳамки яратған унинг хушини олмади — югуриб бориб қизининг оёқларини қучқлаганича юкорига құтарди. Бу орада болахонадаги сергак йигитлар тушиб, арқонни ечишди.

Орадан бир неча соат үтгач, ҳовлиға Элчин кириб келди. У уйда Зайнабни құрмагач, «онаси никидадир», деб шу ерга келған эди. Субхи содикдаги дақшат тұридан күтилмаган Манзура уни дардли нигоҳ билан қарши олди.

— Зайнаб шу ердами? — деган саволига «Ха», деди-ю, ичкариға таклиф қилайинми ё йүкми, деб иккіланди. Охири бир қарорға келиб: — Етиби, тоби йүк-рок, — деди.

Зайнаб каравотда сочлари паришон ҳолда, құзларини бир нұктага қадаб ётар эди. Манзура кизига қараб туриб хұрлиғи келди. Пастки лабини тишлиб, үиғлаб юбормаслик учун ташкариға чиқди.

— Нима бұлды? Тузукмисиз? — деди Элчин.

Зайнаб унга бир қараб олғач, құзини шифтдаги яна үша нұктага қадади:

— Мен... үзимни үлдирмокчи эдим... — деди Зайнаб хаста овозда.

Элчин нима дейишини билмай гангиб қолди.

— Мен... яшаши истамайман... Жамшид акамнинг ёнларига боришини хохлайман...

— Жамшид? Қайси Жамшид?

— Жамшид акамни үлдиришди. Мен Жамшид акамни яхши күрардым. Худодан яширмаганни сизден яширмайман... Худо жонимни олмади. Болангиз

туғилганидан кейин... мени ўлдириңг!.. Мен... Сизга хиёнат қилдим...

— Йўк! — деди Элчин титраб.

— Эркак бўлсангиз, мени ўлдирасиз...

— Йўк! — Элчин бу сафар қаттиқ бакирди. Зайнаб шифтга қадаган нигохини узиб унга қаради.

— Ўлдирасиз... — деди пичирлаб.

Манзура кириб, Элчиннинг енгидан аста тортди.

— Сизни ҷақиришяпти.

— Зайнаб, бу гапни миянгиздан чиқариб ташланг, ишонмайман! — деди Элчин, орқасига тисарилаб.

Катта хона ўртасида Асадбек билан Кесакполвон тик турган ҳолда гаплашишарди. Элчин кириб келгач, Асадбек дарғазаб кўзларини унга қадаб, тик босиб келди.

— Жамшидда нима қасдингиз бор эди?! — деди у титроқ овозда.

— Жамшидда? — Элчин довдиради. — Нима бўлди ўзи, ҳозир эшилдим...

Гапини тугатишга улгурмасдан Асадбек уни гирибонидан олди.

— Жим юргин деганимидим? Қасосингни олган эдинг-ку?

— Бек ака, аввал гапимни эшилинг. Ҳозир Фарғонадан келяпман, ахир.

— Ҳайдар, Шилимшик қандай ўлдирилганини кўрганимидинг? — деди Асадбек уни қўйиб юбормай. — Айт бунга, кўрганимидинг?

— Кўргандим.

— Жамшидни-чи?

— Кўрдим. Ўша дарахтга осиб, ҳалигиси кесиб ташланибди.

Асадбек Элчиннинг гирибонидан кўлини олди-ю, уша захоти жағига мушт туширди. Элчин гандираклаб кетди. Ўзини ўнглашга улгурмай Кесакполвоннинг тепкисини еди. Асадбек ғазаб отига миниб томоша кўрсатмаётган эди. У Жамшидинг ўлимида Элчинни чиндан ҳам айбли деб санади. Назарида Элчин дайдиб кетмай уйида ўтирганида, хотинига яхши қараганида бу кўргулклар йўк эди...

## АСАДБЕК

1989 йил 6 июн

Аср намозига азон айтилган дамда Асадбекка депутат қўнғироқ қилди:

— Ака, аҳвол чатоқ, мен билан Фарғонага бориб кела олмайсизми? — деди ҳовликиб.

— Нима гап ўзи? — деди Асадбек.

— Йўлда тушунтириб бераман. Аэропортга кела-веринг.

Асадбек самолётга чиқмай туриб, Фарғонада нималар бўлаётганини эшигтгач, Зелихоннинг гапларини эслади.

— Бу жанжалларга менинг нима алоқам бор? — деди Асадбек.

— Сиз у томонларда кўп одамларни танийсиз. Мени ўша ердан сайлашгани билан ҳеч кимни танимайман. Ёнимда бўлсангиз...

Асадбек унга қараб турди-да, кўл узатди:

— Яхши бориб келинг...

\* \* \*

Ҳар бир тоғнинг чўққиси бўлганидек, шайтанат олами воқеаларининг баёни ҳам шу нуктада чўққисига боради. Бу демак, Оллоҳнинг мадади ила биринчи китоб ниҳоясига етди. Омин ва Роббил оламин.

## АЛВИДО ОТЕЛЛО

«... Агар диний ақидалар ҳақиқатын  
айланиб, менинг кўрганларимни ер  
Чигатойгача етказса, Аброр Ҳидоятов.  
шубҳасиз, гўрида тик турад эди»  
(Профессор Халил Давроннинг  
Тошкентга юборган мактубидан).

«... Ер юзида одам зотининг вужудга келиши, шаклланиши,  
хозиргидай шаклу шамойилга, энг муҳими — онга эга бўлиши учун  
бир неча миллиард йил талаб килинди. Инсониятнинг онгдан,  
фикрлашдан маҳрум бўлиши учун канча фурсат керак? Мил-  
лиард йилми? Йўқ, бир неча йил кифоя. Бу борада дастлабки  
кадам қўйилгани муносабати билан... таъзия изҳор этаман».

(«Отелло» спектаклининг премьерасидан сўнг бўлиб ўтган зиёфат-  
да академик Муҳаммад Султонов сўзлаган нутқдан.)

— Янглишмадингиз. Халил Даврон,— у шундай деб  
кўл узатди.— Санъатшуносман.

— Профессор Халил Давроннинг мақолаларига кў-  
зим тушиб турад эди. Айниқса, дадил танқидий фикр-  
ларингизга беш кетардим. «Халил Даврони ким бўлди  
экан?» деб юрардим. Танишганимдан хурсандман. Mu-  
хаммад Султонов.

— Академик Султоновни мен ҳам ғойибона билар  
эдим. Учрашган еримизни қаранг. Икки ўзбек бир-  
бири билан туманли Лондонда танишса, кизик туюлар  
экан.

— Такдир-да. Сиз қачон келдингиз?

— Бугун саҳарда, Сиз-чи?

— Келганимга бир хафта бўлди. Роботехника ва  
психоробиканинг келажати ҳакида етти кун баҳслаш-  
дик. Профессор, мени бу оқшом бир ҳамкасбим уйига  
таклиф килган эди. Агар зарур юмушингиз бўлмаса,  
бирга борсак.

— Бажонидил. Аммо мен сұхбатларингизга халакит  
бермасам эди, деган хавотирдаман.

— Мутлако хавотирланманг. Қелинг, сизни хижолату-хавотирдан холи килиш учун уни ташрифимиздан огох килиб кўяй. Айтмокчи, профессор, сизни Лондонга қайси шамол учирди?

— Инглизлар сирли, ғаройиб томошага таклиф килишган.

— Каминалари ҳам бу таклифдан бенасиб эмаслар. Инглизларнинг тилсимотини бирга баҳам кўрар эканмиз. Нур устига аъло нур бўлибди.

Лондон қўёши икки кундан бери юз кўрсатмайди. Эзилиб ёғаётган ёмғир на тинади, на тезлашади. Ўтган асрда қад кўтарган иморатлар ХХI аср мўъжизаси — биллурсимон бинолардан тараляётган хира нур оғушида. Качонлардир бу уйлар муҳташам хисобланиб, аср кўрки сифатида савлат тўкиб турарди. Арзимаган вакт ичиди улар баландликда ҳам, кўрк ва муҳташамликда ҳам ракобатга бас келомай қолди. Инвентинстритдаги бу иморатлар энди XX асрдан бир ёдгорлик. Муҳаммад Султоновни таклиф этган Жемс шу уйларнинг бирида истикомат қилади.

Мехмонларни бир-бирига жуда ўхшаш икки киши кутиб олди. Муҳаммад Султонов улардан бирининг бесўнакайрок қадам ташлашига қараб, кибернетик эгизак эканлигини сезди.

— Жемс Кенти,— деди уларнинг бири Халил Давронга қўл узатиб.

— Кенти — 2,— деди бесўнақай одимловчи эгизак.

Даврон Халил бунга тушунмай ҳамрохига каради. Кенти буни сезиб, изоҳ берди:

— Бу менинг кибернетик эгизагим. Қўполрок килиб айтганда, роботларнинг энг янги тури. Ўзим яратганман. Шунинг учун у үзини «Кенти-2», деб танишиди.

Даврон Халил кибернетик эгизакларнинг овозасини эшитган, аммо үзини кўрмаган эди.

Улар XX аср услубида безатилган шинам хонага кирдилар. Кенти — 2 уларнинг хизматида бўлди. Жемс Кенти мехмонларнинг ташрифидан бенихоя мамнун эканлигини яна бир таъкидлаб қадах кўтарди.

— Осиё дунёга энг буюк алломаларни берган. Бу ҳакиқатдан кўз юмолмаймиз. Аммо бу сирли диёр бир неча аср ухлаб қолди. Мен Осиёда, албатта, фан оламини назарда тутяпман, уйғониш палласи авжга чиқкан бир даврда яшаётганимдан, буюк алломалар-

нинг асл ворислари билан ҳамсухбат бўла олганимдан бехад шодман. Жаноблар, сизларнинг ташрифингиз ва саломатлигингиз учун!

Жемс Кенти чертиб-чертуб сўзловчи, камгап одам эди. Мезбонинг бу одати даврага файз бермади. Мухаммад Султонов билан Жемс Кенти роботехниклар анжумани ҳакида бир оз сўзлашишгач, сухбат мавзуи кутилаётган томошага кўчди. Халил Даврон шундагина гапга қўшилди:

— Мистер Кенти, томошаларингиз чиндан сир сакланяптими?

— Ҳа, жаноб, сир! — Жемс Кенти шундай деб кулиб кўйди. — Бир кунгина сабр қиласизлар, кейин ҳаммаси ойдин бўлади. Жаҳонга Шекспирни берган Англия уни ҳаётга қайтадан йўллади.

— Яъни?.. Унинг эгизаги яратилдими?

— Менингча, Шекспирнинг эгизагига хожат йўк.

— Мистер Кенти, ҳаракатларингиз детектив фильмларни эслатяпти.

— Наилож, шундай қилишга мажбурмиз. Агар олдиндан ҳаммасини айтиб қўйсан, томошанинг қизиги колмайди.

Шу пайт деразанинг ўнг томонидаги видеофон экрани ойдинлашиб, ёш бир йигит кўринди.

— Хело, мистер Кенти, эрталабки аҳдимизга биноан сизни безовта қиляпман.

— Шу ишни эртага қолдирсан бўлмайдими?

— Ҳеч иложи йўк.

— Undай бўлса келаверинг.

Видеофондаги тасвир йўколди.

— Мухбирлар бир тўр ташладими, кутилиш амри маҳол. Итга айлантирилган бола ҳакидаги фикримни билмоқчи бўлиб кечадан бери безор қилиб юборди.

— Итга айлантирилган?

— Ҳа. Аммо, бу илмий кашфиёт эмас. Тасодифий бир нарса. Кеча газеталар шов-шув бошлиди. Бундан ўн етти йил илгари Мервин Стивенсон деган кишининг Америкадан сотиб олиб келган кимматбаҳо бир ити йўқолади. Стивенсон Мак Стоун деган кишидан гумон қилиб жанжал кутаради. Аммо ҳеч иш чикаролмайди. Орадан кўп ўтмай, Стоуннинг уч яшар ўғли йўқолади. Йиллар ўтиб ит можараси унутилади. Стоун ҳам ўғлидан умидини узади. Кеча Ньюстрит-

даги одамлар ғалати воқеанинг гувохи булибдилаар. Бакувват бир йигит Стивенсоннинг уйидан кӯчага отилиб чикиб, одамларга қараб вовуллабди. Етти кишини кекирдагини тишлаб, узиб ташлабди-да, яна уйга кочиб кириб кетибди. Маълум булишича, бу йигит Стоуннинг ўн етти йил илгари йўқотган ўғли экан. Стивенсон «Стоун менинг итимни гумдон қилди. Энди унинг ўғли итим ўрнини босиши керак», деб болани ўн етти йил давомида бир хонада саклабди. Хонадаги карнайдан факат итларнинг овози эшитиларкан. Неча минг километрли киноленталарга ҳам факат итлар олинган экан. Хуллас, Стивенсон бола онгига итларнинг феълини сингдирибди.

— Кейин кӯчага қўйиб юборибдими?

— Энг қизиги шундаки, йигит аввал Стивенсоннинг кекирдагини узган. Нима учун бундай бўлганини ҳеч ким билмайди.

Видеофонда Кенти — 2 куринди:

— Сэр, муҳбир келди.

Азизим, у билан ўзинг муомала қиласкер.

Экрандан Кенти — 2 нинг тасвири йўқолди.

— Мистер Кенти, янгишмасам, газета сизнинг фикрингиз билан қизиқяпти-ку?

— Жаноб Султонов, биз ҳар бир майда — чўйда ишга аралашавермаслигимиз керак. Арзимаган бир воқеани газетачилар ўзларича шов-шув қилиб юришибди. Бу муҳокаматалаб иш эмас. Бола итчасига тарбияланса — ит бўлади, бўрилар тўдасида ўсса — бўридан фарқ қилмайди. Ҳаммаси атроф-мухитга боғлик. Буни тахлил этиш бизнинг вазифамиз эмас.

— Аммо... масаланинг ижтимоий томони ҳам борку?

— Кенти — 2 бу томонга ҳам пишик.

— У оддий одамдан юз чандон ақлли булиши мумкин. Лекин содир бўлган воқеанинг даҳшатини ҳис килолмайди.

— Юраги йўқ демоқчимимиз?

— Ха.

— Буни жаноб Султонов ҳам айтган эдилар. Дарвоқе, жаноб Султонов, мен маърузангиздаги бу фикрни ҳам ўйлаб кўрдим. Кибернетик эгизакларга табиий юрак ҳам ўрнатиш мумкин экан.

— Роботларга ўз юрагини инъом этадиган одам ҳам бор эканми?

— Жаноб Султонов, бу киноянгиз ўринсиз. Хеч ким юрагини «ма, ол», деб бермайды. Аммо ер юзида күнгилсиз ҳалокатлар, деган гап бор. Қолаверса, астымиз рухий bemорлар масаласини ҳал килиш кудратига эга эмас. Бу bemорлар жамият учун... ортиқча. Юраклари эса фойда бериши мумкин.

— Гапларингиздан Адольф Гитлернинг хиди келяпти, мистер Кенти.

— Жаноблар, бу даражага бормайлик. Мен ҳали тажриба бошлаганим йўқ. Бу шунчаки гап, холос. Қолаверса, мен кибернетик эгизакларга табиий юрак ўрнатишнинг мутлак душманиман. Қелинглар, бу гапларга чек қўяйлик. Азиз меҳмонларим билан баҳслашиб, уларни толиктириб қўйишдан хижолатдаман. Яхиси, санъат ҳақида сұхбатлашайлик.

Жемс Кенти шундай деб Даврон Халилга қаради, Санъат мавзуига дахлдор сұхбат ҳам ковушмади.

Эртасига окшом пайти жаҳондаги бир канча телекомпанияларнинг вакиллари, телешарҳловчилар Лондондаги Марказий театр биносида тўпландилар.

Мухаммад Султонов билан Даврон Халил учун олдинги қатордан жой ҳозирланган эди. Жемс Кенти уларни ёлғизлатмади.

Саҳна пардаси театр одатига хилоф равишда очик эди. Даврон Халил бир карашдаёқ саҳнанинг торрок эканини, кучли нур юборувчи чироқларнинг йўқлигини сезди.

Залга қуюқ коронғулик чўка бошлади. Қўп ўтмай, саҳна тўридаги ок мато аста ёришди. Қадимги Венеция кўчаси, турли юмушлар билан банд бўлган одамлар, аслаҳали ҳарбийлар, чавандозлар кўринди. Кейин бу тасвир хиракатларни тасвирлайди. Ҳаракат сусайди: шаҳар тун пардасига чулғанди. Тасвирдаги харакатлар буткул тингач, саҳнада бесўнақай, кадам олишлари кўпол одамлар кўринди.

«Булар ҳам роботлар, шекилли?» — деб ўйлади Даврон Халил ўзича. Фикрини Султоновга айтмоқчи бўлиб энгашганида, саҳнадагилар тилга кирди:

«— Яго, кўй, кўп гапирма. Менга жуда ёқмасдан колди.

Пулларимга худди ўзинг хўжайин каби

Валламатлик қиласан-а..

— Ё тавба-е, Родриго, гапга кулок солмаётибсиз.

Агар бу ўй етти ухлаб ёдимга тушса, ундан кейин мендан нафоат қылсангиз, майли».

Томошабинлар саҳнадан анча йирок ўтирсалар хам, сўзлар жуда яқиндан эшитиларди.

Родриго билан Яго саҳна ўртасига келиб сухбатларини давом эттираётганларида, Даврон Халил Султоновга аста пичирлади:

— Сезяпсизми? Гапларнинг оҳангি сал... бошқачарок-а?

— Совукрок, демокчимисиз?

— Ха, хиссизрок, сунъийроқми...

— Тӯғри. Булар одам эмас-да.

— Роботларми?

— Синчиклаб каранг. Томошанинг сири шу бўлса керак.

Брабанцио «Хой, куролланинг!» деб бакириб, машъала тутганича Родриго билан саҳнанинг чап томонига юргач, оқ матодаги тасвир аста ўзгариб, тун кўйнида мудраётган Венециянинг бошка кўчаси кўринди. Саҳнага машъала ушлаган кароллар билан Отелло чикиб келганида, Даврон Халил ҳамрохига савол назари билан караб олди. Отелло оғзидан «Шунинг яхши...» деган биринчи сўз учганда улар яна бир-бирларига савол назари билан карадилар. Дақика ўтмай,

«Севмасайдим у севимли Дездемонани,

Денгизларнинг баликлари чакирса мени

Хур, дарбадар хаётимни алишмас эдим»,—

деган сўзлар эшитилгач, Даврон Халил ҳайратини яширолмади:

— Овоз Аброр Хидоятовнинг ўзи. Агар у Отеллони инглиз тилида ўйнаса, худди шу оҳангда сўзлаган бўларди. Имоним комил!

Уларнинг пичирлашишларини эшитиб ўтирган Кенти сухбатга қўшилди:

— Жаноблар, назаримда саҳнадаги Отелло хусусида сузлашаяпсизлар, шекилли? Ватандошингизни танияпсизми?

— Кандай қилиб...

— Кейинроқ жаноб, кейин гаплашамиз...

Даврон Халил Султоновга қаради:

— Сабабини англамадим, бу ҳам роботми?

— Ха, роботнинг мукаммалроқ бир тури. «Кенти — 2»га ўхшаш кибернетик эгизак.

Саҳнадаги воеалар давом этиб, Отелло маълум ва машхур монологлари ўқиган сари уларнинг дастлабки хаяжонлари ўлиб бораверди. Саҳнадаги Отелло, факат Отелло эмас, бошқалар ҳам, китобдан ўқиб бергаётгандай сўзлашар, ҳаракатларида кескинлик, хаёт нишонаси йўқ эди.

Отелло «Мен коп-кораманми?..» деб сўз бошлаганда Даврон Халил бош чайқаб пичирлади:

— Йўқ, бу Хидоятов эмас. Ўтган асрнинг киноленталарида у ижро этган Отеллони кўрганмисиз? Эътибор қилинг-а. Бу ерда унинг юраги сезилмаяпти. Бу гапларни хидоятовчасига айтиш учун Хидоятовнинг юраги керак. Юраксиз бир темирнинг Отеллони ўйнаши...

Томошанинг колган кисмини локайдлик билан кўришди. Дездемонанинг ўлдирилиши тасвиранувчи жой келганда Даврон Халил аччиқланганини яшимради.

Отелло рафиқасини бўғмокчи бўлганида, у ҳадеганда эш бермади. Сапчиб туриб кетаверди. Отелло унинг орқасига ўтиб ниманидир тортиб юборди-ю, Дездемона бўм-бўш копдек «шилқ» этиб тушди. Сўнг Отелло уни кўтариб парда билан ўралган каравотга ўткизди-да, «бўға бошлади». Сахна орқасидан «ҳой, афандим!» деган овоз келгачгина, «Ўлдими ё ўлган йўқми? Каттиққўллигим билан шафқатим ҳам бор», деб кўйди.

Томоша тугагач, саҳнага ижрочи роботлар тизилдилар. Кейин томошанинг ижодкорлари, роботехниклар, санъатшунослар чиқдилар. Қарсак чалиб, Жемс Кентини кутладилар. Кенти саҳнага чиққач, ҳамма тинчили.

— Хонимлар ва жаноблар,— деди Кенти хаяжонли овозда.— Йиллар асрлар ўтар, лекин бугунги кун жаҳон театрининг тарихида буюк инқилоб куни сифатида колади. Жаҳонга Шекспир каби буюк зотни берган Англия бугун янги театр яратди. Роботлар театрда ҳам дадиллик билан ҳокимликни кўлга олдилар. Бу кунга етишиш учун биз ун беш йил меҳнат килдик. Икки юз йил ичida «Отелло»да ўйнаган барча актёрларнинг овозини, киноленталарни тўпладик. Бугун кўрганингизни жаҳон актёрларининг сайланмаси десак ҳам бўлади. Биз бу томоша учун энг буюк актёрларнинг кибернетик эгизакларини яратдик. Отелло ролига биз йигирманчи асрнинг ўрталарида шухрат топган ўзбек актёри Аброр Хидоятовни танладик.

Унинг ижросини Шекспир орзу килган ижрога якин деб топдик...

Қарсаклар янгради. Кенти бошқа актёрларни бирбир санаб бўлгач, барчани зиёфатга таклиф этди.

Мехмонлар театр боғи томон йўналдилар. Султонов билан Даврон Халил кичик фаввора ёнидаги шийпонга бурилишиди.

— Тушунолмай қолдим,— деди Даврон Халил,— «Оламшумул», «Буюк», «Инқилоб» деб жар солишаپти. Бу томошанинг нимаси буюк? Шекспир гўрида тик турмайдими?

— Улар йигирма биринчи аср — роботлар асли, деган тушунча билан яшаяпти. Роботлар хар соҳада инсоннинг ўрнини эгаллаши керак, деган гапни салкам конун деб биладилар. Бу гап факат корхоналарга тегишли десам, театрга ҳам жорий қилишибди.

— Бу кетишда якинда ўзлари роботларнинг қулига айланишмайдими?

Академик жавоб беришга улгурмади. Қалин дафтар кутарган оппок нозик қиз шийпонга якинлашиди:

— Жаноблар, театрнинг хотиралар дафтарига фикрларингизни ёзиб қолдирмайсизларми?

— Албатта, албатта ёзаман,— деди Даврон Халил. Кейин қизнинг кўлидан дафтарни олиб, академикка узатди.— Марҳамат, аввал сиздан бўлсин.

— Бор гапни ёзамиз, а?— Мухаммад Султонов шундай деб бир оз ўйга чўмди. Кейин «Хайр, Отелло, хайр Дездемона! XXI аср инкилобининг қурбони буюк Шекспир, хайр!» деб ёзди-да, Даврон Халилга узатди. У академик битган сатрларни ўкиб, кулимсираб бош чайқади.

Менинг фикримни ҳам ёзиб кўйибсиз. Жиндаккина таҳрир қисам, қарши эмасмисиз?

— Бемалол.

Даврон Халил «Хайр» деган сўзларни аста ўчириб, тепасига «алвидо» деб ёзиб чикди-да, имзо чекди.

